

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника  
Давлат қўмитаси

Аҳмад Алиев

Маънавият, қадрият ва  
бадиият  
(Ватан фидойилари)



Тошкент  
“Академия”  
2000

Масъул муҳаррир: Фатхулла Эргашев, тарих фанлари  
номзоди

Тақризчилар:

Йўлдош Сулаймон, ёзувчи;  
Малик Муродов, филология фанлари  
доктори, профессор;  
Наим Каримов, филология фанлари  
доктори, профессор.

Ушбу китобда XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётининг шаклланиши ва унинг моҳияти таҳлил қилинади. Олим мазкур мавзуда 1950 йилнинг ўрталаридан буён шугулланиб, ўнга яқин китоблар, юзлаб мақолалар эълон қилди. Китобдан жой олган маънавий сарчашмалари, Туркистон умумий уйимиз, “Тарихнинг тарбиячилиги нимада” туркумидаги таҳлилларда миллий кадриятларимиз, буларнинг бутунги кун ва келажак таракқиётимиз учун аҳамияти, мавқеи, умуминсоний фазилатларга айланиб кетаётгани хусусида фикр юритилади. Қодирий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Ғози Юнус, Ботуларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳолисанлиллоҳ гавдалантирилади.

Китоб филолог мутахассислар, тарихчилар, файласуфлар, шунингдек маънавий, маърифат билан кизикувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## Сўз боши

Маълумки, қизил империя даврида ўзбек халқининг фидойи фарзандларидан бир қанчаси қувғин қилинди, уларнинг ижоди учун тўсиқлар майдонга келтирилди ва ҳатто уларнинг жонига қасд этилди. Аммо ўзбек халқининг Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Боту каби кўпгина фарзандлари даҳшатли давр шароитида ўз халқи маданияти учун қўлидан келган муҳим ишларни амалга оширишга, келгуси авлод учун жуда муҳим маънавий мерос қолдиришга улгурдилар. Бу уларнинг ўз халқига бўлган садоқатининг яна бир далилидир.

Аҳмад Алиев шу бой меросни ўрганишга илк маротаба қўл уришга журъат этган ва бу соҳада ишлар қилишга улгурган адабиётшунос олимларимиздан биридир. У Абдулла Қодирий ҳақида номзодлик диссертацияси ёзиб, уни кўп қийинчиликлар билан ҳимоя этишга муваффақ бўлди. Юртимиз истиқлолга эришиши натижасида Аҳмад Алиев бу савоб ишни кенг қўламда давом эттириш имкониятига эга бўлди. Муаллиф ушбу асарида яқин ўтмишимиздаги адабий меросимизни ёритиш масалаларига янгича ёндашиб, унинг янги қирраларини очади ва ўқувчига шу вақтгача номаълум анча материални илмий истеъмол доирасига киритади.

Халқимизнинг буюк фарзандлари томонидан бизга қолдирилган мероснинг аҳамияти ҳали-хануз биз томондан етарлик қадрланган эмас. Ваҳоланки, уларнинг ҳаёти ва ижодий маҳсулоти яқин ўтмишимиз манзарасининг муҳим томонигина эмас, бугунги ҳаётимизнинг ҳам зарур унсуридир. Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби буюк шахслар томонидан қолдирилган меросни тиббиёт илмида “кислород ёстикчаси” деб аталмиш жуда муҳим шифобахш асбобга ўхшатиш мумкин. Маълумки, кислород билан тўлдирилган бу “ёстикча” ҳар гал беморнинг холи оғирлашиб қолган чоғда қўлланилади ва беморни ҳаётга қайтаради. Шартли равишда айтиш мумкинки, халқимизнинг маърифатли, истеъдодли ва серғайрат фарзандлари томонидан бизга қолдирилган мерос халқимиз

учун ана шундай “кислород ёстикчасидир”, у бизга маънавий мадад керак бўлиб қоладиган ҳар соатда асқотади.

Бу меросни кенг ва чуқур ўрганиш энди бошланаётир, деб айтиш мумкин. Шу сабабли, мазкур китобда бу муҳим муаммога қайтиш жуда ҳам зарурий ва самарали қадамдир. Китобда баҳсли фикрлар ҳам мавжуд. Аммо ҳар бир илмий асарда маълум даражада баҳсли фикрлар мавжуд бўлганидек, бу китобда ҳам уларнинг учрашини табиий ходиса, деб баҳолаш лозим. Мунозарали фикрларнинг мавжудлиги китобнинг қимматини пасайтирмайди. Шунинг учун биз мунозарали фактларни муҳокама этишни илмий доиралар ихтиёрига ҳавола қилиб, ушбу китобнинг катта қимматини қайд этиш ва унинг нашр этилишини табриклаш билан чекланиш мумкин, деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

*Иzzат Султонов, академик.*



# Кириш

*“Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлокий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб, ўз истикболини тасаввур эта олмайди”*

*Ислом Каримовнинг “XXI аср бўсағасида: лавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари” китобидан.*

Юртбошимиз асаридан келтирилган кўчирма биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган мавзумизнинг туб негизию, асосий йўналишини белгилаб беради.

Тўғри, юртимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган йилларда тарихимиз, миллий кадриятларимиз, анъаналаримизни тиклаш борасида озмунча ишлар қилинмади ва бу ҳамон узлуксиз давом эттириляётгани кўз олдимизда рўй бераётган, ортиқча исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Фарғоний, Термизий, Бухорий ва буюк бобомиз Амир Темур таваллудларининг нишонланаётгани, уларнинг то истиклолгача қабрга кўмилгандай яшириб келинган маънавий хазиналари бизга қолдириб кетган оламшумул, бекиёс қимматбаҳо асарларининг бирин-кетин нашр этилиб, халқимизга етказилаётгани ҳақида ахборот воситалари ҳар куни маълумот бериб турибди. Юқорида таъкидланганидек, бугунги ва эртанги ривожланишга маънавий меросдан таянч нуқтаси сифатида фойдаланилмас экан, келажак тараккиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Миллий кадриятларимиз, маънавий мерос деганда талай маъноларни англаш мумкин ва шулардан бири, бизга қолса энг муҳими, шубҳасиз, ўзбек адабиёти бўлиб чиқади. Зеро, ҳар бир халқ адабиёти дастлаб ўз миллий тарихи, миллий анъаналари, миллий маданияти ва миллий маънавиятини ифодалаш билан қимматлидир. Миллийлик ҳар бир халқ адабиётининг энг қимматли фазилати эканлигини буюк даҳолар муттасил укдириб келганлар. Агар биз шу нуқтаи назардан XX аср ўзбек адабиёти тарихига ёндашадиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган шоир, адиб, олимларимиз, кўплаб зиёлларимизнинг бутун ҳаёти-ю, фаолиятлари асос эътибори

билан, аввало, Миллий Мустақилликка нақадар ёниб интилишга қаратилганлигини кўраимиз.

Кейинги йилларда XX аср ўзбек адабиёти тарихига оид бир қатор ишлар қилинди. Китоблар, мақолалар ёзилди, диссертациялар ҳимоя қилинди, бу жараён ҳамон давом этмокдаки, буларнинг ҳаммаси маънавий дунёмизда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу бизга буюк истиқлолимиз ато этган энг юксак неъмат деб аталса ҳам муболаға бўлмайди...

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг таваллудларига юз ва юз ўн йил тўлганлигини катта тантаналар билан нишонлангани, асарларининг нашр этилаётгани, улар ҳақида кўплаб олимларнинг янгидан-янги мақолалари эълон қилиниб турилганлиги - ҳаммаси бизга яна ўша буюк Истиқлол ато этган неъматларнинг XX аср адабий меросини ўрганиш бобидаги самараси бўлиб чиқади. Шу ўринда бир савол туғилади: модомики, XX аср ўзбек адабиёти ҳақида шунча ишлар қилинган экан, яна бу мавзуга махсус тўхташга ҳожат борми? Ҳамма гап шундаки, ҳожат тўлиб ётибди. Маънавий мероснинг энг буюк қиммати ҳам шулки, унга йилларгина эмас, асрлар оша барча авлод вакиллари қанча кўп мурожаат қилсалар, уларнинг янгидан-янги қирраларини шунча кўп очишга муваффақ бўладилар. Бинобарин, миллий қадриятлар, маънавий меросга ҳар бир авлод даври дунёқараши нуқтаи назаридан ёндашади, кун тартибига чиқаётган муаммоларни ҳал этишда улардан ижодий фойдаланади. Бугина эмас, агар миллий маънавият ўзининг тор миллий қобиғидан нарини кўрмаса, унда айрим умуминсоний фазилатлар мужассамланган бўлмаса, бундай мерос узоққа боролмайди. Миллий қадриятларнинг ўз миллати, халқи манфаатлари билан бирга умуминсоний тараққиётга ҳисса қўшгани билан қимматлидир. Агар жаҳон адабиёти тарихига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Шекспир, Алишер Навоий, Пушкин сингари даҳоларнинг барча асарлари ўз миллий фазилатлари, хусусиятлари билан бирга умуминсоний фикр-мулоҳазалар қўпчилиги учун бутун жаҳон халқлари қалбида ардоқланиб келинмоқда. XX аср бошларида яшаб ижод қилган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Элбек, Ғози

Юнус ва уларнинг сафдошлари меросини қанча ўрган-сангиз, мохиятига чуқурроқ кириб борасиз, янгидан-янги кирраларини кашф этасиз. Бу буюк аждодларимиз, аввало, чор Россиясининг мустамлакаси бўлмиш Туркистонда даврнинг барча дахшатларини кўрдилар, ундан кейин кизиллар босқини гирдобида - ҳукмрон мафкура дахшатлари остида ижод қилдилар. Даҳоларнинг айрим ўткинчилардан фарқлари ҳам шулки, улар яшаган даврлардан узоқлашган сари маънавий мерослари кадри оша боради. Агар шундай бўлмаса, юқорида номлари санаб ўтилган Шекспир, Навоий, Толстой ва уларнинг ҳамфикр сафдошлари асарлари беш-олти юз йиллардан буён ўрганилармиди?! Фарғоний, Бухорий сингари аждодларимизнинг маънавий хазиналари минг йиллаб ўрганилармиди?! Агар шу нуқтаи назардан қаралса, XX аср бошларида яшаб ижод этган шоир, ёзувчи, олимларимиз ҳаёти ва ижодий маҳсулотларини тўғри ўрганиш, уларнинг тарихдаги ўрнини холис баҳолаш етмиш йиллардан ортиқ кизиллар ҳукмронлиги йилларида ҳам мақолалар ёзилган, ижодлари ўрганилган. Бироқ, у кезларда бу буюк зотларнинг бутун олийжаноб хизматлари ерга урилган, камситилган, таҳқир этилган... Лоақал бир оғиз илиқ сўз эшитиш, ўз меҳнатларига андак ҳурмат деган нарсани кўриш уларга насиб этмаган. Бу ҳам етмагандай уларнинг ҳаммалари турли баҳоналар билан қатлиомга тортилиб, кириб ташланган... Минг афсус!... Ўз халқи, миллати, эл-юртини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ривожлантириб жаҳондаги энг олдинги мамлакатлар қаторига етказиб олиш ва шу билан энг ривожланган давлатлар билан бемалол тенг ҳуқуқли асосларда иқтисодий, сиёсий муносабатларни ўрнатиш, бинобарин, мустақил давлат сифатида Туркистонни юксалтириш XX аср бошларида адабиёт майдонига кирган буюқларимизнинг олий мақсадлари эди. Гарчи кейинги йиллар ичида улар ҳақида анча-мунча ишлар эълон қилингани билан ҳали улар қолдириб кетган бой маънавий меросни ўрганиш ниҳоясига етган деб бўлмайди, очилмаган кирралари кўп... Ахир булар орасида шундай асарлар яратганлари мавжудки, бутун жаҳон тан олган, юзлаб йиллардан буён ўрганиб келинаётган ва ҳамон охирига

етилмаган маънавий мерослар билан тенглашадиганлари бор. Нега бошқалар асрлар оша муттасил ўрганилар экан-ку, бизларнинг маънавий меросимизни ўрганиш 6-7 йилларда тугар экан?...

Агар XX аср бошларида ижодий майдонга кирган ёзучиларимиз даври тарихий вазиятлари билан ундан олдинги ёзувчилар даврини киёслайдиган бўлсак, бизнинг даҳларимиз энг даҳшатли шароитларда яшаб ижод қилганлар деса бўлади. Негаки, биз номларини тилга олган бошқа миллат вакилларининг биронтаси ҳар қанча зиддиятларга дуч келгани билан ҳукмрон давлатлар уларни қамагани, отиб ўлдиргани йўқ-ку! Бизнинг буюкларимиз ўзларига бутунлай тенг бўлмаган кучларга қарши боришда жасорат кўрсатдилар, олий мақсадларидан заррача кечганлари йўқ, иймон-эътиқодларига зид иш қилганлари йўқ. Бугина эмас, улар майдонга биринчи қадам қўйганларидаёқ ўз фаолиятини мустамлакачи босқинчиларга қарши курашдан бошладилар. XX аср бошларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик зулми жуда авжига чиққан, ерли аҳолининг барча ҳуқуқлари поймол этилган. Ўлкадаги барча амалларга босқинчиларнинг вакиллари ўтқазиб қўйилган ва улар истаганча зўронлик қилишга ҳақли эдилар. Ана шундай бир тарихий вазиятда халқнинг буюк сиймолари бундай адолатсизликларга чидаб туrolмасди, иложи борица рақибларга қарши иш олиб борар, ўз халқи онгида уларга қарши нафрат туйғуларини уйғотишга, душманга қарши бош кўтариб, ўз инсоний ҳуқуқларини химоя қилишга даъват этарди. Яъни, халқнинг маънавий оламини юксалтирмай туриб, ҳозирги ибора билан айтганда, ўзлигини танитмай туриб, бу даҳшатлардан қутулиш мумкин эмаслигини чуқур идрок этардилар, барча ҳаракатларини шунга қаратган эдилар.

Машҳур Шарқ мутафаккири Мирзо Бедилнинг мана бу рубоийига эътиборни қаратайлик-чи.

Ашё - назаримиз олғучи кўзгу,

Асмо зикри эртак тингламоқдир бу.

Барчаси инсондан қочирар узок

Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку.

Уларнинг бизга қолдирган бой маънавий меросида

етақчилик қиладиган энг қимматли нукта ҳам айни шундадир. Мана бу жиҳатлар ҳали етарли ўрганилгани йўқ. Шу ўринда ҳурматли юртбошимизнинг асарларида буюк сиймоларимиз бошларидан кечирган даҳшатларни чуқур изоҳлаб берган бир фикрини келтириш жоиздир: "Узоқ вақт давом этган каттик тазйикка қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди..."

Ана энди бир нуктага алоҳида эътиборингизни тортиш мумкин деб ўйлаймиз: ишимизнинг бошида номлари тилга олинган зотлар мероси неча-неча юз, ҳатто минг йиллаб ўрганилиб келинмоқда ва ҳамон бу жараён тўхтовсиз давом этар, давом этаргина эмас, жуда катта махсус тайёргарликлар қилиниб, ҳатто жаҳон миқёсида улар шаънига анжуманлар, тантаналар ўтказилар экан-да. XX аср бошларида майдонга чиқиб, озодлик, демократия, миллий мустақиллик йўлида курашиб, бутун бор-йўқларини ижодий фаолиятлари-ю, шахсий тақдирларини Истиклолга, миллий мутақилликка бахшида этган аждодларимиз маънавий мерослари асрлар давомида ўрганилса арзимайдими? Арзиганда қандай?! Зеро улар ижоди бугунги кунларда ҳаёт тақозоси билан ўртага қўйилаётган муаммолар, уларнинг тўғри ечими ўртасида қанчадан-қанча муштараклик борлиги билан муттасил қизиқтиради ва бу жараён ҳам тўхтовсиз давом этади. Биргина мисол, "Ўтган кунлар" билан "Меҳробдан чаён"нинг эълон қилинганига салкам бир аср бўлаяпти. Кузатиб юрганлар биледи, ўша яратилган 1922 йиллардан ҳозиргача озмунча шоир, адиб, олим, китобхон булар ҳақида фикр айтдимиз?! Шу икки романнинг ўзи ҳақида айтилган, ёзилганларнинг тўла рўйхатигина томлаб китобга тенг келади. Бироқ ҳали ҳам тинимсиз ёзилиб, айтилиб келинаётгани маълум. Қизиғи шундаки, айтилган, ёзилганлар орасида ҳамфикрлилари ҳам, зиддиятлилари ҳам кўп. То Истиклолгача ёзилганлар орасида-ку бир-бирига бутунлай қарама-қаршилари тўлиб кетган... Бошқа замондошлар ҳақидаги фикр мулоҳазалар аҳволи ҳам шундай. Хўш, Қодирий ва унинг сафдошлари ижоди, умуман, XX аср ўзбек адабиёти меросини ўрганиш борасидаги бу қадар

чигал, чалкаш, гоҳо ғаразғўйлик билан атайлаб зиддиятлар келтириб чиқараётган адабиётшуносларнинг ишларидаги мушкулотларни талабалар, ўрта мактаб ўқувчилари, ёш адабиёт ҳавасмандлари бемалол ажратиб оладилар деб ким айта олади? Ахир бир неча йиллардан буён адабий ҳаётда “аралашиб” юрганлар ичида ҳамон асарлар моҳиятини гоҳ саёз, гоҳ чалкаш, гоҳ батамом тескари шарҳлаб келаётганлар борлиги бу бизга ўша кизил империя давридан қолган мафқуранинг энг ярамас саркитлари бўлса керак, дердик бизга қолса...

Демак, бугун бошланаётган ишнинг туб мақсади ҳам аини шу нуктадан келиб чиқади, маънавий меросимизни холис ўрганишга озгина хисса қўшсак, мулоҳазаларимизга етган бўлардик. Бундай мулоҳазаларимизга далиллар тўлиб ётибди, кузатиб юрганларга аён бўлса ҳам, айримларини эслаб ўтамиз. XX аср ўзбек адабиёти деганда, дастлаб Унинг умумий йўналишини белгилайдиган оқим сифатида ватанпарварлик ҳаракати тилга олинади... Камина бу ҳақда дастлаб 1983 йилда нашр этилган “Адабий мерос ва замонавийлик” китобида Фитрат, Бехбудий, Ғози Юнус каби бир қатор ёзувчилар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида, ундан кейин 1988 йилда Чўлпон ҳақида дастлаб “Совет Ўзбекистони” (88 й. 2.ІХ.) газетасида, яна ўша йили “Гулистон” журналининг 10-сониди Бехбудий ҳақида, 1989 йилда эса, “Ёш ленинчи” газетасида бир саҳифа, “Чўлпон шеърляти” ҳақида, ундан кейин “Совет Ўзбекистони” да бир саҳифалик “Бехбудий, Фитрат, ватанпарварлик, миллий озодлик ва демократия учун кураш масалалари ҳақида” сарлавҳали мақолада, яна “Гулистон”, “Санъат” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидаги Фитрат ва унинг “Бедил асари” ҳақидаги мақолаларда, 1991 йилда нашр этилган “Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат” деган китобча ҳамда 1994 йилда нашр этилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” номли китобча, ундан кейинги ахборот воситаларида эълон қилиниб келаётган мақолаларимизда муайян фикр-мулоҳазаларимизни билдириб келамиз. Бирок, бизга кейинчалик қўшилганлар орасида гоҳ жадидчиликни баҳолашда, гоҳ кизиллар томонидан қатл этилган ёзувчилар фаолиятлари ҳақида, гоҳо уларнинг айрим фикр-

мулоҳазаларининг турли даврларда, турли муносабатлар ёки зиддиятлар ичида йўл-йўлакай айтган бир оғиз гапларидан хато-ю нуқсонлар “топиб”, ҳамон уларнинг арвоқларини чиркилатаётганлар бор. Афсуски, бундайлар бизга “кўр” бўлаётган ёшлар орасида эмас, “ёшини яшаб, ошини ошаб”, “лаббайчилик” билан “иш” кўрсатиб, унвон-у, мукофотларни олиб бўлганлар орасидан чиқаётгани жуда ачинарли. Бу борада ёш адабиётшунослардан етишиб чиқаётган Шухрат Ризаев, Хамидулла Болтабоев, Дилмурод Қуронов, Рустам Шарипов каби холис, ҳалол ва истеъдодли олимларнинг қўплаб эълон қилинаётган мақолалари, тадқиқотлари эътиборга лойиқдир. Бу номлари тилга олинган ёш адабиётшунослар - айти Истиклол ғояларидан олган илҳомлари билан иш кўраётганлари туфайли бўлса керак, “гуруҳбозлик”, “гарафкашлик”, “махаллийчилик” сингари энг бемаъни нуқсонлардан тамоман озод бир ҳолда ижод қилмоқдаларки, кўз тегмасин.

Бу борадаги чалкашликлардан яна бири, Бехбудийнинг қатл этилиши, унга Бухоро амири Олимхоннинг алоқаси устида камина 1972 йилда кутубхоналардан топган архив ҳужжатларини 1988 йилда “Гулистон” журналида эълон қилдим. Шундан буёнги хилма-хил гапларнинг биронтасида бизга қўшимча бирор ҳужжат ёки далил келтирилмайдига, Бехбудийни фалончи эмас, писмадончи ўлдирган, бу гапда жон бор қабилида таг-туғи кўринмаётган гаплар айтилиб келади. Бу ҳақда тажрибали журналист ва адабиётшунос Бурхон Зиёев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида (1998 йил 5 июнь, № 23/3459-сонида) “Бехбудийнинг қотили ким?” деб таҳририятга мурожаат қилгани жуда яхши бўлди. Биз бу саволга ўша, 1988 йилда берган жавомизда турамиз, агар унга қўшадиган маълумотлари билан чиқадиганлар бўлса, фақат табриклаймиз, хато-ларимиз бўлса тан оламиз...

Яна бир масала: биров жадидчилик ҳақида, “улар диний илмларни чеклаб қўйиб, мактабларга аниқ фанларни киритди” деса, яна биров Абдулла Қодирийларнинг камчиликларини ҳам бемалол айтавериш керак, ахир у ҳам Маркс, Ленинни устозим деган-ку, яна “Фитрат асарларини баҳолашда гуруҳбозлик қилмасдан борини айтавериш

керак” кабилида фикрни эълон қилиб, тириклигида бир оғиз илиқ гап эшитмай, ишлай-ишлай қатл этилган буюкларимизнинг ёқасидан олишга уринаётган, қизил империя ва унинг сўнгги “десантчилари” юртимизни титқилаётганда қатл этилган ва қатл этилаётганлар ҳақида лом-лим демай, ёв қочгандан кейин “ботирлик қилаётган”, Фитратнинг “Абулфайзхон” асарига 1983 йилда берилган баҳони такрорлаш билан ёш-ялангни чалғитаётган “шунослар”га нима дейсиз?” Агар бундай гапларнинг рўйхатини келтирадиган бўлсак, ўзи бир китоб бўлиб қолади. Модомики, ахвол шундай экан, ҳали XX аср ўзбек адабиётидай катта бир маънавий хазинага кўплаб ёшларнинг мурожаат қилишлари ҳам муқаррар ва ҳар сафар улардан янги-янги кирралар очилаверади.

Яна бир ғалати “иш” бу ҳам ҳар вазиятда ёмғирдан сўнг потиллаб бош кўтарадиган кўзикорин сингари “лаббайчилар”дан... Собиқ иттифоқ тагига зил кетиб қулаш арафаларида, сўнгги нафас олаётган “десантчилар” босқинчилик қилаётганда улар этагига маҳкам ёпишиб, ўзбек халқининг энг буюк сиймолари шаънига тош отиб сира уялмай-нетмай уларга хизмат кўрсатган бир рус тиличилиги билан умрини ўтказаетган кимса, “эртасига”, яъни Мустақиллик эълон қилиниб, ёвлар кетгандан кейин илгариги партиячиларга қарши бош кўтариб қолди. Бу ҳам етмагандай, умрида ўзбек адабиётига заррача яқинлашмаган одам бирданига “элбекшунос” бўлиб қолди. Телеэкранда чиқиб нима деяётганини на ўзи, на биров англагани йўқ. Бу бир хаваскор ёш адабиётчи эмас, яна айтамыз, умрида ўзбек адабиёти билан бир нафас ҳам шуғулланмаган, аммо фан соҳасида мавжуд бўлган ҳамма унвонлар-у, даражаларини аллақачон олиб бўлган одам томонидан содир этилмоқда. Афсуски, қизил империя даврида энг пок ва буюк сиймоларни қоралаб кўрсатиш, уларнинг ҳар бир иймон-эътиқод билан қилган ва қилаётган ишларини қоралаб, уларга қарши курашнинг орқасида кун кўриш ва имтиёзларга эришишдай пасткашликни касб қилиб олганлар кўп эди, улар ҳозир бор, аммо бир амаллаб “истиклолчи” бўлиб олишган. Фитрат ибораси билан айтадиган бўлсак, “уларда иймон йўқ...”

Юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзиёқ XX аср бошлари



ва 20-30-40-йиллар ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муаммолар нақадар кўплигини кўрсатиб турибди... Бу ҳақда ҳали талай тадқиқотлар олиб бориш, ёшларимизга аср бошидаги маънавий хазинамиз, миллий тарихимиз, анъаналаримиз ҳақида тўғри маълумот бериш, адабиёт соҳасида шу куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Ёшларимиз, ўқувчиларимиз, айниқса, адабиётга ихлос қўйиб келаётган хаваскор олимларимиз ўз авлод-аждодларидан қолган бой маънавий, маърифий хазина ҳақида тўғри тушунчаларга эга бўлмоқлари зарур. Уларни чуқур ўрганиш билан тўғри хулосалар чиқариш муҳим. Зеро, ҳар қандай илмда ҳам заррача чалкашлик катта хатоларга сабабчи бўлиши мумкин. Негаки, хатонинг катта-кичиги бўлмайди. Бу борада, яъни ўз миллий меросимизга ҳурмат билан қараш-эътиқоднинг биринчи шarti бўлмоғи, бошқа ҳаммаси шундан кейин қўйилмоғи лозим.

# І боб

## Фидойилик

### Маънавиятнинг туб негизи маърифатдир

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзига муносиб жой олган ҳар бир мамлакат, аввало илм, маърифатга биринчи даражали аҳамият бергани маълум. Айни шу сабабдан ҳам дунёдаги кўпгина давлатлар ўз болаларини, ёшларини ривожланган мамлакатлардаги ўқув юр்தларига юбориб ўқитишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбеклардаги яхши ният ярим мол, деган ажойиб мақолни шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз бўлса керак, негаки, яхши ният билан ҳаётга биринчи қадам қўйган ҳар бир инсон аввало, фақат катта ва жуда шарафли мақсад сари интилишга уринади. Шу билан унинг қалбида юксак инсоний фазилатлар шакллана боради.

Инсонийлик фазилатлари нақадар кўп, серкирра бўлмасин, унинг олий нуқтаси маънавият ва маърифат бўлиб чиқади. Зеро, ҳадисларда ҳам дунёни Оллоҳ инсон учун яратгани, уни обод қилиш эса, инсоннинг энг буюк вазифаси қилиб қўйилганлиги ҳақида ажойиб кўрсатмалар бор...

Хуллас, биз агар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига тенглаштириш учун курашар эканмиз, бунинг учун аввало, жаҳон тараққиёти талаблари даражасида фикрлай оладиган, унинг бугунги энг мураккаб саволларига, талабларига жавоб бера оладиган етук инсонларни иложи борича кўпроқ етиштириб беришимиз зарур.

Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Шунинг учун бутун мактаб-мадрасалардан тортиб ҳамма ўқув юр்தлари ходимлари, уларда ўқийдиган толиблар, айниқса, ота-оналар бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари талаб этилади, бусиз бундай юксак мақсадга эришиб бўлмайди. Зеро, барча ўқув юр்தларининг фаолиятида ўқитувчилар билан бирга ота-оналар ҳам фаол қатнашсалар, мақсадга етиб бориш, эҳтимол, анча осонроқ кечган бўларди.

Аввало, икки оғиз сўз таълим-тарбияда ота-оналар ўрни ҳақида. Нега биз маънавият манбаи деб, унда ота-

оналар ўрнига алоҳида эътибор бермоқдамиз? Бунинг жуда муҳим сабаби бор. “Қуш уясида кўрганини қилади”, “олма узилиб тагига тушади”, борди-ю, узилган олма тагидан узоклашса, кўпи билан ярим-бир метргина олислаши мумкин.

Буюк аждодларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий бола тарбияси (унинг ўқиши, таълим олиши) тўғрисида алоҳида бош қотирган, ҳатто, махсус сахна асари ёзгани маълум. (“Падаркуш” номли драма ҳақида гап кетяпти). Бунда муаллиф таълим-тарбияга эътибор бермаган ота-оналар ва уларнинг болалари бошига тушган фожиалар ҳақида ёниб ғамхўрлик қилгани, мазкур асарнинг ўзбек адабиёти тарихида қандай ўрин тутгани ҳам маълум.

Демокчимизки, давлатимиз шу вақтгача давом этиб келган ўқиш-ўқитиш тартибларига тамоман янгича ислохотлар киритишнинг аниқ йўл-йўриқлари ҳақида қонунлар қабул қилди. Бу борада жуда катта оламшумул аҳамиятга молик вазифаларни белгилаб бергани ғоят муҳим ва ўз вақтида амалга оширилган тadbир бўлди. Айни пайтда, ҳамма ишни фақат мактаб ва бошқа ўқув юртларининг ўзига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзандини келажакда етук бир инсон қилиб ўстиришни мақсад қилиб олса албатта, бу ишларда фаол иштирок этади. Зеро, ота-она қиёфаси истаса-истамаса болада шаклланади, ўз аксини топади.

Бу борада бир мисол билан чекланиш кифоя: яқинда камина иккита мактабда рўй берган кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Бир мактабнинг 9-синфида ҳамиша ёмон ўқийдиган ва интизомни бузиб турадиган 8 боланинг ота-онаси мактабга мажлисга чақирилганда, икки-уч сафаргача келишмайди. Ҳар сафар интизомли болаларнинг ота-оналари келади. Яна бир мактабнинг 9-10- синфларида ёмон ўқийдиган ва жуда интизомсиз боланинг уйидагиларини чақиришганда, боланинг ўта интизомсизлиги, ҳатто ўқитувчини ҳақорат қилганини айтишади.

Она эса: “Мен боламнинг бундай дейишига ва бундай қилишига ишонмайман” деб, кўзини лўқ қилиб туриб олганига нима дейсиз?

Энг қизиғи шундаки, ҳалиги болаларнинг ота-оналари бозорчи, савдо-сотик одамлари бўлиб чиқади... Шу ерда

яна бир андишага эhtiёж бор - савдо-сотик билан шуғулланиш айбми? Йўк! Мутлақо йўк! Бирок савдо-сотик билан шуғулланувчига маърифат, маънавий керакми, деган сўроққа минг марта “ха” деб жавоб берамиз. Кераккина эмас, ғоят зарур. Инсонки бор экан, агар рухи хаста бўлмаса, унга илм-маърифат, хунар лозим. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб, унга инсоний фазилат ато этади, унинг маънавий оламини шакллантиради, бойитади, шу билан шахснинг жамият тараққиётида фаол қатнашишига олиб келади.

Демокчимизки, инсон бўлиш учун, эл-юрт тараққиётига хисса қўшиш учун, албатта, доктор, профессор ёки академик бўлиш шарт эмас. Аммо ҳар бир шахснинг онгли инсон даражасига кўтарилиши шарт... Гарчи эски бўлсада, бир бўлиб ўтган воқеани шу ерда эслаб ўтиш лозим бўлиб қолди. Камина узок муддат олий ўқув юртида кўрганларидан бири шундай эди: Тошкентнинг катта мактабларидан бирида талабаларимиз тажриба дарси ўтказарди. Биз хабар олгани бордик. Мактаб директори хонасида ўтириб суҳбатлашдик.

Мактабингизда неча ўқувчи бор?

Уч минг фалон юзта.

Ўзлаштириш қалай?

Бизда қолоқлик йўк.

- Шунча боланинг ҳаммаси-я? Бирорта ҳам «икки» йўкми?

Йўк!

Камина гарчи пешонамиз тиришса ҳам, захримизни ичимизга ютдик. Кўрдингизми? Уч минг неча юз боланинг бирортаси ҳам бирор фандан «икки» олмасмиш? Бу қандай гап? Ана шу мактаб Эски жўва бозори атрофидаги уйларда истиқомат қилувчи аҳоли болалари, яъни деярли бозорчиларнинг болалари билан тўлган эди. Бошқа гапнинг фойдаси йўк. Бехбудий “дод” деб ёзган асар худди шундай одамлар ва уларнинг болалари ҳаётини кўрсатгани учун ўттиз-қирк йиллар ўтгандан кейин ҳам кўплаб томошабинлар диққатини тортаверган эди... Майли, энди бу гапларни шу ерда тўхтатиб, асосий мавзуимизга ўтамиз ва фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирамиз.

Бизнинг мазкур борадаги мақсадларимиз, орзу-умидларимиз юртбошимизнинг Ўзбекистон республикаси Олий

Мажлиси IX Сессиясида сўзлаган нутқларида нақадар мукамал ифода этилганига бир эътибор қилайлик. “Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Болалар қайси синфдан мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди....”

Агар биз таълим-тарбия бобидаги бундай аянчли аҳволларни санаб ўтаемиз десак, унинг охирига етиш жуда қийин. Негаки, оммавий ахборот воситаларида шу мавзуда қулоққа чалиниб, кўзга ташланиб турадиган айрим маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, хали Президентимиз ва давлатимиз томонидан белгиланган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар мазмунига тушуниб етмаган директорлар, илмий мудирлар ва ўқитувчилар тўлиб ётганига гувоҳ бўламиз. Бир оғиз “таълим ёки тарбия, ислохот, нари борса, маънавият” деган энг муқаддас ибораларни тилга олгандан кейин “мактабимизда мунча ўқувчи бор, ислохотларни амалга оширишда катта ишлар қилдик, мактабимизни таъмирладик, дарсликлар етарли” қабилдаги алмисокдан қолган сийқа, бир хил қолипга солинган гаплардан нари ўтганлари йўқлигига гувоҳ бўламиз.

Гарчи мактабларда аҳвол шу бўлса, аввало, ўқитувчилар билими-ю, савиясини оширишни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйишни ҳаёт тақозо этмайдими? Тақозо этади. Бунга қандай эришамиз, деган сўроққа яна юртбошимиз маърузаларидан аниқ жавоб топамиз. Бу борада эски дарсликлардаги эски қолиплардан қутулиш, янги-янги дарсликлар, қўлланмалар яратиш, уларни ёзиш ва чоп этишга ҳар қайси фаннинг ўз мутахассисларини, илм-фаннинг бирор соҳасида узлуксиз ишлаб ўз умрини ва бутун фаолиятини айни шунга бахшида этган шахсларни жалб этиш лозимлиги қаттиқ уқтирилди. Бирок, афсуски, кизил империя даврида дарсликлар ёзишни “монополия” қилиб олганлар бор эди. Бизнинг ёшдагилар яхши билишади, илгарилари дарсликларни, жумладан, тил ва адабиётга оид дарсликларни ё умрида бирор марта аудиторияга кирмаган, яъни дарс бермаган, ёки тил ва адабиёт соҳасидаги муаммолардан тамоман четда юрган, умрида оммавий ахборот

воситаларида рўй бераётган бахслар, мунозараларда бирор марта иштирок этмаган, хуллас, янгиликдан олис, жаҳон микёсидаги таракқиётлардан беҳабар, ёки уларни умрида мутлақо идрок этолмаган одамлар ёзиб келардилар. Бундай одамлар кўпинча юқори мансабдагилардан ёки уларнинг этагига ёпишиб олганлардан иборат бўларди. Шунинг учун ҳам бундай дарсликлардан тезроқ кутилиш, бутунги талаблар асосида яратилажак дарслик ва қўлланмаларга эга бўлиш ғоят масъулиятли вазифадир.

Кўриниб турибдики, масала ўта жиддий, серкирра, ҳаммасини камраб олиб ҳам бўлмайди. Аммо шулардан бири ва бизнингча энг муҳими дарслик яратиш ва ўқитувчиларнинг ўзлари ҳақидаги мулоҳазаларни давом эттириши. Таълим устида илгарилари, Шўро даврида авж олган пасткашликлардан баъзиларини эслатиб қўйиш ҳам зарар қилмайдиган кўринади. Илмий олам билан алоқадорлар яхши билишади: баъзи одамлар илмий доираларда кутилмаганда пайдо бўлиб қолади. Индамай, “майин супурги” бўлиб юради-да, бир куни бирданига “фан номзоди”, кейин эса, орадан кўп ўтмай, “фан доктори” бўлиб қолади. Аммо деярли ҳеч ерда ҳеч бир “нарс”си чиқмаганини ҳамма билади. Чикса ҳам айрим ҳеч ким ўқимайдиган нашрларда “чикқан бўлиб чиқади” Уни ўзи-ю, “илмий” раҳбаридан бошқа ҳеч ким кўрмайди, билмайди. Аммо “чикқанми? Чикқан.” Хўш бу одам ўзи ким деб қолсангиз, “фалончининг боласи”, раҳбари ундан кўра ҳам дахшатлироқ бўлиб чиқади. Олдини ҳеч ким ололмайди.

Шундай сохта йўллар билан илмий оламга кириб олган кимса, ўзига шогирд қилиб ё амалдорнинг ёки сердаромад кимсанинг боласини олади. У асли мактабда қандай сохтакорлик қилган бўлса, олий ўқув юртида, аспирантурада ҳам, хатто докторантурада ҳам айни шундай сохта йўлдан бориб, “ишини битирган бўлиб чиқади” Мисол дейсизми? Марҳамат, бир-иккитасини воқеа сифатида изохлаб ўтамиз. 60-йилларнинг иккинчи ярми бўлса керак, ТошДУга бир докторлик диссертацияси келди. Муҳокама учун кафедра мудиримиз каминага ҳам бердилар. Ўқиб кўрдимки, сира эпаккага келмайди. Тутганда тутдай тўкилади. Камина секин домлага “бунингиз бўлмайди-ку” деган эдим, “ундай

қилманг, биласиз-ку бу ишнинг олдини олиб бўлмади” дедилар.

Буни билардим. Орқасида бир эмас, иккита-учта катта “кучлар” бор эди. Мен ўзим олдини ололмасдим ҳам. Шу вақтларда нима қилишимни билмай, деканат техник котибасига айтдим: “ҳозир мен кафедра мажлисига кирман, орқамдан дарров бориб, менга баланд овоз билан “сизни ректор чақираяпти” дейсан” дедим. Худди шундай қилиб, мажлистан чиқиб кетганча орадан уч соатлар ўтгандан кейин келдим. “Баҳор” ресторанида овқатланиб, уч киши ўтириб қайтсак, ишхонам олдида “докторант” мени кутиб ўтирибди... Менга махсус миннатдорчилик изҳор этиб, раҳматлар деб кетиш учун соатлаб ўтирибди. У менга “раҳмат, ишим ҳақида жуда яхши фикрлар айтибсиз. Домла менга шуни айтиб, фикрингизни протоколга киритиб қўйдилар” деди ва зиёфатга таклиф қилди.

Яна бир докторант “иши” битгандан кейин кафедрадаги етакчи домлалардан биронтасига берилмай, бўлар-бўлмас “муҳокама” қилинди, ўтди, ҳали ҳам бу “иш” ёзилган жойидан бир қадам нари кетгани йўқ. Хўш шу йўл билан борганларда қандай маълумот бўлсин-у, улар қандай шоғирлар тайёрлайди деб ўйлайсиз. Тўғри, айрим оддий одамлар ҳам кириб қолади, лекин уларни етаклаб келадиган ҳамюртлари, ёки қариндошлари бўлади. Бўлмаса, ўз кучи билан кирганларни бир-икки йил ўтказиб, бирор баҳона билан четлатиб юборилади. Мана сизга илмий оламда сохтачиликнинг намоён бўлишлари...

Ана энди дарслик ва қўлланмалар ёзишга келганда, ўшандай кимсалар майдонга чиқиб олади ва истаган “нарсани” тўкиб ташлайди. Агар биз бугунги таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ҳақида ўйлар эканмиз, бундай бизга шўролар давридан қолган сохтачилардан қутилмас эканмиз, яна илмий соҳа-ю, таълим-тарбияда нуксонлар давом этаверади. Зеро, юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан ҳалос бўлмасдан, болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаимиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор... Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат

мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак эмасми?...”

Агар биз бу кўрсатмаларга чинакам иймон ва эътиқод билан амал қиладиган бўлсак, дарслик ва қўлланмалар ёзишни ўзининг ҳақиқий эгаларига топширишга эришгудек бўлсак, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларимиз катта ижобий натижалар берган бўларди. Бироқ мазкур соҳа кўлами шу қадар кенг ва чуқур илдизларга эгаки, унинг ҳар бир нуктаси устида ўйлаш, ижодий фикрлаш, янгиликни излашга тинимсиз интилиш лозим бўлади...

Дарсликлар замон талабига жавоб бериши, миллий тараққиётимизга чинакам хизмат қилиши учун уларни юксак сифат ва илмий савияда тайёрлашнинг механизми яратилиши керак. Буни ҳам Президентимиз фикрларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш, айтиш мумкин бўларди. Яъни дарсликлар тайёрлаш бўйича мутахассисларнинг кенг камровли кенгашлари олиб борилиши, ҳар бир дарслик ўз соҳаси мутахассисларининг илмий экспертизасидан ўтказилиши, бу нуфузли ташкилот хулосаларига катъий амал қилинишига эришиш керак бўлади.

Яна бир муҳим омил ўқув дарсликларини ва қўлланмаларни тайёрлаш жараёнлари кенг илмий-педагогик жамоатчилик назорати остида бўлиши ҳам лозим. Улар бўйича мутахассислар, педагог ўқитувчилар, таълим тизими ходимларининг матбуот, телевидение орқали чиқишлари, илмий таҳлилларнинг чоп этилиши аниқ тартибда уюштирилиши зарур. Буларнинг ҳаммаси ўтмишдаги хатолар ва нуқсонларга барҳам беради.

Бизнингча, бу ишларни йўлга қўйиш учун зарур вақт ва шарт-шароитлар мавжуд. Лекин уни енгил ҳал этиладиган муаммолар сирасига киритиш ҳам ногўри бўларди. Ахир бутун бошли бир жамият тараққиёти ва уни таъмин этувчиларни етиштириш ҳақида гап борар экан, бунинг нақадар мураккаблигини изоҳлашнинг ўзига ҳам тўла-тўқис сўз ёки иборалар топиш осон эмас. Негаки, биз маънавий жиҳатдан ривожланган, имон-эътиқоди бутун, хашиша эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган, ишлайдиган, ҳар томонлама камол топган бугуннинг энг етук, энг мукамал инсонларини етиштириб чиқариш устида ўйламоқдамиз.



Замон талабларига фақат шундай сифатларга эга бўлган жамоаларгина жавоб бера олади. Жамиятимиз тараққиёти айти шуларга боғлиқ деб айтсак, заррача муболаға бўлмайди. Зеро, гарчи олға қараб интилишимизга халакит берадиган ёвузлар учраб тургани билан жамият, асосан, баркамол инсонлар елкасида олға юради, ривож топади. Барча соҳа ва савиядаги ўқув юртлари зиммасига нақадар муҳим ва масъулиятли вазифа юкланаётгани шундан ҳам маълум бўлиб туради.

## Миллатларни, халқларни ким ёки нима бирлаштиради?

Аниқ саволга аниқ жавоб шул: МАЪНАВИЯТ.

Мавзу ёки савол жуда мураккаб бўлганидан уни изоҳлаш ҳам осонмас. Аммо баҳоли қудрат фикрлашга интилиб кўрамиз...

Катта, жиддий саволга жавоб беришни энг оддий мисолдан бошлаймиз. Икки одам, у дехқонми, ишчими, савдогарми, зиёлими фарқи йўқ, тил топишиб, дўстона суҳбат қураб экан, бир-бирини тез-тез йўқлашиб, кидириб топиб учрашиб турар экан, демак уларнинг маънавий дунёсида муштараклик бор. Воқеалар, одамлар, сиёсат, иқтисод, ҳатто шахсий оилавий ҳаёт масалаларида ҳам ўртада умумийлик мавжуд, ёки анча яқинлик бор... Гарчи айрим шахсий муаммоларда тафовут бўлса-да, энг йирик, жиддий масалаларда улар доим бирлашиб кетишга тайёр туришади, шунинг учун ҳам ўртада дўстона алоқа давом этади. Энг муҳими, ўша дўстлар бир-бирларини ҳурмат қилишади, ишларида ёрдамлашади, яхши-ёмон кунларда елкама-елка туришади. Бу ерда энг муҳим ва ҳал қилувчи нуқта - ўзаро алоқалардаги тенглик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат манфаатларда ҳам шунга риоя қилиш бўлиб чиқади... Ана шу қоидалардан биронтаси бирор томондан бузилган кун алоқалар совуқлаша бошлайди. Давлатлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстлик, бирлик, барча соҳалардаги алоқалар ҳам, айти мана шу йўсинда шаклланади, унинг

мустаҳкамланиши, узоқ давом этиши эса, томонларнинг бир-бирларига нисбатан қарашларига боғлиқдир...

Энди биз, истиклол йилларида халқлар ва миллатлар ўртасидаги бирлик, дўстона алоқалар бобида босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлаб, озгина сарҳисоб қилиб кўрсак, мазкур соҳада эришган ва эриша олмаган натижалар равшанроқ кўринса керак. Биз юқорида халқлар ва миллатларни бирлаштирадиган, уларни дўстлик ва тоғувликка даъват этадиган энг улуғ восита - маънавият дедик. Маънавият ўз ичига барча илм, маърифат, шу билан бирга санъатнинг ҳамма турларини, адабиёт, фалсафа, тарих дурдоналарини олади. Санъатнинг мусика, ашула, бадиий адабиёт турлари миллат ва халқни танламайди, чегара билмайди, барча табақа вакиллари маънавиятига ижобий таъсир кўрсатаверади. Зеро, Алишер Навоий, Шекспир, Лев Толстой ёки Абдулла Қодирий, Бехбудий, Фитрат маънавий хазиналари аллақачон миллий қобиклардан тошиб чиқиб, бутун жаҳон маданияти, маънавиятига айланиб кетгани учун ҳам асрлар оша соф виждонли жамоатчиликни мафтун қилиб келмоқда. Зеро, ҳар бир зиёли, даҳо гарчи ўз халқи миллати манфаатлари йўлида фаолият кўрсатгани билан миллий чегарада қолиб кетган эмас. Бунга маънавият оламида республикамызда амалга оширилган қўлаб тадбирлар, энг сўнгиси - йил-ора августда ашула байрами ўтказиш ҳақидаги қарорга бир эътибор беринг, санъат соҳасидаги маънавиятнинг энг оммавий шаклларида бири - ашула, мусика эмасми? Қайси миллат вакили ўз тилида чипакам халқ мусикаси билан халқ қўшиғини яхши ижро этса, гарчи баъзида сўзларига тушунмасак ҳам жон қулоғимиз билан эшитамиз, завқланамиз ва хоказо. Масалан, хинд қўшиқлари, рақслари, мусикаси... Аслида бундай муштараклик миллий анъаналарнинг илғор нуктаси сифатида ўз қобидан парвоз қилиб умуминсоний аҳамият касб этиши билан изоҳланади... Ҳамон шундай экан, халқлар миллатлар ўртасида миллий фазилатларнинг энг сара нукталарини беғараз тан олиш, ўзаро ҳурматга риоя қилиш ғоят муҳим муаммодир. Ана шу жараёнда бир миллатнинг иккинчиси устидан ҳукмронликка интилишигина кўпинча зиддиятларни келтириб чиқаради. Зеро, миллий ғурур, миллатнинг

катта-кичиклиги, кўп ёки оз сони ўлчанмаслиги зарур. Бинобарин, “ғурур” ибораси “устунлик” маъносида эмас, ўзлигини англаш, ўз ўрнини билиш, шу билан бирга бошқаларни ҳам англаш, билиш маънолари билан ўлчанadi. Яъни ўзига раво кўрган нарсанигина бировга раво кўриш маънавиятнинг олий мезонидир. Шундагина холислик, бегаразликка эришишдан четда қолинмайди.

Камина ишни ёзиб тугатиш олдида юртбошимизнинг республика маънавият ва маърифат маркази бошлиқлари ва қатор ходимлар билан учрашуви бўлди. Кўпгина қизиқарли суҳбат жараёнида Президентимиз маънавият соҳасидаги айрим ишларга яқун ясаш билан жуда катта ва муҳим вазифалар ҳам қўйдилар. Жумладан, буюк аждодларимизнинг бу соҳадаги фаолиятлари, меросларини таҳлил этиш билан уларнинг меросхўрлари бўлган бугунги авлодларнинг ишларини ҳам ёритиш лозимлигига эътиборни қаратдилар. Зеро, бизнинг буюк аждодларимиз ҳам худди шу йўлдан бориб, ўзлари яшаган давр муаммоларини ҳал этишга жуда катта аҳамият берганлар, маънавий хазинамизни бойита борганлар. Бу ҳақда илгарилар бир мунча тўхтаб ўтганмиз, шунинг учун ҳозир мавзу доирасидагина бир мисол билан чекланиб турамиз... Махмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Ғози Юнуслар ҳамиша халқимиз маънавий меросига хурмат-ла қараш билан чекланмай бошқаларникига ҳам иззат-икром кўрсатиб келганлар. Номлари санаб ўтилганларнинг деярлик ҳаммасига етакчилик қилган Бехбудий ҳамфикр замондошларига ҳамиша ғоявий раҳбарлик қилган дейиш мумкин, зотан бу фикрни Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Айний, Файзулла Хўжаев сингари сиймолар муттасил таъкидлаб келганлар. Ана энди ўша Бехбудийнинг миллатлар ўртасида ҳам, ўз халқи ўртасида ҳам тотувликни ўрнатиш учун олиб борган курашларини ифода этувчи фикрларидан биргина далилга эътибор қилинг: “ Билиб қўймоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳотгардир. Жиҳот - жаҳд ва жиҳотни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозирги бизни жаҳд ва жиҳодимиз илм ила фикр, газет ва басират, хушёрлик ҳамда

иттифок ила бўлур. Мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимизда бунга монийдир; Туркистон яҳудийларини 1300 саналик холи бунга шохиддир. Биз истаимизки, бутун Россия мусулмонлари мухторият усули юзасидан тириклик қилсунлар. Русия мусулмонларининг ҳар бир шуъбаси мухит ва жуғрофий ва мамлакатларни ҳудуд тарбияси бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафдошларидан ўз хуррият ва одатларига мувофиқ идора қилиниб ва бутун Россия пойтахтида бир “Мусулмон Марказий идора” вужудга келиб, сиёсат ва иқтисодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлбақўл ушлашиб, дунё ва таракқий майдонига ҳаракат ва бирга жавло этулсин. Мана шу Русиядан ажралмаган ҳолда Мухториятли, маишатни вужудга келтирмоқ учун биз Русия мусулмонларига, алаҳусус биз Туркистон мусулмонларига лозимки, аввало қадим ва жадид низо лафзисини қўйиб, ўзаро иттифок истасак. Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига... ўз қонун ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар, Туркистон яҳудийлари ва бошқа мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон... қонунлар тузулсин... Агарда биз, Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифок этиб, бу кундан ислохотга, иттифокка қадам қўйсалар... зиёли ва таракқийпарварларимиз, бой ва уламоларимиз бирлашиб, дин ва миллатни ва ватанни ривожини учун хизмат этсак. Агарда биз мухториятни ривожини окласак ва русларга хурриятдан ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскаримиз бўлсун... Ул... миллий аскарларимизнинг вазифасини, киёфаси ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз таин қилурмиз. Мана бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдир...” (“Улуғ Туркистон” газетаси, 1917 й. 12.6. 3-б).

Кўчирмадаги мулоҳазаларнинг бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанглиги-ю, миллий тотувлик, ўз миллатимиз орасидаги келишмовчиликка барҳам бериш ва иттифокни ўрнатиш, ўз диний урф-одатларимизга риоя қилиш билан бош-

қаларга қарши бормаслик, хуллас, илм-маърифат ва ўзлигини таниш воситаларида маънавиятмизни юксалтириш учун кураш сингари талай муаммолар қамраб олинади, бугина эмас, ривожланган мамлакатлар қаторига етиш учун ёшларни тарбиялаб етиштириш, миллий истиқлол, ўз миллий аскарларимиз, уларнинг қиёфасини белгилаш, барча миллатлар ҳуқуқини тенг химоя қиладиган қонунларни яратиш-у, Туркистондаги барча мусулмонларнинг тилларига давлат мақоми берилиши, шу билан бирга бошқа миллатларнинг тили, маданияти, ҳаёт тарзига эътибор қилиб, улардан ибратли нуқталарини танлаб ўрганиш каби талай муҳим фикр-мулоҳазалар Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятининг мазмунига айланиб қолган эди...

Ўйлаб қарасак, бу буюк аждодларимизнинг меросхўрлари бўлган бугунги Ўзбекистоннинг туб аҳолиси кейинги йиллар мобайнида миллий масала соҳасида анча-мунча ишларни амалга оширди... Етмиш йиллар мобайнида бу борада - фақат “ленинча миллий сиёсат” деган асли таги пуч, моҳияти шовинистик заминга қаратилган мустамлакачилик сиёсатини ўрнатиб келинганини эндиликда бутун дунё очик айтиб турибди. Бу борада, Президентимиз ҳамиша миллатлар ўртасидаги тотувлик, умуман инсонга ҳурмат билан қараш, ўзлигини англаш деганда, бошқаларни камситмаслик ёки ўзини ҳаммадан юқори қўйишдан иборат бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб келаётганлари бежиз эмас, зеро зиддиятлар аксари ўзини бошқалардан устун қўйишга интилишдан келиб чиқишини тарих қандай тасдиқлаган бўлса, бугунги дунёқарашларда ҳам бу ҳолат кўзга ташланиб қолмокда. СССР парчаланиб, қатор мустақил республикалар вужудга келган бўлса-да, афсуски, ҳамон совет давлатини тиклашга уринаётганлар Россияда баралла овоз билан ҳамдўстлик мамлакатларига таҳдид солишдан ўзларини тиймаётирлар. Чеченистонда урушнинг тўхталишига қарши очик бош кўтараётган баъзи кимсаларнинг сира тап-тортмай бераётган баёнотлари нималардан дарак беради?! Улардан бири компартияни тиклаш, урушларни давом эттириш керак деса, яна бири ҳамма миллий республикаларни йўқотишимиз зарур деб юборди. Бутун собиқ иттифок ҳудудида бир миллатгина ҳукмрон бўлиши шарт деб чиқаверса, бу

қандай бедодлик?! Бундай ховлиқма иғвогарлик - мустақил мамлакатлар, жумладан, Туркистон ўлкасидаги барча миллатларнинг яқдиллик билан бир жон, бир тан бўлиб яшаш, ишлаш ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишига ҳалакит бермайдами?! Бу жиҳатдан, Президентимиз Ислом Каримов томонидан олға сурилган, “Туркистон - умумий уйимиз” деган ғоя ҳар қачонгидан кўра бугун жуда катта аҳамият касб этади. Зотан, бу ғояни қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқларининг энг етук вакиллари ҳам жон-танлари билан қўллаб-қувватлаётганликлари маълум, бу мулоҳазаларни оммавий ахборот воситалари қайта-қайта таъкидлаб келаётирлар ва шунинг учун биз унга ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз.

Республикамиздаги халқлар ва миллатларнинг ҳуқуқларини тенг бир вазиятда ҳимоя қилиш, аввало, асосий қонунимизда - Конституцияда аниқ белгиланган... Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йиллардан бошлаб, бизда қатор миллатларнинг миллий маданий марказлари ташкил этилгани маълум. Юздан ортиқ миллат яшайдиган бир юртда миллий масалани ҳали бирор бошқа ўлкада биздагидай ҳал этилаётганини унча кўраётганимиз йўқ. Ҳамдўстлик мамлакатларининг баъзиларида гарчи расмий ҳукумат томонидан бу масалага бирор салбий қараш сезилмаётган бўлса-да, Думадаги фракциялар раҳбарлари собиқ қарам, ҳозирги мустақил миллий республикаларга очикдан-очик тўхмат ва таҳдидлардан уялмаётганларини ҳар куни кўриб, эшитиб тураммиз... Шундай кезларда биз ўз йўлиммиз, ишларимиз, фаолиятимизни аниқ белгилаб олишимиз, шунга кўра ҳаракат қилишимиз, ҳаракат қилганда ҳам биргалашиб ҳаракат қилишимиз керак эмасми?

Биз ўз давлатимиз бошқаруви таркибидаги кўппартиявийликни, фракцияларни ҳам энди кўриб турибммиз.... Тўғри, фракция керак, аммо у фақат бир-бирига қарши курашадиган гуруҳларга айланиб кетмаслиги муҳим. Агар давлатимиз, халқимиз, мустақиллигимиз манфаатларини беғараз кўзлаб, жамият тараққиёти учун чинакам яхши ният билан иш кўриладиган бўлса, фракциялар зиддиятга эмас, яқдилликка ўз-ўзидан бориб қолади. Шу ўринда, яқиндагина икки партия “Ватан тараққиёти” ва “Фидокор”

нинг фаолиятидаги муштараклик бирлашиб кетишига олиб келганлигини эслайлик. Бунинг самараси ижобий натижаларга олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Албатта, айтилганларга, ёзилганларга амал қилиш, оғишмай амал қилиш масалани ҳал қилади. Ҳар бир фракция фақат ҳокимиятни олишга интилиб, турли туман фитналарга киришиб кетавериши бирон жамиятни яхшиликка олиб борган эмас. Ўзаро фитна - доимо бошқаларга ем бўлишнинг энг катта омили бўлиб келгани тарихларимиздан маълум.

Биз юқорида миллатлар ўртасидаги тотувлик ҳақида нималар деган бўлсак, бу мавзу жуда катта ва уни давом эттириш мумкин, зеро, миллий масала дунё бор экан, кун тартибидан тушмайди жаҳоннинг барча бурчаги бундан четда қолган эмас, қолмайди ҳам. Шу жумладан бизда ҳам.

Шу ўринда каминанинг кўпдан бери қалбини ларзага солиб келаётган бир-икки мулоҳазага эҳтиёж бор. Юздан ортик миллат истикомат қилаётган Ўзбекистонда, эсимизни таниганимиздан бўён бирор ўзбек, қозок, тожик, рус забонли миллатларга мансуб бирор кимсанинг камситилганини кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Аммо илгариларини кўйиб туриб, кейинги йиллардан бўён Москва журналистларининг оммавий ахборот воситаларида Туркистондаги ҳали Ўзбекистонда, ҳали Қозоғистон, ҳали Қирғизистон, ҳали Тожикистонда руслар суриб чиқарилаётир қабилидаги тухматлари ҳамон эшитилиб туради... Бундан мақсад нима? Миллатлар ўртасига нифоқ солиш деб шунга айтилмай-дими?! Камина бу мавзуда кўпдан бери бир қатор мақолалар ёзганман, “Ёш ленинчи” газетасида (1990 йил, 20 июль) “Нифоқ ёки миллатларни бир-бирига ким гижгижлаяпти?” сарлавҳали махсус бир мақола ҳам эълон қилган эдим. Айни ўша йилларда Россиядаги матбуотларда Туркистонга, айниқса, бизга қарши очикдан очик тухматлар тарзида эълон қилинган мақолалар кўпайиб кетган эди.

Вужудида заррача инсоний ҳиссиёти бор шахс бунга лоқайд қарай олмасди.

Ўзимиздаги барча имтиёзларни олиб бўлганлар фақат “энди нима бўларкин?” деб бақрайиб туришарди. Ўша йиллари “Правда” да Г.Овчаренко деган бир кимса, “ўзбек-

лар иши” бўйича қамалганлар жуда оз бўлди, ҳали кўплари очикда юрибди” деган гапларни айтишдан ҳам тоймаган эди. (“Правда”, 90. 1-январ сонида). “Литературная газета”, “Труд”, “Комсомольская правда” газеталарида, радио, телекўрсатув - ҳаммасида шу ва шунга ўхшаш гаплар тўлиб кетган эди... Бу-ку, беш-олти йил илгари экан, бугун нега шундай фикрлар ҳамон турли шаклларда кўзга ташланиб туради... Миллий мустақилликка қаршилар республикамизга тухмат қилиш билан, бизнинг еримизда яшаётган рус забонлиларга бизни ёмон кўрсатишга ҳам сабаб бўлмайдиларми?! Агар бир русий забонли Ўзбекистондан ўзи истаб кўчиб кетса, у ёққа боргач, қандайдир мухбир уни суриб чиқаришди деб ёзади... Бизга юзлаб келаётган ҳатто, қайтиб келаётган турли миллатларни ҳозиргача бирор ташкилот ҳисобга олаётганини билмаймиз... Маҳаллаларда яшаётган турли миллатлар ҳозир йиғинларга, ошларга айтиладиган бўлиб қолган.

Яна бир нуқта: республикамизда етиштирилаётган барча маҳсулотларни тенг истеъмол қилиш - барча миллатларга баробар. Пахта, дон, пилла, гўшт, сўт, сариеғдан тортиб мош-гуручгача етиштиришда кимлар иштирок этади?! Модомики, юздан ортиқ миллат яшайдиган, 23 миллиондан кўпроқ аҳолини боқиш учун энг оғир меҳнат кишлок фуқароларига тушаётган бўлса, миллатлар ўртасидаги тенглик ҳуқуқи уларнинг бурчларига ҳам татбиқ этилмайдими?! Демокчимизки, кўп миллатли эл-юрт ундаги бор шодликни ҳам, ташвишни ҳам бирга тортиши керак эмасми?! Хуллас, фуқаролик тенгликни талаб қилса, бурч деган тушунча ҳам айна барчага баробар бўлиши шарт деб ўйлаймиз. Айна шу нуқтада фуқаролар, улар қайси миллатга мансубликларидан қатъи назар ўз ҳуқуқлари билан бирга, ўз бурчларини ҳам англаб етишлари зарур. Зеро бурч, бу - инсонийлик, бу - имон, эътиқоддир. Имон деб аталган энг муқаддас ибора мукамал инсонга хос фазилатдир. Имон бутунлигига, фақат маънавий юксакликка интилиш билангина эришилади, унга бошқача йўл йўқ.



## Миллат ва маънавият кўзгуси

Мазкур мавзунинг кўлами кенг ва масъулиятли. Бу масалани бир мақола доирасида тўла ёритиб бўлмайди. Албатта, бу борада санъатшунос олимларимиз кўпроқ тушунча беришлари мумкин. Бирок санъат тарих давомида ҳеч қачон бирон тоифага эмас, халқ оммасининг барча табақаларига хизмат қилиб келган. Ўз халқи, ватани ва миллати санъатига бефарқ инсонни топиб бўлмайди. Бу ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Зеро, санъат ҳар қандай вазиятда ҳам, аввало, ўз халқи, миллати маънавий оламини бойитиш, бинобарин, умуминсоний эзгуликка даъват этишни олий мақсад қилиб олади. Шунинг учун ҳам санъатни миллат кўзгуси ва маънавий манбалардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Санъатнинг турлари нақадар кенг бўлмасин, бадий адабиёт, шу жумладан адабиётшуносликка оид асарлар ҳам муайян даражада санъат асарлари сингари кадр-қимматга эга бўлади. Бундай асарлар ўз ғоявий мундарижаси, мақсади билан санъат олдига қўйилган вазифаларга қўшилиб кетади.

“Санъат халқ мулки” деган иборани марксчи даҳлардан тортиб, бутун шўро раҳбарлари умр бўйи тинимсиз такрорлаб келдилар. Шу ҳолатни кўзда тутиб, биз октябрь тўнтаришидан кейинги тарихимиздаги айрим воқеалардан келиб чиқиб, мавзуга ёндашиб кўрамиз. Буни қуйидаги аниқ мисоллар билан изоҳлаймиз. Негаки, коммунистлар октябрдан илгари то ҳокимиятга келгунларича ва ундан кейин ҳам халқ ва миллат, унинг бутун маданияти эркин ривожланади, миллатлар ҳамма соҳада озодлик, эркинлик ва мустақиллик олганларидан кейин санъат, албатта, халққа хизмат қилади-да, деб жар солишди. Аммо шўро даврида гап бошқа, иш бошқа бўлиб келди, санъат халққа эмас, коммунистик мафкурага бўйсундириб қўйилганлигини эндиликда ҳамма билади. Бирор санъат тури ундан тарикча четга чиқолмади. Халқ санъатининг деярли барча тури оёқости қилинди. Шу ўринда санъат халқники иборасида ифодаланадиган яна бир бошқачароқ маънони ҳам бир назардан ўтказайлик: санъатни халқ орасидан етишиб чик-

кан буюк шахслар яратади. Ижодкорининг номи маълум бўлмаган куй, ашулани халқ ашуласи ёки халқ сўзи дейиш одат бўлиб қолган. Хуллас, санъат дурдоналарини ҳамма даврларда ҳам даҳолар яратган, уларни бутун халқ эъозлаб келади, авлодлардан авлодларга ўтиб бораверади. Халқ эртаклари ибораси заминда ҳам айна шундай фикрлар ётади.

Санъат миллатнинг кўзгуси деймиз. Тўғри, аслида ҳар бир санъат асари, у қайси турда бўлмасин, аввало, ўзи мансуб миллатнинг руҳини ифода этади ва шу билан кимматлидир. Миллий руҳини, фазилатларини йўқотган санъат асари - ҳеч қачон миллат кўзгуси бўлолмайди. Шу жихатдан қизил империя даврида ўзбек миллий санъати қандай даҳшатли кунларни кечирганига бир назар ташласак, нималарни кўраемиз? Бадиий асарларда халқимизнинг миллий руҳига ёт намуналар пайдо бўлди ва жуда кўпайиб кетди. Айна ўша “миллий санъат намуналари” Москвадан бериладиган мукофотларни олаверди. Негаки, миллийликка қанча тўхмат қилинса, қизилларга шунча ёқарди. Буни тўғри тасаввур этиш учун биргина мисол: салкам етмиш йиллар муқаддам ташкил этилган ўзбек опера ва балет театрида намойиш этилган сахна асарларини кўз олдингизга келтиринг. Орадан шунча йиллар ўтибди-ю, ҳали-ҳали бу театр маҳсулотлари ўзбек халқининг миллат кўзгуси даражасига чиқа олмади. У қачон миллат кўзгуси бўлар экан? Юз йилдан кейинми? Агар шу аҳволда кетаверса, юз йилда ҳам миллат кўзгуси бўла олмайди. Нега десангиз театрда миллий руҳни кучайтиришга уринишнинг ўзи йўқ. Яқинда оммавий ахборот воситаларидан бирида Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театри спектакллари одам келмай қўйгани, бир куни бир спектаклга иккита билет сотилгани, яна бир спектаклга эса битта ҳам билет сотилмагани ҳақида хабар берди. Бу қандай гап? 30-йилларда айна шу театрда “Бўрон” операси қўйилганда томошага тушган йирик рус ёзувчиси В.Ян шундай яхши бинода томошабин жуда озлигини афсус билан қайд этган эди. Мазкур театрга бир кунда давлат бюджетидан қанча пул сарф бўлди? Бу театрни ташкил қилганлар, раҳбарлари, етакчилари - ҳаммаси кремлпарастлар эди, улар нима хоҳласалар шуни

қилдилар, театрдан миллийликни сиқиб чиқардилар. Театр санъатимиз зўрлаб европалаштирилди. Чунки биз ўзлигимизни қанча тез йўқотсак, кизил империяга шунча яхши бўларди...

20-йилларда тузилиб, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳалима”, “Аршин мол олон” спектакллари билан машҳур бўлган ўзбек мусиқали драма театрида Абдукодир найчи, Уста Олим Комилов, Аҳмаджон қўшнайтичи, Ҳалимаҳоним, Тамараҳоним, Мукаррама Турғунбоева, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокирий, Муҳиддинқори Ёқубовлар ишлаган кезлардаги миллий театрнинг бекиёс маънавияти-ю, миллат кўзгуси бўлганлигини бир эслашнинг ўзи кифоя. Опера миллийликни йўқотиш билан томошабинни ҳам йўқотди. Гапнинг лўндаси шу. Ўша мусиқали драма заминида ташкил этилган операга, аввало, ўзбеклар раҳбарликка қўйилмас, борлари ҳам Москвада таълим олган композиторлардан иборат эди. Улар ёшлигидан ўзга муҳитда таълим олгач, миллийликдан узоклашиб кетдилар. Аслида уларда ҳам айб йўқ. Бунинг устига “жаҳон микёсига фақат рус тилида, рус куйи, қўшиғи орқали чиқасан”, кабилидаги йўналиш ҳукмронлик қилди. Ваҳоланки, дунё микёсига чиқиш, обрў олиш, миллийликни йўқотиш ҳисобига эмас, балки санъатда асл миллий фазилатларни юксалтириш билан бўлишини ҳаёт исботлади. Биргина мисол: “Баҳор” ансамблидаги раққосаларнинг миллий кийимларидан тортиб, бутун маҳоратлари, санъатлари, асл ўзбекона миллийлиги билан обрў орттирди. Муножот Йўлчиева, Турғун Алиматов сингари санъаткорларимиз туб миллий заминдаги фазилатлари билан обрў олдилар. Хорижда улар эришган ютуқлар ҳаммамизни ларзага солди. Мана сизга санъат, мана сизга санъатнинг миллат кўзгуси экани, мана сизга санъатнинг маънавият манбаи эканлиги!

Адабий асарларнинг миллий хусусиятлари юксак аҳамиятга молик эканлиги ҳақида Гоголь, Белинский кўп ёзганлар. Белинский Пушкин асарларидаги миллийликни энг юксак фазилат деб баҳолагани маълум. Айни шу фикрни бизда Фитрат, Чўлпонлар баён қилган эдилар. А.Қодирий бу мавзуда қатор махсус мақолалар ёзган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодалар ўз асарларида ўзбек халқининг мил-

лий руҳини бадиий акс эттиришга катта аҳамият бердилар. Яна бир изоҳ, санъат миллат кўзгуси ибораси бошқа халқларга қарши бориш деган гап эмас. Ҳар бир халқ жаҳондаги барча буюклардан ибрат олгани ҳолда ўз миллий санъатини ривожлантиради. Ўз миллий қобиғига ўралиб қолган бирор санъат ривожланган эмас. Шу жиҳатдан олганда бошқаларда ижодий ўрганиш - ўзлигини йўқотиш деган гап эмас. Даҳолар бир-бирини тўлдиради, ўстиради, ривожланишига кўмаклашади.

Агар биз бу фикрларни айрим кинофильмлар мисолида изоҳлайдиган бўлсак, манзара янада равшанроқ бўлади. Илгарилари бутун ўзбек кинолари рус тилида яратилар ёки русчага ағдарилар эди-да, кейин Москвага руҳсатномага юбориларди. Шу ҳолатнинг ўзиёқ собиқ СССРга қарам республикалар кинолари яратилаётганидаёқ, ўша ҳоким тил эгаларининг дидларига мослаб иш юритишга мажбур этарди. Ана шу ҳолат кинони яратилишидаёқ миллийликдан ё бутунлай ёки қисман маҳрум бўлишига олиб келарди. То кейинги кунларгача киночилар орасида ўзбек тилида эркин фикрлай олмайдиганлари бор эди. Худди шу йўсиндаги фаолият билан фикрлашга ўрганиб қолганлар “асар рус тилида яратилмаса, ишимиз жаҳонга чикмайди” дер эдилар. Бу бир жиҳатдан тўғри, чунки она тилида жаҳонга бирон ишимиз чиқарилмас эди-да! Ана шу жараён ўруслардан бошқа миллатлардаги миллий руҳни йўқотиш учун амалга оширилган энг даҳшатли чора-тадбирлардан бири эди. Мустақиллиги йўқ, чегараси йўқ, армияси йўқ, ҳукуки йўқ қарам ўлка одамлари бошқа нима ҳам қилаолар эди?! Хуллас шу йўсин миллий санъат, миллий маънавиятимизга аста-секин путур ета бошлади. Ўрнини оврупача куй, қўшиқ, ўйин, хатти-ҳаракатлар эгаллайди. Яқинда Японияда ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилиниб, унда япон халқининг санъатида миллийликни химоя қилиш чоралари кўриладиган булди. Қарорда таъкидланишича, Япониядаги ёшлар орасида оврупача куй, қўшиқ, рақслар кўпайиб кетадиган бўлса, жарима солиниб, тушган маблағ миллий санъатни ривожлантиришга сарф этилади. Кинога қайтайлик. Ўзимизда илгарилари ишланган кинолар ҳақида бир оғиз гапириб ўтдик. Умумий аҳволнигина таъкидлаш

билан hozircha cheklanib turamiz, ammo bu mavzuda ham gap kўp. Ikki oғiz sўz horijdan olib, tarjima qilib kўrsatilaётган фильмлар хақида. Кейинги йилларда Лотин Америкаси халқлари турмушидан олинган анча-мунча фильмлар телекўрсатувдан жой олди. “Бойлар ҳам йиғлайди”, “Тропиканка сирлари”, юз қисмдан ошиб кетган “Морена Клара” фильмини олайлик. Шу ўринда бизнинг “санъат - миллат кўзгуси, маънавият манбаларидан бири” деган фикримиз юз фоиз тасдиқланади, десак хато бўлмас. Негаки номлари тилга олинган фильмларни катталар ҳам, ёшлар ва болалар ҳам экран олидида “мик” этмай ўтириб, томоша қилмоқдалар... Бирок, минг афсуски, бу фильмлар бизга, айниқса, ёшларимизга қандай таъсир этаётгани, уларга миллат, маънавият деган энг олий ва энг нозик тушунча, хис, туйғу жихатидан нималар бераётгани, қаёқларга бошлаётгани хақида ўйлайдиганлар борми?! Катталар-ку, томошалар рўй бераётган воқеа, ходиса, одамлар киёфаси, шахслар хатти-харакати, интилишлари, мақсадлари хақида ўйлаб, улардан керагини оlib, қолганини чиқариб ташлашар, ўшалар орасида ҳам идроки етганларгина шунга кодир бўлади. Ёш-яланг-чи?! Улар тахлил этиб, қотиллик, ўғирлик, ичкиликбозлик, фохишабозликлардан қандай хулосалар чиқарар эканлар?!

Ўйлаб кўринг, номлари тилга олинган фильмларнинг ҳаммасига хос битта хусусият бор: бир-бирини алдаш, энг якин дўст бўлиб туриб хиёнат қилиш, ўлдириб кетиш, бир қатор опа-сингиллар бир-бирларининг эрларини йўлдан уриб, галма-гал бирга яшашлари ёки ота-бола, ака-укалар ўртасидаги хоинликлар... Пулдор одамлар ўз кўнгилларига келган ҳар бир номаъқулчиликни бемалол қилишади, ёшлар ўртасида на илм, на хунар, на бошқа бирор ишга тоқат йўқ, фақат текин даромад ва маишат ахтариш дарди билан яшашга интилиш айтаверсанг бу асарларда акс этган ҳаёт кишилари устига нега осмон ағдарилиб тушмайди, нега уларни ер ютмайди, деб ёқа ушлайсан?! Битта аниқ мисолга эътибор беринг: “Янги қурбон”даги Изабелла, Марсел, Филамена, Романа, унинг опа-сингиллари ва бошқаларни бир кўз олдингизга келтиринг-чи? Қандай даҳшатларни кўрасиз! Изабелла отаси ташлаб кетган, онаси

холаси давлатида тантик ўсиб, бўйига етган қиз. Холасининг эрига маҳкам ёпишиб, ундан пуллар ундириш пайига тушади. Бўйнига осилади. Эрга тегадиган бўлгандан кейин никоҳ куни тўй тантанаси дақиқаларида ҳам ўйнаши олдида эди, куёв тутиб олиб, ташлаб кетади. Ҳа, хиёнат, жиноятлари кўпайиб, одам отишгача борган Изабелла энди бошқа холаси - Романанинг “ўғил қилиб олган” ўйнаши қўйнига киради. Романани ўлдиришгача бориб етади. Бу орада Марсел ва бошқа жазманлари билан учрашувлари, холалари ва оналарининг жазманлари билан энг беҳаёларча кечирган ҳаёти томошабинларни ҳамиша ушлаб туради... Кларадаги ҳаётчи?! Кларанинг отаси, унинг сиёсий рақиби, Кларанинг онаси, Валентин, Линда, Махванна, Гаймара... Буларнинг биронтаси қонуний эр-хотин бўлмаган, Клара билан Валентин ўртасидаги севги-муҳаббат деб аталган ясама-уйдирма бўлмаса, умуман биронтасида бизнинг тушунчамиздаги муқаддас севги деган нарса йўқ. Аммо томоша қилишга ишқибозлар кўп. Демак, кино қанча беҳаё бўлса, уни кўрувчи шунча кўп бўлади, деган овропача тушунча кўплаб ёшларимизни йўлдан уради, хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади. оқибатда бизнинг ўсиб келаётган ёш авлодларимизда миллий маънавиятнинг шаклланишига зарар етказмайдимиз, деган мулоҳаза бу суҳбатни ёзишга олиб келди...

Шу ўринда яна бир нуқтага эътибор беришни истардик, ўша беҳаё овропача ҳаёт тарзига ўхшаш кино, яна кўп қисмли кино бизда ҳам пайдо бўла бошлагани даҳшат-ку?! Ахир ҳаётда шундай муносабатлар борки, уларни ҳамма билади, аммо очиб айтиб ёки кўрсатиб бўлмайди... Яқинда телекўрсатувда бир ёш жувоннинг аянчли тақдири ҳақида суҳбат берилди. Ёшгина қиз турмушга чиққан, фарзандли бўлган. Эри ўта беҳаё лентани хотинига кўрсатиб, шу ҳаёт-дан ибрат олишга мажбур қилган... Ниҳоят алоқаси узилиб, ажралишган... Бу ниманинг таъсири деб ўйлайсиз? Ахир содда, покиза ҳаёт тарзида ўсиб-унган ёш йигит-қизлар - Изабелла, Романаларнинг ишларини қилолмайди-ку! Улар-дан нега бу қадар хатти-ҳаракатни талаб қилишади? Бутун фожиа шу ерда. Биз юқорида санаб ўтган фильмларнинг ёшларимиз онгига кўрсатаётган таъсири

шуки, улар ёшлар-нинг маънавиятини захарлайди, турмушини бузади, уларни йўлдан оздиради, бугина эмас, мақсадсиз, маслаксиз яшашга, текинхўрлик билан кун кўришга сургайди - бутун фожиа ана шунда.

Юқорида машхур созанда Турғун Алиматов ва хонанда Муножот Йўлчиевалар Америка, Франция сингари ривожланган мамлакатларга бориб концерт бериб келганини айтдик. Ҳар икки санъаткорнинг ҳамма куй ва кўшиқларида фақат ўзбек мумтоз санъати замин экани маълум. Гап шундаки, ўша мамлакатларга бориб овропача ашула айтган бир кўшиқчимиз, томошабинларнинг айни ўзбек миллий ашуласи ижросини жуда катта завқ ва коникиш билан кутиб олганларини айтди. Ўзининг миллий кўшиқлар ижро этмаганига пушаймон эканини таъкидлади. Бу чинакам иймонли, виждонли шахснинг фикри. Шундан кейин миллий ашулаларни ўрганишга киришганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди, ўша санъаткор. Ундан олдинроқ бир гуруҳ ёш санъаткорлар Германияга бориб келишди. Концертларнинг лентаси ўзимизнинг телеканалда намойиш қилинди. Овропача мусика, ашулалардан кейин миллий ашула, якка созлар - доира, найда ижро этилган миллий куйларни немис томошабинлари бошқалардан кўра зўр коникиш билан қабул қилганлари, бир неча дақиқа чапак чалиб, санъаткорларимизни қутлаганларини кўрганимизда, миллий санъатимизга бўлган ҳурматимиз, ундан фахрланиш хиссиётларимиз қалбларимизни қувончга тўлдириб юборди.

Санъатнинг миллийлиги маънавиятнинг миллийлиги билан бевосита боғлиқлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Санъат маънавиятнинг, айниқса, миллий маънавиятнинг шаклланишида энг кучли таъсир этувчи манбалардан биридир. Ҳар бир санъат асари - театр, кино, хикоя, роман, расм, меъморчилик намунаси, аввало, ёшларимиз қалбида миллий маънавиятни шакллантириш учун хизмат қилади. Булар инсон онгига, қалбига бошқа воситалардан кўра тезроқ етиб боради. Айрим кино, театрдаги ҳолатларга эргашиб, сўзларини такрорлаб юриш, кўшиқларини айтиш, раксига тушиш - ёшлар ўртасида хамиша бўлиб туришини ҳаммамиз ҳам биламиз, ўзимиз ҳам шундай бўлганмиз, ҳозир ҳам

уни тарк этганимиз йўқ. Шу ҳолатнинг ўзиёқ санъат миллатнинг кўзгуси ва миллий маънавиятни шакллантириш, ривожлантириш, ниҳоят, худди ўша миллий фазилатлари билан жаҳон миқёсига эл-юртимизни танитиш воситаларидан бири бўлиб қолади.

Қолаверса, ҳар йили кўшиқлар байрами ўтказиш, ўзбек миллий санъатини ривожлантиришга оид қатор махсус қарорлар чиқарилаётгани, бу соҳага алоҳида эътибор берилаётгани бекорга эмас-да. Миллий санъатимиз ўзлигини дунё миқёсига қанча кўпроқ танитса, эл-юртимизнинг маънавий киёфаси ҳам шунча намоён бўлади. Бу соҳада ёшлар ўртасида олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ёшларимизнинг асл истеъдодлари миллий санъатимизни пухта эгаллашга жалб этилса, уларда миллий маънавиятнинг тезроқ ва кучлироқ ривожланишига йўл очилади. Зеро, миллат, миллий маънавият бир-бирининг қони, бир-бирининг яшаш ва ривожланиш тарзидир.

### Истикболнинг муҳим омиллари

(Миллий дастур, миллий кадр, миллий маънавият ҳақида ўйлар)

Мақолага қўйилган сарлавҳадан мавзунинг мураккаблиги, аммо айна кунларда ҳаммамизнинг диққат-эътиборимизда турган, шу билан бирга бугун-эрта эмас, узокни, бутун келажагимизни ўйлаб яшашни ҳар бир онгли шахсдан талаб қилиб турган муаммолар кўз ўнгимизда гавдаланиши аниқ. Зеро, уч сўз ёки ибора билан аталган мавзунинг гарчи ҳар бири ўзига хос маъноларни билдирсада, уларни бир нукта ҳамиша бирлаштириб туради. Бу умумий нуктани бизга қолса, Миллий ифтихор ва Ўзликни англаш деб атардик. Негаки, ўз миллий мустақиллигига, ўз эл-юрти, ер-суви, табиий бойлиги-ю миллий давлат тузумига эга бўлмаган бирор мамлакат миллий дастур, миллий кадр, миллий маънавият ҳақида сўз очолмайди, қонунлар қабул қилолмайди, кенг қўламда булар ҳақида эркин фикр юрита олмайди.



Тўғри, собиқ СССРга қарам бўлганимиз, машғум етмиш йил давомида биз тилга олган сўз, иборалар минглаб, миллионлаб марталар ахборот воситаларида, йиғинларда тилга олинган, ёзилган, чизилган, улар ҳақида бир сўз билан айтилса, жар солинган... Аммо, минг афсуски, айтилган, ёзилган, жар солинган гапларнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Октябрь тўнтариши, айна ўша, устига шира сурилган, асли ичи тўла захардан иборат шиорлар соясида амалга ошган, кўпчиликни чалғитган, алдаган, эргаштирган эди.

Бирок, орадан кўп ўтмай, ҳар бир халқнинг энг зукко, энг илғор, юксак онг ва идрокли сиймолари бундай алдамқалдамчиликни пайқаган, аввал унинг қуруқ ваъдаларига ишониб, ёклаб турганлар ҳам кўп ўтмай, унга қарши чиқдилар, баъзан танкидий қарашларини ахборот воситаларида дадил эълон қилдилар. Чунки Шўроларнинг етакчилари матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, миллий мактаблар очиш, ҳар миллатни ўз она тилида ўқитиш ва бошқа-бошқа миллий озодликлар ҳақидаги энг жозибали, кишилар кўнглини кўтарадиган, тили учида туриб айтолмаётган гаплар билан майдонга чиққан эди-да! Жумладан, Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий сингари буюқларимиз ўзимиздан миллий кадрлар етиштириш муаммосини XX аср бошларидан то 30-йилларгача неча марта кўтариб чиққанларини санаб тугатиш қийин.

Нега дейсизми? Чунки бу номлари тилга олинган даҳоларимиз жаҳондаги бирор миллат, шу жумладан, ўша вақтларда бизга ҳукмронлик қилиб турган ўрис миллатига ҳам заррача ҳурматсизлик қилмаган бир ҳолатда, ўзимиздан, айна Туркистондан миллий кадрлар етиштириб чиқариш - бизнинг келажакдаги тақдиримиз учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини чуқур англаб етганлар, бу фикрни неча хил шаклларда, гоҳ миллий-назарий, гоҳ бадиий, гоҳ публицистик асарларида ғоят катта жасорат ва билимдонлик билан, чуқур назарий заминларда ифодалаб ўтганлар. Зеро, ўзбекнинг дардини ўзбек, козокнинг дардини козок, туркманнинг дардини туркман, хуллас ҳар бир миллатни бошқалардан кўра ўша миллат вакили яхши тушунади деб

караганлар. Худди шу караш негизида давлатлар, миллатлар тақдирини таҳлил этганлар.

Зеро, миллий дастурнинг юзага келиш жараёнларининг илдиzlари ўз-ўзидан узоқ тарихларга бориб такалади. Ҳар бир воқеа-ходиса, ҳатто гоҳо бизга тўсатдан рўй бергандек туюладиганлари ҳам, аслида чуқур заминга эга бўладики, биз уларни ҳамиша ҳам тезда илғаб ололмаймиз, уни топиш, тушуниш, англаб етиш учун изланиш, тарихий илдиzlарни кўра билиш талаб қилинади ва шундагина эришилган зафар кадрига қўпроқ етилади.

Бехбудийдан қолган маънавий меросга назар ташласак, ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар сероблигига мафтун бўламиз. Мана шулардан биргина далил келтирайлик-чи: “Агар биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бу кундан ислохотга, иттифоққа кадам қўйсалар... Зиёли ва тараққийпарварларимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни(нг) ривожини учун хизмат этсак.”

Ўйлаб кўрилса, Бехбудийнинг бундан қарийб бир асрча муқаддам қилган орзу-умидлари бугун бизда амалга ошири-лаётганлигини кўрамиз. Биз бу гапни нега бундай шарҳ-лаётганимизнинг боиси бор: Буюк Истиклол бизга ўз-ўзидан келгани йўқ, бунга халқимиз юз йиллаб интилиб келди, интилишларга эса, ҳамиша, одатда, унинг буюк даҳолари йўлбошчилик қилади. Зеро, ҳар бир давр воқеа-ходисалари, тарихий вазиятлари эл-юртдан шундай даҳоларни етиштиради. Бехбудий ва унинг ҳамфикр сафдошлари бу буюк орзулар жараёнида давом этган курашларда қурбон бўлиб кетдилар, орзу-умидлари қалбларида армон бўлиб дунёдан ўтди...

Дунёдаги ҳар қандай ривожланган мамлакатлар ва уларнинг раҳбарлари билан бевосита мулоқот ва амалий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи билан яшамоқдамизки, қизил империя даврида булар ҳақида ўйлашнинг ўзи камок, сургун, отиб ўлдириш деган сўз эди.

Айни шу маънода, Бехбудийнинг юқоридаги фикри баёни учун ишлатилган ҳар бир сўзи устида бирма-бир ўйлаб, мулоҳаза юритишни биз ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламиз. Бехбудий орзу-ҳавас қилган мана бу нуктага

бир эътибор қилайлик: “ Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни(нг) Мажлис Муборовотимиз (Парламен-тимиз) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шароит ва одатларига... Ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар... Туркистон яҳудийлари ва бошқа миллатлари мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эъти-борга олатурғон қонунлар тузулсун...”

Шу ўринда, инсон тафаккурининг чуқурлиги худди қоинотдай чексиз-чегарасизлигидан кишини хайратга соладиган яна бир қароматни эслаб ўтиш жоиз бўлиб қолди. У ҳам бўлса, истиқлол, мустақиллик сингари улуғ неъматларнинг биринчи белгиси бўлган она тили ва унинг давлат мақоми ҳақида. Бизда шу ҳақда қонун қабул қилингани ахборот воситаларида таъкидлангани маълум. Бехбудий ёзган эди: “ Туркистон ўлкасидаги халқни (нг) қўбраги ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар бўлса-да оз. Биноан алайх ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тили, Туркманистон учун туркман тили (баъзи шевалар) расмий тил саналарга тейиш...” (“Улуғ Туркистон”, 1918 й. 27 июль).

Ўйлаб кўрайлик, бу фикрлар, мулоҳазалар қачон баён қилинган? Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи бошни гаровга қўядиган, айни Туркистон халқларининг қонини сувдек оқизиб, хунрезликни авжга чиқараётган, “порлоқ келажак” сафсаталар билан ўз қирдикорларини пардалаб, босиб келаятган, тарихимизнинг энг қирлик, энг фожиали қунларида газеталарда чоп эттиришни бир қўз олдимизга келтирсак, буюклик нима, жасорат нима эканига, шу билан бирга, буюқ аждодларимизнинг бутун маънавий қиёфалари нимадан иборатлигига ҳам чуқурроқ тушуниб етармидик... Бехбудийнинг мазкур фикр-мулоҳазалари миллий кадрларимизни етиштириш йўлида интилиш деб баҳоласак, муболаға бўлмас...

Бехбудийнинг бевосита шогирди, ҳамфикр сафдошларидан бири Абдурауф Фитрат эса, 1919 йилдаёқ- Туркистон мусулмонлари орасида ишлайдиган ўрис ҳукмронлари вакили Трояновский нега бизнинг тилимиз, урф-одатларимизни билмай туриб, бизга раҳбарлик қилади, деган саволни дангал кўтариб чиққан, бу мавзуда маҳсус мақола

ёзиб, газетада эълон қилгани, қизил боскинчиларнинг биринчи бошлиғи Ленин ҳали тирик эди...

Ана энди шу нуктада бир мулоҳазага эҳтиёж бор: аксар бизнинг журналистларимиз агар ҳукумат ёки Олий Мажлис бирор қарор ёки Қонун қабул қилса, бу расмий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур очиш, кенг қўламда энг оддий одамларга ҳам тушунарли қилиб изоҳлаш, яъни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш ва ҳаётга татбиқ этиш ўрнига, ҳужжатлардан қатор-қатор кўчирмалар келтириш, ёки айрим лавҳаларни бутун-бутун кўчириш билан овора бўлиб қоладилар. Ҳужжатлар эса, ахборот воситаларида эълон қилинганича ўқилган бўлиб қолади. Ваҳоланки давлатимиз бирор қонун ёки қарорни қабул қилдими, унинг бугунги ҳаётимиз жараёнларидаги роли, аҳамияти ва ниҳоят, ундан келиб чиқадиган натижалар, ҳулосалар ва шундан жамиятимиз таракқиётига нималар келишини аниқ далиллар, ҳолис таҳлиллар билан очиб бериш лозим бўлади. Агар шу жиҳатдан, Бехбудий ва Фитратдан келтирилган мулоҳазаларга назар солинса, буюк сиймоларимиз, миллий кадрларни тарбиялаш, етиштириш, уларни жаҳон микёсидаги воқеалар жараёнида фикрлай оладиган савияга кўтариш ҳақида ўйлаганларини пайқаб оламиз. Асли миллий дастурнинг мақсад ва моҳияти бизга қолса, мана шу олий мақсадларни кўзда тутати.

Бехбудий ва Фитратлар Россиянинг боскинчилигидан қутилиш йўлини излаганларида русларни қоралаган эмаслар. уларнинг айрим фазилатларидан фойдаланишни уқдирган ҳолда миллий ўзлигини йўқотмаслик, кези келганда рус подишоҳлари ҳузурда ишлаш, уларнинг амалдорлари билан бемалол беллашган ҳолда Туркистон мусулмонлари манфаатлари учун курашиш даражасига кўтарилиш масаласини қўйганлар. Ўйлаб қаралса, асл миллий кадрлар тайёрлашнинг туб негизи, бинобарин, миллий дастурнинг асл моҳияти ҳам шундай эмасми?! Эндиликда эса, биз мустақиллик даври миллий кадрларни жаҳон микёсида фикрлай оладиган савияга кўтаришимиз лозим бўлиб қолди. Бу ҳаёт тақозоси, мустақиллик талаби, Ўзбекистонда қурилаётган жамиятимизнинг олий мақсади бўлиб қолди.

Бирок, минг афсуски, бу муҳим жараёни, бутун тақди-

римиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, бу юксак тадбирни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, барча табақадаги ҳар бир фуқароси ҳам тўла ва тўғри тушуниб яшаётир деб бўлмайди. Баъзи тадбиркорлар, фермерлар, фирмачилар, кишлок хўжалик, завод-фабрика ходимлари раҳбарлари, ҳатто ҳокимлар, вазирлар ҳозирги ўтиш даври кийинчиликларидан ўз манфаатлари учун фойдаланиб, халқни, давлатни ва ҳаммамизни алдаб, ўғирлик қилиб қўлга тушаётганларини нима деб аташ керак?! Пахта заводида ишлаган яна бир раҳбар юз тонналаб пахта толасини (четга-я) сохта хужжатлар билан ўғирлаб чиқараётганда қўлга тушиб, қамалса, хориж билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган кишлок хўжалиги машиналарини гоҳ аккумуляторсиз, гоҳ бошқа бирор қисмини олиб қолиб сотиб юбораверса, чиқарган машиналарнинг моторлари сифатсизлигидан ишлаб бўлмаса, Сирдарё ёки Жиззахларда минглаб гектар ерлар ё давлатдан яширин экилса ёки ерлар талон-тарож қилинган бўлса, хориж билан ҳамкорликда қурилган ускуналар билан ишлаётган пойафзал фабрикаларида маҳсулотлар ўта қиммат бўлса-да, нега ундай деб сўрасангиз, “ҳом ашё, яъни чармни хориждан оламиз” деб туриб олишса - ахир буларнинг ҳамма оғирлиги жарима сифатида келиб-келиб энг оддий халқ гарданига тушса, яна “нима иш қилаяпсиз” деб сўралса, бояги жиноятчиларнинг ҳаммаси, оғзини тўлдириб “халқимиз фаровонлиги учун ишляпмиз” деб жар солса, бу қандай гап? Бу санаб ўтганларимиз - ифлос ишларнинг иктисодий ёки моддий зарари нақадар катта бўлса, унинг жуда қалтис маънавий зарари ҳам бор. Бу шундан иборатки, оддий халқимиз юртбошимиз Ислом Каримовни қандай ҳурмат қилиши маълум. Юқоридаги барча қусурларни, айнан Президентимизнинг ўзлари очиб ташлаётганлари, уларни бартараф этиш йўлида жонбозлик кўрсатаётганларини бутун мамлакат аҳли кўриб турибди. Демокчимизки, бизни моддий жиҳатдан талаётганлар асос-эътибори билан маънавий душманларимиз ҳамдир, зеро, маънавияти, имон-этиқоди паст кимсалар жамиятни, халқни, тараққиётни ҳамиша орқага тортади. Ҳар бир вазиятдан фақат ўзи учун фойдаланишни кўзда туттади. Халқ, ватан, миллат, маънавият деган тушунчалар,

инсоният яратилгандан буён маълум бўлган олий инсоний фазилатлар улар учун ётдир.

Республика прокуратурасида бўлган йиғиндаги аянчли манзарага, қалбида заррача инсофи бор одам бефарқ қарамаган бўлса керак. Республика прокурори кишлоқ хўжалигидаги аҳволни пухта ва чуқур ўрганиб чиққани туфайли воқеаларни эркин баён қилади, сўрайди, моҳиятини англагани равшан кўринади, аммо ҳокимларнинг ишлари чаток, муовинлари, трактор заводи директори ва бошқаларнинг худди болалардай довдирашлари кишини таажжубга солади. Уят-номус, иззат, нафс деган инсоний хиссиётлар-чи?

Мавзуимиз гарчи бошидан фақат назарий йўналишга қаратилгандай кўринган бўлса-да, унда қатор далиллар келтирдик. Зеро, ҳаётнинг аниқ мақсадлари учун ярамаган ҳар қандай назария ёки ялтироқ сўзлар йиғиндиси сарик чақага арзимади, кераги йўқ...

Энди бироз миллий маънавият ҳақида.

Маънавиятга таъриф бериб ўтиришга ҳожат йўқ. Кўпчилик тушунади. Агар бир сўз билан айтиладиган бўлса, маънавият инсонийлик. инсонийликнинг олий белгиси имон ва эътиқод. Агар шундай бўлса, “Ватанни севмок имондандир” ибораси нақадар барчамиз учун муқаддаслигини изоҳлаш шарт эмас. Хўш, шундай бўлса, ўз жамияти, халқи, демакки ватанни севмаган кимсалар билан уни севган, бор вужуди билан унга хизмат қилишни ўзининг энг олий мақсади қилиб олганлар ўртасида фарқ борми?! Бор! Буларни ажратиб олиш лозимми? Лозим. Бирок ана шу маънавий оламнинг умуминсоний фазилатлари ҳам бор, миллий ўзига хослик хусусиятлари ҳам бор. Булар аксар фарқ қилса-да, бир-бирига қарши қўйилмайди. Ҳар иккиси қанча фарқ қилса ҳам олий нуқтада бирлашиб кетади ва ана шу нуқталар жам бўлиб, умуминсоний маънавиятни ёки қадриятларни ташкил этади.

Юртимизда қудратли нефть заводлари, авто ва трактор корхоналари, олтин конлар, неча-неча обрўли, жаҳонга танилган хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган ва буларнинг ҳаммасига юртбошимиз-у, ҳукуратимиз кенг йўл ва имкониятлар яратиб бераётган бир вазиятда ва,

ниҳоят, жаҳондаги қўплаб мамлакатлар бизнинг ер ости ва ер усти бойликларимизга қизиқиб қараётган бир тарихий шароитда ўз орамиздан чиқиб турган порахўрлар, ўғрилар, халқ молини талон-тарож қилиб, ҳаромхўрлик қилаётган кимсаларга қандай баҳо бериш керак?! Нахотки, ислом таълимотининг ворислари ўз халқи, ватани, миллати олдида ўзининг энг яхши миллий фазилатларини, демакки, миллий маънавиятларини писанд қилмасдан яшашга интилсалар?! Ахир ўтиш даврининг кийинчиликларини енгитиш ўрнига, бизга қўшимча кийинчиликлар туғдириб туриш энг камида нонқўрлик, бўлмаса, хиёнат ва жинойт эмасми?! Ким ўғрилик ёки порахўрлик билан умрининг охиригача бахтли бўлган?! Ҳеч ким!!! Бироқ, минг афсуски, биз кечирган 70 йиллик шўро ҳукмронлик қилган даврда миллий маънавиятимизнинг энг қимматли, энг нозик ва инсон учун зарур бўлган томонларга қарши кураш, ўт очилган эди. Қизиллар ҳокимиятга келиши билан динимиз, тилимиз, эътиқодимизни улоқтириб ташлашга интилди. Катта ер эгасининг ерини ерсиз деҳқон тортиб олиши керак, завод-фабрикаларни ишчи тортиб олиши керак, чунки бойлар камбағалнинг душмани, деб таълим берди. Шу билан бировнинг ҳақини зўрлаб тортиб олиш қонунлаштирилди.

“Бунга худо нима дейди?” деган сўроққа худо йўқ, деб жавоб берилди. Мачит-мадрасаларга хужум бошланди, зиёли муллалар қамалди, сургун қилинди, отилди. Миллий урф-одатлар, хатна тўйдан никоҳ ўқитишгача таъкиб остига олинди. Рус мактаблари қўпайтирилди. Рус тилини яхши билмаганларга иш ҳам берилмайдиган даражага келинди. ва ҳоказо...

Буларнинг ҳаммаси нимага олиб келди? Миллий маънавиятимизнинг бузилишига сургади. Ниҳоят, гарчи сахнада “Баҳор” ансамбли қизлари миллий кийимларда рақсга тушганда, ҳар қандай миллатга мансуб томошабин завқ билан томоша қилса-да, хотин-қизларимиз сочларини кесиб ташлайдиган, калта юбка кийиб, ёки тўрт томонидан кесилган, узун юбка киядиган бўлди. Бу нима ўзи? Миллий фазилатми, ёки нуксонми? Ахир миллий маънавият инсоннинг бутун вужудидан - хулқи, хатти-ҳаракати, билим доирасидан тортиб, сиртки киёфасигача ўз ичига олишини ҳам-

мамиз ҳам чуқур идрок этамизми? Агар идрок этсак, нега болаларимизга бу таълимни беролмай қолдик? Ота-оналарнинг миллий маънавияти - болага беихтиёр ўтади, бусиз иложи йўқ. Аммо ташқи муҳит таъсири гоҳо болага оиладан кўра кўпроқ таъсир эта бошлагани сир эмас. Буни ҳамма ҳам яхши тушунади. Эсланг-чи, Венгрия Президенти билан Юртбошимиз бирга ўтказган матбуот йиғинида бир мухбир Президентимизга “Сиз қишлоқ хўжалигини кўтаришга неча йилдан бери катта ғамхўрлик қилиб келаётирсиз. Аммо бу ишни кўнгилдагидек бажармаётган ҳукуматингизни нега истеъфога чиқармайсиз?”, деган сўроғига Юртбошимиз: “Тўғри айтасиз, аммо биз маънавиятни оммавий равишда кўтармагунимизча, бу ишни тўла амалга ошира олмаймиз. Бизнинг вазирларимиз, раҳбарларимизнинг кўпчилиги 70 йиллик қизиллар даврини кўрган, боқимандаликка ўрганган, шундан қутулмагунча минг марта истеъфога чиқарсангиз ҳам аҳвол ўзгармайди. Янгича фикрлайдиган кадрларга эга бўлмоғимиз керак... Миллий кадрлар тайёрлаш Дастури ҳақида Олий Мажлисимиз қабул қилган Қонун шуни назарда тутди” - деб жавоб берди. Бу бежиз эмас эди. Миллий кадр, миллий маънавият муаммолари бу осон иш эмас, уни тўла амалга ошириш учун мутассил кураш олиб бориш, тинмай ишлаш, жамиятнинг барча табақалари фуқароларни оммавий равишда бу соҳага сафарбар эта билиш талаб қилинади. Бу истиклолимизни мустаҳкамлашнинг туб моҳиятини чуқур англаб иш қўришни ҳаммамизга юклайди.

## Охиратни ўйлаш имон-эътиқод белгиси

*Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз қуч-қудратни қаердан оламиз? Энг аввало Оллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз...*

*Ислом Каримов.*

Инсоният тарихининг ҳамма босқичларида майдонга чиққан буюк даҳолар, аввало, ўз доноликлари, шунга



замин бўлган мустахкам имон-этикодлари билан бошқаларга ибрат бўлганлар. Бутун фаолиятларида сўзларига дастлаб ўзлари амал қилганлари учун улар оламдан кўз юмганларидан кейин минг йиллар ўтса ҳам халқлар қалбида хотиралари ардоқланиб келаверган. Бухорий, Фарғоний, Форобий ва уларнинг барча издошлари ўз миллатлари, элатлари қобиғидан чиқиб бутун инсоният маънавий дунёсига нур бериб турганлари билан мангуликка дахлдор бўлиб қолганлар. Одатда даҳоларни биров қоралаб ерга уролмайди, оқлаб кўкка кўтара олмайди, ҳаёт, тарих, жамиятнинг ўзи уларнинг жаҳондаги мавқеларини аллақачон белгалиб қўйган.

Хўш, нега шундай, деган саволга бир сўз билан жавоб бериладиган бўлса, айтиш мумкинки, номлари тилга олинган буюқларимиз, аввало, худодан қўрқиш, бандадан уялиш не эканлигини чуқур идрок этганлар. Худони бир. Пайғамбаримизни унинг элчиси деб билиш - имоннинг биринчи белгиси ҳисобланади. Ҳадисларда шундай кўрсатилган. Ана шу тушунчага эга бўлган кимсалар бутун ҳаётларида, ишларида, фаолиятларида, уйда, кўчада, бировга, ўз оиласи ва бегоналарга муносабатларида ҳам ҳамиша тўғри ва ҳалол йўл тутишга интиладилар. Муомалаларида ғараз бўлмайди, таъмадан ҳазар қиладилар. Хар ишларида фақат бу дунёни эмас, охиратни ҳам ўйлаб турадилар. Барча амалларини шунга бўйсундиришга ҳаракат қиладилар. Имон, этикоднинг туб негизи ҳам айтиш шундай бўлса керак...

Агар таъбир жоиз бўлса, асли **ФИДОЙИЛАР** деган сифатни биз айтиш шундай шахсларга нисбатан татбиқ этардик... Шу ерда бир изоҳга эҳтиёж сезамиз, камина диний маълумотлардан анча йиллар мобайнида маҳрум этилганимиз сабабли, бу борада дурустлик бирор фикр-мулоҳаза айтишга мутлақо даъво қилолмаймиз. Аммо тўғрилик, имонлилик ва имонсизлик, садоқат ва хиёнат, ҳалоллик ва ҳаромлик, мунофиқлик, ифвогарлик, фитначилик, амалпарастлик, порахўрлик, тамагирлик сингари жуда кўп, асли айтиш инсонларгагина хос бўлган ижобий ва салбий сифатларга эга бўлганлар ҳақида жуда оддий одамлар ҳам фикр айтишлари мумкин-ку? Бунинг учун, яъни ўғри билан тўғрини ажратиш учун унча катта ақл керак

эмас, фақат рухий хаста бўлмаган инсон-у ишчими, дехқонми, ўроқчими, кетмончими, ҳаммаси манаман деган академикнинг хатти-харакатларини кузатиб боради. баҳосини рўй-рост айтиб бера олади. Буни ТАРИХ, ҲАЁТ, ЖАМИЯТ деб қўйибди. Унинг назаридан қочиб яшайдиган кимса бўлмайди. Кимлигидан қатъи назар, халқ агар бугун ё кўркиб, ё андиша қилиб юзига айтмаётган бўлса, эртага кўркмайдиган, андиша қилмайдиган кунлар келиши билан дангал айтади... Буни тарих деб атаймиз, ҳар кимнинг ўрнини фақат тарих жой-жойига қўяди. Ҳеч ким ТАРИХ-ДАН талашиб жой олган эмас ва ололмайди. Тарихда жой худди коинот, инсоният, жамият сингари чексиз, чега-расиз, унда ҳаммага ўрин бор, олдиндан белгилаб қўйилади, бировнинг ўрнини бошқалар ололмайди ва хоказо... Ана шу қисмат тарихнинг ҳукми, худонинг қудрати, охиратнинг мавжудлиги энг теран, энг мукамал қонуниятки, жаҳондаги бирон кимса ундан қочиб қутулолмайди. Бинобарин, шуни ўйлаб яшаган инсоннинг хор бўлганини ҳали биров кўрган эмас дейиш ҳам, эҳтимол, мумкиндир.

Биз “ФИДОЙИЛИК” борасида ўз халки, миллати, Ватани бахт-саодати учун курашиб, босқинчилар зулми остида қатл этилган айрим буюқ даҳоларимиз фаолиятлари устида илгарилари ҳам фикр юритганмиз. Уларнинг бошқалардан фарқи шул эдики, аввал чор Россияси, кейин коммунист мустамлакачилари исканжасида яшаб, миллий озодлик, мустақиллик ғояларини муттасил тарғиб этишда ғоят катта жасорат кўрсатдилар, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам ўз халқи, Ватани манфаатларини ҳимоя қилишдан чекланмадилар. Ниҳоят, тенгсиз кучлар билан олишувда ҳам имон-эътиқодларидан қайтмай қурбон бўлдилар, илоҳим жойлари жаннатда бўлсин, уларнинг! Улуғ айём кунларида ўтганларнинг руҳларини шод этиш йўқлаш, қабрларни зиёрат қилиш, хотираларини яхши ният билан эслаш бизнинг энг муътабар миллий одатларимиздан биридир... Бугунги мулоҳазаларимизни маълум маънода ўтган сафарги фикрларимизнинг мантикий давоми деб ҳисоблаш мумкин...

Хуллас, гап яна фидойилик, бунинг энг олий шарти

бўлмиш - имон, эътикод, ҳар ишда икки дунёни баробар ўйлаш ва шунга қараб оёқ қўйиш ҳақида баъзи билганларимизни айтиб ўтмоқчимиз холос. Бу ҳеч қачон амри маъриф эмас, зеро, биз унга мутлақо даъвогарлик килолмаймиз ҳам...

Икки дунё деган ибора ҳар доим ишлатилади. Бири бу дунё, биз ҳар куни кўриб, билиб, яшаб турган, кўзимизга ғоят ширин туюладиган бутунги ҳаёт. Иккинчиси эса, “кетганлардан биронтасини қайтармаган белгисиз ўлка” сифатидаги кўзга кўринмайдиган у дунё, яъни охират. Уламоларнинг таъкидлашларича, Пайғамбаримиз айтган эканлар: Агар бу дунёнинг роҳатини сураман десанг, тижорат қил. Агар у дунёда роҳат кўраман десанг ибодат қил. Ҳар ИККИ ДУНЁМ обод бўлсин десанг илм қил... Кўриниб турибдики, дунё илм-фан, яъни маърифат ва маънавият билангина обод қилинади. Тараққиётнинг негизи айни шу. Бинобарин, дунёни обод қилиш учун эл-юртга бутун борлиғини бахшида этишни ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиганлар сулоласи керак. Уларнинг сафлари йил сайин эмас, ҳатто кун сайин ва ой сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб, куч-қудратлари ортиб, бутун жамиятга таъсир кўрсатиш даражасига ўсиб чиқа бориши, барча табақаларни эргаштириб кетишга эришмоқлари зарур. Бундай кучларимиз буюк Истиклолимиз шарофати билан шакллана бошлагани, уларнинг дастлабки самаралари кўрина бошлаётгани ҳақида ахборот воситалари хабарлар бериб турибди. Бироқ ҳали бу мураккаб аср ва зиддиятларга тўлиб бораётган қалтис замон эҳтиёжлари, яна ҳам тўғрироғи, талаблари бу борада биздан жуда катта куч, ғайрат ва салоҳият кутади. Ҳаётнинг мазкур соҳага оид муаммолари ечимига келганда, жаҳондаги барча воқеа-ҳодисалар жараёнини чуқур идрок этиб туриб иш кўриш ҳар биримиздан ўта етукликни, ҳар қадамни фақат энг олий тафаккургагина таяниб босишни тақозо этади. Давр талаби шу. Муаммоларнинг тўғри ва энг самарали ечимини тинимсиз излаш ва топишга эришиш эса, биринчи навбатда, БЕҒАРАЗ ФИДОЙИЛИКНИ талаб қилади. Фидойилар сафлари гарча ҳали етарли бўлмаса-да, ҳар тўсиқни енгишда барча қийинчиликни зиммаларида деб тушунадилар. Бу албатта,

аввало эл-юрт манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб яшашни турмуш тарзига айлантириб олганлар сифатида аниқ намоён бўлади.

Агар биз эл-юрт, ватан, халқ, илм-фан, тинчлик, тараккиёт сингари дунёнинг энг юксак муаммолари устида фикр юритадиган бўлсак, айтиш керакки, инсоният ўзининг бутун тарихий боскичида энг буюк даҳолари фаолиятида шулар билан шуғулланган аждодлари билан фахрланиб келган. Ишимизнинг бошларида биз бу ҳақда қисман изоҳ бердик. Номлари оламга кетган X асрлардаги аждодларимиздан қолган маънавий меросни минг йиллардан буён бутун олам ўрганади. Ҳамон бу иш тўхтамайди... Ўша буюқларимизнинг XX аср бошларидаги издошларини айтмайсизми? Улар қандай оғир, боскинчилар исканжасида туриб, миллий мустақиллик учун курашганлар. Мана шу курашга бошчилик қилган ва бошчилик қиладиган энг қудратли, энг фидойи, энг ҳалол, ўз миллати, халқи, ватани тақдирини ўз тақдири деб биладиган сиймоларнинг образларини асарларида ғоят юксак бадиий савияда яратиб кетдилар. Орадан бир асрча вақт ўтгани билан улар ҳамон китобхонларни мафтун этиб келмоқда... Шундай буюқ сиймоларнинг образларини яратиб берган асарлардан Абдулла Қодирийнинг икки тарихий романидир, десак хато бўлмаса керак. Бу икки романнинг яратилиши ўзи бир илоҳий мўъжизадир. Зеро ҳали бу романлар даражасида эл оғзига тушган ёки қалбларга чуқур сингиб кетган асар номини айтиш қийин. Муаллиф талай воқеа ҳодисалар тасвирининг туб заминига асли энг пок, худони бир билиб, ҳар ишда Қуръони карим ва ҳадисларга амал қилиб яшайдиган, имон-этиқодда мустаҳкам, ўз фикр-мулоҳазаларини жасорат билан ўтказа оладиган, билимдон, тadbирли, инсофли, ҳаёли шундай маънавий қиёфаси юксак кимсаларни чизиб берадики, ўқиган саринг кўз олдинда бутун жаҳон нурга тўлиб бораётганга ўхшайди. Ҳаётга, яшашга иштиёқнинг ортади, дунёни обод қилишга нимадир қилиб ҳисса қўшгинг келади. Мана бу лавҳаларга бир назар ташланг, бунда биз Ватанга қандай тоифалар зарур деган саволга жавоб топамиз. Абдулла Қодирий Юсуфбек хожи тилидан айтадир: "... Аввало манфаати, шахсиясидан кечиб,

фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаги йўлида кузатган маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёқ остига илашган чўп-хасларни супура бориш лозим...”

Ўйлаб қарайлик, Абдулла Қодирий XX асрнинг 20-йилларидек хунрезлик авжга чиққан бир қалтис вазиятларда XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида халқимиз бошидан кечган фожиалардан, тўғрироғи, ҳамон баттар давом этаётган босқинчилик зулмидан қутулиш учун курашга бошчилик қилиши мумкин бўлган кучлар жамоасини ташкил этиш йўл-йўриklarини чизиб бермоқда. Ватанни озод ва обод қилишда шуларгина етакчи бўлмоғи кераклигини қалбларимизга сингдирмоқда. Бу фикр-мулоҳазаларни “хўжақўрсинга кўкрагига уриб ватанпарварликни пеш” қиладиганлар оғзидан эмас, айна ўзи чинакам фидойи, буюк бир шахс тилидан айтмоқда, имон-эътиқоди бутун кимса қиёфасини шу билан чизиб кўрсатмоқда. Мана, Юсуфбек хожининг қиёфаси-ю, энг нозик ички дардлари, хасрати, борлиғи, Инсон сифатидаги шахси: “ Шу ёшга етиб бу халқ орасида ҳалиги жамоани уч-тўрт нафардан ортик учрата олмадим, афсус!.. Эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай, фақат мусулмонлар манфаатини кўзлаб келиб, оёғида ўзини қушбеги, мингбоши олган уч-тўрт манфаатпарастлардан гўё ёш бола каби алдандим... Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешга етиб, бир вақт бўлсин ибодатимни жаноби ҲАҚҚА бево-сита йўналтирганимни ва кўнгил кўзим очилиб қилган саждамни хотирлай олмайман...”

Биз келтирган сўзларни Юсуфбек хожи тинчгина турган Тошкент аҳолиси бошига кулфат солиш, яъни фитна кўзгаб қўйиб ундан ўзларига даромад топишни кўзлаб шаҳарни булғаетган бир гуруҳ беклар йиғинида кўз ёшлари билан айтади. Фитнанинг олдини олишга уриниш жараёнида айтади. Уларни тангридан қўрқиш ва охиратни ўйлаб иш қилишга ундайди, ўз фаолиятида бошидан кечирган дардларини шу ерда тўкиб солади... Зеро, Юсуфбек хожи ўзи ахтарган ФИДОЙИЛАР табақасининг етакчиларидан

эди... Мана шуларнинг барчаси миллий кадриятларимиздан биргина намуна ва унинг бутунги аҳамияти, мавқеи...

## Онг нима-ю, англаш нима? Идрок нима-ю, амал нима?

Мавзунинг муҳимлиги ва зарурлиги, бизнингча, аввало таълим-тарбия соҳасидаги ватандошларимизга, айниқса, ёшларга билим, тарбия беришдек ғоят муҳим соҳаларга ўз умрини бахшида этган дўстларга, бинобарин, барча табақадаги фуқароларимизга бевосита алоқаси борлиги маълум.

Мақсадни сарлавҳадан бошлайдиган бўлсак, онг нима ва уни биз қандай тушунамиз? Айтиб қўяйлик, бу мақолани ёзишда бирон иборани бирор луғатдан кўриб изоҳлашга уринмадик, фақат ўз тушунчамиз билангина шарҳлай-вердик. Биз институтда ўқиб юрган кезларимизда психология фани домласи, онг фақат инсонда, ақл эса ҳайвонда ҳам бўлади, деб сабоқ берган эди. Демак инсонда онг, ақл, идрок ҳаммаси бор, ҳайвонда эса фақат ақл бор деб қўяколамиз. Зеро, биздан ҳозирча бу тушунчаларни бошқача шарҳлашни талаб қилиш зарурати ҳам йўқ, чунки дарс бераётганимиз йўқда. Ҳар бир қўй, сигир, ит-мушук ўз эгасини, турган уйини биледи. Минглаб молни битта подачи далага ҳайдаб кетади, қаёқларга олиб бориб боқади, кечки пайт даладан қайтаётганда ҳар қўй-сигир, бузук, жониворлар бирор марта адашмасдан ўз уйига кириб келаверади (Ёшлигимизда подага қўшган молларимиздан ўзимиз ҳам бу жараённи минг марта кўрганмиз, кузатганмиз). Бунини хо ақл денг, хо онг денг ихтиёр сизда. Аммо ақлдан озган, яъни рухий хаста кимсалар кўчага чиққанда уйларини топиб кела олмаганларини ҳам бир неча марта кузатганлар яхши билишади. Ана шу табиий ҳолатларга кўра инсон борликни кўради, ақли билан тасаввур этади, иложи бўлса - ўз онги, тушунчаси билан моҳиятни уқиб олишга интилади. Ана шу моҳиятга интилиш нуқтаси бир шахсни иккинчисидан тафовутини кўрсатиб қўяди. Демак, онг ҳаммада бор, ақл ҳам бор, бироқ англаш эса, чуқур идрок этиш эса, бировда бор, бировда йўқ ёки бировда кўп, би-

ровда оз. Ёки бировда бир воқеага қараш - бутунлай тесқари бўлиб, бор ҳақиқатни очикдан очик бузиб изоҳлайди. Буни билиб қиладимиз, билмай, тушунмай қиладимиз, фарқи йўқ. Айтганларимиз қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун биргина далил, собиқ СССР парчалангандан кейин пайдо бўлган Ҳамдўстлик мамлакатларининг мустақиллиги жараёнидаги ғоят муҳим воқеалардан бири - ҳар қайси давлат ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда бир-бирлари билан тенг ҳуқуқли савдо-сотик, дўстлик, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўрнатиш ҳақида шунча йилдан буён миллион марта гап бўлди. Навбат билан давлат раҳбарлари учрашиб турадилар. Шу алоқалар жараёнида ўзаро қон тўкиб уришаётганлар Тожикистон, Озарбайжон, Арманистондаги воқеаларни бир кўз олдингизга келтирингчи?! Бугина эмас, яна бир мисол, Белоруссия, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон президентлари тўртлик, божхона бирлиги, иқтисодий ҳудуд, иложи бўлса пул бирлиги ҳақида яйраб, яшнаб гапирришгани ва ниҳоят Россиянинг собиқ президенти ана биз қатта тўртликни ташкил этдик, бу тўртлик ҳамдўстлик мамлакатлари орасида локомотивлик вазифасини ўтайди, ким истаса кирсин, қабилда очикдан очик гапирди. Хўш, агар бу тўртлик бутун ҳамдўстлик иттифоқига сардорлик қилса, ҳамма унинг ихтиёрида бўладими?! Агар шундай бўлса, бу тўртлик ёки бешлик бўлиб қолса, локомотивга ким сардор бўлади? Бунда Россия ҳукмронлиги ўрнатилади, бу собиқ СССРнинг ўзидан бошқа нарса бўлолмайди... Энди шу воқеаларни англашга келганда, ҳар ким ўзича талқин этар, моҳият биз айтгандан бошқача эмас. Турган гап, кейинги йиллар мобайнида қайси республика қай аҳволга тушгани қафтда тургандай аниқ кўриниб қолди. Белоруссия, унинг бугунги раҳбари минг оҳангда чиқмасин, асли, ўзини ўзи эглай олмади, амалдан ҳам кетгиси келмайди. Россияга қўшилса-ю, ўзи айтган минг хил бораларда алоқа бўлса-ю, лекин президентликдан кетмаса бўлди. Бу аҳвол мустақиллик деган энг улуғ, энг олий мақсадга асло тўғри келмайди, унга тамоман зиддир ҳамон портлаш, ўққа тутиб қочиш, ўлдириб кетиш, очлик, юқумли касалликлар тарқалиши, фуқаролари тўғри келган томонларга бош олиб кетаётган ва кекса-ю ёш, кампир-у чақалокларнинг фарёд чекиб,

гоҳ юртига келаётгани, гоҳ юртидан кетаётгани, минглаб ота-оналар болалари тақдирдан, кёзларидан қонли ёш оқаётган, бунинг устига ўз пули, саноати, кишлок хўжалиги ёки қудратли давлат органлари, армиясига эга бўлмаган давлатни - ким мустақил деб билади? Кўриниб турибдики, Белоруссия ва Тожикистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ким қандай тушунса, англаса, шарҳласа, ихтиёри, аммо биз санаб ўтган ва тилга олган ва олмаган нуқсонлар қалашиб турган жойлардаги аянчлардан бизни худонинг ўзи асрасин!..

Модомики, аҳвол шундай экан, биз худо асрасин деб, қўлни ковуштириб ҳам, ўз вазифаларимизни тўғри белгилаб олмасдан ҳам ўтиролмаймиз. Худди ана шу нуқтада биздан энг кераклиги онг, идрок, англашгина эмас, воқеаларнинг илдизларига, моҳиятига чуқур тушуниш ҳам талаб этилади. Ёдингизда бўлса, бундан бир муддат илгари республикамиздаги туман, вилоят ҳокимларидан бир нечаси турли ривожланган мамлакатларга тажриба ўрганиш учун юборилди. СССР вақтида бирор ўзбек хорижга чиқса, фақат Россия вакили сифатида борган. бирор жойга ўз ихтиёри билан қадам қўйган эмас. бирор сўроққа ўзи жавоб беришга ҳаққи ҳам бўлган эмас... Ҳокимларимиз қайтиб келганларидан сўнг ахборот воситаларида роса мамнуният билан бирин-кетин чиқишди. Тўлиб тошишди. Тажрибалар ортиб келишгани, уларни жорий этишга ҳўб ваъдалар беришди. Оқибат нима бўлди? Бир қатор вилоятларда аҳвол яхши бўлмагани, кишлок хўжалиги, саноат ва бошқаларда талаб даражасида ишлар йўлга қўйилмагани туфайли ҳокимлар ўзгартирилди. Бу табиий ҳол. Ишни эплай олмагандан кейин ўрнига бошқани қўйиш турган гап. Бирок ўша ўрганиб келинган тажрибаларни энди ким жорий этади?! Бориб келган одам бошқа ёқда-ку? Ана шу ерда яна бизнинг бояги англаб етиш ва ҳар бир ишга чуқур тушуниб ёндашиш моҳиятига бориб тақалади. Агар ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ҳокими ҳар бир ишга онг-идрок билан ёндашса, бирор тadbирни чуқур англаб етиб, ундан кейин шуни амалга оширса, ҳар бир ишда онг-идрок ва масъулиятни ҳис этиш, ҳатто ўз ишидан фахрланиш ҳиссиёти билан яшайдиган бўлса, бизнинг республикамиздаги ишлар бун-



дан кўра янада юқорирок поғонага кўтариларди.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кишлоқ хўжалиги, пахтачилик масалаларига бағишланган йиғинда бўлган гапларни бир эслайлик. Унда таъкидланган ютуқлар орасида

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ҳокими фаолияти фақат президентимизнигина эмас, ҳаммамизни қувонтирди. Андижон пахтакорлари фаолияти-чи?! Нега республиканинг ортда қолаётган вилоят ва туманларида нуксонлар кўпайиб кетган?! Сабаби аниқ: ўша ерларда ташкилотчилик, раҳбар ходимларда воқеаларга тўғри баҳо беролмаётгани, ҳаётни таҳлил этиш этишмаётгани бунга асос бўлаётир. Пахтачи тумани ҳокими асли иқтисодчи, банк ходими экан. Туманга боргач, аҳволни иқтисодий таҳлил этишдан бошладим, дейди. Пахтачиликдаги колоқликларни эса, чигит, уруғлик масаласини республика миқёсида ҳал этилмагунча, ҳамма ерда бир хил юксак ҳосилга эришиб бўлмайди, деган ғояни шу йигит бутун кишлоқ хўжалиги соҳасидаги олимлар зиммасига юклайди. Мана бу чинакам зукколик, фикрлаш, ишга, онг, идрок, юксак масъулият билан қарашдан келиб чиқади. Зеро, юртбошимиз жамият тараққиётини маънавий жиҳатдан етук одамлар таъмин этишини неча бор таъкидлаб келаётгани бежиз эмас-да ахир! Маънавий етук шахс ўз миллий анъаналари орасидан энг муҳим, энг илғор нуқталарни танлаб олиш, бинобарин, умуминсоний фазилатлар билан уйғунлаштириш ва шу заминда эл-юрти фан-техникасини, жамиятнинг иқтисодий, маданий, ахлоқий ривожини таъмин этишга қобил бўлади. Афсуски, ҳали бизда турли соҳаларда ўз лавозимиغا ҳар жиҳатдан лойиқ бўлмаган кимсалар учраб турибди. Улар жамиятни олға боришга ёрдам эмас, ҳалал бериб келмоқдалар. Модомики гап шундай экан, ҳаётимизнинг бирор томони онгсиз, англашсиз ёка идрок этишсиз, хуллас маънавийсиз ривож тополмайди. Маънавият эса фақат илм-маърифат билангина юксалади. Аммо бу йўлни асл олимлик осмонига кўтарилган сиймоларгина тўғри идрок этганлар. Жумладан, Улуғбек бобомиз Бухорода қурдирган мадрасаси пештоқиға “Илмға интилмоқ, ҳар бир мусулмон ва муслима учун бурч” қилиб кўрсатгани бежиз эмас-да! Афсуски, бизда илмий “хужжатларни” кўплаб олганлар

Ўртасида илмдан ғоят олис, ўз мутахассислиги доирасидаги энг оддий муаммолардан ҳам беҳабар ёки ўша муаммоларни мутлақо идрок эта олмайдиган ёки олий ўқув юртида дарс бериб туриб, унга кириш имтихонлари топширишга қурби етмайдиган фан докторлари, профессор номларини олганлар қўпайиб кетган. Аммо бутун умрини фан оламига самимият билан бахшида этган юзлаб, минглаб алломаларимиз борки, уларга ҳамиша таъзим қилиш ҳазрати пайғамбаримизга таъзим билан тенглигини ҳадислардан ҳаммамиз ҳам биламиз. Биз онг, идрок, тушуниш, ҳар бир ишга ўйлаб, фикр қилиб, энг муҳими, яхши ният билан ёндашишни кўзда тутамиз. Ахир Президентимиз Хиванинг 2500 йиллик тўйида сўзлаган нутқида, бундан минг йил илгари Хоразмда ташкил этилган Маъмун Академиясини эслатганда, римлик олим Помпейнинг бактрияликлар, Суғдиёнлар, Хоразмликлар қелиб чиқиши тарихи жиҳатидан Мисрликлар билан беллаша олади, деб бундан 2000 йиллар муқаддам таъкидлаганини тилга олганда, нималарни кўзда тутди деб ўйлайсиз? Аввало, ўз элимиздаги илм-маърифатнинг қадимийлиги билан фахрланиш бўлса, иккинчидан, бизнинг одамларимиз бутун дунёга маънавий таъсир кўрсатганини яна бир бор эълон қилиб, бизни огоҳлантириб қўйганини ҳаммамиз ҳам тўғри англаймизми? Ўзимизнинг бутун фаолиятимизда бундан кейин шунга қараб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканлигимизни унутмаслик учун огоҳлантириб қўйилмадимми?! Ҳа, биз ўзимизнинг энг олий илмий, инсоний, демакки, маънавий етук аждодларимизга муносиб иш қилмасак, уларнинг буюк анъаналарини имон-этикод билан давом эттирмасак, бутун кун тартибига чиқаётган муаммоларни ҳал этишда теран фикр, мулоҳаза, масъулият билан яшамасак, жамиятимиз, келажак авлодларимиз бизни кечирмайди... Ана шу нуқтаи-назардан фикримиз далили сифатида яна бугунги ишлардан бир-икки мисол келтиришни лозим топамиз, зеро, курук гап қанчалик ширали бўлмасин, амалга эга бўлмаса, сарик чақалик бўлиб қолаверади. Ахборот воситалари, аксари ҳаётдаги қўпгина, айтиш мумкинки, жуда долзарб масалаларни кўтариб чиқади, аммо масалалар кўтарилганча қолиб кетмоқда. Масалан, яқинда Тошкент вилояти, Чир-

чик шахридаги болалар пойафзали корхонаси фаолияти хакида яхши гаплар бўлди. Радиожурналист фабрика раҳбарини гапиртириб. жуда аниқ саволлар берганда, раҳбар довдираб қолди. Яъни қилаётган ишидан уялди. Бу корхона Италия билан ҳамкорликда ускуналар ўрнатиб, биринчи синфдан ўнинчи синфгача бўлган болалар пойафзали ишлаб чиқаришни йўлга қўйибди. Тузук. Бу гапни жуда чираниб сайрашди. Охири журналист, “Хўш, пойафзалларнинг нархи қалай,” - деган эди, раҳбар аввалига мақсад атрофида айланиб қолди, журналист яна қатъий қилиб сўраган эди, “Тўғри, анча қимматлиги бор”, - Неча пулдан?,

Икки мингдан етти минг сўмгача, деб юборди.

Нега мунча қиммат, ҳамма ҳам ололмайдими-ку?

- Тўғри. Хом ашёни биз Италия, Португалия, Германия ва яна аллақайлардан олиб келамиз, - деб жавоб берди... ва ҳоказо... Камина ўйлаб қолдим. Хўш, пойафзал чармдан бўлади. Тери заводи Тошкент, Самарқанд, Қўқонда борлигини биламиз. Моллар териси бизда жуда тўлиб ётибди. Ҳозирги гўшт бозорида - Эски жўвада, турли туман терилар сотилаётибди. Уларни ким сотаяпти, ким олаяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ. Енгил саноат деган ташкилотлар бор. Булар қайққа қараяпти? Камина яна бир фактдан хабардор: Самарқанд тери заводи илгари иттифокда кўзга қўринган, неча марта мукофотлар олган, хорижга сафар қилган, тақдирланган раҳбаридан кейин ҳозир ўнтача одам директор бўлди. Ҳар сафар ишдан кетгани заводни хароб қилиб кетиб, адойи тамом қилди. Тошкент ва Қўқондаги ахволдан хабаримиз йўқ. Лекин бу ишларга ким жавобгар-у, ким текшираётми? Заводни хароб қилган, ўша вақтда шахсан буйруқ билан, нуқул талон-тарож қиладиганларни раҳбарликка қўйган кимсалар, ҳозир ҳам дўппини яримта қилиб юрибдилар, биз уларни яхши биламиз, лекин юқоридагилар билмайдими? Буларнинг қилмишлари учун Чирчиқдаги пойафзал фабрикаси бир эмас, уч хориж мамлакатдан хом ашё келтириб, аламига халқимиз жарима тўласинми? Бу қандай тушунча, қандай онг, қандай маънавийатга қиради? Алифни қалтак деёлмайдиган илмий даража олганлар билан бу хилдаги раҳбарлар орасида қандай умумийлик ва қандай тафовутлар борлигини ўқувчиларга ҳавола қиламиз..

Ноинсоф раҳбарлар ёки биз учун хоразмлик ҳар бир пахтакорнинг ҳар кунги меҳнати қаҳрамонликдир деган юртбошимиз сўзларини ҳар биримиз қандай идрок этамиз? Қандай тушунамиз? Ундан қандай хулосалар чиқарамиз? Ахир дунё миқёсида ҳамкорлик билан корхона тузишга бизда имконият илгари йўқ эди, ҳозир бор. Бироқ ҳамкорликда қурилган корхона Чирчиқдаги сингари халққа жарима солиш марказига айланиб қолса ҳам индамай туриш керак-ми? Оврўпо бизда кенг бозор майдонига эга бўлмоқда. Аммо бу иш фақат оврўпаликларнинг фойдасига эмас, бизнинг фойдамизга ҳам йўналиши лозим эмасми? Тери заводларининг ишларини махсус текшириб, ундаги муаммоларни ечишга ким жавобгар??? Бундай мисоллар сероб. Аммо ҳар биримиз маънавий олам ҳақида, ўзлигимиз ва ўзимизнинг бугунимиз, эртамиз ҳақида ўйламас эканмиз бундан буён муаммолар кўпайиб бораверади.

Яна бир гап, шу мавзуга тегишли. Россия ахборот воситаларидан бирида. мухбир Москва қўчаларида дайдиб юрган талай ёшлар билан суҳбатлашди. Ёшлари 17-18 дан 25 ва ундан ортиқроқ ўғил-қизлар бир қўча бўлиб юрибди. Мухбир савол беради, улар жавоб:

Ёшинг нечада?

22 ёки бошқа...

Нима иш қиласан?

Ҳеч нарса!

Ўқимайсан ҳам, ишламайсан ҳам.

Ҳа шундай.

Нега?

- Менга ҳеч нарса керак эмас. Мен эртани ўйламайман. Фақат бугунги куним ўтса бас. Менга давлат ҳам, ҳукумат ҳам, президент ҳам керак эмас. Мен ҳеч кайсисига ишонмайман. Қаёқдан овқат, кийим бош топасан, деган саволга, тўғри келган жойдан, деб жавоб беради. Бир тўда бўйи етган қизлар ҳам шу ҳолда. “Турмушга чикмадингми?” - деган сўроққа, “ҳали ўйлаб ҳам кўрганим йўқ. Бугунги куним билан яшайман, эртанинг менга кераги йўқ, ишонмайман” ва ҳоказо... Мана бу сизга ҳамон бизнинг устимиздан яна ҳукмронлик қилишга йўл ахтараётган айрим кучлар яшаётган пой-тахтдаги ёшларнинг маънавий киёфаларидан бири.

Албатта, бундайларга қарши қарайдиган табақалар ҳам йўқ эмас, лекин уларнинг таъсири аниқроқ кўринмаётгани кишини ачинтиради. Нахотки, XX аср охиригача етиб келган ёшларда шундай қиёфа намоён бўлса-ю, унга ҳамма томошабин бўлиб турса? Афсуски, бизнинг айрим табақадаги ёшларимиз маънавиятига шундай зарарли кимсаларнинг салбий таъсири кўришиб қоляпти, бунинг олдини олиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, мустақил юртимизнинг келажаги ўзимизнинг ёшларимиз қўлига ўтиши лозим, ёшларимиз эса, бундай шарафли ворисликка тайёр туришлари учун маънавий баркамолликка эришмоқлари лозим...

Бу мулоҳазалардан келиб чиқадиган энг олий мақсад ва юксак хулосалар шундан иборатки, халқимиз табақаларида етук онгли ва идрокли кимсалар қанча кўп бўлса, мустақиллигимизнинг замини шунча қудратли бўлади. Зеро, Республикамиз Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғинлар мавзуси, унда қатнашган ҳокимлар-у муовинлар, корхона бошиқлари фаолияти тахлили софдил инсонлар қалбини ларзага солмаяптими?! Унда кўрилган барча масалалар ҳақида агар бир оғиз сўз билан фикр юритадиган бўлсак, айланиб келиб, шахсдаги онг, онглилик ёки маънавият дунёси ойдек равшан бўлади. Мустақиллик - барчамизнинг маънавиятимиз заминида сақланади, мустаҳкамланади.

Ўзликни англашнинг асл моҳияти ҳам айна шул бўлса керак.

## Маънавият оламининг туб негизи

Кўришиб турибди: савол жуда қатта ва жиддий. Амо даъвомиз қатта эмас, оддий, аниқ ва барча табақаларга тушунарли, маънавият оламининг туб негизи, асл замини оиладир, деб жавоб берсак хато бўлмаса керак. Негаки, инсондан бошлаб ҳар бир мавжуд жонзот ўз ҳаётини оилавий тарзда вужудга келтиради, шакллантиради, ривожлантиради, тартибга солади ва шундан кейин яшайди. Агар бир зум ўйлаб, бутун жаҳонга қалб кўзи билан назар ташласак, бу тартибдан бошқача турмуш тарзи йўқлигига амин

бўламиз, негаки, ер юзида бор мавжудотнинг барчаси инсондан бошлаб то ўсимлик дунёсигача муайян оилавий ҳаёт негизида пайдо бўлганига ва айти шу заминда ривожланишига ишонч ҳосил қиламиз.

Зеро, бу соҳада ҳам дунёнинг барча ҳудудларида турлича услуб, тартиб, муайян қонун-қоидалар бор. Бири ёзилган, бири ёзилмаган ҳаётий қоидалардан иборат дейиш ҳам мумкин. Турмушда ҳаётнинг бирор соҳасини қонунлар асосида тузиш, юритиш мумкин бўлса, бошқа бир соҳасини ёки умуман ҳаётни тўла-тўқис қамраб оладиган қонунни яратиб бўлмайди. Қонунлар тузилади, ёзилади, эълон қилинади, ҳаёт жараёнида уларга риоя қилиш кўзда тутилади. Аммо турмуш тарзининг кўплаб ўта нозик, гоҳо кўзга илиниб-илинмай юзага чиқадиган нуқталари шундай мураккаб вазиятларни вужудга келтирадики, бундай кезларда қонунлар ожиз бўлиб, фақат юксак маънода инсоний фазилатларгина, бошқача қилиб айтсак, маънавий олами бой, ҳар жиҳатдан етук шахсларгина иш беради, муаммони тўғри ҳал қилади, чигални билиб ечишга қодир бўлади.

Бу билан, ўша биз кўзда тутган сифатларга эга бўлган шахс фақат ўз эл-юрти, миллати, халқи маънавиятини юксалтиришга катта улуш қўшибгина қолмай, ўз миллий қобиғидан чиқиб, бутун жаҳон миқёсидаги маънавий ривожланишга, яъни умуминсоний фазилатларни кўпайтиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ана энди мазкур изоҳларимизни мавзуимиз сарлавҳасига татбиқ этиб кўрсак, бир эл-юртда ҳам, айти замонда бутун жаҳонда ҳам маънавиятнинг пайдо бўлиши-ю, ривожланиши биринчи галда оилавий ҳаётга бориб такалади, бусиз миллийлик ҳам, умуминсонийлик ёки жаҳон маънавияти ҳам бўлмайди.

Агар биз миллий маънавиятмиз ва унинг жаҳоний мавқеи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало, бу борадаги миллий фазилатларимизни кўз олдимизга келтирамиз. Зеро, бизнинг шарқона оилавий турмуш тарзларимизда бутун жаҳонга ибрат қилиб кўрсатилиши мумкин бўлган қанчадан-қанча фазилатларимиз бор. Айти фазилат ҳақида гап кетганда, бошқа миллатларнинг оилавий ҳаётларида ҳам

Ўрнак олиниши мумкин бўлган жиҳатлар кўп. Бинобарин, ўзимизда ҳам, ўзгаларда ҳам оилавий ҳаётга доғ туширадиган ва тушираётган нуқсонларни кўплаб учратамиз-ки, бундай муаммоларни тўғри идрок эта билиш яна биздан ақл-фаросат, юксак даражадаги онг ва тушунчаларни талаб қилади.

Энди ўйлаб кўрайлик, кейинги йиллар мобайнида, миллий кадриятларимизни тиклаш борасида озмунча иш қилинмади ва бу ҳамон давом этмоқда. Амалга оширилган тадбирларни оммавий-ахборот воситаларимиз ҳар куни эълон қилиб келмоқда. Аммо биргина, энг кейинги тадбирлардан айримларини таъкидлаб ўтиш билан чекланамизда, кейинги мавзуимизни давом эттираемиз. Аҳмад Фарғонийнинг туғилганига 1200 йил, Имом Бухорий таваллудига 1225 йил тўлишини республикамиздагина эмас, ЮНЕСКО қарори билан бутун жаҳонда нишонлаш, Ўзбек музей ташкилотини тузиш ҳақидаги махсус фармонларни олинг. Ёки Наврўз байрамини ҳар йили ўтказиш ва ҳоказо...

Юқорида номлари тилга олинган буюк сиймоларнинг жаҳон фани ва умуминсоний маънавият оламини юксалтиришдаги ўринларини шу вақтгача бирор кимса тилга олганмиди? Хорижда, биздан олисда ва биздан бутунлай четда турганлар уларни минг йиллардан буён билганлар, ҳурмат билан тилга олганлар, фан оламидаги кашфиётларидан фойдаланганлар, аммо биз-чи?

Қизиллар даврида, ундан олдинги чор Россияси бошлаб берган босқинчиликлар авжга чиққан фожиали йилларда биз ўзлигимизни йўқотаётган ва бор вужудимиз билан қарам бўлиб яшаётган вазиятларда ўз ватандошларимиз номларини тилга олишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди-ку?! Шунини идрок этамизми? Ахир бундай саналарни бизга буюк истиклолимиз ато этаётган ғоят бебаҳо маънавий бойлигимиз эканини ҳаммамиз ҳам чуқур тушунамизми?

Буюк аждодларимиз, улардан олдин ўтган Боҳовуддин Нақшбандийдан тортиб, Алишер Навоий, Бобурларгача, минглаб издошлари, туғилиши билан биринчи тарбияни оиладан олганлар, таълимни, илмни мактаб-мадрасаларда олганлар. Уларнинг ҳар бирлари шарқона оилавий тартиблар билан вояга етганлар, оилага ғоят буюк бир муқаддас

хужайра жамиятнинг бошланғич тарзи деб қараганлар. Янги оила қуриш, айти шу нуктаи назардан ҳар бир халқда, айниқса, туркий халқларда, шу жумладан ўзбекларда жуда катта қувонч билан ташкил этилган тантаналар, қариндошуруғлар, ёру биродарларгина эмас, қўни-қўшни, маҳалладошлар, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқлар иштирокида ўтказилади.

Йиғит ва қизлар ислом қоидаларига кўра муқаддас никоҳдан ўтишлари билан оила ҳаёти бошланади, кўпчилик гувоҳлигида ўқиладиган қуръон суралари билан оиланинг маънавий асоси яратилса, давлат идораларида никоҳнинг расмийлаштирилиши билан у қонунлаштирилади. Фарзанд туғилиши унинг қулоғига азон айтилиши, ақиқа ёки бошқача бир шаклда яна хурсандчилик билан нишонланади... Янги оиланинг вужудга келаётгани, жамиятга янги аъзолар қўшилаётганидан инсонларнинг мамнунлигини ифодалаш учун қилинади. Зеро, ўзбекнинг кимлиги қандай касб-ҳунар, лавозим, унвон ёки даражасидан, бой-камбағаллигидан қатъи назар, қайси биридан сўрасангиз, энг юксак айтиш мумкинки. олий мақсади фарзанд ва тўйлар кўриш бўлиб чиқаверади. Бирор йиғида фотиҳа ўқилаётганда, “тўй кўрайлик, ғам кўрмайлик”, “ҳаммамизнинг топган- тутганимиз тўйларга буюрсин!” деган тилақлар билдирилади ва бу тилақ ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади...

Демак, ҳар қандай орзу-хаваснинг боши оила бўлиб чиқади.

Ана энди биз ўз республикамизда ўзбекона оила, унинг турмуш тарзи, миллий ўзига хослик томонлари-ю, уларнинг гоҳо ўзгариб кетаётгани, баъзан эса, оила тарбияси-ю, унинг маънавий оламига зид келаётган воқеа-ҳодисалар устида қисман фикр-мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Конституциясида оила тузиш, уни сақлаш ва мустаҳкамлашга оид энг муҳим вазифалар қонунлаштириб қўйилган. Бу муаммога тегишли моддаларда ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар ҳақида аниқ тадбирлар қўзда тутилади. Аммо гап бунда эмас. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳаётда қонунларга сиғмайдиган,



фақат инсоний фазилатларга, яъни имон-этиқодга боғлиқ яшаш тарзи, унда дуч келадиган муаммолар бўлади. Бундай масалаларга муносабатда яна ўша маънавий олам деган энг юксак фазилат ёрдамга келади. Ниҳоят, барча ҳаётий муаммолар сингари оилавий муаммоларнинг энг тўғри ечими ҳам фақат шу нуктада тўғри йўлини топади.

Агар ўйлаб кўрилса, ҳаётда учрайдиган муаммоларнинг деярли ҳаммаси айланиб бориб, оилавий ҳаётга бирон жиҳатдан қоришиб кетади. Айтайлик, шу кунларда мулкдор синфини вужудга келтириш, қизил империя яқсон қилган синфларни қайта тирилтириш жуда муҳим аҳамият касб этиб қолди. Зеро, мустақилликнинг бизга ато этаётган ва ҳаётда иқтисодий мўл-кўлликка эришишнинг муҳим шартларидан бири шу бўлиб турибди. Қишлоқларда оилавий пудратчилар, шаҳарларда оилавий хусусий корхоналар, майда-кичик ишхоналар ташкил этишга киришилди. Қаерда шу иш тўғри амалга оширилса, ўша ерда тўқчилик ва хусусий мулкчилик вужудга келмокда. Бу тартиб пахтачиликдан тортиб чорвачиликгача ўз самарасини бераётгани маълум.

Шаҳарда турли хусусий фирма баҳонаси билан ўғирлик, сохтакорлик қилаётган чайковчилар, қишлоқда мол бошини камайтириб юбораётган чорвадорлар, ер-сувни талон-тарож қилиб, қўшиб ёзаётган кўзбўямачилар, пахта толасидан тортиб, ўғиту машиналаргача четга сотиб, қўлга тушаётганлар, мулзам бўлиб қора курсида ўтирганлар бундан мустасно.

Энди икки оғиз сўз оилавий ҳаётнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақида. Ўзбекларда қадим-қадимдан оилада болани ота-она ва умуман катталарга хурмат руҳида тарбиялаш одат бўлиб келгани маълум. Ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисалар сингари бу мавзу энг қадимий халқ оғзаки адабиёти намуналаридан тортиб барча ёзма адабиётларимизда, шу жумладан, XX аср адабиёти тарихига оид асарларда ҳам ўз ифодасини топган, зеро, адабиёт ҳаёт ойнаси, халқимизнинг маънавий маҳсули экан, у аввало, ўзининг асл ҳаққонийлиги билан қимматлидир. Модомики, шундай экан, чинакам миллий адабиётда халқнинг миллий фазилатлари ўз аксини топади. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ёки “Меҳробдан чаён” романларида тас-

вирланган турли табақа вакиллари хатти-ҳаракатларига бир назар ташлаб кўрайлик-чи, нималарни тасаввур қиламиз? Отабек асли Ҳасаналининг хўжайини. Ҳасанали унинг кули. Аммо ҳар икки тимсол ўртасида кечаётган алоқалар, муомаларида риоя қилинаётган одоб-ахлоқ ҳар қандай савиядаги софдил инсоннинг ҳавасини келтиради. Бу асли ҳар икки томоннинг оилада олган таълим-тарбиясидан ҳосил бўлган маънавий оламнинг юксаклиги натижаси эди...

Миллионлаб китобхонларни мафтун этиб келаётган бундай инсоний фазилатларни 20-30-йиллардаги қизил империя ялтоқлари адибнинг энг катта иллоти деб баҳолашди; ёзувчини айблашдаги катта “жиноятлардан бири шу” деб кўрсатилди. Чунки қизил империяга миллий фазилатларни йўқ этиш кун тартибидаги биринчи масала бўлиб қолган эди.

Отабекнинг ўз оиласини тузиш, Анварнинг Раъно билан жуда ҳалол, исломий ақидалар заминида қовушишга интилиши-чи? Бир эсланг, Раъно билан Анвар неча марта учрашади, кўришади, аммо Тошкентга қочиб келгандан кейин, то Эски жўвадан бошпана топиб, бир неча одамларни меҳмонга таклиф этиб, никоҳ ўқитмагунча Раъно билан қўшилмаганини бир кўз олдимизга келтирсак, оилавий ҳаётга нақадар муқаддас бир даргоҳ сифатида қараб келган ота-боболаримиз руҳларига муттасил таъзим қиламиз, уларнинг хотираларини зўр иззат-ҳурмат билан тилга оламиз. Асл ўзбекнинг миллий оилавий ҳаёти ўша пок инсонлар бўлиб, уларнинг авлод-аждодлари эканлигимизни унутишга ҳеч биримизда маънавий ҳуқуқ йўқдир...

Ана шуларни эсга олганимизда биз ўзлигимизни чуқурроқ пайқаб қоламиз, миллий анъаналаримизнинг энг илғор фазилатлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаётгани, ҳозирги оилавий ҳаётимизда улардан ибрат сифатида фойдаланиш нақадар зарурлигини ҳис этамиз.

Энди яна бир шу масалага оид миллий хусусият ҳақида. Пушкин ва Лев Толстой руслар учун қанчалик буюк сиймолар бўлса, бизлар учун ҳам айни шундай бебаҳо даҳолардир. Абдулла Қодирий, Чўлпондан тортиб барча катта ёзувчиларимиз уларнинг асарларини севиб ўқиганлари, улардан маҳорат сирларини ўрганганликлари ҳақида маҳсус мақо-

лалар ёзганлари маълум. Гап ана шу буюкларнинг асарларидаги миллий хусусиятлар ҳақида боради. Пушкиннинг “Капитан кизи” ёки Лев Толстойнинг “Анна Каренина” си дунёда энг катта обрў қозонган асарлардандир. “Капитан кизи” даги эндигина армияга кузатилаётган Пётрнинг отаси эркатой боласи ёнига кузатувчи қилиб, қули Савелични қўшиб юборади.

Йўлда малай болага қараб юриши, уни эсон-омон манзилга етказиши топширилган. Аммо йўлда Пётр маишат-хоналарда ичиб, кайфи ошиб қолган кезларда, Савелич уни тартибга чақиришга мажбур бўлади, чунки ота-оналари олдида у жавобгар эди. Аммо ёшгина Пётр ўзининг хўжайинлигидан фойдаланиб, Савелични жеркиб ташлайди, ҳақорат қилади, сўқади, уришади, “сен менга хўжайинлик қилишга ҳақкинги йўқ, жўна”, деб қўполлик қилади... Савелич ҳам жавобгарлик, ҳам ҳақоратлардан ўкраб йиғлайди, ташлаб кетолмайди ва ҳоказо...

Эҳтимол, бундай муомала бошқаларга унча иллат бўлиб кўринмас, аммо бизда - Отабек билан Ҳасанали ёки Анвар билан Солих Махдум, ёки Сафар бўзчилар ўртасидаги муомалаларига солиштирилганда, ундаги миллий тафовутлар ярқ этиб юзага чиқиб қолади... Ёки, “Анна Каренина” даги барча воқеалар Аннанинг ўз эрига кўнгилсизлиги-ю, кўнгли истаган йигитга қараб очикдан-очик интилиш заминида рўй беради. Бу ҳолатлар тасвир этилган жараёнлар оврўполикларга жуда оддий ҳақиқат, ҳаётий, табиий кўринар, аммо бирорта ўзбек бу хилдаги оилавий ҳаётни тан олмайди... Бундай ҳолатни сезган дастлабки кунданок оилавий ҳаётни йиғиштириб қўяди, бундай ҳаётнинг барбод бўлиши муқаррар деб қаралади. Бундай муносабат бизда оилавий ҳаётнинг муқаддаслигини таъминлайди дейилса, хато бўлмаса керак.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, айрим барчага намуна қилиб кўрсатилаётган (телерадио ва бошқа ахборот воситаларида) ҳавас қилса арзигулик оилалар билан бирга, хароб бўлаётган оилалар ҳақидаги маълумотларга дуч келганимизда, юракларимиз орқага тортади, вужудимиз изтироб гирдобиди қолади. Радиода Қорақалпоқдан Тошкентга ўқишга келиб, бир йигит билан топишган бир қиз (тахиятошлик)

никоҳсиз-бошқасиз фарзандли бўлиб қолгани фожиаси ҳақида эшитиш борилди. Қиз ўкиб юрган кезларида ўғил кўриб, боласини Тахиатошдаги ота-онасига ташлаб келади. Ўзи Тошкентга қайтиб, яна бировга тегеди. Уч киз кўради. Бу йигит ҳам ўз уч фарзандини, тахиатошлик аёлни ташлаб кетади. Бу аёл ота-онаси қўлида ўсиб, 20 ёшга етган ўғли билан жанжаллашиб қолади, она боласини бўғиб ўлдиради. Бола аллақачон тарбияси бузилиб, гиёҳванд бўлиб қолган экан. Она боласини сим билан бўғиб ўлдиради. Бу ёкда уч киз ёш...

Республикамиз ички ишлар вазири муовини телеэкранда икки марта чиқиб, эълон қилган маълумотларни бир эслайлик. Бирлашган Араб Амирликларига гастролга бориб, фоҳишалик қилган ўзбек аёллари-ю, уларнинг қўлга тушиб, қамалганлари ҳақидаги аянчли маълумотлар, кимни ташвишлантирмайди?! Халқимиз, миллатимиз шаънига доғ туширган бундай аёллар оила деган муқаддас тушунчадан нега мунча узоклашиб кетдилар?! Бундай фожиаларни бизга кимлар келтирди???

Ёки. Эндигина 19 ёшга кираётган ўзбек кизига беш юз доллар ваъда қилиб, Бирлашган Араб Амиригига учуриб олиб кетаётган армани аёлнинг ушланиши ҳақидаги ахборотни эсланг... Ахир 19 га кираётган кизнинг бутун тақдири олдинда, тўғри йўлдан бориб, оила қуриш арафасида шундай хиёнатга жиноятга аралашувига йўл қўйиб бўладими? Ўша киз қайтиб келиб, бир бечоранинг уйини куйдириши, умр бўйи оиладек бир муқаддас даргоҳни гуноҳлар, хиёнатлар, жиноятлар билан тўлдириб ташламайди, деб ким кафолат бера олади?!

Ана шундай аҳволларни кўрганингда, яна ўша буюк зотларимизнинг маънавий мероси, уларда кўтарилган абадий, барҳаёт ғоялар бирма-бир ёдга тушади. Бехбудий “Падаркуш”да, Фитрат “Бедил”, “Арслон”, “Ҳинд ихтилолчилари”, А.Қодирий “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”да, Чўлпон “Ёркиной”да ёшлар тарбияси-ю, оилавий ҳаётнинг нақадар муқаддаслиги, бутун миллатимиз, ватанимиз ва ҳатто бутун инсоният тақдирида нақадар буюк аҳамиятга моликлиги ҳақида ғоят қимматли ғояларни олға сурганлар.

Бу буюк ажодларимизнинг маънавий хазинаси биз

учун абадий бебаҳо таълим-тарбия манбаи бўлиб қолаверди. Зеро, бу бизга истиклол ато этган энг буюк маънавий неъматдир.

## Маънавий ҳуқуқ нима ўзи?

Маънавий ҳуқуқ билан маънавият бир хил тушунчами? Ёки бошқа-бошқами? Улардаги муштараклик нима-ю, тафовутлар нимада?

Кўриниб турибдики, қўйилган саволлар аниқ ва жуда мураккаб. Бир кичик таҳлилда уларга тўла жавоб бериш қийин. Бирок саволлар атрофида баҳоли қудрат фикр айтишга уриниб кўрамиз. Зеро, кейинги кунларда оммавий ахборот воситаларида “маънавият” ибораси ҳар куни бир неча мартадан тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу яхши, албатта. Бирок бу муқаддас ибора ва тушунча, аслини олганда, бир миллат, бир халқ, бир жамият ва ватангина, балки жаҳон тақдир билан боғлиқ, ўта муҳим, қиёси йўқ, бебаҳо тушунчалардир. Кўпгина зиёлилар қўча-қуйлардаги учрашувларида “маънавият ўзи нима? Унинг таърифи борми?”, деган саволларни бир-бирларига бераётганларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Демак, кўтлаб зиёлилар домлалар, журналистлар бунга алоҳида эътибор бераётганларини кўриб турамыз.

Маънавиятга биз ҳам таъриф беролмаймыз, аммо тушунганимизча, маънавият, бу асли имоннинг ўзи дейилса, хато бўлмаса керак. Агар киши ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ўзига раво кўрган нарсани бировга раво кўрса, имон-этикоднинг туб негизига риоя қилган бўлармиди?! Аксар одамлар, қарам бўлган кезларида ўзларини фақат “майин супурги” дай тутишади, “беозор”, “қўй оғзидан чўп олмай-диган” бўлиб кўринишади. Озгина амалга миниб, расмий бир ҳуқуқга эга бўлганларидан кейин эса, тамоман бошқача бўлиб қоладилар... Ён-атрофларига поклик билан танилганларни эмас, аксинча, кинғир-кийшиқ ишларига ёрдамлашадиган нопок, мунофиқларни тўплай бошлайдилар. Шу билан ҳайбаракаллачиларнинг “чапаклари”, пала-партиш гаплари билан ҳамкасблари, тенгдошлари, аксари ўзларидан

кўра покрок, билимдонрок, хатто, ўқитган домлалари, устозларига ҳам очикдан-очик ҳужумлар, тухматлар қилишдан тоймайдилар... Буни асли мунофиқлик, манфаатпарастлик, пасткашлик деса бўлади. Аммо бу иборалар биз кўзда тутган кимсалар қиёфасини тўла ифодалай олмайди, уларнинг айримлари, керак бўлиб қолган кезларда, ўз халки, миллати, ватанига бемалол хоинлик ҳам қилиб юборишга доим тайёр турадилар. Бу, албатта, шахснинг маънавияти билан боғлиқ... Маънавий олами бой, халки, ватани истикболи учун ўзини тиккан буюк сиймолар биз юқорида нафрат билан тилга олган нуксонлардан, бошларига қилич келганда ҳам холи бўлганлар... Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар, уларнинг ҳамфикр сафдошлари шундай даҳолар эдилар. Қизил империя, айти шу юксак фазилатлари учун уларни кириб ташлади, зеро, унга имон-этиқодли кишилар эмас, фақат айтганни қиладиган манқуртлар керак эди.

Биз ихзор этган фикр-мулоҳазаларда баъзан “майда гаплар”га ўхшаб кетадиганлари ҳам бордай туюлса-да, буларда бирон ундай нукта йўқ. Зеро, бутун бир жамият микёсида маънавий оламини юксалтириш учун унда яшовчи, беистисно ҳар бир инсонни шахс даражасига кўтарилиши, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавиятини бойитиб бориш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўйлаб кўрилса, ҳар бир оила боши - ота-она турмуш тарзи, ўша оила аъзолари ҳаёт фаолиятини белгиламайдими?! Шундай бўлгач, жамият унда яшовчи барча оилалардан ташкил топган, шунинг учун ҳам ҳар бир оила аъзоси жамият ҳаётида, жамият эса ҳар бир оила аъзосида бутун борлиғи билан кўриниб туради. Албатта, жамиятдаги инсонларнинг ҳаммасини бир қолипда ривожлантириб бўлмаганидай, жамиятнинг ўзини ҳам бирданига маънавий юксалишига эришиб бўлмаса керак. Аммо шунга интилиш жуда катта қийинчиликлар билан боғлиқ ҳолда рўй беради ва ана шу интилиш жараёнида, умумий маънавий юксалишда анча ижобий натижаларга эришила боради... Агар шахс, аслида яхши одам бўлса, яъни ҳаётда фақат яхши ният ва мақсад билан яшашни ўзига тарз қилиб олган бўлса, унинг наслинасаби ҳам аксар шу йўналишдан боради, чунки “қуш уясида

кўрганини килади” мақоли жуда серхикмат экани, кўплаб тасдиқланган. Биз юқорида номларини тилга олиб ўтган буюк аждодларимиз ва уларнинг сафдошлари асарларида санаб ўтган нуксонлар ҳам, фазилятлар ҳам ўз ифодасини топганки, айти шу юксак ғоявийлиги, маънавий олами бойлиги билан, ёки маънавий қашшоқлиги билан бизга ҳамон ибрат бўлиб келмоқда, худди шунинг учун ҳам улардан қолган маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қимматини йўқотмай келади, ҳатто даврлар ўтиб, улар билан бизнинг масофамиз узоклашган сари маънавий мерослари кадр-қиммати ортиб бораётганга ўхшайди. Нега шундай? Боиси шулки, буюк аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий мерос, бир халқ, бир миллат манфаатини кўзлаш билан чекланиб қолмайди, улар тор қобикни ёриб, аллақачон умуминсоний кадриятларга айланиб кетган. Худди шу қиймати билан бутунгача эмас, бундан кейинги замонларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Назаримизда, асли маънавийнинг туб негизи ҳам шу билан изоҳланса керак.

Юқорида айтилган назарий мулоҳазалар миқёси ғоят кенг, уни давом эттириш мумкин. Бироқ ҳар қандай назарий фикр аниқ ҳаётий далиллар билангина аҳамиятли деб қаралмаса, олди-қочди гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолиши мумкин. Мисолларга мурожаат қиламиз. Бехбудий ХХ аср жадидчилик ҳаракатининг етакчиси сифатида бир неча юзлаб илмий-назарий мақолалар, дарсликлар, қўлланмалар, ҳатто бир сахна асари ҳам ёзгани маълум. Ҳаммасини яхлит кўз олдимизга келтирсак, асос-эътибори билан миллатлар ўртасида тотувлик ўрнатиш, миллий мустақилликка эришиш, жамиятни оммавий равишда маънавий юксалтириш учун курашиш ғояси уларни бирлаштириб турибди. Бу эса, буюк даҳо - Бехбудий маънавий оламининг олий нуктаси эди. Энди Фитратда-чи? Унинг барча илмий-назарий асарларида, хикоя, шеър, очерк-публицистика, “Бедил”, “Умар Ҳайём”, “Темур сағанаси”дан тортиб, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Арслон” ва бошқа барча асарларида маънавий олами пуч, маънавияти бой инсонларнинг ажойиб сиймоларини кўрамыз.

Жумладан, Фитрат Амир Темур қиёфаси, даври, давлатни бошқариш тартибларини Турон иктисодиёти учун

курашларини шундай ибратли қилиб қизиб берадики, у асос солган буюк Турон давлати ўз тараққиёти билан бутун жаҳонга ибрат кўрсатгани ҳақида тўлиб-тошиб ёзади. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари, айниқса, октябрь тўнтаришидан кейин Туркистонда рўй берган хунрезликлар, вайроналиклар, босқинчиликлар, жаҳон тараққиётдан тамоман орқага қайтишлардан фарёд чекади, бу фалокатлардан қутулиш учун буюк бобомиз руҳидан мадад сўрайди. Шу ўринда энг муҳим бир нукта бор Фитрат Амир Темурнинг ватан, халқ манфаатларига хиёнат қилувчиларга ғоят шафқатсиз бўлганлигига алоҳида аҳамият беради. Маълумки, ўз халқи, ватанига хиёнат қиладиган кимсада маънавият бўлмайди, ундай одамнинг жамиятга кераги йўқ деб биледи... Ўз асарларида юксак инсоний фазилатларга, маънавияти бой, юксак эътиқодга эга бўлган шахслар Раҳимбахш, Дилнавоз, Лолаҳардиёл сингари сиймоларни чизган Фитрат Мавлоно Нуъмон, Оқунар, Марлин сингари мунофиқ, хоинлар образида энг палид одамлар киёфасини ҳам ёрқин кўрсатади. Абдулла Қодирий эса, Отабек, Юсуфбек Ҳожи, Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи сингари имон-эътиқоди бутун образлар билан бирга, Азизбек, Марғилон Кўрбошиси, Ҳомид, Мутал сингари энг пасткаш, маънавият деган тушунчадан бутунлай маҳрум, ватан, миллат, жамият манфаати сингари олий тушунчалардан беҳабар, бинобарин, маънавияти бўм-бўш маҳлукларни ҳам очиб кўрсатадики, буларнинг ҳаммаси бизга дунёда қандай яшаш лозимлигини ўргатади. Ёки маънавий бойлик нима-ю, маънавий қашшоқлик нималигини доим эслатиб туради. Биз тилга олган буюк аждодларимизнинг маънавий хазиналари яратилганига сал кам бир аср бўлаётир. У буюкларнинг ўзлари ҳам мазкур асар ва сиймоларини яратиш учун ўзларидан илгари минглаб буюкларимиз маънавиятидан ижодий фойдаланганлар ҳамда ўз даврларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни илмий, назарий, бадий таҳлил этганлар. Замон воқелигини кузатиш, таҳлил этиш, ундан тўғри хулосалар чиқаришнинг ўзи, аслида, шахснинг маънавий киёфасини белгилайдиган энг муҳим нукта деса бўлади. Зеро, ҳар бир воқеага, ҳодисага ёндашишнинг ўзи ҳар бир инсон киёфасини энг тўғри кўрсатадиган ойна



деса бўлади. Маънавият тушунчаси хакида гапириб буюк аждоларимиздан бир-икки мисол келтирдик. Савол туғилади, хўш, юкоридаги фикр-мулохазаларни бугунги кун воқеаларига, айрим одамлар хатти-харакатларига татбиқ этиб кўрилса, қандай манзаралар ҳосил бўларкин? Зеро, ҳар бир олим, ёзувчи, ижодкор асарига қайси даврдан мавзу танланмасин, у фақат ўзи яшаб турган тарихий вазиятда рўй бераётган воқеаларга ўз муносабатларини изҳор этишни кўзда тутади. Ҳеч ким тарихни тарих учун эмас, уни бугун ва келажак учун ёзади, илмий асарми, бадиий асарми, фарқи йўқ шу жиҳатдан.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё халқлари 1860-йиллардан то 1991 йилгача Россиянинг мустамлакаси бўлиб келди, ана шу давр Марказий Осиё халқлари маънавиятида нақадар салбий из қолдиргани хакида қўнлаб эмас, ойлаб, йиллаб гапириш. ёзиш, тасвирлаш билан адо қилиб бўлмайди. Ана шунинг ўзи мустақиллик бизга тангри ато этган энг буюк неъматлигини, маънавиятимиз, имон-этиқодимизнинг олий нуқтаси эканлигини тасдиқлаб турибди. Босқинчилар қарамликни бизга муттасил сингдириш учун ҳар қандай қабихликдан тоймайдилар. Онгли, етук, буюк йўлбошчиларимизни кириб ташладилар. Пасткаш, ўз халқи, миллати, дини, имон-этиқоди йўқларга амал, мансаб. имтиёзлар, унвонлар берди, бундайлар мустамлакачиларнинг дастёрлигини “қойилмаком” қилиб бажариб турдилар. Шу жараёнда алдамчи, кўзбўямачи, мунофиқлар, соткинлар, ўғрилар, юлғичлар, порахўрларнинг бутун-бутун сафлари етишиб чиқди. Айтайлик, фалон масала фалон мамлакатнинг ички иши ибораси жаҳонда энг кўп ишлатилади. Тўғри-ю, фақат нисбий гап ва нисбий тушунча. Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса, деярли ҳар бир воқеа-ҳодиса бирон мамлакатнинг ички иши бўлолмайди ва деярлик ҳамиша жаҳондаги ҳар бир халқ ва мамлакат ҳаётига муайян даражада таъсир этади. Айтайлик, Исроилда президент сайлови унинг ички иши. Хўш, собиқ президент ҳалокатидан сўнг сайланган янги президент амалга мингандан кейин, мамлакатдагина эмас, Яқин Шарқдагина эмас, Оврўпо, Россия, АҚШда мазкур воқеа қандай баҳоланаётганини изоҳлаш шартми?! Қани энди бу масаланинг “ички” ишлиги? АҚШда

бугунги президент иккинчи марта сайланди. Унга муҳолиф кучлар роса олишиб кўрди, ўтолмади, бироқ, оқибат-натигада улар Клинтонга қарши курашмаслик, уни қўллаб-қувватлашлари, мамлакат ривожини учун олиб бораётган ишларида қўмаклашишга ваъда бердилар мана бу юксак маънавиятли шахслар қиёфасини кўрсатадими?! Кўрсатади.

Энди Афғонистон билан Тожикистондаги воқеаларга бир назар солайлик-чи, нималарни кўраемиз. Тожикистон беш йилдан бери, Афғонистон эса ўн-ўн беш йилдан буён тинчимайди. Бу ҳар икки мамлакатда рўй бераётган воқеалар уларнинг ички ишими?! Асло йўқ. Бу ҳақда юртбошимиз БМТдан бошлаб, ҳар йили неча ерда, неча марта, қандай ташвиш тортиб баёнот бериб келаётганлари маълум. Оммавий ахборот воситалари бу ҳақда доим тўла маълумот бериб бораётир. Биз уларга қўшимча қилиб шуни айтанимизки, ҳар икки мамлакатдаги хунрезликлар, дастлаб нимадан бошланган-у, кейин қандай тус олиб кетди?! Сабаби аниқ, қизил империя Афғонистонни ҳам босиб олиб, худди бизлар каби эзиб, шарбатини ичмоқчи эди, бўлмади. Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгандан кейин эса, вилоят-парастлик, қабилачилик, гуруҳбозлик кураши бошланиб кетди. Дастлаб умумий душманга қарши, яъни қизил империяга қарши курашда, эҳтимол, қабилалар, гуруҳлар, вилоятлар бирлашиб ҳаракат қилгандир. Бироқ ташқи душмандан қутилгандан кейин, ҳокимият талашиш, гуруҳбозлик, вилоятпарастлик, қабилачиликка олиб келгандир. Тожикистонда-чи?! Эндиликда, амал талашиш ва вилоятчилик, гуруҳбозлик курашлари бошланиб кетди. Бу орада Тожикистон билан Афғонистон воқеалари аралашиб ҳам олди. Зеро, ўрмонга ўт тушса, хўлу-курук баробар ёнади қабиладаги “ички ишлар” юзага келди. Хўш, бу воқеаларнинг маънавиятга ва маънавий ҳуқуқларга алоқаси борми? Бор, бўлганда қандай. Агар мазкур юртларда иш бошига маънавий дунёси бой, имон-этикоди бутун кимсалар келсалару, атрофларида ҳам шундай қўмакчилар йиғилса, мамлакатни минглаб қони тўкилаётган халқларни фожиалардан аллақачон ҳалос қилардилар. Шу ўринда яна бир тарихий ҳужжатга мурожаат қилишга тўғри келиб қолади. Абдулла Қодирий қизил империя босқинчилиги, тўхтовсиз қонлар

тўкиб, Марказий Осиёда ўз мустамлакачилигини тикиштириб келаётган 1922 йилда шундай ёзган эди: "...Эй Ҳожи, фасод улул амирда, агар улул амир дуруст одам бўлса, учтўртта муттаҳамнинг ёмонлиги ҳеч қаерга бормас ва бунча гуноҳсиз бечоранинг қони ўринсиз тўкилмас эди. Жаноби пайғамбари Худо ҳадиси шарифларида айтадиларким, бисмиллохиррахмониррахим, қоланнаби алайхус-салом: "Изовиссадал амру ило ғайри аҳли фанатизирас-соата", яъни, ул сарвари коинот марҳамат килурларким, агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамга топширилган бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига мунтазир бўл деб, бас, бизнинг қорларимиз ҳам қўп фурсатлардан бери ноаҳил одамларнинг қўлига қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвои қулфатларни соладилар. Илоҳи қорибатлари ўз бошлари билан даф бўлгай!..." ("Ўтган кунлар", 325-б.).

Абдулла Кодирий башорати салкам бир асрдан буён ўтган ва ҳозирда ҳам рўй бериб турган жаҳон воқеаларига ҳамонаглиги, тасдиғи, фалсафий хулосалари билан софдил, маънавияти юксак инсонларни мафтун этмайдими?! Қалбларни ларзага солмайдими?! Кишиларни имон-эътиқодга, маънавий бутунликка даъват этмайдими?! Бизнинг бу маънавий кадриятларимиз заминиди умуминсоний фазилатлар ғоят юксак қад қўтариб, ўзбек миллий маданиятининг қиёфасини жаҳонга намойиш қилмайдими?! Тарихимизнинг 1917 йилдан буёнги даври фақат кизил империя кўрсатмаси билан давом этди. Саноат, илм, фан, техника, кишлок хўжалигида қандай аҳволлар рўй бергани маълум. Агар шу тилга олинган соҳаларнинг ҳаммасида қандай қалбакичилик авж олган бўлса, афсуски, илм-фанда ҳам шундай бўлди. Жаҳонда энг орқада қолган техникани фан доктори, ҳатто академиклардан баъзилари энг илғор деб изоҳлашди. 30-йиллардан бошланган қолхоз, совхоз кишлок хўжалигини, ер-сувни, одамларни алдади, бездирди, орқага тортди, кашшоқлаштирди. Аммо қолхозчи миллионер бўлиб борапти деб таърифланди. Ҳозир-чи, бирор қолхозни тарқатиш ҳақида гап қўзғалса, ҳаммадан аввал раис қарши чиқади, мактаб солдик, клуб қурдик ва хоказо, деб бош қўтаради. Негаки, кишлокда ҳамма ишлаши керак, раис хўжайинлик

килиши керак. Махсулотни фақат у киши тақсимлайдилар. Ердан бешиш, ишдан совиш, кишлоқдан қочишнинг тағ заминида шулар ётадида. Ўзбекистонда табиий газ топилганига неча йил бўлган бўлса, кейинги йиллар мобайнида бутун кишлоқни газлаштиришга кўрсатма берилишига карамай, ҳамон бу иш охирига етгани йўқ. Аммо ҳамма амалу, унвонни олиб бўлганлар, бундан ўттиз йиллар илгарийёқ шаҳар билан кишлоқ ўртасидаги тафовутлар “йўқолиб кетган”и ҳақида жар солганларига нима дейсиз?! Бу маънавийтми, йўқми? Шахсий манфаат деб, бирор нарсага эришаман деб бу қадар паст кетганларга ҳамон эргашаётганларнинг борлиги ташвиш туғдиради... Биргина мисол: Президентимизнинг вилоятлардаги учрашувлари, нутқлари ҳамманинг эътиборини тортгани маълум. Намангандаги “Ғалабанинг 45 йиллиги” номли колхозда икки гектар ерга ерёнғок экилиб, бир гектар деб ёзилган. Бир гектар ерга экилган пиёз яшириб қолинган. 120 тонна ёкилғи сарфланди деб, қалбаки хужжат қилинган. Кишлоқ хўжалиги машиналарининг аксари қисми қаровсиз, ремонтсиз ётибди. Бу колхоз ўтган йилни 18 миллион сўм зарар билан якунлади ва ҳоказо... (Радионинг ахборотидан). Бундай ахволни Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ахир булар колхоз раҳбарлари маънавиятига боғлиқми, йўқми? Бизнингча, ҳар қандай алдамчилик, ўғирлик, кўзбўямачилик, юлғичлик, боринки, хоинликдан тортиб қотилликкача инсонни олиб борадиган омил - маънавийтсизлик, ички олами бузуклик ва ниҳоят имонсизлик, эътиқодсизлик туфайли содир этилади деб ҳисоблаймиз. Маънавий дунёси сиртдан эмас, асли ичидан, қалбидан бўлса, у одамда биз санаб ўтган нуқсонлар бўлмади. Зеро, ҳар қандай ўғри-муттаҳам ўз молини бировга ўғирлатишни истамайди, хоин ўзига бировнинг хиёнат қилишини истамайди, қотил ўзини биров ўлдиришини истамайди. Аммо шу ишларни нега ўзлари қилади?! Шунинг учун ҳам ҳадисларда ўзингга раво кўрган нарсани бировга ҳам раво кўр дейилганки, бу маънавийтнинг туб асоси, замини, мохиятини ифода этади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кейин биз мавзунинг энг нозик бир нуқтасига келиб тақаламиз. Афғонистон,

Тожикистондаги гуруҳбозликлар ҳақида бироз айтдик. Хўш, ўзимизда шу нуқсонлар борми ёки биз ундан бутунлай холимизми? Афсуски, бизда ҳам бундай нуқсонлар бор, унинг авж олиб кетишидан худо сақласин. Касални яшириб, ҳеч ким даволай олмаган. Унинг иситмаси, газаги, бедаво хуружлари бўлади. Бу вилоятпарастлик, маҳаллийчилик касали. Шундай касални эшитганмисиз? Бу ҳам жуда оғир касалликлардан ҳисобланади. Юртбошимиз ҳам бир қатор чиқишларида ҳар бир муаммони ечишда маҳаллийчиликка, уруғчиликка берилиш нақадар салбий оқибатларга олиб боришини муттасил таъкидлаб борадилар. Ўз даврида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат асарларида худди ана шу касаллик, мамлакатни хароб қилгани, инсонлар конини тўккани, эл-юртни фақат орқага тортиб, оқибатда, чет эл босқинчиларига осонгина ўтиб кетганини жуда аниқ далиллар, тарихий ҳужжатлар билан ғоят ишонарли қилиб кўрсатган эдилар. Жумладан, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”идаги Юсуфбек хожи билан Отабек суҳбатлари, Юсуфбек ҳожининг беклар йиғинидаги кўзёши тўкиб айтган гаплари, Фитратнинг “Шарк”, “Миррих юлдузига” шеърлари, “Ҳинд ихтилолчилари”даги буюк донишманд Лолаҳардиёл билан Раҳимбахш ва Дилнавозлар ўртасидаги суҳбатларни эслатиб ўтиш кифоядир. Юсуфбек хожи Қўқон, Бухоро, Хоразм хонликлари давридаги гуруҳбозлик, вилоятпарастликлар Турон элининг чор Россияга ўтиб кетишига олиб келишини, Лолаҳардиёл эса, мамлакат ичидаги диний, қабилавий гуруҳбозликлар бутун Ҳиндистондек бир катта мамлакатни инглизларга ем бўлишига сургаб келганини афсус ва надоматлар билан изоҳлайди. Аслида бу дард-аламлар А.Қодирий ва Фитратнинг 20-йиллардаги қалб алангалари, маънавият оламлари, унинг туб негизи, яъни улар маънавиятининг олий нуқтаси, мақсади бўлмиш Истиклол дардидан, орзусидан келиб чиқаётган фарёдлари эди. Вилоятпарастлик, гуруҳбозлик, уруғчилик - майда гап, ёки “жиндек шамоллаш” билан ўтиб кетадиган касаллик эмас, у ҳамиша оқибати фожиаларга олиб келадиган касал.

Афсуски, кўпгина вилоятларда, шаҳар ва туманларда, корхоналарда, ташкилотларда, олий ўқув юртларида ва идораларда ҳам бундай ишлар бор. Журналистлардан Маҳкам

Махмудов, Гулжаҳон Мардоновалар яқинда радиода сўзлаб, ана шу иллатларнинг жуда хавфли, ҳатто миллатчиликка нисбатан ҳам хатарлироқ эканлигини таъкидлашди. Хуллас, бугунги кунда бу масала ҳам шахснинг, айниқса, ҳар бир ташкилот раҳбарияти маънавий қиёфасига боғлиқ ва ҳеч қачон бу маънавий оламдан, инсоний бурчдан юз ўтириб яхши натижага эришиб бўлмайди. Зеро, касалингни яширсанг, иситмаси ошқор қилади!

### Фидойилик нима ўзи?

1. Фидойилик деганда қандай ҳаёлга борамиз?
2. Буни ким қандай тушунади?
3. Асли фидойиликнинг туб белгилари борми? Бўлса у қандай намоён бўлади?
4. Оғиздаги фидойилик билан амалдаги фидойиликни ким билмайди? Буни ажратиб олиш учун расмий қонунлардан кўра маънавий қонуниятлар кўп. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Саволлар ўта мураккаб ва аниқ. Унга тўла жавоб бериш ҳам оғир ва масъулиятлидир. Бинобарин, бугунги ҳаётимизда, кечираётган ҳар бир кунимизда бу саволларнинг жавобига эҳтиёж сезамиз. Истиклолимиз олдимизга қўйиб келаётган ҳар бир масалани самарали ечимини топиш учун иложи борича кўпроқ фидойилар сафларини ҳамма соҳаларда кенгайтиришимизни талаб этмоқда. Айни шулар бизнинг таянч ва ишонч кучларимизни ташкил этади. Жамиятнинг тақдири шулар қўлидадир. Савол туғилади: хўш, бундай кучларни қаёқдан оламиз ва қандай етиштирамиз? Буларга манба борми? Бундай манбани ва уларни қандай етиштириш йўлларини юртбошимиз бир эмас, бир неча бор чиқишларида, суҳбатларида, илмий-назарий асарларида кўрсатиб берганлар. Мана бу фикрларга бир эътибор қилайлик:

“Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онги-

ни шаклантирмоқда. Ахлокий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда... Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан кўп муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср охири XX аср тарихи янгидан кашф этилди..."

Ўзбеклар орасида "Ёмон этмай яхши йўқ" деган бир оддий мақол бор. Сиртдан жўнгина кўринган бу ибора таги ғоят теран фалсафий мантиқ касб этади. Ҳаёт ҳамиша яхшилик билан ёмонлик, эзгулик, ёвузлик, хиёнат билан фидойиликларнинг курашлари, қоришмаларидан ташкил топган ва булардаги зиддиятлар турли тарихий даврлар тақозоси билан юзага келган вазиятларда турли шаклларда давом этади. Яъни мазкур ҳаётини курашлар асло йўқолмайди, фақат шакллари ўзгартириб туради, давом этаверади. Инсонларнинг барча табақалари, айниқса, зиёли қатламига мансублари мазкур жараёнда ўзлигини шундай шакл-шамойилларда намоён қиладиларки, гоҳо фидойилар айнихиёнаткорлардан жабр кўрадилар. Буни ҳамма очик пайқайди, ҳатто кўриб туради, аммо баъзиларини юридик жиҳатдан ҳеч қўлга тушириб бўлмайди. Бу нима дегани? Қизик: хиёнаткор бўлса-ю, айбини бўйнига қўйиб бўлмаса? Ҳа, ҳамма бало шунда! Зеро, дунё дунё бўлгандан буён давлатни бошқариш, халқ оmmasига етакчилик қилиш ҳақида озмунча қонунлар ёзилмагандир. Лекин барибир ҳаётнинг бутун бор-йўғини ўз ичига тўла оладиган қонунни ҳали ҳеч ким яратган эмас ва ярата олмаса ҳам керак. Чунки ҳаёт худди қоинот сингари чексиз-чегарасиз, воқеалар, ҳодисаларнинг рўй берганларидан ҳали рўй бермаганлари кўпроқдир. Уларнинг қандай кечишини олдиндан қолипга соладиган куч, фақат улуғ тангридан бошқа қудрат йўқдир... Биргина ўша КПССгина жаҳонда худо йўқ, дин йўқ, одамларни тенглаштирамиз, зиддиятларни йўқотамиз деган сафсаталар ҳақида жар солиб, ўзларига қарашли барча ҳудудларни харобага олиб келди. Мана етти-саккиз йилдирки, кўплаб уларга эргашган давлатлар хар жиҳатдан бўҳронга учраб, бу даҳшатли гирдобдан чиқа олмай фарёд чекадилар...

Энди юқоридаги мулоҳазани давом эттирамиз: истиқлолимиз даврида янгидан вужудга келтирилган автозаводдан тортиб, нефть-газга оид йирик иншоатлар, ёқилғи

ва дон мустақиллигига эришиш бобидаги ишлар, савдосотик тизими, тадбиркорларга, халқ миллий ҳунармандчиликларидан тортиб, тарихда ўтган буюк даҳоларимиз кадриятларини тиклаш борасидаги жаҳоншумул амалларимиз ҳақида ахборот воситалари ҳар куни маълумот бериб турибди. Шу жиҳатдан ЮНЕСКОнинг 155-сессияси Тошкентда чақирилиши - бу сиртдан кўрингандек оддий ҳодиса эмас. Миллий кадриятларни тиклаш борасида қани айтинг-чи, қайси бир атрофимиздаги давлат бизчалик иш қилди? Ҳозир бизнинг бу борадаги фаолиятларимизни жаҳондаги барча ривожланган давлатларнинг раҳбарлари очик тан олганларини ахборот воситаларида бемалол айтиб турибдилар... Булар кўз ўнгимизда, ҳаммамизнинг гувоҳлигимизда рўй бераётган воқеалар... Бирок минг афсус билан таъкидлаймизки, айрим раҳбар ходимлар ўзларига билдирилган ишончни, берилган ҳуқуқ ва ваколатларини, халқимиз, Ватанимиз олдидаги энг оддий ва ўта муҳим фуқаролик бурчларини унутиб ёки йўқотиб, жиғилдон балосига, айни заминда келиб чиқадиган амалпарастлик хасталигига гирифторм бўлиб, ўз халқи, давлати, Ватан молмулкларини талон-тарож қила бошладилар. Бундай салбий ишларни улар гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайничилик сингари ўзбекнинг энг яхши ниятлар заминида ривожланган миллий урф-одатларни фақат ўз манфаатларига бўйсундириб, суиистеъмол қилдилар, буздилар, ёрдилар, яхшилиқни ёмонликка айлантириб юбордилар... Ўйлаб қаранг, қариндош-уруғлар билан бордикелди қилиш гарчи барча миллатларда бўлсада, Марказий Осиёнинг асл аҳоли, шу жумладан ўзбеклардаги сингари кенг тарқалган эмас. Яхши ошна-оғайнилар билан беғараз, самимий алоқада бўлиш, кези келганда маслаҳат ёки бир пиёла чой, тўкин дастурхон атрофида қўнғилдан суҳбатлашиб, ашула, мусикалар эшитиб, хизил-хузуллар, пайрову аскиялар айтишиб ўтиришга нима етсин?! Бирок, ҳар бир ҳаётий ва энг яхши, энг ёқимли кишига завқ-шавқ берадиган, ақлига-ақл, билимига-билим ёки қалбидаги олий ниятларига етишишида қўмаклашадиган анжуманлардан фақат шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, бизнинг назаримизда, энг пасткашлик бўлса керак...



Юртбошимизнинг дастлаб Қашқадарёдаги воқеалар муносабати билан кўрган тадбир-чоралари ва ундаги чиқишлари, бутун республика аҳолисини, барча табақага мансуб фуқароларини ларзага солса-ю, шундан сал ўтмай, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ундан баттаррок аҳволларни юзага келтирган ҳокимлар бундан бирор хулоса қила олмаган бўлсалар?! Шунча гапдан кейин айтилган камчиликларни такрорлашга журъат этган амалдорларга қандай баҳо бериш керак десангиз, уларнинг савиялари қандай заминда шаклланган, дунёқарашларини нима деб аташ керак деб, бу саволни ўзингизга қайтарар эди!.. Бутун бошли вилоят аҳолиси тақдири шуларга ишониб топширилган бўлса-ю, булар катта даромад, қатор ҳашаматли уйлар қуриб олиш билан машғул бўлсалар?! Улар шу ишларини ўйлаб юрганларида, Имом ал-Бухорий ёдгорликлари учун келтирилган қурилиш материалларини ўзлари ўз уйларига ташиб кетишса-да, ҳеч кимдан тап тортмасалар, на худодан кўркмай, на бандадан уялмай, гуноҳи азимга ботаётган бир вазиятда, вилоят ёки республикамиз тақдирини ўйлашга мияларида жой қолармиди?! Етти ухлаб тушларига келмаган халқ тақдири оқибат натижада, уларни шармандаликка олиб келиши муқаррар эди, бу ҳаётий ҳукм, тарихнинг қонунияти эди-ку?! Нахотки, энг оддий ҳаётий қонунлардан олий юридик дипломга, шу орқали катта-катта амалларга эришган кимсалар буни билмасалар? Мана булар инсонда дастлаб фидойилик йўқлигидан келиб чиқади. Фидойилик эса имон ва эътиқод замининда пайдо бўлади, шаклланади, ривожланади, ниҳоят инсонни шахс даражасига олиб боради. Зеро, ҳар бир инсон шахс бўлолмайди, инсоннинг шахс бўлишига етиши унинг энг яхши орзуларидан бири бўлмоғи лозим. Аммо ҳар бир шахс, аввало, энг юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этиши билангина бошқаларга ибрат бўлади, эргаштиради, чинакам обрў-эътиборга эга бўлади... Бу алоҳида мавзу сифатида ёзилиши керак бўлган соҳадир... Ҳозир шахс ва инсон ҳақидаги фикримизни шу ерда тўхтатиб, яна асосий мақсадга ўтамиз...

Гап яна ўша фидойилик ва уни ким қандай тушуниши ҳақида. Қизиқ, фидойиликнинг асли таърифи борми,

йўкми? Фикримча, аник бир хакикат бор! Фидойилик бу имон ва аввало, миллий, бинобарин, умуминсоний эътикод, яъни инсоф, виждон демак, дастлаб беғараз тўғрилиқ ва тўғри яшашга интилиш. Ёмонликка нафрат, яхшиликка мойиллик. Хиёнатга бефарқ қарамаслик, иложи борича унга қарши жасорат билан курашиш. Эзгуликни қўллаб-қувватлаш. Ундан шахсий манфаат кўзламаслик. Яна, фидойилик, ўз оиласига, бола-чақаларига ғамхўрлик қилиш, уни бировлар ҳисобидан эмас, ўз меҳнати билан таъминлашга интилиш. Ватан, халқ манфаатини ўз манфаати билан уйғунлигини идрок этиш. Зеро, биров билар, биров билмас, жаҳонда ҳаётдан узилган бирор манфаат йўқ. Ҳаммаси бир-бири билан ё кўринган, ё яширинган ҳолда боғланган. Демокчимизки, ҳеч бир инсон, ҳеч бир давлат ва халқ ҳаётини муҳим воқеа-ҳодисаларга келганда, бу бизнинг ёки менинг ички ёки шахсий ишим деб айтолмайди. Баъзилар айтади, лекин буни тағзаминига тушунмаганларгина айтади. Аслида катта маънодаги Ер юзида яшайдиган инсонгина эмас, ҳайвонот олами, ўсимлик, ер ости, устки бойлиги, ҳамма-ҳаммаси бир-бири билан шу қадар боғланганки, уни фақат етук зиёлиларгина идрок этадилар, шунга қараб ўз ҳаётларини курадилар... Буларнинг барчаси фидойилик, ясамалик, юлғичлик, сунъийлик, ғайритабиийлик каби тушунчалар билан мантикий қоришиб кетади...

Энди юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларимизнинг ҳулосаларига яқинлашамиз. Албатта, яна ўша фидойилик ва фидойилар ҳақида... Юртбошимиз бир неча бор чиқишларида бизга янада соғлом фикрловчи, ҳалол ёшлардан иборат бир сиёсий таянч кераклигини таъкидладилар. Хўш бундай кучлар борми бизда? Албатта бор. Ўзимизда таълим олиб, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби хатарли иллатлардан ҳоли, янгича дунёқарашга эга бўлган ўрта бўгин тадбиркорлар билан бирга қатор хорижий мамлакатларда жаҳоннинг йирик олий ўқув юртларида ўқиётган юзлаб ёшларимиз орасида энг ҳалоллари таълаб олинса, айни муддао бўлур эди.

Ёшларимизнинг дунёқарашларини бугунги кун руҳида шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятларимиз

жуда катта кўмак беради. Жумладан, буюк сиймоларимиз Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг бутун бадий, илмий, публицистик асарларида халқлар, миллатлар ўртасида тинч-тотувликни ўрнатиш Туркистонда барқарорлик ва тараққиётнинг энг муҳим омили экани ғоят зўр куч ва ғайрат билан узлуксиз тарғиб этилган. Қайси бир эл-юрт ўз ичида хунрезликни авж олдирса, уни албатта, бирор ажнабий жуда осонлик билан босиб олади. Чунки ички зиддият, аввало, юртни тараққиётдан колдиради, ўз ичидан чиққан хоинлар ажнабийларга ялтоқлик қилиб, ёввойи даромад олиш пайига тушади, ғаразли кекини рўёбга оширади, фуқарони турли-туман гуруҳларга бўлиниб, бир-бирига қарши курашларга сургаб боради... Бу эса харобаликка юз тутишни, таназзулни муқаррар қилиб қўяди... “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Хинд ихтилолчилари”, “Бедил” (“Бир мажлисда”), “Форс шоири Умар Хайём” сингари тарихий мавзулардаги асарларда биз воқеаларнинг аниқ манзараларини кўрамиз. Буюк ёзувчиларимиз ўтмишда тарафкашлик, гуруҳбозликка юз тутган эл-юрт бошига қандай фалокатлар тушганини келажак авлодларга ибрат бўлишини кўзлаб ёзганлар... Гарчи биз номларини тилга олган асарларнинг чоп этилганига сал кам бир асрча тўлган бўлса-да, ҳамон ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмагани аниқ. Жумладан, айрим вилоят ва шаҳарлар раҳбарлари фаолиятида юз берган воқеа-ҳодисаларнинг ушбу асарларда кўтарилган муаммолар билан нақадар ҳамоҳанглигини ҳеч инкор этиб бўлмайди. Булар фақат миллий маънавият эмас, аллақачон умуминсоний қадриятларга айланиб кетган ҳазиналардир.

Фитрат ўзбек ёшларига атаб ёзган “Ўгут” шеърида бундай дейди:

Оғир йигит! Сенинг гўзал нурли кўзингда  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.  
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-да,  
Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.  
Турма, югур, тинма, тириш, буқилма, юксал!  
Хурма, кириш, қўркма, ёпиш, юрма, қўзғол!  
Эл йўлини тўсиб турган эски булутларни  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!

Кила олмасанг шу ишларни

Сенинг учун хўрликдир бу!..

Йиқил, йўқол, кет!

Шеърнинг мазмуни, мақсади жуда аниқ ва қалбларга ўт ёқадиган бир ҳарорат билан ифодаланган. Зеро, Фитратнинг ўзи эл-юртига шу қадар фидойи эдики, бутун умрини халқи саодати учун курашга сафарбар қилган эди. Ҳар бир ёшдан шуни талаб қилади, Ватани, халқи келажагини, бахт-саодатини таъминлаш - ана шу фидойи ёшлар қўлидалигини изчил уқтиради. Ҳатто юрт бахти учун курашга ярамаганларни очикдан-очик рад этади, қоралайди... 20-йилларнинг ўртасида кизиллар юртимизни қонга ботириб, ҳаммаёқни қора булутларга қўмиб юборган бир вазиятда ана шу булутларни йиртиб ташлаш - юртни озод қилиш - ўз ёшларимизнинг муқаддас бурчи деб очик айтиш муаллифдан қандай жасорат, қандай маънавият, улуғворлик талаб этишини бир тасаввур этинг!!! Ватани учун бошини гаровга қўйиб, бу ғояларни майдонга ташлаш халқимизнинг энг буюк сиймолари қиёфаларини, уларнинг бутун маънавий меросларини қалбларда абадий ардоқлаш, улардан мутассил ибрат олиш, ўз фаолиятларимизда ижодий фойдаланишни тақозо этади...

Абдулла Қодирий ёзган эди: “Ишчилар ҳукуматига хизмат қилишда оилам билан оғир, фожеъ, очлик кунларини кечиришга тўғри келди. Оладурғон маошим ҳеч менга қарашлик тарбиямдаги етти-саккиз жоннинг озиғига етмас эди. Лекин озодлиг йўлида ҳар қандай оғирликқа ҳам чидаб, муқаддас хизматимни (ёзувчилик, журналистик хизмати. А.А) ҳамиша давом эттирабердим...”

Бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин. Буюк аждодларимиздан етишиб чиққан даҳолар шундай буюк мақсадлар билан яшаганларки, муродга етишиш йўлида учраган қийинчиликларни ақл ва идрок билан, илм-маърифат билан, демакки, маънавий етуклик заминида енгиб ўтишга интилганлар. Уларнинг энг олий ниятлари нима эди? Бу саволга бир сўз билан жавоб берадиган бўл-сак, халқимиз дунёқарашини юксалтириш эди. Дунёқарашни ривожлантирмай туриб, ўзлигини англаш, ўзлигини англамай туриб, бутун жамиятни тараққий эттириш мум-

кин эмаслигини чуқур тушунадилар. Бу қадар юксак мақсад учун яшаш эса, ҳар бир фуқародан, аввало, ўз халқи, Ватани, бинобарин, бутун инсоният тақдирини ўйлаб яшашини талаб этади. Бунинг учун ҳар бир инсон шахс даражасига кўтарилиши, инсониятнинг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилмай туролмайдиган бир фазилатга эга бўлмоғи керак. Ана шундай ҳаёт тарзи - унинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб кетганларни биз одатда **ФИДОЙИЛАР** деб атаймиз... Бундай шахслар гапда эмас, амалда - бутун борликлари билан эл-юрти моддий ва маънавий юксаклиги учун кураш жараёнида тарих майдонига чиқадилар. Уларни халқ дархол таниб олади, бошига кўтаради, ҳатто оламдан ўтганларида ҳам қалбида абадий иззат-икром билан сақлаб қолади... Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар шундай фидойилар эди. Уларнинг маънавий майдонидаги бизга замондош бўлиб яшаган **Хабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Абдулла Қаххор, Шайхзода, Яхё Ғулом, Хадича Сулаймонова, Отабой Эшонов** каби талай издошлари бор эди. Зеро, жамият тараққиёти ҳамиша фидойилар елкасида бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳон микёсида юксак мавқега олиб чиққан **Юртбошимиз** буюқларимизнинг фаолиятларини жуда мураккаб бир тарихий шароитда давом эттираётган **ФИДОЙИ ИНСОНДИР**. **Илоҳим Мустақиллигимиз абадий бўлсин!!! Халқимизнинг олий тилаги ҳам шу!**

## Олий мақсадларга интилиш имон, ЭЪТИКОД даъватидир

*XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишдими? Махмуд-хўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллолар мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганлари, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, имонлари шунга даъват этган*

*Ислоҳ Каримов.*

ЖАННАТ- шу кунларки, эрк, озодликдан бошқа нарса эмас деганида Фитрат истиклолимизга етишиш орзу-умилларини ифода этгани маълум.

XX аср бошлари Ўрта Осиё халқлари учун миллий мустақилликни қўлга олиш сари интилиш ғоялари кенг тарқалган, ўзига хос бир Уйғониш даври сифатида тарихимизга кирган. Ўлкада то XIX асрнинг ўрталари, иккинчи ярмигача ҳукм сурган майда хонлиқлар буюк бобомиз Амир Темур тузган қудратли Турон давлатини талашиб-тортишиб гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, хурофоту бидъатни авжга чиқариб, барча соҳаларда тараққиётни орқага тортдилар. Ўрта асрлардан то XV-XVI асрларгача бутун дунёга зиё тарқатган Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур сингари даҳоларни берган ўлка ноахиллик, уруш, талаш, ҳокимият учун курашлар натижасида таг-тагидан зил кетиб, босқинчиларга ем бўлди.

Чор ҳукумати бу вазиятдан фойдаланиб, тўплари, замбараклари, катта ҳарбий кучлари билан босиб олди, эзди, бойлиқларимизни ташиб сўришга киришди. Зулм ҳаддан ошди. Динимиз, тилимиз, миллий урф-одатларимиз оёкости қилинди. Халқимиздан етишиб чиққан Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва уларнинг ҳамфикр сафдошлари сингари эътиқодда мустаҳкам даҳоларимиз

бундай дахшатларга бефарқ қарай олмас эдилар. Бинобарин, бу қадар тенгсиз кучларга қарши бош кўтариш учун кенг халқ оммасини тайёрлаш, кўзғатиш эса ундан ҳам мураккаброқ эди. Аммо Ватан ва миллатга бўлган чин муҳаббат улар ҳаётининг мазмуни, негизи эдики, жонлари кетса ҳам имон-этиқоддан кечмас эдилар. Уларнинг фидойилиги ҳам айни шу нуқтада намоён бўлди. Тарихчи олим Ҳамид Зиёев “Тарихий шахслар хусусида” мавзуидаги мақоласида шундай бир фикр ёзган эди: “Халқимиз чет эл босқинчиларига қарши курашда чинакам мардлик, жасорат намунасини кўрсатди. Шу боис ўзбек халқи турмуш асирига айланмай, Ватан мустақиллиги йўлида курашди. Халқ донишмандлиги сарчашмаси бўлган маданий мерос сақланиб қолинди. Бу жасоратнинг ташаббускори ва раҳбари халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари бўлишган...”

Албатта бундай мисоллар, далилларни қўплаб келтириш мумкин. Демокчимизки, бутун инсоният ўз тарихий тараққиёти жараёнида элим деб, юртим деб ҳузур-ҳаловатидан, шахсий манфаатларидан кечиб ишлайдиган, яшайдиганлар билан ҳукмрон ва босқинчиларга ялтоқлик туфайли бойликка, амал ва имтиёзларга эришишни мақсад қилиб олганларни қўплар кўрган. Ҳозир ҳам айни мана шу икки тоифа бор, бундан кейин ҳам бўлса керак ва ўртада муттасил очикми, ёпикми, кескин кураш давом этаверади... Агар таъбир жоиз бўлса, бутун жамият аъзолари айни шундай яшаш тарзлари, дунёқарашлари, яъни, инсоний сифатлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Мазкур тафовутни деярли ҳамма биледи, аммо баъзиларини расмий қонунлар билан тутиш, айблаш ёки жазолаш мумкин, айримларини эса кўрасиз, сезасиз, ҳис этасиз, бироқ ёзилган қонунлар билан жазолай олмайсиз. Бу нима дегани? Ҳақли савол. Ҳаётда воқелик, инсонлар бир-бирлари билан шу қадар уйғунлашиб кетадики, ҳеч қандай ёзма қонун уларни тўла-тўқис қамраб ололмайди. Ана шундай кезларда давлат қонунларидан ташқари виждон қонуни, имон, эътиқод қонуни ҳар бир шахснинг маънавий қиёфасини юксақларга кўтариб турадиган чин қонун бўладики, эзгуликларга, катта мақсадларга даъват нидолари худди шу

нуктадан муттасил жаранглаб ҳар кимнинг ўзига эшитилиб туради. Даврнинг энг илғор, энг тараққийпарвар, ҳар қандай вазиятларда фақат эл-юр, ватан, миллат тақдирини ўйлаб яшашга оид, шуларга ундовчи ғоялар даври этиштириб майдонга чиқарган ана шу қаҳрамонлар киёфасида мужассам бўлиб боради. Бундай қаҳрамонлар эса дастлаб ўз авлод-аждодлари, ота-боболаридан маънавий мерос бўлиб келаётган миллий кадриятларга, бинобарин жаҳон миқёсида тан олинган умуминсоний кадриятларга таяниб иш кўрадилар... Энг қимматли асл кадриятлардан ўз даврлари кун тартибига чиқараётган масалаларни ҳал этишда улардан ижодий фойдаланишни бурчлари деб биладилар

Бу бир томондан ўзлигини таниш, ким, қайси халқ, миллатга мансублигини аңлатса, иккинчидан авлод-аждодлари руҳларига ҳурмат билан қараш каби тушунчаларни шакллантирди... Ўз ўтмишига ҳурмат билан қараш эса умуман инсониятга ҳурмат билан қарашни ҳам ичига олади, ўргатади, ёшларни шу руҳда тарбиялашни ҳам йўлга кўяди...

Кейинги йиллар мобайнида миллий кадриятларимизга нақадар иззат-икром кўрсатилаётгани ҳақида талай ишлар қилинди ва ҳамон қилинмоқда. Аммо гап ҳозир бошқа ёқда: биз юқорида тубдан фарқ қиладиган икки тоифа ҳақида қисқа, лекин жуда кескин бир фикрни ўртага ташладик. Бу фикр баҳсли бўлиши, агар фикрлашадиганлар бўлса мулоҳазалар билан ҳолис, самимий ўртоқлашиш мумкин. Яъни, ўз шахсий манфаатини ҳаммадан устун кўядиган оғмачилар, имонсиз, виждонсизлар билан шахсий манфаатларини фақат эл-юрти тақдирида кўрадиган буюк зотлар ҳақида. Бугунги кунда республикамизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар - буюк Истиклолимиз туфайли ҳаётга бутунлай янгича - жуда ҳолис ва ҳалол ниятлар билан, келажакка жуда қатта умид боғлаб яшаётган катталар, ёшлар билан бирга бугунги ўтиш давридан бойлик орттириб қолаётганлар борлиги сир эмас. Биз биринчи тоифадагиларни фақат имон виждонлари даъвати билан фаолият кўрсатаётган кимсалар қаторига мансуб ҳисобласак, иккинчиларини бир донишманд таъбири билан айтганда - “виждон азоби деган нарсани билмайдиган малъунлар деб аташни



истар эдик”... Ҳар иккисига ҳам озгина далилар келтирамиз. Ўз олдига яхши бир ният мақсадни қўйиб шунга интилиш, аввало, киши қалбини поклайди, покланиш бошландими, фақат эзгу мақсади сари юраверади. Дастлабки мисолни айни кунларда энг кўп учраб турадиганлардан олсак. Шофиркон туманидаги Зухро Оллобердиева хунармандчилик фирмаси ташкил этиб, кўплаб хотин-қизларни жалб этган. Фирма хузурида лицей очган, унга 140 ўқувчини олиб, уларга ҳам умумий таълим, ҳам хунар ўргата бошлаган. Худди шу вилоятнинг Ғиждувон тумани бозорида эса ясама дори-дармонлар билан пул топишни ният қилиб қўйган бир киши пинициллин шишасига тош-тупрок кукунларини солиб сотаётгани ва текширувчилар бориши билан “дорилари”ни ташлаб қочиб қолганини ҳам телеэкранда ҳамма кўрди. Мана сизга икки қиёфа. Буларга изоҳнинг кераги йўқ. Янгийўлдаги ёғ заводидан етти тонна ёғ ўғирлаб кетаётганда бир кимса қўлга олинди. Қизик, ўғирлик молларни олганлар айтилади-ю, уни берганлар айтилмайди? Агар биргина Тошкент, Андижон, Ўш, Қашқар автомобиль йўл қурилишига миллиардлаб сўм сарфланаётган бир шароитда чекка-чеккадан тортиб кетаётган юлғичлар қалбига бир кулоқ соладиган бўлсак, нималарни эшитамиз, бу имон, эътиқод, Ватан, миллат деган муқаддас тушунчалардан маҳрумларни нима деб аташ мумкин? Ахир халқ қарғиши оқибатда Яратганнинг қаҳрига дучор қилади-ку! Яна бир мисол: худди шу кунларда 72 ёшга тўлган имон ва ирода соҳиби - Қосим Мирзараҳимов туриш-юриш эмас, 60 йилдан бери ўтиришдан ҳам маҳрум ётган бир ҳолатда ғоят зўр санъат асарлари яратди. Ҳайкалтарошлик соҳасида чиннидан ҳайкал ясашни шу киши кашф этади. Тинимсиз ишлади. Республикамизда амалий санъатга қўшиб келаётган катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми фахрий унвони берилди. Республика Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Ҳамма бу кишига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Нега? Чунки Қосимжон акада катта мақсад, эътиқод бор. Ногиронликни пеш қилиб фақат ижтимоий ёрдам сўраб ётаверганларида ҳам ҳеч ким улардан гина қилмасдику?

Соппа соғ, лекин “уйим, жойим, бола-чақам, қариндошуруғларим йўк” деб қаёкқадир ёзиб, нуқул текин томоқ таъмасида юрганларга дуч келганингизда гоҳо нафратингиз келади. Бундай ҳолатлар ҳам инсоннинг онг, имон, виждонига боғлиқ.

Бу масалада яна бир мулоҳаза кўпдан буён қўнглимизга тинчлик бермай келади: буюк Истиклолимизнинг биринчи шарофати муҳтожларини ижтимоий ҳимоя қилишдан бошлангани маълум. Бу ғоят катта инсонпарварлик. Ўша чор босқинчилари даврида ҳам, хонликларда ҳам, қизиллар мустамлакачилигида ҳам бўлган эмас. Буни ҳамма билади. Октябрь тўнтариши кунларидан бошлаб ер-сувидан турар жойларигача тортиб олинган энг бой табақаларимиз ҳам гадолашиб қолди. Уларни қамашди, сургун қилишди, отишди. Тирик қолганларидан айримлари хорижга қочиб қутилди, қолганлари эса бировларнинг уйларида хор-зор бўлиб оламдан ўтди. Қанчадан-қанча ўзига тўқ одамлар сургунда оламдан ўтдилар, айримларининг уйларини интернат, болалар уйларига олиб, ўзлари қувғин қилиндилар. Қолган кексалар давлатдан ҳеч қандай нафақа ололмай болаларига қарам бўлдилар, топгани эса ўзлари ва оилаларидан ортиб ота-онага ёрдамга етмай муҳтожликда ҳаётдан кўз юмдилар. Хўш, ҳозирчи? Ижтимоий ёрдам олаётган, ҳар кунини уч маҳал текин овқат берилаётган, ётоқлар олаётганларга бир назар солинса, уларнинг миллати, қатлами, туғилган жойи қаерда-ю ўзлари қаерда дунёдан ўтаётганлар деб савол берилмайдими? Агар - Ватан, миллат, оила сингари энг муқаддас инсоний тушунчалар нуқтаи назаридан қаралса манзара очик намоён бўлади. Зеро, мусулмон оламида даҳолар илми, илм-хунарни бешиқдан тобутгача ўрганишни тарғиб этганлар, ҳар ким ўз ҳалол меҳнати билан кун кўришни имон ва виждон иши деб қараганлар.

Шу ўринда яқинда пойтахтимизда рўй берган қўпоровчилик ҳақида тўхтамасдан ўтиб бўлмайди. Қўпоровчилик - асли номардлик. У доимо яширин тайёрланади. Жаҳон майдонида танилган буюк одамларнинг ҳар бири ўз халқи, миллати, Ватани манфаатлари учун нималар қилаётгани ва Ер юзида қандай мавқега эга бўлаётганлари ҳақида

ахборот воситалари хабар бериб турибди... Халқлар тарихий шахслар фаолиятини аниқ натижалар-у, кўз билан кўриб, қўл билан тутиш мумкин бўлган самараларга қараб баҳолайдилар. Бу ҳақда шу кифоя. Негаки, собиқ иттифок емирилгандан буён ўзига келолмаётган ўлкалар билан мустаҳкам оёққа туриб олаётганлар ўртасидаги тафовутлар бировни севинтирса, бировни қон йиғлатмоқда. Ўзини эплай олмаётганлар айни шу мураккабликдан чиқиш йўлини тополмагандан кейин тўр қовоқдаги беданадек ўзларини тўғри келган деворга уриб, бошларини пўла қилиб қўймоқдалар-ку! Буни ҳам кўриб, билиб турибди, аммо ҳадеб бетига айтаверсанг, бўйнига олиш у ёқда турсин, лоақал миннатдор бўлмайди, яъни самимиятинга ишонмайди. Тошкентда бўлган террорчилик ва уларнинг орқа-сида турганларни халқимиз “бор бўлсанг кўролмайди, йўқ бўлсанг беролмайди” бу ичи қоралар, деб баҳолаб келган... Уларнинг ўзлари-ку икки дунёси ҳам куйган энг бадбахт кимсалар эканлиги маълум ва ҳар икки дунёда ҳам халқнинг қарғишига, худонинг қаҳрига учрашлари аниқ. Бирок, бу маълунлар айрим тарбияси чала ёшларни йўлдан ураётгани бизга айниқса аламли туюлмоқда. Чунки ёшларимиз бизнинг келажагимиз ҳақида ўйлаш ўрнига аллакимларга ем, ўйинчок, энг қабиҳ ишлар, буйруқларини амалга оширадиган кишилар бўлиб қолишга йўл қўйиб бўладими?! Ахир, Юртбошимиз бутун республикамиз ёшлари менинг болам, уларни нега бировларга бериб қўяр эканмиз, уларни ўзимиз тарбиялаймиз, деганларида вужудларида қандай самимият, қандай имон ва ишонч, ирода, олий мақсад, юксак бир маънавий ҳаяжон тўлқинланиб кетганини ҳар бир соф виждонли, онгли инсон ҳис этгандир! Бундай даъватга лоқайд қараш учун камида рухий хаста бўлмоқ керак...

Йўлдан чиққанларга нисбатан энг тўғри йўлдан келажакка комил ишонч билан бораётган ёшларимиз қўп ва биз булардан катта умидлар қиламиз, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо, битта йўлдан чиққан ёш аллақанча зарар келтириши, ниҳоят ўз бошини ўзи еганини ҳам билмай қолишини ҳаммамиз ҳам тўғри идрок этамизми? Ваҳоланки, шоир Чўлпон айтганидек:

Бўрилардан омон кутмак -  
Тентакларнинг ишидир ул:  
Ҳар монёъни ҳатлаб ўтмак -  
Турмушда энг тўғри бир йўл.

Ҳа, шоир ушбу сатрларни бундан қарийб саксон йиллар муқаддам ёзган кезларда юртимизда қизиллар босқинчилиги авжга минган, миллатимизни минг бўлакка бўлиб ташлаб, бирининг гўштини иккинчисига едираётган даврлар эди... Буюк даҳоларимиз ўшанда ҳам ёвуз ниятликлар табақасини софдилликлар таниб олишини уқдирган, ёвузларни бўриларга тенглаштириб, улардан омонлик кутишни тентаклик деб баҳолаган эди. Хўш, бугунга келиб нега бизнинг айрим ёшлармиз не-не олий мақсадлар сари интилаётганлардан ажраб қолиб, бўри каби йиртқичларга эргашади? Ёшлар тарбиясига оид турли жамоат ташкилотлари, оила ва маҳаллалар билан бирга мактаб ва барча ўқув юртлари қаяқда қолди?!

Гап шундаки, бегона мафкурага сотилиб, жуда арзонгаровга ўз ҳаёти, миллати, халқи, Ватани, ҳатто ота-онасию қариндош-уруғларигача сотиб юборадиган одамлардан биронтаси бахтли ҳаёт қуриб, умрини тугатганини ким учратган?! Бундай хоинларнинг умри доим ғам, андуҳ, хавотирликда ўтгани билан, охири фақат энг даҳшатли фожиалар билан яқунланган...

Ҳаёт мураккаб. Бироқ ҳар ишда энг олий ҳакам виждон тарозуси бўлиб қолаверади. Жаҳонда ундан адолатли ўлчов йўқ ва бўлмайти ҳам. Буюк Истиклолимизда нимагаки эришган бўлсак, фидойи Юртбошимиз фаолиятидаги имон-эътиқодга таяниш тамойиллари, эзгу мақсад йўлининг ҳақлиги туфайлидир. Ҳозир бу фақат бизга эмас, бутун жаҳонга ибрат бўлиб қолди. Илоҳим, уларнинг буюк мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларини тангри ёмон кўзлардан асрасин.

## Ватанпарварлик қандай тушунча?

*“Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум саркиларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик ғояларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу ортирган тажрибамиз эркин демократик жамият қуриш йўлдаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан озод, мохиятан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узок давом этган бу зулмнинг асоратлари хали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса бу иллат бизнинг онгу тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориқ бўлиш осон кечмаяпти”.*

*Ислом Каримов*

Мавзунинг муҳимлиги, мураккаблиги қанчалик серқирра, теран бўлса, уларни изоҳлаш ёки шарҳлаш ундан ҳам кўра мураккаброқ туюлади. Негаки, покланиш, “Ватан туйғуси” мавзуида мақолалар, суҳбатлар, шеърлар, ашулалар, куйлардан бошлаб йирик илмий ишлар-у китоблар пайдо бўлаётгани шубҳасиз катта ва қувончли воқеалардир. Ахборот воситаларининг ҳаммасида бу ҳақда турли-туман фикр-мулоҳазалар тинимсиз эълон қилиниб турибди. Бу ҳақда ортикча изоҳнинг кераги йўқ... Аммо мақоламиз бошида Юртбошимиз мулоҳазаларидан келтирилган қўчирмага яна бир бор эътиборингизни қаратишга эҳтиёж сезилади. Негаки, мазкур қўчирмада кишилар онгида кечаётган янгиланиш жараёни нақадар қийинчилик билан давом этаётгани ва бу қийинчиликнинг туб илдизлари чуқур очиб берилади. Энди ўйлаб қарайлик: “ватан, ватан, ватан” деб гоҳ баланд, гоҳ ўртача, гоҳ пастроқ овоз билан деярли биргина иборани худди ёд олаётган кўр қоридек такрорлаётганлар юз фоиз ватанпарварларми? Яна, ўзига ҳеч қандай ваколат берилмаган ҳолда ватанга, ёки ватан номидан, халқ номидан бемалол гапираверадиганлар - чинакам ватанпарвар ёки халқпарварларми? Борди-ю, шундай бўлиб чиқса, ким ўзарга сохта мусобақалар қизиби кетавериши керакми? Яна, Ватан билан халқ тушунчаси бирми ёки

фарқ қиладими? деган гап ҳам келиб чиқади....

Энди юкорида қўйилган саволларга бир қадар жавоб беришга интилиб кўрайликчи!

Ватан туйғуси шундай бир кенг, шундай бир серкирра, шундай бир илдизи чуқур тушунчаки, уни бир сўз билан ифодалаб ҳам бўлмайди. Агар таъбир жоиз бўлса, ўзбек халқ мақолларидан бирида - “Қочганам худо дейди, қувганам”, деган гап бор. Айтингчи, қайси бириники ҳақ? Масалан, ўғри қўлга тушмаслик учун худо деса-да, ўғирлатган уни тутиб, молини қайтариб олиши учун худодан мадад сўраса, ҳар иккаласининг кўнгли, мақсади, нияти бир эмас-ку, лекин худодан мадад сўраши бир хилда. Агар уларнинг худога ишониши бир хил бўлганда, айтиш мумкинки, 1999 йил 16 февралда Тошкентда қилинган ёвузликни ҳам душманларимиз худо номидан деб жар солганлари-“ватан туйғуси” иборасининг нақадар мураккаблигини яна бир исботлаб беришини ҳамма бир хил тушунармиди... Хуллас, жиноят қилиш учун худога ялиниш билан энг улуғвор ишларни амалга ошириш учун худодан мадад сўраш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор... Ватан туйғуси - ватанга муҳаббат қўйиш, бинобарин, унга салокат билан хизмат қилиш эканини ҳамма ҳам тушунади. Лекин, ВАТАН номини тилга ола-ола бошни кўтариб, баланд овоз билан дуч келган жойда “мен ватанни севаман” тарзида пеш қилавериш, жуда жўн, саёз иборалар йиғиндисидан мадҳиялар тўкиш, гоҳ шеърда, гоҳ насрда, сўзда, публицистикада кўкракка уриб чиқавериш ҳали чинакам ватанпарварликни билдирадиган белгилар эмас, эс-хуши жойида одамлар бунни яхши идрок этадилар... Асли ватанга муҳаббат, ёки ватан туйғуси ҳар бир фуқаронинг касбхунаридан, илми-билимидан, лавозимидан қатъи назар, шахсан кўрсатаётган фаолияти билан белгиланади. Бунни ажратиб олиш жуда осон, аммо у ҳақда кўпчиликка тўғри маълумот бериш ҳамиша ҳам осон эмас, ҳатто, баъзан бутунлай иложи бўлмай қолади, вақти соати келибгина очик баён қилинади. Тарихда бунинг мисоли тўлиб ётибди... Демак, ватанга ким салокат билан, ким ёлғондакам хизмат қилаётганини батамом яшириб кетиш мумкин эмас, бугун бўл-

маса-эртага тарих уни очиб ташлайди.... Садокатни ҳам, хиёнатни ҳам абадий яшириб кетишнинг ҳеч иложи йўқ, деб бемалол ҳукм чиқарилса, хато бўлмаса керак. Ана шу нукта инсон тафаккури билангина идрок этиладиган энг нозик нуктадир...

Масаланинг айнаи шу нуктаси бизни биринчи саволдан иккинчисига бевосита ўтиш зарурати қаршисига олиб келади. Зеро Ватанга хизмат қилиш ҳақида гап кетганида, то шу давргача бу ҳақда ёзилган-у, айтилган гаплар, фикр-мулоҳазаларни бирор киши санаб охирига-ю ҳисобига етолмайди. Лекин, энди бу ҳақда яна нима дейиш мумкин экан?

деган савол пайдо бўлади. Ҳамма гап шундаки, Ватанга хизмат қилиш ибораси ҳар бир даврда ўзига хос маънолар касб этган. Улар доим бир-бирларидан фарқ қилган. Бирок ҳамма даврларга хос айрим миллий ва умуминсоний нукталар мавжуд бўлганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Агар таъбир жоиз бўлса, ўз ватанига чинакам содиқлик-у қайси шаклда бўлмасин, ҳам миллий, ҳам умуминсоний аҳамият касб этаверади. Худди шунингдек, ўз ватанига хиёнат қилган бирор ёвуз бошқа бир халқ ёки ватанга вафо қилармиди?! Бу ҳам ўз ўрнида ҳам миллий, ҳам умуминсоний микёсда кўзга яққол ташланиб туришини пайқаш қийин эмас. Шундай бўлгач, узок вақт қарамликда, куллиқда яшаб келган ўзбек халқи тафаккуридаги ватан туйғуси билан ватанга хизмат қилишнинг Истиклолдан аввалги даври, бугунги кундаги маънолари ўртасида фарқ борми? Албатта бор. Собик иттифок давридаги ватанга хизмат тушунчаси, бугунги Мустақил ватанга хизмат қилишдан фарқ қилмаса, Истиклолнинг моҳияти қаёқда қоларди?! Демокчимизки, “Ватан” деган буюк бир муқаддас иборани қуруқ такрорлаш билан, асл ватанга хизмат қилишни олий мақсад қилганлар шахсий фаолиятлари билан доимо ажралиб турадилар. Бизга Ватанни чинакам севиб, унга беғараз фойда келтиришни ОЛИЙ МАҚСАД қилиб олган ишчан фуқароларни қўпайтириш энг юксак маънавий бурч бўлиб қолади.

Зеро ўз ватани, халқ манфаатлари йўлида муттасил борлигини баҳшида этиб, хизматларини бирор марта пеш қилмай ўтган алломалар, ёзувчилар ва оддий одамлар ўт-

мишда кўп бўлган, ҳозир ҳам бор. Худди шунингдек, нукул ўз шахсий манфаатларидан бўлак ҳеч нарсани, ҳеч кимни тан олмасдан яшаб, фақат “халким, ватаним учун ишляпман” деб жар солган, аслида қандай вазифа-ю, лавозимда бўлмасин ўзига даромад топишнигина ўйлаб яшаганларни илгарилар ҳам, ҳозир ҳам ким билмайди?! Бугун эл-юртимиз туз-насибасини талон-тарож қилаётганнинг қайси бирдан “Сиз нима иш қиляпсиз?” деб сўраманг, “халкимиз фаровонлигини ошириш йўлида ҳисса қўшмоқчимиз” деб жавоб беради, имонсиз

Назаримизда ватанпарварликни англаш иборасида ҳам, худди ҳаётнинг барча соҳаларидаги сингари, миллий анъаналари бор кўринади. Жумладан, биз ўзбекларга хос бир фазилат алоҳида ажралиб туради: ўз туғилган ерингизда эрталаб ишга кетаётиб уйдан чиқишингиз билан кўчада камида икки-уч қўшнингиз билан саломлашиб оласиз. Яна то борадиган ерингизгача бир катор ошналар, таниш-билишларингиз билан учрашиб, суҳбатлашиб, кўнглингиз ёришади.. Қариндошларни кўрсангиз яна хушнуд бўласиз. Ана шунинг ўзиёқ сизни туғилган жойингизга борлигингизни мафтун қилиб қўяди. Умр бўйи шу муҳитдан узоқлаша олмайсиз. Эл-юрт бошига не келса, бирга кўрасиз, аммо ундан қочиб кетиш - ота-онани, ака-ука-ю бутун авлод-аждоларингизни ташлаб ўз жонингизни ҳовучлаб қочишга кўнглингиз бўлмайди. Борди-ю қочиб кетсангиз, умрингиз фақат ўша жудо бўлганларингизни ўйлаш, ғам чекиш, соғиниш, алам-изтиробда ўтади... Ана шу ҳис-туйғулар, ватанга нисбатан ана шундай боғланган вужудни ёки инсоний қиёфани ўз маишатини суриш учун тўғри келган томонга бош олиб кетиб, кайфу сафо қилиб юрганлардан тополмайсиз... Шахсга сиғиниш даврида ноҳақ қатлиомга дучор қилинган айрим тоифаларнинг йўриғи бошқа албатта... Бу ўз-ўзидан маълум...

Гарчи ватанпарварликнинг миллийлик хусусиятлари бор бўлса, бу тушунчанинг шубҳасиз умуминсонийлик фазилатлари ҳам жуда кўп ва бебаҳо маънавий хазинадир. Асли ватанга чинакам содиқлик, у қайси шаклда, қайси вазиятда бўлмасин, барибир умуминсоний аҳамият касб этаверади. Ўтмишдаги буюк аждодаларимиз - Ал Фарғо-



нийдан Берунийгача, Жомий, Навоийдан тортиб Фитрату Қодирийларгача, яна берирок келсак, Ойбекдан Усмон Носиргача сиймоларимизнинг барча ижодий маҳсулотларидан шахсий фаолиятларининг ҳаммасида миллий фазилатлар билан бирга умуминсонийлик хислатлари уйғунлашиб кетганлигини кўрамыз. Худди шу жиҳатлари билан ҳам улар жаҳон маънавий хазинасини бойтган адабий, тарихий, бадиий, фалсафий тафаккурлари билан тарихимизга умуминсоний маънавий байроқларини баланд кўтариб кирдилар. Айти шу фазилатлари билан мангуликка дахлдор бўлиб қолдилар, халқлар, миллатлар қалби тўридан жой олдилар. Бизга қолса, ҳақиқий ватанпарварликнинг энг юксак намуналари шулар бўлса керак...

Энди икки оғиз сўз - “Ватан ва халқ” иборалари ҳақида. Бизга қолса, Ватан билан халқ, ёки миллат бирга пайдо бўлади, туғилади, бирга яшайди. Уларни ажратилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ватанимиз бор экан халкимиз бор, халкимиз борки, ватанимиз бор. Шу иккисининг биридан ажралганнинг на халқи, на ватани ва на миллати бўлмайди, фақат ўзи ва ўз хузур-халовати бўлаверади. Худди шунингдек, ана шу икки муқаддас ном (халқ, ватан) номидан сохта жар солиш билан сохта шухрат бозорига мол олиб бораётганлар ҳар қандай муқаддас тушунчалардан бегона, олий нияту мақсад сингари олий маънавиятдан бегона - дунёдан тентираб ўтадиган, инсонлар бошига қулфатлар соладиган юлғичлар, муттаҳамлар, ҳатто газандалар ана шу тоифалардан чиқади...

Улар Ватан, миллат, халқ деган ибораларни “хўжа-кўрсинга” ишлатаверади, буни ҳамма сезади, билади, кўриб туради, уларни то қўлга тушмагунча ёзма қонунлар билан жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бирок ҳаётда ёзилган қонунлардан кўра ёзилмайдиган қонунлар серобдир, булар ВИЖДОН қонунлари, ИМОН қонунларидир.

Шу мулоҳазалардан келиб чикиб, истаган бир шахс қиёфасига назар ташласак, агар у сиртдан гўзал кўринсаю, қалби нопок, ғаразли бўлса, бутун сиртки нафосати хунук бўлиб кетади, одамлар ундан нафратланади. Агар сиртдан унча нафис кўринмаса-да, юраги тоза, маънавияти бой, ниятлари эл-юрт тақдирига боғлиқ бўлса-чи? Бу

шахнинг бутун қиёфаси жозибали, файзли ва гўзаллашиб кетаётгандек туюлади. Ҳаётда бунинг мисолларини ҳам барчамиз тез-тез учратиб тураемиз.

Ҳар йили истиклолимиз байрами яқинлашаётганда одамлар тафаккурида кечаётган ўзгаришлар ҳақида гапир-сак, аниқ далилларга мурожаат қилганмиз маъқул. Ахборот воситаларида, айниқса айримларининг, деярли бирини иккинчиси такрорлаётгани гоҳо меъёр бузилаётганини кўрсатиб қўймоқда. Яъни, “сакиз йилда саксон йиллик иш қилдик” қабалидаги иборани ким неча марта ишлатаётганини бир санаб кўринг-чи! Бу қуруқ гаплар кимга керак-ваҳоланки, саккиз йилда амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг саноғи йўқ, далиллари бор бўлгани ҳолда фикрини бирор иш ёки ҳужжат билан исботламай туриб, сиртдан “сайрайвериш” қайси қулоққа ёқади-ю, қайси табақа вакили унга эътибор беради? Шу жиҳатдан қарасак, аксари “гапдон”лардан кўра аниқ иш қилаётганларнинг кўнгли тоза, имони бут, фикри аниқ ва тиниқ, тафаккурида истиклол зиёси порлаб турганини кўраемиз. Ишини яхши билган одам ўша иши ҳақида “шпаргалка”сиз бемаъл гапиришга ҳам ярайди. Биргина мисол: яқинда тошкентлик тадбиркор аёл Исроилга бориб келибди. Тажриба алмашилибди. Илгариги Иттифокнинг барча республикалари ва Шарқий Оврўпо мамлакатларидан ҳам боришган экан. Ҳар ким ўз республикасининг ҳаёти, ишлари, аҳоли, тадбиркорлик фаолиятлари ҳақида фикрларини айтишганда, бизнинг вакилимизга ҳаммаси ҳавас билан қарашган, айтилганларни тасдиқлашган... Фақат икки рус аёли-вакиламизга дангал эътироз қилиб: “Сизларнинг кўзингизни биз очганмиз. Сизларни биз шу даражага етказдик” қабалида ғаразлик чиқиш қилибди... То Нигорахоним жавоб бергунча, йиғилиш қатнашчилари бир оғиздан ҳалиги аёлларга дув ташланиб, жуда қаттиқ жавобини ҳам, адабини ҳам бериб қўйишган, икки ҳужумчи аёлнинг даммини ичига тушириб юборишган... Мана сизга миллат, ватан, тақдир, ҳукмдорликка даъват, қарамликни тиклашга интилишнинг бир кичик лавҳаси.

Нигорахоним тадбиркорликнинг нақадар қийинлигини таъкидлаб, астойдил интилсанг, жуда яхши нати-

жаларга эриша оласан, деган фикрни яхшилаб исботлайди. Тадбиркор ўзини, оиласини, уй-жойларини яхши таъминлаш билан бирга ватанга, халкка ҳам фойда келтириши лозим, бу осон иш эмас. Аммо чидам, ғайрат билангина бунга эришасан, деган фикрни жуда ишонарли исботлаб берди

ЭЛИМ деб, ЮРТИМ деб ўз тақдирини олий мақсад йўлида идрок этганлар ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади... Бу ҳаётий, тарихий қонуниятдир

## Бугуннинг қадри

Мустамлакачилар бошимизга не қўпларни солди? Босқинчиларга қатлиом нега керак эди? Қизил империя нега ич-ичидан чириб емирилди? Жаҳон халқларидан кўпчилигини ўша тузум қандай чалғитди ва бунинг оқибати нима бўлди?

Хурматли ўқувчимиз мазкур саволларга аниқ жавоб кутади. Аммо, кўриниб турибдики, саволлар ўта мураккаб, кўлами ғоят кенг, илдизи чуқур. Бир мақолада уларнинг ҳаммасига тўла жавоб бериш янада мураккаб. Модомики, Истиклолимизнинг музаффар одимлари жадал суръатлар билан илгарилаётган бир пайтда унинг натижалари ҳақида ҳар қанча ёзилса, воқеа-ҳодисалар аслида яхши ният билан баҳоли қудрат таҳлил этилса, Ўзбекистон шу қисқа муддатда нималарга эришгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирилса, пок кўнгил шунча таскин олгандек бўлади. Шу вақтгача оммавий ахборот воситаларида, жаҳондаги деярли барча софдил давлат ва жамоат арбоблари, журналистлар олдида республикамиздаги ижобий ўзгаришларга тан бериб, айрим иқтисодий ва сиёсий соҳасидаги тажрибаларимиздан ибрат олишни ҳам тавсия этаётганлар анчагина. Буларнинг рўйхатларини келтириб ўтириш шартмас, ахборот воситаларини кузатиб бораётганларга бу воқеалар маълум ва равшан...

Бир вақтлар машҳур ёзувчи Расул Ғамзатов:

“Тоғликларда бир одат бор. Улар тоғ сўкмоқларидан кўтарилаётган пайтда маълум жойга боргандан кейин орқа-

сига бир қараб оладида, босиб ўтган йўлига назар солиди, кейин қаёққа боришни ўйлаб белгилаб олади”, - деб ёзган эди... Ҳозир биз айна шу йўсинда бугунгача босиб ўтган йўлимизга назар ташлаймиз, каердан каерга келдик ва энди қаёққа боришимизни белгилаб турибмиз десак хато бўлмаса керак... Зеро, Юртбошимизнинг бир қатор китобларида, кейинги ХХI аср бўсағасидаги чуқур тафаккурлари бизнинг бундан буёнги йўлимизни ёритишини чуқур фикр қилсак янглишмаймиз. Худди шу ўринда шахснинг тарихдаги ўрни давлат миқёсида бутун бир армиядан баланд туришини таъкидлаган ҳолда ижтимоий фанларда ҳали бу мавзу тўла тадқиқотни кутиб турибди. Негаки, шўро даврида шахснинг бутун масалани ҳал қилиб тургани ҳолда “бизда ўрнини алмаштириб бўлмайдиган шахс йўқ” деб энг буюк сиймоларни, барча миллат ва элатлар орасидаги энг етук зиёлиларнинг гулларини истаганча кириб турди, тарихда бу жараённи қаттиом деб аталадиган бўлиб қолди.... Кўриниб турибди, мавзу кенг ва мураккаб, мазкур муаммони шу ерда тўхтатиш билан ҳозирча чекланиб, ўз мавзуимизга ўтамиз. Юқоридаги саволларга бир қадар жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Бошимизга мустамлакачилик фожиалари солинганига салкам юз эллик йиллар бўлгани ҳолда то 1991 йилгача босқинчилар оқланиб келинди, улар бизга фожиалар келтиргани бир ёқда қолиб, нуқул маданият, маънавият, маърифат олиб келди қабалида шарҳланар, оддий фуқаро унга ишонар, улар солган кулфатларни баралла айтган, душманларнинг қилмишларини фош этган буюқларимиз эса босқинчилар томонидан қамокка олинар, сургун қилинар ёки отиб ўлдирилар эди....

Бу ҳолатларни юз йиллар илгари ҳам, кейинги бутун шўро даврида ҳам бемалол тақиқланиб келгани ҳақида эндигина - Истиклолимиз туфайли ошқора айтиш мумкин бўлган кунларга етиб келганимиз учун ҳам Истиклолимиз буюк ва бизга ато этган ҳуқуқларимиз унинг шонли самараси деб атамаймизми?! Бу бизнинг маънавиятимиз оламида эришаётган энг юксак зафарларимиз эмасми?!... Истиклолимизнинг дастлабки маънавий буюқлиги ва шонлилиги шу нуктада ўз ифодасини топади... Негаки, ичингда

дардинг бўлса, у сени муттасил кийнаса-ю, ўзинг “мик” этолмасанг, бундан кўра азоб борми?! Бундай ҳолни Абдурауф Фитрат хирмонда буғдой янчаётган хўкизларнинг оғизлари боғлаб қўйилишига, гарчи қоринлари оч бўлсада, эгасининг рухсатисиз - ўзлари тайёрлаётган буғдойдан бир кап еяолмайдилар қабилида изоҳлаган эди... Эътибор беринг, озуқани ўзингиз етиштирдингиз, ҳамон унинг устида бор куч-қувватингиз билан меҳнат қиласиз, аммо оғзингиз берк, мик этсангиз сўйиласиз; хўжайинингиздан бесўроқ бир қадам қўёлмайсиз...

Мустамлакачиликни ким қандай таърифламасин, асли моҳияти айни Фитрат айтганининг ўзгинаси эди. Миллий Истиклол дарди билан ёниб яшаган Фитрат яна бир асарида эркинлик, озодликни жаннатга тенглаштирган ва бу мавзуда жуда кўп шеърлар, хикоялар, пьесалар, илмий назарий мақолалар, публистик асарлар ёзган.

Абдулла Қодирий ўша машҳур “Ўтган кунлар”ида Марказий Осиёда ҳукмронлик қилаётган майда хонликлар, амалпараст бекларнинг гуруҳбозлик, вилоятпарастлик орқасида чор Россияга ем бўлиш хавфида қолаётганини, “ўрис бўйинтуруғини кийиш”га сургаб келаётганини ўта дард, алам ҳатто фарёд билан ифода этади. Чўлпон эса бу бутун шеърияти-ю насрий маҳсулотларида туркий халқлар бўйнига, оёқ-қўлига солинаётган кишанлар ҳақида бор ижодий қобилияти билан жар соларди... Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли қарамликдан қутилишга бутун ҳаётларини фидо қилганлар, бу мавзуда талай фикр-мулоҳазаларни жасорат билан баён этганлар... Шуларни ўйлаган ҳар бир софдил, имон-эътиқоди бор кимса, Истиклолимизни БУЮК деб аталиши моҳиятини чуқур тушунади, уни кўз қорачиғидек асрашга интилади. Бу йўлда дуч келаётган қийинчиликларга бардош беради; зеро, Ватан, Миллат, Халқ, Жамият манфаати, тақдирини ўйлаб яшайдиган бирор кимса бундан, бу олий мақсадлардан четда туролмайди. Гарчи истиклолимизнинг қанча муҳолифлари (хоҳ четда, хоҳ ичи мизда) бўлмасин қарамлик нима-ю эркинлик нималигини билмасликлари мумкин эмас, буни тўғри идрок этолмаганларни ё манфаатпараст, амалпараст ёки руҳи хаста дейиш мумкин, чунки буни тўғри тушун-

маслик фучун ҳам маънавий, ҳам жисмоний кўр ва кар бўлиш керак....

Қизил империя ҳокимиятига нималар деб, нималар қилиб келгани ҳақида кўп ёзилди ва ҳамон ёзилмоқда. Бутун Россия ва унга қарам республикалардаги халқлар ва миллатларни “минг хил гуруҳ ва табақага бўлиб, ҳаммасини бир-бирига душман қилиб қўйди, бой, камбағал, ишчию капиталист деб бирининг гўштини иккинчисига едирди, мутғасил гиж-гижлаб, узлуксиз хунрезлик қилди, қон тўқди... Жиндак кўз ўнгимизга келтирайлик: узоқ эмас, XX аср бошлари 1905 йил инқилоби ундан кейин 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, 16-йилги “мардикор олиш”, унга уланиб кетган Февраль инқилоби ва октябрь тўнтаришию 30-йилларгача давом этган фуқаролар урушини қандай баҳолаш керак? Россия ва унга қарам ўлкалар асримиз бошидан то иккинчи жаҳон урушигача ва ундан кейинги шўролар даврида қачон бир инсондай яшади?! Тўғри, қизилларнинг амалдорлари барча имтиёзларга эга бўлган ҳолда оддий фуқаро нима кўрди? Мехнатда худди махбусларча ишлади, еб-ичиш у ёқда турсин, ўз ҳаётий фожиалари ҳақида оғиз очолмайдиган қулларнинг ўзгинаси эмасмиди? Ахволини тўғри изоҳлайдиган ҳар бир халқ ёки миллат даҳолари сидирғасига кириб турилгани XX асрнинг 10,20-йилларидан то 90 йилларгача давом этганини ким билмайди?!

Истиқлол дарди билан ёниб яшаган ва ишлаган Бехбудий 1919 йилда қатл этилди. Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Ғози Юнус, Боту, Ашурали Зохирий каби фидойиларимиз, 20-30-йилларда Ҳабиб Абдуллаев, Садриддин Ёўлдошев, Саъди Сирождинов, Ғани Мовлонов, Усмон Носир, Ҳамид Сулаймон, Шайхзода каби халқимизнинг асл фарзандлари бошига солинган фожиалар - қизил империянинг бутун туркий халқлар бошига солган қулфатлар-и, фожиалар-и, зулматлар-и тарихимизнинг энг қора йиллари сифатида қалбларимизда фарёд чекади... Негаки, айни шу нолари тилга олинган ва ҳали олинмаган минглаб буюқларимиз гоҳ майда хонлар, беклар, гоҳ чор Россияси, гоҳ қизиллар томонидан қамалди, сургун қилинди, отиб ташлаб турилди... Бундай қирғинларни тарихда қатлиом деб аталадиган бўлди. Негаки,

кизиллар учун қатл этиш кундалик одат тусига кириб колди. Қамаш, отиш учун ўғри, мутахам бўлиши шарт эмас, эс-хушини таниган, ўз инсоний ҳуқуқларини жиндай англаб, истакларини тўғри баён қилишнинг ўзи кифоя эди.

Инсондан инсонийлик эмас, кўр кўрона итоат этиш талаб қилинди. Барча, энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилди; Чингиз Айтматов бу ҳолни машҳур “Кунда” романида Манкурт ибораси билан нақадар даҳшатли оқибатларини дадил очиб ташлагани романни ўқиганларга маълум... Улар биздан айни ўшандай манкуртликни талаб қилишар, яъни буйруқларни худди кўр ва кардай бажаришга мажбур этишарди... Ундан бошқаси қамок, отиш билан яқунланарди... Қатлиом кизилларга ана шундай ҳаёт тарзини сақлаб туриш учун керак бўларди. Қатлиом асосан “қора халқ” ва миллатнинг энг етук вакиллари, яъни миллатнинг виждони ори, умид-орзуларини ифода этадиган гулларига энг кўп татбиқ этиларди. Чунки улар халқ иродасини ифода этадиган буюклар эди-да!

Шу ўринда яна бир нуқтага эътиборингизни тортишни жоиз деб билардик: даҳоларни тақиқлаш авжга чиққан ҳамма даврларда улар ўрнига кимлар қўйилди? Бунга кизилларнинг тайёр жавоблари бор, “пастдан юқорига!” деган ясама шиор остида энг онгсиз, ҳатто ҳали ҳарфни ҳам танимайдиган саводсиз одамларни катта-катта амалларга қўйилар, ёнларига Москвадан “муовин” деган ном билан бир вакил ўтқазилар ва ҳамма ҳокимият ўша “муовин” қўлида турарди. Нега дейсизми? Буни отини миллий республикаларга “мустақиллик берилгани учун” биринчи шахс миллий миллатга мансуб, деб жар солинарди. Айрим республикаларда миллий вакил бир умр биринчи шахс лавозимига эришгани йўқ. Борлари ҳам жуда чекланган ҳуқуқларга эга эди. Биргина мисол, бир вилоят ёки шаҳар, районга биринчи партия котиби тайинланадиган бўлса, Москвага бориб “сухбат”дан ўтиб келиши шарт, шу кундан бошлаб томоғига қармоқ солиб қўйиларди...” Энди бир тасаввур қилинг, 1905-1917-18- йиллардаёқ истиклол, тараққиёт йўлларини тавсия этган Бехбудий, Фитрат ва Қодирийлар сингари донишмандларни қирган кизиллар - бутун Марказий

Осиё халқларини зулматда сақлашдан бошқасини ўйламас эдилар. Шундан кейин на моддий, на маънавий юксалиш қаёқдан бўлсин!... Бундай бедодлик, ғаразли сиёсат бирор даврда халқларни, ватанни маънавияту маданиятини ривожлантиришга олиб келган эмас. Оқибат натижа аста-секин ичидан емирилишга, таназзулга сургаб боргани тарихлардан маълум. Модомики, асли таги пуч шиорлар, қуруқ ваъдалар ва алдам-қалдамга таяниб иш кўрган давлат тузуми ўз-уздан халокатга маҳкум этилиши - тарих ҳукмидир... То ҳокимиятга келгунча жар солиб берилган ваъдалар, сиртига шира сепилган сохта шиорлар собик Иттифокни ич-ичидан емирди; бироқ то унғача талай инсонларни чалғитди, йўлдан оздирди, ҳатто кетидан эргаштирдихам...

Иккинчи жаҳон уришидан кейин пайдо қилинган Шарқий Оврўпога бир назар ташланг-чи! Нималарни кўрасиз? Германиянинг бир қисмида келтирилган ГДР, ГФРдан тараққиётда нақадар орқада қолиб кетгани барча ахборот воситаларида неча марта таъкидланди?! Яна социализм қуришга даъват этилган Польша, Чехословакия, Болгария, Югославия, Албания, Руминиягача собик “тузум”га таяниб қандай фожиаларга дучор бўлганини бир кўз олдингизга келтиринг-чи! Улардаги зиддиятлар, чалқашликлар, аҳоли кечираётган кулфатларнинг охири ҳали ҳам кўри-наётгани йўқ. Агар собик иттифокда юритилган сиёсат ва турмуш тарзи тўғри йўлдан борганда, аввало ўзи чириб емирилармиди ва унга эргашганлар шунчалик азоб уқубатга учрармиди?! Шундан кейин Болтиқ бўйидаги уч мамлакат (Латвия, Литва, Эстония), Украина, Кавказорти республикалари, Марказий Осиё ўлкалари вақти-соати етиши билан дарҳол иттифокдан ажралиб чиқиб, ўзларини мустақил деб эълон қилдилар, собик хўжайин билан энди фақат тенг ҳуқуқли ҳамдўстлик муносабатлари ўрнатиш масаласини кўндаланг қўйдилар. Бу осон иш эмас эди. Ҳамон осон кечаётгани йўқ. Мустақилликлар пайдо бўлгандан буён Россиядан тортиб деярли барча миллий республикалар энди ўзларини ўзлари эглаб олишлари, содда айтганда-оёққа туриб олишлари зарурияти қаршисида қолдилар. Бирининг дўпписини иккинчисига кийгизиб, амал-тақал қилиб туришига хотима берилган ва шунинг учун ҳар бир республика



бошликлари ўз йўлларини тўғри танлаб олишлари лозим бўлиб қолди.

Бу борада қаерларда нималар бўлаётгани билан Ўзбекистоннинг саккиз-тўққиз йиллик ҳаётини бир зум қиёсланса, софдил шахслар моҳиятига дарҳол тушуниб олмаслик мумкин эмас. Биздаги тинчлик осойишталик билан бирга автозаводдан нефть иншоатларигача, тилла-ю пилладан тортиб, пахта, дон етиштиришгача янгидан-янги услубларда амалга оширилаётган тадбирлар, жаҳон билан мустақил алоқаларга киришишдан тортиб, ҳамкорликда вужудга келтирилаётган корхоналар, турли соҳаларни маблағ билан таъмин этишга қаратилган қатор-қатор банкларгача ҳаммасига бир назар ташланг-чи! Нималарни кўрар экансиз?! Илгари биргина одамнинг “хўжақўрсинга” хорижда бўлиши бугунги минглаб катталардан тортиб ёш ўғил-қизларимизнинг ривожланган давлатларда таълим олишларини ҳаёлингизга илгарилари келтирганмидингиз? Келтирган бўлишингиз мумкин, аммо у ширин ҳаёлдангина иборат бўлиб қолаверса-да! Бундай ўзгаришларни санаб битириш қийин ва шарт эмас. Эндиликда бу янгиликлар фақат мустақиллик бизга қилаётган буюк неъматлигини бутун дунё тан олмоқда.

Фақат Россиядаги собиқ иттифокни тиклаш пайида юрган коммунистлар-у ўз ичимиздаги ва хориждаги ғаламис муҳолифларимизгина нурдан қочадиган кўр шапалакдек кўз юмдилар... Бу ҳолнинг асл тағамини-энг қадимги даврлардан ҳозиргача келаётган ва бундан кейин ҳам давом этадиган эскилик билан янгилик, тараққиёт билан орқага тортувчилар, шу билан бирга шахсий манфаатини ўз халқи, миллати, жамияти манфаатларидан юқори қўядиган худбинлар орасида табиий рўй берадиган зиддиятдир... Ҳар бир ўтиш даврида ўзини фақат амал орқасида бойлик орттириб олишга уринадиганлар - ҳамшиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, аммо улар навбати билан халқнинг, яратганнинг қаҳрига учрайди, жазосини олмай қолмайди... Зеро, ҳаётда буларнинг мисоли кўп, бизнинг ёшдагилар кўриб келаётирлар, ҳадисларда ҳам бу ҳақда доим таъкидланиб келишни имон-эътиқоди бутун, маърифатли шахслар чуқур идрок этадилар...

Фикримиз бошида қўйилган охирги саволга юқорида бир қадар жавоб чикқан бўлса керак, шуниси хисобга олиб жиндак қўшимча қилиш жоиз. Гап шундаки, қизиллар дастлаб бутун жаҳондаги энг онгли инсонлар қалбида мутасил қайнаб ётадиган олий максадларни ифода этадиган ваъдалар билан майдонга чиқади ва кўпларни бунга ишонтиради. Ахир АҚШдек мамлакатда яшаётган Жон Риднинг “Дунёни титратган ўн кун” асаридан бошлаб французларнинг вакили ёзган “Интернационал” қўшиғини бир эсласак! Ҳатто қизиллар қатл этган Чўлпондек бир буюк зот ўша сўзларга ишонтирилганидан кейин бечора шоиримиз кўнглида нималар кечмаган дейсиз? Араб ёзувчиси Соҳиб Жамол октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардаёқ унинг шиорлари-ю ваъдаларига ишониб, ватанидан (Бағдоддан) Москвага йўл олган... Бор-йўғидан айрилиб, яққа ўзи Москвада бир хонали уйда фарёд чекиб юргани, бутун умидлари сароб бўлгани ҳақида йиғлаб шеърлар ёзганига ўзимиз гувоҳмиз... Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Ваҳоланки, ўша алдамчи Ленин аслида Германиядаги пулдорларга сотилиб, ўшалар ёрдамида Россияни хароба йўлига бошлагани ҳақида оммавий ахборотлар неча марта маълумот берганини кузатиб юрганлар яхши билишади. Шундай қилиб, қизиллар Россияда ҳам, бизда ҳам илгариги чор Россиясининг босқинчилик сиёсатини давом эттирдилар. Юзаки караганда тараққиёт бўлгандай кўринса-да, аслида орқага кетиш рўй бермаганда собиқ тузумнинг бутун худуди шу қадар харобаликларга дуч келармиди?! Россияда саноат, дехқончиликдан тортиб, барча иқтисодиятда рўй берган фожиалар маҳсулотлар чиқаришдан тамоман орқага кетди. Бу эса маош ва нафақаларни беромасликка, ишлаш ўрнига гуруҳбозлик билан бутун аҳолини минг томонга сургайдиган ғаламисларнинг қилмишларидан бошқа нарса эмас. Бундай кезларда инкирозчилар яна бошқаларнинг “емишига” кўз олайтиришдан нари ўтолмаётгани бизни янада хушёрроқ яшашга даъват этади.

Чунки Мустақиллик қўлга киритилдими, энди уни маҳкам ушлаб қолиш бизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолди. Уни ҳар қандай ёмон кўзлардан, айниқса, ғаламис-

лардан асраш ҳар бир фуқаронинг олий мақсади бўлиб турибди!... Ҳайлаймизки, маънавий олами бой, маърифатли ва онгли ўзбек худди шу ният билан яшаса, Истиқлолимиз бизга абадий насиб этган бўлади; Тангримиздан худди шуни илтижо қиламиз.

Бугуннинг кадри ҳақида ўйлаганда шу олий ният, улуғ мақсад бутун вужудимизда қайнаб тошсин!

## Миллий-маданий марказлар истиқлол махсули, миллий тотувлик эса тинчлик кафолати

**МИЛЛИЙ** тотувлик, тенг ҳуқуқлилиқ иборалари шу қадар эски гапки, қизил империя даврида бундан кўпроқ ишлатилган ибора бўлмаганидан таъсирини аллақачон йўқотиб юборган эди. Негаки, ўша даврда муттасил шовинистик сиёсат ҳуқумронлик қилиб келганлигини ҳаммамиз кўриб турганимиз ҳолда унга қарши бирон сўз қотиш эса, “миллатчи, маҳаллийчи, халқ душмани” сингари ёвуз тамғаларга дучор қилинар, қамалар, сургун қилинар, отиларди. Ахборот воситалари тинмай “худди шаҳар билан кишлок ўртасидаги тафовут йўқолди” қабилдаги “олиб қочарлик сингари, собиқ иттифокда барча миллатлар тенг ҳуқуқли, бу ерда миллий масала ҳал бўлган” деб жар солишар, кўчаларда бу гапларни катта-катта матоларга ёзиб осиб ташлангани, бинобарин, у қуруқ шиорлар биронта одамга заррача таъсир кўрсатмагани ҳам барчамизга маълум... Ваҳоланки, миллий масалага жиддий қараш, унга чуқур донолик ва адолат билан ёндашиш биргина собиқ иттифок, унга қарам бўлган миллий ўлкалар ёки кейинги бешолти йил ичида мустақилликка эришган республикалардагина эмас, балки бутун жаҳонда ҳамон жуда мураккаб ва оғир муаммо бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Эндликда бунини очиқ айтиш имконияти туғилди-ку! Жаҳон бўйлаб ҳамиша эътибор марказида юрадиган бу масала ҳақида идгарилари ҳам минглаб мақолалар, ўнлаб ёки юзлаб китоблар ёзилган, ҳамон ёзилади. Ҳатто буюқ аждодларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий 1918 йилда Туркистондаги

барча миллатларнинг тенг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган, бирон миллатнинг урф - одати, тили, дини, этнокодини камситмаслик, ҳаммасини ҳурмат қилиш лозимлигини таъкидлаган. Миллатлар ўртасидан етишиб чиққан даҳоларнинг миллий - маънавий бойлигидан ўрганиш, ибрат олиш, шу йўл билан ўз миллий маънавиятимизни бойитиш ҳақида Чўлпон, Абдулла, Қодирийлар жон куйдирган уларнинг Чехов, Гоголь, Евгений Вахтангов сингари турли миллатга мансуб буюк сиймоларни улуғлаб ёзган мақолаларию, ифода этган фикр-мулоҳазалари ҳамон бизнинг маънавий меросимиз сифатида онгимизни, билимларимизни оширишга хизмат қилади... Кўриниб турибдики, миллий масала ўта жиддий, кенг, шу билан бирга ғоят нозик ва айтиш мумкинки, муайян даражада қалтис ҳамдир. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ўйлаб кўринг, қаерда бир миллатнинг миллий ғурури тарикча камситилса, ўша миллат вакили даров сезади, кўнгли ранжийди, шикоят қилади ва хоказо... Истиклол даврида кишлок, шаҳар, саноат, нефть, ғалла, заводлар, фирмалар-у, фермалар ҳақида нималар бўлаётгани билан бирга миллий масалаларда қандай ишлар қилинганини ҳам бир кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик-чи, нималар бўлган экан?! Республикамизда юздан ортиқ миллат яшаётган бўлса, ҳозир уларнинг 80 га яқин миллий - маданий марказлари ишлаб турганига чамаси 8-9 йиллар бўлди, шекилли. Ўзбек масжидлари каторида христиан православ, католик ибодатхоналаригача таъмирлаш-у, уларнинг бемалол яшашлари учун шароит яратиб берилгани, рус, татар, корейс, украин, қрим татар, грек ва бошқа бир қатор миллат вакилларининг марказлари, бирлашмалари, ҳуллас миллий анъаналарини ҳурматлаш, тенг ҳуқуқли бир вазиятда иш кўриш учун кўплаб тадбирлар амалга оширилдики, уларни санаб чиқишга ҳожат йўқ. ҳамон шунча уюшма миллионлаб кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган, уларни бирлаштириш ва барча ишларни муайян бир тартиб билан олиб бориш ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Очилаётган Миллий Марказнинг аҳамияти нақадар буюклигини шундан ҳам билса бўладики, ҳамон тақди-

римиз кўпмиллатли бир ватанда яшашга маҳкум экан, биз учун энг муҳим нукта ва яшаш замини барча миллатлар ўртасида тотувликни жорий этишдан иборат бўлиб қолади... Миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик бўлмас экан, юртда тинчлик бўлмайди. Тинчлик бўлмаган юртда эса хузур-халоват у ёқда турсин, хаётнинг ўзи ҳам бўлмайди. Юртбошимиз ҳар қачон бизга ҳалал беришмаса, тинчлигимизни бузишмаса, ўз юртимизни ўзимиз обод қиламиз, жаҳон халқларининг ҳаммаси билан тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали алоқалар ўрнатамиз, деган фикрни тез-тез такрорлаб туришлари бежиз эмас-да!

Биз бу гапларни нега алоҳида таъкидлаётимиз? Бунинг боиси бор. Тотувлик, тинчлик бўлмаган жойларда неча-неча йиллардан буён беғуноҳ қонлар тўкилаётганини ким билмайди?! Номларини айтиш шарт эмас, айрим юртларда ўз миллатларидан бошқани суриб чиқармоқдалар. Айрим юртларда гуруҳбозлик, вилоятпарастлик орқасида беш, ўн, ўн беш йиллардан буён ҳунрезлик давом этмоқда... Агар Россияда “демократия” баҳонаси билан фақат ҳокимият учун кураш турли партиялар учун олий мақсад бўлиб қолаётгани билан харобалик авжига чиқаётган бўлса, Афғонистон, Тожикистонда гуруҳбозлик, Ҳиндистонда қадим-қадимдан давом этиб келаётган дин мазҳаблари ўртасидаги зиддиятлар, Араблар оламидаги Исроил раҳбариятининг бугунги қиёфаси, ахир бундай мисолларни келтираверсак қоғоз етмайди. Булар ҳаммаси-миллатлар, гуруҳлар, турли дин, мазҳаб, эътиқод, урф-одатларга эга бўлган инсонлар ўртасидаги муаммо бўлмай нима? Ахир демократия, кўп партиявийлик, фракция сингари ғоят муҳим иборалар-аслида қалби баланд, маънавий дунёси бой, савияси юқори даражадаги онгли инсоларгагина хос фазилатлар эканлигини ҳаммамиз ҳам чуқур идрок этамизми?! Афсуски, буни чуқур ва тўғри англайдиган ва англаганида виждон, имон билан муносабатда бўладиган одамлар ҳали унча кўп эмас экан. Негаки, ўзимизда ҳам эндигина истиқлол эълон қилинган кунлари- “ана, демократия бўлди, ким нимани хоҳласа шуни қилаверади” қабалида иш кўрадиганлар чиқиб қолди. Қизиғи шундаки, турли гуруҳлар ташкил этиб, деярли ҳаммалари фақат битта лавозимни президент

бўлишни истаб қолишди. Улар ичида қишлоқ хўжалиги, на саноат, на иктисод ва на сиёсатни, на миллий масала деган сўз маъносини идрок этолмайдиганлар ҳам бор эди, биз жуда яхши таниймиз ҳаммаларини. Демокчимизки, демократия, миллатлар дўстлиги, юрт тинчлиги, ер ости, устки бойлиги, буларнинг ҳаммасига етуклик билан муносабатда бўлиш- бу ҳам яратганнинг қудрати ва назари билан бўладиган ҳодисалар дейиш мумкин... Айтайлик, камина адабиётшунос ва олий ўқув юрти домласи. Агар “юқори”дан “сизни фалон заводга раҳбар қилиб юборамиз, ё колхозга раис этиб юборсак, дейилса, кетаверишим керакмиди?! Ахир кизил империя даврида ўзимизда “етти ухлаб тушига кирмаган” бир илмий текшириш институтига батамом бошқа бир соҳа одамани директор қилиб юборишганда, фақат томоша бўлган ва уни “биз партиянинг солдатимиз, қаёққа юборса, шу ёққа бораверамиз”, деб изоҳлангани ҳам маълум. Кўриниб турибдики, агар жамиятда ривожланиш бўлмаса, сохтакорлар қўпаяди, зиддият кучаяди, хосилдорлик камаяди, маҳсулот етишмайди, ўғрилик, юлғучлик, коррупсия урчийди... Россия бош прокурори маълумотида рус армияси раҳбариятининг ўғирликларидан гап очилса, илонлар пўст ташлайди. Генераллар, жумладан Павел Грачевнинг Арманистонга неча миллиардлик яроғ-аслаҳани қонунсиз бериб юборганлигини, то кейинги кунларгача бу даҳшатли фожиани арманилар ҳам россияликлар ҳам рад этиб келганларини нима билан изоҳлаймиз. Ниҳоят жиноий иш фош бўлди, журналистлар, қўплаб амалдорлар бу ҳақда аниқ маълумотларни эълон қилдилар.

Биз бундай даҳшатларни нега келтираемиз? Жамиятдаги турли миллат, гуруҳлар, вилоятлар ўртасида ҳалол инсоний муносабатлар ўрнатилмаган бирон эл-юрт тинчий олмайди, тинчлик бўлмагач инсоний бир ҳаёт ҳам қуролмайди. Инсоний ҳаёти бузилган Тожикистон, Афғонистон, Албан, Югославия, Зоир, Исроил, Фаластинда нималар бўлаётганини бир ўйлаб, ўз юртимизда ўрнатилган тинч, осойишта бунёдкорликка баҳо берадиган бўлсак, ўзлигимизни англаш янада ёркинрок кўринарди. Миллий-маданий марказ бутун фаолиятида бу ишларга эътиборини қаратиши лозимлиги шундан ҳам кўриниб туради. Бу борада Ўзбекистондаги

барча миллатлар ўртасидаги дўстлик, тотувликни ўрнатишга даъват этилган фракциялар зиммасига, айниқса, катта, масъулиятли, аммо жуда шарафли вазифа юкланган. Мадааний, маънавий савияси юксалган мамлакатларда ҳукмрон партия орасида фракциялар фақат бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келаётганларини кўрамиз. Ҳаммаси ҳам ҳукмрон бўлишни истайди, аммо ҳокимиятни қўлга олиш улар учун ягона мақсад эмас. Қардаки фақат ҳокимиятни ёки биргина миллат, ёки бир дин, бир эътиқоднигина бирлигига интилиш, қўлга олиш учун курашгина мақсад бўлса, ўша ерда фақат фожиалар рўй бермоқда. Жумладан, Россия билан Белоруссия ўртасидаги “иттифок” муносабати билан катта амалдорлардан бошлаб журналистларгача бир неча бор “Словянлар ўртасида бирлик бўлиши яхши” қабилида фикр айтилди. Бу фикрда асли сиртдан бирон нўксон кўринмайди, аммо туб заминида эса шовинистик сиёсат, деб худди шуни тушуниш керак. Чунки, словянлар “ўзаро” бирлашса, яна бошқалари дин, масъаб асосида бирла-шадиган бўлса, бу - бошқа миллатлар ўртасида зиддиятни келтириб чиқарадиган замин шу эмасми?! Россия, Афғонистон, Тожикистон фожиаларининг туб замини шундан иборатлигини бутун жаҳон билади...

Биз шу нарсанинг қўллаб гувоҳи бўлганимизни, узоқ-яқин ўтмишда ҳам, айти шу кунларда ҳам кўпмиллатли эл-юртларда турли баҳоналар билан миллатлар ўртасидаги тафовутлардан ўзларининг ёвуз мақсадлари учун фойдаланадиган фитначилар бўлган. Жумладан, собиқ Иттифок даврида, 1924 йилларда Туркистонда “Миллий чегараланиш” шиори остида уларни исталган вақтда бир-бирларига гиж-гижлаб қўйишга замин ҳозирланган эди.

Яъни ўлкамиздаги дини бир, тили бир, тарихи бир ва анъаналари-ю, урф-одатлари бир бўлган туркий халқларнинг ер-сувлари ҳам бирлаштириб, ҳам ажратиб қўйилди. Бу ҳол халқлар ўртасида йўқ зиддиятни пайдо қилган эди. Бўлиб ўтган машъум Ўш, Қўқон, Фарғона, Паркент воқеаларини кимлар чиқаргани-ю қандай фожиалар келтирилганини ҳаммамиз биламиз. Бу воқеалар собиқ империя кулаб, истиклолимиз эндигина эълон қилинадиган кунларда, унга ҳалал бериш учун махсус уюштирилган фитна-

лар эди. Буюк шоирамиз айтганидек:

Эҳтиёт бўл фитнадан

Иғво солиб чактирмасин.

Ўзбекистон “Халқ бирлиги” ҳаракатининг энг муқаддас ва мураккаб вазифаси ҳам турли миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик, биродарлик муносабатларини тобора мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Зеро, бу ҳаракат фаолиятида туб маънавий ва олий ният худди шу нуқтада намоён бўлади. Бироқ, “Халқ бирлиги” ҳаракати вазифаси шунинг ўзи билан чекланмайди.

Ҳаётда гуруҳбозликни касб қилиб олиб, нуқул ҳокимиятга интилувчи кучлар учраб туради. Уларнинг аксари ўз ёвуз ниятларини эл-юртдаги тинчликни, тотувликни, миллатлар ўртасида нифоқ солиш ҳисобига амалга оширмакчи бўладилар. Айниқса, бу нуксонлар сайловлар даврида намоён бўлади.

Ҳокимиятга интилишни ўз мақсади ҳисобламаган “Халқ бирлиги” ҳаракати ана шундай кучларга қарши муттасил кураш олиб боришни ҳам, шу билан ўлкамизда тинчликни ҳимоя қилиш ва таъмин этишни ҳам буюк вазифа қилиб олган.

Хуллас, кўп миллатли республикамизда олиб борилаётган оқилона сиёсатга кўз тегмасин. Президент девонида, Вазирлар Маҳкамасида, Олий кенгашда ҳам турли миллат вакилларидан иборат раҳбар ходимларнинг ўзбеклар билан тенг ҳуқуқли бир вазиятда яшаб, ишлаб келаётганлари ҳаммамизнинг кўз ўнгимиздадир. Юртимиздаги тараққиёт, маданият, маънавият, иктисод, тинч ҳаётнинг асли замини шулар эмасми?! Зеро, миллатлар ўртасидаги тотувлик истиклолимиз маҳсули, шу билан бирга ҳаётимиз замини ҳамдир. Тотувлигимиз, тинчлигимиз, истиклолимизни ёмон кўздан асрасин.

## Жамиятнинг абадий муаммоси

*Улуғ айём кунлари - мусулмонлар оламида ҳамиша шодлик онлар тарзида ғоят кўтаринки руҳ билан нишонлаб келади. “Айёмингиз муборак бўлсин!” ибораси билан бир-бирларини қутламаган мўмин бўлмаса керак.*



*Ҳар бир учраган қариндош уруғ, ошна-оғайни, қўни-қўшнигини эмас, ҳатто кўчада дуч келган бегоналар ҳам иложи бўлса қўл беришиб, ёки ўта кета туриб “айёмингиз муборак бўлсин, етказганига шуқур! Янаги ҳайитларга ҳам эсон-омон етайлик!” кабилида ният қилиб хол-аҳвол сўрашади... Бундай ўзига хос энг юксак байрамона қайфиятнинг тарихи, моҳияти, туб негизларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур очиб изоҳлашни шу борадаги мутахассисларга қўйиб берамиз-да, мазкур улуг айёмнинг инсониятга, жамиятга, ҳатто бир оилага таъсири, алоқаси, муносабатлари ҳақида баҳоли қудрат мулоҳаза юритамиз.*

**ЮРТБОШИМИЗ** таклифи билан 1998 йилни республикамизда - ОИЛА ЙИЛИ деб эълон қилинди. Ахборот воситаларининг хабарларига қараганда ҳукуратимиз оила йили ҳақида махсус Дастур ишлаб чиқишни ташкил этгани яхши. Бу бежиз эмас. Негаки, агар биз чуқурроқ ўйлаб қарасак - оиласиз жамият йўқ, жамиятсиз оила ҳам йўқ. Буларнинг ҳар иккиси шу қадар бир-бирига боғланганки, фақат чуқур тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган шахсгина буни идрок этади. Агар шу мулоҳазадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, оила жамиятнинг барча тараққиёт тарихидан то шу кунларгача ҳам, бундан кейинги бутун келажакда ҳам муаммо бўлиб кун тартибига чиқаверади, демек долзарблигини йўқотмайди. Аммо бу муаммога муносабат, уни ҳал қилиш масалаларига келганда жамиятда халқлар, миллатлар, элатлар ўртасида тафовутлар кўзга ташланади. Бу тарих қадимдан қаерда бошланган, кейин қандай шаклларда давом этиб, ҳозир қандай кўринишда гап бунда эмас. Биз ўз халқимиз, миллатимизга бу соҳадаги ўзига хосликлардан, ҳаётимизда учратганларимиздан баъзи лавҳалар келтирамиз. Бизнинг ёшдагилар яхши билишади - Мухаммад Алайҳиссалом ҳазратларига тангримиз Қуръони Каримни айни рамазон ойида туширгани, шунинг учун ҳам бу ой - энг улуг деб ҳисобланиши, рўза тутилиши, охирида жуда катта тантана билан уч кун Ҳайит қилинишини диний арбоблар шарҳларидан ёшлик чоғларимиздаёқ эшитганмиз. Ота-оналаримиз бунга бутун вужудлари билан берилиб, амал қилишган. Рўза охирида ўқиладиган ҳайт номозига

оталар бутун оила аъзоларидаги ўғил болаларни ўзлари билан бирга олиб борардилар... Биз оилада етти ўғил, бир қиз, кенжаси синглимиздан бошқа етти ўғилнинг ҳаммасини отамиз, раҳматли, эргаштириб Шайхантовурга олиб борардилар. Ҳайитномознинг энг каттаси Тошкентда ўша ерда ўқиларди. Онамиз, раҳматли, ҳаммамизнинг қўйнимизга биттадан нон кистириб қўярдилар, Жаркўчадан то Шайхантовурга юриб боргунча йўл-йўлакай тиланчилар бўларди. Биз онамиздан олган нонларни ўшаларга галма-гал бериб, дуоларини олиб кетаверардик. Энди ўйлаб қарасак, ўша йиллар 1925-30-йиллар экан. Қизилларнинг босқинчилик сиёсатлари авжга минган, эл-юртнинг бор-йўғи тортиб олинган. Биз ҳам Дўрмондаги катта ер сувларимиздан, Тошкентдаги иккинчи трамвайнинг Ўзбексельмаш заводи ёнидаги охириги бекати яқинидаги жаннатдай катта боғимиз-у, Лабзак кўчасидаги гузари ўртасидаги дўконимиздан, унинг дўкон биноси орқасидаги катта молхона ва унинг ичидаги от-аравадан тортиб, сигир, қўйлардан хуллас бор бут-шудимиздан айрилганмиз, ўн жон кичик бир қўйхонамизга тикилиб қолганмиз. Ўшанда ҳам отамиз раҳматли ношукурчилик қилмай - сабр-тоқат билан бизни ўз бағриларидан узоклаштирамай, уддалаб боқиб келганлар... Ҳайит намозига хурсандчилик билан бориб, намоз ўқилиб бўлгач ҳамма бири-бири билан бориб “ҳайит муборак” деб қўл олишади... ва ҳоказо... Демокчимизки, рўза, мусулмон оламининг энг улуг байрами сифатида улуғланиб, ҳеч ким бир-бирига ёмон гапирмайди, агар биров бирор жанжал чиқаралиган бўлса, шунга мажбур қилса - иккинчи томон - “мен рўзаман, мен рўзаман” сўзларини айтиб кетавериши, ўшанда жанжал чиқарганнинг ўзи гуноҳкор бўлажаги диний манбаъларда таъкидланади. Рўза ва ҳайит кунлари эса, қариялар, агар бўлак турган бўлса - ота-оналар, ногиронлар ва ғарибларни зиёрат қилиш, аҳволдан хабар олиш, имкони бўлса, нимага муҳ-тожлиги сезилса, унга ёрдам бериш мусулмонларга одат қилиб сингдириладик, инсоният тарихидаги таълим-тар-биянинг энг олий нуктаси шу эмасми?! Агар илм, фан, маданият, инсонийлик деб аталадиган барча фазилатларнинг юқори чўққиси тотувлик, дўстлик, биродарлик, турли халқ ва миллатлар, хатто ғайридинлар ўртасида ҳам

Ўзаро хурмат хиссиётини шакллантириш, унга муттасил даъват - рўза, ҳайитгина эмас, бутун Ислом моҳиятининг негизи бўлиб чиқади дейилса, хато бўлмаса керак. Зеро, ислом дини маросимлари ҳамиша эзгуликка даъват этиб, ер юзидаги бор бутун инсониятни чорлаб келаётганини ҳар бир шахсда имон-эътиқод хиссиётини шакллантиради... Ана шу таълимот ҳар бир оилада қанчалик кенг кўламда чуқурроқ сингдирилса, жамиятда юксак маънавиятли қатламлар кўпаяди, тараққиётни шулар таъминлайди...

Минг афсус ва надоматлар билан таъкидлаймизки, 20-йилларнинг охири, 30-йилларга келиб рўза тутадиганлар, намоз ўқийдиганлар таъкиб остига олина бошлади. Мачитлар бузиб ташланди, ёки мачит бинолари омборхоналарга айлантилди. Агар бирор амалдор ёки коммунист рўза тутадиган, намоз ўқийдиган, ўғлини хатна, болаларини никоҳ ўқитиб тўй қиладиган бўлса, қизиллар уларни партиядан ўчирар, ишдан ҳайдар, хибсга олар, сургун қилар ҳатто отиб ташларди. Ўйлаб кўринг, бор-йўғидан айрилиб фақат ойликка қараб қолган бир оила бошлиғи ишдан кетган куни - бола-чақаси билан оч қолди, ейдиган овқати, қиядиган кийими йўқ. Бори тортиб олинган. Нима бўлади? Ўз-ўзидан қарамликка, куликка маҳкум этилади, кул бўлгандан кейин унда ҳуқуқ нима қилсин? Қизил хўжайин “ўл деса ўлади, қол деса қолади, бу эса ўша бундан йигирма йилча илгарилари Чингиз Айтматов чизиб берган Манқуртнинг ўзига айланади қолади.

Оиланинг жамиятдаги ўрни Муҳаммад пайғамбаримиз ҳазратлари фаолиятларининг дастлабки даврларида ҳам яққол кўзга ташланади. Диний илмлардан чуқур хабардор зиёлиларнинг таъкидлашларича, Пайғамбаримиз дастлаб уч йиллар мобайнида Исломни яширинча - яъни рақиблар таъқибидан бир қадар эҳтиёт чоралари гирдобида тарғиб этганлар, кейин эса, ошқора ёйишга киришганлар. Шунда дастлаб Пайғамбар ҳазратлари Ислом таълимотини ўз оила аъзолари, қариндош-уруғлари ўртасида тарғиб этганлар... Пайғамбаримизнинг бу тарихий вазиятларда қандай қаршиликлар, зиддиятлар, ҳатто қонли тўқнашувларга дуч келганлари ҳақида XX аср бошларида Махмудхўжа Бехбудийнинг “Мухтасари тарихи Ислом” (“Исломнинг қисқача

тарихи”), ундан кейин Абдурауф Фитратнинг “Исломнинг қисқача тарихи” ва Алихонтўра Соғунийнинг шу мавзудаги каттагина ҳажмли икки китобдан иборат “Тарихи Муҳаммадий” (1991 йил) асарида баён қилинган. Яна бу - Исломни тарғиб этиш ва дунёдаги барча инсонлар қалбига сингдириш тарихи - айни рамазон ойларида уч йилдан буён ўзбек телекурсатувларида намойиш этилаётган кўп қисмли телефильмларда ғоят қизиқиш билан томоша қилинмоқдаки, Миср араб республикасининг республикамиздаги элчихонаси бизга бундай совғани инъом этиш билан ҳаммамизнинг кўнглимизни равшан қилди. Ислом тарихи ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтириш, чуқурлаштириш, имон-эътиқоднинг мустаҳкамланиши-бир оиладан тортиб бутун жамиятга, яъни бутун башариятга эзгулик ғояларини сингдиришга даъват этилгани билан ўзларини ҳам, бизларни ҳам савобга йўналтирмоқдаларки, бунинг учун биз уларга қардошлиқ ҳиссиётларимизни минг бор изҳор этамиз... Зеро, олам эзгуликлар, имон-эътиқодга берилганлар билан обод бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бироқ бу тўсиқларсиз, зиддиятларсиз ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди ва унинг доимий муаммолиги ҳам айни шу нуқтада намойиш бўлади...

Демокчимизки, Пайғамбар ҳазратлари ҳам ўз фаолиятларидаги энг улуғ ниятларини амалга оширишни оиладан бошлаган эканлар, зеро, жаҳонга йўл олиш оиладан бошланади, деб ҳисоблаганлар.

Шу ерда бир мулоҳазага эҳтиёж бор: у ҳам бўлса ўтмиш ва бугун, тарих ва келажак ёки маънавий мерос ва унинг ҳозирги, эртаги ва кейинги ҳамма даврлар учун абадийлиги масаласи. Тўғри, қизиллар даврида то октябрғача ўтган бутун тарихий даврга, воқеаларга, буюк даҳоларга таъна тошлари отишни биринчи даражали иш деб келинди... Бу ҳақда кўп гаплар айтилди, айтилмоқда, яна айтилади. Истиклолимиз бундай ғайри дунёқарашларга чек қўйди, тарихий обидаларни тиклаш, ўтмишни чинакам илмий заминда чуқур ва кенг қўламда ёритиш имкониятларини яратиб берди. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобурдан тортиб Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг туғилган кунлари саналарини кенг нишонлаш, асарларини нашр этиш,

буюкларимиз хаёти ва фаолиятини намоиш этувчи музейлар ташкил этиш, яна ўзбек музей ташкилотини тузиш - эҳхе, булар хали ҳаммаси эмас. Истиклолсиз тасаввур қилиб бўлармиди?! Ахир булар маънавиятимиз, маданиятимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш борасидаги беқиёс улуғ тадбирлар эмасми? Бу бизга юртбошимиз ва истиқлолимиз ато этган энг буюк неъмат эмасми?! Савол туғилиши мумкин бу таъкидларнинг оила йили ёки оилага қандай алоқаси бор? Ҳамма гап шундаки, биз тилга олиб ўтган расмий ёки норасмий мисоллар, далилларнинг ҳаммаси туб негизи-ю, мохияти билан оилага, оила тузиш, фарзанд кўриш, болалар таълими-ю, тарбиясига бориб тақалади. Мамлакат миқёсида амалга ошириладиган бирор тадбир оила аъзоларидан четда бўлмайди. Бирок, бу муҳим нуқтани ҳамма ҳам тезда тушиниб етолмайди, тўғри тасаввур етолмайди. Ана энди шу ерда савия, илм, билим, маънавий юксалиш ёрдамга келади. Фикримизни далиллаш учун барчага баробар тушиниш мумкин бўлган бир аниқ мисол келтирайлик: кизиллар даврида оилага ҳам раҳна соладиган зиддиятлар авжга чиққан эди. Ўз ота-онасига қарши кураш олиб борадиган болалар - мафкура майдонида энг обрўли фаолият тарзида баҳоланарди, ҳатто рус адабиётида Павлик Морозов исмли бола отаси дунёкарашини фoш этгани кўкларга кўтарилди, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиларди, бола тарбиясида мана шу дунёкарашдан келиб чиқишга даъват этиларди... ва ҳоказо... Бундай воқеалар бизнинг халқимиз орасида ҳам рўй берган... 1960-70-йилларда пахта етиштириш қандай аҳволда олиб борилгани маълум. Айрим обком, райкомлар одамларни ишга тортолмагандан кейин гўё яширинча оилавий пудратларга йўл кўйилган, буларни ўзимиз кўрганмиз. Худди ўша пудратчилар юқори ҳосил олиб, бошқаларга мадат берган. Аммо Марказқўм қайси обком ёки райкомга қарши иш бошлаб уни амалдан четлаштирмоқчи бўлса, худди шу пудратга йўл берган еридан хиппа бўғиб оларди. Ваҳоланки, ўша бўғиб турган ҳам, бўғилаётган ҳам азалдан буни билишади, аммо оғизда эътироф этилмас, бу ҳақида сўз очиш айбгина эмас, бу ибора камлик қилади - бу ҳақида сўз очиш - жиноят ҳисобланарди. Негаки, пудратга бериш хусусий мулкчиликка йўл очиш,

гўё инсоният жамиятни ҳароб қилиш айни шунга боғлиқ дейиларди... Бу билан қизиллар одамларни оч, юпинликдан чиқармай муттасил муътеликда сақлашни таъмин этардилар. Шундан биз нимага эришдик? Мулкчиликнинг очиқ турда йўқотилишига? Аммо унинг ёпик тури, инсоният бор экан, йўқолган эмас, йўқолмайди ҳам. Мулкчиликнинг ёпик тури деганда нимани тушунамиз? Ноконуний қинғир қийшиқ йўллар билан пул топишга интилувчилар қатлами шу тарзда пайдо бўлишини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, текинхўрлар, инсоният бошига битган балолар айни шундайлардан келиб чиқади-ку!...

Ана эндиликда йўқолиб кетган мулкдорлар синфини вужудга келтиришга уринамиз, бу борада баралла тарғиб қиламиз, қишлоқда ерларни, шаҳарда корхона муассасаларни хусусийлаштиришга интиламиз, бу борада анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бироқ таг-томири билан қирқиб ташланган жамият қатламини янгидан барпо этиш қандай қийин кечмоқда? Халқимизнинг олтмиш фоизи яшайдиган қишлоқларда ерларни пудратга бериш, оилавий пудратчилар - жамоасини иложи борича қўпайтиришга уриниш- бугунги кунда ҳамон кун тартибда турган энг катта масала эканини ўйласак, жамият, давлат тузумида оиланинг роли нимадан иборатлигини янада чуқурроқ тушуниб етардик. Ахир қишлоқларда энг кўп ҳосил етиштирганлар оилавий пудратчилар ва улар ақл-идрок билан ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётганлар бўлиб чиқди-ку?! Ана шунинг учун ўзи оила ҳақида бир ота-она эмас, ҳамма, бутун софдил, маънавий дунёси етук, фақат ҳалол ва олий ният, мустаҳкам имон-этикод билан яшайдиган одамлар ғамхўрлик қилиши керак экан... Негаки, оила тарбияси ҳар бир инсоннинг туғилганидан бошлаб то дунёдан ўтгунча кечирган барча фаолияти-ю, тақдирнинг негизи бўлиб қолаверади... Ана энди яна бир нуқтага эътиборни қаратиш эҳтиёжи туғилиб қолди-гап ўша-ўша, оила тузилиши-ю, фарзандлар тарбияси, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида. Узоққа бормаймиз. Ҳар куни кўриб-билиб юрган нарсалар устида. Истиклолимиз шарофати билан фақат ишлаб умрини ўтказганларгина эмас, ҳаётида бир кун ҳам давлат ишида ишламаган одамларга ҳам пенсия тайинланди. Гарчи унинг

микдори камрок бўлса-да, бир одомни муайян таъминлайди, ҳар ҳолда болаларга боқимликдан ёки кўчага чиқиб тиланчилик қилишдан саклайди. Бундай табақалар бизда кўпинча уйим-жойим, болаларим тарбияси деб қартайган аёллардан иборатлиги ҳам маълум. Агар эри рўзгорни бемалол тебратадиган бўлса, серфарзанд оила аёллари уйда ўтиргани минг марта аъло. Болалар тарбияси худди ўшалар кўлидадир. Аёлларни давлат ишига жалб этиш, ҳуқуқларини эрлари билан баробар тутиш ва ҳоказолар бошқа масала, булар ўз йўлига. Ахир ўзбекларда эр-хотин умр бўйи ишлаб келган оилаларнинг болалари эртадан кечгача боғчада, уйдан, ота-она назоратидан чет қолганлар орасидан қандай салбий ҳодисалар рўёбга келганини ҳар бир маҳалла ахли яхши билади... Ғарибхоналарда, кексалар уйдагиларнинг ҳаммаси шу тарзда яшаган оилалардан эмасми? Бу ҳам майли. Маҳаллаларда яккаларга пенсиядан ташқари моддий ёрдам пуллари берилиб турилгани ҳам маълум. Якка ўзи турган эркак ёки хотин-кампир-кимлар, ва қайси миллатга мансублигини бир кўз олдингизга келтириб кўрингчи? Маҳаллага ёрдам пули сўраб ариза берувчилар аёлу-эркак кимлар? Аксари бошқа миллат вакилларидан иборат. Кўплари туғилиб ўсган жойлари ер юзининг турли бурчақларида, оила, қариндош-уруғ, кўни-кўшни-ю, киндик қони тўкилган ерларни ташлаб келишганда, шу ерда кексайганлар. Кампирда ҳам, чолда ҳам ҳеч кими йўқ. Якка ўзлари туришади. Шикоят қилишади. Уй-жой олишган. Ёрдам пулини узлуксиз сўрашади. Биз барини кўриб турамыз. Маҳалламизда бўладиган тўй ҳашам, “Наврўз” ёки бошқа йиғинларда таклиф этилади.

Энди транспортларда аравача судраб бозорга кетаётган ёки нарса олиб, аравадини тортиб келаётган, чиқиши билан жой олиб юқини элитаётган чол-кампирлар кимлар? Сўрасанг, ҳеч кимим йўқ, ўзим бозор қиламан, ёшим саксонда деб қўядиганлар кимлар? Ҳали биз ҳатто фарзанд кўрмаган, ёши 70-80га борган чол ёки кампир ўзбекни бозордан юк кўтариб келаётганини кўрганимиз йўқ. Нега дейсизми? Бизнинг миллатимиз аёллари турмушга чикқан кунлардан бошлаб уй-жойи, оиласи, фарзандлари тақдирини ўйлаб яшайди. Ўзининг ўйинқароклик хусусиятла-

ринигина ўйлашдан вос кечади, хуллас ёшлик чоғлари, куч-қудрати ва бор қобилиятини-оилани сақлаш, мустахкамлашга бахшида этади. Аввал ўз фарзандларини ўйласа, кейин набира-абиралари тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилиб, яшай бошлайди. Шундан кейин қариганда болалари, набира-абиралари уни бозорга юбормайди, юк кўтартирмайди, бир ёққа борса ёлғиз юбормай, бирга олиб боради, касалини боқади, озиқ-овқат, кийим-кечагига қарайди... Бу шундай муқаддас урф-ки, авлодлардан авлодларга ўтади, наслдан наслга кўчади, оила аъзоларининг ҳамжихат бўлиб яшашини таъминлайди. Бу аслида жамият тараққиётини белгилайдиган бош омил дейиш мумкин. Агар жамиятда шундай оилалар кўп бўлса, уй, маҳалла, шаҳар-қишлоқ, республика, бутун китъада тинчлик, барқарорлик, тараққиёт давом этарди... Агар шу нуқтаи назардан оилавий тартибдаги фермерлик хўжалиklarини кўз олдингизга келтирсангиз унда ҳам ривожланиш колхоз совхозга нисбатан устунлигини яққол кўрасиз... Демокчимизки, оила, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар-ватан, ҳатто жаҳон тақдири бир-бировлари билан узвий боғланган. Булардан биронтасини ажратиб олиб, “бу унинг ички ёки шахсий иши”, деб қараб бўлмайди. Оила ҳаммамизнинг бугунги, эртанги ҳаётимизда ҳамиша муаммо, долзарб масала бўлиб тураверади, унга энг муқаддас макон деб қараш ҳар бир онгли инсоннинг бурчидир. Ана шу жихатдан қаралганда 1998 ЙИЛНИ ОИЛА ЙИЛИ деб эълон қилиниши, унга оид махсус дастур ишлаб чиқарилиши бекиёс юксак аҳамиятга эга, ғоят юксак маъноли муаммодир...



## Хотира ва кадрлаш - муқаддас туйғу

*Хабарингиз бор - Йўлбошчимиз Ислом Каримов республикамизда ҳар йили 9 Майни Хотира ва кадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифни айтдилар. У бутун халқимиз дилидаги айни муддао бўлди. Бинобарин, хотирлаш ибораси урушда ҳалок бўлганларга тегишли бўлса, кадрлаш ўша муҳориблардан соғ-омон қайтиб, бутунгача етиб келганларга тегишлидир...*

Кадрлаш сўзининг рамзий ва чуқур маъноси ҳам дунёдан ўтганларнинг хотирасини эслаш билан чекланиб қолмай, улар билан баробар жанглар қилиб ўз уйи, ўлан тўшақларига қайтиш насиб бўлганларга иззат-икром кўрсатишдан иборатдир. Зеро, ўзбекларда “Вафотидан кейин минг кун йиғлагандан кўра, тириклигида бир кун ҳурматини келтир”, деган нақл ҳам борки, кадрлаш иборасининг туб моҳиятида ана шу жуда оддий, аммо ўта теран ҳаётий бир фалсафий маънолар лиқ тўлиб ётибди...

Юртбошимизнинг таклифлари ва ташаббуслари билан Тошкентнинг киндигида Хотира ва кадрлаш майдони барпо этилгани, барча миллат ва табақага мансуб фуқаролар томонидан маъқулланаётгани, ахборот воситаларида ҳар куни турли шаклларда эълон қилиниб турганини, ҳамма кўриб, билиб, кузатиб бораётгани маълум... Худди шу нуқтада киши ҳаёлини узоқ-узоқларга олиб кетадиган, ҳаётнинг ўзигагина хос, гоҳо ҳеч кимнинг истак ва интилишларига бўйсунмайдиган ғаройиб ўйинлари ёдга тушади. Яъни, бировлар борки, бир ерда туғилиб, отаси ёки онаси бошқа томонларга, ўғли бошқа, қизи бошқа томонларга кетиб қолганча, қаерда қорни тўқ, усти бутун, маишати жойида бўлса, ўша ерда қолиб кетади, умри ҳам тўғри келган бир ерда тугайди... Ота-она қабри, хилхонаси деган тушунчалар уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди... Авлодларимиз аввал ўзи туғилиб ўсган ерларида доимий қўним топишга интилган, тақдир тақозоси билан бошқа ерларга кетиш мажбуриятлари туғилиб қолгудай бўлса, кексайган кезлари она юртига қайтиш, ота-боболари дафн этилган ердан бир

кишилик абадий кўним топишни жоиз билганлар. Шунга ҳам биров этади, биров етмайди... Шу жиҳатдан машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов романларидан бирида тасвирланган бир шахснинг ўлими олдида қилган васиятлари -ота-боболари қабрига дафн этилишини орзу қилгани, қариндошлари марҳумнинг сўнги сўзларини амалга ошироқчи бўлганларида у ерларда аллақачон қизил империянинг космодромлари қурилиб, атрофи ўраб олингани, ҳар йили неча мартадан синовлар ўтказиб турилган бу ерларга асл ерли миллатдан биронтасини йўлатмаслиги қарамдан эзилганларнинг қалбларини пора-пора қилиб ташларди... Зеро ўз қавми, она ери, киндик қони тўқилган жойни ҳеч нарсага алишмаслик, сотмаслик, жаҳонда ундан кўра қимматлироқ бирон нарса йўқлигини чуқур идрок этиш асл ватанпарварликнинг олий нуқтаси бўлса керак... “Ватан, ватан, ватан” деб жар солиб, тўғри келган жойда ватанни сотиб кетишдан қатта жиноят дунёда йўқ. Қизил империя даврида ана шундай сохта “ватанпарварлик”нинг бутун бир қатлами вужудга келди. Уларнинг баъзилари ҳамон эски тузумни гоҳ очик гоҳ зимдан қўмсаб келаётганларини кузатиб келаётганлар билишади. Бундайларнинг айримлари ҳужажўрсинга “истиклолчи” ҳам бўлиб олганлар. Буни ҳам жамоатчилик яхши билади. Бироқ буларнинг биз учун энг даҳшатли томони шундаки, вазиятга мослашиб, ҳар қуни минг хил қиёфага қира оладилар, бирини пайқайсан, бирини пайқамай қоласан, аммо қилаётган ишларидан жуда очик англаб олиш унча қийин эмас. Бу бири бўлса, иккинчидан ва энг қалтис ери шулки, уларда на халқ, на миллат ва на ватан деган тушунчалардан тарикча ҳам йўқ. Айтингчи, ўз умрида хотинига, бола-чақасига, ака-укасига-ю, ҳамқасб тенгдошларидан устозларигача хиёнат қилиб - ҳаммага ва ҳамма нарсага нисбатан вафосизликнинг узун йўлини босиб ўтаётган кимса, яъни ҳаётида ҳеч кимга садоқат кўрсатмаган одам ўзини фақат вафо йўлидан бораётган қилиб кўрсатмоқчи бўлса, имон, виждон деган муқаддас ҳис-ғуйғулар қаёқда қолди?! Шу ерда яна бир изоҳга эҳтиёж бор: ўша машҳум қарамлик даврида қизил мафкурага хизмат қилганларнинг ҳаммасини қоралаш деган фикр бу

ерда асло йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Агар бор-йўқни инкор этиш керак деган маъно илгари сурилса, бу - камида ўта калтабинлик бўлурди. Ўша даврда яшаб, ишлаб туриб имон-эътиқодига, халки, ватанига садоқат кўрсатган ва умрининг охиригача эл-юртда катта обрў-эътиборга эга бўлганларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Худди ўша кезларда агар зарурат туғилиб колса, ҳамма нарсани сотиб юборишга тайёр кимсалар ҳақида гап боради... Бировдан боғ, бировдан доғ қолади деганда халкимиз ана шундай икки тоифадаги - имон-эътиқодда маҳкам туриб, эл-юртига жонини фидо қилишга тайёр, ҳатто фидо қилган улуғлар билан ҳар қандай вазиятда фақат ўз манфаатидан бошқани тан олмайдиган ва ҳар қандай вазиятга дарров мослашиб оладиган худбинларни кўзда тутган...

Аслини олганда одамга берилган умр гарчи юз йил бўлса-да, оз, бу дунё ўткинчи, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас ва бўлолмайди. Бундай қараганда одамга унча кўп нарса ҳам керак эмас дейиш мумкин, кун ўтади. “Қул ўлмас, ризки камаймас”, деган мақол бор... Лекин шу дунёдан иложи борича юлиб қолишга интилганлар - умрининг охиригача бахтли бўлиб кетганини ҳали ҳеч ким кўрганни йўқ дейиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам ҳамиша ҳар икки дунёни ўйлаб қадам босганлар кам бўлган эмас. Биз ўтганлар хотирасини эсга олиш, тирикларнинг ҳурматини жойига қўйиш деганда, шуларни тушунамиз...

Яна бир нуқта: ахборот воситаларида “Хотирлаш ва қадрлаш” ҳақида фикрлар билдирилди. Айримларида “Бизнинг шу кунларимиз учун курашиб ҳалок бўлганларни эслаймиз” тарзидаги иборалар гоҳо - ўйламай-нетмай тилга олинади. Агар ростини айтилса, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни қизиллар даврида фақат собиқ СССРнинг ғалабаси деб тарифланишини ким билмайди. Ўрта Осиёликлар ўша тузум буйруғи билан жангга кетганларини бугунги Истиклолимиз учун курашдилар, деб баҳолаш унчалик тўғри бўлмаса керак. Истиклол учун курашганлар ХХ асрнинг бошларида маърифат, маданият, маънавият майдонига чиққан фидойилар эди, улар шу йўлда курашиб, тенгсиз рақиблари томонидан - асосан қизил империя томонидан сидирғасига қириб ташланганини нега унутамиз?!

Ўзбекларда мархумлар рухига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг фазилатларини яхшилик билан тилга олиш миллий урф бўлиб қолган.... Хотира ва кадрлаш куни зиёратгоҳ бўлиб қоладиган майдонга борганда биз мана шуларни тасаввур қиламиз... Бутун вужудимиз билан худди ўтган ота-оналаримиз, акаларимиз, жигарбандларимиз қабрини зиёрат қилган кезларимизда кўнглимиздан нималар ўтадиган бўлса, буни сўз билан ифода этиш қийин, фақат хис-туйғу билангина идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илохий ва дунёвий ўй-фикрлар бутун борлигимизни қамраб олади... Бир муддат бутун дунё ташвишлари-ю, кундалик тирикчилик талабларини унутиб, фақат икки дунёнинг эзгуликлари ҳақида ўйлаймиз... Ўз қилмишларимизни ҳам бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтказамиз... Эл-юрт, ватан, инсоният сингари муқаддас тушунчалар бизни беихтиёр қамраб олади... Негаки урушда ўқ еб, жон таслим қилаётган ҳар бир аскар ўлим олдида: “Яхши бўлди, мен ватан учун ўлаяпман”, деб эмас. “Оҳ, афсус, ўз уйим, қишлоғим ёки шаҳрим, қавм-қариндошим, отам, онам, акам, укам ёки ёрим, боламини кўролмай қолдим. э воҳ!”, деб қалбларидан ҳасрат-надомаг дудлари буркираб чиқади... Уруш вақтида ёзилган бир сахна асарида боласи фронтда ҳалок бўлган она сахнадан: “Майли, болам ватан учун жон берди” деганда, Абдулла Қаҳҳор: “Она бўлмай ўл” деган эди... Негаки, сохта ватанпарварлик, сийқа, ёлғон-яшиқ гаплар йиғиндисидан тузилган шеър, хикоя, пьесалар роса кўпайиб кетган, ҳозир уларнинг биронтасини ўқиш у ёқда турсин, тилга ҳам олинмай қўйилган... Одамларда сохта садокатни шакллантириш шу қадар авжга минган эди.... Эндиги ташкил этилаётган Хотира ва кадрлаш майдони ана шундай сохталиклардан батамом холи. кишини чинакам энг муқаддас хис-туйғулар чулғайдиган маскан сифатида зиёратгоҳ бўлиб қолса ажаб эмас. Бу буюк Истиклол ва миллий қадриятлар маркази ҳамдир...

## Зиёратгоҳ имон-эътиқодга даъватгоҳдир

*ЎЗБЕКНИНГ энг қадимий миллий қадриятларидан бири тарихида ҳар бир онгли, имон-эътиқоди бутун фуқаро қалбига сингиб кетган урфлардан бири - марҳумларни яхши тилақлар билан ёдлаб туриш. Қабрларни зиёрат қилиш. Зиёрат қилганда ҳам қабр устида иззат-икром билан ўтириб, бутун руҳи, борлиғи, жон-дилидан ҳар икки дунёни ўйлаб бир қалима қуръон ўқиб, ётганларга раҳматлик, қолганларга тинчлик-омонлик тилаш ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган удумимиздир.*

Бу удум дастлаб бундан уч юз йиллар илгари воҳобийлар деб аталган хунрезлар томонидан оёқ ости қилингани ҳақида оммавий ахборот воситаларидан эндигина билиб турибмиз. Аммо улардан кейин, ғоят муҳим, катта тарбиявий аҳамиятга молик бу маънавий қадриятимиз фақат шўролар даврида коммунистлар томонидан топталди. Бизнинг ёшдагилар ўша пайтлардаги ғоят даҳшатли воқеаларнинг қўпларига гувоҳ бўлганлар. Бир ўйлаб қаранг: ҳар бир тирик жон борки бир куни ўлим шарбатини ичиши муқаррар, деб таъкидланган динимиз таълимотида. Бу таълимот инсон бу дунёдаги ҳар бир хатти-ҳаракатида шуни унутмасин тарзида жуда муҳим тарбиявий мақсадни кўзлаган бўлсаю, ҳар қандай олий, илохий, чинакам инсоний фазилатларини ундан тортиб олиш учун истаган номаъқулчиликни қилаверишни нима деб аташ мумкин? Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, қизил империя ўзининг дастлабки босқинчилик сиёсатларидаёқ дунёни чалғитганида, ҳар бир халқ ва миллатнинг тарихий анъаналарини, яъни ўтмишини сохталаштириш ёки бутунлай йўқ этишни кўзда тутган. Инсондан энг юксак маънавий фазилатларни зўрлабми, алдабми суғуриб олишга эришдимиз, бас, унда, унинг руҳида бўшаб қолган жойларни нима билан тўлдирилади? Ҳаётда мутлақо амалга ошмайдиган қуруқ гаплар, ваъдалар биланда, албатта! Бундай қуруқ савсата жисмларига жо бўлган кишилар жонлик

одамдан кўра кўпроқ айтганини қиладиган хиссиз-туйғусиз роботга айланиб қолади. Дунёқараши шу хилда шаклланганлар учун дунёда биронта муқаддас жой, тушунча деган тасаввурлар қолмайди. Ота-боболар ҳам, қабристон ҳам, тириклар-у масжид-мадрасалар сингари зиёратгоҳларнинг ҳаммаси улар учун бутунлай қадрини йўқотади.

Шўролар даврида ноҳақ қатл этилганлар учун тикланган ёдгорлик ҳузурида кўнглимизда бир умр кечаётган армон-ҳасратларимиз қайнаб турган булоқдай тошиб тўкилади. Негаки, устимизга XIX асрда босиб келган чор ҳукумати бир қадар ер-сув, ашёларимизни олганини, минглаб озодлик ҳаракати иштирокчиларига солган даҳшатларини биламиз. Аммо шўролар халқимизнинг бор-йўтини бутунлай тортиб олиш билан бирга, энг оддий дехқон ва савдогардан тортиб, энг йирик арбобларгача, айниқса миллатимизнинг гулларини бир бошдан кириб ташлайверди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар ва уларнинг ҳамфикрларини, ҳаммаслақлари XX асрнинг энг етук зиёлилари ва миллий истиклол учун курашган ғоят буюк жасоратли сиймолар эди.

Шўролар аввало ана шундайларни йўқотишга уриндилар. Энди оддий одамларга келсак, Тошкент яқинидаги Қора-мурт кишлоғида ота томонимиздаги бувимиздан қолган ер-сувлар бўлган. Уларни амакиларимиз расамади билан бўлиб олишган. Ёзда кўчиб борилар, кишда шаҳарга келинарди. Отамиз ҳам, амакиларимиз ҳам ишчан одамлар бўлиб, ёзда дехқончилик, кишда дўқондорчилик қилишарди. Ҳаммаларида фарзанл қўп, ўнлаб болалари бор эди.

30-йилларнинг бошидаёқ колхоз тузилиши билан ҳаммалари колхозга киришди. Ер-сувлар кетди. Бир амакимиз, Сайдали ака, колхозда ишласанг кам бўлмайсан деб, шудгорда от қўшилган ооч билан пахта ерларини ҳайдаб турган вақтда даладан қамоққа олиб кетилди. Иккинчиси, Ислон акамизни, ярим тунда уйдан босиб олиб кетишди. Шу кетганча бири Украинада пахта экаётир деб эшитдик. Оналари, ёш-ёш болалари чиркиллаб қолди. Бечора она, Зиннат опокимиз, уруш даврида оламдан ҳасрат билан ўтдилар. То оғизларидан жон чиқунча: “Сайдали, Сайдали”, - деб, кўзларидан қон ёш оққанча кетдилар. Иккинчилари,

Ислом амакимизни, эса Новосибирскда деб эшитдик. Етти ўгил, икки қиздан бирортаси бирор марта олдиларига боролгани йўқ. Уларни “қулоқ, халқ душмани”, деб тамғалашган. Йўқлаб борганни ҳам қамаб қўйиш билан даҳшат солинарди. Ҳар иккилари бедарак ўша ёқларда халок бўлиб кетишди.

Қаранг: бу икки жабрдийданинг ўгил болалари урушга кетишди. Бири халок бўлиб, бири қайтиб келди - шу ерда ногирон бўлиб ўлиб кетди. Қандай фожиа бу!.. Агар Истиклол бўлмаса бу дардлар қалбларимизни алам-истироб билан эзиб ётаверармиди?! Оғиз очолармидик?! Энди бизнинг отамиз тақдиричи?! Отамиз ўз ихтиёрлари билан ер-сувни ташлаб шаҳарга келдилар. Шаҳар ҳовлимиз қамалган амакимиз ҳисобидан мусодара қилиниб, сотиб юборилди. Биз ўн икки жон - ўнта бола ва ота-она - бир кичкина молхонани сотиб олиб, уйга айтантирган бўлдик. Деразасиз хонанинг икки еридан тешиб дераза ўрнатилди. Ёнига бир кичик айвон солинди. Шунча жон шу ерга тикилдик... Уриш даврида отамиз оламдан ўтдилар. Биз ўқишга интилиб, ҳар биримиз ўз кунимизни кўриб кетдик. Хуллас, мана худога шукурки, бугун ҳамма дард-аламларимизни изҳор этиб, енгил нафас олишга эришдик.

Юнусобод ёдгорлик мажмуи қаршисида биз бутун буюк аждодларимиз, Тошкентда қамокқа олиниб, шу ерда шўролар томонидан вахшийларча қатл этилган ҳурматли зотларимизни ёдга олганда, биз юқорида қисман эслаб ўтган фожиалар, уларнинг қалбларимизга етказган битмас-туғамас жароҳатлари-ю, шўролар даврида кўрган-билганларимиз киноленталаридек кўз олдимиздан ўтмайдими?! Ўтади! Бири Сибирда, бири Украинада, яна бири Магаданда хор-зор бўлиб, дунёдан ўтган қариндош-уруғларимиз, уларнинг “нега гуноҳи бор эди?” қабилдаги савол назари билан ёшга тўлган аламли мўлтираб, кимга қарашини, кимдан қўмак исташини билмай термулган кўзлари хотирамизда гавдаланмайдими?! Юнусобод яқинида турган аҳолида - бу ерда отиб ташланган аждодларимизнинг дод-фарёдлари қалбларимизда ўз нидосини топмайдими? Мунгли овозлари қулоқларимизга эшитилмайдими?! Эвоҳ, минг лаънат ўша кизил босқин-

чиларга! Бугуннинг кадри шу ерда ҳамма вақтдагидан ортиқроқ намоён бўлади! Истиклолимизни кўролмаётганлар лоакал шунинг учун ҳам тавбасига таяниши керак эмасми?!

## Шахидлар руҳи шод бўлди

*Озодлигдаги чин курашчилар, лабзсиз кўрқоклар, шахсий адоват орқасида бахт кутувчи майда кишилар бўлолмаслар...*

*Абдулла Қодирий*

2000 йил 12 май - жума куни эрталаб республикамиз фуқаролари Тошкентнинг энг гўзал масканларидан бири Бўзсув айланиб ўтадиган Юнусобод мавзеида бунёд этилган “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган маросимдан ғоят мамнун бўлдилар. Негаки, халқимизнинг озодлиги, бахт-саодати йўлида курашиб, жаллодлар томонидан қатл этилган буюк аждодлармиз - миллатимизнинг гуллари бўлмиш - Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва уларнинг қатор ҳамфикр сафдошлари, 1937 йилги қирғинда сталинчи қотиллар томонидан шу ерда - “Алвасти кўприк” деб аталган хилватда тун ярмида отиб ташланганлар... Бу мудҳиш воқеаларни эслаб ҳар куни дахшадга тушиб, титраб-қакшаб яшаган кўплаб кексалар ҳамон ўша фожиалар ҳақида изтироб, алам, кўз ёшлари билан сўзлаганларини телекўрсатувларда миллионлаб фуқароларимиз кўрдилар, эшитдилар... Бизнинг ёшдагилар ҳамон эслашади “Алвасти кўприк”дан ўтаётганларида: “шу ерда одам отилар экан”, - деб этлари жимирлаб кетарди... Бугун бу ерда шундай бир зиёратгоҳ қад кўтардики, борган одам аввало буюк аждодларимиз руҳларини ёдга олиб, улар шаънига ҳурмат бажо келтиради. Айланиб оқаётган Бўзсув устидан атрофга қарасангиз кўкаламзорлаштирилган гўзал бир табиат манзараси, сувнинг салқини ва замини баландлиги туфайли эсиб турган муздек шабада ҳамиша тоза ҳавоми билан танангизни яйратиб таради. Энди бу ер ҳаммамиз учун МУҚАДДАС жой бўлиб қолди. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий қад-



риятларимизни тиклаш, ўз миллий тарихимиз, анъаналаримизни ҳурматлаш борасида жон куйдириб келаётган Юртбошимиз бу сафар ҳам ташаббус кўрсатганига гувоҳмиз. Ўз ўтмишини эзозлаган шахс - хамиша ҳурмат-иззат кўриб келаётгани тарихлардан маълум.

Жума куни эрталаб республикамиз вакиллари, жамоатчилик зиёратгоҳнинг дастлабки меҳмони бўлдилар. Шаҳидлар руҳига қуръон тиловат қилинди. Жонли сўйилиб қурбонлик қилинди. Ош берилди. Юзлаб одамлар дуога қўл очганларида қалбларимизда нималар кечганини айтиб адо қилиб бўлмайди. Буюк ажлодларимизга ачиниш хиссиёти билан, “жойлари жаннатда бўлсин” дея, фотиҳага қўл очар эканмиз шундай савобли ишга бош-қош бўлиб турган Юртбошимизга узоқ умр, бахт-саодат, омонлик, юртимизга тинчлик, саломатлик сўраб, яратгандан илтижо қиламиз. Кўплар бу тилакларни йиғлаб қалбларидан куйиб-ёниб ўтказаетганлари шундай кўриниб турарди.

Ошдан кейин яна тиловат бўлди. Йиғилганлар дастурхонга фотиҳа ўқиб, мажмуа марказига бордилар. Юртбошимиз ўз нутқларида ёдгорлик мажмуининг моҳиятини чуқур таҳлил этиб, халқимиз эътиборини янада кўпроқ савоб ишларга жалб этди. Ундан кейин сўз олганлар, қатағон қурбонларининг қариндош-уруғлари бу зиёратгоҳ эндиликда бутун ўзбек халқининг энг азиз ва муқаддас қадамжоларидан бири бўлиб қолганини мамнуният билан таъкидладилар.

Мана шу маросимда шахсан иштирок этаётганимда каминада қандай ҳолат рўй берган деб ўйларсиз? Ўзининг бутун онгли ҳаётини, фаолиятини қўлидан келганча Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этишни 1950-1960-йилларда бошлаган, ундан кейин Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Ғози Юнус, Боту, Элбек, Усмон Носир каби буюк ажлодларимизнинг маънавий меросини ўрганишга бахшида этиб, не-не кунларни кечирган одам кўнглидан нималар ўтишини айтиб ўтириш шарт бўлмаса керак. Шу ўринда яна А.Қодирийнинг мана бу аламли сўзлари ёдга келади: қатор йиллар давомида “матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлган ҳақсиз ҳужумлар, англашилмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамалар

фақат адоват юзасидандир. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялади...”

Зиёратгоҳимиз очилишига бағишланган анжуман тугаб, дўстлар билан ўз таассуротларимизни ўртоқлашиб тарқалишаётганимизда, хурматли биродарларимиз - Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Иброҳимжон Ғофуровлар тўпланишиб турган ерга келиб, улар билан кўришдик. Шу ондаёқ Эркинжон майин табассум билан: “Аҳмад ака, мен сизни кеча эслаган эдим. Роса қувониб кетгандирсиз. Мана, орзуларингиз қанчалик амалга ошаётганини қаранг-а!” деди. Бу гапга Иброҳимжон билан Ўткиржонлар ва ёни веримиздаги бошқалар ҳам қўшилиб, ҳаммамизнинг кўнглимиз янада кўтарилди...

Агар менга “Сизга мустақиллик нима берди!” деб савол берсалар, мен дастлаб миллий-маънавий кадриятларимизни тиклаш учун кенг имконият берди”, деб жавоб қайтарган бўлардим. Зеро 60-70-йилларда бир қатор амалтакал билан эълон қилган мақолаларимизга 80-йилларнинг ўрталарида яна шундай ғов қўйилдики, ўшанда нималар кечганини биз юқорида номларини мамнуният билан тилга олган зотлар ўз кўзлари билан кўришган.

Маросимда сўзга чиққанлардан бири таъкидлаганидек, “Чўлпон ва Фитратларнинг ўзлари “граждан” сифатида оқландилар, аммо ижодлари оқланган эмас”, деган уйдирма тарқалганлигини яхши биламиз. Ҳаётда учрайдиган турли зиддиятларни охир-оқибатда энг адолатли ҳал этадиган кучнинг ўзи ҳам ҳаётдир. Бу тарих ҳукми. Бу ҳаётнинг ёзилмаган шундай пухта, адолатли қонуниятиники, унинг қудрати

инсоният пайдо бўлгандан буён ёзилган барча қонунлардан қудратлидир. Унга қарши чиқадиган куч - дунёда бўлмаган ва бўлмайди ҳам... Истиклолимиз абадий бўлсин! Шаҳидларимиз жойлари жаннатда бўлсин! Юртбошимизни аллоҳнинг ўзи ҳамиша асрасин!

## Соғлом авлод - у қандай тушунча?

*2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор.*

*Ислом Каримов*

1. Соғлом авлод деганда кўз олдимизга нималар ва кимлар келади?
2. Нега айнан янги аср бўсағасидаги йил Соғлом авлод йили деб аталди?
3. Мазкур шиор жамиятнинг қайси табақасига қаратилган?
4. Соғлом авлод етиштириш манбалари қаерда, қандай ва нималардан ташкил топади?
5. Соғлом авлодни тарбиялашни ким қандай идрок этади?

Бу борада айни кунларда муаммолар кам эмас. Уларнинг самарали ечимини излаб топиш эса, аввало жамиятимизнинг етук табақалари вакиллари зиммасига тушади. Зеро, ҳар қандай тарихий вазиятларда ҳам ўз авлодларини соғлом тарзда ўстириш, уни давр тақозоси билан кун тартибига чиқиб турадиган барча соҳаларга оид талабларга жавоб беришга қобил, ишчан, курашчан, имон-эътиқоди бутун шахс даражасига олиб чиқиш - ҳар бир миллатнинг буюк вакиллари ҳаёти мазмунидан иборат бўлган. Бундай ниятни олий мақсад қилиб қўйган даҳолар гоҳо энг таҳликали, таҳдидлар хавф солиб турган кезларда ҳам бошларини гаровга қўйиб бўлса-да, қизгин фаолиятларини давом эттирганлар, чунки эл-юрт тақдири шунга боғлиқлигини улар чуқур тушунардилар. Бунга тарихдан истаганча мисоллар топилади. Зеро инсоният таракқиётининг қайси босқичига назар ташласангиз, энг буюк шахслар, улар қайси миллат ёки касбунарга мансублигидан қатъи назар, ўз авлодининг соғлом бўлиб етишувига бефарқ қараган эмас, ҳатто бутун фаолия-

тида бу муаммога эътиборини заррача камайтирган эмас. Негаки, бу миллати, ватани, жамияти тақдири-ку! Унга бефарқлик - ўз илдицига болта уришдан иборатлигини онгли инсон тушунмаслиги мумкин эмас эди. Буюк аждодларимиз ўз даврларида айни ўзлари сингари буюклар табақасини қўпайтиришга муттасил интилиб яшаганлар...

Модомики, ўтмишдаги буюк авлод-аждодларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадриятларини тиклашга, уларнинг энг ноёб анъаналарини бугун ижодий ривожлантиришга бел боғлаб, буюк Истиклолимиз талабларига жавоб берадиган соғлом авлод етиштириш нақадар долзарблигини ҳаммамиз ҳам тўла идрок этамизми? Агар “ха, тўла идрок этамиз”, деб жавоб бериладиган бўлса, туғма ногиронлар-у жисмонан соғлом туғилгани билан маънавий ҳаста ўз Ватани, халки, Истиклолига хиёнат қилаётган баъзи ёшлар-у катталар орасидан чиқаётган ёвузлар қаёқдан пайдо бўлади? Демак, соғлом авлод етиштириш муаммосини давлат сиёсати даражасида қўйишда ташаббускор бўлаётган Юртбошимиз, бу масалада ҳам ғоят муҳим ва мураккаб, айни вақтда ўта долзарб талай фикр-мулоҳазаларга бизни чорлайди, халқимиз эътиборини қаратишга даъват этади. Бугина эмас, соғлом авлод етиштиришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг фаоллари -хукумат доирасида иш юритадиган мутасаддилар гуруҳи тузилди. Улар олдига нақадар масъулиятли, шу билан бирга нақадар шарафли вазифа юкланганлигини чуқур тушунади. Негаки, “онгли шахс” ибораси билан таъкидлаб ўтилганлар сафлари канчалик устуворлик қилса, жамиятимизда айб, нуқсон, жиноятчилик шунча камайган бўлур эди. Масаланинг давлат сиёсати даражасига қўтарилаётгани боиси асли шу нуқтада дейилса ҳам хато бўлмаса керак...

Энди биз мулоҳазаларимизнинг туб негизига тақалиб келдик. Ўйлаб қарайлик: “Меҳрибонлик уйи” деб аталган жойлардаги туғма ногиронларга давлатимиз, шахсан Президентимиз меҳр-шафқат кўрсатаётганини ҳамма билади. Бироқ уларнинг пайдо бўлиши ўзи бир фожиа-ку?! Сабаблари ҳақида тиббиёт ходимлари, дин арбоблари телерадиолаларда чиқиб анча қимматли фикрларни айтишди. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, яқин қариндошга қуда бўлиш

сингари талай нўксонларни туғма ногиронликнинг туб манбаларидан эканлигини асослаб беришди. Бугина эмас, соғлом туғилган боланинг ота-онаси муносабатларидаги носоғлом муносабатларнинг бола тарбиясидаги зарарлари-чи?! Айни шу нукта қанчадан-қанча болаларнинг маънавий майиблигига сабаб бўлаётганини ким билмайди?! Демокчимизки, оиладаги мухит бола дунёқарашининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу масалада Юртбошимиз бир жуда муҳим фикрни ўртага ташладилар: бола беш ёшга етгунча олган тасаввурлари - тушунчалари - унинг умр бўйи олган ахборотлари ярмини ташкил этар экан. Демак, беш ёшдаги тушунчалар, дунёқарашлар, инсон умрининг бутун борлигини ҳал этади дейилса-да, хато бўлмас экан... Ана шу нукта ҳамма масъулиятни ота-онага юкламайдами?! Боғча, мактаб, мадраса ҳаммаси ундан кейинги гаплар эмасми? Қайси боғча, қайси мактаб, қайси мадраса бола тарбиясига қарши иш тутган? Бундай ходисани ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ким кўрган? Ҳеч ким кўрган эмас. Демак, ота-она, ундан кейин бошқалар туради. Демак, ёш авлод билан баб-баробар ота-оналарни ҳам тарбиялаш давлатимиз, жамиятимиз олдида турган вазифа бўлиб чиқади... Бу ота-она ёки оила маданияти деб аталадики, тарбиянинг туб негизи ҳам шу бўлса керак...

Модомики, масала оилага бориб тақаладимиз, ўз-ўзидан келин, куёв, қайнона келин ва бутун оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари келиб чиқади. Келинга муносабатда қадим-қадимлардан қайноналар ҳақида жуда қўтлаб гаплар айтилган. Аксари ёшлар тақдирини қайноналар ҳал қилади. Уларга салбий таъсир кўрсатган қайноналар оқибатда ҳамиша оилани қийнаган, чигаллаштирган. Ахир Кумушга Зайнабни мажбуран кундош қилиб қўйган ва ниҳоят бутун оилани барбод қилган “чаладумбул” табиат Ўзбекоиймнинг кеккайиб кетишидан пайдо бўлган “орзу”ларидан келиб чиқмади?! Ўзбекоийм буни истаган эмас: қилмишларидан чиқадиган натижаларга ақл етмаганидан хонавайрон бўлади. “Ортиқча иш кўрсатаман деганлар баъзан ҳалокатга учрайдилар”, деган бир донишманд. Меъёридан ортиқ ҳавасларга интилиш оқибати ҳамиша ҳам яхшиликка олиб келавермайди. Оилавий ҳаётда ўғил-қиз тарбиясида бу жуда

мухим аҳамият касб этади. Негаки, баъзи ота-оналар болаларини тўйдириб едириш, яхши кийинтиришга энг кўп эътибор берадилар-да, унинг маънавиятини ортиқча ўйлаб ўтиришмайди. Бундай уйда ўсган киз турмушга чиққандан кейин, бошқа шароитда яшашга ўрганолмайди, ишга тоби йўқ, оиланинг бирон муаммоси уни кизиктирмайди, шу негизда келишмовчиликлар қалашиб кетаверади... Буни ким қандай тушунади?! Ихтиёр ўзида...агар жиддийроқ ўйлаб қарасак, мазкур масалаларнинг туб моҳиятини теран идрок этиш, ҳаётда уларга амал қилишда ҳам буюк ажодларимиздан қолган бой маънавий меросларимиз бизга кўмак беради. Бугина эмас, ҳозирги жаҳон тажрибалари билан уларни уйғунлаштириб англаш, фаолият кўрсатиш бу масала жуда муҳимдир. Агар биз ўз миллий тарихимизда ўтган Алишер Навоийдан тортиб, XX аср бошларидаги жадидчилик намояндаларининг энг илғор вакилларида қолган маънавий мероснинг қайси бирига назар ташласак, соғлом авлодни маънавий етук қилиб ўстиришга улар нақадар катта аҳамият берганларини кўрамиз.

Агар таъбир жоиз бўлса, биз кўзда тутган буюк ажодларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний юксак фазилатларга эга бўлишлари боиси ҳам шунда бўлса керак. Негаки, улар қайси ишга қўл урган бўлсалар, ҳаммасида бу масалага бирор жиҳатдан ёндашганларини кўрамиз. Бинобарин, улар ҳамиша ҳар ишда ўзларидан илгариги буюкларга ҳурмат-иззат билан қараганлар. Яъни, аввало, ўз миллий тарихлари, шу билан бирга жаҳондаги барча халқ ва миллатга мансуб буюк шахсларнинг маънавий меросидан ижодий фойдаланганлар ва худди шу йўл билан ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий хазинага улуш қўшиб, дунёни мафтун этганлар. Фақат ўша совет тузумидагина бизнинг бутун миллий тарихимизга хужум ясалди. Ҳатто Бобурдек буюк шахсимизга то 1980 йилларнинг ўрталаригача раддият кўрсатиб келган ҳукмронларнинг қилмишларига ўзимиз гувоҳмиз-ку! Оқибатда ўша ҳукмронларнинг фожиали тақдирлари-ю, бугунги буюк ғалабаларимиз заминидан ўз буюк ажодларимиз заминидан ўз буюк ажодларимизга бўлган муносабатларимиз ҳам турганлигини эндликда кўпчилик идрок этмокда. Демак,

Ўз аждодларинигина эмас, маърифатли шахслар, улар қайси миллат ёки элатга мансублигидан қатъи назар, ҳурмат билан қарашнинг ўзи - кишидан маърифатни талаб қилади. “Зар қадрини заргар билади” тарзидаги халқ мақолида теран фалсафий мантиқ бор. Буюк шахслар, буюк аждодларнинг қадрини дастлаб буюк сиймолар биладилар. Тўғри, оддий инсонлар ҳам ўз буюкларини ҳурмат қиладилар, бунга шубҳа йўқ. Аммо фақат ҳурмат қилишнинг ўзи бу борада камлик қилади. Тараққиётда ундан фойдаланиш эса аксар буюк шахсларга насиб этади. Демокчимизки, ҳаётий фаолиятда қадриятларга амал қилиш истезод талаб қилади. Истезод эса ҳаммага тенг берилмайди. Бу ўзи алоҳида катта мавзу... Бу деган сўз - тарихни ўрганиш, моҳиятига кириш билан унинг энг нурли қирраларини излаб топиб, ижодий давом эттириш, яъни ривожлантириш - асл мақсад бўлиб чиқади. Бундай жараёнга аввало жамиятнинг энг етук табақалари етакчилик қилади. Бу табакани ҳаётда шахс даражасига кўтаришлар ташкил этади. Шахс даражасига кўтарилишга интилишнинг туб негизи, моҳияти худди шу нуқталарда намоён бўлади. Демак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, яъни ҳар бир фуқароси Ватаннинг шунчаки бир аҳолиси ёки фуқаросигина бўлиб қолмай, ўз ташаббуси билан шахс даражасига кўтарилиши учун интилиши ҳам лозим бўлади. Шундагина у шахс етакчи қобилиятга ҳам эга бўлади. Демак, соғлом авлодни етиштириш учун кураш жараёнидан ҳеч ким четда тура олмас экан. Бу жараёни тасаввур этганда кўз олдимизга бутун ҳаётий вазиятларда олиб борилаётган амаллар намоён бўлади. Уларнинг натижасида камолга етаётган энг етук шахслар, жамиятни ўз орқасидан эргаштиришга қобил, эл-юртига, жаҳондаги барча эзгу ишларга, мақсадларга содик, яхши ниятларга етишиш учун курашадиган, ташаббускор, шижоатли, серғайрат ёшлар табакаси кўз олдимизга келади...

Бутун инсоният тараққиётида ана шундай фазилатларга эга бўлган шахслар маънавий ривожланишга етакчилик қилиб келганлар. Тарихда абадий ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб қолганлар... Ва хамиша бундай соғлом кучларга турли шакллардаги ёвузлар фитначилик қилиб кел-

ганлар. Бундай қаршиликлар ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Дунё миқёсида ҳавф солиб турган террорчилар қаёқдан пайдо бўлади? Ёвуз ниятлилар бирикмасидан деб жавоб берилса, хато бўлмас. Соғлом авлодлар худди шуларга қарши кураш жараёнида ҳам вояга етадилар. Бунинг учун таълим-тарбияга бир жон, бир тан бўлиб энг кўп эътибор қаратишимизни ҳаётнинг ўзи тақазо этади. Соғлом авлоднинг асли шиори, мақсади, эътиқоди шудир.

## “Халқ душманлари” кимлар ва улар халққа қандай “душманлик” қилдилар

*Эҳтиёт бўл, фитнадан иғво солиб чактирмасин!...*

*Ноҳира*

Бугун бу мавзунини қўзғаш нега керак бўлиб қолди? Чор Россияси давридаги босқинчилик пайтида ҳам, ундан кейинги етмиш йиллик мустамлакачилик йилларида ҳам миллатимиз гуллари бошига қандай кулфатлар солинди? “Халқ душмани” ибораси, “миллатчилик” тамғаси, “махаллийчилик” айбномаси асли қаёқдан пайдо бўлди? Инсоният тарихида “халқ душмани” деган гап бўлганми ўзи?

Кўриниб турибди, мавзу ўта жиддий, мураккаб, эҳтимол анча қаттис ҳамдир. Агар ахборот воситаларида ҳамиша силлиқ, рандаланган тахтадай гаплар эълон қилинаверса, ўқувчини зериктиради. Ушбу мақола мавзуининг каминанинг қалбида неча йиллардан буён тўлғониб юради, аммо ёзгани журъат этолмасдим. Мана, ниҳоят, ёзишга жазм қилганимда унинг моҳияти мен ўйлагандан кўра мураккаброк, теранроқ ва ғуссалироқ экани маълум бўлиб қолди. Аммо кўнглимда шундай бир илинж бор: башарти бояги саволлар тўғри ечимини топса, бугунги ёшлар, келажак авлодга бир оз сабоқ бўлармикан... Бу гап, мана, ҳақиқатни биз айтганимиз, деган даъвоини билдирмайди, аслида бу муқаддас ишга ҳар ким ўз имконияти доирасида ҳисса қўшади.

Истиклол йилларида барча ахборот воситаларида тарихимиз, моддий ва маънавий кадриятларимиз тикланаётгани ҳақида ҳар кун тақрор ва тақрор гапирилади. Бу гапларда



хатолик йўқ, албатта. Бирок бир хилдаги далил, ракам, ибора, қанчалик қимматли бўлмасин, ҳадеб такрорлана-верса, меъдага тегади, таъсири сусаяди. Ахир санашга ҳам, таърифлашга ҳам етиб ортадиган бошқа моддий ва маънавий мисоллар, далиллар тўлиб-тошиб турган бир вазиятда, ҳадеб битта-иккитаси атрофида айланаверишга ҳожат борми?! “Наврўз” ва “маънавият” сўзини ўринли, ўринсиз ишлатавериш, билиб-билмай айтавериш, ёзаверишни бир тасаввур қилиб кўринг! Ваҳоланки, ҳар икки сўз ҳам халқимиз, миллатимиз, мамлакатимиз тақдирида ғоят муҳим аҳамият касб этадиган масалалардир. Биз уларнинг моҳиятини англаймизми? Агар англасак, шунга яраша масъулият билан муносабатда бўлиш ҳам керакдир? Онгли инсон борки, у жамият, ҳаёт, воқеа-ҳодисот ҳақида тафаккур юритмай туролмайди. “Халқ душмани” ибораси 20-йиллардан то 1953 йилгача оғиздан тушмаган. Буни биз тенгилар ва биздан хиёл ёшроқлар билади, аммо бугунги ёшлар-чи? Уларга ўтмишимиздаги воқеа-ҳодисалар, шахслар, фожиалар ҳақида тўғри тушунча беришимиз зарур. Худди шу тариқа мустақиллик бизга нималар берганини уларга тушунтира оламизми?! Бугун иктисодий тангликлар замирида кўп йиллар бошдан кечирганмиз - қарамлик, мутелик асоратлари пинҳон. Буни ҳамма ҳам тўғри идрок эта олмаётгани бизни ташвишлантирмай қолмаслиги лозим... Хўш, бу гапларнинг “халқ душмани” ёки “миллатчи” сўзларига қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Жуда алоқаси бор.

Ҳар қандай босқинчи ўзга юртда қон тўкишга киришганда оддий авом кўзини чалғитиш учун турли хийланайранглари, сохта сўз, ибора ва шиорларни ўйлаб топади. Тўкилаётган қонларни никоблаш ниятида, “биз яхшиларга тегмаймиз, ёмонларни ўлдираемиз” дегандек, изидан тушганларга турли-туман тамғаларни ёпиштира бошлайди. Аммо имон-эътиқоди бут, халқи, миллати, юртига фидойи зиёлилар бу даҳшатли жараённинг моҳиятини тезда англайди, кутилаётган фожиалар, кулфатлар, ташвишлар ҳақида инсониятга ахборот беради, огоҳлантиради, босқинчиларга қарши курашга даъват этади, ўз ҳаётини ғоят даҳшатли таҳликаларга қўяди, аммо эл-юртига заррача хиёнат қилмайди... Босқинчи худди шундай шахслардан тезроқ

кутилиш чорасини кўради. Эл-юрт ўз йўлбошчиларини хурмат қилади, уларга иззат-икром билан қарайди. Бинобарин, бундай маърифатли зотларни тўғридан-тўғри кириб ташлаб бўлмайди, шунинг учун уларга гўё сира кечириб бўлмай-диган айблар, гуноҳларни ёпиштириш лозим бўлиб қолди. Қизил империя шу тариқа “халқ душмани”, “миллатчи” каби бир талай айбларни ўйлаб топди. Бундай айблар ёпиштирилган шахслар тирик қолиши мумкин эмас эди. Агар дурустроқ ўйлаб қаралса, инсоният таракқиётининг ҳеч бир босқичида бирон ҳукмдор халққа душман бўлган эмас, тарих буни билмайди. Ҳукмдорлар ўртасида золим, одил, етук ёки маънавияти ғариб, маърифати пастрлари бўлган, аммо уларнинг биронтаси ҳам ўз халқига душман бўлган эмас. Агар у халқ душмани бўлса, кимга ҳукмронлик қиларди, деган жуда оддий савол туғилади. Ҳукмронлар ўртасида амалга ўчлари, тож-тахт, мансаб учун бир-бирини ўлдирганлари кўп учраган, аммо уларнинг биронтаси ҳам халқ душмани бўлганини тарих билмайди. Қизил империя бошқа барча босқинчилардан ана шунга ўхшаш уйдир-малари билан ажралиб турарди.

Демокчимизки, халқимиз, миллатимизнинг зукко, билимдон, жасур, имон-этикоди бут сиймоларини қизил империя “халқ душмани”, “миллатчи”, “чет эл агенти” каби-лидаги уйдирмалар билан қириб ташлади. Ваҳоланки, эл-юртнинг бутун дардини тортган, фақат “халқим, ватаним, миллатим” деб яшаган шахслар худди ўша кириб ташланганлардан иборат эди. Бу билан тирик қолганларнинг ҳам-маси ёмон демокчи эмасмиз, лекин халқнинг гуллари кириб турилганидан кейин қолганлари чўчиб қолди, айрим-лари сотилди, айримлари жим юришга мажбур бўлди ва ҳоказо...

Энди икки оғиз сўз “миллатчи” ибораси ҳақида.

Бу сўзни турлича талқин этиш мумкин. Уни комусга қараб ўтирмасдан шарҳлаб қўяқолдик. Бизнингча, “миллатчи”нинг биринчи маъноси салбий, яъни инкор, рад этиш, тан олмаслик тарзида бўлса керак. Иккинчиси эса, миллатини севиш маъносида ишлатилади. Бироқ миллати билан фахрланган шахсни ҳали бирон киши “миллатчи” деб таърифламаган бўлса керак. Фақат қизил империя мил-

лат фидойиларини “миллатчи” деб атаган.

Шу ўринда бир тархий воқеани эсламоқ жоиз. XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида чор Россияси Марказий Осиёга бостириб кираётганда қўмондонлар, “шарқшунослар” номи билан аталган олимлар, жўгрофия, геология, тарих, адабиёт соҳасидаги мутахассислар ҳам келганлар. Ҳаммаси бири шаҳар-қишлоқларни талон-тарож қилган бўлса, бошқалари саройлар, ўрдалардаги қимматбаҳо буюмлар, олтин-кумуш тақинчокларни, “шарқшунослар” эса, китоблар, қадимий қўлёзмаларни, Қуръони каримнинг ягона ноёб нусхасини олиб кетган миллий бойлигимизга тажовуз қилган. Шундан кейин нима бўлди? Шаҳар-қишлоқларимиз Черняев, Скобелев, Кауфман номлари билан аталди, ўлкамизда рус-тузем мактаблари очилди, Андижондаги Марҳамат туманига Омск-Томсклардан 400-500 хонадон кўчириб келтирилди, эски Мингтепа ўрнига Марҳамат деб ном берилди, бу ўша кўчириб келтирилганларга: “Мана сизга шаҳар, мана сизга қишлоқ, мана сизга уй-жой, марҳамат қилиб ўрнашиб олинглар, худди ўз уйингиздай хис этинг!” дея марҳамат қилиш маъносини англатар эди. Бу-ку, XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмидаги босқинчиликнинг бир шингил қиссаси. Аммо 1917 йилги давлат тўнтаришидан кейин нима бўлди? Тил ва урф-одатларимизга қарши кураш минг хисса ортиқ давом эттирилди. Халқ йўлбошчилари “миллатчи” деб айбланди. Ялтоқилар байналмилалчи бўлиб қолдилар. Ана энди ўйлаб кўринг, миллатчи киму, байналмилалчи ким? Асл миллатчилар ўша XIX аср ўрталаридан то XX асрнинг 90-йилларигача халқ бошида тегирмон юргизганлар бўлиб чиқади. Чунки Россиядаги биронта шаҳар ёки қишлоқ ўзбек фарзандининг номига қўйилгани йўқ.

Босқинчиларнинг кирдикорларини фош этиб турган бир “миллатчи” миз Бехбудий ҳақида қарйиб эллик йил мобайнида бир оғиз ҳам ижобий гап айтилмади. Ул зот чор Россиясининг босқинчилик сиёсатини фош этиб кўпдан-кўп мақолалар ёзгани маълум. Аммо мустамлакачилар билан рақобатда оёқости бўлиб кетмаслик учун аллома бобомиз мусулмон мактабларида диний илмлар билан бирга дунёвий фанларни ҳам ўқитиш гоёсини зўр бериб тарғиб қилади,

Ўзи мактаблар очади, борларига раҳбарлик қилади, кутубхоналар ташкил этиб, китобхонларни бепул ўқитади ва ҳоказо... Бехбудий ҳатто, фарзандларини рус-тузем мактабларига ўқишга бергани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Аммо, Бехбудий “Падаркуш” драмасида ёзганидек, чор Россияси ўзи билан бирга мактаб, аниқ фанлар ўқитиш, айрим техникавий янгиликларнигина эмас, арокхўрлик, ўғрилик, фоҳишабозлик каби ғайриинсоний одатларни ҳам олиб келган.

Яна бир “миллатчи”, Абдулла Қодирий, ёшлигиданок миллий маданият ва адабиётлар билан бирга рус тили, адабиёти, тарихи билан кизиққан ва ҳатто ўзи рус-тузем мактабида аъло баҳоларга ўқиган. Рус маданиятидан керакли жиҳатларни англаш, улардан ўрнак олиш ҳақида талай фикрлар баён қилган... Ул зотнинг Лев Толстой, Чехов, Гоголь, Сервантеслар маҳоратидан қандай ўрганиш, уларнинг тажрибаси билан адабиётимизни ривожлантириш ҳақидаги фикрлари ҳамон эскирган эмас. Имонли адиб 1915 йилда ёзган “Жувонбоз” хикоясида “Туркистон мусулмонлар ўлкаси бўлганидан минглаб арокхоналар, пивохоналар” очилиб кетганидан фарёд чекади. Худди шу маишатхоналар хикоя қахрамони ва унинг бутун оиласини хароб қилгани “Жувонбоз”нинг ғоявий мундарижасини ташкил этади...

Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек, Ғози Юнус, Ботулар кўкрагига уриб “Биз байналмилалчимиз” дейдиганлардан кўра байналмилалчи-рок, онглирок, имон-эътиқодда, жасоратда собитрок эдилар... Улар шамолга қараб юз буриш, иккиюзламачилик, алдамчилик ва тамагирлик сингари иллатлардан тамом бегона эдилар. Тамагирлик, ўғирлик, юлғичлик, имонсизлик Октябрь тўнтаришидан кейин чуқур илдиз отди. Юкорида номлари тилга олинган “миллатчи”, “халқ душманлари” халкимиз қалбига имон-эътиқодни сингдириш учун курашганлари сабабли йўқ қилиндилар. Чунки қизил империяга онасини танимайдиган манқуртлар керак эди. Бундайларда халқ, миллат, ватан, жамият, тараққиёт сингари тушунчалар бўлмайди, уларга пул, даромад, кайф-сафо бўлса, асли халқ душмани деб ана шундай кимса-

ларни айтмоқ лозим. Бирок бу ҳам нисбий ибора. Ўша каллоблар ҳам бутун халқнинг душмани эмас, халқ тақдирини ўйламайдиган матъунлар, холос...

Ростини айтсак, асл мақсадга мана энди келдик. Бизга бой маънавий мерос қолдирган буюк аждодларимизнинг номини энди бебисмилло тилга олишни камина гуноҳи азим деб биламан. Бу гапни ненидир пеш қилиш, кўз-кўз этиш учун айтаётганим йўқ, бу - тамаъгирлик ҳам эмас, агар ўшандай ниятда айтиладиган бўлса, мунофикликдан бошқа нарса бўлмай қолади. Мунофикликни кимки бировдан яшираман деса, бекор айтибди; бордию бировдан яширса ҳам, ўзидан яшира олмайди-ку, худодан ҳам яшириб бўлмайди... Бу гапни ҳаётини аждодларимизнинг маънавий меросини ҳурматлашга бахшида этган кишигина тўғри тушунади.

Гап шундаки, бугунги кунда умрини шу ишга бағишлаган одам билан бу ишга турли йўллар билан келиб қолганлар орасидаги фарқ билиниб қоляпти.

Миллий меросимизни ўрганиш шарафли ва мураккаб иш. Бир-икки киши бу ишни уддалай олмайди. Бу иш авлодлардан авлодларга ўтиб, қайта-қайта мурожаат қилинадиган, шу билан янгидан-янги қирралари очилиб борадиган заҳматдир. Бирок ҳар қайси даврда бўлганидек ҳозир ҳам жиддий масалаларга енгил қарайдиган, илгари бутунлай инкор этиб келган муаммосига бугун ўзи илк бор қўл ургандай иш тутадиганлар йўқ эмас. Тузук, бугунги ёшлар орасида имонлилари кўп, улар аждодларимизнинг мероси ҳақида жўяли фикр-мулоҳазалар билдириб турибдилар, бу катта ижобий ҳодисадир. Шу ўринда яна бир андиша борки, ўзбек олимлари, ёзувчилари, умуман, барча буюк сиймоларимизнинг ҳаёт ва ижодий фаолиятларига ғарбликларнинг муносабатини батамом тўғри, деб бўлмас экан. Негаки, ўзбекнинг энг нозик хис-туйғуларини фақат ўзбек тушунади.

Абдулла Қодирий 20-йилларда ишланган “Равот кашкирлари” фильми хусусида ёзган мақоласида артистларнинг баъзилари ўзбек бўлмагани учун уларнинг хатти-ҳаракатларида нуксонлар сезилиб қолганини таъкидлаб ўтади ва ўзбеклардан, туб миллатлардан артистлар етиштириб

чиқаришнинг моҳияти, истиқболлари ҳақида жуда кимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилади. Буюқларимизнинг маънавиятини ўрганиш учун камида ўшаларнинг савиясига яқинлашиш керакмасми?... Ахир, маънавий ҳуқуқ деган тушунча ҳам бўлиши лозим-ку! Демокчимизки, бир ишга киришишдан олдин муайян масъулиятни хис қилиш одамийлик белгиси. Албатта, ҳаммамизда ҳам нуксон бор, билиб-билмай хато-камчиликларга йўл қўямиз. Беайб парвардигор. Бирок пала-партиш ёзиш, сўзлаш касалидан фориг бўладиган замон келди. Бу қўлдан келмайдиган иш эмас. Негаки, матбуотда чоп этилган фикр эндигина ҳаёт йўлига кирган ёш-ялангада нотўғри тасаввур пайдо қилиб қўйса, кейин тузатиш қийин кечади. Сўнгги давр мобайнида маънавий меросимизга муносабатда ижобий тамойиллар юз кўрсатиши билан бирга бу масалага билиб-билмай аралашадиган кўпайди. Бу - асли қувончли ҳодиса. Гарчи энди меросни ўрганишни обрў топиш шарти, деб билаётганлар орасида яқингинада уни бутунлай қоралаб келганлар ҳам бўлса-да! Бой маънавиятимиз, моддий ва маданий, маърифий меросимиз тақдирини яна шундай савиядаги кимсалар ҳал қилганини фарёд чекиб кузатиб келардик, улар энди бир юмалаб “истиклолчи” бўлиб олса, шу билан мусаффо бўлиб қолармиди?!

Афсуски, оммавий ахборот воситаларида, таъкидлаб ўтганимиздек, айрим олимларимизнинг шахсига кўп ҳам тўғри келавермайдиган фикрлари ҳам учраб қолмоқда. Бу, аввало, ёшларни қалғитса, иккинчидан, ушбу, муқофот, дача, машина у ёқда турсин, лоқал бир оғиз илик сўз эшитолмай, тириклигида ёвузлар қўлида ҳақоратланиб, таҳқирланиб қатл этилганларнинг руҳига муносиб келмайди. Улар оламдан ўтиб кетдилар. Энди мактаганга пул ҳам, амал ҳам, камситганга жазо ҳам беролмайдилар. Аммо шунинг учун уларнинг шаънига тўғри келмайдиган гапни айтавериш жоизми? Айримларнинг ёзган “тарих”лари архивлардаги анкеталардан нусхалар бўлиб чиқаётир. Олтимиш ёшгача “тилчи”, кейин икки йилгача “адабиётчи” ундан кейин бир юмалаб “тарихчи” бўлиб олган олим истиқлол шарофатидан савдогар, фирмачи ёки фермер бўлган бўлса, айримлар “бир йигитга қирқ ҳунар оз” қабилда

тилчи, адабиётчи, тарихчи бўлиб колдилар.

Таникли олимлардан бири қайсидир ахборот воситасида, “Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат Октябрь революциясини қабул қилмади. Боту қабул қилди”, деса, яна бири - тилчиликдан адабиётга, ундан тарихчиликка “сақрагани”, “жадидлар диний илмларни чеклаб, дунёвий илмларни ўқитишни ёқладилар”, деб юборди. Тагин биттаси Абдулла Қодирийнинг 1926 йилда, илк бор қамалганида айтган “Мен Маркснинг ҳароратли шогирдиман”, деган сўзларини Фитратнинг 20-йилларда компартияни ёқлаб айтган айрим гапларини келтириб: “Ҳа, улар ҳам ўз замонасининг одамлари эди, гуруҳбозликка берилмасдан тўғриси эъзавериш керак” қабалида бир эмас, бир неча марта ёзиб чиқди. Бу фикрларни адабиёт оламига янги кириб келган ёшлар айтса эҳтимол, кечирса бўларди, аммо буларни ўзини “пир” деб билган одамлар ёзганига нима дейсиз! Яна бирлари Чўлпон асли кизил империядан норозилик хисларини пардалаш учун уни ёқлаб ҳам шеърлар ёзиб қўярди қабалида фикр айтади ва ҳоказо... Ёки нуфузли олим бундан уч-тўрт йил муқаддам XIX асрдаги Россия ва Ўрта Осиё муносабатини “босиб олинганми, ўз ихтиёри билан қўшилганми хали маълум эмас” тарзида “таҳлил” этган эди. Кейин, орадан озгина ўтиб, Россия Ўрта Осиёни босиб олганини биринчи бор академик Яҳё Ғуломов 1940 йилларда очиқ ёзгани хусусида яна ўша газетада бир саҳифа мақола чоп эттирди. Бу гапни на таҳририят ходимлари, на бирон тарихчи “пайқамасди” Яна ўша тарихчи домла Яҳё Ғуломовни ўзига устоз деб билар эмиш...

Энди бугунги кунда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат дунёқарашлари қандай шарҳланаётгани хусусида тўхталиб ўтамиз. Аввало, улардан биронтаси Октябрни қабул қилди-қилмади дейишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Улар ҳаммаси Октябр ғояларини қабул қилган, унга жуда катта умидлар билан қараган. Негаки, шўро раҳбарлари усталик билан фақат уларни эмас, дунёдаги миллионлаб соддадил одамларни чалғитди. Инсоният тарихида абадий орзу бўлиб келган энг жозибали шиорлар - миллий мухторият, сўз, матбуот эркинлиги, она тилида ўқиш, ерсизларга ер бериш, ишсизларга иш бериш, уйсизларга уй бериш каби шиор-

ларни кўтариб чикдиларки, Амир Темур давридан кейин ўзаро урушлар ва жаҳолатдан боши чикди. Янгича бир яшаш тарзини йўлга кўйиш - улар қалбининг олий мақсади бўлган. Советларнинг ваъдалари эса ўша орзуларни ўзида акс эттирган эди. Бунинг устига, Октябрдан олдинги, яъни хонликлар ҳалокати натижасида ўрнатилган чор Россиясининг мустамлакачилик, босқинчилик сиёсати ҳам шўроларнинг ваъдаларига умид тутишни тақозо этарди... Хуллас, айрим жадид зиёлилар дастлаб Октябрни қўллаб-қувватлаган. Шеърлар, хикоялар, публицистик мақолалар ёзган. Бирок кўп ўтмай шўроларнинг гаплари бошқа-ю, ишлари бошқа экани аён бўлди. Шунда тараккийпарвар зиёлиларимиз воқеаларга танқидий кўз билан қараб, умидлари пучга чиқаётганини пайкай бошладилар... Буни шўролар ва уларнинг куйруғини тутганлар пайқамаслиги мумкин эмасди Агар улар очик душман бўлганида, “Ҳа энди, ҳар қандай ҳукмрон куч ҳам душманини таъкиб қилади, керак бўлса қамайди, отади”, дердик. Ҳамма фожиа шундаки, шўролар демократия, сўз эркинлиги сингари олий қадриятларни ваъда қилиб, сўзга эрк берганларни эса ёппасига кириб ташлашди... Агар бизнинг эркпарвар ижодкорларимиз инкилобни қабул қилмаганларида улар тўғри таъкиб этилган бўлиб чикмай-дими?!

Тарихда энг катта ишлар халқнинг куч-қудрати билангина амалга оширилади. Бусиз мумкин эмас. Аммо бошқа даврни олайлик. Шу даврда Ленин, Сталин кўрсатмаси билан қатл этилганларнинг сони тўрт йиллик Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар сонидан зиёд бўлса-ю, халқ эса қотиллар номини эъозлаб юраверган бўлса?! Шунча вақтгача халқнинг кўзи қаёқда эди?...

Энди “халқ куйи”, “халқ сўзи”, “халқ эртаги” каби иборалар хусусида бир гап. Қайси даврда, қаерда халқ бир ерга тўпланиб сўз, шеър, эртақ, куй ёки мақол яратган? Шунга биладиган донишманд борми? Бўлса чиқар. Аммо бу иборалар муаллифларнинг номи айтилмай ёки сақланмай қолган куй, ашула, эртақ, мақолларга хос бўлса керак. Ахир, бобомиз Амир Темур бир донишманд арбоб, раҳбар бутун бир қўшиндан кўра қудратлироқ, деб бекорга айтмагандирлар...



Хуллас, илмда киламан деса иш кўп, истиклолимиз энди бизга бемалол фикр айтиш имкониятини яратган экан, уни суиистеъмол қилмайлик, буюк аждодларимиз рухларига энди озор бермайлик, улар ҳалол яшаб, ҳалол ишлаб, бизга бой маънавий мерос қолдириб кетдилар. Уларда истиклолимизни мустаҳкамлаш учун кўмак берадиган нуқталар сероб. Шулар заминда ёшларимизда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

## Динни рўқач қилиб қон тўкиш, бойликка интилиш - қабоҳат эмасми?!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кейинги йиллар мобайнида телеэкранда айрим жиноятчилар, қонунбузарлар, оила, уй-жой, бола-чақа сингари энг муқаддас инсоний фазилатларни тарқ этиб фақат ўз маишатини ўйлайдиган фоҳишалар, айникса дин номидан жар солиб, аслида одамийлик сифатларига ҳам зид ишлар қилиб келаётган палидлар ҳақида алам-изтироб билан маълумотлар берганда ҳеч ким бепарво қолган бўлмаса керак! Ички ишлар вазирлигига маълум жиноят ҳақида сўзлаётганда вазир ўринбосарининг таҳлили, ҳужжатларни шарҳлаши, ҳар бир жиноятчи қиёфасини тасвирлашдаги кечинмалари воқеликни чуқур ҳис эта билиши ундан яққол кўриниб туради. Зеро, ички ишлар вазирлиги ходимлари республикамизда тинчлик ва осойишталикни таъмин этишда ҳал этувчи кучлар-да!..

Янги йил олдидан Наманган вилоятида рўй берган фожиалар ҳақида телеэкранда икки марта маълумот берилди, буни ҳамма ҳаяжон, изтироб - алам ва ғазаб билан кўргандир... Буларни ваҳхобийлар деб аталди. 1700-йилларда Арабистонда вужудга келган ваҳхобийлар исломни гўё тозалаб, асл Муҳаммад пайғамбар давридаги ҳолатига келтириш баҳонаси, тўғрироғи никоби остида майдонга чиқиб, қабрларни бузишдек хунрезликни касб қилган эканлар. Улар ҳам ўз даврида дин номидан иш кўриб аслида ҳокимиятга чиқиб олишни кўзда тутганлар. Агар муқаддас

рамазон кунлари ўзимизнинг телеэкранда намоёиш қилинган Пайғамбаримиз тарихига оид кинофильмга назар солиб айтадиган бўлсак, бу қадар тескаричи кучлар Муҳаммад пайғамбаримиз ҳаётлиларида ҳам бўлган ва улар жамиятга ҳамиша фожиалар келтириб турган. Мақсади ҳокимият, бойлик, маишатдан бошқа нарса бўлмаган. Савол туғилади, хўш орадан икки юз йил ўтгач, Наманганда бу тескаричилар қаёқдан пайдо бўлди? Жазоирда ана шундай тескаричи гуруҳларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари оқибатида минг-минглаб одамлар қони тўқилгани ҳақида жаҳон ахборот воситаларидан ҳар хил маълумотлар келиб турганига нима дейсиз?! Демак, жамият бор экан, зиддият бор. Инсониятни тўғри йўлдан бошлаб боровчиларга қарши ғаразғўйлар ҳамиша ва қўпинча ё жуда содда - лакмаларни, ёки бойликка ружу қилган амалпарастларни эргаштиради. Имон-эътиқоди бутун, тўғри йўлни яшаш тарзи сифатида танлаган. онгли, софдил бирор кимса бундай қинғирларга эргашмайди, эргашмайдигина эмас, улардан ҳазар қилади, нафратланади. Зеро, тўғри одамга улар ўзлари ҳам ўз томонларига тортишни таклиф қилмайдилар ҳам... Шу нуқтаи назардан Намангандаги қотиллардан бири оёғидан яраланиб ётган ҳолда: “фалончини ўлдиролмадим, кучим етмади. Фалончини эса, беш минг доллар бермагани учун ўлдирдим”, - деган гапларини ким қандай ҳис-туйғу билан кўргани-эшитганини бир зум тасаввур қилайликчи? Қалбимизда қандай ҳиссиётлар туғиларкин?! Яна, босқинчиларнинг ниқобларини тикиб берган, ўз уйида уларнинг нарсаларини асраб турган Юсупов деган малъун ва унинг 16 ёшга энди тўлган ёш ўғлининг ёнидаги тўппончаю, ундан милицияга қараб ўқ узганини қандай тушиниш керак? Бу боланинг отасику, жиноятчиларга қўшилибди, фарзандлари ҳам келажакда жиноятчи бўлиб етишуви, умр бўйи шу “иш”ни ўзига касб қилиб олиши зарур бўлиб қолдими? Хатто жиноятчининг онаси ҳам фарёд чекиб ўз ўғлининг қилмишларидан хабардор бўлгандан кейинмайли “дазмол босинглар, ўлдинглар, сўйинглар...”, деб бўзлаганига одам эмас, қурт-қумрсқалар ҳам ларзага келмайдими?! Ўша ердаги айрим масчит имомлари уйларида мактаб очиб ёшларни эски илмлардан баҳраманд қилмоқчи бўлган баъзи

“отинбувилар” хали дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларни истаган йўлга буриб юбориши баъзи ёшларни жиноятчиликка бошлаб кетмаётганмикан?! Буларни жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлиб қолди. Негаки, республикамизда кейинги дастлабки кунларда қизил империя давридаги дилгирликдан чиқиш баҳонаси билан кўплаб палапартиш “эркинликлар” рўй берди. Бу аслида Истиклолдек буюк неъмат соясида ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, иш кўрувчиларга бир мунча имконият ҳам туғилганидан келиб чиқарди. Бирданига ҳар хил партиялар тузувчилар кўпайиб кетди. Йиғинлар ташкил этиб, аҳоли ўртасида кўпинча “ҳар ишга тайёр” ёшлар ўртасида бесарамжонликларни кўзгаб, “иш”га киришганлар пайдо бўлди... Бундай гуруҳларга ҳар хил одамлар жалб этилди, аммо кизиғи шундаки, ҳар бир гуруҳда бир нечадан етакчи бўлгани ҳолда ҳар қайсиси фақат битта амалга президентликка даъво қилаверди, бошқа лавозим камлик қиларди... Ҳой биродар, на қишлоқни, на шаҳарни, на иқтисодиётни билмай - юртга қандай бошчилик қиласан? деган сўроқни улар орасида ўйлайдигани ҳам йўқ эди. Айни шундай хилма-хил воқеаларнинг аралаш-қуралаш ғовур-ғувурида бирданига бурни устидан кўзининг ярмисигача рўмол билан беркитиб юрган ёш-ёш қизлар, соқол мўйлаб-ю, сочларини кўшиб, тилаган томонга ўстириб юборган, эндигина балоғатга етаётган йигитчалар кўпайиб қолди. Кўчада, транспортларда ҳамма уларга хайрат билан қарайди... Улар буни қандай идрок этаётганларини билиб бўлмайди...

Ён қўшнимиз Тожикистондан, Афғонистондан ҳар куни турли туман ташвишли хабарлар келиб турган, Сурхондарё орқали бу ҳар икки мамлакатда жиноят содир қилаётган кимсалар бизнинг еримизда гоҳ чегарачилар, гоҳ божхона ходимлари томонидан ҳали қурол-яроғ ташувчиларни, ҳали гиёҳвандлик моддаларини машиналарнинг бензин баклари-ю, тонналаб мева-чева ортилган юклар остидан топиб олинаётган қалтис бир вазиятда, биз ўз республикамизда дин номидан “иш” кўриб, динга ҳам, инсониятга ҳам доғ солаётган, фожиалар солаётганларга қандай қилиб бефарқ қарай оламиз?! Шуларни кўз олдинга келтирганимизда, гоҳо ўйлаб қоласан: еримиздаги жиноятчилар-

нинг оркасида кимлар турган экан? Уларнинг хорижларда суянчиқлари йўқмикан? Агар бўлса, қайси китъада экан? Ахир тарихдан маълумки, ҳамиша бир мамлакатда рўй берган катта жинойий ишлар кўпинча хориждан мадад олиб турганлар. Бундай воқеаларни акс эттирган бадиий асарлар ўзбек адабиётининг XX аср бошларидаги энг буюк вакиллари асарларида жуда чуқур бадиий маҳорат, ўта чуқур фалсафий мушоҳадалар билан ифода этилган А.Қодирийнинг икки машҳур романи, Фитратнинг “Ҳинд ихтилочилари”, “Бедил”, “Форс шоири - Умар Ҳайём” ва бошқа асарларида биз ёркин намуналарини кўрамиз... “Меҳробдан чаён”даги Чаённинг намоиши бобида - хурматли зот Абдулла Қодирий - Мулла Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ образларида, Абдурауф Фитрат “Рўзалар” пьесасидаги Эрбокий образида, “Ҳинд ихтилочилари”даги Мавлоно Нуъмон образларида шундай жирканч қиёфаларни оддий кўзга фақат дин арбоби сифатида кўришиб туриб, нукул ўз халқи, ватани, миллатига қарши иш қилади. Мақсад амал, мансаб, бойликка эга бўлишдан бошқа ҳеч нарса... Буларнинг оркасида эса ҳамиша ўз юртида ҳам, хорижда ҳам суянчиқлари бўлган. Мавлоно Нуъмонни Ҳиндистонни эндигина босиб олган инглиз вакиллари қўлга олиб қўйган, унга катта-катта маблағ бериб, малай қилиб олган эдилар... Энди мана шу кимсаларда эл-юрт, халқ, миллат, ватан деган муқаддас тушунчалардан биронтаси йўқ, ҳаммасини сотиб юборишга истаган вақтда тахт турган маъунлар бўлиб чиқади...

Биз катталар бундай воқеаларга ҳушёрлик билан қарашимиз лозимлиги маълум, аммо ёшларни тарбиялашга даъват этилган ташкилотлар, мактаблар, бизнинг ахборот воситаларимизчи?! Зиммамизга нақадар муҳим вазифа юклатилганини ҳаммамиз ҳам чуқур идрок этамизми?!

Агар шу мавзу устида яна фикрни давом эттирадиган бўлсак, айланиб келиб яна оила, уни ташкил этиш, болаларга оила тарбиясини бериш муаммоларига дуч келамиз. Агар оилада ёшларга тарбия бериш тўғри йўлга қўйилса, ҳеч ким катта бўлгандан кейин жиноятчи бўлиб қолмайди... Жиноят ҳам, одоб-ахлоқ ҳам оиладаги тарбияга боғлиқ дейилса, хато бўлмаса керак... Оилада бола тарбияси асли

ондан бошанади. Бола-чакалок кўз очиб онани кўради, уни эмади, кеча-ю-кундуз унинг бағрида ётади... Отага, бошқаларга хурмат уйғотиш ёки хурматсизликка ўргатиш ҳам асли онага боғлиқ. Онаки ўзи эрига хурмат билан боқмадимми, ўғил-қизга шунинг ўзи кифоя... Она эрга қандай қараса - дастлаб ўғил-қиз ҳам худди шундай қарай бошлайди, кейинчалик бу иш авжга минади, вояга етгандан кейин билганларини қилаверади. Энди ҳеч кимнинг маслаҳатига муҳтож эмасман деб билади... Агар бир зум кўзингизни юмиб, қариндош-уруғларингиз, қўни-қўшниларингиздан оилавий ҳаётини яхши билганларингизни бир ўйлаб қаранг-чи, ўз оиласида тарбияси бузилган ўғил-қизлардан тортиб, катталардан қанчасининг қилмишлари ҳаёлингизда гавдаланади?!

Тўғри, айрим вақтларда ташқи муҳит ёмонлар доираси баъзи ёшларни йўлдан уриб, тортиб кетади, шунда ҳам оила назоратидан четроқда юрганлар ўшандай тузукка кўпроқ илинадилар... Демокчимизки, агар оила йили муносабати билан баъзи ахборот воситаларида нуқул кўп болали оилалар, қари ота-оналарни дастурхон атрофида ўргатиб қўйилгандай майин, яхши гаплар йиғиндиси билан таъмин қилиш билан чекланиб, мақсадга эришиб бўлмайди. Тўғри, яхшидан ибрат олиш шарт, буни ҳеч ким инкор этмайди ва этган эмас. Бироқ қани энди ҳаёт фақат яхшилардан ва яхшиликдан иборат бўлса?! Ҳамон шундай экан, ҳаётдаги зиддиятларни, яхшиликка раҳна соладиган тўсиқларни ҳам рўй рост кўрсатиб, улардан ҳам тўғри хулосалар чиқаришга даъват этиш муҳим аҳамият касб этади, бунинг ҳам катта тарбиявий имкониятлари бор...

Юртбошимизнинг номига байрамлар, маросимлар муносабатлари билан жаҳон микёсидаги табриклар, мубо-ракбодлар ҳақида ахборот воситалари ҳар куни маълумот бериб турибдилар. Буни такрорлаш шарт эмас-ку, аммо шу ўриндаги бир муҳим нуктага эътиборни минг марта жалб этсак ҳам ортиқча бўлмайди, чамаси. Жаҳондаги турли миллат, давлат, урф-одатлар, расм-русусмлар ўртасида муайян зиддиятлар пайдо бўлиб туриши маълум. Дин, мазҳаб, қабилалар, гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликлар ҳамиша эл-юртни бахтсизликларга сургаб келган, ҳатто

катта-катта фожиалар шу йўсинда вужудга келган, дейиш мумкин. Бу жиҳатдан Ҳиндистонда рўй берадиган зиддиятлар ҳақида Бедилдан тортиб Фитратгача ғоят куйиб-пишиб ёзганлар. Зеро, мазкур мамлакатдаги диний жоҳорлар яқин кунларда ҳам қандай кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқаргани ҳақида газеталарда ўқидик, экранларда кўрдик. Афғонистонда толибонларнинг дин номидан қилаётган хунрезликлари-ю, эркак ва аёлларга “йўл” қизиб бераётганлари қалбида динга, имон-этикодга заррача мойиллиги бор кишини нафратлантирмай қўймайди. Шундай бир оғир тарихий вазиятда яшаш тақдиримизда бор экан, биз ўз диний этикодларимизга ҳалол бир нуқтаи назардан қараш ҳақида ўйламаймизми? Албатта ўйлаймиз ва ўйлашга, шунга қараб иш қилишга мажбурмиз, бу ҳаёт тақозоси эканини ҳар бир онгли шахс тан олмай иложи йўқ... Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Москва ва Бутун Рус диний бошқармаси раҳбари Алексей II томонидан юртбошимизга юборилган табрикнома ва “Князь Даниил Московский” ордени юборилганини ҳаммамиз қувонч билан қутиб олдик. Ана шу табрикнома ва орденни топширган Епископ Тошкентдаги ва Марказий Осиё православ христиан диндагилар номидан ажойиб нутқ сўзлади. Алексей II табриги ва ўз нутқидаги яқдил бир мазмунга алоҳида этиборни қаратди: яъни, Президентимизнинг олти-етти йиллар мобайнида республикамиздаги барча фуқаролар, турли миллат ва турли диний этикодга мансуб ҳар хил тоифадаги аҳоли ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва тотувликни сақлаб бораётгани, буни қонунлар билан мастаҳкамлаб қўйилгани, шу сабабли Марказий Осиёдаги энг тинч ва барқарор вазиятни сақлашда Ўзбекистон ва раҳбари Ислоҳ Каримовнинг хизматлари катта экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Деярли бутун табриклар, нутқларда шу мазмун сарасос бўлди, етакчи фикр сифатида идрок этилди... Шундай бир тарихий вазиятда бошқа диндагилар ҳам тан бериб, ўзаро ҳурматга катта аҳамият берилаётган бир шароитда орамиздан чиқаётган боши бузуклар, “динфурушлар” киёфалари кўз олдимизда қандай намоён бўлади-ю, халқимиз нафратига, қарғишига қандай дучор бўлаётганини шарҳлашга сўз ожизлик қилади... Шу

ўринда айрим “ўқимай таббатга тушган”, на мактаб, на мадраса кўрмай, “амри маъруф” қилаётган ясама муллаларнинг пайдо бўлиши, махалла куйдагина эмас, телерадиода чиқишлари, ҳаж сафарига бориб ноҳўя хатти-ҳаракатларини “тарк этмаётганларни” нима деб аташни одамларга қўйиб берамиз... Худо бор-ку! Омон бўлсак кўрармиз бу кинғирлар холини!..

## Тарихнинг тарбиячилиги нимада?

Аввало, тарихнинг хақиқий тарбиячига айланиб бораётгани ҳақида. Эътибор қилинг, бу қачондан бери шундай бўлди? Бир сўз билан айтсак, буюк Истиклолимиз тантанаси эълон қилинган кундан бери тарихимиз, миллатимиз, миллий анъаналаримиз, миллий ўзлигимиз, миллий қадриятларимиз сингари талай ибораларни бемалол талаффуз эта бошлаганимиз ва айни шу шиорлар остида ўтказилаётган тадбирларимиз билан уларни ҳаётга татбиқ эта бошлаганимиздан буён бу борада талай ишлар қилинди. Энди бу соҳадаги фаолиятларимизни бутун жаҳон тан олмоқда. Айни худди шу соҳадаги фаолиятларга раҳбарлик қилаётан юртбошимизга ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино ордени топширилгани ҳам оламга маълум бўлди...

Очигини айтганда, ҳамдўстлик мамлакатларидан бирортасида миллий қадриятларни тиклаш борасида хали Ўзбекистонга тенглашадиган бирорта мамлакат йўқлигини буюк ёзувчи Чингиз Айтматовдан тортиб, ЮНЕСКОнинг бош директориғача эътироф этди... Зеро, тарих - ҳар бир халқ маданияти, маърифати, моддий ва маънавий тараққиётига ҳамиша пойдевор бўлиб келган, аммо бутун инсоният жамияти тарихида шўролардан бошқа барча мамлакатлар, халқларнинг давлатчилик тартибларида келажак тараққиётнинг манбаи сифатида тан олинган, ана шу заминда тараққиётга эришилган... Бу ҳақда шу гапнинг ўзи кифоя қилади, кўплаб фикрлар айтилган ва айтилмоқда... Ҳаммасида ҳозир бир фикр етакчилик қилади: тарихдан энг илғор, яъни келгусидаги ривожланишга кўмак берадиган нуқталарини танлаб ола билиш, уларни давом эттириш,

ижодий ривожлантириш ҳамма замонларда халкларнинг барча онгли табақа вакиллари, айниқса, ва биринчи гада миллатларнинг гули бўлган - Зиёлиларни қизиқтириб келган. Тарихнинг ибратли чўққилари худди шундай шахслар ҳаёти-ю фаолиятлари мазмунини ташкил этган... Ана шу ерда биз мазкур ишимизда кўзлаган ниятларимизнинг туб негизига етиб келдик. Демокчимизки, мактаб ва олий укув юртларимизда тарих, адабиёт ёки фалсафа, иқтисодиётдан дарс бераётганлар, ҳатто турли-туман малака ошириш ўқув юртларида ишлаётганлар бу муаммоларни ўйлаётирларми? Ўйлаётган бўлсалар бугунги ахборот воситалари ёки дарслик, қўлланмаларда биз кўзлаган фикр-мулоҳазалардан маълумотлар борми? Бўлмаса қаёқдан олишади ва хоказо... Айни шу саволлар ўқитувчиларнигина эмас, барча зиёлилар тафаккури жараёнларида қандай акс садо бераётганини билиш масаланинг туб моҳиятини белгилайди. Бу масалалар тарихчи ва адабиётшуносларнинг чипакам янгича фикрлай олиш қобилиятлари билан, яна ҳам тўғрироғи - илмий-педагогик истеъдодлари билангина таъмин этилади... Демак, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини янгидан ёзиш бу масаланинг тўғри ечимини топиш соҳасидаги биринчи вазифа бўлиб қолади. Бугина эмас, ижтимоий фанларда янгиланиш бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ва тезроқ содир бўлиб туради, кузатувчи буни ҳам ҳисобга олиши ва муттасил изланиши, ижодий ишлашига тўғри келади...

Биз бундан олдинги ишларимиздан бирила миллий кадриятлар деганда кўпинча узок ўтмиш ёки камида бундан бир асрлар илгариги тарихмиз устида ўйлашга ўрганиб қолганлигимиз ҳақида кўп ёзгандик. Гап шундаки, миллий кадриятларни тиклаш борасида, шўро давлатининг энг мудхиш даврлари бўлмиш 20-йилларда ҳам, 30 40 ҳатто, 50 60, 70- ва 80-йилларидаги даҳшатли қатлиом кезларида ҳам имон-эътиқоди бутун, ўз халки, ватани ва миллати манфаатлари учун бошини тиккан жадидлар ҳамда уларнинг йўлларини давом эттирган энг илғор зиёлиларимиз узлуксиз курашиб келдилар... Жумладан, асримизнинг 10 20-йилларида Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар, Элбек



ва Ғози Юнуслар, 30 - 40 ва ундан кейинги йиллардан 60-йилларгача Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаххор, булардан кейин эса, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодировлар тарихий бадиий асарлари ва бошқа чиқишларида миллий кадриятларимизга ғоят юқори иззат-икром туйғуларини уйғотишга катта ҳисса қўшдилар. Зеро, ўз миллий тарихига камоли-эҳтиром билан қараган ва бу борада кўплаб ёдгорликларни мерос қилиб қолдирган буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бутун жаҳонга ибрат бўлиб келаётгани бежиз эмас-да! Ўз ватани, миллати, халқи ўтмишига ҳурмат билан қараш чинакам зиёлилик белгиси, унга ҳақорат ёки нафрат билан қараш эса ўта жохиллик, гуноҳи азим, ҳатто жиноят бўлиб чиқишини ҳам тарих тасдиқлади. Собик шўролар таназзулининг кўплаб сабаблари ичида ўтмишга қарши ҳужумлари ҳам қўшиб қараладиган бўлса, оқибатлари янада равшанроқ намоён бўлади...

Шундай қилиб, бугунги мулоҳазаларимиз 30-йиллардаги қатлиомдан кейин ҳам миллий кадриятларимизни тиклаш учун жасорат билан курашган айрим зиёлиларимиз фаолиятлари ҳақида бўлади...

Иккинчи жаҳон урушидек фожиали йилларда Шайхзода “Жалолиддин Мангуберди” драмасини, Ойбек “Навоий” романини ёзганига бир эътибор берайлик. Бу икки буюк ёзувчимиз икки даҳо хотираларини тиклаганларига неча йил бўлди? Ундан буён Навоий ҳақида нималар бўлди, Жалолиддин Мангуберди ҳақида эса, истиклол шарофати билан 800 йиллик юбилей ўтказилди. Аммо ҳозир гап бунда эмас. Гап, етук зиёлиларимизнинг ўз ўтмишимизга ҳурмат кўрсатиш учун курашганларидадир. Бу соҳадаги жасоратларини яна бир бор эслаб ўтишдадир... Ойбек “Навоий” романи учун, Шайхзода биз тилга олган пьесаси учун қандай кулфатларга дучор бўлганларини бизнинг ёшдагилар яхши билишади. Бугина эмас, Ойбек “Қизлар” достонида уруш даври қийинчиликлари ўзбек хотин-қизлари бошига нақадар оғир жафоларни кечирганлари ҳақида изтироб билан мулоҳазалар баён қилганида айрим калтабин “лаб-байчилар” муаллифни умидсизликда айблаб чикдилар... Қанча қирғинлар, фожиалар, иқтисодий бўҳронлар билан ёридан, отасидан, боласидан айрилган аёллар дарди ҳас-

рати тасвир этилган ўтли мисраларни ўша партиянинг ғамхўрлигини кўролмаслик деб баҳоладилар ва ҳоказо... Минг шукурки, тарих - Ойбек ва Шайхзода каби улуғларимизнинг ўрнини тўғри белгилаб берди...

Энди худди шу руҳда рўй берган яна бир тарихий ҳодиса, яъни миллий кадриятларимизни энг қалтис вазиятларда тиклашда бизга жасорат билан кўмак берган бир даҳо ҳақида тўхтаймиз...

60-йилларнинг бошлари... Ўзбек адабиёти майдонига ёниб кириб келган бир қатор ёш ёзувчиларни, Абдулла Қаҳҳорнинг ўз ибораси билан айтилса, у “йўрғаклаб олаётган” кезлар... Аммо 1953 йилдан кейинги бир қадар енгил нафас олиш, яъни шахсга сиғиниш қораланиб, сталинча қотиллар томонидан қатл этилган кўплаб ёзувчилар оклангандан кейинги вазиятлар 60-йилларга келиб яна таранглашиб қолди. Таъбир жоиз бўлса, “агар шамол туяни қимирлатса, эчкини осмонда кўр” қабилида шундай олағовур вужудга келдики, қатлиомга учраган буюқларимиз руҳларига, ҳатто қабрларига то сўнгги кунларгача тош отиб келган ялтоқлар яна бош кўтариб қолдилар. Қамалганлар окланган, энди уларни яна камаш ёки отишнинг иложи йўқ. Шунинг учун асарларини чиқармаслик чораларини ахтариб қолишди... Ўзларича бунга “йўл” ҳам топишган бўлди, қандай йўл денг!” Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар граждани сифатида окланган, ижодлари окланмаган” деган бир уйдирмани ўйлаб чиқаришди. Бу ўша 20-30-йиллардаги “миллатчи, халқ душмани” ибораларидек соҳа, қабих, ўта уйдирма бир машъум тамға эди... Зеро, энди “халқ душмани” иборасини ишлатиб бўлмасди. Чунки ҳар бир софдил, рисолада фикрлай оладиган кимса яхши билардики, дунёда бутун халққа қарши душман сифатида чиққан биронта кимсани ҳеч ким кўрган эмас... Тарихда коммунистларгина бу мудҳиш иборани ўйлаб топди ва қўллади, ҳолос...

“Граждани сифатида окланган, асарлари ёки ижодлари окланмаган” деб жар солган, кун кўрган, амаллар олган ялтоқлар кейинги бир-икки йил мобайнида бир юмалаб, “гоҳ қодирийшунос, гоҳ чўлпоншунос, гоҳ фитратшунос, гоҳ элбекшунос” ғилофларига ўралиб, ҳамон орамизда

юрганларини ҳамма билади... Ҳозирда улар ҳақиқат зарба-сида аллақачон қирғоққа олиб ташланган. Буни буюк Истиклолимиз қудрати деб изоҳлашимиз мумкин.

Ана энди шундай бир мураккаб зиддиятлар хилма-хил кўринишларда намоён бўлаётган, аммо мақсади мазмуни жиҳатдан 30-йиллардагидан фарқ қилмайдиган бир вазиятда миллий кадриятларимизни тиклаш қандай кечди? Бу ҳақда ким нима деса дер, аммо воқеалар гирдобада бевосита иштирок этганлардан ортиқроқ ҳеч ким ҳис этолмаса керак...

1964 йилда Абдулла Қодирийнинг туғилганига 70 йил тўлиши нишонланадиган бўлди... Бу шахсга сиғиниш қоралангандан кейинги биринчи тадбир... Йиғин ҳақидаги гаплар бирор ҳафтача илгари, “узун кулоқ” деганларидек, бизга ҳам чалинди. Домла Иззат Султон каминага қўнғироқ қилиб, “агар сизга Қодирий ҳақида маъруза қилишни айтишса, кўнманг. Менга топширишган эди, рад қилдим. Бари бир нима десангиз ҳам фақат гап эшитасиз” деб қўйдилар. Мен - “хўп” дедим. Худога шукурки, ҳеч ким бизга таклиф ҳам қилгани йўқ. Чунки биз “ғояси бузук, халқ душманларини оқлайдиганлар” каторида турардик... Хуллас, йиғилишдан хабар топдик. 1964 йил 10 апрель, кундузи - соат 14.00 да, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тил ва адабиёт институтининг Шайхонтохурдаги биноси (ҳозирги телестудия биносининг минораси ёнидаги бино). Мен соат бир яримларда бордим. Сабрим чидамади, чунки Қодирий ҳақида нима гап бўлишини билиш энг зарур эди. Борсам, бинода ҳеч ким йўқ. Битта Ойбек домла мажлислар зали йўлагиди қўлларини орқага қилиб айланиб юрибдилар. Кўришдим, саломлашдик. Ойбек домла “Яхши, яхши” деб кулимсираб қўйдилар. Ойбекнинг Қодирийга нисбатан ҳурмат-иззатлари ҳақида ўзлари ҳам, камина ҳам илгари кўп фикрларни ёзган эдик. Бизнинг Қодирий ҳақидаги биринчи ишимизни қўллаб-қувватлаганлар орасида Ойбек, Яҳё Ғулом, Ҳадича Сулаймонова, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Отабой Эшоннов, Иззат Султонлар борлигини тарих ҳеч қачон унутармиди? Булардан ўтганларининг жойлари жаннатда бўлсин, қолганлари яна узоқ йиллар бахтли умр кўрсинлар, бундай шунукли

домларда ҳаммаларига энг эзгу тилаклар тилаймиз. Зеро, бу борада Қодирийга ихлосманд ҳали кўплаб одамлар бор, биз ҳаммаларини санаб ўтирмадик. Энди биз миллий кадриятларни тиклаш учун жасорат билан очик курашган яна бир буюк сиймо Абдулла Қаҳҳор фаолияти ҳақида қисман тўхтаб ўтамиз.

Абдулла Қаҳҳорнинг жасорати, журъати, билимдонлиги ва асарларини санаб ўтирмаймиз. Биргина изоҳ билан айтиб қўя қоламиз: агар бирор ерда йиғин бўлиб, унда Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқармиш, деган гап эшитилса, залга одам сиғмай қоларди. Бу ҳақда шунинг ўзи кифоя қилади. 50-60-йилда ёзилган “Юрак сирлари”, “Тобутдан товуш” (биринчиси Баҳром Раҳмонов асари, иккинчиси - Абдулла Қаҳҳорники)ни кўпчилик билади. Шу икки асарга сиёсий айб ёпиштирилиб, ҳужум бошланди. Бу ҳужумда “жонбозлик” кўрсатганларнинг айримлари орамизда йўқ, баъзилари эса ҳали ҳаёт. Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ва миллий кадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш хусусида гап.

Юқорида таъкидланган бино залига, худди соат иккилардан хиёл ошганда беш-ўн одам келди, холос. Соат иккидан анча ошганда ёзувчилар уюшмаси вакили кириб келди. Бу кимса Қодирий, Чўлпон, Фитратлар уёқда турсин, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Асқад Мухтор, Шухрат каби энг обрўли ёзувчиларимизга қарши очик ва яширинча кураш олиб бораётган шоввоз эди. Мажлис очилган бўлди. Маъруза учун сўз олган одам Қодирий-ю Чўлпонларга қарши 30-йиллардан буён курашиб келаётган, ҳатто 40-йилларнинг охирида ҳам ўз ҳамкасбларидан бир нечасига миллатчилик тамғасини босиб қаматиб юборган кимса эди. Бу йиғинда Қодирийни шундай булғаладики, иложи бўлса, тирилтириб бошқатдан қамаб ва яна отиб ташлаш керак бўлиб чикди. Унинг шу маърузаси Ғафур Ғулом нашриётида то 90-йилларгача нашр этилган “Ўтган кунлар”нинг ҳаммасида чоп этилган... олиб танишингчи!!!

Маъруза бошланмасдан сал олдин залга Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё опа кириб келишди. Улардан олдинрок Пиримқул Қодиров келган эди. Маърузанинг иккинчи ярмидан кейин, тамом бўлиш олдида Ғафур Ғулом залга кириб келди. Маъруза тугади. Хайъатдаги бошқарувчи

саволлар борми, сўзга чиқувчилар борми каби қатор хитоблар қилди, ҳеч ким миқ этмайди. Охири раис Ғафур Ғулумни мажбур қилиб сўзга чиқарди. “Сиз Қодирийни кўргансиз, бирга ишлагансиз, сиз сўзга чиқмасангиз ким чиқади?” деб ҳуллас чиқарди. Адиб ўз мулоҳазалари билан гапни қисқа қилди. Чунки у бу зайилда сўзга чиқмоқчи ҳам эмас эди-да! Залда яна жимлик чўкди. Ниҳоят Абдулла Қаҳҳор сўз олди. У гапни “Абдулла Қодирий ўзбек романчилигини бошлаб берган ва айна бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги оврупача романнинг энг яхши намунасини берган буюк ёзувчи...” деган жумлалар билан бошлади. Ва шу кетганча шундай қайнадики, унинг фикр-мулоҳазаларини ҳамон тўла ҳазм қилолмай, тўла ифода этолмай юрамиз. Пиримқул гувоҳ, ҳаммасини бирга эшитганмиз. Абдулла Қодирийнинг тарихимизда тутган ўрнини, унинг миллий, маънавий тараккиётимиздаги ўрни, асарлари билан оламга донг таратгани, ҳамон у яратган романлардан ўрганиб келинаётгани ва ҳоказолар ҳақида шундай қайнаб-тошдики, маърузачининг Қодирий шаънига айтган гапларини чиппакка чиқарди-қўйди. Нью-Йоркда бир филни юз йил занжирга боғлаб боқилгандан кейин, занжирлар қор-ёмғир остида занглаб аллақачон парчаланиб кетган бўлса-да, фил бечора қозикдан узоқлаша олмаётгани, унга ўрганиб қолганидан жойидан қимирлай олмаётгани ҳақидаги гапни ҳам Абдулла Қаҳҳор худди шу куни шу залда айтган эди. Бу гапни Абдулла Қаҳҳор қулликка ўрганиб қолган одамлар қулликдан қутилгандан кейин ҳам ундан кета олмаётганларидан дод, деган маънода айтган эди. Ваҳоланки, биз ҳали ҳам ўша кезларда ўша қизилларга қарам эдик. Бизнинг буюк зотларимиз ҳамиша аждодларимизни бошларига кўтариб эъзозлаганлар. Ўзлиги нима эканини билмаган нодонлар, манфаатпарастлик хасталигига муфталолар эса, ўз тарихига доим тош отиш билан кун кўрганлар.

Айна ўша йиғинда Абдулла Қаҳҳор шоир Боту ҳақида ҳам кўп яхши гапларни айтди. ...Хуллас, ҳали бу тарихни ўрганиш, ёритиш лозим... Ўзимизга замондош буюк аждодларимиз миллий қадриятларимизни, тарихимизни, маънавий меросимизни тиклаш борасида қандай жон куйдирганларини ҳали кўпчилик, айниқса, ёшлар билмайдилар-

ку! Ўқитувчилар, илмий ходимлар, адабиётшунослар орасида ҳам бу тарихни яхши биладиганлар етарли деб бўлмаса керак. Демак, ўзбек адабиётининг XX аср бошларидан бошлаб, 30 40, ҳатто 60 70 йиллар, 80-йиллар тарихини янгидан ишлаб чиқиш, уни янги замон нуктаи назаридан тўғри изоҳлаш, мактаб, олий ўқув юрти талабаларига бу ҳақда тўғри илмий-назарий маълумотлар бериш - бугунги адабиётшунослик, тарихшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда...

\*\*\*

Буюк Истиклолимиз шарофати туфайли тикланиб келаётган тарихимиз, миллий анъаналаримиз, демакки ўзлигимизни англаш, ўз мавқеимизни қанчалик намойиш қилаётганимизни эндиликда бутун жаҳон кўриб турибди, софдил инсонлар табақаси тан олаётгани маълум. Булар ҳақида ўзимиздаги ҳам, бизга беғараз дўстона муносабатларда бўлаётган хорижий ахборот воситалари ҳам ҳар куни маълумотлар бериб турибди.

Зеро, исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатларга тўғри баҳо беришнинг ўзи, дастлаб, тўғрикўнгил шахс ва маънавий етуклик белгисидир. Негаки, бугунги жаҳон микёсида инсониятни қувонтирадиган ижобий воқеа-ҳодисалар билан бирга, уни ғоят ташвишга солаётган ўта салбий, гоҳо жуда хавфли ҳолатлар туфайли қалтис замонга айлантириб қўяётган бир даврда мамлакатлар, халқлар ва давлат тизимларинини ривожланиш иулидан боришлари ҳозирги ҳаётнинг энг муҳим, тақдирини ҳал этувчи омили бўлиб қолади... Демокчимизки, барча соҳаларда кун тартибига чиқаётган муаммоларнинг энг самарали ечимини топиш, фикр-мулоҳазаларни амалга ошириш, аслида, энг оддий фуқародан тортиб, унга раҳбарлик қилишга, етакчиликка даъват этилган ҳар бир шахсдан ғоят чуқур тафаккурни; етти ўйлаб бир кесиш, юз ўйлаб бир сўзлашни тақозо этади... Яна бир муҳим нукта: бугунги кун тартибига чиқаётган энг долзарб масалаларни ҳал этишда бизга ўтмишдан қолган энг илғор, туб негизи инсон ва жамият манфатларини биринчи ўринга қўйибгина яшаган, ишлаган буюк авлодларимиздан қолган маънавий мерос, яъни илғор мил-

лий кадриятлар кўмак беради, миллий кадриятларимиздаги миллий анъаналарнинг бир миллат доирасидан чиқиб, аллақачон умуминсоний маънавий хазинага қўшилиб кетган олий нукталари эса ҳамиша замонавий аҳамиятини сақлаб қолаверади, инсоният тургунча туради. Фақат шундай кадриятларгина онгли, чинакам халқпарвар, ватанпарвар зиёлиларнинг қалбларини муттасил ларзага солади, доим кизиктиради, янгидан-янги фикрлар уйғотади, тафаккурни бойитади, муаммолар ечимига ундайди.

Биз аксари тарих иборасини тилга олганимизда фан сифатидаги тарихни тушунамиз ва шу ҳақда фикр юрита бошлаймиз. Бу, шубҳасиз тўғри. Аммо фан сифатидаги тарих билан адабиёт ўртасида хитой девори йўқ, яъни унчалик катта фарқ йўқ. Агар таъбир жоиз бўлса, бу ҳар иккиси вокеликни акс эттириши, демокчимизки, инсоният, халқ, Ватан тақдирини ёзиш жиҳатдан уларда катта муштараклик бор. Бирок, ана шу ёзишнинг шакллари эса буларни бир-биридан ажратиб туради. Бундай умумийлик ва тафовутлар ҳақида катта тарихчи олимлар ҳам, адабиётшунослар ҳам кўплаб фикр-мулоҳазаларни илгарилари кўплаб ёзиб кетганлар... Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз ўзбек адабиёти тарихига ёндашадиган бўлсак, бугунги ҳаётини муаммоларимизни тўғри хал этишда уларнинг аҳамияти нақадар катта эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, адабиёт тарихи бу халқимиз, Ватанимиз, жамиятимиз тарихидир. Хатто айтиш мумкинки, адабиёт тарихи баъзан фан сифатидаги оддий тарихдан кўра ҳам чуқурроқ, кенгроқ, яна айтиш мумкинки, миллий фазилатларимизни кенг қўламда, жуда ишонарли акс эттириб берадиган тарих бўлиб чиқади. Негаки, бадиий асар бирор воқеа-ҳодисани тасвирлашда барча иштирокчиларнинг шахсий белгилари, фазилатлари, урф-одатлари, миллий ўзига хослиги каби талай “бўёқлари” билан тўла-тўқис қизиқ беради. Образлар яратиш айна шу йўсинда вужудга келади. Ўқувчи қалбида фазилатлар ардоқланади, нуксонлар нафрат уйғотади. Шу билан фазилатларга кўнгил қўйилади, бугунга хизмат қилдиган нукталари ижодий ривожлантирилади, нуксонларга эса қарши курашилади, учраётганларини йўқотишга ҳаракат қилинади ва ҳоказо.

Ана шу нуктаи назар билан бугунги муаммоларга эътибор берадиган бўлсак, энг яхши анъаналаримиз ҳозир нақадар бебаҳо маънавий бойликка айланиб бораётганини кўрамиз...

Истиклолимиз туфайли республикамызда рўй бераётган янгиликларнинг айримлари чуқур илдишлари билан асил миллий кадриятларимизга бориб тақалиши билан ҳам қимматли бўлиб бормокда. Жумладан, кейинги уч йиллар давомида саноат, кишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимиз билан бирга маънавиятимизда кун тартибига қўйилаётган бир қатор масалалардан фақат учтасини эслатиб ўтайлик инсон манфаатлари, оила ва ниҳоят, аёллар йили масалаларини бир кўз олдимишга келтирамиз... Буларнинг ҳаммаси мантиқан бир-бирига шундай боғланиб кетганки, бирортасини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бир-биридан ажратиш ҳам бўлмайди. Аёлсиз инсоният, инсониятсиз оила ва оиласиз аёл ҳам яшай олмайди... Агар ўзбек аёлларининг инсоният ва жамиятдаги мавқеини имкон боришга кўтаришни мақсад қилиб, Юртбошимиз бу йилни Аёллар йили деб аташни тақлиф этган бўлсалар, бундан жуда юксак ниятлар кўзланганини ҳар биримиз ҳам чуқур идрок этамишми? Ўз фаолиятларимизда унга қандай муносабатларда бўлишни яхши биламишми? Бу саволларга дастлаб жавоб шулки, чуқур идрок этишимиз, ҳар бир ишимизда шунини кўзда тутиб, унга амал қилмоғимиз даркор бўлиб чиқади.

Қизиллар ҳукмронлик даврида аёлларни дин эзган, қулликда сақлаган, қабилда тарғиботни кучайтириб, халқимиз онгига бутунлай нотўғри мафқурани сингдиришга роса зўр берилгани маълум. Шу баҳонада аёлларни озодликка чиқаришни ваъда қилиб, ўзбек хотин-қизларидаги қадимий ҳаёни, ибони, демакки, миллий ўзига хос энг яхши, энг гўзал фазилатларни йўқотишга роса зўр берилди. Бундай ёлғон ташвиқотлар аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қиламиш деган сохта шиорлар билан пардаланиб келди. Айрим хотин-қизларимиз бунга ишониб, миллий фазилатларни йўқотиш, демакки, миллий ўзлигидан маҳрум бўлишгача бориб қолдиларки, гоҳо бизнинг ҳозирги қўнларимизда ҳам унинг зарарли оқибатларидан қутулиш унча осон кечмаяпти. Бунга мисоллар тўлиб ётибди, келтиришга



унча хожат йўқ, бундай аянчли аҳволларни кўпчилик биледи. Аммо бунинг акси бўлмиш энг яхши, ўз миллий фазилатларини сақлаб келаётган ғоят ибратли хотин-қизларимизни кўрсатаётган мисоллар ҳам кўп.

Ана шу нуқтага келганда биз мавзуимизнинг туб моҳиятига ўтиб, айрим фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашамиз.

Миллий кадрятлар... Маънавий оламда, бизга қолса, бундан кўра юксакроқ ибратли намуналарни топиш жуда қийин бўлса керак. Агар яна нарироқдан келадиган бўлсак, Куръони Каримнинг “Нисо” сурасида аёллар нақадар улуғланганини кўрамиз.. яна, ҳадисларда аёлларга насиҳат қилиб, “сен эринга шундай муомала қилгинки, эринг сенга қул бўлсин” деган таълимотлар бор экан... Қани энди динимизнинг аёлларга зулм қилгани? “Эринг сенг қул бўлсин” деганда эса эр билан хотин муносабатларидаги ўта ҳурматизат, одоб-ахлоқнинг энг юксак савияга кўтариш масаласи мақсад қилиб қўйилган эмасми? Янада аниқроқ изоҳлайдиган бўлсак, аёллар тарбияси, оиланинг туб негизини мустаҳкамлаш, шу билан бирга бутун инсоният жамиятини

фақат юксак маънавий заминда тарбиялаш, ривожлантириш, давомийлигини таъминлаш сингари ғоят юксак ва ўта олий мақсадлар сари интилишга даъват этмайдими? Улар тўғрисида ўйлаш ҳамон ўз долзарблигини йўқотган эмас. Ана шундай олий ниятлар билан яшашни мақсад қилиб олган буюқ шахслар, шулар жумласида, хотин-қизлар образларини тасвирлаб берган ёзувчиларимиздан бизгача мерос бўлиб келаётган асарлар, тарихлар маънавиятимизни муттасил ёритиб туради, нурга тўлдиради, қалбларимизда ардоқланиб келади, даврлар ўтиши билан авлодлардан авлодларга ўтиб бораверади, асло кимматини йўқотмайди.

Буюқ боболаримиз томонидан энг қадимий Шарқ афсоналари заминда яратилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухро” дostonларининг қаҳрамонлари неча-неча асрлар давомида жаҳон маънавий ҳазинасининг дурдоналари сифатида инсониятни энг эзгу ғоявий мундарижа бўлмиш - меҳр-муҳаббатга чорлаб келётгани сабабларини бир эшлашнинг ўзи кифоядир. Мазкур асарлардаги хотин-қизлар шарқона таълим-тарбия руҳида

улғайиб, энг ибратли оила қуриш учун қанчадан-қанча тўсиқларга қарши курашадилар, имон-этиқодлари бўлмиш пок севги, муҳаббатлари сари интилишда жасорат кўрсатадилар, ғоят мураккаб вазиятларда ҳам ўз мақсадларига етишни олий ният қилиб, унга содик бўлиб қоладилар. Мақсадга томон интилиш ва унга етишишда қийинчиликларга, қаршилиқларга бардош бериш эса инсон учун энг яхши, энг ибратли, энг гўзал фазилат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу борада мақсад ва ниятнинг туб негизи, ғоявий мундарижаси нимадан иборатлиги, яъни жамият, эл-юрт, миллат ва халқ манфаатларига зид келмаслиги, маънавий мезонларга риоя қилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз мақсад, эзгу ният учун курашни кўзда тутамиз.

Биз юқорида номларини тилга олган асарларда хотинқизлар образлари шундай мукамал яратилганки, ундаги аёллар ҳар жиҳатдан гўзал, оқила, имонли-хаёли бўлишлари, худди шундай оила қуришга интилиш билан бирга давлат, жамият ишларида ҳам фаол иштирок этадилар, ҳар ишда адолат бўлиши учун кураш намуналарини ҳам кўрсатадилар. Бутун инсоният учун олий мезон бўлган ана шу фазилатлар уларга асрлар оша умрибоқийлик баҳшида этиб бораверади. Негаки, инсоният пайдо бўлгандан буён эзгулик ва ёвузлик ўртасида тинимсиз кураш бор ва давом этади. Эзгуликка чорловчи бадий асарларнинг ижобий қаҳрамонлари эса бу борада ҳаммамизни илҳомлантиради, маънавий оламни бойитишга узлуксиз хизмат қилиб келади.

20-йиллар ўзбек адабиётида атоқли шоир ва драматург Хуршид томонидан “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonлари асосида ёзилган мусикали драмалар, 40-йилларда драматург Собир Абдулла ёзган “Тоҳир ва Зухро” ёки “Алпомиш” асарларини бир кўз олдимизга келтирсак - миллий кадриятларимиз очикдан-очик топталаётган шўро замонида ҳам энг илғор ёзувчиларимиз кадриятларимизга ғоят катта ҳурмат билан қараш, уларни замон талабларига ёки эзгу мақсадлар йўлида ардоқлаб, маънавиятимизни юксалтиришдаги ўрнини унутмаганлар. Шунинг ўзи ўша қалтис даврларда ғоят катта жасорат эди. Демак, халқнинг эзгуликка интилишини тақиқлар, зулмлар, ёвузликлар ҳар

кандай вазиятларда ҳам йўқ эта олмас экан.

Аёллар йилида амалга оширилган кўплаб тадбирлар қаторида ўзбек хотин-қизлари таълим-тарбиясига, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, мавқеига қандай аҳамият берилгани маълум. Республика миқёсидан тортиб ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туману маҳаллаларгача хотин-қизлар кўмиталари ташкил этилди. Демак, жамият ҳаётига тобора кўплаб аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Аёллардан олиму фузалолар, раҳбарлар, тадбиркорлар етишиб чиқмоқда. Чет элларда ўқишга кетаётганлар ичида ҳам кўплаб ўзбек қизлари борлиги - бу бизга буюк Истиқлолимиз ато этаётган олий неъмат эмасми? ...Ўзбек хотин-қизлари бундай ҳурматга муносиб шахслар бўлиб етишмоқлари бугунги тараққиётимиз заминларидан бири бўлиб қолмоқда ва шундай муносиб хотин-қизларни етиштиришда яна ўз тарихимиз, маънавий ҳазинамиз, миллий кадриятларимиз туб замин бўлиб хизмат қилади, маънавий тараққиётимизга мустаҳкам пойдеворлик қилади.

Асримизнинг 10 20 йилларида яратилиб, ҳамон ўз тарбиявий, маънавий аҳамиятини сақлаб келаётган асарлар орасида юқорида тилга олинган асарлардан ташқари, Ғулом Зафарийнинг “Ҳалима”, Чўлпоннинг “Ёркиной” асарлари, қатор шеърлари, Боту, Элбек, Ғози Юнус, А.Қодирий асарларида, Фитратнинг шеър, хикоя, пьессаларида яратилган хотин-қизлар образларини санаб ўтсак, талай ибратли ўзбек аёллари қиёфалари кўз олдимизга келади. Булар орасида ҳамон қалбларда ардоқланиб келаётган Кумуш, Раъно, Офтоб ойм, Ўзбек ойм, Нигор хонимларни айтмайсизми?! Буларнинг ҳаммаси бутун шарқона маънавий фазилатларга бойлиги, айни замонда асл ўзбек миллий одоб-ахлоқ қоидаларини ўзларида мужассамлаштирган, ҳар томонлама етук, гўзал оилавий ҳаётга интилган, шу билан бирга, жамиятда кечаётган барча мураккаб жараёнларда фаол иштирок этишлари билан ҳам бугунги хотин-қизларимизга ибрат бўла олади.

Агар Ширин, Лайли ўз севги-муҳаббатлари томон интилиб, ёвузликка қарши курашда, имон-этикодларини то сўнгги нафасларигача сақлаб ҳалок бўлган бўлсалар, Хали-

ма ҳам айни шу йўлдан боради. Ёркиной эса халқ озодлиги йўлида ўз севгилиси билан бир сафда туриб курашларда жасорат кўрсатади. Буларнинг бирортаси ўз шахсий манфатларини жамият ҳаётидан устун қўймайдилар, пок ниятларини ҳар қандай вазиятларда ҳам бўлғамайдилар - худди шу фазилатлари билан барчага баробар, ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий юксакликка кўтарилдилар...

Агар Кумуш, Раъно, Офтоб оғим, Ўзбек оғим, Нигор хонимларга ва уларга ҳамфикр бўлган хотин-қизлар образлари қиёфаларига шу жиҳатдан қарасак, янада мукамалроқ инсоний фазилатларга эга бўлган ўзбек хотин-қизлари қиёфаларини кўрамиз. Мана бир ўйлаб кўрайлик: Кумуш, Офтоб оғим, Ўзбек оғим, Нигор хонимдан тортиб Раъно оғимгача бирортаси бирор маҳкамада ишламайди. Уй бекалари. Шу билан уларни жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан четдан ёки ҳеч нарсага аралашмайдиган хотин-қизлар деб аташ мумкинми? Асло йўқ. Яна бир бор йўқ. Зеро, жамиятда яшаб туриб унда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан четда қолиш мумкин эмас, бу ҳаётини қонундир.

Агар биз номлари тилга олинган ўзбек хотин-қизлари қиёфасини акс эттирган образларнинг фаолиятларидан баъзиларини эсласак, бунга яна кўпроқ ишонч ҳосил қиламиз. Айтайлик, Кумуш уй қизи. Ёлғиз, эрка ўсган, аммо жуда яхши тарбия кўрган қиз. Ақлли, одобли, бадавлат, ҳар жиҳатдан гўзал, ифбат ва ибоба мукамал - “Мужассами ифбат” бир қиз. Ҳаётини зиддиятлар уни ўз гирдобига тортади. Ниҳоят севгилиси Отабек тухматлар билан қамалиб, қатл этишга ҳукм қилинганда, Кумушнинг ақли-заковати, ўта етуқлиги туфайли ўлимдан қутулиб қолади. Юсуфбек хожининг хатини Худоёрхон ва Мусулмонқулга вақтида эпчиллик билан ўзи шахсан етказиб, Отабек ҳаётини сақлайди, муроди-мақсадига етади ва ҳоказо... Кумушнинг онаси - Офтоб оғим эса ниҳоятда қомила инсоний фазилатлари билан худди Кумушдек эътиборимизни жалб этади, қалбларимизда ўзига нисбатан ҳурмат-иззатимизни абадий сақлайди. Ўзбек оғим қиёфасидаги айрим нуқсонлар Офтоб оғим фазилатлари соясида қолиб кетади.

Бу жиҳатдан Раъно, Розия оғим, Нигор хонимлар қиёфалари янада бўртиб кўзга ташланади. Буларнинг ҳаммаси

хам уй бекалари. Солиҳ махдум хонадонидаги мактабдорлик ҳаёти, таълим-тарбия ўчоғи Раъно маънавий ҳаётига катта ижобий таъсир кўрсатади. Раъно қадимий Шарқ адабиёти, тарихи, маънавий маданиятига оид китобларни ўқиб ўсади, билимли бўлади. Олган маълумотлари унинг замонавий воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш, уларга ўз тафаккури билан қараш даражасига етказган. Шунинг учун ҳам Раъно ҳар бир муаммога дуч келганда, ўта билимли Анвар билан доимо бир хил дунёқараш муносабатида бўлади. Ҳатто, айрим ўта мураккаб, ҳатто қалтис вазиятларда гоҳо Анвардан кўра ҳам фаолроқ бўлиб чиқадики, унинг баъзи ҳатти-ҳаракатлари китобхон қалбида ўзига нисбатан таҳсинлар хиссиётини кўзғайди, кўнгилларни ларзага солади, ҳамиша эслаб қолишга маҳкум этади. Жумладан, Солиҳ Махдумнинг зикналиги, тор феъли, таъмағирлиги - бошқалар каби Раънонинг ҳам ғашини келтириши, унга атаб ёзган енгил ҳажвий шеърларида ва бошқа ҳаётий лаҳзаларда тўла акс этиб туради. Бугина эмас, Анвар билан ёлғиз суҳбат кезларида халқ, жамият, хонлик давлат тизими, адолат ва адолатсизлик ҳақидаги Раънонинг фикр-мулоҳазалари Анвардек етук бир зиёли ва давлат арбобини ҳам мафтун этади.

Раънодаги фаоллик, айниқса, ўз мақсадига етиш бора-сидаги жасорат Анвар билан бирга Кўкондан Тошкентга кетиш жараёнида шундай намоён бўладики, романнинг бу тасвирга бағишланган саҳифаларини китобхон худди “Ўтган кунлар”нинг “Душанба кун кечаси” бобидаги оловли лавҳалардай ҳаяжонланиб ўқийди. Ҳайратга тушади... Қойил қолади... ва ҳоказо...

Энди қиссадан ҳисса деганларидек, биз юқоридаги номларини тилга олиб ўтган Ширин, Лайли, Ёркиной, Ҳалима, Кумуш, Раъно, Офтоб ойим, Нигор хоним, Розия хоним каби талай ўзбек аёллари қиёфалари, фазилатлари, маънавий олами, маданияти, миллий хусусиятларидан ҳамон ибрат олиб яшаётганлар минглаб-миллионлаб топилади. Аммо, замон талаблари деган иборани ногўтри идрок этиб, йўлдан адашганлар, ўзбек миллий урф-одатларининг энг яхши, энг илғор нукталарини танлаб ололмаётган баъзи хотин-қизларни юқоридаги энг ибратли кадриятларимиз заминидан бугунлай қайта тарбиялашга бурчлимиз. Бу соҳада

\*\*\*

Ўзбек халкининг буюк даҳолари минг йиллар ва ундан ҳам ортиқ муқаддам дунё илми маърифати, юксак инсоний маънавият хазиначасини бойитишга бебаҳо ҳисса қўшганларида уларга ҳам илохий, ҳам дунёвий билимлар замини, аввало, тарих, шу билан бирга, унга чинакам имон ва эътиқод билан муносабатда бўлишдан иборатлигини идрок этишни ҳамон англаб етмаётганлар борлигини минг афсус билан қайд этишни истардик. Негаки, 16 февраль куни Тошкентда рўй берган ёвузлик иштирокчилари онгида на эл-юрт, на Ватан, на миллат ёки халқ деган тушунчалардан асар йўқлиги бунга ёрқин мисол бўлиб чиқади. Агар улар ўз халқи, буюк аجدодлари тарихидан, улар қолдирган миллий, маънавий қадриятлардан лоақал озгина хабардор бўлганларида, ерли миллат сифатида келиб чиқишлари, ота-боболари, насл-насаблари билан нақадар улуг зотларга тақалиши-ю ўзлари уларнинг энг юксак анъаналарини бугун давом эттиришга даъват этилганларини англаганларида бундай ёвузликка бормасдилар. Ҳар кимларнинг, айниқса, виждон, имон, эътиқоддан маҳрум малъунларга оғиб кетмасдилар.

“Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган “Февраль воқеалари” мақоласини ахборот воситалари кенг кўламда таркатди; шу муносабат билан Президентимизга келган телеграммалар, воқеалар ҳақида Президентимиз сўзлаган нутқлар қўшилиб китоб ҳам бўлиб чикди... Қаранг, бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалган республикамиз ва унга ғоят оғишмай раҳбарлик қилиб келаётган Юртбошимизга бўлган иззат-ҳурматлар, жаҳондаги энг обрўли, эътиборли мамлакатларнинг бошлиқларидан тортиб, хориждаги ватандошларимизгача ҳаммаси бир оғиздан бизга ёвузлик қилганларни қоралайди, қарғайди, худонинг қаҳрига, халқларнинг қарғишига учрашларини илтижо қилиб сўрайдилар. Демак, дунёда ҳар қанча душман бўлгани билан, дўстларимиз, албатта, қўп ва салмоқлироқ эканлиги, Юртбошимиз ва республикамизнинг обрў-эътибори, жаҳонда эришган ва эришаётган мавқеи ғоят юксак эканлиги яна

бир бор эътироф этилди... Ушбу мақола қоғозга тушаётган вақтда радиодан Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз Сафохон Тўра Марғилоний билан Мўминхон Андижонийлардан келган телеграммалар эшитилиб қолди. Ватандошларимиз ёвуз ниятлиларни ғоят нафрат ва ғазаб билан лаънатлайдилар, Юртбошимизга, республикамизга тинчлик, бахт-саодат ато этишни, ёвузларнинг ҳар икки дунёси куйиб кетишини, Оллоҳнинг энг оғир жазосига гирифтор бўлишларини Яратгандан сўрайдилар, Юртбошимизга узок умр ва сихат-саломатлик, олиб бораётган ишларига омад ва муваффақиятлар тилаб қоладилар, чин юракдан ҳамдардлик билдирадилар. Бошқа телеграммаларда ҳам шундай самимий дўстлик, меҳрибонлик хис-туйғулари изҳор этилган. Зеро, айни кунларда шаҳар, туман, вилоятдагина эмас, ҳар бир маҳалла, ишхона, хилма-хил ўқув юртларида февраль воқеаларига муносабатлар билдирилган йиғинлар тинимсиз ўтиб турибди. Бу жуда тўғри иш. Юртбошимизга, давлатимизга, демакки, бутун бир Истиклолимизга, тақдиримизга тажовуз қилмоқчи бўлган ёвузларга каттадан-кичик ҳар бир софдил инсон ўз қарашларини очик баён қилмоқда, ниҳоят, бусиз ҳаётнинг маъноси ҳам йўқ бўлса керак. Ахир бир ярим асрлик қарамлик, қулликдан кейин тақдир тақозоси билан эришилган эркинлик, озодлик, яна ҳам тўғрироғи, Миллий мустақиллик деб аталган энг олий неъматни қўлдан беришга ким рози бўларди?! Унга тажовуз қилиш ўз қони билан ўз қўлини ювишдек бир ёввойилик ёки ваҳшийлик эмасми?! Тарихлар, тақдирлар, ҳаётий тажрибалар ҳар қандай ёвузликлардан ҳамisha юксак туришини, адолат имонли, инсофлилар томонида эканлигини минг марта исбот этган. Ўз халқи, Ватани, миллатига хиёнат қилганлардан биронтаси, ҳаётда бахтли бўлиб кетганини, қани айтингчи, ким кўрган? Ёвуз ниятлилар - ўз қилмишларига яраша жазони орадан элик, олтимиш йиллар ўтиб кетгандан кейин ҳам, агар улар ҳамон тирик бўлса, олаётганлари ҳақида хабарлар эшитилиб туради-ку! Демак, буюк бобомиз Бобур айтганидек, “Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тортғусидир” Ундан қочиб қутулиб бўлмайди...

Шу ўринда бир муҳим нуктага алоҳида эътиборни қаратиш жоиз: жиноятчиликда шубҳа қилиб қидирув эълон

қилинганларнинг деярли ҳаммалари ёшлар. Хатто бир ёш жувон ҳам эри билан бирга ёвузликка тортилган бири 1971, бири 1977 йилда туғилган. Эндигина одам сафига қўшилиб бемалол яшайдиган, ҳалол кишилар қаторида яшаши мумкин бўлган ёшдагилар. Булар тенги ва улардан кўра кичикроқлар ўқишда, ишдагина эмас, энг ривожланган мамлакатларнинг олий ва ўрта ўқув юрларида таълим олмақдалар, демак, Истиклол уларга жуда ёшликданок жаҳонни кўришдек буюк тақдирни насиб этди. Булар бизнинг энг ишонган тоғларимиз, келажакда Ватан тақдирини ўз қўлларига олиб, халқимиз эришган буюк Истиклол кун тартибига чиқарадиган муаммоларни ғоят билимдонлик билан энг самарали ечимларини излашга даъват этилганлар. Хўш, шундай буюк орзу-умидлар билан яшаётган фарзандларимизга ҳаммининг хаваси келиб турганда нега ёвузликка сотилган хоинлар уларга умид ва ишонч билан бокмайдилар? Демак, улар йўлдан урилганлар, тўғри йўлдан озиб, ўзларига гўр қазилган тарафга оғиб кетганликларини нега англамайдилар? Буларнинг ота-оналари кимлар экан? Маҳалла-қўйлари, насл-насаблари-чи? Бундай ёвузларни ўстириб, вояга етказган замин бўлмаса - улардан туғма ёвузлик ёки котиллик пайдо бўлмаса керак эди! Саволлар кўп. Жавоблар ҳам топилади. Аммо айтаниб келиб, ёшларимиз, болаларимизни тарбиялаш энг катта муаммо бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз “Республикамиздаги ҳамма болалар - менинг болаларим, уларнинг тарбиясини нега бировларга топшириб қўямиз? Болаларимизни ўзимиз тарбиялаймиз” деганларида минг марта ҳақли эдилар ва бу кўрсатма бизга ҳам ғоят шарафли, масъулиятли ва янгидан-янги вазифалар юклайди. Демак, миллий кадрлар тайёрлаш, уларни Истиклолимизга, демакки, Ватанимиз ва халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш, дунёқарашларида миллий-маънавий аънаналаримизга ҳурмат ҳис-ғуйтуларини шакллантириш бугун энг долзарб масала бўлиб қолди. Зеро, бу масала ҳамма замонларда энг етук зиёдиларимизнинг диққат марказларида бўлиб келган... Шу ўринда гарчи такрор бўлса-да, бир нуктага яна алоҳида эътиборни жалб этиш зарурати туғилмоқда - бу миллий тарих ва миллий аънаналар ҳақида. Буларнинг



хар иккисига алоқадор бўлмаган инсон ҳам йўқ, ҳаёт ҳам йўқ. Бирок ўша тарихми, адабиётми, анъаналарми, ҳам-масида бугун ва эртамиз учун ижобий аҳамият касб этадиганлари бор, эскириб бутунлай салбий таъсир қиладиганлари ҳам бор. Ана шуларни ажратиб олиш, эл-юрт манфаатига, келажакдаги тараққиётга хизмат қиладиганларини танлаб олиб, ижодий ривожлантириш, кераксизларини, ҳатто олға юришга ҳалақит берадиганларини чиқариб ташлашни билиш, англаш учун ҳам муайян билим доираси, бинобарин ҳалол ниятли бир дунёқараш, ниҳоят истеъдод талаб этилади. Ана шу сифатларга эга бўлган шахслар замоннинг энг етук зиёлиси қиёфасига эришади. Биз ёшларни айти шундай бир руҳда тарбияласак, уларнинг дунёқарашларини ана шу заминда шакллантирсак, Истиклолимиз учун энг фидокорлар табақасини тезроқ етиштирган бўлардик. Хар хил, бўлар-бўлмас иғволарга, текинхўрликка порахўрликка, чет-четдан келадиган мўмай даромадларга учиб, ўз эл-юртига хиёнат қилиш сингари ёвузликка бормасдилар. Ахир, асли бизнинг Истиклолимиз мафқурасини туб негизи ҳам шундан иборат эмасми?! Бундай дунёқарашни шакллантиришда ўз миллий тарихимиз, адабиётимиз, буюк аждодларимиз қолдириб кетган маънавий меросларимиз ҳамон бизга энг ишончли замин сифатида хизмат қилади, кўмак беради...

Бу масаланинг бир томони. Айти замонда ёшлар тарбиясига кўпроқ хар хил таъсир, айтиш мумкинки, аксари салбий таъсир кўрсатаётган санъат соҳалари нега дурустрок таҳлил этилмаяпти? Масалан, нукул котиллик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик ва босмачиликларнинг турли-туман, энг даҳшатли шаклларини намойиш этаётган кўп қисмли кинолар, ўзбек куй ва миллий руҳдан бутунлай бегона эстрада кўшиқлари ва кўшиқчиларининг тинимсиз тарғиб этилиши каби ҳолатларга ким қарайди? Экранда содир этилаётган жиноятларга бағишланган киноларни энг кўп томоша қиლაётганлар кимлар ва улар бу томошалардан жиноятчиликка қарши курашни ўрганишдан кўра кўпроқ қандай қилиб жиноятчиликка кириш йўлларини ўрганиб қолишларини ўйлайдиганларимиз борми, ўзи? Оддий халқ минг марта булар ҳақида телерадио кўрсатувларида ўз фикр-

мулоҳазаларини билдирмоқда, кўрган, кузатиб юрганлар билишади. Аммо бу ишларга раҳбарлик қилишга даъват этилганлар-чи?! Лом-лим демайдилар. Нега десангиз “демократия, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, санъат эркинлиги” каби энг муқаддас ибораларни рўқач қилишади. Ваҳоланки, биз тилга олиб ўтган эркинликлар чиндан ҳам энг улуг ва муқаддаас фикр-мулоҳазалар мажмуидан ташкил топган. Аммо бундай муқаддас ва бебаҳо фикр ва иборалар юксак онгли жамият табақаларига, ўзининг олий мақсади деб эл-юрти бахт-саодати тўғрисида ўйлайдиган, шунинг учун имон ва эътиқоди, борлигини холис бахшида этган кимсалар учун қўлланадиган сўзлардир. Буни теран идрок этиш, шунга қараб фаолият кўрсатиш эса бугун энг фидойи инсонлар табақасини шакллантириш, ҳатто иложи борича кўпайтиришни талаб этмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси яна айланиб келиб, тарихимиз, адабиётимиз, маънавий меросимизни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Дунёда ғалати инсонлар қанча кўп бўлса, ғалати воқеа-ҳодисалар ҳам шу қадар сероб.

Шуларнинг ҳаммасига муносабат ва муносабатда энг тўғри йўл тута билиш эса ундан ҳам кўра мураккаб ва қийин. Барча замонларда ҳам зиддиятлар, курашлар, ҳалол ва ҳаромларнинг гуруҳлари бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверса керак. Ана шундай бўлинишларда қайси бир томонга ўтиш эса ҳар бир инсоннинг асл қиёфасини белгилайди. Барча халқларнинг буюк даҳолари ҳам, улар қайси миллат, элат, ирк, қабилага мансублигидан қатъи назар, энг оғир, энг мураккаб, энг чалкаш ва тангликда фақат ўз эл-юртларинигина эмас, ҳатто бутун жаҳон манфаатларини ўйлаб иш қилганлар.

Қаранг, миллий кадриятларимизни тиклаш борасида эркинлик йилларидан буён қилинаётган ишларни кўплар 70 - 80 йилларда ҳам қилинмасди деб баҳоламоқдалар. Шу жумладан, динимиз, масжидларимиз, намоз-рўзалар, ҳайитлар, Хаж сафарлари, буюк диний арбобларимизга қурилаётган макбаралар, ниҳоят имон ва эътиқод эркинлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиниб келинаётган бир тарихий вазиятда турли-туман баҳоналар билан ёвузликка оғиш, ўз юртига хиёнат қилиш қайси динга қиради-ю бу

орага дин деган ўта мукаддас иборани қандай сиғдириш мумкин?! Ниҳоят “Туркистон-пресс” агентлиги мухбирининг саволларига Президентимиз берган жавобларида бизнинг динга, яъни ҳақиқий, энг соф Ислом динимизга нақадар юксак эътиқод билан қарашларимиз яна бир бор чуқур ифодалаб берилди. Ахир динни рўқач қилиб ҳар хил жинойтларга қўл уравериш қабоҳат эмасми? Президентимиз бу масалада Истиқлолимиз қарашларини янада тўла-роқ, янада мукамалроқ ифода этиб бердилар.

Биз бу фикр-мулоҳазаларга нега кўпроқ ўрин бердик? Мазкур ишда бунга қандай эҳтиёж бор?

Ҳамма гап шундаки, бугун мазкур мулоҳазалар бизнинг ҳаётий талабларимиздан келиб чиқади. Зеро, адабиёт тарихи ҳамиша замон, кун тартибига чиқарган муаммоларни ҳал этишга кўмак беришини кўзлайди. Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар яшаб ижод этган йилларда ҳам бундай зиддиятлар, курашлар тўлиб-тошиб ётган, ҳаммасига улар иложи борича ижодий ёндашишга, шу йўл билан энг тўғри муносабатда бўлишга интиланлар, бинобарин, уларнинг ҳаммаси ҳамиша ёшларимиз тарбиясида миллий анъаналаримиз билан энг долзарб замонавий талабларга тўғри жавоб беришни кўзда тутганлар. Зеро, бу ҳаётий қонунга риоя этмасдан, олға томон юриш мумкин эмаслигини улар жуда чуқур англаб етганлар.

XX асрнинг ўнинчи йилларида бир қатор усули жаҳид мактабларига етакчилик қилган Маҳмудхўжа Бехбудий тарих, адабиёт, математика, жўғрофиядан дарсликлар ёзган, хариталар тузиб чоп эттирган, уйда мактаб очиб, болаларни текин ўқитган, кутубхоналар ташкил этиб, ёшларга таълим-тарбия бергани ҳақида илгарилари ҳам ёзганмиз. Аммо яна такрорлашга эҳтиёж туғилди. Октябрь тўнтариши арафаларида ва худди ўша тўнтариш йилларида ҳам Туркистон болалари таълими, тарбияси ҳақида талай илмий, публицистик мақолалар билан матбуотларда чиқиб туради. Шулар орасида “Баёни ҳақиқат” сарлавхали мақола билан 1912 йилда ёзилган “Падаркуш” драмаси алоҳида аҳамият касб этиши билан ҳимоя ўз қимматини сақлаб келади. Бу ҳар икки асарда кўтарилган мавзуда муаллиф, аввало, Туркистон болалари тақдири тўғрисида жуда катта фидойилик

билан ғамхўрлик қилади. Аммо буларда кўтарилган масалалар бир халқ ёки миллат манфаатлари доирасидан чиқиб, аллақачон умуминсоний мавқега кўтарилгани билан ҳам бебаҳо маънавий хазина бўлиб қолди. Негаки, “Падаркуш”даги саводсиз, узокни кўриш қобилиятидан маҳрум бой ўз ўғли тарбиясига қарашга ҳам ярамайди. Ўзига тўқ, таъминланган бойнинг ўғли Тошмурод доим кўча-қўйда маишат қилиб юриб, ярамас ўғрилар, ичкиликка, фоҳиша-бозликка берилиб кетганлар доирасига кириб қолади. Худди шу туфайли ўғри болалар билан бирга ўз ўйига ўғриликка тушади, отасини ўлдириб, бор-йўғини олиб кетишда бош бўлади. Буни Бехбудий “Падаркуш” деб номлайди. Эътибор қилинг, таълим-тарбиядан четда қолганлардан бизга не-не бахтсизликлар содир бўлмоқда? Ҳамон жиноятчилар айни ўшалар эмасми? Ўқиш, иш, катта орзу-умид ёки ажобий ҳунар деб юрган ёшлар дунё кезиб юрганда, бугун жиноятчи сифатида қочиб юрган ва қидиришларга дучор бўлган ёшлар қаёқдан пайдо бўлди? Уларнинг қалбига буюк аждодларимиз маънавий мерослари нури нега сингдирилмади? Минг афсуски, оила, мактаб, таълим-тарбия, маҳалла деган муаммолар ҳамон қўнғилдагидек ечимини топаётгани йўқ экан?! Шундай дейишга мажбурмиз... “Баёни хақиқат” мақоласида Бехбудий миллий мустақилликнинг энг муҳим вазифаларидан бири ёшлар тарбияси эканлигини, келажак шулар қўлида туришию ҳар қанча қийинчиликлар билан бўлса-да, уларни тўғри тарбиялаш лозимлиги ҳақида ғоят чуқур фикр-мулоҳазаларини баён қилади ва ўз мулоҳазаларини айни хақиқат деб изоҳлайди, яъни бошқача бўлиши мумкин эмас, деган аниқ фикрни олға суради. Бехбудийнинг бу қадар аниқ мулоҳазалари 1913 - 14 йиллардаги диний фанатикларнинг ғашини келтирган, улар Бехбудий ва Усули жадид мактабларини очикдан-очик инкор этиб, ҳаммасини кофир деб эълон қилишган. Бехбудий эса бир неча ой йиғинларда, матбуотларда махсус чиқишлар қилиб, чинакам мусулмон билан ясама динчилар ўртасида нақадар катта тафовут борлиги, ифвогарларнинг даъволарида ҳеч қандай диний асослар йўқлигини исботлаб берган ва дин номини сотиб, аслида Ислом динига хиёнат қилаётганларини зўр илмий ва диний заминда қош этиб ташлайди. Бу борада Бехбудий Куръондан

ва машхур Миср фузалоси Мухаммад Абдо таълимотларидан далиллар келтиради.

Мана шу тарихий воқеалар бизнинг XX аср ўзбек адабиётини нақадар чуқур ва кенг кўламда ўрганиш масаласини янада кескинроқ қилиб қўймайди? Шу биргина мисолнинг ўзи тарихимиз билан бугун ўртасида қандай узвий, қандай адабий, маънавий ва маърифий боғланишлар мавжудлигини кўрсатмайдими?! Бугина эмас, Бехбудийнинг содиқ шогирдларидан бири Фитратни бир эслайлик. Қанчадан-қанча шеър, ҳикоя, пьесаларни ёшлар тарбиясига бағишлайди. Дарсликлар ёзади. Биз уларни ҳозир рўйхат қилиб ўтирмаймиз. Аммо “Бедил”, “Ҳинд Ихтилолчилари”, “Ҳинд сайёҳи”, “Чин севиш” каби қатор асарларидан тортиб, “Ўгут”, “Шарк”, “Шоир” каби қатор шеърларида Фитрат бутун борлиғи билан Туркистон болаларини дунё микёсида таълим-тарбия олишлари устида ғамхўрлик қилади. Ўз Ватани, ўз миллати, яъни эл-юрти бахти-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этади. Ёшларни фақат шундагина бахтли ҳаётга эришувига ишонтиришга интилади. Эл бахти учун хизмат қилмайдиганлардан ранжийди. Дунё фақат олға қараб кетаётганда Туркистон ёшлари ҳам олдинги сафларда бўлишга интилишлари, жаҳон микёсида фикрлашга қодир шахслар бўлиб етишишлари кераклиги, бўлмаса оёқ ости бўлишга маҳкум этилиши муқаррардир деган ғояни зўр бадий услубларда ифодалайди.

Фитратга замондош, ўша йилларда ғоявий жиҳатдан зид қарашларга эга бўлган шоир ва олим Боту ҳам Москва Давлат Университетида ўқиб юриб, ўзбек ёшлари тарбияси ҳақида мутгасил ғамхўрлик қилган ва жуда кўп мақолалари, шеър ва ҳикоялари айна шу мавзуда ёзилган. Шулардан бирини Боту ҳам “Ўгитим” (бир киз альбомига) сарлавҳаси билан айтади; шеърда ёшларга куч-қувват, матонат, иродали бўлиб етишишни тилайди. Ҳаётда кийинчиликлар, тўсиқлар кўплаб учраши, ундан фақат куч-ғайрат, чидам, ўқиш, меҳнат билангина енгиб ўтиш лозим деган ғояни зўр бериб тарғиб қилади.

Боту ўқиб турган йилларида Тошкентда чиқиб турган газета ва журнал таҳририятларига тез-тез хатлар ёзиб, ўзбек ёшларини жаҳон воқеаларидан хабардор қилиб туришга

интилади, уларнинг билим доираларини кенг кўламда ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади... Бошқа бир фурсатда булар ҳақида алоҳида тўхтармиз. Ҳозир эса, унинг “Ўғитим” шеъри билан танишайлик; бу ҳар бир ўғитда ҳам турли услубда ёшларга насихатлар, маслаҳатлар берилади, уларни эл-юрт бахти учун ишлашга даъват этилади. Мана Ботунинг шеъри:

Тебраниш, югуриш турмушнинг тузиги;  
Тўхталиш, йикилиш ўлимнинг узиги.  
Ёш кўнгил умидлар боғида ўйнасин,  
Ёш гуллар саодат нурида гулласин.  
Тилаксиз, амалсиз юраклар қора тош!  
Ёш ўйноқ кўзлардан оқмасин дардли ёш,  
Яхши қиз, тўхтама қаршилиқ қошида!..

(24-йил)

Бошлаган мавзуимиз ғоят кенг. Булар ҳақида кўплаб ёзиш керак. Аммо ҳозир шу айтганлар билан чекланиб туриб, эътиборингизни бир жуда муҳим нуқтага тортиш билан хулосалаймиз. Алишер Навоийдан тортиб кейинги номлари тилга олинганларигача ҳаммалари ғоят буюк мақсадни элга хизмат қилиш, инсонларга бир вафо қилиш учун юз жафо кўрганларида ҳам имон-эътиқодларига ғоят содик бўлиб қолганлари билан абадий ибратга даҳлдордир.

Биз кўп йиллардан буён тарихимиз, миллий кадриятларимизни тиклаш, уларнинг энг ноёб нуқталарини танлаб, бутунги кунларимиз юзига чиқараётган муаммолар ечимига қанчалик кўмаклашаётгани ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб келамиз. Бу борадаги энг муҳим ва энг мураккаб масала шундаки, босиб ўтилган тарихий тараққиёт босқичларимизга оид қандай воқеа-ҳодиса ҳақида ўйласак, ҳаммасида ҳам фикр-мулоҳаза ёки тафаккурларимиз, яъни қарашларимиз муттасил ўсиш, ривожланиш жараёнида бўлиши беради. Чунки, ҳаётнинг ўзи доимо ўзгаришда бўлади ва бу ҳолат бир эл-юртгина эмас, жаҳон миқёсида бўлиши берадиган, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган бир қонуният негизда кечадиган ҳодисадир. Юртбошимизнинг биз келтирган кўчирмадаги мулоҳозаларида ҳаёт ва тафаккурга хос бундай

хусусиятлар чуқур изохлаб берилган. Агар биз бу назарий йўриқни аниқ ҳаётий далиллар ёки тарихий, адабий, миллий кадриятларимиз мисолларида изохлашга интилиб кўрсак, маънавиятимизни бундан буён янада юксалтириш учун бизда қанчадан-қанча бой хазиналар мавжудлигидан ифтихор хис-туйғуларига тўлиб тошамиз... Буни фақат хис этиш қобилиятидан маҳрум бўлмаган, ҳаёти мазмунини ўз эл-юрти тақдири билан беғараз боғлиқ деб биладиган шахсларгина чуқур идрок этадилар, бутун маънавий фаолиятларини шунга йўналтириб яшайдилар... Биздан ҳозир айна шундай киёфали табақаларни кенг микёсда етиштиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда, такозо этмоқда. Зеро, ёлғиз ўзимиздагина эмас, бутун ер юзида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳар бир мамлакат фуқароси ўрни мана шу сифатларнинг микёси билан белгиланади, десак хато бўлмаса керак.

Ўзбек миллий маънавияти ҳақида гап кетганда бу борада турли соҳа зиёлилари тинмай изланиш олиб бормоқдалар, бу албатта, қувонарли ҳол. Санъатшунос олим Отаназар Матёқубов ўзбек мусиқашунослиги, унинг маънавиятимизда тутган муҳим ўрни ҳақида анча-мунча ишлар қилиб келади. Яқинда шу олим ўзбек аёлларининг бешик тебратиби алла айтиши ҳақида сўз очиб, “Маънавиятимиз асли она алласидан бошланади”, деган фикрни ўртага ташлади ва шу йўналишни илмий-назарий жиҳатдан исботлаб, бир қатор яхши мулоҳазаларни баён қилди. Шу вақтда камина ҳаёлига Тошкентда 16 февралда рўй берган воқеаларнинг иштирокчилари-ю уларнинг ота-оналари ҳақида Юртбошимиз айтган фикрлар келди. Тўғри-да, мадомики, маънавият она алласидан бошланар экан, ота-она бағрида яхши ниятлар билан ўсиб-улғайган бола эсини танигандан кейин нималар билан машғул бўлаётгани ота-онани қизиқтирмайдими? Агар қизиқтирмаса, бундай ота-онанинг эл-юртдаги ўрни ҳақида ким қандай ўйлайди?

Ҳаётий тажрибалар шуни тасдиқлайдики, ҳаромхўрликда катта бўлган боладан ҳалолхўр чиканини учратганимиз йўқ. Худди шунингдек, ҳалолхўрликда ўсиб-унганидан ҳаромхўр етишиб чикқани ҳам кўп эмас! Жамият тараккиёти, инсоният бахт-саодати-ю орқага тортилиш-у

инсоният фожиалари, аксар уларга бошчилик қилаётган, аниқроғи, ҳукмронлик қилаётган шахсларга боғлиқ бўлишини деярли барча тарихий тажрибалар тасдиқлаб келмоқда.

Аммо минг афсуски, октябрь тўнтаришидан кейинги сохта мафкуранинг зўрлаб тикиштирилиши оқибатида қатор сохта илмий, сохта бадий асарлар кўплаб пайдо бўлдики, бу фожиали ҳол собиқ тузум гирдобига тортилган барча халқ ва миллат адабиётларида истаганча топилди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, сохталикка муккасидан кетиб, имтиёзларга эришган ёзувчилар-у адабиётлар, тарихлар ҳаммаси ўша сохта тузум билан бир сафда инкирозга учради, емирилади, буюк Истиклол тўлқинлари қудрати туфайли кўпиклардай қирғоқларга сочилиб битди, минг шукр!

Бу борада муҳим бир нуқта: тарих шунинг тасдиқладики, ҳар қандай оғир, мураккаб, ҳатто ҳавф-хатарли вазиятларда ҳам ўз имон-этикоди тақозосидан чекинмай, халқига, эл-юртига, миллий маънавиятига наф келтиришни олий мақсад қилиб олган буюк даҳолар асарларида абадий ардоқланадиган буюқ ғоялар ифодаланди, буюқ шахслар улугланди, салбий ҳолатлар аёвсиз қораланди. Бунга узоқ-яқин тарихимизда мисоллар кўп. Сохтакорлар ҳақида ҳам кўплаб фикр-мулоҳазаларимизни билдирганмиз. Бу асли абадий мавзу. Ана шу ҳаётий жараён Шахс билан Жамият тақдири нақадар боғлиқлиги ҳақидаги қарашларимиз устида тобора чуқурроқ тафаккур қилишни тақозо этаверади. Шахс, халқ, эл-юрт, жамиятнинг ўтмиши, ҳозир, эртаси ҳақида ўйлаш, шунга қараб фаолият юритиш - ҳамиша энг долзарб масала сифатида кун тартибига чиқаверади. Бунинг идрок этмаган ёки тан олмаган, моҳиятига чуқур етиб бормаган фуқаро шахс даражасига кўтарила олмайди. Зеро, ҳар бир фуқаронинг шахс даражасига кўтарилишига эришмоқ, яъни уни олий мақсад ва буюқ ният деб ўз ватани, халқи, миллати саодатини тушунадиган шахс даражасига етказиш Истиклолимизнинг бош омили бўлиб қолди.

Ҳар бир фуқаро, у қайси табақага мансуб бўлмасин, ҳамиша ўз халқи, ватанида кечаётган турмуш тарзи билан кизиқади, аҳволни муҳокама қилади, нияти пок бўлса, воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беришга интилади. Зеро,



фукаролик бурчи, ватанпарварлик тўйғуси, эл-юрт дарди сингари энг муқаддас тушунчалар аслида шу эмасми? Ватан билан бирга нафас олиш, ундаги ҳукмрон фаолиятига баҳо бериш ҳам айна шу негиздан келиб чиқмайдими?!

Демоқчимизки, жамият тақдири, эл-юрт, халқ ва миллат тақдирида ҳукмрон шахс хал қилувчи ўрин тутади, унга етакчилик қилади. Бунинг учун эса ҳукмрон шахснинг ўзи ғоят юксак маънавий қиёфага эга бўлмоғи, инсоний фазлатларни ўзида мужассамлаштирмоғи, жамиятни етаклаш, давлатни бошқаришда Адолат деган олий қонуниятга риоя қилмоғи керак бўлар экан! Барча даврларда эл-юрт гоҳ очик, гоҳ ёпик тарзда ўз ватани, ҳукмрони ҳақида фикр айтиб келган, бундан буён ҳам шундай бўлади. Зеро, қизиллар давридаги фожиалар у ёқда турсин, энг оддий қимматчилик ёки қаҳатчилик, очарчилик ҳақида, гарчи қўчаларда очларнинг мурдалари қаторлашиб ётган 30-йилларда ҳам, миллионлаб одамларни ноҳақ қатағонликдан отиб ташлашлар, сургунлар ҳақида ҳам, бир оғиз гап бўлмас, агар очилса ўша одамнинг ўзи ҳам йўқ қилиб юборилган эди. Ана шундай қиронли давом этган йилларда қандай жаллодлар ҳукмронлик қилгани маълум-ку! У қотилларнинг қайси бири эл-юрт ёки халқ учун бирон кун яшаган эди? Шунча зулмлардан энди озод бўлганимизда орамиздан ёвузлар чиқса! Демократия, эркинлик каби юксак тушунчалар суиистеъмол қилинса, бу ҳам етмагандек, бекорга ҳеч қандай гуноҳсиз одамларга қарши ўт очилса, бундан ҳам кўра малъунлик борми?

Тинч ҳаётга интилиш ва уни таъминлашга ўз фаолияти ва қобилиятини бахшида этган буюк шахслар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам жаҳон халқлари ҳурматига сазовор бўлганлиги тарихдан бизга маълум. Бинобарин, имон-эътиқоди бутун, эл-юрт тақдири билан ўз тақдирини чиндан ҳам уйғунлаштириб юборган ҳукмронлар илмий ва адабий-бадиий асарларда ҳам улуғланиб келинган. Улардан ҳамон маънавий мерос сифатида бизгача ибратли бўлиб келаётган хазинани санаб адо этиб бўлмайди. Ҳар қандай оғир, қатағон йилларида, мустамлакачиларнинг зулми, таҳқирлари авжга чиққан йилларда ҳам Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, улардан кейин Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор каби буюк-

ларимиз ўз асарларида миллатимиздан турли тарихий даврларда, турлича вазиятларда етишиб чикқан буюк шахсларнинг давлат, жамият, эл-юрт манфаатини ўйлаб иш қилганларини улуғладилар. Бу номлари тилга олинган ёвузларимиз улуғлаган шахслар, жумладан, Қодирий билан Фитрат ва Чўлпонда Амир Темур киёфалари - аниқ тарихий шахс сифатида кўқларга кўтарилади. Юсуфбек хожи, Отабек, Анвар сингари тўқима образларда ўзбек миллатига хос энг юксак фазилатларни ўзида мужассам этган шахслар улуғланади.

Ойбек “Навой” романида Темурийлар даврида, айникса, Темур вафотидан сўнг кучайиб кетган зиддиятлар, ўзаро урушлар, қон тўқишларга қарши доим ақл-идрок ва ғоят тадбиркорлик билан иш кўрган Алишер Навоийнинг буюқлигини шундай бадиий талқин этадики, бу романдаги ўта чуқур фалсафий мушоҳадалар, Ойбекнинг айни Навоий шахсияти, тафаккури, айтиш мумкинки, маънавияти билан ўйғунлашиб кетган давлат, жамият, халқ тақдири ташвишлари билан яшаш, ишлаш, фаолият кўрсатиш ҳақидаги дунёқарашлари, ғоят теран фалсафий муло-ҳазалари ҳамон эскирмаган... Романнинг ёзилганига салкам олтмиш йиллар бўлди. Аммо ундаги бирор саҳифани ўқиб кўринг-чи! Худди бугунги дунё воқеалари жаранглаб эшитилаётганга ўхшайди. Нега шундай? Ахир кеча ёзилиб бутун назардан қолган ва бутунлай унутиб юборилган, аксари коммунистик ҳукмронлардан муқофотларни худди ўшалар олганини эслаганимизда, ўзбек адабиёти худди ўзбек халқининг ўзидай нақадар оғир зиддиятли йўлларни босиб бугунги кунларга етиб келганини аниқроқ тасаввур этамиз. Афсуски, буни англайдиган кенг оддий халқ бисёр зиёлилар орасида камроқ учрапти.

Яна бир адабий-тарихий воқеа ҳақида: Шайхзода катта олим, йирик шоир ва файласуф драматург сифатида “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин Мангуберди”ларни ёзганда қандай мақсадни кўзлаган деб ўйлайсиз? Ахир бу буюқ сиймони ўзига тенг эмас, яқин келолмайдиган манқуртлар ҳатто қаматиб юбордилар-ку?! Ўзбекистондаги барча унвон-у муқофотларни олиб бўлгач, ўз ватани (яъни, Ўзбекистон) ва ўз халқи тарихига тухматномадан иборат роман деб

аталган асари учун Москванинг энг юксак мукофотини олганда эси бор одамлар, коммунистлар бизни забт этишда сопини ўзимиздан чиқараётганларини жуда яхши билишарди. Шайхзода ўша - ўзимиздан чиқаришга соғлиқ вази-фасини ғоят ортиғи билан бажариш машини олганнинг ўта саёз шеърларини “фалончининг ёзганлари шеърят-нинг гўзал дарвозасидан ўтолмайди” деб, Ёзувчилар уюш-масининг катта йиғинда дангал айтган ва кўп балоларга гирифтор бўлганини бизнинг ёшдагилар яхши эшлади.. Минг шукурки, поэзиянинг ҳам, прозанинг ҳам, драма-тургиянинг ҳам гўзал дарвозасидан ўтолмайдиган асарлар ва уларнинг муаллифлари эл назаридан қолди. Истиклол тўлкинлари уларни суриб ташлади. Тарихда, қалбимизда шўро таҳқирларига учраган ёзувчилар ва уларнинг асарлари абадий ҳурмат ва эҳтиром билан яшаб келмоқда, эндиликда улар жаҳон миқёсида миллионлаб софдил, имон-эътиқоди бутун, етук, комил инсонлар қалби ардоғига нур таратиб турибди.

Абдулла Қодирий, Фитрат, Шайхзода, Ойбекларнинг тарихий мавзуларда ёзилган бадиий асарлари анъаналарини Одил Ёқубов “Улуғбек хазинаси”, “Қўхна дунё” роман-ларида, Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” номи билан аталган Бобур ва бобурийлар тарихига оид туркум роман-ларида муваффақият билан давом эттирадилар. Яна ҳам тўғрироғи, ижодий ривожлантириб, жамият ва шахс, инсо-ният, таракқиёт ва уларга қарши кучлар ҳақида ҳам бадиий, ҳам илмий тарихимизнинг миллий фазилатларини улуғ-ладилар. Агар Фитрат “Абулфайзхон” драмаси билан “ҳукм-рон қандай бўлмаслиги керак?” деган саволга жавоб берган бўлса, Ойбек, Шайхзода, Одил, Пиримқуллар ҳукмрон қан-дай бўлиши керак, деган саволларга жавоб бериб, шахс ва жамият муносабатлари ҳақида ғоят қимматли, ибратли мушоҳадаларни олға сурдилар. “Юлдузли тунлар”га ҳужум-ни авжга миндирган кезларда ўн йиллаб нашр этилмай юргани ва шу вазиятларда муаллиф нақадар маънавий изтироблар чекканидан хабаримиз бор, аммо ёрдамга ожиз эдик, ўзимиз ҳам Қодирий туфайли ғамга ботиб юрардик... Зеро, бизнинг Қодирий ва унинг сафдошлари ҳақидаги китобларимиз ҳар бири ўн йиллаб нашриётларда ётарди.

Худди шундай қалтис вазиятларда атоқли олим Ҳамид Сулаймон Ҳиндистонга бориб Бобурийлар тарихига оид талай ҳужжатларни олиб келган. Беҳзод ишлаган миниатюра-лардан келтириб, рангли расми китобларни нашр эттирганини софдил инсонлар қандай қувончлар билан кутиб олганларини бизнинг ёшдагилар билишади... Хуллас, миллий маънавий қадриятларимизга ҳурмат бизга доим имон ва эътиқод замини бўлиб, бугунги маънавиятимизни юксалтиришга қўмаклашади. Бизнинг қандай буюк аждодларга мансублигимиз ва уларга муносиб ворислар эканлигимизни эслатиб туради ва энг муҳими муносиб ворислар бўлиб етишишга, айниқса ёшларимизни шу руҳда тарбиялашга даъват этади...

\*\*\*

Юртбошимизнинг Республикамиз Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги кенг қамровли маърузаларини эшитган, ўқиган, кузатиб борганлар бугун жаҳонда кечаётган аҳволдан ҳар тарафлама теран хабардор бўлишлари турган гап. Зеро сиёсат, иктисодиёт, маънавият соҳаларида рўй бераётган жараёнларга муносабат, улардан тегишли хулосалар чиқара олиш, ҳаётдаги ўз ўрнини ва келажакдаги вазифаларини ҳам тўғри англай билиш етакчи раҳбарлардан ҳам, ҳар бир фуқародан ҳам ғоят чуқур билимдонликни талаб этади. Қолаверса, воқеликни англаш, идрок этишнинг ўзи яшаш учун камлик қилади, унга қараб тадбир-чоралар кўриш, амалга ошириладиган вазифаларни аниқлаб ҳаётга татбиқ этиш бугунги жамият, халқ, Ватан тақдирини ҳал этади. Шунинг учун ҳам маърузада бизга ўз тақдирини халқ ва эл-юрти тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрадиган фуқаролар, шахсларни, айниқса бу табақани келажакимиз эгалари бўлмиш - ёшлардан етиштиришга энг катта аҳамият берилиши алоҳида таъкидланади.

Кейинги етти-саккиз йил мобайнида буюк Истиқлолимиз туфайли эришилган ютуқларимиз - саноат, иктисодиёт, шаҳарсозлик, миллий қадриятларимиз - тарихимиз, анъаналаримиз ва умуман маънавиятимиз борасидаги фаолиятимизни жаҳондаги энг софдил ва илғор мамлакатларнинг раҳбарлари ҳам, ҳатто айрим холис фуқаролардан

тортиб, жахон микёсида иш кўрадиган расмий ташкилотлар ҳам тан олгани маълум. Бирок, турли-туман зиддиятлар, воқеалар жараёнида бизнинг Истиклолимизни кўролмаётган кучлар ҳам борлиги сир эмас... Гоҳо бундай тескари кучлар хали дунёкараши юксак онгли тафаккур нима эканлигини идрок этолмай чалғиб юрган ёшларимизга салбий таъсир этаётганларига бефарқ қаролмаймиз. Ёшларимизни юз фоиз ўзимиз томонда сақлашимиз, ўз Ватанимиз, халқимиз манфаатлари билан боғлиқ эканликларини улар қалбига чуқур сингдиришимиз лозим.

Шу ўринда бир мураккаб савол туғилади нега ёшларимиздан айрим доводлар бизга қарши, яъни ўзи туғилиб ўсган, нон-тузи, гўзал водийси, она сути-ю ота меҳригиёсига тажовуз қилишдек тубанликка бориб қолди? Она-Ватан, эл-юрти, отаси бутун борлиги билан улар тақдирини, бахт-саодатини ўйлаб ўқитса, хунар ўргатса, истейдодларни жахондаги энг нуфузли мамлакатларнинг ўқув юртларига юбораётган бўлса, қайтиб келганларини яхши лавозимлар билан таъминлаётган бўлса яна ношукурлар табақаси пайдо бўлса?! Бундай нонкўрлик барча тарихий босқичларда ҳам хоинлик деб аталган, ҳатто бобомиз Амир Темура ҳам дунёда энг катта гуноҳ деб ўз ичидан чиққан хоинларга нафрат ёғдирган, шафқат қилмаган.

1991 йилда буюк Истиклол миллий мустақилликка эришдик. Республикамиз ва халқимиз тақдирини, мустақил давлатимиз сиёсатини ўзимиз белгилайдиган бўлдик. Матбуот, сўз эркинлигидан кўп партиявийликкача эркинлик берилди, бу ҳақда саккиз йилдан буён бир неча қарорлар қабул қилинди. Олий Мажлиснинг апрель сессиясидаги Юртбошимиз маърузаларида эркинликнинг янада кенг-роқ микёслари аниқ белгилаб берилди.

Сўз, матбуот эркинлиги, мустақиллик сингари ғоят муқаддас ибораларни Шўролар даврида ҳам кўп гапирганмиз. Аммо оддий фуқаро у ёқда турсин, Ўзбекистонда юқори лавозимларда ишлаб турган кишилар ҳам ўз фикрини она тилида, яъни ўзбек тилида айтишга ҳам ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Ахир она тилингда гапириш учун Москвадан рухсат бўлмаган юрт билан, бутун дунё билан мустақил алоқаларга киришиб кетган юрт ўртасида фарқ борми ўзи?

Мустақиллик бизга барча соҳаларда эркинлик берди. Кўп йиллардан буён бўғилиб юрган энг олий мақсадларимиз, орзу-хавасларимиз рўёбга чиқди, янгича рух ва ғайрат билан ишга киришдик. Аммо “чала мулла”лар билан асли нияти қора кимсалар эркинликни миясига келган, истаган номаъқулчиликни қилавериш деб тушунди шекилли. Уларга айтадиган гапимиз шуки, чинакам эркинлик истаган номаъқулчиликни қилиш эмас, балки ўз иши, тақдири, бахт-саодатини эл-юрти билан бирга деб билиш, ҳар бир хатти-ҳаракати бунга амал қилишни тақозо этади. Бунинг учун жаҳондаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туриш, уларни таҳлил қилиш ва тўғри хулосалар чиқариш лозим. Ҳаёт тарзи ҳам, тарозуси ҳам шу! Бундан мустасно яшаш мумкин эмас... Юртбошимиз ҳамиша бунга таъкидлаб боришлари бежиз эмас. Аслида ҳам яшаш фикрлашни талаб қилади. Фикрлаш эса, маънавийни, маънавий эса маърифатни, пок ниятни талаб қилади. Эркинлик, демократия - мана шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган - олий даражадаги тафаккурга бориб тақалади... Йўлдан озган ёшларимизга Юртбошимиз қўллаётган ўта инсоний талбирнинг натижаларига бир назар ташланг! Нималарни кўраёпсиз, ўнлаб адашган ёшлар ўз қилмишларига тавба қилиб келмоқдалар. Айримлари ота-оналари, бошқа оила аъзолари билан бирга қилмишлари учун кечирим сўрамоқдалар, тўғри йўлга бурилмоқдалар.

Тавба қилганни кечириб бизнинг муқаддас ҳадисларимизда ҳам таъкидланган, имон-этиқоди мустаҳкам ҳукмронларгина бунга амал қилади, тарихда бунга мисоллар ҳаммиша топилган... Бу ҳам аслида энг етук маънавий қиёфанинг шаклланишида тарих, миллий анъаналаримизнинг энг илғор ибратли заминлари бизга бадиий кўмак беради. Замонлар ўтган сари ҳаёт кун тартибига чиқариб турадиган муаммоларнинг энг самарали ечимларини ўшаларга ижодий ёндашиш билан топиб борамиз. Маънавий мероснинг бебаҳо хазина сифатидаги биз учун қиммати ҳам айтишга шунинг нуктада намойён бўлади.

XX асрнинг 10 - 20 йилларида истиқлол дарди билан ёнган буюк ёзувчиларимиз ўша даврда юртимизда рўй бераётган хунрезликлардан қутулиш учун ёшларимизни ўз

ватанлари ва миллатлари манфаатларини химоя қилиш ўзининг жамиятда тутган ўрнини англаш, ҳозирги ибора билан айтганда ўзлигини англаш даражасига кўтариш ҳақида қайғурганлар. Уларга жаҳон миқёсида тафаккур қилишдек буюк тушунчани қалбларига жо қилишга интилганлар. Бундай олий мақсадга бошлашнинг энг муҳим нуктаси сифатида ўзларидан илгари ўтган даҳоларимизнинг маънавий меросларини чуқур ўрганиш билан мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Зеро, ер юзидаги бирор буюк сиймо ўз миллий маънавиятидан, миллий тарихидан юз ўтирган эмас, ўтмишга ғоят ҳурмат ва эҳтиром билан қараган, фақат шу йўл билан келажак тараққиётга эришишни кўзда тутган.

Ёшлар тарбияси, кадрлар етиштириш, лавозимларга танлаш, жой-жойига қўйиш каби фикрларни эсимизни таниганимиздан бери эшитамиз, Президентимиз айтиши шу мавзуга ҳамиша энг кўп эътибор бериб келатганлари ҳам маълум. Навбатдаги олий анжуманда яна шу масалага энг кўп эътибор жалб қилинди. Айтиши шунга тегишли муаммо айланиб бориб таълим-тарбияга тақалавериши алоҳида таъкидланди. Ҳатто янги ХХІ асрда ҳам бу ва бошқа соҳаларда қилинадиган ишлар, олдимизда турган вазифалар жаҳон миқёсидаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб белгиланди. Зеро, фикри аниқ ва тўғри бўлмай туриб йўл ҳам аниқ ва ёруғ бўлмайди-ку?! “Уста кўрмаган шогирд” тарзида ҳар мақомга йўрғалаб бутунги дунёда яшаб бўлмайди. Дунё денгиз ва океан тўлқинлари сингари ҳамиша чайқалиб, кўпириб туради. Бу қудратли тўлқинлардан узилиб ҳам, улар билан муносабатсиз ҳам яшаб бўлмаслигини Юртбошимиз неча марта таъкидладилар. Хуллас, фидойи ёшлар, Ватан, миллат, халқ, жамият билан ўз тақдирини боғлиқ эканини тушунадиган кадрлар керак экан, маорифга, маърифатга, имон-этиқодга, буларнинг барчаси самараси бўлган маънавиятга биринчи даражали аҳамият беришга мажбурмиз. Яна бир масала. Биз кўпинча кадрлар танлашда аксари унинг ўқиган жойлари, дипломларига эътибор берамиз. Бу умуман рад этиб бўлмайдиган бир ҳодиса. Лекин неча-неча дипломларга эга бўлиб, маънавиятда умрида диплом кўрмаганлардан паст турганларга

қандай баҳо берамиз?! Президентимиз бу ҳақда ҳам жуда жиддий фикр билдирдилар. Бу масалани бугун энг долзарб муаммо дейиш мумкин. Зеро, бир амалга одам зарур бўлиб қолса, унга тавсия қилиш имкониятига эга бўлган баъзи кимсалар фақат ўзларига шахсан яқин бўлганларни тикиштирадилар. Хужжатлари жойида бўлади. Ниҳоят тайинланади. Лавозимга ўтирган кунидан бошлаб бояги тавсиячига ва яна ўзига яқинларга “мадад” беришга киришиб кетади. Вақти келиб, қинғир ишлари қош бўлиб, ҳатто ишдан олиниши у ёқда турсин қамокқа олинганда ҳам уни тавсия қилган “обрули” киши четда қолаверади. Нега у ўз одами билан бирга жавобгар бўлмаслиги керак?

Ёшларга тарбия беришга даъват этилганларнинг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлаш, бу борада буюк аждодларимизнинг илмий, маданий, адабий, маънавий меросларидан ижодий фойдаланиб иш юритиш - бу масалани ҳал этишда бизга қўмақ беради.

Юртбошимизнинг қатор асарлари, чиқишлари (буларнинг номларини ҳамма билади), шу жумладан, яқиндагина Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида бу борада кенг қўламли йўл кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси бугунимиз, эртаимиз, янги XXI асрда қўядиган қадамларимиз йўлини ёритиб турибди, онгимизга, қалбларимизга, имон-эътиқодимизга ҳам нур таратиб турибди. Бугунги ўқув юртларида ўзбек адабиёти тарихини айни шулар заминида ўқитиш ёшларимиз тарбиясида ғоят муҳим маърифий аҳамият касб этса ажаб эмас.

Ёшлар газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида, Юртбошимиз бир талай муаммолар ҳақида уларнинг самарали ечимлари ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиб берди. Бугина эмас, мазкур савол-жавобларда тилга олинган айрим масалалар илгарилари ҳам кун тартибларига қўйилган, фикр-мулоҳазалар айтилган, уларга турли-туман муносабатлар ҳам бўлган. ...Аммо Мустақил республикамизда кун сайин содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, амалга оширилаётган тadbирлар, жаҳон микёсидаги янгиликлар билан нақадар боғланиб кетиши ҳар бир ўзгаришга чуқур ўйлаб,



ғоят тафаккур билангина ёндашишни талаб қилади... Зеро, дунё воқеалари ҳам, инсон тафаккури ҳам худди коинотнинг ўзидай беҳудуд, ўзгарувчан, янгиланувчанлиги билан Ер юзидаги бор жонзотни ҳамиша безовта қилиб туради, кечаги гапни бугун ёки эртага тилга олишда ўйлаб кўришни тақозо этади... Чунки кечаги воқеа-ҳодиса бугун ёки эрта бошқачароқ бир тусда намоён бўлишини пайкаш, моҳиятини тўғри идрок этиш ва шунга яраша муносабат билдиришда фақат етук инсоний тафаккургина кўмак беради... Демокчимизки, ҳаёт, яшаш ҳамиша ижодий мулоҳаза қилиш мажбуриятини ҳаммамизга юклаб қўйганки, бундан мустасно онгли инсон бўлмайди... Хатто буни тушуниб етмайдиганлар ҳам холис бир ҳаётий қонуният билан унга узвий боғлиқликларини эътироф этиш шарт... Мана шу мулоҳазаларнинг ҳаммаси айланиб келиб, бугунги муаммоларни ҳал этишдан бошлаб келажакдаги тараққиётимизни таъминлашгача барчаси - ўз миллий тарихимиз, энг яхши анъаналаримиз, буюк зотларимиз ҳаёти ва фаолиятларини чуқур ўрганишда ғоят пок бир йўлдан боришимизни талаб қилади. Юртбошимиз бу ишларда ҳар куни ҳар ишимизда унга риоя қилишимизни уқдириб борадилар, бу бизга буюк Истиклолимизнинг маънавий меросни ўз қўлимизга олиш ҳуқуқларини ато этган энг катта инъом бўлди... Ҳар сафар миллий тарихимиз, адабиётимиз, анъаналаримиз, ўтмишдаги буюк даҳоларимизнинг фожиали тақдирлари-ю, улардан қолган маънавий мероснинг қандай хатарли жараёнларда яратилганлигини ўрганишда одамнинг юраклари орқага тортиб кетади, вужуди қасқайди... Шу билан бирга буюк зотларимизнинг имон-этиқодларига ҳар сафар тан берамиз, қойил қоламиз, руҳларига ҳавас ва ғоят зўр бир ғурур ҳис-туйғулари билан таъзим қиламиз... Нега, шундай? Улар фаолиятининг энг олий мақсади, чўққиси - ўз Ватани, ўз миллати, ўз халқи бахт-саодати учун хизмат қилишдан иборат эди... Бугун биз худди шундай юксак бир шоир, адиб, таржимон, нурдай пок, қуёшдай ҳароратли, доим ловиллаб ёниб яшаган, шеърларида бугун борлиғи ғоят гўзал мисралари-ю, теран поэтик фалсафий мушоҳадалари билан қалбларимизга сингиб кетган Усмон Носир ижодиёти устида тўхтаб ўтмоқчимиз...

Зеро, шоир 30-йилларнинг бошларидаёқ ўзбек шеърятининг порлок юлдузи даражасига кўтарилган, ўша вақтда имон-эътиқодларига катта завқ-шавқ ўти пайдо бўлганини эътироф этган адабиётшунослар бу нуктани кўплаб таъкидлаганлар... Кейинчалик эса, “сен замонга боқ” кабилидаги зўравонликлар шоирнинг айрим иродаси бўш мухлисларини ҳам унинг душманига айлантириб қўйгани ҳам бизга маълум... Энди бу ҳақдаги гапни шу ерда тўхтатиб, асосий мавзуимизни давом эттирамиз...

Усмон Носир Ватан, халқ, севги-муҳаббат, табиат манзаралари, ёшлик, жўшқинлик, шоирона илҳом, ижод шеър яратиш жараёнларидаги шавқ, завқ, хаяжонлари ҳақида ёзганда шундай қайнаб-тошадики, ўша мисраларни ўқиганинда улар гўё денгизларга тенг ирмоқлар деб коласан.

Усмон Носирнинг бундан етмиш йиллар илгари “Юрак” сарлавҳаси остида ёзган ва ўша йиллардан буён софдил, етук, пок ниятли китобхонлар дилига чуқур сингиб кетган мана бу сатрларига бир эътибор беринг: шоир юрагига хитоб қилади:

Сен эй, сен ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, қуйла борингни.  
Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чакмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

(“Юрак” 33 йил.)

Мана шу сатрлар ёзилган кезларда коммунистлар ўзбек миллатига мансуб етук зиёлиларимиз орасидан сталинча қатлиомга ўлжалар излашиб, энг даҳшатли ясама тамғаларни уларга босмоқда, булар орасида мазкур сатрлар муаллифи бўлиб, таҳқирланган, хибсга олиниб, узоқ шимолга - Магаданинг сиёсий маҳбуслар сақланадиган энг даҳшатли қирғин лагерларига жўнатилмоқда эди... Зеро, Ватанни севиш, халқига меҳр қўйиш шўролар учун “халқ душмани, ватан хоини” бўлиб туюлар, Ватанига, халқига хиёнат

қилиш эса, ватанпарварлик, халқпарварлик деб баҳоланар эди... Усмон Носир ва унинг бутун ҳамфикрлари худди шу йўсин тухматларга дучор қилиндилар, минг афсус!.. Минг шукурки, Истиқлолимиз бу буюк зотларимизнинг маънавий меросларини тўла-тўқис ўзимизга қайтариб берди...

30-йиллардаги ўзбек шоирлари орасида кам яшаган, энг ёш ва ўта қобилиятли Усмон Носирнинг бутун қалби, интилиши ҳаётга умид, келажакка қаттиқ ишонч, Ватан ва халқ манфаатлари учун ҳалол хизмат қилиш мақсадлари ғояси билан тўлиб-тошган қалбидан отилиб чиққан, йўқ-йўқ - қайнаб чиққан шеърӣй ирмоқлари, балки булоқлари билан туғён кўтарган ва ўз маънавий дунёси билан гўзал, нозик шеърӣй мисралари, фалсафӣй мушоҳада ва хулосалари, эстетик завқи, маърифӣй, маънавий юксаклиги, жўшқинлиги, қудратлилиги билан бутунбошли денгизларга тенг келадиган ирмоқлар эди десак-да, муболаға бўлмайди. Негаки. ўша давр ва ундан кейинги шоир аҳлининг жиндек юрагида ўти бори - Усмон Носир ирмоқларида сузган, хузр-ҳаловат кўрган, ўсган, етилган... Рақиблари эса, уни сўрган, ичида тан олган, сиртида амалда эса унга душманлик қилган... Уларнинг кўплари Оллоҳнинг иродаси билан ҳаётдан ғоят бевақт кўз юмдилар, айримлари ҳали ҳаёт ва шоирнинг юзага чиққанига ўзларича баҳо бериб юрибдилар... Майли, бу ҳаётнинг гоҳ ёзилган, гоҳ ёзилмаган қонунларига мунофиқлик қилиб “ҳукми мутлак”ни чиқариб қўйган... Ибораларимизда бир қадар муболағага ўхшаш оҳанг бордай туюлиши мумкин. Лекин бу мулоҳазаларимизнинг бутунги кунда ҳам рўй бераётган ҳаётӣй заминлари бор. Демокчимизки, ҳали бирор эътиборга лойик, чинакам юксак бадий асар шеърӣятми, насрийми, фарқи йўқ, асар яратмаган айрим адабий маҳсулотларни кўқларга кўтариб, “мана бу асари билан фалончи мактаб яратди” қабилида дангал “эълон” қилиб юборилади. Бундай ўйламай-нетмай айтиладиган мулоҳазаларда аксари маҳаллийчилик рўй-рост намоён бўлади... Мисол дейсизми? Аҳборот воситаларида тўлиб ётибди... Кузатиб юрганлар билишади... Ваҳоланки, Бехбудӣй, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Элбекларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг турли соҳаларида чинакам Мактаб яратиб, ҳаётлик чоғларида кўкка кўта-

рилиш уёқда турсин, бир оғиз илик гап эшитганлари йўқ. Буюк хизматлари учун бирор мукофот, рағбат уёқда турсин “душман” деб тахкирландилар... Ибораларни масъулиятсиз равишда қўллаб, ёзувчига истаганча сохта баҳолар бераётганларга дуч келганда биз ўша чинакам мактаблар яратиб кетган буюк аждодларимизнинг асарларини эсга олсак, бошқаларни уларга киёслаймиз, фақат шу йўл билангина баҳолаш, хулосалар чиқаришга даъват этамиз. Зеро, воқеалар фақат киёсий жараёнлардагина ўзининг ҳақиқий баҳосига эришади. Зеро, Усмон Носир ва унга замондош биз номларини тилга олган зотларнинг асарларидаги чинакам ҳаётӣй, фалсафӣй мушоҳадалар, бадиӣй етук тасвирий маҳоратлар, теран лирик таҳлиллар нима учун қарийб бир асрча ўтгандан кейин ҳам қалбларимизни ларзага солиб келаётгани, замонлар, ижтимоӣй тузумлар ўтиши-ю, ўзгариши билан ҳам эскирмай, янгидан-янги маънолар, аҳамиятлар касб этаётгани ҳар бир онгли китобхонни ўйлатмай қўймаётгани сири нимада экан? Бунга жавоб шул: бир ўқиб ташлаб юборилган ёки бир ўқишлик холи ҳам йўқ “асар”ни зўрлик билан кўқларга кўтаришда - инсоф ва имон кичкириғига андак кулоқ солинса, мақсад ойдинлашади қўяди... Демак, бу гаплар ҳам имон-этикод, дунёқараш ва тафаккурга боғлиқ бўлиб чиқади.. Ана шуларни ўйлаганда Усмон Носир яратган ирмоқлар бутун бир денгизга тенг маънавият хазинасига ўхшайди, ҳар бир сатридан олам-олам маънолар дарёдай оқиб туради... Унинг шеърий сатрларида биронта сийқаси чикқан ибора, юзаки сўзлар, ёлғондакам “ватанчи, ватан” кабилидаги сохта жарчилик, хушомадгўйликка, хўжакўрсинга, бошқаларга миннатга ўхшаб турган сохта шухратпарастликни кўрамиз. Ялтироқ сўзларда бонг уриб, аслида ватандан, халқдан фақат юлиб олишга интилиш адибга тамоман ёт эди. У Ватан деганда унга фидойиликни шундай бир табиӣй илҳом билан куйлайдики, ўқиганингда қалбингни, бутун борлигингни шунга баҳшида қилиб яшагинг келаверади... У ҳаётни шундай самимий севар, яшашнинг маъносини меҳнат, ижод, тинимсиз илҳом булоғининг қайнаши деб биларди, чунки у, алла-қандай илоҳий қудрат туфайли

фавкулодда истеъдод сохиби - шоир эди. Мана бу сатрларни қаранг:

Илҳомнинг вақти йўқ, селдай келади,  
Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади.,  
Аёндир: бир куни айлайди хароб...  
Майлига. Меҳримни, гўёки, шароб -  
Шимирдим. Яшайман, тилсин дилимни.  
Бемехнат севмайман тирик тилимни.

(35-йил).

Усмон Носирнинг бутун вужуди шеърят, “селдай оқиб” келадиган илҳом, машаққати бўлгандан кейин 30-йиллардаги алғов-далғовлар, тақиклар, таҳқирлар қанча таҳдид солмасин, Юртбошимиз иборалари билан айтганда хиёл имтиёз учун ҳар қандай пасткашликка борадиган, “лаббайчилар”га яқинлаштира олмади. Негаки, у ўз эл-юртига фидойи, бахти-тахтини, тақдирини шу юрт билан боғлиқ ҳолда тасаввур этар, бутун имон-эътиқодини шунга бағишлаган шахс даражасига кўтарилган эди. Шоир ўзининг Бехбудийлар, Қодирийлар, Фитрат ва Чўлпонларга муносиб ворислигини чуқур англаб, ўшалар изидан оғишмай олға борарди. Ватанга “аввало манфаати шахсиясидан кечиб фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак”лигини теран идрок этар, эрк-озодликни ҳеч ким ўзича бермайди, уни курашиб олинади деган устозлари ўғитини билар эди. Чўлпоннинг қалбидан тинимсиз ўт чакнаб турганини очиқ ифодаловчи - “Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар, ухлаган дилларга силжиб оқмасми?!” деб бонг уришлари ҳаммадан кўпроқ Усмон Носирдек истеъдод борлигини ларзага солмайди деб ким айта олади. Негаки, “зар кадрини заргар билади” дегандай фидойи ким, истеъдод кимлигини тўғри идрок этиш, унга муносиб баҳо бериш учун, аввало ўша таъкидланган “манфаати шахсиясидан кечган” фидойи ва истеъдод деган муқаддас сифатларга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Бунинг ғоят муҳим боиси бор: агар адабиёт, тарих, маданият ва маънавий меросларимизни ерга урганлар билан уни ҳар қандай вазиятда ҳурмат ва химоя қилганлар рўйхатига бир назар солсангиз, бизга замондош энг буюк зотларимиз ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам меросимизни қўллаб-қувват-

лаганларини, энг калтабин манфаатпараст-саёқоёқлар уларга тош отганларига гувоҳ бўласиз, зеро, агар биздан сўрасангиз, ҳар икки хилларидан кўпларининг номларини ахборот воситаларида эълон қилганмиз, ҳозир ҳам санаб беришга тайёрмиз... Фидойилар билан мунофиқлар хитой деворидай икки томонга ажралиб туради, ҳозир ҳам шундай... Усмон Носир биз юқорида номларини иззат-икром билан тилга олган аждодларимиз йўлидан боради, уларнинг энг яқин ва самимий ҳамфикрларидан бири сифатида тарихимиздан юксак ўрин олади...

Шоирнинг 30-йиллар ўрталаридаги серташвиш дамлар кайфиятини, қалбини ўртаб бораётган эл-юрт қайғуси, тақдири-ю, ҳаётни севиш, унга муҳаббат ва алам-изтиробларини, демакки мавжуд зиддиятларни ифодаловчи мана бу сатрлар унинг қалби қандай ҳис-туйғулар манбаига айланиб бораётгани ҳақида бизга тасаввур беради.

Дўстларим, хабар олинг, Кўнглим куяди:

Бир тараф ёшлигимнинг шўхлиги мағрур,

Бир тараф - тажрибамнинг дарслари турур,

Иккиёк сўғишади, уриш қилади...

Шоирнинг мазкур шеърлари Чўлпоннинг юқоридаги ўта алангали сатрлари билан нақадар ҳамоҳанглигини аниқ пайкаш кийин эмас бу икки буюк зот ва икки юксак истеъдод соҳибининг бир даврда яшаб, бир хил фожиали тақдирларгача нақадар уйғунлашиб кетганлиги билан ҳам қалбларимизни ларзага солади; зеро ҳамиша, ҳар қандай вазиятда буюқлар билан буюқлар, яъни имон-эътиқоди борлар билан имон-эътиқоди борлар, айни шу юксак инсоний сифатлардан маҳрумлар билан ўша сифатлардан маҳрумлар ҳамфикр бўлиб чиққанларини тарихдан ҳам бугунги кунларда ҳам кўриб турамиз.. Қизик, ҳаётнинг энг дахшатли ва ёзилмаган қонуниятларидан бири ҳам шу бўлса керак... Адабиётимиз тарихида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирни бошларига кўтарганлар билан ерга урмоқчи бўлганларга назар солсангиз бу манзарани жуда очик кўрасиз.

Истиклол йилларида маънавий меросларимиз биринкетин тикланиб, тарихимизда, ҳатто жаҳон маданияти тараққиётида ҳамон ҳурмат топаётган бир шароитда Усмон

Носир ва унинг ҳамфикрлари уни халқимизга, айниқса ёшларимиз онгига мутгасил сингдириб бориш, қалбларида ватанпарварлик туйғуларини кўпроқ уйғотиш, ватанга фидойилар сафларини кенгайтиришга қўмаклашади. Зеро, миллий тарих, миллий анъаналарнинг бугунги тарбиявий аҳамияти ҳам худди шу тарзда белгиланади...

Агар шу жихатдан Усмон Носирнинг мана бу дардли сатрларига бир назар ташласак, бизнинг буюк аждодларимиз хатто шўроларнинг қатлиомларига дучор этилиш арафаларида ҳам фидойиликдан чекинмай, қандай дардалам билан яшаганлари, қалбларини ўртаётган ҳис-туйғуларни аниқ баён қилишда нақадар жасорат, матонат кўрсатганларини кўраимиз:

Кўнглим ёнади. Қийин. Қоним қўзғалур...

Ўзим ўзимга тинчлик берай деб агар,

“Бу кураш оғир кураш, битгаси енгар...”

Десам қўйсам... Охирида менга не қолур?

(35 йил).

Биз келтирган ва келтирмаган далиллар Усмон Носир ва унинг ҳамфикр замондошларидан қолган маънавий мероснинг бутун борлиғини яхлит баҳолаш мумкин бўлса ва уларнинг бугунги кунларимиз учун ўрни, аҳамияти, мавқеи нимадан иборат деб сўралса, шундай жавоб бериш мумкин: ҳаммасида аввало, ўзбек халқининг босиб ўтган тарихий йўллари, бинобарин, қулликдан, қарамликдан тезроқ қутилиши, эркин нафас олишга, бугунги Истиқлолга орзу-умидлари ва унга даъват оҳанглари янграб туради... Улардан қолган маънавий хазина моҳиятининг яна бир нуқтаси шулки, қуллик ва қарамликдан озод бўлишга интилиш тарихда ҳеч қачон бирон миллат ёки элатнигина орзуси бўлиб қолган эмас, бу бутун жамият тараққиёти босқичларида барча онгли инсонларнинг абадий ва азалий орзуси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Бугунги кунларда Югославия, Албания-Косовода, жаҳоннинг турли ҳудудларига тарқалиб кетган Курдлардан, Кавказортилариғача содир бўлаётган воқеалар бу фикримизни тасдиқлаб туради ва бу бизнинг миллий кадриятларимиз аллақачон ўз доирасидан чиқиб, умуминсоний маънавий хазинага қўшилиб кетганидан ҳам далолат беради. Зеро буюк даҳолар хамиша

Ўз миллий қобикларида шаклланиб, ундан жаҳон микёсига ўсиб чиқадилар ва уларнинг абадийлиги сири ҳам шудир... Усмон Носир ҳаётлигидаёқ ўз кадр-қиммати, шеърлари, ижодий меҳнатлари эъозланиши ҳақида шундай каромат қилади:

Баргдек узилиб кетсам,  
Унутмас мени боғим.  
Ишимни ҳурмат қилур,  
Гуллардан хайкал қурур.  
Минг йиллардан кейин ҳам  
Унутмас мени боғим...

Озодлик учун курашиб, қизиллар қатлиомига дучор бўлган буюкларимизнинг жойлари жаннатда бўлсин! Уларнинг бой маънавий мероси хазиналарини бутун борлиғи билан юзага чиқариш имкониятини берган Буюк Истиклолимиз абадий бўлсин!!!

*“Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни татаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истикболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бутунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ...”*

*Ислом КАРИМОВ*

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг 1999 йил апрель сессиясидаги маърузалари республикамиз ҳаётининг барча жабҳалари билан бирга Ёшлар тарбиясига оид энг муҳим муаммоларни ҳам қамраб олгани бежиз эмас эди. Зеро эл-юртимиз, халқимиз тақдири, келажаги ҳақида ўйлаш, ғамхўрлик қилишнинг туб моҳияти оқибат-натижада, айти шу масалага бориб тақалади... Янги асрдаги бутун ҳаётимиз, ютуқларимиз, ўсишимиз-унишимиз, жаҳон микёсида тутадиган мавқеимиз ҳам шунга боғлиқ десак хато бўлмаса керак... Зеро, отлар етолмаган манзилларга тойлар етишини иташ, буни олий мақсад қилиб интилишнинг



Ўзи, ҳар биримиздан юксак бир маънавиятни талаб қилади. Бу деган сўз биз ҳамиша ўзимизнинг буюк аждодларимизга муносиб ворислар тайёрлаб кетишни ўйлашимиз, олий мақсад қилиб қўйиши лозим бўлади. Юқорида, келтирилган кўчирма бугун олдимизга ана шундай улуғ бир вазифани қўймоқдаки, бусиз келажагимиз ҳақида гапиришнинг холати йўқ!.. Негаки, Ёшлар тарбияси муаммолари ҳозир бутун жаҳонда ҳар бир мамлакат раҳбарларининг диққат марказида турибди. Айрим мамлакатлардаги ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар ҳақида ахборот воситалари муттасил хабарлар бериб турибди. Эл-юртларнинг номларини санаб ўтириш шарт эмас, кузатиб юрганлар яхши билишади. Худди ана шу заминларда турлитуман жинойи ҳаракатларга берилиб кетган ёвуз ниятли кимсалар, имон-эътиқод деган энг буюк ва энг муқаддас ибораларни тилга олиб, аслида эса ўзлари бундай олий инсоний ҳис-туйғулардан бутунлай юз ўтирган малъунлар бизнинг баъзи бир иродаси бўш ёшларимизни йўлдан урдилар, жиноятга бошладилар... Бундай йўлга кирганларнинг ҳаммаси дунё миқёсида қандай қарғишларга қолаётганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади... Бу мавзуни ортикча чўзмай, масаланинг моҳиятига ўтсак тарбия, тарбия ва яна тарбия - бугун ҳаммамизнинг энг катта бурчларимиздан бири бўлиб қолаверади... Негаки, ватанимиз, халқимиз, миллий мустақиллигимиз - унинг бутун келажаги ҳаммамизники эмасми ахир?! Бизнинг бугунимиз ва эртаимизга дўстона муносабатда бўлаётганлар билан бирга нуқул ғаразгўйлик билан қараётганлар ичимизда ҳам, сиртимизда ҳам мавжудлигини энди билаётганимиз йўқ! Бундай гуруҳлар илгарилари ҳам, ҳозир ҳам учраб тургани эндиликда ҳеч кимга сир эмас! Агар биз Истиклолимизни, ўз эл-юртимиз бахт-саодатини, озодлигини, ҳар соҳада эркинлиги, миллий тарихи, анъаналари, фазилатлари ниҳоят мана шуларнинг олий самараси бўлмиш миллий маънавияти-ю ўзлигини бундан кейин ҳам сақлаб қоламиз десак, ёшларимизни энг улуғ миллий маданиятимиз ва миллий маънавиятимиз руҳида, жаҳон миқёсида ўз мавқеини ҳамиша сақлаб қоладиган шу муқаддас ҳис-туйғуларни теран идрок этадиган, хуллас шахсий манфаатларини эл-юрти

манфаатлари билан уйғун ҳолда деб биладиган ёшларимизни етиштиришга мажбурмиз... Зеро, Ер юзида рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, ҳоҳ ижобий бўлсин, ҳоҳ салбий бўлсин, бирини англаб етмасдан иккинчиси эшитилиб турган янгиликлар, ундан ҳам кенг миқёсда фаолият кўрсатаётган ахборот воситалари - булар ҳаммаси ҳар бир ёшу, қаридан фақат ўта хушёр, юксак онгли шахсга кўтарилишни, бирор воқеага лоқайд қарамасликни талаб қилади, чунки бундан буён гумрохликда яшаб бўлмайди. Бир вақтлар халқимиз, ватанимиз бировларга қарам йилларида ўз ихтиёри билан бирор орзу-ҳавасни изҳор этолмас, етук зиёлиларимиз олий мақсадлари учун қириб ташланган, тақиқлар, таҳқирлар, қамашлар, отишлар туфайли чўчиб, дардини ичига ютар, гўё гумрохлардек кун кечирар эди... Жаҳондаги бирон мамлакат билан ўз истагича алоқа ўрнатолмас, ҳатто ўзи етказиб бераётган маҳсулотни на ўзи истеъмол қилар, на бировларга сотмас эди... Собик иттифок таркибидаги ўн беш республиканинг бирорчасига биронта энг оддий ҳуқуқ берилмагани ҳолда ёлғон-яшиқлар йиғиндисидан иборат “конституция” деб аталган нарсага “ҳар бир республика Суверен” деган сўзлар хўжақўрсинга ёзиб қўйилганини ким билмасди?! Қанчадан-қанча буюк аждодларимиз бизнинг бугунги кунги миллий озодлигимиз учун курашиб, ўзларига тенг бўлмаган ёвуз кучлар билан олиш-олиша армонда кетганлари ҳақида мана етти-саккиз йилдан буён очик-ойдин ёзадиган бўлмадикми?! Жаҳон бўйлаб энг ривожланган мамлакатларнинг ўқув юртларида таълим олаётган неча-неча ёшларимиз, тикланаётган энг яхши миллий кадриятларимиз, иншоатларимиз, дон, ёқилғи, тилла, пахта, ипак, қорақўлу газламаларгача ўз ихтиёримизга ўтганига энди саккиз йил тўлаётган кезларда дўст-душман гоҳ очик, гоҳ ёпиқ намоён бўлаётгани муттасил огоҳликка даъват этмайдими?! Биз ёшу қарининг эътиборини шу воқеа-ҳодисаларга муттасил жалб этмасдан яшай олмаймиз, ниҳоят яшашнинг бошқача йўли ҳам йўқ... Ахир Президентимиз “Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз” деб бежиз таъкидлаётгани йўқ.

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, жаҳон миқёсида кечаётган энг мураккаб воқеа-ҳодисалар ҳам гоҳо худди бир оила

ёки икки-уч киши орасидаги муносабатларга ўхшаб кетади. Тасаввур этинг: ҳар бир ўзига тўқ, тинч, бамайлихотир кун кечираётган одам ўзи мансуб бўлган таркибидан ўз ихтиёри билан воз кечадими? Ёки узатилган қиз - тушган оиласида эридан, қайнона-қайнотасидан, қайин-бўйинларидан рози бўлса шу уйдан кечадими? Йўқ, албатта! Борди-ю, шундай шароитдан ихтиёри билан воз кечадиган бўлса, уни руҳи хаста деб баҳолашга тўғри келади... Собик иттифок таркибидаги барча миллий республикаларнинг тарихий вазият етилиши биланоқ бирин-кетин чиқиб кетишларини, илгарилари зўрлик билан эргаштирилиб келинган Шарқий Оврўпа мамлакатларининг дархол мустақилликка интилиб қолганларини бир кўз олдимишга келтирсак - бугунги яна эски ҳокимликка турли-туман йўллар билан интилаётган кучларнинг ҳақиқий ниятлари янада ойдинлашади... Бугунги ёшларимиз Истиклол деганда дастлаб шулар ҳақида ўйлашлари керак эмасми?! Ўз тарихимиз, адабиётимиз маънавиятимиздан ўқув юртларимизда сабоқ беришга даъват этилган домлалар тафаккурида бу ғоялар етакчилик қилмас экан, ёшлар тарбиясини талаб даражасига кўтариб бўлмайди... Юртбошимиз бундай вазифани муттасил эслатиб ўтиш билан чекланмай, тарбиянинг бу йўлларини китоблари билан ҳам, ҳар бир муносабатлар билан чиқишларида ҳам ёритиб бормокдалар... Тарбиячиларимиз, илмий ходимларимиз бу йўл-йўриқлардан ижобий фойдаланмай туриб мақсадга эришиб бўлмайди. Агар бизга ёвузлик қилган ёшларни “имон йўли” деб алдаб, имонсизлик йўлига бошлайдиган фитначиларга қандай эргашиб қолганларини ўйлаб кўрилса, ўқув юртларимиз, оила ва маҳалла аҳолиси зиммаларига нақадар муҳим вазифалар юкланганлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади...

“Ўзбекистон овози” газетасининг 1999 йил 1 май сонида журналист Алишер Ибодиновнинг - “Огоҳ бўлинг!” рубрикаси остида “Жаҳолат меҳроби” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда Фарғона давлат университетидеги ўқиётган бир гуруҳ ёшларнинг қандай қилиб йўлдан озганлари ҳақида маълумотлар берилади... Ўзи ёвузлар томонга оғиб кетиш билан чекланмасдан ёнверидаги тенгдошларини ҳам йўлдан урган фитначиларни фош этади, ниҳоят ўқув

юртида пайдо бўлган носоғлом мухитни каттиқ қоралайди. Бу ҳолат кўплаб ўқув юртларида дарс бераётган энг яхши домлалар каторида бир неча ўн йиллардан буён фақат кинғир-кийшик йўллар билан кун кўраётган, аммо кўпдан бери қўлга тушмай келаётган “домла” деган улуғ бир ном шаънига номуносиб кимсалар мавжудлигини эслатади... Бундайларни деярлик ҳамма биледи, аммо қўлга туширолмайдди, химоячилари бўлади... Бир вақт йирик олим, жаҳонга машҳур академик Ёлкин Тўрақулов фан оламига турли йўллар билан кириб қолган тасодифий кимсалар ҳақида куйиб-пишиб, айна “Қизил Ўзбекистон” деб аталган газетада катта мақола билан чиққанларини эслаймиз. Аммо ўта ҳароратли, ҳатто ғазабли мақолада бирор аник мисол келтирилмагани каминани ўша вақтдаёқ хайратга солган, агар мисол келтиришга академик журъат этмаса, ким журъат қилади деб ўйлаган эдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бировларнинг тортиши ёки орқасидан итариши туфайлигина фанга зўрлаб тикиштирилган кимса, ўзида тарбия, илм-билим бўлмагандан кейин ким нима олади? Яна боз устига ўз катта-кичик илмий ишлари, мақолалари, китоблари билан жамоатчиликка алақачон танилган олимлар бирорта китобини бирорта нашриётда чоп этишга бешолти йиллаб, бўлгани ҳолда тўсатдан пайдо бўлиб қолган бир киши ҳали уни ҳеч ким таниб улгурмай китоб чиқариб юборди. Бу ҳам етмагандай дарслик ва қўлланмаларни ўз соҳасида ишонч қозонганлар четда қолиб умрида бирор иши билан эътибор қозонмаган ёки ахборот воситаларида мутлақо кўринмаган бир одам ёзиб чиқариб юборди... Бу ҳам ғоят нозик ва жиддий таҳлилга лойиқ масала эмасми? Илгарилари вазирликлар ихтиёрида бир комиссия тузилгунча ўн-йигирма йиллаб уларга биров тил теккизолмасди, нимаики ёзилса ўшалар ҳукми билан чиқариларди. Ҳозир билмаймиз, бу борада кимлар фаолият кўрсатаётир?! Ҳар ҳолда Тошкентнинг энг катта олий ўқув юртларидан бирида йигирма йиллаб дарс бериб келган, аммо ўзи иншо у ёқда турсин диктант ёзишга ноқобил бир неча тилчи, адабиётчилардан бири 15 йилга қамокка ҳукм қилингани, яна бири олди-сотдига жўнагани, ҳар бирларида фан доктори ёки фан кандидати номлари борлигини бугун ким ўйлаётир?

Кафедра мудирлигида, факультет раҳбарлигида кимлар ишлаётганини ким ўйлайди? Бу ишларнинг ёшларимиз тарбиясига алоқаси борми йўқми? Ўзида бўлмаган тарбияни қандай қилиб бировга беради? Ўн-ўн беш, ҳатто ундан ортиқ йилларда бундай кимсалардан ёшлар нималарни олган экан, деб ўйлайдиганимиз борми ўзи? Уларнинг орқаларида таянч бўлиб турганлар кимлар, деган гапни ҳаёлига келтирадиганлар борми? Ўқув юртларида рўй берадиган гуруҳбозлик, маҳаллийчилик сингари қатор нуқсонларнинг илдизларини қаёқдан излаш керак деб ўйлайсиз? Бундай қонунбузарлар ҳамма ишларини қонунга мослаб олиб боришларини, шу туфайли муайян вақтгача то ўта оғир, очик жинойят билан қўлга тушгунча кун кўришлари сабаблари шундан эмасмикан? Ёшлар тарбияси деганда бу масаланинг нақадар миқёси кенглиги, чексиз ва чегарасизлиги, ўта жиддийлиги шундай ҳам кўриниб турганига бир назар ташланса, қандай манзаралар намоён бўлишини ўзингиз биласиз!..

Ҳозирги кунларда республикамызда рўй бериб турган воқеалар, унга раҳбарлик қилаётган Ислом Каримовга жаҳон миқёсида билдирилаётган муносабатлар, жумладан, Олий Мажлисида қилинган маърузанинг орадан икки кун ўтмасдан ҳали Бельгия, ҳали Германия, ҳали АҚШда (Давлат секретари) ўқиб унга ўзларининг ҳурмат ва эътиборларини, ўта илиқ ва дўстона муносабатларини билдирган олимларни шу ўринда эслатиш ўринлими, йўқми? Ахир дунёда энг паст, имонсиз-эътиқодсизлар билан ғоят имонли, эътиқодли, ўз манфаатларини бутун дунё тақдири билан боғлиқ эканлигини теран идрок этадиган, худди шу туфайли доим ҳалол ва олий мақсадлар билан яшайдиган пок ниятли кимсалар табақаси ҳам борку! Бугунги тараққиётни айни шу кейинги табақа вакиллари таъмин этишларини тушуниш ўзи бир олижаноблик, донолик; бу ғояни ёшларимизга тушунтириш, улар қалбига имон, эътиқод сифатида сингдириш эса, ундан ҳам юксак бир маънавий чўкки бўлиб қолади...

Шу ўринда бир ўта нозик ва муҳим мулоҳазага эҳтиёж туғилади, - бу ҳаммага аён бўлган Матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, ахборот воситалари савияси, малакаси устида.

Тўғри, беайб парвардигор дегандай камчиликсиз иш ҳам, камчиликсиз одам ҳам йўқ. Хатолар устида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Аммо камчилик бошқа, хато бошқа. Буларни катта-кичиги ҳақида ўйлаш эса, барча онгли зиёлилар зиммасида кўпроқ туради... Республикамизда ахборот воситаларига кенг йўл очилиб берилганлиги - унда барча хато, ҳатто айрим илмий-назарий тафаккурдан бутунлай маҳрум гапларни истаганча айтавериши мумкин деган сўз эмас-ку?!

Агар биз Юртбошимиз таъкидлаган - жохилликка қарши маърифатни қўллаш устида ўйлаб қарасак, бугунги ёшларимиз тарбияси, жаҳон талаблари заминида дунёқарашларини шакллантириш сингари ўта муҳим муаммолар ечими-ю, тақдири-ю аҳволи не кечади?! Ахборот воситаларидаги эътиборга лойиқ муаммоларни вақти-вақти билан таҳлил қилиб туриш кимлар зиммасида ўзи?! Бундай саволларни кўплаб бериш мумкин.

Шу ўринда яна айланиб келиб бундай масалаларда ҳам ўз миллий маънавий меросларимиз, ундаги умуминсоний фазилатлар бизга ёрдамга келади... Буюк аждодларимиз ҳамиша илм-маърифатга катта эътибор берибгина жаҳолатга, колоқликка, кўр-кўрона хурофот ва бидъатларга қарши курашиб келганлар. Жумладан, Элбек 1925 йилда ўзи тузган адабиёт хрестоматиясининг аксарияти муаллифнинг маърифий асарлари билан сайқалланган. Ҳозир биз Элбекнинг шу китобда чоп этилган “Кучсизлар дунёси” сарлавҳали шеърига назар ташлаймиз.

Туркистоннинг қоронғи бир пучмоғида.

Катта эмас, кичкина бир ўнғурда,

Кўпдан бери икки киши турар экан,

Йўқсулликда бирга умр сурар экан.

Буларнинг туб ерлари шунга яқин

Бир қишлоқда бўлган экан илгаридан.

Булар шунда кўпгина чоқ умр кўриб

Ўсканларкан бурун ўйнаб-қулиб.

Бирок ёзмиш қўймоғоч ҳеч буларни тинч

Юртни ташлаб қолғонларкан мунда туриб...

Мазкур шеърнинг мана шу сатрларидаёқ шоирнинг мақсади, ғояси аниқ ифода этилган. 20-йилларнинг ўрта-

лари республикамизда қандай хунрезликлар авж олгани тарихдан маълум. Ерли аҳолини турли томонларга қувғин қилиб, ўрнига кимлар-зўравонлар келганини зиёлилар яхши билишади. Агар замон зиддиятларга дош бериш даражасида куч-қудратга эга бўлмасанг, ўз ерингдан маҳрум бўласан, сарсон-саргардонликда умринг ўтади, бунинг сабаби эса, сенинг кучсизлигингдир деган ғояни шоир шеърнинг сарлавҳасига чиқариб қўйган. Кейинги сатрларига эътибор беринг-чи, нималарни кўрасиз:

Ўзларидан сўнгра юртни аллакимлар  
Ўз юрти деб қўлда тутиб юритканлар.  
Унга қарши булар ҳеч сўз айтолмагач,  
Борғон билан ерни қайтиб ололмоғоч,  
Қочиб келган экан булар ночорликдан,  
Чорасизлик ҳам ундаги ёвузликдан.

Мазкур сатрларни ўқиганда 20-30 йилларда юртимизни тарк этиб, коммунистик катағондан чет элларга қочиб қутилган ва ҳамон ўз эл-юрти дарди, соғинчи билан умр кечираётган хориждаги ватандошларимиз кўз олдимизга келмайдими?! Бугина эмас, бобомиз Амир Темур тузган Буюк Турон давлати унинг вафотидан кейин парчаланиб, майда хонликларга бўлиниб кетиши ва бунинг оқибатида ички зиддиятлар кучайиши-ю, ниҳоят бировларга ем бўлган ўлкамиз тақдири, тарихи, қонли кечмишлари-ю ажнабийлар қулига айланиб қолган халқимиз аламларини намоеън этмайдими? Ахир жаҳон ҳамиша зиддиятлар, курашлар, турли-туман ижобий ва салбий воқеалар қоришмасидан иборат экан, ҳар бир халқ ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бир жон, бир тан бўлиб, ўз эрки, миллий мустақиллиги ва жаҳон миқёсидаги мавқеини ҳимоя қилишга доим тайёр бўлмоғи ҳаёт тақозоси бўлиб чиқади... Худди ана шу нуқталар Элбек шеърининг кейинги сатрларида аниқ ифода этилади. Кучсизлар ниҳоят бирлашиб ўз эрки учун курашга отланади.

Агар биз бугун ёшларимизни ўз ватанимизга содик шахслар сифатида етиштиришга бел боғлаган бўлсак, буюк Истиклолимиз, тараққиётимиз, жаҳон миқёсидаги ўрнимиз ҳамиша ўз қўлимизда бўлади... Бу бизнинг бугунги олий мақсадимиздир, десак ҳам хато бўлмаса керак... Ёшлар,

ёшлар ва ёшлар бизнинг буюк келажагимиз бўлиб қолавереди, зеро улар буюк аждодларимизга муносиб ворислар, эркинликларини ҳеч қачон унутмасалар олий ният шу йўсин барча соҳада амалга ошар эди.

Шоир Элбек шеърининг сўнгги сатрларида худди ана шу ғоялар ёш авлодларимизга жуда тушунарли, содда шеърини шаклларда баён қилинади.

Кучсиз бўлиб эзилганча кучланиб сен  
Ёвларингга қарши чиқиб, барчасин э!  
Яшамокни истаганлар кучланарлар,  
Кучсиз қолгон эллар ҳар чок эзиларлар!..

\*\*\*

*“Тарихий, миллий ва ахлоқий кадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди... Одамларимиз тафаккурида бу кадриятнинг бекиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормокда”*

Ислом КАРИМОВ

Истиклол йилларида эришган энг катта ютуқларимиз қаторида юртбошимиз миллий тарихимиз, анъаналаримиз, кадриятларимизнинг тикланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар... Бу борада кейинги етти-саккиз йилда амалга оширилган ва ҳамон давом этаётган оламшумул ишлар кўз ўнгимизда рўй бераётгани маълум ва уларни санаб чиқиш ҳозир шарт эмас. Энг қадимий даврлардан бошлаб то 1991 йилгача таъкиб этиб келинган буюк даҳоларимизнинг маънавий мерослари халқимизга қайтарилмокда.

Шўролар ҳукмронлигида қатл этилган буюк ёзувчиларимиз, шоир ва адибларимиз, ўзбек жадидчилик ҳаракатлари тарихини бутунлай янгидан ўрганиш, асарларини босиб чиқариш, улар ҳақида холис илмий тадқиқотлар олиб бориш учун катта имкониятлар яратиб берилди. Кўплаб нашрлар эълон қилинди...

Бугина эмас, илгари тарихчи ва адабиётшуносларимиз асосан халқимизнинг энг нуфузли вакиллари ҳаёти ва ижодини ўрганишга кўпроқ эътиборни қаратган эдилар. 9



майни Президентимиз “Хотира ва кадрлаш куни” деб эълон қилгандан кейин Тошкент марказида - Мустақиллик майдонида бу савобли ишга бағишлаб қурилган ажойиб иншоат шу йилнинг ўзида, 9 майдан бошлаб шу қадар серфайз бир зиёратгоҳга айланиб кетдики, эндиликда унинг довруғи республикаимиз худудидан чиқиб, аллақачон жаҳоннинг олис гўшаларигача ёйилди...

АҚШ, Германия, Россиядан келган сайёҳлардан тортиб зиёратчиларгача бу ҳақда ғоят мамнуният билан гапирганларини телерадиоларда ҳамма эшитди, кўрди, томоша қилди. Қўшни мусулмон республикалардан келган зиёратчиларнинг орзу-хаваслари, ўз юртларида ҳам шундай амалларни кўришга нақадар интизор бўлаётганларини очик баён қилганларида ўзимизнинг софдил фуқароларимиз қандай шавқ-завқ, ҳиссиётларга тўлганларини айтмайсизми?!

Чиндан ҳам фахрланса арзийдиган ишларнинг қадрига етиш учун ҳам кишига муайян бир тушунча, савия, маънавий-ахлокий тасаввур керак; агар таъбир жоиз бўлса, ҳар бир хайрли, холис, беғараз, жамиятнинг бирор томондан юксалишига кўмак берадиган тadbир-чора моҳиятига тўғри муносабатда бўлиш ҳам аслида имон-этикодга боғлиқ. Демокчимизки, яхши, фойдали ишдан фақат зарар ахтариб фитна қилиш - камида ноинсофлик, ҳатто имонсизликдир...

Мавзуимиз-ку, аслида тарих ва унинг бугунги аҳамияти, биз нега кейинги ишлардан баъзиларини санаб, унга тўғри ва ғаразли муносабатлар устида озгина изоҳ бердик? Сабаби жуда аник: Истиклолимиз йилларида бизнинг эришган энг катта ютуқларимиздан бири, модомики, Тинчлик ва Барқарорлик экан, шу орада моддий, маънавий жиҳатдан қўлга киритган барча муваффақиятларимиз айна шу туфайли эмасми? Ахир, тинчлик не эканлигини неча йиллардан буён билмай, нукул азоб-уқубатга кўмилиб, фиғон чекаётган биздан унча узоқ бўлмаган юртларда оддий халқ оммаси бошидан нималар ўтаётганини бутун дунё кўриб турибди-ку?! Биздаги ўсиш, ўзгаришга қарши фитналар уюштираётган ғанимлар - наҳотки барча ижобий ўзгаришларни салбий деб баҳоласалар?! Ҳатто дунёнинг энг ривожланган давлат ва жамоат арбоблари ҳам тан олаётган ютуқларимизни ҳам ғаразгўйлик билан инкор этаётган бахил-

ларни нима деб аташ керак?! Жаҳон халқлари кўз ўнгида нафратга учраган ёвузлар - ҳар икки дунёда хор бўлишлари азалий энг олий маънавий, маърифий таълимотларнинг туб негизи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай...

Бизнинг буюк ажодларимиз сифатида миллий тарихимизга катта мавқелари билан кирган сиймоларнинг ҳаммалари худди шу нуқтаи назар билан яшаганлар, ишлаганлар, ижод қилганлар, худди шунинг учун ҳам улардан қолган бой маданий, адабий, маънавий мерос асрлар оша қалр-қимматини йўқотмайди, мангу яшайди, ҳатто ўз миллий доирасидан чиқиб, умуминсоний маънавий хазинага қўшилиб кетади, уни янада бойитади... Зеро, маънавий мероснинг - “хазина” деб аталиши боиси ҳам худди шу нуқтада бўлса керак!

Бугунги суҳбатимиз - ўзбек халқининг атоқли намояндаларидан бири йирик олим, шоир, адиб, маърифатпарвар сиймо Машрик Юнус ўгли Элбек ижоди, унинг адабиётимиз тарихида ва умуман миллий тарихимизда тутган ўрни ҳақида бўлади. Ниҳоят Элбек таваллудига юз йил тўлган бўлса, ундан қолган мероснинг бугунги аҳамияти нималардан иборат экан? - деган сўроқларга жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Яна, то Элбек номини тилга олгунча баён қилган фикр-мулоҳазаларимизнинг боиси нима? - деган саволларга ҳам жавоблар ахтариб кўрамиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, Элбек 1937 йиллардаги коммунистик қатлиомда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ҳамфикр замондошлари билан бир қаторда сталинчи жаллодлар томонидан қамаб, отиб юборилган ажодларимиз таркибига киради. Бу ҳурматли зот - табиатан жуда очик кўнгил, нияти пок, эл-юрт билан бирга нафас олиш-ни олий мақсад қилиб - “Элбек” таҳаллусини қабул қилган бўлса не ажаб?! Асли кўнглида кири йўқ, имон-эътиқоди бутун шахсларнинг дўстлари кўпроқ бўлиши ҳам табиий ҳол бўлса керак, Элбек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар билан жуда яқин алоқада бўлгани, турли муносабатлар билан тез-тез кўришиб, фикрлашиб турганлари ҳақида қўлимизда маълумотлар бор. Зеро, бу буюк сиймоларнинг ҳар бири ўзи олам, ҳаммасини яхлит тасаввур

эсангиз, уларнинг маориф, маданият, миллий тарихимиз ва халкимиз, ватанимиз келажаги, тараққиёти, барча табақаларимизнинг маънавий юксалиши борасида олиб борган ишлари, бутун ҳаёт-фаолиятларининг мазмуни бўлиб қолганлигини чуқур ҳис этасиз.

Элбек ижодига 20 30 йилларда қандай қаралгани ҳақида тўхтаб ўтириш ҳозир шарт эмас. Юқорида номлари тилга олинган сафдошларига қандай баҳо берилган бўлса, унга ҳам шундай ҳукмлар ёпиштирилди ва худди шулар каби таҳқирланди. Минг шукурки, Сталин вафотидан кейин вужудга келган озгина имконият туфайли муайян демократик эркинликлар шабадаси эсди. 30-йилларда камалиб қатл этилганлар оқланди. Шунда ҳам ўз ичимизда “қамалган ёвузчилар фуқаро сифатида оқланди, ижодлари оқланган эмас” деб жар солган ёвузлар бош кўтариб қолди... Шунга қарамай, 1980 йилларга келиб Элбек ва Ботулар ҳақида дастлабки мақолалар пайдо бўлди, камина шу вазиятдан фойдаланиб, 1989 йилда биринчи марта “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Элбек ва унинг давр адабиёти” сарлавҳа остида бир саҳифага яқин мақола эълон қилдик; шу вақтда ҳам тақиклар кўп эди, Иброҳим Ғофуров шу мақола чиқишига катта ёрдам берди. Кейинги жумла сиртдан ҳозир жуда оддий туюлса керак, аммо ўша вақтда ёзилган мақолалари ярим йил, бир йиллаб редакцияларда ётгандан кейин бир амаллаб чоп этилган ёки китоблари нашриётларда ўн йиллаб ётиб чиққан одамлар бу гапнинг мазмунини чуқур ҳис этади. Булар ҳам ўзи бир тарихки, келажакда худди шу мавзулар устида мақолалар, китоблар ёзилиши ҳам мумкин.

Хуллас, Элбек ҳақида мана ўн йиллардан буён анча-мунча мақолалар, фикр-мулоҳазалар ахборот воситаларида эълон қилинди, яна нималарни ёзиш мумкин экан? - деган сўроқ ҳам пайдо бўлар. Бу сўроққа, аввало, жавоб шуки, Элбек ва унинг замондош ҳамфикрлари ҳақида XX асрнинг бошларидан буён ёзилади ва яна орадан қанча йиллар ўтмасин, ёзилаверади ва бу иш асло тўхтамайди. Чунки уларнинг мангуликка дахлдор маънавий хазиналари замонлар ўтиши билан, даврлар ўзгариши билан қун тартибига чиқиб турган энг долзарб муаммоларнинг тўғри ечимини

топишга кўмак бераверади ва худди шу фазилатлари билан улар бизнинг абадий маънавий меросимизга айланиб бораверади. Уларнинг бебаҳолиги ҳам шунда.

Олий Мажлисимизнинг навбатдаги XIV сессиясида Юртбошимиз кўп масалалар билан бирга ёшлар тарбиясига энг катта аҳамият беришимиз лозимлигини қатор мисоллар билан неча марта таъкидлаб ўтдилар. Агар биз бу масалани энг тўғри ҳал этиш йўлларини ахтариб, булар орасида ўз миллий маънавиятимиз хазинасига ҳам мурожаат қиладиган бўлсак, нақадар қимматли манбаларга дуч келамиз. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнуслар билан бирга Элбек ҳам бизга бой мерос қолдирган. Айниқса, Элбек бутун ҳаётини бошқа сафдошларидан кўра кўпроқ ёшлар тарбиясига бахшида этган десак, хато бўлмайди. Чунки Элбекнинг асосий касби ўқитувчилик бўлган; у бутун ижодий ишини ёшларга дарс, таълим-тарбия бериш билан қўшиб олиб борган. Ёзган шеърлари, кўшиқлари, декламациялари, ҳикоя, масаллари, эртақлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари ҳамма-ҳаммаси фақат ёшлар тарбиясига аталган ва уларнинг кўплари бугун ҳам ўз маърифий, маънавий аҳамиятини йўқотган эмас...

Хар бир ёзувчи ёки олим фаолиятига баҳо берганда албатта унинг ижодий маҳсулига таяниш оддий ҳақиқат. Буни исботлашга ҳожат йўқ. Бирок кейинги пайтларда пайдо бўлган айрим элбекшунослар ўзбек жадидчилиги тарихи ҳақида ҳеч қандай далил-исботсиз баъзи ноаниқ фикрларни билдиришмоқда.

Аслида Бехбудий, Фитрат, Айний, Мунавварқори каби даврнинг энг илғор зиёлилари бу ишларга жуда катта аҳамият бердилар... Уларнинг мактабларида диний илмлар билан бирга дунёвий фанлар, она тили, адабиёт, риёзиёт, тарих, жуғрофия каби аниқ фанлар ҳам ўқитилади. Маҳаллий “ислом ақидапарастлари” ўша вақтларда ҳам усули жадид мактаб етакчиларига қарши кураш ва фитначилик қилиб “булар ёшларимизни кофир қилмоқчи” деб тухматлар қилган. Чор ҳукумати амалдорлари эса, жадидларни аниқ фанлар ўқитилишдан “халқнинг кўзини очиб юборади” деб чўчир эдилар. Ҳатто Бухоро амири Олимхон Бехбудийни жадидликда айблаб, қатл эттиргани ҳақида

хужжатлар бор. Шунча тақиқларга қарамай, улар ХХ асрнинг бошларидаёқ халқимиз кўзини очди, мактаб-маорифга биринчи даражали аҳамият берди. Шундай қилиб, 1910 йилларда адабиётга кириб келган бутун ўзбек ёзувчиларини уйғотишга жуда катта ёрдам берди... Элбек ҳам худди шу ёзувчилар қаторида турган ва маърифатни тарғиб этишда олдинги сафларда фаолият кўрсатган эди. Буларнинг бирортасини тўлақонли ёки яримқонли дейишга асос топиб бўлмаса керак деб ўйлаймиз.

Элбек ижоди, асосан, ёшлар тарбиясига бағишланган дедик, энди шулар ҳақида фикр юритамиз. Агар 20-йиллар ўзбек адабиётига умумий бир назар ташланса, тенгдошлари орасида бирортаси болалар учун Элбек даражасида кўп асар ёзмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Элбекнинг мазкур соҳага бу қадар фаол иштироқи боиси бор: аввало унинг асл касби ўқитувчилик бўлса, иккинчидан ўша йилларда республикамиз маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги педагогик илмий кенгашнинг аъзоси сифатида вазирлик топшириғи билан ҳам қатор илмий-педагогик вазифаларни бажариб турарди. Кўпгина дарслик ва қўлланмалари ана шу кенгаш қарори билан ҳам юзага келарди...

Истеъдодли ижодкорда гўзалликни кўра билиш, ҳис этиш, уни улуғлаш қобилияти ҳам бўлади. Агар ўйлаб қарасангиз, ёзувчи кўп, шоир кўп, лекин ҳаммасида ҳам шундай, яъни гўзалликни сезиш истеъдоди бор деб айтиш қийин. Ҳар бир асар ўз муаллифининг кифоасини бирор жиҳатдан намоён қилиб туришини англаб олсангиз - бунга мисолларни ўзингиз топа оласиз... Элбек гўзалликни жуда теран идрок этадиган ва нозик ҳиссиётларини асарларида бадиий тасвирлай оладиган истеъдод эгаси бўлган. Гарчи ўзи туғилиб оёққа турган гўзал Хумсон қишлоғидан аллақачон чиқиб, Тошкентга ўқишга келгандан кейин ёза бошлаган бўлса-да, барча шеърларида, хикоя, масал, эртакларида ҳамиша ўша мафтункор тоғли, дарёли, кўкалам боғли, қирли, қўй-қўзили Хумсон ва унинг атрофидаги Угам, Чирчиқ, Чотқол дарёларининг ажойиб табиий ҳусни-жамоли тасвирларини учратамиз... Тўпламлардаги, дарсликлардаги шеърлардан тортиб махсус ёзилган қўшиқ, декламацияларда ҳам биз шуни кўраемиз.

Бу, аввало, шоирнинг ўз киндик қони тўқилган Ерга туғма муҳаббатнинг абадийлиги, унга садокати, эътиқодидар келиб чиқса, иккинчидан бу сўлим маскан унга ҳамиша илҳом бахш этарди. Ахир биз ўзбеклар ўтроқ ва ўз эл-юртимиздан ҳеч қачон узоқлашишни истамайдиган бир руҳда тарбия олганмиз-ку!.. Қорин тўйган жойга бош олиб кетавериш бизнинг табиатимизда йўқ... Аммо айрим ички ва ташқи вазиятлар таҳдиди сталинчи қотиллар хунрезлигидан жон саклаб қолиш учун ватанидан кетганлар бундан мустасно... Ана энди шу жиҳатдан қарасангиз, қатлиом даҳшат солиб турган энг сўнгги кунларгача ҳам ватани, халқи, эл-юрт билан бирга қолганлар орасида Элбек ҳам бор эди-да!

Элбек 1920-йилларнинг бошларидаёқ бошланғич мактаблар учун ёзган ўқиш китобидаги “Навоий” мақоласида Алишер Навоийнинг бутун салобати - миллий тарихимизда тутган ўрнини жуда содда бир услубда энг кичкинтой болаларга тушунарли қилиб изоҳлаб беради. Бунда яна эътиборга алоҳида молик нуқта шулки, Навоийнинг шоир, олим, буюқлигини шарҳлаб туриб, ўзбек тили мавқеини кўтаришдаги хизматлари жуда тўғри уқдирилади, бу фикрлар ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас, “Ёлқинлар” тўпламидаги “Бибиҳоним мадрасаси” шеъриси эса, 20-йилларда хароб қилинаётган тарихий обидаларимиз яна бир кун келиб қаддини ростлаши, кадр-қиммати кўтарилиши - тарихнинг ҳукми деб изоҳланади. Яна “Кекса Туркистон” эртагида эса, ўзбек, тожик, козок, қирғиз сингари барча ерли аҳолиси аҳил бир оила тарзида яшаши билангина вайрон бўлаётган Туркистоннинг қадимий мавқеини саклаб қолади, деган ғоя илғари сурилади...

Бу Элбекнинг миллий, маданий меросларимиз, тарихий обидаларимизни кўз қорачиғидай асраш ёшлар тарбияси учун нақадар зарурлигини уқдириш мақсадларидан келиб чиқарди. Яна бошқа жиҳат, эл-юртига муҳаббат ва садмоқат ҳиссиётлари ҳақида: Ўзбекистондаги фасллар кўклам, ёз, куз, қиш ва ундаги ўзига хос гўзал табиат манзаралари жуда қатта завқ ва илҳом билан болаларга тушунарли жўшқин сатрларда тасвирланади. “Қуёш чиқиши”, “Сув”, “Чўмилиш”, “Тун-кун”, “Ер” каби шеър-

ларида бор-ликнинг завқ-шавқи тасвирланади... “Ер билан тоғ”, “Қайси бири бўри?” сингари кўплаб шеърӣй асарларида эса, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги курашлар, кескин зиддиятлар очиб ташланади, бегоналарга оёкости бўлишдан ғоят қаттиқ нафратланади. Мана бу сатрларга бир назар ташлайлик:

Ер билан тоғ ўртасида  
Юксак тоғ ерга кулиб боқарди,  
Ҳар ёмонликни унга тақарди.  
Айтарди: “Ер, ер, сен эсанг гар Эр,  
Биз каби юксал, кўкрагингни кер!  
Ялпайиб ётма, номусинг сотма!  
Оёк остинда ўзинг топтама!  
Сени инсонлар, бок, на қилдилар?  
Гавдангни минг-минг бўлиб тилдилар!  
Биз каби бўлсанг, сен ҳеч бундаин  
Тубан ҳолларда қолиб ётмасдинг!  
Оёк остиндан қутилардинг бутун,  
Ўзингни хўрлик сари отмасдинг!”

Шеърнинг давомида Ер ва Тоғ устида ҳукм сураётган зулматдан, босқинчиликдан фарёд изҳор этилиши билан бирга индамай “ялпайиб” ётаверганнинг тақдири ҳамиша оёкости, бировларга ем бўлишдир, деган ғоя очик ифодаланади. Мана Истиклол учун курашиб курбон бўлганлар жасорати! Бу сатрларнинг ёзилганига саксон йил бўлди. Унинг ғоявий мундарижаси ҳамон бугунги маънавий талабларимизга жавоб бериши билан қимматли эмасми? Бугунги қалтис дунё воқеа-ҳодисаларига дош бериш ва уларга муносиб ҳар бир муаммога шай туриш - ҳозир энг муҳим масала бўлиб қолди-ку! Элбек салкам бир аср илгари келажак ҳақида бу қадар тафаккурга эга эди... Бизнинг Элбек ва унга замондош зиёлиларимиздан қолган бой маънавий хазина ҳамиша ўз кадр-қимматини сақлаб қолиши боиси ҳам шундадир.

*“...Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс - фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ”.*

*Ислом КАРИМОВ.*

Гап шундаки, ёшларимиз қаерда қандай сабоқ, таълим олишга аҳд қилган бўлсалар - ҳаммасида уларни педагоглар ўқитади, ўргатади, тарбиялайди... Бунинг учун эса, педагогнинг унвони, даражасини кўрсатиб турувчи қўлидаги қоғозлардан кўра, унинг ўз илми, билими, онги, шахсий фазилатлари, шулар мажмуидан шаклланган маънавий кийёфаси жуда муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Афсуски, айрим қоғозлар аксар ҳолларда ўз эгасидан узокдалиги ёки эгалари қоғоздан узилиб қолганларини учратамиз...

Ёдингизда бўлса, мазкур туркумдаги кейинги икки мақолада ҳам ёшлар таълими, тарбияси, педагоглар фаолияти ва уларнинг бугунги ғоят долзарб аҳамияти устида бир қатор мулоҳазалар, ҳатто анча баҳсли фикрлар ҳам билдирган эдик. Бунинг боиси шуки, республикамызда кечаётган воқеа-ҳодисалар, жумладан, оламшумул ўзгаришлар, ютуқлар, ижобий ўзгаришлар, янгиланишлардан бошимиз осмонга етаётган, буюк иншоатлар тезкорлик билан қад кўтараётган бир тарихий вазиятда, ҳатто жаҳондаги энг нуфузли, энг ривожланган мамлакатларнинг обрў-эътиборли раҳбарлари ҳам биз билан тенг ҳуқуқли иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатишга интилаётган бўлса-ю, ўз ичимиздан чиққан, ўз миллатимизга мансуб бир гуруҳ қораниятли ёшлар бутун борлиғимизга қарши бош кўтарса, жиноят қилиб, ўз умрига зомин бўлиб турса биз нега ёшларимиз ҳақида муттасил жиддий ўйламай яшай оламиз?! Бу масалага бир нафас ҳам бепарво бўлишимиз мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда...

Ёшлар тарбияси кимга боғлиқ? Аввало, ота-она ва мактабга, барча тарбия ўчоқларига боғлиқ. Демак, на оила, на маҳалла, на қариндош-уруғ, на қўни-қўшни ва на бирор ўқув ёки тарбия муассасаси бундан мустасно яшай олмайди.



Ахир Юртбошимизнинг кейинги чиқишлари Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари ҳам “Хушёрликка даъват” деб номланиши бежиз эмас-да! Мазкур савол-жавоблар, аввало ўта долзарб талай воқеа-ҳодисалар ҳақидаги теран таҳлили, серкирралиги, ҳар бир саволга, ҳатто энг қалтис саволларга ҳам тўла, аниқ жавоблар берилиши билан эътиборни жалб қилади, ўйлатади, фикрлашга даъват этади, ҳар бир юксак онгли шахсни, софдил, етук зиёлини тафаккурга чорлайди... Бугина эмас, агар таъбир жоиз бўлса, савол-жавобнинг бошидан охиригача яхлит бир кўз олдимизга келтирсак, унинг марказида ёшларни тарбиялаш, келажагимизни энг ишончли қўлларга топшириш масаласи биринчи даражали вазифа деб қўйилиши билан диққатга сазовор. Тарихдан маълумки, ҳар бир ижтимоий тузум ва ҳаётий вазиятлар, одатда долзарб масалаларни кун тартибига чиқаради. Модомики, масала долзарб аҳамият касб этиб, катта муаммога айландими, унга ёндашув, энг тўғри, самарали ечимини излаб топиш йўлида ғоят жиддий ўйлаб иш қилишни талаб этади. Яъни, тафаккур билан иш кўришни такозо қилади... Ҳамиша замоннинг энг илғор ва етук, шу билан бирга софдил зиёлилари, жамият манфаатларини кўзлаб иш кўришни ўзларига олий мақсад қилиб олган буюклар воқеа-ҳодисаларга доим ижодий ёндашишга интиланлар. Муаммоларни қай тарзда ечилса эл-юртга, халки ва миллатига, иқтисодий ёки моддий ва маънавий тараққиётига кўмак беришини ўйлаб фаолият кўрсатганлар. Даврнинг буюк даҳолари инсоният тарихида айна шу фазилатлари билан халқлар ҳурматига сазовор бўлганлар, иззат-икромли ном қолдирганлар...

Агар биз ўзимизнинг миллий тарихимиздаги барча давларга назар ташласак, бунга битмас-туганмас мисоллар топилади... Кўп узокқа бормай, XX аср бошларидаги тараққийпарвар ўзбек жадидчилик ҳаракатининг вакиллари фаолиятида ҳам мана шундай юксак амаллар, жумладан, ёшлар тарбияси, миллий кадрларни ўзимиздан етиштириш масалаларига нақадар катта эътибор берилганини кўраимиз. Бутун тараққийпарварлар, улар фаолиятининг марказий маҳсули сифатида ташкил этилган “Усули жадид” мактаблари XX

аср бошларидаги тўлиқ ўзбек зиёлилари илғор қисмининг олий мақсади, фаолиятининг мазмунини ифода этарди, десак хато бўлмайди...

Шу ўринда мавзуимиз тақозоси билан яна мозийга жиндак назар ташлаб ўтамиз. Гарчи биз айтмоқчи бўлган фикр-мулоҳазаларимизни илгариги ишларимизда ҳам қисман, ҳар хил чиқишлар муносабати билан йўл-йўлакай баён қилган бўлсак-да, бутун унга яна мурожаат қилиш зарурати туғилиб қолди. Ўзбек жадидчилиги ҳаракати, дунёқароши, адабиёти, миллий маданият ва маърифати ҳақида кейинги вақтларда гоҳо илмий-назарий жиҳатдан асосланмаган, аксари тахминий ёки тўғрироғи, масъулиятсизлик билан айтилаётган фикрларга дуч келаётирмиз. Ахборот воситаларини кузатиб юрганлар яхши билишади. Бундай гапларнинг айримларини юқорида қисман таъкидлаб ҳам ўтдик. Ана шу жиҳатдан, то Истиклолимизгача бўлган даврларда XX аср ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек жадидчилигига муносабат қандай бўлгани ҳақида кўп ёзилди. Аммо бир нуқта - ўзбек жадидчилигида Ҳамза билан Айний муносабатларига келганда, адабиётшунослик тарихимизда ҳам сохта фикрлар ҳукм суларди. Мактаблар, олий ўқув юрлари учун ёзилган дарслик-қўлланмалардан тортиб, майда-чуйда мақолалар-у, йирик монографияларда ҳам бир йўналиш давом этди. Яъни, улар маҳаллий буржуазия мафкурачилари эди-ю. Айний билан Ҳамза дастлаб шулар таъсирида бўлиб асарлар ёзишди. Тараққийпарварларнинг миллатчи, буржуа мафкурачилари эканлигини пайқаб қолиши билан ҳар иккала сиймо - Ҳамза ва Айний дарҳол улардан алоқаларини уздилар. Шўро мафкураси томонига ўтдилар... Ва ҳоказо... Албатта, бу масалаларга кейинги вақтларда анча аниқликлар киритилди. Биз ҳам айрим ишларимизда бу ҳақда ўрни билан тўхтаб ўтганмиз. Лекин ҳозир мазкур масалага бизнингча шундай изоҳ берилса тўғри бўлса керак: Садриддин Айний ҳам ўзбек, ҳам тожик адабиётининг йирик вакили сифатида Туркистонда жадидчилик ҳаракати авжи етилиб келаётган даврда адабиёт майдонига қадам қўйган. Ҳамза Ҳакимзода ҳам худди шу кезларда дастлабки шеърлари, насрий асарларини ёзгани маълум. Демокчимизки, бу икки хурматли зотни ҳам қўтлар

қатори мазкур оқим уйғотган, улар биринчи қадамларини халқ оммасига илм-маърифат бериш иштиёқи билан қўйганлар. Негаки, ўзбек жадидчилари асли мустамлакачиликдан қутулиб, миллий мустақилликка эришиш йўли

Ислохотлар жорий этиш, ўзлигини англаш йўли деб тушунганлар. Бу ғояни халқ ва миллат қалбига, онгига сингдириш эса, фақат илм-маърифатни кенг кўламда ривожлантиришдар иборатдир деб билар эдилар...

Ҳамон бугунги ёшларимизни миллий кадриятларимиз заминиде тарбиялашимиз яна ўта долзарб масала сифатида кун тартибига чиқаётган экан, миллий тарихимизнинг энг нурли саҳифаларидан бўлмиш ўзбек жадидчилиги моҳияти, адабиёти, санъати ҳақида бугунги мавзуимиз доирасида қисман тўхтаб ўтиш лозим бўлиб қолди...

Авалло, «Ўзбек жадид адабиёти» деган иборага бир назар ташлайлик. Адабиёт сўзи барчага тушунарли бўла туриб, нега унга жадид ибораси қўшиб айтилади. Чунки айни шу қўшимча - мавзунинг туб моҳиятини ифодалайди. Яъни, жадид янги маъносини билдиради. Шунга кўра янги адабиёт мазмунида тарихимизга кирган.

Унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида мухтасар маълумотни шундай изоҳласак бўлар. Бу адабиёт ХХ асрнинг бошларида, асосан, Шарқ мамлакатлари, Туркия, Эрон, Арабистон, Туркистон, Крим, Татаристон ва Россиянинг мусулмонлар яшайдиган бошқа ўлкаларида Кавказорти халқлари орасида кенг тарқалди. Буларнинг ҳаммаси ўзига хос миллий хусусиятларидан, урф-одатларидан келиб чиқиб, воқеъликни бадиий акс эттириш жиҳатидан гарчи бир-бирларидан фаркли бўлсалар-да, барчалари адабиёти йўналиши, моҳияти, туб ғоявий мундарижасида ягона бир муштараклик мавжуд эди. Яъни уларнинг ҳаммасини энг олий мақсад Миллий Мустақилликка эришиш, мустамлакачилик сиёсати кирдикорларини фож этиш, яққа ҳокимлик ўрнига демократик эркинликларни жорий этиш, давлат тизимида парламентчилик тартибларини ўрнатиш, ўз эл-юртларини ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун кураш ғояси бирлаштириб турарди.

Ўзбек жадид адабиётининг яна бир хусусияти Шарқ

халқлари маънавий оламини бойитиш, уларни уйғотиш ва дунёвий муаммоларнинг энг самарали ечимини топишда тараққиёт этган Оврўпо мамлакатларининг муҳим ҳаётий тажрибаларидан ижодий фойдаланишга даъват этишдан иборат эди. Бу борада ёшларга дастлаб диний илмларни ўргатиш билан бирга ривожланган мамлакатларда амал қилаётган аниқ фанлар - тарих, адабиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, фалсафа, математика, физика, фалакиёт (астрономия), кимё, тупроқшунослик каби талай аниқ фанларни ҳам ўқитиш масалалари кун тартибига қўйилади. Янги усули жадид деб аталган мактабларда шундай ўқиш, таълим-тарбия жорий этилади. Бундай иш жараёнида миллий ўзига хослик, энг илғор миллий урф-одатлар, анъаналарга риоя қилиш, тараққиётга фойда бермайдиган ёки зарар келтирадиган айрим хурофий бидъатларга қарши кескин кураш олиб бориш, уларни аёвсиз фош этиш ҳам адабиётнинг фазилатларидан бўлиб қолади.

XX асрнинг 10-йилларида бу адабиёт кўтариб чиққан мавзулардан кўплари ҳамон аҳамиятини йўқотмай келаётганлиги мазкур адабиёт тарихига абадийлик бахш этади. Жадид адабиётида жамият тараққиётини, халқимиз дунёқарашини ўзгартиришни ниҳоят, тафаккур билангина таъминлаш мумкин, деган ғояга катта аҳамият берилади. Зеро, бу адабиёт ўтмишдаги кўп асрлардан буён мавжуд бўлган маънавий хазинамиз заминиде шаклланган, уларнинг вориси. давоми сифатда майлонга чиқиб, XX асрда кун тартибига чиқаётган энг долзарб масалаларни қамраб олишга интилади. Яъни, халқимиз маънавиятини оммавий равишда юксалтириш билангина ҳам иқтисодий, ҳам маданий тараққиётга эришмоқ билан ўзбекнинг жаҳон миқёсида тегишли ўз мавқеига эга бўлишини истар эдилар. Бунинг учун буюк бобомиз Амир Темур давридаги Буюк Турон давлатидан ибратли нукталарини олишга даъват этилади.

Ўзбек жадид адабиёти минг йиллар илгари жаҳон илм-фани, бутун маънавий тараққиётга замин бўлган Буюк Турон элининг мустамлакачиларга ем бўлаётганидан қайғуради... Бундан қутулиш учун энг мамлакатлар АҚШ, Англия, Япония, Франциядан фан-техника бобида онг-

маданият жихатидан ибрат олишга ундайди. Аммо уларнинг боскинчилик сиёсатига қарши курашга даъват этади. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиб, халқлар бошига солаётган кулфатларини аёвсиз фош этади. Шу билан Миллий Истиклол ғоясини оммавий равишда тарғиб этади. Тарғиб деганда кўпроқ ёшлар кўзини очиш, уларга жаҳондаги зиддиятларни англатиш, ниҳоят дунёвий ва диний илмлар билан курулганиб, рақобатларга дош бериш даражасига кўтарилиш вазифаси қўйилади. Барча жанрдаги асарларида шу ғоялар бўртиб туради...

XX асрнинг бошларида Туркистонда энг кўп тарқалган санъат соҳаси театр бўлиб, ҳар шаҳар ва қишлоқда хаваскорлар труппалари ташкил этилади. Янги фикрларни кенг оммага етказишнинг энг қулай усули ҳам шу эди. Ёзувчилардан кўплари Бехбудий, Фитратлар билан бирга Абдулла Авлоний, Маннон Уйғур, Ғози Юнус, Ҳамза дастлабки сахна асарларини худди шу йилларда ёздилар. Абдулла Қодирийнинг “Жувонмарг”, Хуршиднинг “Жадид ва қадим”, Ғози Юнуснинг “Заҳхоки Морон”, “Лена жаллодларининг суди”, “Хоннинг севгиси” “Сўзлайтарғон кўғирчок” каби ўнлаб драмалар пайдо бўлди. Шу йилларда ўзбек театр санъати гуриллаб ўсиш даврига кирди. Театр санъати учун эълон қилинган танлов сахна асарларининг кўплаб яратилишига олиб келди.

Абдулла Қодирий “Бизда театру ишининг бориши”, “Миллий ашулачимиз фалончи Италиядан ўкиб қайтди” каби мақолаларида санъатда миллий ҳимоя қилади. Театр, кино, мусиқа, ашула санъатларининг оммани тарбиялашдаги аҳамияти нақадар юксаклиги ҳақида теран фикр-мулоҳазаларни изҳор қилади. Ёшларимизнинг тарбия ери мактаб бўлса, зўр мезонлик театрudir. Катталаримизнинг мактаби дарслар ёзувчи педагогларини ёздиклари дарслар фантазия, уйдирмали бўлмасин. Турмушимизнинг асли уста расом томонидан олинган акси бўлсин дейман, деб ёзади “Театру ва мусиқа” сарлавҳали мақоласида. Бу аслида санъатда, адабиётда миллийлик, ҳаққонийлик билан бирга умуминсоний фазилатлар учун кураш ғояларидан келиб чиқар эди...

Шундай қилиб, XX асрнинг бошларида миллий ада-

биёт, санъат ва умуман маданият, маънавиятга тамоман янгича дунёқараш билан иш кўрдилар, ҳаммасида ҳам диний, ҳам дунёвий илм-маърифатни биринчи ўринга қўйиш билан ўзларига хос уйғониш даврини бошлаб бердилар. С.Айний, Ҳамза, А.Авлоний, Мунаввар қори, Вадуд Маҳмуд, Тавалло, Мискин каби қатор ижодкорларнинг ҳаммаси жадидчилик оқимининг дастлабки вакиллари сифатида намоён бўладилар... Шўро ҳукмронлигидан кейинги мазкур шоир, ёзувчилар ижодига баҳо бериш - ўзи алоҳида мавзу.

Ҳозир эътиборингизни Садриддин Айнийнинг Бехбудий хотирасига аталган мана бу шеърига жалб этамиз.

Сени мундан буён Турон кўролурму, кўролмасму?

Сенинг маслагингни Туркистон тополурми,  
тополмасму?

Сенинг тарихи давронинг, сенинг осори урфонинг,  
Сенинг номинг, сенинг шонинг жаҳон қолдиқча  
қолмасму?

Ватан авлоди ёд этди, сени ҳурматда шод этди,  
Ва лекин интикомингни ололурму, ололмасму?

Жаҳонда зулмкор зоҳир, жаҳон қонхўр, жаҳон  
жобир,

Жаҳонжин бир замон охир, ситамагарлик  
йўқолмасму?...

(1920.04)

Агар мазкур шеърнинг ҳар бир сатрига алоҳида-алоҳида эътибор билан ёндашадиган бўлсак-да, унда Садриддин Айний дунёқарашининг энг улуғ, жўшқин, содиқ эътиқоди айни ўзбек жадидчилик оқимининг етакчи вакили қиёфасига мурожаат услубида жуда ёрқин намоён бўлади. Зеро, Айний мазкур шеърни 1920 йил июнь ойида ёзгани ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, бу даврда октябрь тўнтариши амалга ошганига уч йил тўлган, Бухорода эса, буларга қирон келтирган амирлик тизими ҳали мавжуд эди. Агар тарихий манбаларга чуқурроқ қаралса, улар даврининг энг илғор, таракқийпарвар кучлари сифатида, аввал чор Россияси томонидан, қолганлари Туркистонда қарамликка ҳукмронлик қилаётган хонликлардан, ундан кейин эса, Шўролардан жазога тортилиб, оқибатда батамом

кириб ташландилар. Садриддин Айний бу тарихимизнинг ҳаммасида бевосита иштирок этган, чор ҳукумати, хонлик-амирликдан ҳам жафо чеккан...

То 1920 йилларгача ҳам ўзбек жадидчилик дунёқараши ва ўз устози бўлган оқим етакчиси - Бехбудийга садоқатини сақлаб қолган...

Дунёда зулм қилувчи кучлар бор экан, жаҳон бошига кулфатлар ёғилаверади деган ғояни ўша вақтда баён этиш катта жасорат эди... Имон-эътиқод, халқига, ватанига садоқатли шахсларгина бундай фаолият ва жўшқинликни ошқора намоеён этишга журъат қила олардилар... Адабиётимиз тарихини шунинг учун ҳам халқимиз, миллатимиз тарихи деб аташ мумкин бўларди... Тарихимиз келажакимизни доим ўз ёғдуси билан муттасил нурафшон қилиб туриши боиси ҳам шудир.

Мана шунинг учун ҳам ёшларимизни миллий кадриятларимиз асосида тарбиялашни долзарб вазифа қилиб қўяр эканмиз, XX аср бошларидаги ҳаракат, адабиёт ҳамда ушбу ҳаракат ва адабиётнинг кўзга кўринган намояндалари ҳаётини чуқур ўрганиш, Ватанга садоқат, жамики янги тараққиётга хизмат қилувчи ишларга астойдил киришиш, халқ, эл-юрт ўртасида илм-маърифатни кенг тарғиб қилишдаги улар намунасидан ибрат ва илҳом олиш ғоят муҳим ва фойдалидир.

\*\*\*

*“...Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлиқдур...”*

*А.Авлоний*

Биз юқорида келтирган - ёшларга илм-маърифат бериш нақадар зарурлиги ёниб тарғиб этилган мулоҳаза ва айни бундан кўзланган асл мақсад Ватанга меҳр қўйиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда бекиёс гўзаллигига эътиборни жалб қилиб, ёшларда Ватан туйғусидек бир олий ҳиссиётни уйғотиш, ривожлантиришга қаратилган шеърый сатрлар қарийб бундан салкам бир асрлар муқаддам ёзилган.

1970-йилларнинг ўрталари ва иккинчи ярмиларида бироз эркинрок фикрлар айтиш, айрим миллий кадриятларимизни тиклаш борасида жуда қийинчиликлар, тўсиқлар билан бўлса-да, бир қадар ишлар ўша замон кўтаришига қараб, амалга оширила бошланган эди. Бу даврларга келиб Абдулла Қодирийнинг романлари қайта-қайта нашр этилган, Фитратнинг “Қиёмат”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, Ғози Юнуснинг, Элбек, Боту каби аждодларимизнинг айрим асарлари бирин-кетин чоп этилаётган эди... шоир ва олим Ўткир Рашид 1969 70 йилларга келиб Усмон Носирнинг икки китобдан иборат асарлар тўпламини нашр эттирди, унга ўзи сўзбоши ёзди, Усмон Носирнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини, яна айтаман, ўша давр вазияти кўрадиган бир руҳда изохлайди... Аммо ҳали миллий кадриятларимизни тиклаш, улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш имконияти йўқ эди. Агар бир буюк ёзувчи ижодининг бирор юксак жиҳатини жиндек кўтариб айтиш учун, аввало, унинг асарларини титкилаб бир қатор “камчиликлари, нуқсонлари, советлар мафқурасига тўғри келмайдиган” томонларини топиб бир сўкиб олиш талаб этиларди. Масаланинг бу томонига келганда “шамолга қараб юз бурадиганлар” худди 20 30 йиллардаги талончиликни бемалол давом эттирдилар. Қодирий асарларининг 70 80 йилларда чоп этилган романларига ёзилган сўзбоши, унга атаб ишланган расмларга бир разм солсангиз бу манзараларнинг ёркин намоишини кўрасиз. Худди шундай бир вазиятда адабиётшунос Бегали Қосимов Абдулла Авлоний асарларини тўплаб, 1979 йилда чоп эттирди. Тўпламга “Тошкент китоби” деб ном қўйилган ва унга Авлоний қаламига мансуб шеърлар, масаллар, ривоятлар, драмалардан намуналар киритилган...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижодий фаолиятига анча холис ёндашилади, бу сўз бошида аниқ сезилади. Зеро, бундан йигирма йиллар илгари Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳақида педагог-олим Мухиддин Махсумов номзодлик диссертацияси ёклаганда, Авлоний шаънига қора доғ ёпиштириб келганлардан айримлари унга қаттиқ ҳужум қилганларини



хам биламиз. Аммо софдил кўпчилик-жамоатчилик диссертантни химоя қилди, тадқиқотчи ғалабаси билан иш якунланди... Шундан буён чикқан мазкур тўплам Авлоний ҳаёти ва фаолиятини: асарларини кенгрок кўламда тарғиб этишда ўз муносиб хиссасини қўшиб келмокда... Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур тўпламга ёзилган сўзбоши ҳам ўша 70-йилларга хос ҳукмрон мафкура таъсиридан четда қолган эмас, бу табиий эди. Муаллиф ва бошқалар кейинчалик Авлоний ҳақида бор овоз билан баён этувчи кўплаб чиқишлар қилдилар. Ўзбек адабиёти тарихида бундай ҳоллар неча йиллардан буён давом этиб келаётганини синчковлик билан кузатиб келаётган зиёлилар яхши билишади... Шу ўринда бир мулоҳазага эҳтиёж бор: демокчимизки, бир вақтлар, қарамлик қулликда яшаётган кезларимизда миллий кадриятларимизга босқинчилар росмана хужум қилганларини биламиз. Шунда ўз ичимиздан чикқан ёвуз ниятли кимсалар уларга накадар дастёрлик қилиб катта-катта мукофотлар олганларини ҳам биламиз... Ана ўша тоифаларнинг дунёқарашини ўзгартириш ҳамон қийин кечмокдалигини ҳамма ҳам тўғри идрок этармикин?! Афсуски, йўқ! Агар бутун ўзбек халқи, шуни катта-ю кичик баробар хис этганда орамиздан ёвузлар, соткинлар, мунофиқлар чикмасди!.. Биз бугун миллий кадриятларимиз, Ватан туйғуси каби мукаддас мавзуларда қанчалик фикр юритмайлик, аслида мақсадимиз ва айтиш мумкин, энг олий ниятимиз Мустақиллик берган неъматларни сақлаб қолиш, уларни ёвларимиздан химоя қилиш, маънавиятимизни химоя қилиш эса, ўз-ўзидан Ватанни химоя қилиш билан уйғунлашиб кетади. Негаки, Ватан бўлмаса, маънавият йўқ, маънавият бўлмаса, Ватан йўқ. Бу иккиси бирга яшайди, бирга ривожланади, бирга мавжуд бўлади десак хато бўлмаса керак...

Агар биз бугунги мавзуимизни буюк аждодларимиздан бири Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди, ундан бизга қолган бой маънавий мерос, унинг бугунги аҳамияти, миллий тарихимизда тутган ўрни масалаларига бағишлайдиган бўлсак, ўтмишимизнинг ҳозирги ҳаётий муаммоларимиз билан накадар ҳамоҳанглигига ҳайрон қоламиз. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқлиги ҳақидаги Юртбошимиз муло-

ҳазаларида қанчалик ҳақиқат борлигига яна бир бор тан берамиз. Тўғри, бундай мулоҳазалар илгарилари ҳам айтилган, ёзилган, аммо шўролар даврида ҳам шу фикрлар ёзилиб-айтилиб туриб, ўтмишимизга қарши оммавий равишда қирғин қилинганини бизнинг ёшдагилар ўз кўзи билан кўрди-ку?! Кўплаб буюк аждодларимиз миллий тарихимиз, миллий анъаналаримиз, миллий маданиятимиз, маънавиятимизни ҳимоя қилганлари учун қатл этилганларини ким билмайди?! Биз ана шу воқеа-ҳодисаларни тез-тез эслаб туриш билан Истиклолимиз маънавий оламга нималар бергани ва бераётганини ёшларимизга, ҳатто айрим катталаримизга, дунёқарашада ҳамон ўзгариш қилмаётган кимсаларга турли воситалар билан, шу жумладан, миллий кадриятларимиз ҳақидаги бугунги фикр-мулоҳазаларимиз воситасида уқдириб боришга интиламиз...

Агар шу жихатдан Абдулла Авлоний маънавиятига, адабий, маданий меросга ёндашадиган бўлсак, яна бир бой тафаккур ҳазинасига дуч келамиз... Абдулла Авлоний XX асрнинг бошларидаёқ Тошкентда маърифат нурларини таратишга, ўзбек халқини жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар фуқаролари турмуш даражасига етказиш учун ёниб яшаган йирик бир зиёли, воқеалар, ҳодисаларни дунё миқёсида идрок этишга қодир, уларга ўз муносабатларини чуқур ва кенг қўламли тафаккур билан баён қила оладиган шоир, олим, педагог, санъаткор, драматург, ҳуллас қомусий бир сиймо эди...

Юқорида айтилган айрим мулоҳазаларга биргина далил келтириб ўтамиз-да, кейин асосий мавзуни давом эттирамиз: мазкур мақола қоғозга тушаётганда Истиклолимизнинг 8 йиллиги тантаналари бошланиб кетган, шу муносабат билан рўй бераётган воқеалардан бири Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманида янгигина қуриб битирилган коллеж биносининг очилишига бағишланган анжуман телеэкранда намойиш қилинди. Унда туман аҳолиси, коллеж ходимлари, талай фуқаролар йиғинига ташриф буюрган Юртбошимиз нутқлари янграб қолди... Бу тантанани кўпчилик кўрди, эшитди. Шу анжуманда баён қилинган фикр-мулоҳазаларда - буюк педагог Авлоний дунёқарашада талай муштараклик борлиги эътиборни жалб этади... Бир

эслаб кўрайлик - “Сенинг исминг бу дунёда мукаддасдур”, деб Ватанга хитоб қилиш, “Ҳар ким сенинг кадринг билмас ақли пастдур” деб Ватан кадрига етмаганларга таъна қилиш, “Сенинг туйғинг юракларга савдо солур” деб Ватан туйғисини улуғлаш, “Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур” деб - Ватан туйғусини ҳамма нарсадан устун қўйиш, “Онамизсан, бизнинг мушфиқ онамизсан”, деб Ватанни она деб таърифлаш, “Жавлон уруб яшайдурғон хонамизсан!” деб- ўз Ватанида худди она қўйнидек эркин, озод, хузурбахш яшаш сингари ғоят нозик, ғоят муҳим, ҳатто ғоят қалтис бир тарихий вазиятда изҳор этилган туйғу-хислар Авлонийдек буюк сиймодан нақадар теран фикрлар, жуда бой дунёвий тафаккур, шу билан бирга нақадар катта жасорат талаб қилганлигини бир ўйлаб кўрсак, ажодларимизнинг ниятлари қанчалик пок, мақсадлари қанчалик юксак бўлганлигига қойил қоламиз. Бутина эмас, уларнинг бир асрча илгари - XX асрнинг 10-йилларида қилган орзумидлари бугун жаранглаб тургандай, бугун айтилаётгандай, мутлақо эскирмаганлиги, ҳамон тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлиги билан ўз қимматини тобора ошира бор-моқда. Худди шу фазилатлари билан мазкур маънавий хазина умуминсоний аҳамият касб этади, дунё тургунча туради десак, муболаға бўлмаса керак...

Абдулла Авлоний биз келтирган сатрларни 1916 йилда

Туркистон ўлкасидан чор босқинчилари томонидан ўтказилган “Мардикор олиш” деб аталган мудҳиш бир тадбир амалга оширилаётган кезларда ёзади. Бу давр ўзбек халқи тарихида қандай кечгани ҳақида Чўлпон, Зиё Саид, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли, Ҳамза ва бошқалар ҳам кўплаб шеърлар, мақолалар, хикоялар, сахна асарлари ёзишган. Шулар каторида Абдулла Авлоний ҳам бу машъум воқеа халқимиз бошига қандай фожиалар солганини баён қиладиган катор шеърлар ёзади. Уларда ўзбек оилалари, оналар, мардикорликка кетаётган болаларнинг туйғу-хислари, чекаётган изтироблари, оҳу ноалари баён қилинади... Булар аслида чор босқинчилари эл-юртимизга не кунларни солгани ҳақида йилномалар сифатида тарихимизга қиради. Фожиалар туфайли фарёд чекаётган фуқароларимиз қалбларида босқинчиларга нафрат, ўз Ватани, миллатига ҳурмат

хиссиётлари билан уйғунлашган холда ифода этилади. Бунинг туб негизига чуқурроқ қарасангиз, босқинчиларга қул бўлиб яшаш, қарамлик, эл бошига солаётган фожиалар ва ундан қутулиб, ўз Ватанида “жавлон уриб” яшашга интилиш, шу ғояга жасорат билан даъват этиш мақсадлари барқ уриб намоён бўлади, жаранглаб эшитилиб туради...

Биз юқорида алоҳида таъкидлаб ўтган сўз-ибораларда ифодаланган маънолар, мақсадларнинг туб манбалари асли Абдулла Авлоний мансуб бўлган - XX аср бошларида росмана шаклланиб жаҳон майдонига чиққан ўзбек жадидчилари тафаккурдан иборат эди. Мактаб, маориф, маърифат, таълим-тарбия, ёшларни жаҳон зиёлилари талаблари даражасига етказиш, шу билан Ватан, Миллат борлигини сақлаб қолиш - намоёиш этиш бутун тараккийпарвар миллий табақаларимизнинг олий нияти эди. Ўз фаолиятларининг кўп киррали барча соҳаларида улар жаҳолатга қарши маърифатни биринчи ўринга қўйишни диний илмлар билан табиий фанларни биргаликда ўқитиш масаласини кун тартибига чиқарганларида нақадар катта тўсиқларга дуч келганликлари ҳақида талай диллилар мавжуд. Бу ўша мустамлакачилик даврида миллий мустақиллик учун кураш йўлининг энг оғир, энг мураккаб жараёнларидан бири эди... Шу ўринда яна бир муҳим нукта бор: Абдулла Авлоний ва унинг ҳамфикр замондошлари миллий Истиклолга нега уриш-талаш, давлат тўнтариши қон тўкиш билан эришиш вазифасини қўймадилар? Чунки, улар чор Россиясига қарам кезларида - бир эмас, уч-тўрт уруш даҳшатларини бошдан кечирдилар - 1905 йилги инқилоб, 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, 16 йилги “мардикор олиш” воқеалари, 17 йилги февраль инқилоби, ундан кейинги октябрь тўнтариши, ҳатто ундан кейин яна 30-йилларгача давом этган фуқаролар уруши деб қизиллар томонидан айтилган аслида Туркистон ерли халқларнинг ўз озодлиги учун курашлардан иборат бўлган, аввал, чор ҳукумати, кейин қизиллар босқинчилигига қарши олиб борилган қонли урушларни ўз кўзлари билан кўрадилар... Урушлар ҳеч қачон халқларга рўшнолик келтирмагани, қачон уруш бўлса, кимлардир фойдалангани, оддий халқ доим эзилиб-янчилик келаётганини бутун жадидлар, шу жумладан, Абдулла

Авлоний ҳам чукур идрок этарди. Шу хаётий-аник тажрибалардан келиб чикиб, тараққийпарвар жадидлар Ислохот йўлини танлайдилар... Ислохотлар эса фақат илм-маърифат воситасида амалга ошади деб қараш, ёшларни айна шу ғояга таяниб тарбиялаш мазкур оқим тарафдорларининг бош мақсади бўлиб қолади. Зеро, айна мана шу ғоя ўзбек оқим тарафдорларининг бош мақсади бўлиб қолади. Зеро, айна мана шу ғоя ўзбек жадидларининг тафаккури негизини ифодаларди. Илм-маърифатни жаҳондаги энг юксалган мамлакатлардаги ўқиш-ўқитиш даражасига кўтариш миллатни ўзлигини англашга етказиши мумкин деб ҳисобланарди... Бундай олий мақсадларни амалга ошириш учун ёшларга ўз она тили, адабиёти, тарихи, диний илмларни ўқитиш билан бирга аниқ фанларни, чет тилларни ҳам ўргатиш, улар орасидан чиққан энг истеъдодларини жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларга юбориб ўқитиш вазифалари ҳам асримиз бошларида кун-тартибига қўйилган... Октябрдан олдин ҳам, ҳатто кейин ҳам 20-йилларда бир қатор ўзбек йигит-қизларини Германия, Туркияга юбориб ўқитишда Фитрат, Файзулла Хўжаевлар жонбозлик кўрсатганлари ҳақида ахборот воситаларида маълумотлар яқинларда ҳам эълон қилингани, асли ўша Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Исмоилбеклар, Маржонийлар сингари буюк зотларимиз бошлаб берган ишларнинг давоми эканлигини тушуниб олиш кийин эмас... Аммо бу ташаббусларнинг ҳаммаси - фитначи шўрочилар, ўзларини коммунистлар деб атаган қўпоровчилар томонидан қонхўрларча тор-мор қилинди...

Миллий тарихимизнинг асримиз бошларида кечган жараёнлари ҳақидаги қисқача фикр-мулоҳазаларимиз бизнинг Истиклол фидойилари бўлмиш буюк сиймоларимиз интила-интила етолмаган мақсадлари бугун амалга ошаётганини ким билмайди?! Буни англамаслик учун, кадрига етмаслик учун ё руҳий хаста, ёки ўта ёвуз кимса бўлмоқ керак... Биз ушбу тарихни ёзаётган кунларда Тошкентдан бошлаб, республикамизнинг деярли барча вилоятларида олти-саккиз ойларда қурилиб битган бир қатор лицей, коллежларнинг ҳашаматли бинолари очилишига бағишланган тантаналар телерадиоларда эълон қилиниб

турарди... Абдулла Авлоний ва унинг барча ҳамфикр замондошлари орзу-ҳавас қилган кунлар асли шу кунлар эмасмиди?! Пойтахтимизда биринчи очилган айрим ўқув юрти тантаналарида иштирок этган Юртбошимиз - бу ерда ёшлар онгига миллий ғояларни чуқур сингдириш, уларни миллий мафкура, Ватанга муҳаббат руҳида тарбия бериш, ўз миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан қараш, шу билан бутун маънавиятни ривожлантириш ғояларини сингдириш ҳозир нақадар муҳимлигини алоҳида уқдириб ўтдилар... Яна айни кунларда - Тошкентда Ислом университетининг очилишига бағишланган анжуман ҳам бўлиб, унда ҳам Юртбошимиз иштирок этдилар... Бу йил мазкур ўқув юртига беш юз ариза тушгани, шундан 114 бола қабул қилингани ҳақидаги маълумот ҳам эълон қилинди... Шу ўринда яна бир муҳим дадилни келтиришга эҳтиёж бўлди: Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонлаш муносабати билан дунёнинг турли бурчакларидан, жуда эътиборли давлат ва жамоат раҳбарларидан Президентимиз ва халқимиз номига табрик телеграммалари келди, улар ўқиб эшиттирилди, чоп этилди... Шулар орасида Жиддадан Ислом Конференцияси Бош қотиби Ал Ироқий юборган табрик телеграммаси ҳам бор. Бунда Ал Ироқий Ўзбекистон раҳбарининг ислом динига нисбатан кўрсатаётган ҳурмат-иззатини, пок эътиқодини алоҳида таъкидлаб катта миннатдорчилик изҳор этади. Айни кунларда биз нега бунга алоҳида урғу бердик? Бунинг сабаби бор: динни рўқач қилиб босмачилик, ўғрилиқ, хунрезлик қилаётган ёвузлар билан чинакам имон-эътиқодга риоя қилиб яшаётганлар ўртасида ер билан осмондек фарқ борлигини доим эслаб туриш - бугун ҳаёт тақозоси бўлиб қолди. Айрим ғаразгўй ёки ўта содда, жоҳилликка мойил кимсалар доим динни баҳона қилиб ёвузлик қилаётганларга асир бўлиб қолаётир-ку! Бу ҳолатни биз эътибордан чиқара олмаймиз!..

Агар биз Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижодига, ундан қолган маънавий меросга шу нуқтаи назардан ёндошсак, яратган шеърлари, насрий асарлари, таржималари, драмалари, хуллас дарслик ва қўлланмалари, бутун ҳаёти-ю фао-

лияти бугун бой бир миллий-маънавий хазинадан иборат эканига янада чуқурроқ ишонч ҳосил қиламиз.

\*\*\*

Миллий тарихимизни ўрганиш ва ундан бугунги, эртанги ҳаётимиз муаммоларининг энг ижобий, энг самарали ечимларини топиш жараёнларида ижодий фойдаланиш ҳамиша кун тартибидаги янгидан-янги долзарб масала бўлиб қолаверади. Биз бундан ҳеч қачон чекинмаймиз. Зеро, ҳаётимиз давом этар экан, тарихимиз ҳам биз билан барга яшайверади, олдимизга вазифалар қўяборади.

Бугунги мавзуимиз ўзбек жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш, уни баҳолаш, турли нуқтаи назарлар устида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуман атрофида боради...

1999 йил 16-18 сентябрь кунлари Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси биносида муҳим бир тадбир бўлиб ўтди. Унинг моҳияти, ғоявий мундарижаси шундай изоҳланган эди: XX аср бошларида Марказий Осиё: ислохот, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик).

Халқаро миқёсда ўтказилган мазкур анжуман ташкилотчилари ҳам ғоят салмоқли, юқори мавқега эга муассасалардан иборат бўлганининг ўзиёқ эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон янги тарихи маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тарих институти, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Марказий Осиёни тадқиқ этиш Франция институти сингари обрўли ташкилотлар мазкур анжуманнинг ташкилотчилари бўлиши.

Ҳар куни эрталаб соат тўққиздан кеч олтигача уч кун давом этган йиғинда республикадаги олимлар билан бирга хориждан АКШ, Франция, Нидерландия, Татаристон ва бошқа жойлардан келган тарихшунос, адабиётшунослар ўз маърузалари билан қатнашдилар, қимматли фикрларини баён қилдилар, айтилганлар юзасидан шундай

кизгин бахслар, мунозаралар бўлдики, мажлислардаги 7-8 соатлаб қимир этмай ўтириш ҳеч кимга малол келгани йўқ.

Шунинг ўзиёқ қатнашувчиларнинг масалага нақадар қизиқиб қараганлари, айти шунинг учун ҳам мутлако зерикмай ўтирганлари ҳақида тасаввур берадики, бу бежиз эмас эди-да!

Шу анжуманда бизга маълум бўлган яна бир эътиборга лойик, таъкидлаш шарт бўлган нуқта бор эди - бу шундан иборатки, бизда то Истиклолга етиб келгунимизча ҳам миллий тарихимизга оид ишлар, тадқиқотлар бўлган. Аммо барча соҳалар ўзбек жадидчилиги тарихи устида қачон бирор гап очилса, бу оким ёки ҳаракат фақат захарли ғоядан иборат қилиб кўрсатилган, сохталаштирилган миллий тарихимизда энг салбий жараён сифатида талкин этилган. Бундай ясама таърифу тавсифлар кўплаб ёш тадқиқотчилар, илмий ходимларни чалғитган, ўз тарихимиз тўғрисида ўзимизда ноҳақ тасаввур, нотўғри тушунчаларни шакллантирган. Жумладан, камина ҳам 1950 йилларнинг ўрталарида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини биринчи ўрганишга қадам қўйган кезларимизда ўзбек жадидчилиги ҳақида ҳам фикрлаш зарурати туғилган; чунки Абдулла Қодирийнинг ижоди бу билан бевосита боғланиб кетгани маълум. Хуллас, шунда биз ўша вақтдаги айрим ўзбек тарихчи, файласуф олимлари ишларида баён этилган фикр-мулоҳазалар таъсирида ўзбек жадидчилигини миллий буржуазия синфи манфаатларини химоя қилувчи ғояларни тарғиб этувчи, демак, шўролар мафкурасига тамоман ёт бир дунёқараш деб, ҳатто “бизга зарарли оким” деб изоҳлаганмиз... Ўз ўқиганларимизни таҳлил этиш эмас, қандай бўлса, шундай тушунишдан нари ўтолмасдик. Аммо, ўша қалтис тарихий вазиятларда ҳамма воқеа-ходисаларга теран онг ва тафаккур билан қарай оладиган икки сиймо домла Иззат Султон билан Иброҳим Мўминовлар, каминанинг ишларидаги ўзбек жадидчилигига оид тўрт саҳифани чиқариб ташлаб, “сиз бу масалани ҳал қилолмайсиз, ҳозир қўя туринг!” деб секингина огоҳлантириб қўйганлари ҳамон эсимдан чикмайди.

Яна бир муҳим нуқта: ишнинг “20 йиллар ўзбек адабиётида проза” сарлавҳали биринчи бобида бир қатор маз-



кур давр ёзувчилари билан бирга Садриддин Айний, Ҳамзанинг насрий асарлари ҳам тилга олинади. Айнийнинг “Эски мактаб” асари устида ҳаддан ташқари “қайнаб” бутун эски мактабу таълим-тарбияга ўзимизча “хужум” қилиб юборибмиз. Шу ердаги қарашларимиз Иброҳим Мўминовга малол келиб, “Эски мактаблар сиз айтганча ҳаммаси ҳам ёмон бўлган эмас. Ўша Алишер Навоий, Ибн Синолар ҳам эски мактабдан чиққанлар” деб изоҳлаганлари ҳам каминани жуда хушёрликка чақирган. Мен индамай қолдим. Домла Иброҳим Мўминов ҳам бошқа ҳеч нима деганлари йўқ... Мана шу суҳбатлар, мулоҳазалар - унча очик-ёруқ бўлмасда, бизнинг етук зиёлиларимиз қалбилари тўрида ўтмишга, миллий тарихимизга, айниқса, ўзбек жаҳидчилик ҳаракатига нисбатан бемалол айтолмай юрган дардларини аниқ кўрсатиб турарди... Демак, йирик олимларимиз ўз ўтмишимизга беҳурматлик билан қарашдек уринишлардан ёшларни сақлаб қолиш тўғрисида ғамхўрлик қилганларини биз энди тушуниб турибмиз, минг раҳмат шундай пок ниятли аждодларимизга!..

Бошлаган мавзуимизнинг бундан қарийб 30 - 40 йиллар илгариги фаолиятларимизга ҳам тегишли нуқталари бўлгани учун, жиндек ортга назар ташлаб ўтдик, зеро бу аниқ ҳаётий мисоллар билан бугунги маънавий юксалишимиз ўртасидаги муайян муштараклик борлигини исботловчи кичик бир далил бўлиб қолади... Энди юқоридаги асосий мавзуни давом эттираемиз.

Биз бундан 20 - 30 йиллар илгари бутун тарихимиз сохталаштирилиб юборилаётган, ҳаммасини қоралаб, инкор этишга мажбур қилинаётган йилларда дунёнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, Франция, Ирландия, АҚШ, Германия, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи тили, тарихи, адабиёти, маданияти, жаҳидчилик оқимининг шаклланиши, ривожланиши, унинг ғоявий йўналиши, етакчи сиймолари ҳаёт ва ижодий фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш мутасил давом этган экан... Бизни бутун дунёдан ажратиб, атрофимизни тиканли сим билан ўраб олган мустамлакачи шўролар буларнинг бирортасига яқинлаштирмай, ҳамма ишни ўз хоҳишларича амалга ошираверганлар... Эндиликда

юкорида номлари тилга олинган ва олинмаган бир қатор мамлакатлардан келган олимларнинг маърузаларидан биз буларни билан олдик...

Бу ҳам Истиклолимиз шарофати эмасми?! Яқиндагина, истиклолимизнинг дастлабки йилларидаёқ жаҳондаги энг ривожланган давлатлар билан бевосита алоқаларга кириша бошлаганимизда - Франциянинг мархум собиқ президенти Франсуа Миттеран билан Президентимиз биринчи учрашганларида Франциядек катта мавкега эга мамлакат раҳбари бизнинг миллий тарихимиз, буюк саркарда ва давлатимиз раҳбари бўлган Амир Темур даври, шахси, тарихи, унинг жаҳон маданий, маънавий, иктисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда қалбларимиз фахр ва севинчдан тўлқинланган, миллий ифтихоримиз бутун вужудимизни яйратиб, бошимизни кўкка кўтармаганмиди...

Бугун эса, ўша юртдан келган француз олими - доктор Винсент Фурньё - Тошкентда ўтган ўзбек жадидчилик тарихига бағишланган халқаро анжуманнинг ташкилотчиларидан бири бўлиб, унда тоза ўзбек тилида маъруза қилиб, яна хавасларимизни келтирди. Германиядан келган профессор Ингеборг Балдауф эса, ўзбек тилида эркин маъруза қилиш билан чекланмай, гап орасида тоза миллий тилимизга хос айрим мақол ва маталларда ишлатиладиган сўз ўйинларини ҳам талаффуз этиб, залга қувноқ, беғубор кулги ва хушқайфият ҳадя қилиб туришлари таҳсинга сазовор эди...

Бу жиндак “лирик чекиниш” мазкур анжуман иштирокчисининг шахсий бир руҳияти холос, аммо унда ўзига хос миллий ҳиссиёт ёғилиб турарди; бинобарин, муҳокама қилинган масаланинг бутун моҳияти ана шу хис-туйғулар билан йўғрилиб кетганини ҳар бир онгли иштирокчи уч кун давомида эрталабдан кечгача сезиб турди. Шунинг учун ҳам йигиннинг бирор они ҳам зериктирмади. Илмий анжуманларда бундай руҳнинг мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Демак, барча иштирокчилар диққат-эътибори бир нафас ҳам чалғигани йўқ...

Маърузаларнинг ҳаммаси деярлик, Ўрта Осиё мусулмонлари онгида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шаклланган янги тафаккур, миллий озодлик, миллий мус-

тақиллик ғоялари, унинг олий мақсади, халқ ва жамият олдига қўйган вазифаларига доир талай қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилишга бағишланди. Кўпдан-кўп илмий, назарий муаммолар, уларнинг энг самарали ечимларини излаш ҳаммасида етакчилик қилгани аниқ кўзга ташланиб турди. Шу билан бирга, айтиш мумкинки, аксариятида баҳсли ўринлар бисёр бўлди. Бундай нуқталар ўзимиздаги олимларда ҳам, хориждан келганларда ҳам бор эди. Шу сабабдан бўлса керак, баҳслар маърузалардан ҳам қизиқарлироқ ва қизгинроқ ўтди, вақт-соатлар талаш бўлди десак-да, хато бўлмаса керак...

Баҳсли нуқталарнинг ҳаммасига тўхтаб ўтиш қийин. Аммо назаримизда унда энг муҳими, жумладан шулар эди: Ўрта Осиё мамлакатларида жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши даврини белгилаш; мазкур ҳаракат етакчиларининг ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериш; Туркистонни чор Россияси босиб олган даврида миллий озодлик ҳаркатлари; қизил империя ҳукмронлиги давридаги жадидчилик ҳаракати; октябрь тўнтарыши, унга жадидларнинг муносабатлари; ўзбек ва бутун Туркистон жадидларининг октябрдан кейинги фаолиятлари каби бир қатор мавзулар, муаммолар анча баҳсларга сабаб бўлди. Аммо фикр олишувлар, мунозаралар, айрим қўполроқ нуқталарни ҳисобга олмаганда, асосан илмий-назарий одоб доирасида бўлди...

Шуниси диққатга лойиқки, барча маърузаларда, баҳс-мунозараларда ўзбек жадидчилик ҳаракати тарихини чуқур ўрганиш, унга тўғри илмий баҳо беришнинг тарбиявий аҳамияти, бунга Ўзбекистонда фақат Истиклол туфайли эришилаётгани яқдиллик билан ҳар чикишда таъкидланиб турди. Бу асли жаҳон миқёсида юртимиз амалларининг тан олиниши, эътироф этилиши тасдиғидир...

Хорижлик ҳамкасбларимиздан бири профессор Ингеборг Бальдауф жаноблари “жадидчилик мусулмон оламида минг йиллардан олдин бошланган... Мусулмонлар тарихининг ҳар бир асрида ўз жадидлари бўлган” деган фикрни ўртага ташлади ва буни исботлашга уринди. Эҳтимол, агар тарихимизнинг ҳар бир асрида янгилик тарафдорлари, тараққийпарвар зиёлилари мавжудлигини кўзда

тутиб, ҳаммасини жадидлар деб ҳисоблаш мумкин бўлса, мазкур мулоҳаза тўғри бўлиб чиқар. Бирок, жадидчилик деган иборанинг ўзи тарихимизда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида пайдо бўлди, айти шу давр ижтимоий, сиёсий тизимлар, ҳукмронлар, қарамлар, ғолиблар, мағлублар фаолиятдан келиб чиққан дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ-ку?! Аждодларимиз тафаккурининг бу даврга хос моҳияти худди шу тарихий вазиятлар билан боғлиқ бўлганлиги кўзда тутилса, бу тарих билан қадимий тарихни аралаштириб юборилмагани маъқул бўлса керак. Бир томондан тўғрилиги шуки, бирор дунёқараш бир кунда, бир онда тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Унинг хақиша узокларга бориб тақаладиган чуқур тарихий илдизлари бўлади, жадидчилик ҳам худди шундай. Аммо дунёқарашлар ҳаётда содир бўлаётган муҳим ва катта воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ўз муносабатларини баён қилади. Агар биз шу жиҳатдан унинг тарихига ёндашадиган бўлсак, пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш тарихини XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни Туркистонни чор Россияси босиб олган даврдан бошлаб. Ўрта Осиё босқинчиларга қарши миллий мустақиллик учун кураш ғоялари шаклланиши даври билан изоҳлангани маъқул деб ҳисоблардик. Бу фикрни анжумандаги бахсларда ҳам айтдик. Гарчи ҳар бир тарихий воқеа ўзидан илгариги ҳодисаларнинг муайян давоми сифатида пайдо бўлгани билан, ўзининг бошқалардан аниқ ажралиб турадиган хусусиятлари бўлган ва бўлади. Шуниси билан ўзини намоён қилади, тарихий вазифасини кўрсатиб туради... Ҳар бир тарихий вазият тақозоси билан кун тартибига чиқади ва ҳал қилишни талаб этади. Бу ҳол воқеликнинг нисбатан чегарасини белгилаб туриб иш кўришга даъват қилади.

Бахсларда кўпроқ ўртага тушган муаммолардан яна бири жадидлар ва уларнинг етакчи намоёндаларининг октябрь тўнтаришига муносабатлари ҳақида бўлди. Мунозара қатнашчиларидан икки шахс жадидчилар октябрь инқилобини бутунлай рад қилдилар, қабул қилмадилар, унга бутунлай қарши чиқдилар деган фикрни айтди. Айрим далиллар, яъни архив ҳужжатларидан матбуотда эълон қилинган бир-икки мисол ҳам келтирилди. Бирок, XX аср-

нинг 10 20 йилларидаги кўплаб манбалар, бир қатор адабий-бадий асарлар бунинг аксини кўрсатади. Тўғри, Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори қаламига мансуб баъзи ёзилмалар (1917 - 1918 йилларда эълон қилинган), мулоҳазаларда октябрь кунлари мамлакатни вайрон қилаётгани баён қилинади. Жумладан, Фитратнинг “Юрт қайғуси” туркумидаги асарлари, Мунаввар Қорининг ва Бехбудийларнинг хуррият берилмайди, олинади қабилда эълон қилинган қатор мақолаларида халқни ўз озодлиги учун курашга даъват руҳи ғоят катта жасорат билан газеталарда чоп этилгани маълум. Шу умид билан шўроларга ишлаган

Ҳамза, Айний, Қодирий, Бехбудий, Фитрат, Ғози Юнус каби бир қатор шахсларнинг фаолиятида биз бу ҳолни аниқ кўрамиз, улардан кўз юмиб бўлмайди. Агар улар ҳаммаси шўроларга душманлик қилган бўлса, ҳукмрон ҳар қандай давлат ўз рақибини истаганича жазолаши турган гап. Шўроларнинг бутун фожиаси шундаки, улар қатл этишга келганда дўст-душманнинг фарқи йўқ, озгина бўлса ҳам мустақил фикрлайдиган шахсни доим кириб туришни қонунлаштириб қўйган эди.

Айрим хорижий ҳамкасбларимиз ҳам шу фикрни маъқулладилар, шўролар фойдасига ишлаганларни санаб ўтдилар; аммо уларнинг қалбилари тагида қандай нозик, айтиб бўлмайдиган фикрлари бўлганини ҳеч ким айтолмайди. Шунинг учун ҳужжатларга таяниб шарҳлаш зарурлигини таъкидладилар... Яна бир масала: жадидчилик ва аёллар деган муаммо устида баҳс бўлди... Ҳар икки муаммонинг бири - аёлларга муносабат устида фикрлар бир ердан чиқди. Улар аёлларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида баҳолаш, уларни ўқиш ва ишга даъват этиш тарафдорлари бўлганлари таъкидланди. Бунга бадий асарлардан қатор мисоллар келтирилди. Бироқ, анжуманнинг айрим иштирокчилари орасида хилма-хил фикрловчилар бўлди. Биз бу масалада, илгарилари ҳам бир неча марта ёзганмизки, яъни ўзбек жадидлари даҳрий бўлмай диний эътиқодда мустаҳкам турганлари, фақат динни суистеъмол қилиб, бугунги ёвузлар сингари, дин номидан лоф уриб, ўз манфаатларини кўзловчи имонсизларга қарши курашганлари ҳақида билганларимизни айтдик. 1913 - 14 йилларда хуро-

фотчилар Бехбудий ва унинг усули жадид мактабларига қарши ошқора ҳужум ва тухматлар билан чиққанларида, Бехбудий махсус мақола ёзиб, тараққийпарвар жадидларнинг ҳақиқий мусулмонлардан иборатлигини, улар фақат бидъатга қаршиликларини, дин номини ўз қора ниятларига бўйсундурувчиларга қарши эканликларини чуқур тарихий далиллар, қатор амалий мисоллар билан исботлаб беради... Агар жадидлар мусулмон бўлмаса, дунёда мусулмон йўқ бўлиб чиқади қабилда теран фикр-мулоҳазаларини баён қилади...

Кўриниб турибдики, Ўрта Осиё тараққийпарварлик ҳаракати тарихида ҳали ўрганиладиган муаммолар кўп, улар ўз ечимини кутади, бу соҳада ишлаётганлардан ҳолислик, ҳалоллик, теран фикрлаш, бу ўта мураккаб мавзунинг бирор нуқтасига ёпишиб олиб, бирдан ҳулосага келиш, ўзи истаган натижада оёқни тираб олиш тўғри келмайди. Аждодларимизнинг тарихий тараққиёт йўллари ҳамиша худди ҳаётнинг мураккаб, хилма-хил гоҳо ўта чалқаш, илғаб олиниши қийин нозик воқеа-ҳодисалар, лавҳали нуқталар билан тўлиб-тошиб ётибди. Моҳиятига чуқур кирган сарингиз янгидан-янги кирраларга дуч келаверасиз ва улардан бугунги ҳаётимиз учун ибратли томонларини учратаверасиз. Зеро, Юртбошимизнинг, ўтмишсиз келажак йўқ, деган кўрсатмалари бизни ҳамиша ҳушёрликка, фикрлашга, теран тафаккурга чорлаб туриши боиси ҳам шунда бўлса керак...

\*\*\*

XX аср бошларидаги миллий тарихимизга оид муаммолар ҳамон эътиборда. Зеро, кейинги етти-саккиз йил мобайнида тарихчи олимлар, адабиётшунослар, санъатшунос ва бошқа ижтимоий фан мутахассислари миллий тарихимизни энг қадимий даврларидан бошлаб энди тўғри ўрганишга киришиб, бир қатор эътиборли тадқиқотларни эълон қилган бўлсалар-да, ҳали XIX аср охири ва XX аср бошларидаги миллий озодлик, миллий мустақиллик ва умуман, Истиклол учун олиб борилган курашлар жараёнига оид масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва бу соҳада энг тўғри, энг самарали ҳулосалар чиқаришда анча-мунча хилма-хилликлар мавжудлиги кўзга ташланиб қолмоқда...

Тўғри, бу борада камина ҳам гарчи қирк йиллардан буён қалам тебратиб, бир қадар мулоҳазаларимни ахборот воситаларида, китобларда эълон қилган бўлсак-да, ҳамон теранроқ кириб боролмаган нуқталарга дуч келмоқдамиз. Агар буюк адибимиз Қодирий ибораси юилан айтадиган бўлсак, “Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги - ибтидоий бошланиш даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, ахилларнинг етишмаклари билан секин-секин тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир” Буюк адибнинг мазкур биргина жумласида нақадар тарихий ҳақиқат, воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишдаги фалсафий мушоҳаданинг чуқурлигини кўрамиз. Ваҳоланки, Қодирий бу фикрни деярли бир асрча муқаддам ёзиб, биринчи романининг сўз бошисида баён қилган. Агар кейинги ярим асрлар даво-мида майдонга келган ўзбек олимларининг ўз тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз тарихига оид эълон қилган иш-ларини бир кўз олдимиздан ўтказсак, мазкур мулоҳазанинг нақадар тўғрилигига яна бир бор иқроор бўламиз.

Демоқчимизки, буюк ажодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий меросларига ёндашганда, аввало, худди ўша рухипоклар сингари холис, ўша ҳурматли зотлар сингари имон-инсоф билан, виждонимиз олдидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашмоғимизни қилаётган ишимизга нисбатан эътиқодимизнинг ўзи тақозо этади, талаб қилади. Демак, маънавий мерос устидан ҳукм чиқаришга эмас, унинг ҳар бир нозик қатламларигача чуқур ўрганиб, таҳлил этиб, жуда холис натижалар чиқариш учун фақат буюк Истиклолимиз туфайлигина имконият туғилди. Ҳар ишда, ҳар қандай фаолиятимизда буни эътиборимиз марказида саклаймиз, бусиз тўғри хулосаларга келолмаймиз ҳам...

Ўлкамизда жадидчилик ҳаракати қандай мураккаб бир тарихий вазиятда пайдо бўлган, шаклланган, ривожланган бўлса, унинг фаолияти кўлами ҳам асли шундай мураккаб жараёнлардан иборат бўлгани энди жуда аён кўринмоқда. Модомики, ўта мураккаб воқеаликни таҳлил этиш қандай шарафли иш бўлса, шунча сермашаққат эканлигини бугун ҳаммамиз ҳам идрок этамизми?! Ёки бу масалада бирор

хужжатга дуч келиш билан дархол кескин хулосага келиб кўяқоламизми?! Агар ўйлаб қарасак, жамият ҳаётига оид ижтимоий фанлар соҳасида ҳар қандай хулоса ҳам аксар муайян даражада нисбий бўлиб чиқиши мумкин. Масалан, бир тарихий вазиятда ижобий фойда келтирган ходиса, воқеа, иккинчи бир ҳаётий вазиятда салбий натижага олиб келиши эҳтимолдан узоқмас. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа-ходисаларга ёндашганда бундай нуқталар кўзда тутилмаса, фикр-мулоҳазаларимиздаги хилма-хилликлар тобора кўпайиб кетаверади, инкорни-инкор этиш қалашиб, кўпларни чалғитиши, ҳатто бош-бошдоқликка ҳам сургаб кетиши хавфи пайдо бўлиши мумкин.

Биргина мисол: Россияда бошланиб кетган сайловолди ҳаракатларига бир назар ташланг! Бугун бу ҳолни мамлакат ахборот воситаларидан бошлаб бутун дунё жамоатчилиги қатта эътибор билан кузатиб боратёгани сир эмас. Турлитуман партиялар, гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун олиб борилаётган курашлар эл-юртга етакчилик қилишга даъвогарлар сифатида фақат бир-бирларини қоралаш, инкор этиш йўли билан мамлакатни инкироздан қутқаришни ваъда қилмоқдалар. Халқ ҳамон қайси бирига ишонишни билмай, улар ҳам ўзаро бўлиниб, чалғиб кетди. Ниҳоят, бундай “чексиз, чегарасиз демократиядан” тўйган бир сиёсий арбоб - Виктор Ярошенко октябрь тўнтаришидан кейин пайдо бўлган парламентчилик тартибларидан бутунлай воз кечишни, Россияда яққа ҳокимлик, яъни монархия бошқаруви тизимига қайтишни тарғиб қилиб чиқди. Бунга далил қилиб, инқилобдан илгари Россия ривожланган, дунёда обрў-эътиборли давлат эди, ҳозир ҳам жаҳоннинг шунча ҳудудида шундай тизим мавжудлигини келтиради ва ҳоказо...

Аммо гап бунда эмас, жамиятда танглик кучайиб кетгандан кейин унинг ғоявий етакчилари ҳам қаттиқ қийинчиликка дуч келиши турган гап... Бу тангликка барҳам бериш

ўз фуқароларининг иши... Ана шу жихатдан ватанизмнинг XIX XX аср бошларидаги тарихига назар ташласак худди шундай қийин, хилма-хил мураккабликлар мавжудлигини кўрамиз. Тараққийпарвар жадидлар, модомики, туб негизлари билан рус босқинчиларига қарши кураш йўлларини излаш жараёнида шакланган ва май-



донга чиққан эканлар, уларнинг асл олий мақсадлари Истиклолга эришмоқ бўлиб чиқади, бу кўплаб таъкидланган фикр. Аммо шу мақсадга эришмоқ учун нималар қилдилар? Ана шу сўроққа жавоб топиш нақадар мураккаб кечаётгани энди маълум бўлди. Негаки, илгариги ишларда бу саволга бир-икки умумий гаплар билан жавоб бериб кетилаверган экан. Хатто Бухоро амири Олимхонни биров коралаб берса, биров “Ҳамшаҳар бўлганим учун уни коралашга кўнглим бормади қабилда чикса, яна биров “Бехбудийни амир Олимхон эмас, большевиклар ўлдирганга ўхшайди, бу ҳақда фалончининг гапида жон бор”, деб чиқди. Бундай хилма-хилликлар бирорта далил билан исботланмагани учун яна биров “Бехбудийни ким қатл этган?” деган савол билан чиқди, унга ҳеч ким жавоб ёзгани йўқ... Бундай қарашлар, аввало, ёш-ялангни чалғитади. Илмий мунозара ва мулоҳазалар аниқ ҳужжатларга таянмас экан, унинг илмий фазилати ҳам бўлмади. Шу билан бирга, айрим тарихий воқеалар аниқ биргина ҳужжат билан тасдиқланса, баъзиларини яъни кенг кўламдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил этганда гоҳо бирорта ҳужжатдан катта хулосага келиб бўлмади...

Марказий Осиё жадидчилик ҳаракати тарихига оид ҳалқаро анжуманда ўртага ташланган масалалардан яна бири жадидларнинг октябрдан кейинги фаолиятлари ва бу ҳаракатнинг Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар, жумладан Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги фаолиятлар билан муносабатлари, усули жадид мактабларида ўқиш-ўқитиш ва унга қарши чиққан мужоҳидлар, Бехбудий ва унинг ҳамфирқлари томонидан уларга қарши олиб борилган курашлар, бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан ҳукмронлик қилишига қарши курашиш билан бирга - турли миллатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиб, миллатларнинг тотув яшашларига эришиш, бу соҳада Бехбудийнинг илмий-назарий заминда чиқишлари, хатто айрим рус овқатларини истеъмол қилишга қаршилик кўрсатаётган баъзи мужоҳидларга ҳадислардан далиллар келтириб жавоб беришлари, кўр-кўрона “жиход” эълон қилиб, содда халқни ола-ғовурга олиб борган курашларнинг қайси бирини санаб адо қиласиз ва бугун ҳам уларнинг маънавий

мероси нақадар долзарб аҳамият касб этаётгани биз учун энг қимматли, энг ибратли тарихлиги билан эътиборимизни жалб этади.

Югославияда серблар билан албанлар ўртасида қатор йиллардан буён пайдо қилинган зиддият мамлакат бошига не-не фожиалар келтирган ва бутун дунёнинг энг етакчи давлат раҳбарларининг аралашуви билан ҳам ҳамон барта-раф этилмаётганини ким қандай баҳолайди? Бирок, халқ, бирон миллат дунё тарихида ўз-ўзича бир-бирига қарши хунрезлик қилганини тарих кўрганми? Ҳамиша бирини-бирига қарши қўйиш асосан ҳукмрон шахслар фаолиятига бориб тақалади. Бунинг ёркин мисоли Милошевич ва унга қарши очик бош кўтараётган минг-минглаб фуқароларнинг тинимсиз намоёишлари эмасми?! Жадидларнинг етакчилари бундай ҳолатларнинг моҳиятини чуқур идрок этиб, ўтган аср охиридан то ҳозирги асрнинг бошларигача, ҳатто октябрь тўнтариши кунлари ва ундан кейинги барча фаолиятларида бу ғоят муҳим дунёвий муаммога жуда оқилона аҳамият берганлар. Бехбудий Туркистон мухторияти тузилишига умид боғлаганда давлатни идора этишнинг энг нозик ва зарур нуқталаридан бири сифатида барча миллатларга тенг ҳуқуқлар бериш, урф-одатларини, миллий фазилатларини, тилини ҳурматлашга даъват этиб, қатор мақо-лалар ёзган. Биз булар ҳақида илгарилар ҳам мулоҳазалар билдиргамиз, ҳозир уларни такрорлаш шарт эмас. Фитрат эса қатор асарларида дини, миллатидан катъи назар, чин инсон бўлса унга ҳурмат билан қарашни ёқлаб, кўшлаб асарлар эълон қилгани маълум.

Бу тарихий вазиятларда биринчи жаҳон уруши, кетидан уланиб кетган қатор хунрезликлар - февраль инқилоби-ю мардикор олиш, октябрь тўнтариши, унга қарши чиққанларни “босмачи” деб аташ каби муаммолар кун тартибига қалқиб чиққан кезларда Россия миллатларнинг ўзларини ҳам минг бўлакка бўлиб юбориб, бирини иккинчисига қарши қўя бошлади. Яъни бой, камбағал, кулоқ, батрак, шўрога ҳақли, ҳақсиз ва ҳоказо уйдирма иборалар билан мамлакатни конга ботирди, элни кашшоқлаштирди, бирининг гўштини иккинчисига едириб, ҳокимиятини саклаб қолиш йўлини тутди. Шундай оғир бир тарихий вазиятларда

хам улар миллатлар ўртасида тотувликни ўрнатишга интилдилар, асл исломни тиклашга даъвогарлар “жиход қилиш”ни ёқладилар; карангки, ҳамон шу жиходчилар жаҳон микёсида террорчилар номини олиб, барча софдил фуқаролар, давлатлар томонидан қораланмоқда, уларга қарши курашувчиларни бирдамликка даъват этиб, террорчиларни таг-томири билан қуритишга интилмоқдалар... Зеро, Чеченистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россиянинг бир неча ҳудудларида қиска муддатда портлашлар туфайли террорчилар қанчадан-қанча бегуноҳлар ёстиғини қуритдилар... Ўйлаб қаралса, бизнинг буюк аждодларимиз бундан қарийб бир аср илгари фожиаларнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар, жаҳонда тинчлик, барқарорликни ўрнатишни олий мақсад қилиб қўйганлар.

Худди мана шу дунёқараш уларни инкилобчилар эмас, ислохотчилар йўлидан бориш, мақсадга илм-маърифатни иложи борица кенг қўламда юксалтириш йўли билан эришиш учун курашга олиб келди. Нега дейсизми? Бу даврда Туркистон ўзининг ҳатто энг қадимий тараққиётидан анча орқага кетган, ҳар соҳада ривожланган мамлакатлар ўртасида вужудга келган ва келаётган рақобатларга дош беролмай, чор Россиясига ем бўлиб қолган эди. Буни тараққийпарвар жадидлар теран идрок этар, мамлакатни жаҳон микёсидаги ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг ягона йўли фан-техникани тараққий эттириш деб билар эдилар.

Шунинг учун ҳам улар ҳатто октябрь тўнтаришидан олдин чор Россияси босқинчилари, амирликлари, ички ҳар хил хурофотчилар “жиходчилар” қаршилигига қарамай, ўз йўллари турли шаклларда давом эттирдилар. Агар бу ҳақда яна ҳам тўғри изохга мурожаат қилсак, Юртбошимизнинг қуйидаги гаплари накадар ҳалқлигига ишонч ҳосил қиламиз: “...Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII - XIX асрларга келиб, то шу чокқача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чикмай қолди?! Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига

карамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу колокликнинг ҳам ўрни бўлганмикан? Тарихий илдимизни излаган одам албатта, бир кун ана шу саволларга дуч келади”

Ўзбек жадидлари худди ана шу саволлар қаршисида қолган ва таъбир жоиз бўлса, унга тўғри жавоб ҳам топган эдилар. Аммо ниятлари амалга ошмай, қизил империя қатлиомига дучор бўлганликлари - бу ўзи алоҳида мавзу...

Шундай қилиб, октябрдан кейин жадидларнинг энг етакчи ғоялари Бехбудийнинг қатор публицистик мақолаларида, драмасида, Фитратнинг шеърлари, илмий, публицистик мақолаларида, айниқса, “Бедил”, “Умар Хайём”, “Шайтоннинг Тангрига исёни”, “Хинд ихтилолчилари” каби асарларида, Қодирийнинг тарихий романи ва мақолаларида жуда яққол тасвирланган, биз булар ҳақида илгарилари махсус мақолалар ёзганмиз, кузатиб юрган жамоатчилик биледи... Бу ерда гап ўзбек жадидларининг ўз ғояларига садоқатларини алоҳида таъкидлаш устида бормокда. Бугина эмас, эл-юртини деб ғоят тенгсиз кучларга қарши бориб, миллатимизни босқинчилардан озод қилиш, демак, буюк Истиклол йўлида курашларга жонларини фидо қилганлари ҳақида боради... Асил фидойилар сифатида қалбларимиз тўрида хотиралари то тирик эканмиз, иззат-икром билан сақланади. Ахир буюк Мирзо Бобур ҳам элга яхшилик қилганини эл-юрт - “қолди фалондин яхшилик” деб эслашишни бутун борлиғи билан тарғиб қилиб озмунча шеърлар битганми?! Шу ўринда бир тарихий далил ва жаҳон микёсида жиддий ўрганилаётган муаммога ўта масъулиятсизлик билан оммавий ахборот воситаларидан бирида жадидчилик ҳаракатини ўзи истаганча бир неча бўлакка бўлиб юборган тилчи, адабиётчи, хозир тарихчи киёфасида юрган кимсанинг бир фикрини рад этишга мажбурият туғилди: у киши нима дедилар денг? Фалончи тўлақонли жадид, пистончи ярим жадид, анави эса, яна бир нима хуллас, палапартиш гаплар... Шунда Элбекни дангал “ярим жадид” деб юборсалар бўладими? У кимса билан суҳбат уюштирган журналист эса ўйламай-нетмай, ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган бу фикрларни макташ ниятида, келажакда сизни қаҳрамон қилиб кўтарса бўлади,

деб юборса-чи, бу қандай гап?! Агар гап Элбекнинг жадидларга алоқаси устида борса, Элбек адабиётга кириб келганида Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Қарши ва Шаҳрисабзларда аллақачон усули жадид мактаблари кенг фаолият кўрсатмоқда эди. Унинг етакчилари барча ҳаракатлари, дунёқарашлари, ғоявий йўналишлари билан Элбек дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатиб улгурган эдилар. Элбекнинг бошқа асарларини қўйиб, лоақал 1926 йилда “Кўзгу” тўпламида эълон қилинган биргина шеърига эътиборингизни қаратамиз: шеърга “Тутқун қушча” деб сарлавха қўйилган. Мана шу шеърни келтирамиз.

Олтиндан тўкилган тор бир қапасда  
Ётарди бир қушча, доим қайғуда.  
Ул ҳар кун шу ҳолда ётгач қамалиб,  
Йиғларди қўб вақт тинмай ўксиниб.  
Бунинг қайғисидан хабарсиз инсон  
Гуёким бўлиб улд бунга меҳрибон,  
Қапаснинг олдидан узмайди ўзин  
Қушчанинг сайрашин кутиб турарди.

Шеърнинг дастлабки сатрлариёқ даҳо шоиримиз Алишер Навоий ҳазратларининг “Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, булбуга тикондек ошиён бўлмас эмиш” деб ифодаланган теран, эркинлик, озодликни улуғловчи шох сатрларини эслатдимиз? Инсониятгина эмас, қурт-қумурсқадан бошлаб барча жонзот муттасил эркин нафас олишга интилишини жаҳон тараққиёти тарихининг ҳамма босқичларида энг буюк сиймолар тафаккурининг олий нуктаси бўлиб келган, ҳамон шундай бўлиб қолади. Жамиятдаги шахснинг мавқеи ҳам айни инсондаги мана шу фазилатлари билан ўлчанади... Алишер Навоийнинг XV асрдаги буюк инсоний ғояларини XX асрнинг 20-йилларида қизил империя зулмидан қуллик қафасларида азоб тортаётган ўзбек халқи кечираётган фожиаларни усталик билан ифода этаётган Элбекнинг бундай бадиий-фалсафий мушоҳадалари бугун истиклолимизни асраш ва мустаҳкамлаш учун ёвуз ниятли рақибларимизга қарши олиб бораётган қарашларимизда нақадар катта тарбиявий аҳамият касб этишини ҳар қанча таъкидласак, арзийди... Зеро, Элбек онгида бундай

тафаккурнинг шаклланишида ўзбек жадидлари дунёқарашлари хал қилувчи ўринга эга эди... Бундай илмий ходисалар ҳар қандай “ярим жадид, тўла жадид” қабилидаги уйдирмалардан батамом холидир.. Яна шеърнинг кейинги сатрларига эътибор беринг:

Қушчанинг у мунгли, хазин ноласи,  
Тутқунлик қийноғи айтиб йиғлаши,  
Унга кўп ёқарди, лаззат берарди;  
Қувончдан ўйнаб ул, тинмай куларди.  
Шул чокда бу ҳолни узокдан бир қуш  
Кўрди-ю, қушчага деди: “Боёкиш,  
Сени бу тутқунга солган сайрашинг!  
Эсиздир, оқизма энди кўз ёшинг!  
Бу олтин қапаслар ёлғиз сен учун,  
Сенинг шул инграган бир товшинг учун  
Сенинг бу инграшинг инсонлар учун  
Кенг, тотли, ёкимли турмуш бағишлар,  
Сенинг фойдангдан кўзларин юмиб  
Қачон инсофсизлар кўйиб юборар?  
Қутулмоқ истасанг, сен ҳеч йиғлама!  
Уларга ялинма, сира индама!  
Куч тўла, куч билан қапасни бузгил!  
Қулликнинг олтинли бу ғовин узгил!”

*“...Огоҳ бўлинг одамлар!” - деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши ксрак. Фаҳрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо кадриятлар ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бунгунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан асраш, сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир. Давлатни ақлидрок билан бошқариш, - мутафаккир Абу Наср Фаробий ХХ асрда сабоқ бериб айтганидек, - халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва баргараф этишдан иборатдир.*

*Ислом КАРИМОВ*

Агар биз тарихимизнинг қайси даври, қайси соҳаси,

қайси босқичига қачон муружаат қиладиган бўлсак, аввало, ўзимиз яшаб турган жаҳон аҳволига, унда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларимизни билдириш учун, ўз ижтимоий ҳаётимизни сақлаб қолиш, яна ҳам тўғрироғи, бугунги мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган миллий ва умуминсоний нуқталарни излаб топамиз... Қадриятларимиз, бугун ва эртанги ҳаётимиз қандай наф келтиришини кўзда тутамиз. Маънавий мерос ва миллий қадриятларнинг энг олий фазилатлари айти шу нуқталари билан абадий яшайди, дунё тургунча туради, жамият тараққиётига, ёшларимиз тарбиясига, уларнинг кимларга ворис эканликларини англаб олишларига кўмак беради.

Шу ўринда яна бир изоҳга эҳтиёж сезилади: биз юкорида миллий тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз октябрдан кейин айниқса зўр бериб сохталаштирилди, дедик. Бу гаплар кейинги саккиз йил мобайнида минг марта айтилиб келади. Тўғри. Ўша даврда миллий адабиётимизнинг сохталашиб кетган ҳақида ҳали унча тўла ва аниқ далиллар билан етарли фикр-мулоҳазалар айтилгани йўқ. Айрим йўл-йўлақай бирор ёзувчининг бирор асари мисолида баъзи гаплар айтилган ва ҳамон айтилмоқда. Аммо ҳар қандай оғир, мураккаб, ҳатто калтис ёки Юртбошимиз иборалари билан айтадиган бўлсак, “Баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлар” таҳдид солиб турганда ҳам ҳақ гапни айтганлар билан бирга ўта ҳақсиз гапларга гадо бўлиб қолганлар ҳам бор эди ва ҳамма имтиёзлар ўша “лаббайчилар”га ато этиларди. Сохта асарларнинг қони ўшаларнинг қаламидан тарқалади. Бу мавзу ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Энг яхши ижодий намуналарни таҳлил қилиш инсон маънавиятини юксалтиришда қандай ибратли аҳамият касб этса, сохта асарлар таҳлили, аввало, софдил инсонлар қалбини тозалашга ёрдам берса, иккинчидан келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган сохтачиликларнинг олдини олса ажаб эмас. Шу билан бирга шўролар тузуми инсониятнинг энг нозик, энг муҳим маънавий оламига нақадар зарарли ёки салбий таъсир кўрстганини исботлайди.

Мавзуимиз йўналиши тарих ва унинг бугунги тарбиявий аҳамияти, далиллар ўз миллий адабиётимиз заминига асосланади. Агар бугунги жаҳон аҳборот воситалари эълон қила-

ётган воқеа-ходисаларга бир назар ташласак кўз олдимизга нималар келди-ю уларга бизнинг қарашларимизни қандай изоҳлаш мумкин? Бу бир. Иккинчидан, воқеа ва ходисалар шу қадар кўп ва хилма-хил, зиддиятли, мураккаб, қалтис, ҳатто ўта хавф-хатарли, даҳшатли, гоҳо фожиалики, уларни санаб на охирига етиб бўлади ва на тўлатқис таҳлил этиб бўлади... Бирок ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай ўзгаришга биз дастлаб ўз Ватанимиз мустақиллиги, ўз миллатимиз, халқимизнинг ҳаётий манфаатларини кўзлаш нуқтаи назаридан қарашларимизни ифода этамиз. Воқеалар нақадар чексиз-чегарасиз бўлмасин, улар орасидан энг муҳимларини танлаб муносабат билдиришга тўғри келганда - миллий мустақиллигимизни сақлаш, мустаҳкамлаш, бизнинг тинчлигимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлигимиз, буларнинг оқибатидан таъминланадиган тараққиётимизга хавф соладиган ёвуз кучлар, ғаламислар, ҳозирги расмий иборада ҳар кунини неча марта тилга олинаётган - террорчиларга қарши, инсониятга ўлат келтирувчи нарқобизнесга қарши, буюк истиклолимизга турли йўллар билан суиқасдлик қиладиган аслида ўғри, босмачи, хоин-сотқин - фитначиларга қарши, содда - хали дунёқараши унча шаклланиб етмаган ёш-ёш ўғил-қизларимизни йўлдан уриб, уларни ўзимизга қарши қўйишга интилаётган иғвогарларга қарши кескин, шафқатсиз, узлуксиз каттик курашлар олиб бориш бугунги кунимизнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолгани жуда очикравшан кўриниб турган ҳақиқат бўлиб қолди. Буни чуқур англаб етишга барча каттадан-кичик фуқароларимиз қодирми?

Юртбошимиз асарларидан юқорида келтирилган кўчирманинг эълон қилинганига қарийб уч йил тўляпти-ку? Нега бу теран ҳаётий, фалсафий мушоҳада мавжуд бўлатуриб ўз фуқароларимиз ичидан ёвузлар иғвосига учганлар чиқиб қолди? Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариш гарчи кийин бўлса-да, лўнда қилиб айтиш мумкин носоғлом оилавий муҳитда ўсиб, дунёқарашлари юлғичлик, худбинлик, молпарастлик ва ҳатто амалпарастлик руҳида тарбия топганлар ичидан озгина пулга сотиладиган нодонлар чиқадди, дейилса хато бўлмаса керак. Агар ўша янглиш йўлга



кирганлар ўз халки, миллати, ватани тарихини билса, ўрганса, буюк авлод-аждоғлари қолдирган миллий ва умуминсоний маънавий меросга ҳурмат билан қарайдиган бўлса, жаҳон миқёсидаги тараққиётларга минглаб йиллар муқаддам йўл очиб берган буюк сиймоларга муносиб ворислар эканлигини англаса, ҳеч қандай жиноятга қўл урмас, йўлдан адашмас, ёвуз ният ёки даҳшат билан иш кўраётган террорчилар сиртмоғига илинмас эдилар. Зеро, қайси бир улуғ миллий шахсимиз ҳаётига назар ташласак, дастлаб уларнинг ўз миллий тарихига эътиқод қўйиб улғайганини кўраимиз. Биз бу масалага илгарилари жадидлар ва уларнинг бир қатор етакчилари сифатида XX аср бошларида майдонга чиққан бир қатор сиймоларимиз ҳаёти, ижодий фаолияти мисолида бир қадар мулоҳазаларимизни эълон қилганмиз. Бугун эса айни ўша буюкларимизнинг муносиб вориси бизга замондош бўлган ажойиб шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, академик адибимиз Ойбек ҳаёти, ижодий фаолиятининг айрим томонларига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Агар дунёқарашнинг дастлабки шаклланиши шахс фаолиятининг ҳамма томонларида бир умр ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаб иш кўрадиган бўлсак, дастлаб мана бу сатрларга диққат қилинг:

“Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ кўлимга қалам олдим, асарларим 1923 йилдан бошлаб матбуотда босила бошлади. Мактабдаги йилларимда Шарқ классикаси билан танишдим. Хиротлик буюк Навоий ва ажойиб лирик, Озарбайжон адабиётининг буюк сиймоларидан бири бўлган Фузулийга бениҳоя кўнги қўйдим. Менга шеърятдан илк сабоқни шулар бердилар. Менинг авлодим (тенгдошларим маъносида А.А.) онгли ҳаётга революция билан бирга қадам қўйди”

Ойбек ушбу сатрларни “Адабиёт, тарих, замонавийлик” сарлавҳаси остида “Дружба народов” журналининг 1966 йилги август сонидан эълон қилган мақоласида баён қилган эди. Мақола журнал буюртмаси туфайли унинг муҳбири билан бўлган суҳбат тарзида вужудга келгани маълум. Эътибор қилсангиз, асримизнинг 60-йиллари бизда қандай ҳаётий вазиятлар мавжуд эди? Нега айни шу даврда Ойбек

яна тарихга мурожаат қилади? Бугина эмас. Тарих бўлганда ҳам Ойбек фақат миллий тарихимизгагина эмас, балки жаҳондаги бир қатор буюк сиймоларни берган халқлар, миллатларнинг маънавий қиёфасини намоён қилишга қодир, шу билан бирга ўз фаолиятлари ижодий маҳсулотлари билан умуминсоний маънавий фазилатларга айланиб кетган аждодларнинг маданий, маърифий, адабий меросларига мурожаат қилди... Негаки, 60-йилларнинг ўрталарида гарчи биз собиқ иттифоқ тасарруфида турган бўлсак-да, шахсга сиғиниш оқибатидан келиб чиққан фожиалар бир қадар қош этилиб, нисбатан эркинрок фикр-мулоҳазалар айтиш имкониятлари пайдо бўлган - сталинчи қотиллар қатл этган кўплаб турли миллатга мансуб зиёлилар оқланган, уларнинг айримлари асарлари чоп этилиб улгурилган ҳам эди... Демак, бу давр ҳам бизнинг тарихимизда маълум даражада бурилиш даври дейилса хато бўлмаса керак. Маълумки, инсоният ўз даврининг ҳар бир бурилиш нуқтасида доим тарихга мурожаат қилади, босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди, яна қандай йўлдан бориши керак деган саволга жавоб ахтаради. Жавобки эса ҳамиша, аввало, ўз миллий тарихидан, ундан кейин бошқа халқлар ва миллатларнинг маънавий олаmidан, яъни умуминсоний тарихдан ахтаради, топади, энг қимматли, энг илғор, ҳеч қачон эскирмайдиган, барча давларда таракқиётга кўмак берадиган мангуликка дахлдор бўлиб қолган маънавий меросларга мурожаат қилади... Бундай фаолиятни биз ҳар бир халқ ёки миллатнинг энг етук вакиллари, яъни гуллари ҳаёти, ижодида кўрамыз.

Мисол учун баъзи далиллар келтирайлик: фақат октябрь тўнтаришидан кейинги адабиётимиз тарихига назар ташлаб, кўз ўнгимиздан ўтказсак, бу борада нималарни эслаймиз? 1917-йиллардан бошлаб ўзбек адабиётида тарихий мавзуларда ёзилган барча жанрдаги асарларда тарихга мурожаат қилган Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий ва уларнинг бебаҳо асарлари, қадриятлари кўз олдимиздан бирма-бир ўтади? Шубҳасиз, худди кино ленталаридек ўтади. Энди уларнинг энг муносиб ворисларидан бири Ойбек ҳам айнаи ўша буюкларимизни устоз деб тан олади, уларнинг анъаналарини

жуда оғир, зиддиятли даврларда жасорат билан давом эттиради...

20-йиллардек ағдар-тўнтар бир жараёнларда шеърият билан адабиётимизга кириб келган Ойбек - 30-йиллардаёқ тарихий мавзуда ёзилган биринчи романи - “Қутлуғ қон”ни яратди. Мазкур роман ёзилганига 60 70 йиллар ўтган бўлса, бу асар ва унинг муаллифи ҳақида ҳам талай мақолалар, тадқиқотлар, фикр-мулоҳазалар ёзилган ва ҳамон ёзилади. Романда халқимиз бошидан кечирган қарамлик, мустамлакачилик зулмларидан аниқ бир давр воқеалари қамраб олинади... 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, унда чор Россиясида ва унга қарам бўлган Туркистон элида кечган фожиалар, 1916 йилги даҳшатлар, тарихга “Мардикор олиш воқеалари” тарзида кирган ҳодисалар жуда ҳаққоний ифода этилади... Албатта, роман 30-йиллардек қалтис даврда ёзилганини бир эсласак, Ойбек маҳоратига эмас, жасоратига ҳам яна бир бор тан берамиз... Романнинг йўналиши гарчи ўша давр мафқурасига мос келса-да, (бусиз мумкин ҳам эмас эди-ку) унда ўзбек халқи кечирган тарихнинг қанчадан-қанча миллий ўзига хослиги, урф-одатлари, истак ва орзулари, интилишлари, миллий ғуруридан тортиб ўз озодлиги учун курашлари накадар бой бадиий ифодаларда тасвирланган.

Баъзи бир мисоллар билан баъзи лавҳаларни эслатиб ўтамиз. Мирзақаримбойни бир кўз олдимизга келтирайлик. Ёши олтмишлардан ошган. Юзлари кип-қизил. Шаҳарда қатта дўкон-дастгоҳ, кишлокда бир талай экин ерлари, боғ-роғлари бор... Ҳаммасини эплайди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан нарх-наво ошади, қимматчилик, ҳатто қашшоқлик бошланиб кетади... Мирзақаримбой пахта заводи сотиб олишни режалаштириб қўяди... Майда хунардан Шоқир ота эса бозордаги қимматчиликдан “мош тугул, сўқ ҳам ололмадим. Бозор янада сакрабди” деб бозордан уйига ҳеч қандай емиш ололмай қайтади... Худди шундай вазиятда ўзбек жадидлари вакили - Абдушукур эса халқ ўртасида маърифат, маънавий муаммоларини тарғиб қилишга интилади... Халқни зулмга қарши очик исён кўтаришдан саклаб қолишга интилади, яъни шу билан тенгсиз кучлар қирғинидан асраб қолиш дардида қуяди, ёнади,

миллати тақдири ташвишлари билан яшайди... Ўзбек романида тараккийпарвар жадидлар образини биринчи яратган адиб ҳам Ойбек бўлса керак. Мазкур образнинг илгариги талкинлари бизга маълум, уларни такрорлашнинг хожати йўқ... Бу образнинг романдаги ифодаси шаклидан кўра бошқача акс эттириш иложи йўқ эди, албатта... Энди Йўлчи киёфасини бир эслайлик. Ундаги мухтожлик, охири кишлокда тирикчилик ўтмай, шаҳарга, бой тоғасиникига келиб қолиши... Ундаги ҳар бир вазиятда ўз иззат-нафси, ғурурини саклаш ўзаро муомалардаги миллий урф-одатлар, ниҳоят адолатсизликка дуч келгандаги ғайрат-шижоат, ўз эркин-озодлиги учун курашлари тасвири бирор онгли китобхонни ларзага солмай қўймайди...

Романнинг тараккийпарвар жадидлар фаолияти ҳақидаги лавҳалари тасвирига қаранг: "...Биз Туркистон мусулмонлари чуқур ғафлатдамиз. Агар бир жангу жадал қилиб бу жаҳолат ботқоғидан қутилмаслик, тараккий йўлини тутмасак, бошқа мусулмон мамлакатлари билан иттифокни маҳкамламасак, яқин ўртада биз, мусулмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам христианлар босиб оладилар... "Жадид Абдушукур билан даврада ўтирган бир гуруҳ тошкентлик бой ва бойваччалар ўртасида суҳбат, тортишув, мунозаралар қизиқ кетиб, гап мактаблар учун бинолар қуриш, газеталар чиқариш, матбуотларда чиқиб турган дунё хабарларидан воқиф бўлиш, уларга ўз муносабатларини билдириб, бугунги ибора билан айтилса, "ўзлигини тушуниб етиш", Ер юзида ўз ўрни-мавқеини англаш, саклаб қолиш, мактаб-маориф, маданият, тўй-ҳашам, урф-одатлардаги айрим нуқсонлардан тортиб театр санъати-ю ёшлар тарбиясига аҳамият беришнинг XX аср ўнинчи йилларидаги барча воқеа-ҳодисалар таҳлил қилинади... Шу суҳбат асосида дунёни англайдиганлар билан бирга доим ғафлатда ётиб пул тўплаш, катта тўйлар қилишдан бошқани ўйламайдиган савдогарлар, бойваччалар ва уларнинг бутун киёфалари ёрқин тасвирлаб берилган... Узоқни кўришга қалби ожиз бир бой мактаб ҳақида гап кетса, "Ҳадрадаги мактаб болаларимизга кифоя қилади-ку, яна қандай мактаб лозим?" дейишдан нари ўтолмайди. Унга дунё воқеалари, замон талаблари, зиддиятларини англаш бутунлай бегона...

Тўй-ҳашамлар ҳақида гап кетганда биров уларни ихчамлаштириб, мухтожларга хайр қилишни тарғиб этилади... Бу борада айрим уламолардан қаттиқ ранжиб, даврадагилардан бири шундай дейди: "...Уламоларимизда ҳам айб кўп... Бидъат ишларни йўқотиш ўрнига уларни химоя қиладилар. Ўзлари тўйма-тўй юришни, яркироқ чопонлар кийишни яхши кўрадилар. Бойлар тўйларга сарф қиладиган пулни савдога ишлатсин, театр ишларига берсин... Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам "кофир" деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас..."

Тарихдан маълумки, Туркистон жадидлари театр санъатига ғоят катта ҳамият берганлар. Ҳатто кўплари шахсан миллий театрларимиз учун сахна асарлари ёзиб, ўзлари режиссёрлик ва актёрлик қилганлар... Абдулла Авлоний, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Ҳамза ва бошқалар шундай фаолият кўрсатганлари маълум, ўзбек жадидларининг етакчиси Бехбудий ҳам бу соҳага алоҳида эътибор берган. бу тўғрида камина ҳам, бошқалар ҳам ёзишган. Бироқ, 10-йиллардаги бой савдогарларимизни маданият, маънавият томон бошлашга бел боғлаган жадидлар ўз даврида талай ижобий ишларни жуда кийинчилик билан амалга оширганлар. Буни Ойбек ғоят маҳорат билан ўз романида ифода этади... Савдогарлардан бири шу масалада Абдушукурга мурожаат қилишини бир эслатамиз:

Шу театр дегани нима? От ўйиними?

Тамом бошқа нарса у. Бир қарра кўрсангиз, у ҳар ким учун бир мактаб эканини англайсиз, - деди Абдушукур.

- Мен кўрдим театрни, - деди (бошқа бир пахтачи бой)

- Сиз уни мактаб дейсиз. Қандай қилиб мактаб бўлади у? Домла қани, шогирд қани? Мен борганимда бир илмсиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос" Мана сизга Ойбекнинг биринчи романида жадидлар, ўзбек зиёллари ва асримизнинг 10-йилларидаги тарихидан лавҳалар... Ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб яшайверадиган маънавий меросимизнинг бебаҳолиги, тарбиячилиги...

Ойбек имон-этикодининг поклиги ҳар бир асари сатрларида ойдек ярқираб туради... Шу ўринда бир нозик нуқтага эътибор қилсак, бунга яна ишончимиз комил бўлади.

Театрга бориб томоша кўрган сиймо у ерда кўп нарсага тушунмаган бўлса-да, “ўқимаган, илмсиз бир боланинг безорига айланиб кетишини англабди. Бу нима эди? Бу шубҳасиз, Бехбудийнинг ўша машҳур “Падаркуш” драмасидаги Тошмурод ва унинг савдогар - бой отаси қилмишларидан келиб чиққан фожиалар намоиши эди. Ойбек Бехбудий ва унинг асари номларини 30-йилларда тилга ололмасди. Бу аниқ гап. Лекин бир қискагина жумлада Бехбудий драмасининг бутун мазмуни, ғояси, мақсадини ифода этиб беради... Мана бу маҳорат. Ўз миллий тарихига, маънавиятига ҳурмат ифодаси эди.

\*\*\*

*Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди.*

*Ислом КАРИМОВ*

Ўзбекистонда Мустақиллик эълон қилингандан буён ўтган йиллар мобайнида маънавий кадриятларимиз, миллий тарихимиз, энг илғор ўзбекона анъаналаримиз борасида тинимсиз амалга ошириб келинаётган тадбирларни энди бирма-бир санаб ўтиш шарт эмас. Буни фақат ўзимизгина эмас, бутун дунё кузатиб бормоқда, тан олмақда, ҳатто мазкур оламшумул ишларда ҳамкорлик қилаётганлар ҳам анчагина бўлиб қолди.

Бизда амалга оширилаётган хайрли амалларга дўстона муносабатда бўлаётганлар ҳам, ғаразгўйлар ҳам бор. Кейинги буюк Истиклолимиз ато этаётган иқтисодий ривожланишимиз, юртимизда изчил давом этиб келаётган сиёсий барқарорликни жаҳондаги энг тараққий этган давлат раҳбарлари, ўша мамлакатларнинг ишбилармонлари, тадбиркорлари ҳам эътироф этиб, биз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганларини ҳам такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ, эътибор билан кузатиб бораётган жамоа уларни яхши билади...

Агар миллий кадриятларимиз, маънавий оламда чинакам жаҳоншумул тарбиявий аҳамият касб этиб, минг

йиллардан буён ўз ватани, халки, жамиятига садоқат рухни одамлар қалбларига сингдириб келаётган биргина “Ал-помиш” достони-ю Жалолиддин Мангубердига бағишлаб ўтказилган тантаналар миллий, маънавий меросимизнинг умуминсоний меросга айланиб, халқлар, турли миллат ва элатларнинг энг илғор, энг онгли, энг софдил, имонинсофли табақалари қалбларида абадийлик касб этиши, асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб боришини эндиликда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч йўққа чиқара олмайди.

Хамонки, юз йиллаб қарамлик, мустамлакачилик жабрини тортиб келган Туркистон, ҳатто бутун Марказий Осиё халқлари бу оламшумул кадриятларини йўқотмаган эканлар, шунинг ўзиёқ чинакам миллий кадриятларнинг умуминсоний маънавий хазинага айланиб кетишига ғоят катта далил бўлиб қолаверади. Шу ўринда яна бир изоҳга эҳтиёж бор. Илғор маънавий кадриятларнинг, тарихий воқеа-ҳодисалар ва тарихий қахрамонларнинг мангуликка дахлдорлигини таъмин этадиган бош омиллардан бири ҳамиша уларнинг ўз миллий ёки ирқий, диний мансублик доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этиши билан боғлиқ бўлади. Ана шу ерда тор миллий доирада тўлганиб, ўзини бошқалардан устун қўйишга уринган ҳар қандай қарашлар оқибат-натижада жамият бошига кулфатлар ёғдиради, зиддиятларни кучайтиради, ахиллик-тотувликни тор-мор қилиб, хунрезликка судрайди. Бундай дунёқараш тарихда нималарга олиб келгани, қандай яқунлангани ҳақида талай мисолларни келтириш мумкин...

Жамият тарихи хуллас, олий ҳакам деб аталмиш Тарих бундай худбинликни фош этиб келган, қоралаган, рад этган. Буюк даҳолар, қайси миллат, қайси халқ, қайси диний эътиқодга мансубликларидан қатъи назар, ҳамиша аввало ўз халқи, миллати, ватани манфаатларидан келиб чиқиб иш кўрганлар, шу билан бирга уларнинг чинакам етук инсоний маънавиятлари доимо жаҳон миқёсида тан олинган, ҳурматланган – бу тарихнинг энг адолатли ҳукми бўлиб қолган, ҳамон шундай қолади.

Аммо на ўтмишини, на келажагини, на бугунини қадрлашга имон-эътиқоди етмаётган террорчилар деб атаётган ёвузлар, дунёга хавф-хатар солиб, хунрезликларга

сабаб бўлаётган кимсаларни нима деб аташ керак? Барча жинойи ишлари негизида шахсий бойлик ва ҳукмронлик истаги тўлиб ётгани ҳолда ўзларини художўй деб аташлари, “жиход” шиори остида бегуноҳ одамларни отиш, мол-мулкани талон-тарож қилишларини нима деб аташ керак? Дастлаб дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудида портлатиш, босқинчилик қилишлар билан намоён бўлган террорчилар эндиликда ўзларига нақадар суйанчиқлар топиб, тинч аҳолининг ҳаётини захарлаётганлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмай қўйди.

XX асрнинг сўнгги ноябрь ойи бошларида (8 - 9 ноябрь) Туркия пойтахтида ўтказилган 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги анжуманда Юртбошимиз қатор муаммолар орасида - халқаро террорчиларга қарши курашда кучларни бирлаштириш масаласини кўтариб чиққанлари жуда катта эътибор қозонди, буни ғоят мамнуният билан бутун жаҳон маъқуллади. Биз бутун жаҳон деганда - Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларини кўзда тутамиз - зеро, бу Ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги энг йирик, жаҳон миқёсида энг обрўли Ташкилот. Тўғри, унга аъзо бўлмаган давлатлар бор ва уларнинг турлича қарашлари мавжуд. Аммо ким қандай ўйламасин - Ер юзи битта, у бутун инсоният-у хайвонот, ўсимлиг-у қуртқумурсқаларгача - ҳаммасига берилган ягона Замин эмасми? Шундай бўлгандан кейин унда яшайдиган барча жонзот воқеа-ҳодисалардан четда туролмайди, ҳагто четдамиз деб ҳисоблайдиган кимсалар бўлса, уларни инсоният калтабинликда айблашга ҳақлидир. Бу табиий бир қонуниятки, унга қарши борадиган куч йўқ, унга қарши бораётганларнинг фожиаларини дунёнинг турли чеккаларида кўриб ҳам турибмиз...

Биз бу ўринда XX аср тугаб, XXI асрга қадам қўя бошлаган инсониятни қарийб бир ярим минг йиллар илгариги давлат тизимларига қайтариш ҳақида жар солиб, талончилик қилаётган ёвузларни кўзда тутмоқдамиз. Бу қадар тескаричи ғояни шиор қилиб, ҳар ер-ҳар ерда нечача минглаб одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлаётганларнинг оқибати ҳамиша ҳар қандай ёвузликнинг



фожиали сингари яқунланиши ҳам тарихларда кўплаб кўрилган. Бу сафар ҳам шундай бўлади. Тарих ҳукмидан қочиб қутилган биронта золимни жаҳон ҳали учратган эмас...

Маънавий қадриятларнинг буюк тарбиявий аҳамияти ҳам шунда, уларни холис, эътиқод билан ўрганиш, моҳиятига чуқур кириш, туб негизидан энг қимматли, энг илғор, эртанги кун учун, таракқиёт учун энг зарур нуқталарини топиб қўллаш - ҳамиша инсоният ҳаётининг катта бурилиш даврларида айниқса зарур бўлиб қолади. Шунга катта эҳтиёж туғилади. Буюк даҳолар жамятдаги ана шундай ўзгаришлар даврининг ўта қалтис, зиддиятли босқичларида қадриятларга, маънавий мерос хазиналарига кўпроқ мурожаат қилиб келганлар. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши даврининг ўзида, ундан олдинги 20 30 йилларни олсак ҳаммасида шу ҳолни кўрамыз. 20 30 йилларда бизнинг халқимиз мустамлакачилик қуллиги остида шундай эзилдики, бу йиллардаги кечирилган фожиалар олдида илгаригиси ип эшолмай қолди.

Худди ана шундай фожиали йилларда Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва уларнинг қатор ҳамфикрлари томонидан ёзилган тарихий, бадиий асарлар вужудга келди. Бугун истиклолимиз шарофати билан улар бизнинг энг бебаҳо миллий қадриятларимиз сифатида эъзозланмоқда... Иккинчи жаҳон уруши даврида эса, рус ва бошқа миллий республикаларнинг етакчи ёзувчилари тарихий мавзуларга мурожаат қилиб, бу соҳада талай ажойиб-тарихий асарлар яратдилар. Шулар орасида Ойбекнинг “Навоий” романи, Иззат Султон билан Уйғун ёзган “Алишер Навоий” драмаси, Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Шайхзоданинг “Жалололдин Мангуберди”, кейинроқ эса “Мирзо Улуғбек” драмаларининг майдонга келиши бежиз эмас эди.

Биргина Шайхзоданинг “Жалололдин Мангуберди” асари билан “Мирзо Улуғбек”ни бир эслайлик-да, Максуд Шайхзоданинг ўзбек адабиётига қилган хизматини баҳолайлик-чи?! Агар мустакиллигимиз йилларида амалга ошириб келинаётган маънавий меросимизга ҳурмат юзасидан бу икки асарга бир назар солсак, буюк даҳо сифатида Шайх-

зоданинг ҳали тарихимизда тутган ўрни етарлича белги-ланмаганига яна бир иқроп бўламиз. Мангуберди, Амир Темур, Улуғбеклар номини тилга олишни шўролар ҳукумати бутунлай тақиқлаб қўйган даврларда - Темурийлар авлоди тарихидан драма ёзиш, Жалолиддин Мангубердини биров билиб, биров билмаган, собиқ “иттифок”да ҳали ҳеч ким махсус шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бир қалтис даврда у ҳақда сахна асари ёзишни бир кўз олдимизга келтирсак, Шайхзоданинг донишманд-даҳолиги-ю шу билан бирга жасорати, худди Жалолиддин Мангуберди сингари қаҳрамонлигини ҳам тушуниб етамиз.

Зеро, 50-йиллардаги қизиллар катлиомида Шайхзоданинг хибсга олингани, Ойбекнинг тилдан қолгани - софдил инсонлар қалбини абадий ўртайди, бизнинг ёшдагилар бу фожиаларни умримизнинг охиригача ҳам унутолмаймиз, ҳар сафар алам, изтироб, афсус ва надоматлар билан эслаймиз. Ҳар элаганда - буюк Истиклолимизга эътиқодимиз, Шайхзода ва Ойбек каби даҳоларимизга ёвузлик қилганларга нафратлар ўқиймиз!.. Бусиз яшашнинг маъноси ҳам йўқ бўлса керак!

Ростини айтганда, ижодий иш билан шуғулланувчи ҳар бир шахс бирор мавзуда ёзадиган бўлса, албатта, унга йўл-йўлакай ўз муносабатларини истар-истамас баён қилиб қўяди. Ҳар бир воқеа-ҳодиса ёки тарихий вазиятга қарашлари ўша ишида акс этиб туради. Агар Қодирий, Ойбек ва уларга ҳамфикр замондош бўлганларнинг тақдири, бошларидан кечирганларини ҳар сафар элаганда - ижтимоий тузумнинг нобоплигидан тортиб, ўша адолатсизликларга хизмат қилишга доим тайёр турган, Юртбошимиз иборалари билан айтадиган бўлсак, сотқин “лаббайчилар” ҳам кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтираверади...

Агар инсоният жамияти ўз тараққиёт босқичининг катта бурилиши даврларида нега тарихий мавзуларга мурожаат қилади, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, айти бу мавзунинг тарбиячилик моҳияти очилаверади. Биз ўтган сафарги суҳбатимизда Ойбекнинг “Қутлуг қон” романидаги айрим лавҳаларнинг аҳамияти устида қисман тўхталиб ўтган эдик. Бу сафар шу фикр-мулоҳазаларимизни яна давом эттирамиз...

30-йилларда тарихий мавзуларда бир катор шеърӣ асарлар, дostonлар, илмий ишлар ёзган Ойбек энди “Кутлуғ кон”ни ёзади, иккинчи жаҳон уруши қизиб турган йилларда эса “Навоий” романини ёзди. “Кутлуғ кон”даги ғоялар тўқнашувига оид гапларни бир томонга йиғиштириб, асар моҳиятига чуқурроқ кирсак, янгидан-янги қирралари очила боради. Унда XX асрнинг 10-йиллари Туркистон халқи бошига тушган фожиалар тўла ифодасини топган. Уруш келтирган вайроналик, кашшоқлик, зиддиятлар Йўлчини қишлоқдан иш излаб шаҳарга олиб тушишини бир эслайлик. Йўлчидаги софдиллилик, самимий муҳаббат ва ўз бахти учун курашдаги жасоратлар - ажойиб миллий фазилатлар тарзида хотирамизда муҳрланиб қолмаганими? Чор босқинчилари амалдорларнинг маҳаллий аҳоли устидан ҳукмронлиги-чи?! Бутун ўлкамизда ҳокимиятни ўз қўлларидан чиқармаслик учун олиб борган хунрезликлари-ю зулмга қарши кўтарилган исёнларда - Йўлчининг қиёфаси нақадар улуғланиб намоён бўлишигача ҳаммаси - тарихнинг тарбиячилигини бадиий акс эттиришда ғоят яққол кўринади...

Уруш даврида ёзилган “Навоий” романида эса, биз яна бир ғоят муҳим маънавий оламга дуч келамиз. Мамлакатда тинчлик ўрнатиш ҳар бир ҳукмрон шахс фаолиятининг туб ўлчовидир дейилса, хато бўлмаса керак.

XX асрнинг 40-йилларида инсоният бошидаги энг катта фожа иккинчи жаҳон уруши бўлди. Ойбек “Навоий” романи воситасида - Темурийлар даврининг бутун фазилатлари-ю Темур вафотидан кейинги фожиаларни жуда билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаб берди. Аҳиллик, ўзаро тотувлик, дўстона муносабатлар ўрнатилмаган ҳудудларда эл-юрт вайрон бўлиши муқаррар деган ғоя романининг бош мақсадини белгилайди.

Давлатнинг яхлитлиги, мустақкамлигини сақлай олиш барқарорликни таъминлайди, барқарорлик эса таракқиётни белгилайди деган дунёқарашни ифодалаш билан бирга, унда буюк шахслар ўрни хал қилувчи аҳамият касб этишига катта урғу берилади... Агар биз романдаги айрим аниқ лавҳаларни келтирмай туриб, унинг туб моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак ҳам, романда тасвирланган воқеаларнинг

бугун ҳам нақадар тарбиявий аҳамияти юксаклигига амин бўламиз.

Яна бир муҳим нукта агар биз романнинг бошидан охиригача кечган воқеа-ҳодисаларни, энг майда лавҳалардан катталаригача эслаб қарасак, унда буюк бобомиз Алишер Навоий ва унинг ҳамфикрлари қиёфалари бутун борлиғи, салобати, ўз эл-юрти тинчлиги, тараққиёти, халқлар ўртасида тотувликни ўрнатиш учун олиб борган курашлари-ю имон-этиқодда мустаҳкам туриш, ўз ғоялари учун курашдаги жасорат-у фидойилик намуналарини ҳамон хайрат, ҳаяжон, самимий муҳаббат билан кузатиб борамиз...

Барча даврларда бўладиган зиддиятлар, манфаат-парастлик, ҳокимият талашиш, ундаги гуруҳбозлик, шахсий бойлик орттириш учун ҳар қандай пасткашликлардан тоймасликдек имонсиз, инсофсизликлар тасвирини ҳам кўрамиз. Жумладан, Мажидиддин билан Навоий ўртасидаги зиддиятлар тасвири, Тўғонбек образидаги манфаатпараст, пасткаш амалдорлар қиёфаси, Дилдор билан Арслонкул ўртасидаги муҳаббат, уларнинг юрт ободонлигида фидойилик билан иштирок этишлари бирортаси бугун ҳам, эртага-индинга ҳам эскирмайди... Романнинг ёзилганига ярим асрдан ошди, аммо қачон ўқисангиз, худди бугун кўз олдингизда бўлиб турган воқеалар сингари қизиқиб ўқийверасиз... Уни ўқиган сарингиз - Ойбек сиймоси қалбимизни тобора кўпроқ мафтун эта боради. Бу буюк шахс тимсолида худди бобомиз улуғ Алишер Навоийнинг бизга замондош қиёфаси бутун борлиғи билан кўз олдимизда намён бўлаётганга ўхшайди. Зеро, Ойбек бизнинг бугунги Навоиймиз десак, хато бўлмаса керак. Бу романда Ойбек Темурийлар давлат тизими ҳаёти тимсолида ижтимоий тараққиёт жараёнлари, инсоният фаолиятининг жамиятда тутган ўрни, муносабатлардаги мураккабликлар, ижобий-салбий кучлар ўртасидаги курашларда адолат, имон-инсоф билан, адолатсизлик, имонсизлик, инсофсизлик билан тўқнашувларини, фақат ўз манфаатидан бошқа ҳамма нарсадан кечишга тайёр турган ёвузлар қиёфаларини ҳам чизиб беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз халқи, ватанига садоқат билан яшашнинг намуналари Ватанни севишнинг энг олий инсоний нукталарини ўзида мужассам этган Алишер

Навоий, унинг ҳамфикр замондошлари изидан боришга бутун борлиғи билан интилаётган Султонмурод каби сиймоларни китобхон бир умрга севиб қолади. Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари тинчлик, тараққиёт, инсоният бахти, ватанга самимий муҳаббат ҳис-туйғулари билан шундай йўғрилганки, ҳамон бирор жумласини бугунги дунё учун, ўзимиз учун, республикамизда адолатли ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш учун эскирмаган, балки ғоят ибратли маънавий мерос бўлиб хизмат қилаётгани ҳайратга солади... Мана бу жумлаларга эътибор қилинг-а:

“Султонмурод дўстини табассум билан тинглаб, Хиротнинг баҳорда тоза ҳусн билан яшнаган ажойиб манзараларига суқланиб қарар, шодликдан, ҳисларининг шўхлигидан кўкси тўлиб тошарди. У Хиротни севарди. Бутун атрофи муаззам кунгираддор қўрғон билан ўралган бу катта шаҳарда улуғ мадрасалар, қўша-қўша адил, юксак минораларини тиник зангори самога узатган масжидлар, санъатнинг бутун мўъжизалари билан безалган бой саройлар ҳам боғчалар, чаманзорлар ўртасидаги енгил, ҳавоий кўшқлар, қошоналар, сарвзорлар кумушланган катта ҳовузлар, улуғ одамларнинг, “азиз авлиёлар”нинг ҳамиша улуғвор суқунатга кўмилган тоза, чиройли мақбаралари ва ҳоказо, кўп эди. У бу шаҳарнинг тарихи билан кизиқиб, унинг эски бинолари, мадрасалари, бозорлари, кўприқларига доир маълумотларни эски қўлёзмалардан, афсоналардан тўпламоққа бошлаганди. Бир йил-бир ярим йил ичида у тарихий гўзал бинолар ҳақида ўнлаб, Хирот ҳақида эса юзлаб байтлар, рубоийлар тўплай билди. Хиротнинг улуғлиги, гўзаллиги, аҳамияти ҳақида ҳамма қаламлар ҳамфикр эди”

Султонмурод тўплаган бир рубоийда Хирот шундай улуғланади форс тилида ёзилган сатрларнинг мазмуни: “Хирот дунёдаги ҳамма шаҳарларнинг кўзи ва чиройидир. Жаҳон бамисоли бадан бўлса, Хирот унга нисбатан тождир” (Ойбек, “Навоий” романи, Ўздавнашр, 1944 йил, 16 - 17-бетлар.)

Биз келтирган лавҳа кимни қандай ҳаёлга чорлайди? Тафаккур ила ҳар ишни қилган одамизод Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган Хиротни бугун қай аҳволга солмади? Нега унинг боши узра йигирма йиллаб хунрезликлар,

фожиалар кезади? Нега бу жаннатмакон маскан бугун жаҳонда энг кўп яъни, 75 фоиз миқёсида гиёҳвандлик моддалар етиштиришга ружу қилди? Нега у Марказий Осиёда энг хавф-хатарли ерга айланиб қолди? Алишер Навоий, Султонмуродлар мадҳ этиб тўймаган бу гўзал водийнинг бугуни шу аҳволда бўлса, эртаси нима кечаркин? Бундай саволлар ҳозир ҳар қандай софдил инсон қалбини тўлғантирмай қололмайди... Негаки, Ер юзи ягона, барча одамларга, турли-туман жон-зотларга баб-баробар берилган эмасми? Уни сақлаш, обод қилиш ўрнига вайрон қилишдек қатта гуноҳ бормикан ўзи?

Биз ана шу саволларимизга буюк адибимиз Ойбекнинг “Навоий” романида шундай жавоблар топамизки, буюк аждодларимизнинг ғоят юксак имон-инсоф билан яшаб ўтганлари, ўзларидан битмас-туганмас, абадий барҳаёт, бебаҳо маънавий хазина қолдирганларига тобора чуқур иззат-ҳурмат билан қарашга, интилишга даъват этади, илҳомлантиради, эртанги кунимизга ишонч, ҳавас уйғотади ва энг муҳими, келажакдаги ҳаётимиз бизнинг қандай йўл тутишимиз билан боғлиқ эканлигини ўргатади.

Маънавий меросимизнинг миллийлиги ҳам, умуминсонийлиги ҳам, бебаҳо кадрийатлардан иборатлиги ҳам шунда бўлса, ажаб эмас...

*Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқишга мутлақо қаршиман. Мустамлақачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.*

*Ислоҳ КАРИМОВ*

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги Ўзбекистон Мустақиллиги билан нишонланган бўлса, XXI аср бошлари республикамиз жаҳон бўйлаб донг таратган, эътироф этилган, тан олинган давр сифатида тарихимизга кирди дейилса, муболаға бўлмаса керак. Негаки, ана шу йилларда Ўзбе-

кистонимизда рўй берган барча ижобий ўзгаришлар замирида халқимиз ва унга етакчилик қилаётган Юртбошимиз фаолияти нақадар буюк аҳамият касб этаётганини дунёнинг кўнгина етакчи арбоблари қайта-қайта таъкидлаётганлари ҳеч инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат бўлиб қолди.

Президентимиз XX аср Инсони деб топилганда, илгарирок Россияда чоп этилган махсус китобда аср доҳийлари қаторига киритилган кезларда ҳам биз ўз етакчимизнинг обрў-эътибори, мавқеи нақадар ўсиб бораётганидан фахрланган эдик... Бу ҳол кечагина яқуни эълон қилинган Президентлик сайловларида яна бир бор тасдиқланди. Ўзбекистонда бу сайловларнинг жаҳондаги энг ривожланган, энг демократик давлатлар талаблари даражасида адолатли ўтказилгани ҳақида юзлаб хорижий кузатувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўзимизда ҳам, хорижда ҳам ҳамон эълон қилиниб турибди, бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бугина эмас, Юртбошимизнинг навбатдаги сайловда 90 фоиздан ортиқ овоз олгани, аввало, республикамизда юздан ортиқ миллат вакилларининг ўзбек халқи билан бир жон-бир тан бўлиб, ягона улуғ бир мақсад яъни Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайрат кўрсатиб яшашга интилаётганларини яна бир бор намойиш қилди.

Бу ўзидан-ўзи бўладиган иш эмас. Зеро, жаҳондаги кўплаб мамлакатларда диний, миллий тафаовуллар туфайли пайдо бўлаётган зиддиятлар минг-минглаб инсонларнинг фожеали ҳалокатига олиб келаётганини кўриб турибмиз. Бу эса халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик, тотувликни жорий этиш нимадан иборат-у у нақадар муҳимлигини чуқурроқ тушуниб олишимизга ёрдам бермоқда. Бунда давлатлар раҳбарларининг ўрни ҳамиша муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум. Зеро, инсоният ўзининг бутун тарихила шундай ҳолатни бошидан кечириб келаётгани муқаддас ҳадисларда ҳам таъкидланган.

Манави мулоҳазага бир эътибор беринг: Эй Ҳожи, ҳамма фасод улўламирда. Агар улўламир дуруст одам бўлса, уч-тўртта муттаҳамнинг ёмонлиги ҳеч қаерга бормас ва бунча гуноҳсиз бечоранинг қони ўринсиз тўкилмас эди. Жаноби пайғамбари худо ҳадиси шарифларида айтганларким, бисмиллохир-рахмониррахим, коланнаби алайҳисса-

лом... Ул сарвари коинот марҳамат килурларким, агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамга топширилган бўлса, бас, ўша қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига ман-тазир бўл...” Бизнинг қорларимиз ҳам кўп фурсатлардан бери ноаҳли одамларнинг қўлига қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвойи кулфатларни соладилар. Илоҳи кори бадлари ўз бошлари бирлан даф бўлгай...”

Биз мазкур кўчирмани буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги “Ҳожи этак силкан” бобидан келтирдик. Бунда бизнинг эл-юртимиз бошидан кечирган XIX асрнинг бошлари ва ўрталаридаги майда хонликлар даври фожеалари ҳақида гап кетади. Воқеалар ўз замонасининг энг билимдон, энг илғор дунёқарашга эга бўлган ғоят етук зиёлилари томонидан таҳлил этилади. Шу ўринда бир неча алоҳида муҳим аҳамиятга молик нуқталарни таъкидлаш жоиз бўлса керак. Яъни, мамлакатда рўй бераётган фожеаларга, аввало, ҳамиша ҳам “муттаҳамлар” сабаб бўлади. Иккинчидан эса, эл-юртга раҳбарлик қилаётган шахснинг ўзи асли тўғри йўлда, пок ниятда, юртининг тинчлиги, тўқлиги, осойишталиги, фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қиладиган бўлса, “уч-тўртта муттаҳамнинг” қўлидан ҳеч иш келмаслиги, уларни ҳамиша енгиб ўтиш мумкинлиги каттик уқтирилади.

Демак, жамиятда шахснинг ўрни, моҳияти, айниқса юртга етакчилик қилишга даъват этилган, унинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олган кишининг вазифаси нақадар юксак эканлигига урғу берилади.

Агар биз бутун ўтмишимиздан то айни кунларгача жаҳонда рўй берган ва ҳамон давом этаётган воқеа-ҳодисаларга ақл-идроқ билан назар ташласак, жамият билан шахс ўртасидаги мураккаб боғланишлар нақадар муҳим аҳамиятга молик эканини чуқур тушуниб оламиз... Биз ўтказилган президентлик сайлови яқунлари муносабати билан дунёнинг деярлик барча ҳудудларидан Америка, Россия, Африка китъаларидан тортиб, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларигача ҳаммаларидан келган табрик телеграммаларида биз юқоридаги фирк-мулоҳазаларнинг тасдиғини кўрамыз. Уларнинг ҳаммалари Ўзбекистонда



барча соҳаларда кейинги ўн йилдан озрок муддатда эришган ютуқларимиз юртимизга етакчилик қилаётган шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келаётганини бирдек таъкидламоқдаларки, бу бежиз эмас-да! Жумладан, Россияда чиқиб турган “Независимая”, “Известия” газетларининг фикрлари ҳам диққатга сазовордир. “Известия” газетаси “Ислоҳ Каримовнинг ғалаба қилмаслиги мумкин эмас эди. У сиёсатда жуда кучли шахс” деб изоҳлади.

Зеро, ўзимизнинг миллий тарихимиз даврларига, яъни унинг энг қадимий даврларидан то кейинги йилларигача босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, қайси тарихий шахслар етакчилик қилган даврларда халқ, миллат, Ватан аҳволи қандай кечгани ёрқин намоён бўлиб кўринаверади. Жумладан, Амир Темур ва унинг вафотидан кейинги кечмишларимизни бир эсласак - манзара аён бўлади-қўяди. Бугина эмас, Ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Навоий, Бобур, Улуғбекдан то Қодирий, Чўлпон, Фитратларгача буюқларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо тарихий мерослари ўз миллатимизгина эмас, бутун жаҳон халқлари маънавий оламини юксалтиришда нақадар буюқ аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда фақат Мустақиллик йилларидагина ошқора гапириш имконияти яратилмадими?! Ўйлаб қарайлик, XX асрнинг 90-йилларигача тарихнинг тарбиячилиги, унинг инсоният тақдиридаги буюқ аҳамияти ҳақида сўз очиш мумкинмиди? Борди-ю, бу ҳақда гапириладиган бўлса, албатта тарихимизни бузиб кўрсатиш шарт эмасмиди? Уни тўғри шарҳлашга журъат этган миллатимиз гуллари мустамлакачи қотиллар томонидан қатлиомга дучор қилинмадиларми?!

Шўролар даврининг 20-30-йилларида яшаб ижод қилган ёзувчиларимиз бошларидан не-не кунлар кечгани ҳақида кейинги 5-10 йилларда анча-мунча гаплар айтилди, ёзилди, бу иш ҳамон шиддат билан давом этмоқда. Агар сиртдан қараганда, талай муаммолар бу борада аллақачон ечилгандай туюлади ҳам. Аммо бизнинг миллий тарихимиз ҳам бутун инсоният тарихи каби бой, чексиз-чегарасиз ва серқирраки, унга ҳар сафар мурожаат қилар экансиз, янгидан-янги фазилатларни кашф этасиз. Буюқ аждодларимиз қандай мураккаб, чигал, ўта қалтис тарихий вазиятларда яшаб,

фақат “халким, Ватаним” деб ёниб яшаганларига хайрон қоласиз. Ўша хавф-хатарга тўла ўтмишда ҳам мустам-лакачиларга дасёрлик қилиб, барча имтиёзларга эга бўлган, мақол тарзидаги ибора билан айтилганда - “ёғ еб, яланғоч ётганлар” бор эди. Улар қаторида бутун борлиғи билан халқ-миллат тақдирини ўйлаб, ҳаётини хавф остида қолдирган фидойилар ҳам бор эди. Миллий маънавиятимиз тақдирини замон шулар елкасига юкларди.

Ўз тақдирини Ватан, миллати тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрган ва яшаган шахсга ҳамиша ҳам ҳаёт енгил бўлган эмас ва бўлмайди. Аммо маънавияти бой шахс учун бундан кўра улуғроқ - яъни халқи манфаатини ҳимоя қилиб яшашдан кўра юксакроқ ҳаёт тарзи кўринмайди, асли фидойиликнинг туб негизи ҳам, моҳияти ҳам шу эмасми?! Бизга қолса, фидойи шахс деб худди шундай фазилатларга эга бўлган шахсларга айтилса керак...

XX асрнинг бошларида майдонга чиққан жадидларнинг вакиллари айнан мана шундай фидойиликлари билан бутун Туркистон халқи маънавиятига ғоят кучли ижобий таъсир этдилар. Ана шу даврларда яшаб ижод этганлар орасида ҳам турилича қарашлар, баъзан ҳатто ўта кескин зиддиятлар мавжуд бўлган. Гарчи жадидчилик ҳаракати ва унинг айрим машҳур намоёндалари ҳақида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган китоблар, мақолалар эълон қилинган бўлса-да, ўша даврдаги ғоявий курашларнинг айрим энг нозик нукталари ҳали етарлича ўрганилди деб бўлмайди. Зиддиятда ҳам зиддият, курашларда ҳам курашлар борки, гоҳо уларни бир қарашда сиртдан пайқаш қийин.

Демокчимизки, кураш бор экан бири бир томонни ҳимоя қилса, иккинчиси бошқа томонни қўллайди. Бундай курашларни аниқ кўриб туриш мумкин. Аммо ҳар икки томоннинг ҳам ниятлари деярли бир хил, икки томон ҳам халқ, давлат, Ватан манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўяди, шахсий тақдирини жамият тақдиридан узилган ҳолда тасаввур этолмайди, аммо курашади, кези келганда - бир-бирини аёвсиз танқид қилади. Буни қандай тушунмоқ керак? Мана энди ишимизнинг энг нозик тарихий негизларига келдик. Мисолларга мурожаат қиламиз.

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиёти майдонида

катта обрў-эътибор қозонган Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Боту ва уларнинг сафдошлари ҳаммаси советлар томонидан катл этилгани маълум. Аммо буларнинг бирортаси Ватандан, халқдан узилиб ўз роҳатини ўйлаган эмаслар. Бирок ҳамфикр бўлишлари билан бирга уларнинг айрим келишмовчиликлар, зиддиятлилари ҳам бор эди... Адабиётимизга октябрь тўнтаришидан олдин кирган катта авлод вакиллари инқолибдан кейинги дастлабки йилларда шўроларга анча умид боғладилар, болашавойларнинг катта-катта ваъдаларига ишондилар, халқимизга эркинлик, мустақиллик берилиши ҳақидаги ёлғонларига дуч келгунларича шўроларни ёқлайдилар. Аммо гап бошқа, иш бошқалигини пайкаганларидан бошлаб, улар кизилларнинг қилмишларини турли бадиий шаклларда фош этишга тушадилар. Айникса, Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Вадуд Маҳмуд каби шахсларнинг ижодида бу ғоялар очик кўрина бошлайди. Бирок адабиётга улардан кейинроқ кирган Ботуда эса халқимиз манфаатларини химоя қилиш фаолияти фақат шўроларнинг шиорлари руҳида давом этганини кўрамиз. Боту ҳам халқим деб ёнади. Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар ҳам халқим деб ёнади. Лекин, Боту ўша ҳалол-пок нияти негизида пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларини Қодирий, Чўлпон, Фитратга қарши кураш йўли билан изоҳлайди. Вадуд Маҳмуд эса, асли Бехбудийнинг шогирди сифатида воқеаларга худди ўша катта авлод нуктаи назаридан ёндошади. Яъни шўролар Туркистонни сира ўз холига қўймасдан қийнаётганларидан шикоят қилиб, халқни ғафлатда қолмасликка даъват этади ва ҳоказо...

20-йилларнинг ўрталарида (1923 йилда) “Муштум” журналинини ташкил этган Ғози Юнус ва Комил Алиевлар журнал саҳифаларида жуда фаол ҳажвий, танқидий асарлари билан чиқиб туришади. Ўша вақтларда, айникса, Абдулла Қодирийнинг сатира ва юморлари катта мавқега эга бўлиб, халқ ўртасида ғоят кенг тарқалиб кетгани тарихдан маълум... Қодирийнинг “Овсар” таҳаллуси билан ёзган катор ҳажвиялари орасида “Йиғинди гаплар” туркумидаги кўплаб танқидий, публистик фельетонлари бор эди. Шулардан бири жаҳон аҳволидан беҳабар ёки бепарво, беғам ғафлатда ётганлардан қаттиқ куюниб, у анча қалтис, кескин фикр-

ларни ёзиб, жумладан шундай деган эди: “ Қайси бурчакда ухлаб қолдинг? Деб сўрама...! Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, маданияти, иқтисоди, шалтай-балтайи, хуллас барчаси ухлайди...” Мазкур гапларни Қодирий 20-йилларнинг охирида шўроларнинг барча соҳалардаги қилмишларини, айниқса ўзбекларга нисбатан тутган сиёсати-ю зўравонлигини, айниқса қарамликда кечаётган аянчли ахволини ғоят дард-алам ва жасорат билан очиб ташлаган эди. Аммо шу вақтларда Москва олий ўқув юртида таълим олиб қайтган Боту бу даврга нисбатан танкидий қарашларни ҳазм қилолмайди. Унга қарши қаттиқ танкидий чиқиш билан жавоб беради. Мана Ботунинг бу ҳақидаги мулоҳазалари.

Энди сен ҳам алаҳладинг, эй овсар,  
Сенга бўлмиш қон денгизи зўр қавсар.  
Ёмон ерда ётиб қолгон экансан  
“Жин тегибди” бўлибдирсан кўру-қар.  
Ишчи, деҳқон суюнч билан ишлайди,  
Бойлар энди бурчакларда қишлайди.  
Сен сингари қўнгли қора “Овсарлар”  
Ғазабланиб лабларини тишлайди.

Шеърнинг дастлабки сатрлариданок Ботунинг дунёқараши шўроларга хиёл танкидий кўз билан ёндошувга зидлиги очик кўринади. Кейинги мисраларда коммунистларнинг ўша вақтлардаёқ кенг ёйиб юборган сохта мафкуралари, қурук ваъдалари, синфий айирмалари, бой билан камбағални гиж-гижлаб, бирининг гўштини иккинчига едириш билан қонхўрликни авжга миндирган сиёсатлари, айниқса, Москва таълимида қандай акс-садо берганини кўрамиз. Мана бу мисрларга этибор беринг-а:

Ўлкамизга бир неча ўт берган  
Ўқсулларнинг юрагига ўқ терган  
Ўйдошларинг чиндан кафан кийдилар.  
Улар гўрда сенга “рахмат” дейдилар.  
Афғондағи, Париждағи “аҳмоқлар”  
Чет элларда тентираган у “тоқлар”  
Сени энди эслайдилар дамбадам,  
Алқайдилар, ўзлайдилар сени ҳам.

Ётлар каби алахладинг, эй Овсар,  
Эмди чиндан бўлибдирсан кўру-кар...

1926 йил, Москва.

Шеърнинг ғояси очик кўриниб туради. Ортиқча изохга хожат йўқ. Қодирий ва унинг сафдошлари Шўро мустамлакачилари сиёсатини фош этиш билан миллий озодлик, мустақиллик ғояларини химоя қилади, Боту каби Москва таълимига астойдил берилган ёшлар эса, шўролардан росмана адолат кутиб, халқ манфаатларини химоя қилишга интилади. Аммо шўролар буларга қандай муносабатда бўлди? Жавоби аниқ - миллатимиз гулларини кириш - коммунистик мафқуранинг туб негизини ташкил этарди. Шўроларга танқидий қараганларни ҳам, уни жон-дили билан ёқлаганларни ҳам, кириб ташлаган қизиллар оқибатда бутун мамлакатни орқага суриб ташладики, ҳамон бу асоратдан қутула олмаётганлар холи не кечаётганини ҳозир бутун дунё кўриб турибди...

Яна бир қизик нуқта: Фитратнинг машҳур “Ўғит” деган шеъри 1925 йилда “Гўзал ёзғичлар” номи билан чоп этилган тўпламда эълон қилинган. Бу шеърда ўзбек ёш йигитларига мурожаат қилиб, у ўлкани қоплаб олган зулмат пардаларини йиртиб, озодликка чиқиш учун курашга даъват этилади. Шунга ярамаганларни “Йиқил, йўқол, кет!” деган хитоблар билан инкор этилади. Боту ҳам айни пайтда “Ўғутим” сарлавҳали шеър эълон қилиб, унда ҳар қандай тўсиқларни енгиб, “ўз озодлигини” қўлдан бермасликка чақиради.

Фитрат йигитларга, Боту эса қизларга қарата ёзган эди. “Ўғут”да йигитларга қарата - “Эй йўлини тўсиб турғон эски булутларни ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!” деб хитоб қилишса, иккинчисида “Ёш кўнгил умидлар боғида ўйнасин, Ёш гуллар саодат нурида гулласин. Ёш ўйноқ кўзлардан оқмасин дардли ёш. Яхши қиз, тўхтама қаршилиқ қошида!..” деган сатрлар билан яқунланади.

Кўрдингизми, ҳар икки шоирнинг мақсади улуғ ва холис. Ёш авлодни Ватан, миллат равнақи йўлида фидойилик руҳида тарбиялаш, маънавий етук шахслар даражасига қўтариш - бош мақсад қилиб қўйилган. Аммо иккинсининг бир ғояни тасдиқлаш йўллари бошқа-бошқа, бир-

бирига зид шаклда юзага чиккани яккол кўриниб туради... Бу ҳам ўзига хос бир кураш, интилиш, ижодий бахсларки, хали ўзбек адабиёти тарихининг бу даврдаги ана шундай кирралари тўла тадқиқ этилгани йўқ...

Аммо шу нарса аниқки, ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий тарихимизнинг тарбиячиликдаги аҳамияти, соғлом авлодни Ватан, халқимизга, умуминсоний фазилатларга фидойилик руҳида тарбиялаб ўстиришдаги, уларни курашга сафарабар этишдаги ўрни бекиёсдир. Миллий тарихни чуқур билиб ўсган, унга ҳурмат-эҳтиром билан онги шаклланган авлод ҳар қандай қинғир йўлларга кириб кетмайди. Ўз халқи, Ватанига содик бўлиб қолади.

*...Бугун шакл топаётган миллий мафкура концепциясини минг йиллик миллий кадриятларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.*

*Ислом КАРИМОВ*

Янги йилнинг бошланиши республикамизда халқимиз ва давлатимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамият касб этадиган воқеаларга бой бўлди. Булар орасида факат ўз фуқароларимиз-у, уларнинг турли-туман қатламлари вакилларидан тортиб, бутун дунё миқёсида ҳамон табрик-қутловларда узлуксиз таъкидланаётган воқеа - бу Юртбошимизнинг янгидан ўз лавозимига сайлангани бўлиб қолди, десак янгилишмаймиз, чунки бу ҳодиса деярли жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида содир бўлаётганини - эндиликда рақиблиримиз ҳам рад этолмайдилар. Негаки, ойни ҳеч қайси замонда этак билан ёпиб бўлган эмас, бундан кейин ҳам бундай оламшумул воқеа-ҳодисалар махсус исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлигича қолавереди ва давом этавереди...

Биз юқорида, бўлиб ўтган Олий Мажлисимиз сессиясида Юртбошимиз маърузаларида айтилган бир фикрдан кўчирма келтирганимиз бежиз эмас. Ана шу кўчирмада баён қилинган фикрлар илгари айтилмаган эдими? Нега бу ва

шунга оид яна бир қатор фикр-мулоҳазаларни яна такрорлаш ёки янгидан, турли-туман шаклларда, мисоллар ёки муносабатлар билан қайта-қайта таъкидлаш керак бўлиб қолди? Бундай саволлар, эҳтимол, ҳали ҳам қўпчиликда пайдо бўлаётгандир, ҳатто пайдо бўлиши гоҳо табиий ҳам дейлик... Биз мазкур мулоҳазаларимиз давомида ана шу саволларга жавоб беришга интилиб кўрамиз.

Аввало, мавзунинг узлуксиз таъкидланиб бориши ҳақида. Бизнинг ёшдагилар яхши эслашади: Юртбошимиз Ислом Каримов 20-30 йилларда қатағон этилган буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, энг яхши, илғор миллий анъаналаримизни юзага чиқариш ҳақида махсус ғамхўрлик қилганлари худди кечагидай кўз олдимизда турибди. Ўша йилларда туғилган ўғил-қизларимиз ҳозир ўн-ўн икки ёшларга кирган ва улар ўз ота-боболари қадриятларига хурмат билан қараш руҳи билан кўз оча бошладилар. Телерадиоларда ҳозир уларнинг айримлари Навоийдан тортиб кўплаб буюк сиймоларимиз асарларидан ўқишмоқда, уларни ўзларича таҳлил этишмоқда, кўплаб шеър ва ғазалларини ёдлаб ҳам олишган. Энди улар ўз аждодларига хурматсизликни гуноҳ деб биладиган бўлиб қолдилар. Негаки, улар кўз очиб - Истиклолимизнинг, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизни хурмат қилиш руҳида тарбия топа бошладилар.

Бизларнинг ёшлигимиздаги “халқ душмани”, “миллатчи”, “сарой шоири”, “феодалчилик”, “буржуазиячилик” каби қизиллар тўқиган уйдирмалар воситасида ясалган қора тамғалардан эндиги ёш авлод хабарсиз. Бироқ, тарихни ўрганиш, ҳар бир босқичда ўз халқи бошидан кечган воқеа-ҳодисалар силсиласини тўла-тўқис ўрганиш, моҳиятига чуқур кириш, таҳлил қилиш, ижобий-салбий нукталарини тўғри англаб олиш, ўз ҳаёти-фаолиятида тўғри йўлни топиб олишда чалғимаслик булар ҳаммаси бугун ҳам ғоят долзарб масала бўлиб турибди. Юртбошимиз ҳам чиқишларида бунга аҳамият бераётганлари боиси ҳам шу десак, хато қилмасак керак. Негаки, бугунги ёшларимиз орасида, ҳатто айрим ғофил катталар орасида ҳам турли бетайин, таг-томири йўқ, яъни пуч, аммо нуқул ўз эл-юртига қарши

борадиган жиноятчилар - ўз ҳаракатларини, яъни инсониятга қарши, ўз ватани, миллатига қарши хиёнатларини дин деган ғоят муқаддас ибора билан парчалаб, аслида динга ҳам, инсонга ҳам хонилик қилаётганлар борлиги буюк аждодларимиз тарихий манбалари заминиде уларни маърифат йўли билан тўғри йўлга солишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугина эмас, тарих - тарих, буюк сиймоларимизнинг маънавий мероси бебаҳо бой хазина. Бу гап доим айтилади. Маъноси ҳам ойнадай равшан. Аммо ўша хазинадан айрим мисоллар келтириб - “фалончи ундай деган, пистончи бундай деган” кабилидаги эскидан қолган сийқа гаплар билан маънавийтимизни санаб ўтиш - олимларимиз, журналистаримиз ёки ижтимоий фан соҳасидаги айрим ходимларни чуқурроқ ўйлашга даъват этмаслиги мумкин эмас. Биз бу гапни айтмас эдик. Мажбур бўлдик. Айрим ахборот воситаларида расмий шахс ёки расмий ҳужжатлардан бирида айтилган бир жумлани келтириб, ундан кейин истаган кўчага кириб кетишлар учраб турибди. Ҳатто бир кап-катта олим бир неча чиқишларида “маънавият бўлмаса, ривожланиш бўлмайди, маънавият бўлмаса у бўлмайди, бу бўлмайди” кабилида қатор ўнлаб соҳаларни санаб берди. Шу билан гапи ҳам тугади. Бечора ўйламайдиким, ким унга маънавият керак эмас, деб даъво қилган экан? Агар бирор одам “Энди бу гапни қўйинг, маънавият бизга керак эмас!” деб бош қўтарган бўлса, эҳтимол, унга шундай изох зарур бўлиб чиқар... Моломики, маънавият, миллий тарихимиз, буюк сиймоларимиз бизга қолдириб кетган битмас-туғанмас маънавий меросга муттасил мурожаат қилар эканмиз, ҳар сафар уларнинг бугунги дунё воқеа-ҳодисалари билан, ўз жумҳуриятимизда кечиб турган ҳаётий муаммолар билан, ҳам миллий, ҳам умуминсоний фазилатлари билан нақадар уйғунлашиб кетаётганини идрок этиш, таҳлил этиш талаб этилади. Зеро, ўз миллий тарихимиздаги энг юксак фазилатларга эга бўлган кадриятларимиз, аксари, миллийлик билан бирга умуминсоний миқёсда кенг намоён бўлади. Ахир Ал-Фарғонийдан тортиб Навоийгача буюк сиймоларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний юксак мавқега эга бўлиб дунёга танилганларининг боиси шу эмасми? Кейинги йилларда республи-



ликамизда буюк аждодларимиздан қанчалари қабри устида зиёратгоҳлари қурилди? Ҳатто шу вақтларгача бизнинг ёшдагилар ҳам номларини билмайдиган ўз сиймоларимиздан қанчаси бугунги кунда тилга олиниб, иззат-ҳурматлари жойига қўйилмоқда, асарлари излаб топилмоқда, чоп этилмоқда, хотиралари абадийлаштирилмоқда ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси минг-минг йиллардан буён дунёни мафтун этиб келаётган бўлса-да, нега бизга то шу вақтларгача маълум бўлмай ёки чала-ярим, ё мужмал, ё сохталаштирилган ҳолда талкин этилиб келди? Бундай саволларни ҳамон ҳар куни бериш ва сабабларини муттасил аниқлаб бориш бугунги маънавиятимиз борасидаги энг долзарб масала бўлиб қолди, таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятимизнинг туб негизи айти шулар билан боғлиқдир. Афсуски, ҳалигача ўзбек адабиёти тарихининг шу йўналишдаги самараларини қаноатланарли деб бўлмайди.

Тўғри, миллий меросимизни ўрганиш борасида кейинги йилларда анча ютуқларни қўлга киритдик. Буни рад этиб бўлмайди. Бирок шуларнинг ўзи билан чекланиб ҳам қоллолмаймиз. Чунки бугунги кунларгача қўпроқ қадимий тарихимиз ва адабиётимиз ҳақида гарчи анча-мунча ишлар қилинган бўлса-да, мустабиҳлик даврида мазкур мавзуларда ёзилган асарларга миллий мустақиллик мафқураси нуктаи назаридан ёки ўз тарихимизга эндиликда тўғри ва ҳолисона муносабатда ёндашиш ҳозир жуда зарур бўлиб қолдики, ҳали бу борда қилинадиган ишлар серобга ўхшайди...

Агар тарихимизга бир назар ташласак, унинг ҳамма босқичларида буюк олимларимиз, ёзувчиларимиз ўтмишга муттасил мурожаат қилиб келганларини кўраимиз. Зеро, ҳар бир замоннинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда доимо тарихимиз кўмак берган. Донолар буни чуқур идрок этганлар. Унга амал қилганлар. Беҳбудий, Фитратдан тортиб Абдулла Қодирийларгача қанчадан-қанча буюк сиймоларимиз энг яхши асарларини тарихий мавзуларда ёзганлар. Бу XX асрнинг 10 - 20 йилларида эди. 30 - 40 ва ундан кейинги йилларда-чи? Ойбек, Уйғун, Иззат Султон, улардан кейин Одил Ёқубов, Пиримқул Кодировлар энг яхши асарларини тарихий мавзуларда яратганларини бир кўз олдимизга келтирсак, буларнинг олий ниятлари, имон-этиқодлари,

шу билан бирга журъатларига ҳам тан берамиз. Айни даврларда ўтмишимизга роса тухмат тошлари ёғдирилайётган кезларда уларнинг асарлари пайдо бўлади.

Агар булар каторига Максуд Шайхзодадек йирик файласуф, шоир, драматург, юксак маънодаги олим яратган “Жалололдин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” асарларини қўшиб санайдиган бўлсак, бизда миллий кадриятларимизни тиклашга кимлар қандай тарихий вазиятларда уринганликларини ҳам, бу соҳада ишлаганларнинг бошларидан нелар кечганини ҳам аниқ тасаввур этиш нақадар муҳим тарбиявий аҳамият касб этишини чуқурроқ англаб олардик...

Гарчи масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бугунги мавзуимизнинг маркази буюк бобомиз Алишер Навоий ва у ҳақда ёзилган асар устида бўлади. Маълумки, ҳар йили 9 февраль Навоий туғилган кун сифатида нишонланадиган бўлди. Бундай саналар илгарилари ҳам бўлган, буюк бобомиз номига кўчалар, мактаблар, театрлар қўйилган. Аммо шўролар даврида чоп этилган 15 жилддан иборат асарларининг ҳар бири бошланишидаги Аллоҳга ҳамду санолари олиб ташланганлигини ҳозирги ёшлар билмасалар керак. Эндиликда тўла асарлари тўғри чоп этилаётганини ҳам айтиб ўтамиз. Бирок, ҳозир гап буюк бобомизнинг меросларига бўлган турлича муносабатлар ҳақида ҳам боради. Аввало шулки, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида салкам олти юз йиллардан буён ёзилади. Ўз замондошларидан бошлаб ҳозиргача озмунча асар пайдо бўлдими? Энди у ҳақда нималар дейиш мумкин?

Мазкур саволга қисман жавоб бериладиган бўлса, неча йиллардан буён Навоий ижодига кимлар қандай мурожаат қилган бўлишидан қаъти назар, ўша мурожаат қилганлар яшаб турган замон муаммоларининг энг самарали ечими кўзда тутилгани маълум. Халқ ҳаётининг турли даврларидаги турли воқеа-ҳодисалар, уларнинг энг катта бурилиш жараёнлари доим буюк даҳолар маънавий меросини ёдга келтиради. Адабиётимиз тарихида бунга мисоллар кўп. Лекин биз мавзу доирасидан чиқмаслик учун биргина 30-40-йиллар ўзбек адабиётига оид баъзи мулоҳазалар билан чекланамиз. Айни шу йиллар ватанимиз ва миллатимиз ўз тақдирида ғоят мураккаб воқеалар, зиддиятларни бошдан

кечиргани маълум. Худди шундай шароитларда буюк ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Уйғун, Иззат Султон, Ғози Юнусларнинг тарихий мавзулардаги талай хикоя, роман, драма асарлари нега ёзилди? Чунки шу давр воқеалари тарихга мурожаат қилишни тақозо этади. Шу йилларда Навоий даври ва унинг ижоди энг илғор даҳолар эътиборини тортади. Энди юкоридаги сўроққа келсак, Навоий ижоди ҳақида агар шу вақтгача минглаб асарлар пайдо бўлган бўлса, яна шунча асарлар ёзилаверади. Буюкларнинг абадийлиги шундай таъминланади. Улар эскирмайди. Қайта-қайта мурожаат қилган сари янги қирралари очилаверади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ойбекнинг “Навоий” романи билан Уйғун ва Иззат Султонларнинг “Алишер Навоий” драмалари, Собид Абдулланинг “Тохир ва Зухро” асарларининг яратилиши, уларнинг сахна ва кинофильм тарзида ярим асрдан ортиқ даврлардан буён халқимиз қалбида яшаб келаётгани боиси ҳам шундадир...

Навоийга бағишланган бадий асарларда буюк бобомизнинг бутун инсоният олами маънавияти учун энг кимматли, бебаҳо тафаккур неъматлари қамраб олинади. Замон кун тартибига чиқарган масалаларни ҳал этишда улардан фойдаланиш кўзда тутилади. Ўйлаб қарайлик, иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари давом этаётган вазиятлар. Ҳамза театри сахнасида Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мажиддин, Жомий, Хондамир, Бехзод, Биноий, Мўминмирзо ва бошқалардан иборат бир қанча буюк аждодларимизнинг қиёфалари жонланади.

Буларнинг деярли ҳаммалари Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, ўз ватани, эл-юрти тарихи ва тақдирида тутган ўрнининг ёрқин намоён бўлишига хизмат қилади. Биз бу ўринда соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейинги валиаҳдларнинг ноаҳиллиги туфайли бир бутун қудратли буюк Турон давлатининг емирилишини кўрамыз. Тараққиёт ўрнига ур-йикит, тохтаҳт талиши натижасида келиб чиқаётган гуруҳбозликлар, фитналар авжга минади. Бундай вазиятда инсоният тақдирини ўйлаган зот Алишер Навоий зиддиятларни тинч йўллар билан битиришга интилди. Юртни обод қилишга, мадраса, масжид, мактаб, илм-фан, савдо-

сотик, дехқончиликни ривожлантиришга бутун фаолиятини сафарбар этади. Биз сахна манзараларида буюк бобомизнинг серкирра фаолиятларини кўрганимизда унинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари, фикр-мулоҳазалари фақат уруш давридагина эмас, бутунги буюк Истиклолимиз кунларида ҳам қалбларимизни нақадар тўлқинлантираётганини хис этамиз. Мана бу оддийгина икки сатрга эътибор беринг:

Яшашдан юз аср олтин кафасда -

Яшаш афзал бир ой эркин нафасди.

Уруш вақтида босқинчига қул бўлиб юз йил яшаш билан ўз эркинлигида бир кун яшаш ҳақида қандай фалсафий ва бадий маънолар борлигини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Биз Навоий образи фаолиятида XV аср Темурийлар ҳукмронлиги даврининг деярли барча фазилатлари-ю нуксонларигача, энг тотли дақиқалардан - то жуда кескин, ҳатто фожиали нутқларигача кўз олдимиздан ўтказамиз. Кундан-кун парчаланиб кетаётган буюк Туронни саклаб қолиш учун курашган Навоий, барча миллат ва элатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга, уларнинг бирортасини ҳам камситмасликка шундай уринадики, ўша вазифятлардаги мулоҳазалари ҳамон кимматини йўқотмаслиги бизга зарурдир. Жумладан, биргина тил ҳақидаги фикрларини эслайлик. Ўша даврда айрим ўзларини бошқалардан устун қўйишга уринганлар бор эди ва ундайлар ҳозир ҳам оз эмас. Навоий бундайларга қаттиқ зарба бериш учун махсус асарлар ёзгани маълум. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

Ёмон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир,

Улуғлар олдида бу гап эмас сир...

Жаҳонга шоҳ асарлар тақдим этган,

Бутун дунёга шуҳрат донғи кетган

Фақат форслар эмас, хиндлар, араблар,

Хитой, юнон, бўлақлар ҳам. Бу гаплар -

Аёндур кун каби. Биз сўзлаган тил

Шу тиллар сингари бойдур ва қобил.

Биз келтирган сатрлардаги чуқур илмий, ижтимоий, ҳатто сиёсий бир мавзу XV аср Хиротдаги замоннинг энг етук олиму фозиллар, амалдорлари-ю зиёлилари ўртасидаги баҳслар манзарасини гавдалантирган. Аммо тил ҳақидаги

шу мулоҳазалар ҳозир аҳамиятини йўқотганми? Албатта йўқ. Агар Истиқлолимиз бўлмаса, ўзбек тилига давлат мақоми берилармиди? Ўз она тилимизда маъруза қилишга ҳам Москвадан рухсат сўралиши шарт бўлганидай фожиларни бизнинг ёшдагилар ўз кўзлари билан кўрганлар, гувоҳ бўлганлар. Лозим бўлса, бу ҳақда алоҳида чиқиш қилиш мумкин.

Хуллас, Навоий ва у сингари буюк аждодлардан қолган маънавий мерос бизни абадий илҳомлантираверади. Биз муттасил уларга мурожаат қилиб, ўз ҳаётимизни онгли равишда қурамиз. Буюк Истиқлолимиз бизга буни ато этган, Юртбошимиз доим буни эслатиб келишлари бежиз эмас...

\*\*\*

*...Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч ва ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тархимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.*

Ислом КАРИМОВ

Миллий кадриятларимизни тиклаш борасида кечган жараёнларнинг ўзини агар бирор тарихчи тўла-тўқис, ҳаққоний ёзиб беролгудай бўлса, Буюк истиқлолгача халқимиз, тарихимиз, зиёлиларимиз бошидан нелар кечгани ўзи бир дунёлигини баён этувчи - ғоят ибратли илмий иш майдонга келарди. Бу орада кечган зиддиятлар, зиёлилар ўртасидаги гоҳ чўчиш, гоҳ иккиланиш, гоҳо эса “тарози қаёққа босишини” четдан кузатишлар... Яна баъзилари “борди-ю мен ҳозир миллий кадриятларимизни ҳурматлаш томонига ўтсам, эртага яна қандай балоларга йўлиқаман?..” кабилида иш тутганлар. Буларнинг ҳаммаси китобхон кўз ўнгида шундай аниқ кўринардикки, буни яхши тушунганлар онгида, дунёқараши, тафаккурида, хуллас бутун маънавиятида қандай ўзгаришлар рўй беришини кузатардингиз!.. Бунинг пировард натижаси эса, ёшларни ҳам, катталарни ҳам Бугуннинг кадрига етишга кўпроқ жалб қиларди. Ахир бугуннинг кадри деганда дастлаб айни шу кунларимизни саклаб қолиш, уни ривожлантириш, ҳар томонлама камолотга

эриштириш йўлларини излаб топиб, янгидан курилайтган ўзига хос ижтимоий тузумимизни мустақкамлаш учун курашга киришишни тушунмаймизми?! Айни шу мақсадни ўзига олий ният қилиб яшаш ғоясини барча табақаларга мансуб фуқароларимиз қалбига сингдириш миллий мафқурамизнинг бош ғояси бўлиб қолмайдими?!

Бу саволга “ха, шундай” деб жавоб бериш осон. Аммо уни бутун жамият аъзолари онгига сингдириш - ҳамон катта муаммо бўлиб қолаётганини Юртбошимиз кўп марта таъкидлаб ўтмоқдалар. Бунинг боиси бор. Жуда катта сабаблари бор. Кўплаб зиёлиларимиз мазкур мавзу атрофида шубҳасиз ўйлаш, изланиш туфайли қатор мақолалар, асарлар ҳам ёзишди. Агар ҳаммасига бир назар ташланса, айланиб келиб, миллий тарихимиз, буюк аждодларимиздан қолган оламшумул маънавий мерос мо-хиятларига чуқурроқ кириб бориш, уларни кенг халқ оммаси эътиборига етказиш ҳақида турли мулоҳазалар айтилади. Асос эътибори билан, деярли ҳаммасида ижобий қараш ва яхши ниятлар мавжудлиги қувончлидир. Бу бизга Буюк Истик-лолимиз ато этган энг бебаҳо Маънавий Нёъмагдир. Ватан, халқ, миллат манфаатлари учун бутун борлигини ҳаля этган энг қадимий аждодларимиздан тортиб XX аср бошларигача, ундан кейинги қарамлик - мустамлакачилик қўллиги жафолари остида ҳам ўз имон-эътиқодларидан чекинмай, жасорат кўрсатиб яшаган сиймоларимиз, уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида бирмунча эътиборга лойиқ китоблар яратилди. Биз шулар қаторида таниқли тарихшунос олим Ҳамид Зиёевнинг “Истиклол маънавият негизи”, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Бизким, ўзбеклар” сингари бир неча ишларни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик.

Бир-икки эътиборли нуқтани таъкидлаш жоиз туюлади. “Истиклол маънавия негизи” китобида чор Россияси ва кизиллар қилмишларини фош этадиган қатор далиллар, архив ҳужжатларини изоҳлаш билангина чекланмай жиддий баҳсларда ўз фикрларини далил исботлашга кодир тарихшунос олимга ҳам дуч келамиз. Жумладан, китобадаги “Озодлик радиосига очик хат” бобида бизнинг тарихчи олимларимиз ишларини ерга уришга ҳаракат қилган ва шу йўл билан аслида Истиклолимизга раҳна солишга уринаётган айрим хорижийларнинг қилмишлари жуда ўринли, асосли рад этилади. Аммо гап - фақат тухматчининг

сохта даъволарини фoш этиш билан чекланмай, бизда давлатчилик тизими жуда қадимий эканлиги, унинг илдиэлари эрамиздан олдинги VII VI асрларга бoриб тақалиши сингари гoят аниқ ва бугунги кунда жуда долзарб, шўролар давридаги ўтмишимизни бутунлай ғариб қилиб кўрсатишга қарши фикр-мулоҳазалар баён қилинадик, булар бугунги ёшларимиз тарбияси учун нақадар муҳимлигини изоҳлаб ўтиришга хожат йўқ. Бинобарин, бу мулоҳазалар Абдуқаҳор Иброҳимовнинг “Бизким, ўзбеклар” китобидаги мулоҳазаларга ҳамоҳанглиги билан, яъни воқеликка ҳушёрлик, эҳтиёткорлик, тарихий ҳужжатларга масъулият билан ёндашишдаги ҳамфикрлиги билан ҳам қимматлидир. Биз буни нега алоҳида таъкидлаётимиз. Бунинг боиси бор. Айрим олимларимиз бундан ўн йил ва ҳатто ундан олдин, ҳатто ундан кейинроқ аниқ архив ҳужжатларига таяниб айтилган, ёзилган, эълон қилинган воқеа-ходисаларни бутун ўзлари эндигина кашф қилгандай ёки ўзлари излаб топгандай айтиб юбормоқдаларки, агар буларнинг номлари керак бўлса, санаб бериш мумкин.

Эътиборингизни “Истиклол - маънавият негизи” китобидаги яна бир бoбга қаратмоқчиман. “Озодлик орзусида дунёдан кўз юмган олим, устоз ва мураббий” деб номланган мазкур бoбда ўзбек миллатининг буюқ фарзанди - домла, ҳурматли зот - Яҳё Ғулом ҳақида гап боради. Домла Яҳё Ғулом машҳур тарихчи, археологини эмас, ижтимоий фанларнинг деярли барча соҳаларини яхши билган қомусий зиёли ҳам эдилар. Имон-эътиқодга келганда, чекинмайдиган жасоратга эга бу буюқ сиймо кизил империя сиёсатининг дастёрларидан кўплари фитналарига дуч келди. Виждонга бир боқинг: қайси бир йили пахта экишга Ўзбекистонда ер камлик қилгандай, Самарқандда Афросиёб деб аталаётган энг қадимий замин - қанчадан-қанча қазилмаларга бой масканни бузиб, пахта даласига айлантиришга аҳд қилинди. Ҳеч ким чурқ этганини биз эшитганимиз йўқ. Аммо Яҳё Ғулом бу гапни эшитган кунийёқ учиб Самарқандга борадилар. У кишига буни ҳеч ким буюргани ҳам, илтимос қилгани ҳам йўқ. Бoриб ўша вақтдаги катталар билан гаплашиб, олишиб, “Ахир дунё биладиган ер-қу, бу. Шарманда бўламиз-қу” деб, олишиб келганларини камина шахсан ўз оғизларидан эшитганман. Яна бир дўстим ўғлининг политехника институтида биринчи курсда ўқиётгани, партия тарихидан доим “2” олиб ташвиш-

ланпираётганини айтиб қолди. Яхё ака шу ондаёқ: “Тўғри қилади, ёлғон тарих-да. Нимасини ўқийди?!” деб ғазаб билан жавоб берганлари худди кечагидек эсимда. Биз тилга олиб ўтган китобда домланинг нақадар озодликка интиқ бўлиб дунёдан ўтганлари ҳақида кўп ҳақиқатларни билиб оламиз. Мана бу ҳам миллий кадриятларимиз. Ахир ўзимизга замондош буюк сиймоларимиз кадриятлари ҳақида ҳам ҳозирги ёшларга ҳақиқий маълумотларни бериб бориш - жуда катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Зеро, имон-этикоди бутун, ўз халкининг ўтмиши, ҳозир, келажагини ўйлаб яшашни ўз бурчи деб билган аждодларимиз, улар қайси давр, қайси асрда яшаганликларидан қатъи назар, бизга жуда қимматли маънавий мерослари билан мангуликка дахлдордирлар...

Энди ўйлаб кўрайлик, кейинги ўн йилларда халкимиз Миллий Мустақилликнинг самараларидан фойдаланиш, уни қўллаб-қувватлашни англаб етди. Бирок, фақат ёшларгина эмас, баъзан катталар ўртасида ёвузликларга берилиб кетиш, жиноятларга қўл уриш, алақаёқларга бориб ўз ватани, халқига қарши курашадиганлар қаяқдан пайдо бўлди? Ахир биргина Бухоро вилоятидан 400 дан ортиқ ёшлар хорижга чиқиб кетган. қаяққа кетгани маълум эмаслигини вилоят ички ишлар раҳбарларидан бири радиога чикканда айтди. Демак, ҳали ватанпарварлик, халқпарвалик бобида буюк аждодларимиздан ўрнадиган жойларимиз тўлиб-тошиб ётибди. Тарихсиз келажак йўқ деган фикрнинг энг қимматли моҳияти шудир. Бутина эмас, ҳали бизда ғафлатда ётганлар анчагина. Уларни уйғотишда тарихимиз бизга қўмақ беради. Ўз тарихини билган, билишга қизиққан шахсда ватан, халқ, миллат тушунчаси юксак бўлади, имон-этикод бутун бўлади, фидойилар шулардан ташкил топади. Мана бу сатрларга эътибор берайликчи: Абдулла Авлонийнинг болалар учун ёзган шеъри - “Ватан” деб сарлавҳа қўяди:

Сенинг исминг бу дунёда мукаддасдур.

Ҳар ким сенинг қадринг билмас - ақли пастдур.

Сенинг туйғунг юракларга садо солур,

Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур...

Авлоний шеъриятининг бош ғоясини ташкил этган мазкур сатрларнинг давоми Ватанимиз табиий бойликлари, борлик жонзотлари хайвонот, наботот, серунум ер-сувлари барчаси



бебахо неъматлиги тасвирланади ва шундай Ватанни кўзқорачигидек асраш, унга ҳеч қачон хиёнат қилмасликка ёниб даъват этилади.

Сандан туғиб, катта бўлуб, қайтиб боруб,  
Яна сенга кирадурмиз бағринг ёруб.  
Онамизсан! Бизни(нг) мушфиқ онамизсан!  
Жавлон уруб яшайдурғон хонамизсан!  
Сени сотмоқ мумкиндурму, ўзинг ўйла!

Кейинги сатрлар - ажнабий босқинчилар фитнасига оғиб, Ватанни сотанлар туфайли эл-юрт бошига тушган кулфатлар, фожиалар тасвирига бағишланади. Ватан хоинларининг онкўрликлари лаянатланади. Айтинчи, бутун мазкур сатрлар ва ундаги ғоялар замон воқелиги билан нақадар ҳамоҳанглиги билан - ҳозирги ёшлар учун ёзилгандай эмасми?! Ваҳоланки, бу шеърни Авлоний - бундан салкам бир аср илгари - 1916 йилда ёзган.

Энди яна бир тарихга назар ташлаймиз: бундан саксон йиллар илгари, 1922 йилда нашр этилган “Ўзбекча ўқиш” деб аталган китоб муаллифлари - Элбек билан Фотиҳ Сайфийлар миллий кадриятларни ўрганишга оид катор мавзуларни болаларга тушунарли қилиб изоҳлайдилар. Шулардан бири - улуг бобомиз Навоий ҳақида ёзилган саҳифада унинг ҳаёти, ижоди, она тилимиз мавқеини ҳимоя қилгани ва бу масаланинг маънавиятимизда тутган ўрни, тарбиявий аҳамияти болалар тушунадиган тарзда ёритилади. Қизил босқинчилар бутун тарихимизни оёкости қилаётган кезларда она тилимиз, адабий меросимизни тиклаш ва ҳимоя қилиш учун улар бошни гаровга қўйиб, Ватан, миллат, мактаб, маориф, миллий тарих деб майдонга чиқдилар.

## II боб

Истиклол ва миллий кадриятларимиз бугун.

Абдулла Қодирий /Жулқунбой/

*Дили ҳасад тўла, ичи коралар  
Доим тухмат ила покни коралар.  
Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўр,  
Шамдонда барча ис шунга ўралар.*

*Бедил.*

Истиклол эълон қилингандан кейин

Агар Ўзбекистон Мустақил деб эълон қилинмаганда миллий кадриятларимиз ҳамон кўмилган, буқилган ҳолда ётарди. Бу ҳақда шу гапнинг ўзи кифоя. Истиклолимиз шарофати туфайли жумҳуриятимизда бошланган миллий кадриятларимизни тиклаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Бунга ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов бошлиқ бутун ҳукуматимиз алоҳида эътибор бермоқда...

Октябрь тўнтаришининг биринчи кунларидан тортиб то мустақилликка эришгунимизча қатл этилган, тақиклаб келинган талай буюқ зотларимиз кадриятлари, бой маънавий мерослари тикланиб келинаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз... Ат Термизий, Баҳоуддин Накшбанд, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Феруз, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар қори, Элбек, Ғози Юнус - уларнинг яна қанча-қанча сафдошлари асарлари бизнинг буюқ маънавий меросимиз тарзида эъзозланаётгани, чоп этилаётгани истиклол томонидан бизга ҳада этилаётган улуғ неъматдир... Бунга англаш, чуқур тушуниш, кадрига етиш лозим... Бу жараёни имон-эътиқоди мустаҳкам, софдил жамоат ғоят мамнуният билан кузатиб бормоқда... Яқиндагина ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов яна бир муҳим савоб ишга бош бўлди - буюқ бобомиз Амир Темур ҳазратлари таваллудига 660 йил тўлишини муносиб нишонлаш ҳақидаги ҳукуматимиз фармонига имзо чекди... Фармонни амалга ошириш ишлари қизғин давом этиб, аниқ тадбирлар белгиланди ва бу ғоят кенг қўламда ўтказилди... Ўйлаб қаралса,

то истиқлолгача ўтган барча йилларда Амир Темур номини, юқорида номлари санаб ўтилган ёзувчиларимиз номларини, асарларини тилга олиш тақикланган, борди-ю тилга олинадиган бўлса, фақат улар шаънига тухматлар қилиш шарт, айниқса, Амир Темур жаҳонда энг конхўр ҳукмрон деб қоралаб талкин этишни қизил империя мафкурачилари конун даражасига кўтариб қўйган эдилар...

Бутун мусулмон дунёси минг йиллардан бери иззат-икром билан қалбида сақлаб келаётган Баҳоуддин, Термизий, Яссавий XX аср бошларида майдонга чиққан А.Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Фитратлар, уларнинг бир неча ўнлаб сафдошлари, гўё ҳаётда бўлмагандай, ёки бўлсалар ҳам, нуқул хато-ю, нуқсонлар билан ўралашиб қолганлар, тараққиётга тўсиқ бўлганлар деб талкин этиб келинди. Бу ҳол ва худди шундай қарашга то 1990-91-йилларгача бош бўлиб келганлардан айримлари ҳамон тирик юришибди, аммо юзларини ўзгартириб олишган, гўё маънавий меросимизга “дўст” бўлиб қолишгандай ўзларини кўрсатмоқчи бўладилар, аммо ҳамон эски ўтмишларини қўмсаб, “унсиз фарёд” чекишади... Ваҳоланки, юқорида номлари тилга олинган аждодларимизнинг ҳар бири собиқ СССРдан бошқа мамлакат халқлари ва миллатлари томонидан тан олиниб, қалбида эъозланиб келганлар... Зар қадрини заргар биледи шуни таъкидлаш жоизки, буюк сиймолар қадриятларини билиш, меросларини ҳурматлаш ҳам, асосан, буюк инсонларга хос хусусиятдир. Буюкларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини англаш учун кишининг ўзи ҳам маълум бир илмий-назарий тайёргарликка эга бўлмоғи, яъни буюклик моҳиятини тушуниш даражасига кўтарилмоғи талаб қилинади... Эътибор қилинг, шаҳримизда Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиши, кўчаларга номи қўйилиши, Абдулла Қодирий номида кўча, мактаб, маҳалла, олий ўқув юрлари, боринки, нашриётларнинг атмишини истиқлолсиз тасаввур этиб бўлармиди?! Мазкур гаплардан хулоса шулки, октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб, Ленин бошлиқ бутун қизиллар халқларимизнинг ўтмишига, миллий урф-одатлари-ю, анъаналаригача ҳаммасига қарши ўт очди, бор-йўғини оёқ ости қилди... Унгача чор Россияси ҳам Туркистон халқларига ҳўб зулм

килган, мусулмонларнинг тили, дини, одатларини йўқотсанг ўзлари ҳам йўқолиб кетади деган ақидани боскинчилик дастури қилиб олган ва ўрис генераллари бу ҳақда кундаликларида ёзиб қолдирган. Қизил империя эса, бу сиёсатни неча хисса ошириб юборди. Чор Россияси боскинчилигидан азоб чекиб, ундан кейин қизиллар балосига йўлиққан буюк аждодларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек каби сиймоларимиз октябрь тўнтариши кунлари ва ундан кейинги дастлабки кезлардаёқ истиқболдаги жоғаларни фахмлаган ва у ҳақда ўз асарларида, илмий-публицистик мақолаларида, анжуманлардаги чиқишларида йўл топиб, ўз мулоҳазаларини баён қилиб тўрдилар...

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, миллий кадриятларни тиклаш ҳамиша кескин курашлар, зиддиятлар билан амалга оширилган. Умуман олганда, миллий кадрият тушунчасининг, аввало, кўлами кенг. Мазкур мавзуда буюк ёзувчи, олимларимиз ўртасида қарийб юз йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган масалаларни эсласак, бу борадаги ишлар нақадар жиддий эканлиги равшан бўлади. Биз унча узоқ тарих эмас, XX аср бошларидан буён ўтган ҳозиргача тарихимиздаёқ курашлар, тортишувлар, зид-диятлар давом этаётганини яққол кўраимиз. Ҳозир-ку, сўз эркинлигига истиқлолимиз тўла имконият яратди “ёв қочиб, ботир кўпайди” қабилда маънавий меросимизнинг очик муҳолифлари ҳам “меросхўр” бўлиб қолдилар. Аммо бошини гаровга қўйиб, мустамлакачилар қаршисида мустақилликни қаҳрамонларча ҳимоя қилганлар орамиздаги мунофиқ тирикларимиздан кўра тирикрок бўлиб, бизга истиқлолимизни мустаҳкамлашда ёрдам бераётганларини фақат имон-эътиқодли шахсларгина идрок этади... Айрим мисолларга эътибор қилайлик: Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Бектемиров, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Чўлпон ва уларнинг ҳамфиқрлари XX аср бошларидан то 30-йилларнинг ўрталаригача қизил империя ваҳшийлари уларни ноҳақ қатл этгунча, миллий кадриятларимизни тиклаш ва сақлаб қолиш учун курашиб келдилар. Шу йўлда жонларини фидо

килдилар... Улар аслида жумхуриятимизнинг мустақиллиги учун ғоят тенгсиз, босқинчи кучлар билан мардонавор олишиб халок бўлдилар, бизнинг кунларимизга етиб келолмадилар... Лоақал шунинг учун ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлашга ҳаммамиз ўз ҳаёт ва фаолиятимизни бахшида килсак арзийди... Бу гапларнинг маъносини тўлароқ англаш учун тарихга жиндай назар ташлаш кифоя қилади. Ишчи-деҳқонга “эрк” ваъда қилганлар бошлиғи Ленин 1918 йилдаёқ декрет чиқариб шундай дейди: “Жумхурият томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда, харид ёки пуллаш ниятида сақлашда айбланганлар /деҳқон/ энг оғир мажбурий ишларга жалб этиш йўли билан камида ўн йилга озодликдан маҳрум қилинсин, бор мол-мулки эса мусодара қилинсин”. / “Ёшлик”, 1990 й. I-сон, 30-б/. Хўш, мазкур буйрукнинг натижасини нима бўлди деб ўйлайсиз? Энди худди шу вақтдан бошлаб деҳқон ҳосилни давлатга бепул топширадиган бўлди. Ишдан совиди. Ерга ихлоси қолмади. Ердан олинадиган унум йилдан-йилга камайиб бораверди. Қанчадан-қанча деҳқон камалди, сургун қилинди, отилди ва ҳоказо...

/Туркистондан “қулоқлар” тамғаси остида қамаб, Сибир ва Украинага сургун қилинган катта ер эгалари орасида каминанинг бир қатор кон-қариндошлари, амакилари ҳам бор эди.../ Мана бу фожиаларнинг гувоҳи бўлган бизнинг буюк зиёлиларимиз тинч турганлари йўқ. Ўз ҳаётларини хавфга қўйиб, халқ манфаатларини ҳимоя қилдилар, чор босқинчилари, ундан кейинги қизил империянинг қилмишларини, халқимиз бошига солаётган кулфатларини дадил фош этдилар. Халқларимиз ўртасида босқинчиларга қарши нафрат туйғусини уйғотишга интилдилар... Мана шундай оғир тарихий вазиятда Бехбудий “Падаркуш” драмаси, “Баёни ҳақиқат” сингари ўткир публицистик мақолалари, Фитрат “Темур сағанаси” сингари зўр драматик асари ва “Юрт қайғуси” туркумидаги қатор публицистик асарлари билан, Абдулла Қодирий “Бахтсиз қувв”, “Жувонбоз”, “Улоқда”, “Жинлар базми” сингари ҳикоялари, “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Туй” сингари шеърлари билан туркий халқларнинг ўз эрки, мустақиллиги, миллий тарихи, анъаналари учун, миллий маданияти, маърифати, илғор

ахлоқ-одоблари-ю, кадриятларини тиклаш, сақлаб қолиш учун курашга даъват этдилар, мустамлакачиларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этиб ташладилар... Мана булар фаолиятини ҳақиқий жасорат деб атаса арзийди, негаки, у вақтларда “ёв қочмаган, ботир кўпаймаган” эди. Истиқлолимиз душманлари лоақал шуни тушунганларида ҳам жумхуриятимиз шаънига, юртбошимиз шаънига тухматлар ёғдиришдан ўзларини тийган, жамоатчиликдан уялган бўлар эдилар зотан иғво-тухматлардан уялиш ва ўзини тийиш ҳам иймондандир...

Биз юқорида миллий кадриятларимизни тиклашга юртбошимиз ва бутун ҳукуматимиз раҳбарлари мутгасил аҳамият бериб келаётганлигини таъкидлаб ўтдик. Бунинг яна бир ёрқин далили Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратга биринчи навбатда, улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан таъсис этилган давлат мукофотининг берилиши, Абдулла Қодирийга Мустақиллик орденининг биринчиси топширилишини халқимиз ғоят мамнуният билан маъқуллади. Софдил кишилар буни миллий кадриятларимиз, маънавий меросимизга бўлган энг юксак ҳурмат деб баҳоладилар, ҳукуматимизнинг маънавиятимиз, тарихимиз, адабий меросимиз, буюк аждодларимиз тўғрисида кўрсатётган ғамхўрлиги деб билдилар. Зотан, юртбошимизнинг ўтмишни йўқотган халқнинг келажаги бўлмайди қабилдаги илмий-назарий қарашларга доим эътибор бериб келаётганларини ҳар биримиз ҳар куни кўриб, эшитиб, ўқиб, сезиб турибмиз. Амалпараст муҳолифларимиз аслида ўз манфаатларини кўзлаб, маънавиятимизга, меросимизга, тарихимиз ва келажагимизга ҳам зарар бераётганларини англариликлар?!..

XX аср бошларидан то 30-йилларнинг иккинчи ярмигача яратилган адабий меросимизнинг ўзи, унда ижод этган ва фаолият кўрсатган ҳар бир ёзувчи ҳақида ўнлаб монографиялар яратишга етарли мавзу бор. Биз мазкур ишимизда асосан, Абдулла Қодирий адабий мероси, унинг бугунги аҳамияти устида фикр юритамиз: А.Қодирий яшаб ижод қилган даврда унинг қатор сафдошлари билан бирга яратилган адабий муҳит, унда ёзувчи тутган мавқеи, бир-бирларига кўрсатган таъсир ва хоказолар ҳақида ҳам ўрни

билан тўхтаб ўтамир...

### А. Қодирий ва адабий муҳит

Абдулла Қодирий адабий оламга кириб келган 1910 йилларнинг бошларида ўзбек адабиётида Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ғози Юнус, Чўлпон, Элбек, Хуршид, Ғулом Зафарий ва бошқа бир қатор ёзувчиларнинг хикоя, қисса, шеърӣ асарлари, драмалари майдонга келган, бу зотлар қаторига Абдулла Қодирий ҳам ўзининг дастлабки шеърлари, хикоялари билан қўшилади, романлари билан эса ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мактаб яратади. Абдулла Қодирийнинг романчилик мактаби фақат ўзбек адабиёти эмас, балки бутун Марказий Осиё халқлари адабиёти тарихида ҳам кашфиёт бўлганлигини буюк қозоқ адиби ва олими, академик Мухтор Аvezов, туркман Берди Кербобоев ва Хидир Деряев, машҳур тожик ёзувчиси Жалол Икромий, рус олими Е.Бертельс, ниҳоят ўзимизнинг энг мўътабар адиб ва олимимиз, академик Ойбек, Иззат Султон, Абдулла Қаҳҳор каби буюк шахслар таъкидлаб ўтганлари маълум... Бирок бизда Абдулла Қодирий ижодига 20-30-йилларда қандай қаралган бўлса, то жумҳуриятимизда мутақиллик эълон қилингунча шубҳали қарашлар мавжуд бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Камина Абдулла Қодирий ижодини ўрганишга 1950 йилларнинг ўрталарида киришиб, 1958-59-йилларда дастлабки мақолалар, 1960 йилда “Шарқ юлдузи” /7-сон/. “Абдулла Қодирий ва унинг “Меҳробдан чаён” романи” сарлавҳали биринчи аниқ мавзудаги мақолани эълон қилдим. Чунки ўша кезларда “Меҳробдан чаён” “Ўтган кунлар” дан қўра “тозарок”, ёзувчининг биринчи романида “хатолар қўп” деган гап-сўзлар авжида эди. “Ўзбекистон коммунисти” журналида биринчи роман нуқсонларини бўртириб яна бир мақола эълон қилдим. Бошқача ёзиш ва бирон матбуотда чиқишнинг иложи йўқ, ҳатто хатарли эди. 1967 йилда “Абдулла Қодирий” /адабий-танқидий очерк/ нашр этилди. Бу китобда гарчи ёзувчи асарларига катта ҳурмат-иззат билан муносабат кўрсатган бўлсак-да, ҳар бир илиқ гапдан кейин бир қатор танқидий /салбий/ фикрларни айтишга мажбур бўлганмиз. Шунгача эълон қилинган

хамма ишимизда ўша 50-60-йиллардаги қўпол хато қарашларнинг тамғаси мавжуд.

А. Қодирий, Чўлпон, Фитратларга, уларнинг бой адабий меросига қарши қурашаётганлар қўлида ҳокимлик бор, улар 37-йилларнинг фожиаларини такрорлашга ҳар нафасда тайёр эдилар. Хайриятки, янгиланиш, покланиш даври бошланиб, мустақиллик эълон қилинди. Миллий кадриятларга ҳурмат билан қарашга юртбошимиз шахсан аҳамият берадиган бўлди. Меросимиз борасидаги хато ва нуқсонларимизни тузатиш имконияти туғилди. Шундан кейин камина Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнус, Элбек, Боту каби буюкларимиз маънавий мероси ва уларнинг бугунги аҳамияти ҳақида кўриб мақолалар эълон қилдик, ҳаммасида XX аср бошлари, 20-30-йиллардаги ўзбек адабиёти тарихи эркин, мутсақиллик руҳида фикрлаш нуктаи назаридан ёзилди. Зотан, унғача ўзимизнинг тушунчамиз ҳам, савиямиз ҳам 60-йиллардаги тасаввурдан узоққа кетолмаган эди... Шундай қилиб, А. Қодирий ҳақидаги ишларимиз ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиш ва янгидан ёзишни тақозо этди. Юқоридаги номлари тилга олинган барча ёзувчилар ва Абдулла Қодирий ҳақида янги-янги мақолалар, китоблар ёзишга тўғри келди. Янғича ёндашилган адабий меросимиз ҳақидаги ишларимизни эълон қилишда “Гулистон”, “Санъат” /”Нафосат”/, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёш ленинчи”, “Маърифат” “Ўзбекистон овози”, “Тошкент ҳақиқати” сингари газета, журналлар, телерадио компанияси, айниқса, радио мутгасил самимият билан қўмаклашиб келаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Абдулла Қодирий асримизнинг ўнинчи йиллари бошларида Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати авжига минган ва унга қарши ерли аҳоли ўртасида норозилик ҳаракатлари кучайиб, миллий озодлик курашлари кўтарилиб бораётган бир ижтимоий муҳитда адабиёт майдонига қадам қўяди. Бу даврда Туркистондаги илғор зиёлиларнинг аксарияти маърифатпарварликни, мактаб, маориф, илм-фан ва оврупоча ўқиш-ўқитиш ва маданиятни тарғиб қилишни ўзларининг биринчи даражали вазифалари деб билар эдилар. Мазкур йўналиш тарафдорлари тарихда



жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари, тараққийпарварлар, фидойилар (булар ўзбек миллий фидойилари эдилар) деб аталадиган бўлди. XX аср бошларида адабиётга кириб келган Абдулла Авлоний, Бехбудий, Садриддин Айний, Ҳамза, Сўфизода, Мискин, Таваллодан тортиб Фитрат, Чўлпон-у Абдулла Қодирийгача ҳаммаларини жадидчилик уйғотди. Уларнинг барча ҳаракатлари, фаолиятлари асос-эътибори билан мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик учун курашга бағишланган эди. Бунинг учун эса халқни уйғотиш, ғафлатдан, жаҳолатдан қутқариш, ўз кадр-қимматини, тарихда тутган ўрнини англаштириш мақсад қилиб қўйдилар. Бунинг учун мактабларда диний билимлар билан бирга оврупоча аниқ фанларни ҳам ўқитиш зарур деб ҳисоблайдилар. Бугина эмас, Марказий Осиёда уч хонлик даврида авж олган жаҳолат, хурофот ички зиддиятларни бартараф этиш, оқибатда, маҳаллий аҳолининг бошқаларга еттирилишини ҳам ўша фидойилар чуқур идрок этар, миллий мустақилликка эришмоқ учун яқдил бўлиб курашиш зарурлигини зўр бериб тарғиб қилар эдилар. Яна матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, давлатни демократик тартиблар асосида бошқариш, ҳатто кейинги йилларда деҳқонга ер беришдан, солиқларни тартибга солишгача ғоят муҳим ҳаётий муаммоларни кун тартибига қўйдиларки, бу масалалар илғор зиёлидан энг оддий, онгли фуқарогача кизиқтирмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам уларга фақат ёзувчи, айрим зиёлиларгина эмас, аҳоли ўртасидаги турли табақага мансуб кишилар ҳам эргаша бошлайди. Чунки мазкур ҳаракат, айтилиши даврада маҳаллий аҳолининг энг эзгу ниятларини ифода этиб, жамиятда катта обрў-эътибор қозона бошлайди. Фидойилар биз таъкидлаб ўтган барча тилақларига, аввало, илм-фанни кенг омма ўртасида чуқур сингдириш, ўзлигини англаш, тараққий этган овруполлар билан бўладиган рақобатларга дош бериш даражасига кўтарилиш йўли билан эришиш мумкин деб билардилар... Ўйлаб қаралса, бу ғояларнинг қайси бири эскирган? Биз кейинги етмиш йилларгина эмас, балки Чор Россиясига еттирилган XIX асрнинг ўрталаридан буён кун тартибига бу масалаларни эндиgina қўймоқ-дамиз-ку?! Мана сизга аждодларимиз меросининг бебаҳо

ҳазиналиги-ю, унинг бугунги аҳамияти. Буюк бобомиз Амир Темурдан кейин Марказий Осиёнинг майда хонликларга бўлиниб кетиши, ўзаро зиддиятлар, гуруҳбозликлар, амал учун курашлар авжга чиқиши, тараққиётнинг орқага кетганини кўриб турган буюк зиёлиларимиз, жумладан, жадидчилик ҳаракатларининг етакчилари, 1900 йилларда омманинг маънавий савиясини кўтариш учун дастлаб аҳоли ўртасида кенг тарқалган хурофот ва жаҳолатни йўқотишга ҳаракат қиладилар; асарларида колоқ, зарарли урф-одатларга қарши кураш олиб борадилар. Ҳақиқий соф диний ақидаларни бузиб, хурофот йўлини тутаётганларни қаттиқ танқид қиладилар. Зўр бериб илм-фан ва унинг ҳаётий аҳамиятини улуғлайдилар. Тилакларнинг энг буюғи шу даврда, биринчидан, чор мустамлакачилигидан қутилиш, Оврупонинг ривожланган маданиятидан ибрат олиш, аммо унинг босқинчилик сиёсатига қарши туриш, бунинг учун дастлаб халқимизнинг онгини ошириш, унга илм бериш, кўзини очиш, ўзини-ўзи англашига эришиш - буларнинг ҳаммаси фақат маърифатни ривожлантириш билан амалга ошади деган ақида кун тартибига кўйилди. Шу вақтдаги илғор ёзувчиларимизнинг ҳамма асарларида мана шу ғоя етакчилик қилади. Бу ғоянинг айна замонда изчил тарғиботчиларидан Абдулла Авлоний 1912 йилда нашр қилинган “Иккинчи муаллим” китобига қўйган эпитафга эътибор қилсак, мана қандай манзарани кўрамиз:

Шавкати инсон эрур илму адаб,  
Эътибор этмас анга молу насаб.

Энди Ҳамза Ҳакимзоданинг шу йилларда маърифат-парварлик руҳида ёзилган “Янги саодат” /1915/ хикоясига қўйган эпитафига қарасак, мазкур фикр бошқа бир бадиий шаклда укдирилишига амин бўламиз:

Ўқиб таҳсил илм айла,  
Маориф шарбатин ютқил.  
Танингни жохилдан қутқар,  
Ғами миллат била ўтқил...

Абдулла Қодирийнинг биринчи адабий-ижодий қалами ҳақида фикр юритадиган бўлсак, айна юқоридаги замондошлари адабий муҳити руҳида, таъсирида унинг дастлабки асарлари пайдо бўлганлигини кўрамиз. Зотан, биронта

ёзувчи ўз даври, мухити таъсирдан узилган ҳолда, яққа ўзи ижодга кириша олмайди, замонидан, мухитидан узилиб ҳам кета олмайди. То истиқлол кунларимизгача ўзбек танкидчилигида айрим адабий ҳодисалар, ёзувчилар ижодига ўйламай-нетмай “мактаб яратди”, “кашф этди”, “ўз даврида ҳаммадан юқорига кўтарилди” қабилида ёзилган ишлар сероб эди ва бу ҳол аслида ғайри илмий қарашларга, сохтачиликка одатланиб қолган чала муллалар учун асосий яшаш тарзига айланиб қолган эди. Бунга мисол тўлиб-тошиб ётибди, адабий жамоатчилик яхши билади... Демак А. Қодирий ҳам 1912-16-йиллар орасида ёзган асарларида “Миллатимга”, “Аҳволимиз”, “Тўй” каби шеърларида, “Бахтсиз куёв” драмасида, “Жувонбоз” номли ҳикояси ва бошқа илк ижодий маҳсулотларида худди замондошлари, сафдошлари қаторида зўр бериб илм-маърифатни тарғиб қилади, илмсизлик, жаҳолат орқасида фожиаларга дуч келаётган кимсалар образини чизиб, халқни жаҳолатдан қутқаришга интилади...

Шеърларидан бирида А.Қодирий кўпчиликни ғафлат босиб ётганидан қуюниб, кимору, беданабозлик билан машғуллигини, мактаб, маориф, болалар тарбияси ҳақида қайғураётган кимсалар қолмаётганидан фарёд чекади... “Аҳволимиз” шеърида шундай сатрлар бор:

Кўр бизнинг аҳволимиз  
Ғафлатда қандай ётамыз,  
Жойи келган чоғида...  
Виждонни пулга сотамиз...  
Ўғлимизга на адаб, на фан,  
На яхши сўйламак,  
На худони буйруғи  
Бўлган улум ўрготамиз...

Қоримиз шундан иборат бўлди ушбу чоғида  
Ўнтадан бедана боқиб, ёзу қиш сайротамиз!..  
Келинг ёшлар, зиёлилар, бугун ғайрат қилинг  
Ухлаганларни агар Қодир эсак уйғотамиз.

/1915/.

Абдулла Қодирий илк бор ёзган асарларидаёқ воқеликни шунчаки тасвирлаш билан чекланиб қолмайди, ижобий

ва салбий ходисаларни қиёслаб, нуқсонлардан қутилиш йўллари излайди, ўзича топган бўлади, тавсиялар беради... Гарчи мазкур фикр-мулоҳазлар бизнинг ҳозирги тасаввуримиздаги Қодирий савияси даражасида бўлмаса ҳам, мулоҳазаларнинг изчиллиги, ўз даври кун тартибига чиқараётган муаммоларга фаол муносабат билдириш жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Бу жараён ёзувчининг илк ижодий фаолиятидан романларигача босиб ўтган йўли ҳақида бизга ёрқин тасаввур беради. Бу жиҳатдан, унинг “Миллатимга” шеърисидаги айрим сатрлардан намуналар келтириб ўтиш ҳам жоиз бўлса керак:

Кел эй миллат, бу кун бир маслаҳат бирлан қарор ўлсун,  
Бу кундан ўтган ишларга пушаймон бирла ор ўлсун.  
Қилайлик бул куни ғайрат, хама бирдан қилиб ҳиммат,  
Жаҳолат чўлу саҳросики, минбаъд сабзавор ўлсун.  
Аяшмай кумуш-олтинни ҳамма боёнлар асло,  
Солиб дорулфунунлар ҳам макотиблар ҳазор ўлсун.  
Ўқушсин миллат авлоди, бизни доим дуо айлаб,  
Қилиб таҳсил улумларни фунуна яхши ёр ўлсун.

/1915/.

Ўйлаб кўрилса, 10-йилларнинг ўрталарида Туркистонда ўзига хос бир ўтиш даври рўй бераётган, яъни Чор Россияси босқинчилигига қарши ерли аҳоли ўртасида миллий озодлик ҳаракатлари кучайиб бораётган бир тарихий вазиятда яратилган мазкур шеърлар қандай тарбиявий аҳамият касб этганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Бинобарин, 1914 йилги Биринчи жаҳон уруши авжида, 1916 йилги қўзғолонлар, ундан кейин октябрь тўнтариши-ю, то 30-йилларгача давом этган фуқаролар уруши халқимиз бошига не кунларни солмади?!.. Мустақил халқ ва миллат бўлиб яшаш учун, аввало, яқдиллик билан ўзлигини таниш, бунинг учун маърифатли, онгли, билимли халқлар даражасига қўтарилиш лозим эди. Жаидлар ва А.Қодирий худди шу олий мақсад билан майдонга чиққан эдилар. Қодирий шеърларидаги сатрлар “виждонни пулга сотиш” бунинг учун “жойи келган чоғ”ларни излаш ҳозир эскирдими?! Илмдан, маърифатдан чекланиб, нуқул олиб-сотарликка ружу қилаётган унсурлар бугунги ўтиш давримизда ҳам таракқиётимизни орқага тортаётганини бир қўз олдимизга

келтирсақ, А.Қодирийнинг бундан роппа-роса 80 йил илгари билдирган мулоҳазалари ҳамон салбий ходисаларга қарши курашда бизга маънавий кўмақ бераётганига тан берамиз... Мана сизга аждодларимиз меросининг бугунги аҳамияти-ю, эртанги ҳаётимиз учун зарурлиги. Шунинг учун ҳам ўтмишини билмаганнинг келажаги бўлмайти, деган ақида нақадар тўғрилигини юртбошимиз қайта-қайта эслатиб турадиларки, буни бирор нафас ҳам ёддан чиқармаслик ҳаммамизнинг бурчимиздир...

Абдулла Қодирий юқоридаги асарлари руҳида ёзган яна бир “Тўй” сарлавҳали шеърисида 10-йилларнинг ўрталарида авж олган дабдабали тўй қилиш орқасида хароб бўлаётганларни қаттиқ танқид қилади. Камбағал бўла туриб мактанчоқлик билан қатта тўй қилиш кишиларни қандай аянчли аҳволга солаётганини ифода этади. Ўйлаб қаралса, бу одат ҳамон Марказий Осиё халқлари орасида бидъат сифатида давом этаётганини ким билмайти?! Бу шеърдаги фикр-мулоҳазалар ҳам заррача эскирган эмас, ўз аҳамиятини бугун ҳам сақлаб келаётир. Ундан айрим сатрлар келтирамиз, хулосани ўқувчилар ўзлари чиқаришади.

Қилди бул вақт бизда жавлон тўй,  
Оқчасини йўқни этди хайрон тўй.  
Бир-биридан оширдилар тўйни,  
Топди равноқ ғайрат ила боён тўй.  
Беш кун ўтмай тўйнинг сўнгидан,  
Кетибон мулқлар боашиқифон тўй.  
Боён тўйига ёрлилар кириб  
Этди сарф токи танда жон тўй.

Шеърнинг биз келтирган дастлабки сатрларида ўз аҳволига қарамасдан, то бор-йўғидан ажралгунча тўй қиладиган камбағал билан ўзига тўқ табақалар орасидаги тенгсизлик, шу билан жоҳиллик ҳақида қаттиқ қайғу-алам хислари баён этилса, кейинги сатрларида диний ақидалардан далиллар келтирилиб, бу аҳволдан қутилишга даъват этилади. Шеър муаллифи ўз халқини ортиқча харажатлардан азоб чекмасликка ундайти.

Эй, ғанийларимиз! Эй, фақирларимиз!  
Амр айтибдурму бизга қуръон тўй,  
Мундаин ишлар шаръимизда йўқ...

Ўтса тўй бирла ёзу-қишимиз  
Айлагай бизни ерга яксон тўй...

Умуман, ўзбек жадид фидойиларимиз адабиётида катта тўй қилиб хароб бўлаётган камбағал оилалар ҳаётини ифода этувчи асарлар кўплаб ёзиларди, Абдулла Қодирий ҳам бу мавзуда шеър ёзиш билан чекланмайди, ҳатто бу мавзуга биринчи сахна асари “Бахтсиз куёв” ни ҳам бағишлаган эди. Зотан, ўзи, яшаб ижод этган давр адабий жараёнида фаол иштирок қилган Абдулла Қодирий кун тартибига чиқаётган ҳар бир муаммога аниқ муносабат билдирмасдан турулмасди. Ўзбек жадид фидойилари орасида катта тўйлар қилиш билан овора фуқаролар илм-маърифатдан олислашиб кетаётгани ҳақида ташвишлар ортиб бормокда эди.

А. Қодирий ҳам бундан четда қолмасди. Адибнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “1913 йилларда чиккан “Падаркуш” /Бехбудий асари, А.А./ пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” отлик театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим... Яна шу йилларда татарларда чиқиб турган ҳикоя ва романларга тақлидан “Жувонбоз” отлик ҳикояни ёзиб, ношир топилмаганидан, ўзим нашр қилиб юбордим. Энди чин мусанниф бўлдимов, деб қувонар эдим...”

“Бахтсиз куёв” драмасида бойларга таҳасиб тарзида ўз аҳволига қарамай, катта тўй қилиб фожиаларга учраган камбағаллар ҳаётдан ўз даври учунгина эмас, ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган воқаларни сахнада жонлантиришга, шу билан халқ оммаси ўртасида таълим-тарбия ишларини кучайтиришга даъват этади. Ёзувчи, умуман, тўйга қарши эмас, оддий одамлар ўз аҳволини англамаслик орқасида катта тўй қилиб хароб бўлаётганига ачинади, уларнинг кўзини очишга интилади... Агар бойларнинг бойлиги жуда ошиб кетаётган бўлса, ҳадеб хўжа кўрсинга дабдабали тўйлар қилавермасдан мактаб, маорифга ёрдам кўрсатсинлар, болаларга таълим-тарбия бериш ҳақида ғамхўрлик қилсинлар, деган ғояни илгари суради, бу ғоя ҳамон кун тартибидан тушмагани билан қимматлидир. Ўша кезларда /10-йилларнинг бошларида/ Бехбудийнинг “Падаркуш” асаридан кейин Тошкент театрларида томошабинлар “Бахтсиз куёв” пьесасини зўр кизиқиш билан кўрганларини, халқ ўртасида бу асар катта таассурот қолдирганини хурматли

адиб Ойбек ўзининг “Болалик” киссасида алоҳида таъкидлаб ўтган эди...

Катта тўй учун катта пул керак, камбағал оилаларда бундай имконият йўқ. Ота-онадан етим қолиб, бир бойнинг уйида хизматкор бўлиб юрган Солих исмли ёш йигит оғир шартлар билан бойдан пул қарз олиб уйланади. Турган гап Солих қарзини вақтида тўлай олмайди. Ниҳоят қарз ҳисобига ҳовли-жойи сотиладиган бўлади. Эндигина оила қурган ёш келин-куёв бу номусга чидай олмай ўзларини ўлдиришга мажбур бўладилар. Асар мазмуни шу, соддагина, лекин ўзбек оилалари ҳаётининг муайян хусусиятларини камраб олади. Унда бой, хизматкор, судхўр, имом, элликбошининг ҳаётдаги ўрни, ёш келин-куёвларнинг бир-бирига кўрсатган садоқати, меҳр-муҳаббати масалаларини кўтаради ва энг муҳими томошабинни ақл-идрок билан яшашга чорлайди... Асарнинг асосий ғояси охириги саҳнада янги фикрли Элликбоши тилидан алоҳида таъкидланади: “Куёвингиз билан қизингизнинг ўлимига нима сабаб бўлди, биласизми? Мен сизга сабабини айтсам, куёвингиздан кўп акча олиб, қарздор қилганингиз сабаб бўлди” Элликбоши халққа мурожаат қилиб, яна бу гапларни қайтадан тасдиқлайди /гўё ёзувчи мақсадини ҳали тўла айтолмагандай/: “ Исрофнинг зиёнини кўрингизлар, Файзибойдан ибрат олинглар. Кўрдингизларми, исроф қилиб, охири холи нима бўлди?!... Бидъат тўйга исроф бўладирган ақчага ўғлингизни ўқитингиз!”

Абдулла Қодирий 1912-1915 йилларда оила тебратишга кўмаклашиш мақсадида, бир савдогарга йилга 50 сўм иш-ҳақи билан гумашталиққа борганини таржимаи ҳолида айтиб ўтган. Уша йилларда дўконда ўтириб, рус, турк, озарбайжон, татарлар билан мулоқотда бўлади, уларнинг ва бошқа қўшни миллатларнинг рўзнома, ойномаларини олиб ўқиб туради. Қодирийда уларга /матбуотларга/ўз иборасига кўра “гап ёзиш” ҳаваси худди шу даврда бошланади. Ушбу йилларда кўрган-билганлари, кузатишлари, таассуротлари ёзувчининг илк ижодий маҳсулотларида акс этгани “Бахтсиз куёв”да аниқ сезилади. Шунинг учун ҳам А.Қодирий асарлари /хатто дастлабкилари ҳам/ сийқа уйдирмалардан тамоман ҳолидир...

А.Қодирий дастлабки асарларидаёк инсонлар ўртасидаги турли табақалар ва уларнинг вакиллари аҳволи, руҳиясини чуқур идрок этишга интилади. Айтайлик, бойнинг хизматкори Солих тилидан аҳволни жўнгина баён қилиш билан Туркистон ўлкасидаги ижтимоий табақаланиш ёрқин кўрсатилади. Жумладан, Солихнинг бирон кун бўш вақти йўқ. У, “Уйга бораман деган куним хўжайин иш буюриб қўяди, боролмай қоламан”, - дейди. Яна у амакиси билан қилган суҳбатларидан бирида айтади: “Ақча йиғолганим йўқ, топганим харажатимга кетиб турибди...” .Бинобарин, асарда чор мустамлакачилари амалдорлари билан маҳаллий ҳокимларнинг бирикиб кетганлиги ҳам соддагина бўлсада, тўғри таъкидланади. Фожиали равишда халок бўлган икки ёш /келин-куёв/ жасади устидаги кишилар суҳбати, фақат ўз фойдасини кўзлашдан бошқани билмайдиган шахслар қиёфасини кескин фош этиб, уларга нисбатан томошабинда нафрат уйғотишга қаратилади. Эликбоши мурдалар устида қарзини қистаётган худбин бойга қараб: “Бир-икки кун тўхтанг, ўлик кўмилгандан кейин ховлини сотиб оларсиз” деса, бой. “Хўп, бўлмаса ўзингиз молларни сақлаб берарсиз” деб беорларча жавоб қилади. Биз мазкур суҳбат ва манзараларда турли табақа вакиллари ўртасидаги одамларнинг қиёфаларини кўрамыз. Хатти-харакатларидан баъзиларига ачинамиз, баъзиларидан нафратланамиз. Аммо ҳамма гап шундаки, Абдулла Қодирий мазкур табақа вакилларини бир-бирига гиж-гижламайди, кескин қарама-қарши қўймайди. Шу билан, уларнинг бири иккинчисини /камбағал бойни/ яқсон қилмагунча, бахтли яшай олмайди, деган манфур ғоядан тамоман узокда. Биз бу ғоянинг ёзувчи романларида янада кенг кўламда ифода этилишини кўрамыз. Адиб инсонларни фақат ижтимоий келиб чиқишига қараб баҳолайдиган вульгар социологизмнинг фожиаларга судровчи уйдирмаларидан четда туради.

Ваҳоланки, то кейинги йилларгача замон таъйиқи билан ҳаммамиз Қодирийни худди ана шу - энг тўғри йўлларини, дунёқарашдаги буюқлигини нуқсон ҳисоблаб ёзувчини ноҳақ танқид қилиб келдик. Табақаларни бир-бирига қарши қўйиш, гижгижлатиш сиёсати охир-оқибатда бутун жамиятимизни, бизга эргашган бошқа мамлакатларнинг ҳам



инкирозига олиб келди-ку! Бу инкироздан неча миллионлаб, собиқ СССР ва Шарқий Оврупо халқлари ҳамон чиқа олмаётганлари инсоният тарихидаги бугунги энг катта фожиа бўлиб турганини, эндиликда бутун жаҳон кўриб турибди... Бизнинг буюк аждодларимиз бу ҳолларни бундан бир асрча илгари каромат қилганлар ва худди шу хусусиятлари билан улардан қолган маънавий мерос бир миллат ёки халқ, миллат миқёсидан чиқиб, аллақачон умуминсоний фазилатга айланиб кетганлиги билан ҳам бебаходир... А. Қодирий шу нуқтаи назардан ҳам ижодининг илк давридаёқ ўзбек адабиётида энг йирик реалист ёзувчи сифатида майдонга чиққан экан. Биз бунди энди тушуниб турибмиз ва фақат истиклолимиз туфайли фикримизни бемалол айтмоқдамиз...

Қизиғи шундаки, Қодирий биринчи сахна асарида қанча табақа вакиллари образларини кўрсатгани билан бутун меҳр-мухаббати Солиҳ томонда бўлади. Солиҳнинг оғир ҳаёти, етимлиги, аччиқ тақдири, психологиясини кенгрок беришга интилади. Солиҳнинг амакиси ҳам асли яхши, тўғри одам, лекин онгсиз, ўта содда. Етимча жиянини уйлантириб қўйишни ўзининг бурчи, савоб иш деб билади. Лекин яхшилик қиламан деб, жиянини қарзга ботириб қўяди... Оқибатини тасаввур ҳам этолмайди. Пул қарз берадиган бойни ҳам амакиннинг ўзи топади... Хуллас, яхшилик қиламан деб, ёшларни ҳалокатгача олиб келишини ҳаёлига келтирмайди. Нихоят, “дўст бўлиб, душман ишини” қилиб қўяди. Ўйлаб қаралса, ҳаётда бундай “холис хизмат” қилувчилар кўп учрайди. Зотан, Ўзбек оғим-чи?! Отабек билан Кумушни ҳалокатга олиб боришини ўйлаганмиди?! Бу ҳақда ўз ўрни билан тўхтармиз... Ёзувчи асарларида /илк маҳсулотидан романларигача ҳаммасида/ воқеаларни фалсафий идрок этмай туриб, зиддиятларни енгиб ўтиш ёки уларга дош бериш мумкин эмас, деган ғояни олға суради. Ҳаётга бундай чуқур муносабатда бўлиш, бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини инкор этиб бўлмайди. Қодирий меросининг кадр-қиммати ҳам ана шунда.

Абдулла Қодирий реализмининг сири  
Абдулла Қодирийнинг каттадан-кичик барча асарлари,

айниқса, романлари китобхонлар қалбига нега чуқур сингиб боради? Гарчи бу савол ғоят кенг қамровли жавоб талаб этса-да, бир иборани бемалол ишлатиш мумкин ишонтириш қудратида. Ишонтириш эса, ҳаёт ҳақиқатини бўямасдан бадиий ифодалашдан келиб чиқади. Асарда бадиий тўқима ҳам бўлади, аммо унинг тўқималиги билинмайди, ҳақиқатни кенг ва чуқур очишга хизмат қилади, бу эса реалистик асар учун энг муҳим сир ҳисобланади. Бирон асар ёзишдан олдин воқеларни қандай ўрганиш ҳақида Қодирийнинг ўзи шундай деган эди: “ Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар... Ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни ўргандим... Мен бир асар ёзишдан аввал, шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман... Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча марта кўрган эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга /деталларга/ ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда, бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмай-диргандек кўринса ҳам, кейинчалик фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин. Масалан, “Ўтган кунлар”ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалида, доғ қилинаётган зиғирёғнинг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. “Ўтган кунлар”нинг бир жойига шу кичкина деталь киргизилганида, берилаётган тавирнинг яна ҳам одамга ишонарли бўлиб чиққани эсимда...” /Кичик асар.211./

Абдулла Қодирий XX аср бошларидан то сталинчи қотиллар томонидан қатл этилгунгача 30-йилларнинг ўрталаригача Туркистон халқлари бошидан кечган барча зиддиятлар, фожиларнинг ёрқин гувоҳи сифатида яшаб ижод қилди. Асарларида ҳаёт ҳақиқатларини бузмай кўрсатиш

билан ўз иймон-этикодида содиқ қолди... То сўнгги нафасигача ҳам сотқинлик, хоинлик йўлига ўтмади...

Октябрь тўнтаришидан кейинги 20-30-йилларда тарихий ўтмишимизга қарши ўт очиш одат тусига кириб қолгани маълум. Бу йилларда яратилган асарлари билан кўпгина ёзувчилар фақат ўтмишни қоралаш йўлига тушиб кетганларини ҳамма билади. Бунга ёзувчилар мажбур ҳам қилинган эди. Бу йўлдан борган кўплаб ёзувчилар тарихимизни бузиб кўрсатдилар, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз, динимиз, этикодимиз, қадриятларимиз уларнинг асарларида оёқ ости қилиб акс эттирилди. Кейинги вақтларда қачон шу мавзуда гап кетса, наврўз байрами тикланганлиги-ю, айрим буюк аждодларимиз хотиралари, ёдгорликлари, асарлари қайтадан кўрилаётгани қайд этилади-ю, аммо ўзбек адабиётида то яқин-яқинларгача мазкур аянчли ҳолат қандай кечганлиги ҳақида ортиқча фикр айтилмайди... Ваҳоланки, ўзбек адабиётининг чинакам илмий тарихини яратиш, уни чуқур таҳлил этиш учун бу, албатта зарур... Ўзбек адабиётининг фақат 20-30-йиллардаги эмас, балки ундан кейинги, то 90-йилларгача тарихини қайтадан ёзишни ҳаёт, истиқлол талаб қилади... То 70-80-йилларда яратилган айрим бадий асарларда ҳам, илмий асарларда ҳам миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз оёқ ости қилиниб, шармандаларча қораланиб, лой чапланиб, тарихимизга тухматнома тарзида ёзилгани нега айтилмаслиги керак?! Яна ўтмишимиз устини суваш учунми?! Бундай даъвомизга энг типик мисол тариқасида 20га яқин қисмдан иборат “Оловли йўллар” киноси билан “Мангулик” деб аталган ўта ўткинчи уйдирмаларни кўрсатиб ўтиш kifоя...

Дунёга машҳур бўлган “Ўтган кунлар” билан “Меҳробдан чаён” романларининг ёзилиш тарихи-ю, реализми ҳақида буюк адибимизнинг ўғли, Ҳабибулла Қодирий ўзининг “Отам ҳақида” номли китобида анча-мунча маълумот берган. Биз ўша маълумотларга қўшимча қилиб баъзи фикр-мулоҳазаларни баён қилмоқчимиз...

Тошкент Давлат Университетининг ўзбек филологияси факультетида бир неча йил декан бўлиб ишлаган дўстимиз Анвар Шомаксудовлар уйига бир сабаб билан бориб қолдим. Анвар ака ичкарига таклиф қилиб, “дадамлар ҳам шу

ердалар, кўриб кетасиз”, деб қўймасдан уйга олиб кирдилар... Уйга кирдик. Ёзга яқин, баҳор ойлари эди. Уйда оппок сурп куйлак, бошларида кўк духоба дўппи, жуссалари ўртача, озода, чўкки сокол ва мўйлаблари ўзларига ярашган, юзларидан нур томиб турган, ўта файзли, ёкимли, покиза бир мўътабар зот билан кўришдим. Ёшлари анчага бориб қолган бўлса-да, гаплари тетик, қарашлари хушёр ва ёкимли... Анвар ака мени “бу киши Абдулла Қодирий ҳақида китоб ёзганлар” деб, баъзи ишларимни тилга олиб, таништирдилар. Худди шу заминда гапимиз дарҳол қизиқ кетди. Мендан нималар ёзганимни сўрадилар-да, “Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар”ни қандай ёзганини биласизми?” деб қолдилар. Мен “йўқ” деб жавоб бердим. Чунки бу вақтларда Ҳабибулла Қодирийнинг китоблари ҳам чикмаган, бу тўғрида бошқа бирор мақола-ю, асар ҳам йўқ эди. “Бўлмаса, мен сизга айтиб берай”, дедилар. Анвар ака икковимиз жим ўтирибмиз. Қўлимизда чой, нон, олдимизда яхшигина безатилган дастурхон...

“Мен Абдулла Қодирий билан жуда яқин дўст эдим. “Ўтган кунлар” ни босилиб чикмасдан қўлёзмасини ўқиганман. Бечора адиб баъзида қоғоз тополмай кўчалардаги эски афишаларни кўчириб келиб, ўшаларнинг орқасига ҳам ёзарди - деб бир хўрсиниб қўйдилар. - Кейин бир куни мен Абдулла Қодирийдан “нима учун Отабекни Тошкентдан, Кумушни Марғилондан танладингиз” деб сўрадим. Шунда Абдулла Қодирий жавоб берди: “Биласизми, мен асли ўзбекнинг миллий романини уларнинг ўз ҳаётидан олиб ёзмокчи бўлдим. Ўзбекларнинг туб миллий одатлари, анъаналари, ўзига хос хусусиятларининг энг яхши сақланган ери Тошкент билан Марғилон... Мен Фарғона водийсининг бошқа жойлари-чи, десам, Андижонда, Ўшда уйғур, тунгонилар таъсири, Наманганда қирғиз, тожикларга хос баъзи таъсирлар бор, бошқа жойларда ҳам шунга ўхшаш. Ўзбекнинг миллий хусусиятларини ўзида энг кўп сақлаб келган ер - Тошкент билан Марғилон... Отабек билан Кумушда ҳам, бошқа образлар ҳаёти ва фаолиятида ҳам ўзбекнинг барча миллий фазилатларини кўрсатмакчи эдим”, деб жавоб қилди ёзувчи. Гап шу ерга келганда Анвар ака сервантдан бир шиша коньяк олиб, рюмкаларга қўйдилар-

да, овқат сузилаётганини айтдилар. Мен шундай салобатли дадалари ҳузурларида уялиб, “ичмайман” дедим. Дадалари, “Йўқ, ундай деманг. Олинглар, оз-моз ичганнинг зарари йўқ. Вақтида биз ҳам ичганмиз... Мен 1912 йилдан буён “қундалик” ёзаман. Ўшандан буён нашр этилган кўпгина газета ва журналлар ҳозир ҳам уйда сақланади. Бир куни қарасам, “қундалик” да 1912 йили улфатларимиз билан бир шиша француз коньягини 5 сўмга олиб ичдик, деб ёзиб қўйган эканман, -деб бир кулиб қўйдилар-да, - мен номозимни ўқиб олай, сизлар бемалол ўтираверинглар” дея нариги уйга ўтиб кетдилар. Чамаси бизни хижолатдан шу йўл билан қутқармокчи бўлдилар. Қўйилганни ичиб, овқатни едик... Дадалари бошқа уйда овқатландилар... Ўйлаб қарасам, мана шу қисқача баён қилинган ҳолатда ҳам миллий урф-одатларимиз, андиша-рая маданияти, катталарга ҳурмат ва эҳтиром, кичикларга шафқат акс этган экан... Бугина эмас, Қодирий романларининг янги бир кирраси кўз олдимизда намоён бўлди...

Шотурсун ота машхур домламиз Субутой Долимов билан бирга “Кенг уйнинг келинчаги” китобини ёзган, адабиёт, тил илми сохиби, ўз даврининг етук зиёлиларидан эдилар, худо раҳмат қилсин...

Кўрдингизми, Абдулла Қодирий ўз романлари учун қахрамонлар танлашдан бошлаб, уларнинг бутун хатти-ҳаракати, фаолиятини тасвирлашда миллий анъаналар, қадриятларга, урф-одатларга ғоят катта аҳамият беради. Шунинг учун ҳам романларида миллий рух бўртиб туради, образлар, воқеалар муносабатларида бирорта “ясамалик”ни учратмайсиз... Ҳаммасига ишонасиз... Бу ҳол санъат асарининг юксак бадиийлигини таъмин этувчи энг муҳим омилдир. Ўйлаб, бир кўз олдимизга келтирайлик: Ўзбекиойимдаги кеккайиб юриш, гапириш, одамлар билан муомаласи, дастлаб Кумуш номини эшитиши билан кўрмасдан-танимасдан туриб унга қарши туришлар, иссиқ-совуқчи домлаларга елиб-югуриши, қудаларни кутиб олишдаги хатти-ҳаракатлари - ҳаммасида “чала думбул” бойвучча ўзбек аёллари қиёфаси тўла намоён бўлиши билан қизиқтиради... Офтобойимдаги мулойимлик, қизнинг онаси сифатидаги камтаринлик барчаси Ўзбекиойимдаги аксар куёвлар онасига

хос баландпарвозликларга зид, аммо бу ҳам ўзбек аёллари фазилатларини, бутун миллий хусусиятларини тўла, юксак бадий савияда акс эттиради. Бу ҳар иккала образда ҳам ўз атрофимиз, кариндош-уруғларимиз, қўни-қўшни, таниш-билишларимизни кўриб тургандай бўламиз ва худди шуни-си билан бизни ўзига тортиб бораверади... Энди булардан тамоман бошқа, Кумуш билан Зайнаб киёфалари-чи?! Булар ҳам иккаласи икки дунё, аммо иккаласи ҳам ўзбек кизларининг янги келинчаклик ҳолатларини ифодалаш билан аниқ бир миллатга - ўзбекка хос хусусиятларни мужассамлаштирганлари билан бир хилдир... Романда бундай образлар, ҳолатлар ўзи бир дунё, тўлиб ётибди, у ҳақда катта китоб ёзиш мумкин... Зеро, бадий асар миллийлик билан юксак экан, биргина “Кудаларни кутиб олиш” манзарасида биз ўзбек халқи тарихидаги азалий бир-бирига ҳурмат-иззат кўрсатишнинг қандай намуналарини кўрамиз... Узоқ муддатли айрилиқ, араз, гина-қудуратлар, тушунмовчиликлардан кейин марғилонлик қудалар биринчи бор Тошкентга ташриф буюриши шу қадар илиқ-иссиқ тасвирланганки, бу саҳифаларни ўқиётганингизда худди Юсуфбекхожиларнинг ҳовлисига, хонадонига кўнглингиз очилиб, аллақандай бир кўтаринки рух билан айланиб юргандай бўласиз... Ташқарида Юсуфбекхожи, ичкарида Ўзбекойим ҳамма ишга бош-қош. Ҳожи ўз салобатли киёфасига хос босиқлик, ўта талабчанлик билан ҳаммага имо-ишора қилиб, кўрсатма беради. Ичкари-ташқарига бир неча марта сув сепиб, супуриб турилади. Хоналар безатилган, Ўзбекойим ўзи ўтирадиган уйни бўшатиб, уни алоҳида ясатиб қўяди... Ташқарида Ҳасанали елиб-югуради, у ҳаммадан ҳам ортиқроқ хурсанд. Кўчаларга қайта-қайта сув сепиб супуради, бир дона барг тушса олиб ташлайди. Қадимий ўзбек урфига биноан қудаларнинг оёғи остида сўйиладиган қўйни Ҳасанали аллақачон тайёрлаб қўйган... Ҳасаналидаги оккўнгилик, ақл-фаросат, садоқат, имон-этикод бутунлиги Отабекни шу қадар мафтун қилганки, ҳатто уни ўзига “маънавий падар” қилиб олишгача бориб етади. Бу ҳам айни ўзбек миллий хусусиятлари заминидан намоён бўлади... Романдаги “Қизлар мажлиси, гуллар мажлиси” саҳифасини очинг. Марғилондаги энг обрўли

Мирзакарим қутидор оиласига алоқадор мухитга мансуб қизлар Кумушнинг “қиз мажлиси”га келишган... Ҳайабатчилик, ҳазил-хузуллар, ўта эркин суҳбатлар - ҳаммаси тўй тантанасини таратиб туради. Уй безакларидаги миллийлик билан қизлар хатти-ҳаракати-ю суҳбатлари, ашула-ю, рақсларигача - ҳаммасидаги миллийлик ўзи бир роман... Ҳозирги, миллий хусусиятлар бузилган тўйларимиздаги қизлар мажлиси, ундаги ичкиликбозлик, куёвлар ўртоқлари билан маст-аласт ўртада баланд-паст ўйнаши, беҳаё кийкириклар, беҳаловат хатти-ҳаракатлар қаёқда-ю, Кумуш тўйидаги қизлар мажлиси қаёқда?! Қайси бири гўзал ва олийжаноб, қайси бири обрўли ва жозибали?! Булар осмон билан ерча фарқ қилади... Бу ҳам миллий анъаналаримизнинг бугунги ҳаётимиз учун нақадар зарур бўлиб қолаётганидан дарак бермайдими?! Ҳайабатчилик, Кумушнинг қизлар мажлисида эркак зоти иштирок этмаётгани учун қизлар бемалол гаплашади, дутор чалишади, ашула айтишади, лапар ўқишади, ўйинга тушадилар... Ҳаммасида бир миллий ҳаё борлиги билан гўзал эмасми?!.. Қизлар ўйинкулгу билан машғул, аммо Кумуш йиғлагани-йиғлаган. Дугоналари буни ўзбек қизларига хос назокатдан деб билишади. Негаки, “дўст-душман” деганларидай, “эрга тегаман деб, ўлиб турган экан-да” қабилидаги гап-сўз бўлишдан чўчиш андишаси ҳам ўзимизга хос хусусиятлардан-да!.. Ўзбек қизлари илгари тўйда ўртага тушиб ўйнаш у ёқда турсин, тўй кунлари гарчи ичида хурсанд бўлса-да, ўзларини панага олишар, сиртдан ўзини сипо, жиддий тутарди. Ўз ота-онаси уйдан бошқа бир томонга кетаётганидан ташвишланаётгани кўриниб тургандай бўларди. Бундай мураккаб ҳолатларни сўз билан ифода этиб бўлмайди, фақат ҳис этиш мумкин... Қизлар мажлисида хурсандчиликми, ташвишми, айрилиқми, қовушишми, хуллас, шунга ўхшаш жуда мураккаб, гоҳо ғалати бир ҳолатлар кечиб турарди. Аммо Кумуш ҳозир яна бошқачароқ ҳолатга тушган... У Отабек деган йигитни бир кўришда севиб қолганини ҳеч кимга, ҳатто онасига-ю, бошқа бирон кимсага айтолмайди, бироқ ишқ ўтида ёнади. Бутун дарди ичида. Ҳозир эса кимга узатилаётганини билмайди. Уй ичидагилардан бирортаси “ўша кунни бизга меҳмон бўлиб келган тош-

кентлик йигит Отабекка сени узатаяпмиз” демайди-да! Бу ғоят нозик, ўзбекка хос қадимий миллий хусусият, ўта назоқат. Ана шу ҳолатлар гирдобиди Кумуш хурсандчилик йиғи-сида эмас, чиндан ҳам ич-ичидан эзилиб, ғамга ботиб йиғларди... Бу йиғи қанча изтиробли бўлмасин, китобхон ундан эзилмайди, бу саҳифаларни кулиб ўқийди... Чунки нима бўлаётганини қизлардан биронтаси билмайди. На Кумуш ва на дугоналари... Китобхон билиб туради. Мана сизга ёзувчи маҳорати, мана сизга миллий урф, жонли одамлар... Энди “Ой куни яқин-яқин”, “Душанба кун кечаси”, “Қипчочка қирғин”, “Кумушнинг заҳарланиши”, “Зайнабнинг жинни бўлиб қолиши”, “Ҳожи этак силккан”, Отабекнинг Кумуш қабри устида тиловатга овозини чиқаришга мажоли келмай, ичида тиловат қилиб, кўз ёшлари билан ерни лой қилиб ўтиришига оид саҳифаларни ўқиганда қалбида жиндай нури бор кимса йиғламай туролмаса керак... Бу ҳолатлар тасвирида ўзбек халқи орасидаги турли савия, турли табақага мансуб турли типдаги одамлар киёфалари кўз олдимизда шу қадар аниқ намоён бўладики, хайратга тушамиз, уларга аралашиб кетамиз, айтиш мумкинки, ўзимизни тамоман унутиб қўямиз... Ўйлаб кўрайлик-чи, яна қайси романи ўқиганда шундай хис-туйғу бизни қамраган?! Айтиш қийин...

Отабек, Юсуфбек хожи, Мирзакарим қутидор, Зиё шоҳичи, Ҳасаналидаги ўзбек миллатига хос фазилатлар миллий заминда шаклланиб, умуминсоний кадриятлар даражасига айланиб кетганлиги билан бебаҳодир... Жумладан, олайлик, имон-этикод, поклик, бир-бирига дўстона муносабат, садоқатлилиқ, мардлик, адолат учун кураш булар жуда кўп ва ҳаммасини санаб бўлмайди. Аммо ҳар қандай тарихий вазиятларда, ҳамма даврларда, ҳар қандай ижтимоий тузумда, барча халқ ва миллатларда ҳам ардоқланиб келинган, жамиятда шу фазилатларни шакллантириш, ривожлантириш учун кураш олиб борилган. Шунинг учун ҳам булар умуминсоний фазилатлар бўлиб қолаверади. Аммо мазкур фазилатлар қанчалик умуминсоний бўлмасин, уларнинг ҳар бири ҳар бир миллатда, унинг тарихида, ўз миллий анъаналари доирасида пайдо бўлади, ривожланади... Биз юқорида номларини эслаб ўтган образ-



ларда эса, мазкур хусусиятлар фақат ўзбек миллатига хос белгилари, хусусиятлари, ранглари, бутун ички-ташки киё-фалари билан тўла ўз аксини топади. Абдулла Қодирий романлари мана шундай фазилатлари билан асрлар оша халқимиз қалбидан абадий жой олиб бораверади... Демак асарнинг бадиий қиммати, эстетик таъсири-ю, бутун тарбиявий аҳамиятигача ўқимишли ва ишонтириш кучигача - ҳаммаси унда энг яхши миллий фазилатларнинг қанчалик акс этишига боғлиқ экан... Ҳар қандай асарнинг реалистик кучи, яъни ҳаёт ҳақиқатларини бадиий ҳақиқатга айлантириш қудрати ҳам шу йўсинда таъминланади. Бадиий асарнинг реалистик салмоғи ҳам шу билан ўлчанади. Абдулла Қодирий романларининг реалистик баркамоллиги, аввало, ундаги миллийликнинг кучлилигидадир.

### Ёзувчи ва замон

Абдулла Қодирий ижодининг илк давридан то умрининг охиригача ўзи яшаб турган давр маданий тараққиёти, ўзбек миллий адабиёти ривожини учун бутун куч-қудрати, билими, қобилиятини бахшида қилиб яшади. Каттадан кичик асарлари-ю, мақолаларидан тортиб фелъетонларигача яхлит кўз олдимишга келтирсак, ҳаммасида замон, жамият тараққиётига жавоб бериш ғояси бўртиб туради. Ёзувчи кўплаб фелъетонлари, ҳажвий асарлари билан 20-30-йилларда “Муштум” ойномасини яшнатиб келди...

### Ҳажвий асарлар

Абдулла Қодирий фақат романлари билангина эмас, ҳажвий асарларида ҳам ўзбек халқи ҳаётини ёрқин акс эттирган воқеалар, ўқувчи қалбига хузур-ҳаловат, зўр эстетик завқ бағишлайдиган ажойиб образлар яратди. Бу жиҳатдан, 20-йилларнинг ўрталарида “Муштум”да эълон қилинган “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Ширвон хола нима дейди” сингари туркум асарлари билан ҳажвиёт жанрининг ўзбек адабиётида ривожланишига жуда катта хисса қўшди. Мазкур ҳажвий асарлар 20-30-йиллардаёқ тилларда дoston бўлиб кетди, уларнинг қаҳрамонлари халқимиз ўртасида ичакузди

латифалар сингари кенг тарқалди...

Бу асарларнинг ўзига хос хусусияти дастлаб шуки, воқеалар фақат қаҳрамонлар тилидан олиб борилади; бу билан хикоялар қуруқ баён бўлиб қолмайди, қаҳрамонларнинг бошидан кечаётган ғалати воқеа-ходисалар ўқувчи кўз ўнгида рўй бериб бораверади. Бундай асарлар тили ҳақида гап кетганда яна ёзувчи маҳоратига қойил қоласиз. Тилиборалар, гап-сўзлардаги оҳанг қаҳрамонларнинг бутун кийёфаси, хатти-ҳаракати, хуллас, бор-йўғига жуда мос тушган. Қодирийнинг тил билиши фақат романларида эмас, ҳажвий асарларида, публицистик, адабий-танкидий мақолаларида ҳам росмана кўриниб туради...

Юқоридаги туркум ҳажвий хикояларда ёзувчи жамият ҳаётидаги айрим бир гуруҳга мансуб шахсларнинг типик хусусиятларини мужассамлаштирган кишиларнинг жонли образларини яратди... Ёзувчи ўз эътибори марказида турган замона воқеаларини мана шу типлар орқали, уларнинг қарашлари орқали ифода этади. Қодирий ҳажвиётида кулгули нукталар тўлиб-тошиб ётади. Образларнинг ҳар бир сўзи-ю, иборасидан тортиб, ҳар бир ҳаракатигача кулгу кўзғатади.

20-30-йиллар адабиётида октябрдан олдинги барча борликни қоралаш қонун даражасига кўтариб қўйилганини ўтган саҳифаларда таъкидлаганмиз. Шу сабабли, аксар ёзувчилар бу “қонун” га бўйсуниб, ўтмишимизни қоралайверди. Албатта, Абдулла Қодирий ҳам бу “қонун”дан батамом четда қололмасди. Аммо ўрни келганда, Қодирий бошқалардан фаркли ўларок, тарихимизнинг нурли нукталарини шу қадар бадиий тасвирладики, ундан баъзиларини юқорида бир қадар таъкидлаб ўтдик, ишимиз давомида яна тилга олинади... Бу ёзувчи романларининг энг юксак фазилятларини ташкил этади...

Ҳажвий асарларидаги танкидий йўналиш, аввало, янги замонга ёт унсурларни фош этишга қаратилган, бунини адабнинг ўзи ҳам бир неча бор таъкидлагани маълум. Бирок Жулқунбой ҳажвиётининг бутун моҳияти бундан кўра ҳам кенгроқ кўламли эканлигини унутмаслик керак. Зотан, Қалвак, Тошпўлат, Ширвон фақат октябрдан кейинги ҳаётга зид унсурлар бўлса, қайси жамият уларни дўст

билади? Бирон Тараккий этган жамият уларни қабул қила олмайди. Шунинг учун ҳам бу типлар фақат ўзбек адабиёти эмас, жаҳондаги барча халқлар адабиёти учун хизмат қилади. Демокчимизки, тараккийёт учун тўсик бўладиган эскилик саркитларини ташиб юриш, ҳамма замонларда, барча илғор халқлар томонидан танкид қилинган... Бундан кейин ҳам шундай бўлади... Ҳаёт бор экан, жамият ривожланиш йўлига интилар экан, бефойда саркитларга қарши кураш давом этади, бусиз тараккийёт бўлмайди.

Абдулла Қодирийнинг ҳажвий асарлари юқоридаги фазилатлари билан ҳам ўзбек адабиёти тарихида абадий маънавий хазина бўлиб қолади. Уларнинг аҳамияти 20-30-йилларда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайдир. Айтайлик, Калвак Маҳзум 20-йиллардаёқ ҳақиқий ҳаётдан узилган, ҳеч кимга кераги бўлмаган эскича удумлар, хурофотлар билан мияси ғовлаган. Жамият уни тан олмайди, у эса, ўзича, жамиятни тан олмайди... Ўйлаб қаранг, шундай Маҳзумлар ҳозир йўқми? Истаганча топилади. Калваклар билан жамият ўртасида қанча фарқ бўлишга қарамай, аралашмаган иши йўқ, лекин нимагаки аралашса, кулгуга дучор бўлаверади. Тошпўлат тажанг билан Ширвон хола ҳам муҳитдан узилиб, довдираб, ҳамма нарсадан норози бўлишаверади. Агар тўғриси айтилса, ҳозир иктисодий қийинчиликдан нуқул норози одамлар борми? Бор. Улар кимлар? Қизиғи шундаки, улар на Тошпўлат, на Калвак, на Ширвон хола эмас, “туппа-тузук”, ҳатто олий маълумоти борлиги ҳақидаги ҳужжатларга эга кимсалар. Бугина эмас, илгари амалдор бўлиб, “давр” сурган пўкак, эндиги ҳаёт ҳақиқатига дош беролмаётган иродасиз, қолаверса, ўлгудай чайқовчи, ҳамма нарсани пулга сотадиган, Қодирий ибораси билан айтилса, “виждонни пулга сотадиган” кимсалар, “бурчак-бурчакда сасиб юрадиган” номардлар истиклол, мустақиллик нима-ю, қарамлик нима эканлигини билмайдиган манфаатпарастлар қорни тўйиши-ю, даромад қилишдан бошқани билмайдиган малъунлар қайси Калвак, Тошпўлат ва Ширвондан фарқ қилади?! Қайтага улар анча содда, лакма, ўлгудай журъатсиз, тезда тутиладиган одамлар; биздаги юлғичлар улардан кўра хавфлироқ, кўзга тушиши қийинроқ, бутун борлиги билан истикло-

лимизгагина эмас, бутун тараккиётимизга зид... Аммо, аммо уларни тутиш, жавобгарликка тортиш Калваклардан кўра минг марта қийин, афсус... Қаранг, Калвак ҳам, Тошпўлат ҳам, Ширвон хола ҳам ҳеч қаерда ишламайди, шунинг учун ҳам жуда қашшоқ яшашади. Хасрат қилишади-ю, бировнинг ҳақини ейишмайди, яъни юлғичлар эмас-да!.. Бизнинг баъзи ишдагилар ёки ҳеч қаерда ишламай чайковчилик қилаётганлар тўғри келса, ўғирлик, юлғичлик, алдамчилик, қаллобликдан тойишмайди...

Тошпўлат тажанг ўз ибораси билан айтганда, ахволи бундай:”Чой-чақасини ундан-бундан қилиб, таралласини тортиб юрган Тошпўлат етти ярим сўлковойни қайси гўсхўрдан олсин? А? Бобоғимни сотиб берайми? Ёки сайратмамними? /Унга солиқ келган эди, шуни қандай тўлаш ҳақида ўйлаяпти. А.А./ Этигим бўлса-ку, ўн беш кундан бери гаровда, чопонни ўткан кун... уч сўлковойга сотдим, худой ҳақки, галавам айнади... Нима, бермасам мени осдирармиди, шу хезларинг?! /Кичик асарлар, 70-бет/... Тошпўлатнинг тажанг бўлиб, чапаниларча сўкишлари-ю, мулоҳазларида, у қайси мавзу ёки савияда бўлмасин, бир ҳаётий ҳақиқат мавж уриб туриши эътиборни тортади, яъни унда октябрь тўнтаришидан кейинги иқтисодий танглик, қашшоқлик, яна бунинг устига солиқ тўлаш, одамларнинг жонига тегиб кетгани аниқ ифодаланган... Ўйлаб қаралса, биринчи жаҳон урушига уланиб кетган Февраль инқилоби, ундан кейин октябрь тўнтариши, кетидан фуқаролар уруши сингари қирғинлар Россияга қанчалик фожиалар, қашшоқликлар, очарчиликлар, қаҳатчиликлар келтирган бўлса, унга қарам Туркистон фуқароларига нималар келтирганини тасаввур қилиш осонми?! Тошпўлат қандай табақадан бўлишидан қатъий назар - оддий фуқаро. У табиатан гоҳо жуда ўзига хос содда, бирор нарсани фарқ қила олмайдиган кўринса-да, лекин руҳияти анча мураккаб, бошқа инсонларга хос айрим умумий тушунчалардан маҳрум эмас ва шунинг учун ҳам жонли одам образи сирасига қиради. Қодирий ана шундай ўзига хос табиатли шахс тилидан ҳаётий ҳақиқатларнинг гоҳо жуда кескин, айтиш мумкинки, қалтис нукталарини таъкидлаб беради...

Биз ҳаётда кўпгина даврларимизни “ўтиш” даври деб

аташга ўрганиб ҳам қолганмиз. Бу ибора, агар таъбир жоиз бўлса, ҳамиша ортидан яхши ҳаёт бошлаб келувчи давр сифатида умид бахшида этаётгандай туюлади. Бугина эмас, ҳар бир ўтиш даври иқтисодий қийинчиликлар, мураккабликлар билан изоҳланади... Тарихимиздаги 20-йиллар ҳам шундай аталарди, 30-йиллар-чи?! Уруш даври ва кейинги тиклаш даврлари-чи?! Аммо ҳамма ўтиш даври учун бир ягона хусусият юлғичларнинг бойиб, оддий одамларнинг камбағаллашиб кетиши билан изоҳланган... Тошпўлатлар эса, ана ўша давр қурбонлари бўлиб чиқади... Тошпўлат тажанг 20-йиллардаги Туркистон аҳолиси ўртасида рўй бераётган тенгсизликдан ғоят қийналади, нафратланади... Бу ҳолатни қаттиқ қоралайди. Ўзига тўқ, бой бўла туриб, бировга бир бурда нон бермайдиган зикна бойваччаларни қаттиқ сўқади, улар орасидан ўзи таниганларидан бир қанчаси номини санаб туриб, “ Шу хумсоларинг, қайси бири камбағалнинг бошини силади?!, деб тажанг бўлади...

Абдулла Қодирий ҳажвиёти реализми, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап кетганда, дастлаб кўз олдимизга келадиган яна бир турқум хикоя, юқорида тилга олиб ўтганимиз - Калвак Маҳзумдир. Калвак ҳам фикрлаш, воқеаларга муносабат билдириш жиҳатидан Тошпўлатга яқин туради. Аммо Калвак бошқа тоифадан, саводи, билими бўлмагани ҳолда билимдонликни даъво қилиб юрадиган чала “мулла”лардан. Бу образ - аҳоли табақаларининг турли туман касбга мансуб кишилари орасида учраб туриши ҳисобга олинса, унинг реалистик қиймати янада равшанроқ кўзга ташланади... Калвак ҳамма нарса ҳақида фақат чала ёки бутунлай хато фикр юритади ва мулоҳазаларидан заррача шубҳаланмайди... Ўйлаб кўрилса, бундай чалла муллалар бизнинг ҳозирги кунларимизда, айникса, кўпайиб кетган ва улар ҳамон фанни, тараққиётни орқага тортаётганини, бинобарин, нукул имтиёзлар таллашиб-тортишиб юрганини кўрганда, ҳаётимизда ҳамон Калваклар яшаётганини тушуниб олиш қийин эмас. Ана шу жиҳатдан ҳам Қодирийнинг ҳажвий асарлари бугун ҳам, эртага ҳам ибрат бўлиб қолаётгани билан қимматлидир... Демак бу асарларда яратилган образлар салкам бир асрдан буён бизга хизмат

килади, жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланиш жараёнида бундай маънавий меросга муттасил мурожаат қилиб тураемиз... Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Абдулла Қодирий гарчи Қалвакни диний табақага мансублар орасидан танлагани билан, у диннинг хақиқий, пок ақидаларига ҳолат хурмат билан қараган. Чинакам диний эътиқодга эга, имон-иродаси мустаҳкам шахсларни Қодирий кўқларга кўтарган, уларнинг бутун фазилатларини барчага ибрат бўларли даражада жозибатор қилиб тасвирлайдики, бу борада биргина Юсуфбекхожи, Мирзакарим қутидорларни эслатиб ўтиш кифоя... Қайси имон-эътиқоди бутун инсон уларга эргашмайди?! Уларга ўхшашни бутун борлиги билан орзу қиладиган пок ниятли, буюк инсонлар бор, гарчи ҳаётда қанчалик ёмонлар бўлмасин, жамият тараққиётини мана шу буюклар таъмин этади!... Аммо буюк сиймоларимиз қаршисидagi нопок, қалтабин, манфаатпарастларни таниб қўйиш ҳам кераклигини ёзувчи зарур деб ҳисоблайди...

Қалвак Маҳзум ҳам замона воқеаларини тушуна олмай гаранг... Шундан у ҳам Тошпўлатга ўхшаб тажанг бўлиб юргани-юрган. Аммо атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз қарашларини билдириб, улардан ўзинча хулосалар ҳам чиқариб туради. Худди шу жараёнда ўқувчи уни таниб боради. Қалвак ҳар бир хатти-ҳаракати-ю, мулоҳазалари, хулосаларини баён қилган сари ўзини ўзи фош этиб бораверади, қулгуга дучор бўлади... Масалан, бир куни Қуръонни қидириб, қутубхонага кириб қолади. Бу ерда ёш-ёш йигит-қизларнинг қатор ўтириб газета, китоблар ўқиётгани а ҳайрон бўлади. Ташқарига чиқса, қавши йўқ. Шундан кейин Қалвак бу ерда қўрган-билганларидан хулоса чиқаради: “Билдимки, китобларни текин ўқитаман деб, одамларнинг қавшини ўғирлар эканлар, аммо бундай палид бир жойга киришимни арвоқлар ҳам ёқтирмаган бўлса керак...”

Қалвак руҳонийлар табақасига мансуб-ку, ҳар соҳада бўлганидан, мазкур табақанинг пок, билимли, имонли, ҳудожўй вакиллари шаънига доғ туширади. Унда на илм, на имон бор. Ўз манфаати қаршисида ҳар қандай хиёнатдан тоймайди, ёлғон гапиради, тухмат қилади ва ҳоказо... Унда руҳоний табақасининг жуда қўп салбий ҳислатлари мавжуд.

Ҳамиша ўзини пок, такводор, фариштадай тоза қилиб кўрсатишга уринади ва бу борада қанча ҳаракат қилса, ўқувчи кўз ўнгида шунча фош бўлиб боради...Кутубхонага дастлаб кириши билан аёл овозни эшитиб “сесканган” Калвак нарирокда бир гўзал ёш кизга кўзи тушиб “суки қиради”

Ҳикоянинг “Таржимаи ҳолим” /”Муштум”, 1924 йил, 19-сон./ сарлавҳали бобида Калвак ўзининг ота-боболари, айникса, ўз падари-бузрукворининг ҳаётига оид, оила аъзолари, онаси, ёшлик-болалик чоғлари, қандай шароитда туғилиб ўсганлиги ҳақида жуда қулгули воқеаларни ифтихор билан сўзлайди. Жумладан, Калвак ўзининг туғилиш онлари ҳақида айтади: “... Доя бўлмиш хотин фақирни ердан олуб, йўрғакламоқчи бўлғонида камина чирқираб, грива овоз қилуб, асло йиғидан тўхтамоғонимдан, падар сезибдурларки. фарзандлари бежиз эмасдур. Чунки ул доя бўлмиш даллаи маккора ва нопок бир хотун бўлуб, фақир бул нопокни ёқтирмабдирман. Баъдазон ул жаноб фақирни ўз қўллариға олғон эрканлар, дархол гривадан тўхтаб, табассум қилибдурман...” /К.А. 40-бет/ Калвакнинг бу гаплари ғирт ёлғонлиги билан қулдиради, чунки янги туғилган чақалокни доядан ота олмаслиги маълум... Абдулла Қодирий Калвак киёфасини чизишда унинг гап-сўзлари, ибораларига катта аҳамият беради, айникса, ундаги таъмагирлик бўртиб кўринади. У ёшлик-болалик чоғларидан бошлаб, нафси бузук бўлганини ёзувчи алоҳида таъкидлайди, бу эса таъмагирлик қайфияти шаклланиши илдиларини ҳам изоҳлаб беради. Калвак олти ёшларида “қозонда пишаётган гўштга ҳаваси келиб” икки устихонни олиб ейди. Унинг устига ҳар ёндан келган туршак-мағизлардан ҳам еб сассиқ меъда бўлади. Кўзлари олайиб қолади. Ўзидан ўтган бу ҳолатни Калвак шундай ҳикоя қилади: “Меъда касали билан 6 ой оғриб, худди самоварнинг ичидан кўринадиган ажина аксидек бўлуб, кишилар ҳазар қиладиган даражага етибмен” Калвак 8 ёшга кирганда, баданига чечак тошиб кетади. “Кундан-кун ҳолим оғирлашар экан, - деб ҳикоя қилади аҳволини. - ул жаноблар /ота-оналари. А.А./ фақирдан умидларини узуб, қўлларини ювуб, қўлтукларига уруб, хаттоки, кафанларимгача ҳозирлаб, ҳар

бир ишга мухайё бўлуб турибдурлар. Аммо ўн биринчи куни худои таолонинг қудрати билан фақирга бир атса /акса/ келиб, кўзимни очибдирман... Чечакдан юзим ғалвирак бодом бўлуб кетди, юзимда чандиклар ҳам бўлгани учун гўёки хусни Юсуф бизда хотима топди... Агар сизлар бир ховуч тарикни юзимга сепсангиз-да, бир донаси ерга тушса, биз минавват...”

Калвак қўлига “Муштум” ойномаси тушиб, унда ўз расми ва номини кўриб хайрон бўлади. Дин арбобларини тахқирлаган ойномани лаънатлайди ва хулоса чиқаради: “Хукумат кабағаллигидан қоғоз тополмасдан расмлик қоғозларнинг оқ томонига “хат ёзибди деб ҳисоблайди. Калвак ниҳоят расм қиёматда жон талаб қилади деб, “Муштум”даги расмини кетказишга уринади. Сувга чайди, кетказа олмайди. Устига сиёх суркаб ташлайди ва “сувратлик ҳолатидан чиқариб қўйдим” деб севинади... Калвак бекорчиликдан хотини билан уришгани-урушган, хар гапида худони пеш қилиб, покизаликдан лоф уради. Аммо ўзи охирида, “ўтирлик қилиб бўлса ҳам, бирор имоматдан ўрин топиб беринглар, ёки маҳкамаларга мирзабоши бўлиб киришга ҳам розиман” деб қолади. Калвак қайси масала ҳақида гапирмасин унинг қиёфасида 20-йиллардаги адабий муҳитда дин арбоблари табақасига бўлган расмий муносабатлар акс этиб туради. Жумладан, у ўтмишни таърифлаганда эски замондаги /октябрдан олдинги/ иллатларни санаб беради, мактайди /яъни нуқсонларни қўмсайди/, кулгига қолади. Эски мактаб ҳаётидан ҳикоя қилганда, ундаги бузукчиликлар ҳақидагина фикр юритади; янги мактаблар ҳақида эса, аниқ фанларни санайди, жуғрофия, риёзиёт, фалакиётларни бутунлай қоралайди: ой куйиши, ер қимирлаши янги замон одамларининг гуноҳларидан деб таърифлайди. Ниҳоят “буларни ер ютмаса, юзи қаро бўлмаса, фақир асло рози эмасдур” деб фикрини яқунлайди...

А.Қодирий “Меҳробдан чаён”да Калваклар табақасининг довдир-совдирини эмас, ўта мураккаб вакиллари образини яратади. Абдурахмон домла, Калоншоҳ, Шаҳодат муфти, Солиҳ маҳдумлар Калваклардан томоман фарқ қилади, улар жуда пухта иш юритади., булар ҳақида ўрни билан кейинги саҳифаларда тўхтармиз... Фақат бир нуктага



ахамият бериш лозимки, А.Қодирий номлари тилга олинган диний табақа вакилларида иллатлар чуқур фош этилади. Бу билан ёзувчини даҳриймиди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳақли савол. Бунга жавобимиз шу - Қодирий ҳеч қачон даҳрий бўлган эмас. Жуда имонли, виждонли шахс эди. Аммо ҳамма соҳада бўлганидай, диний кишилар орасида ҳам ноинсофлари бор эди, ҳозир ҳам бор, уларни қаттиқ фош этиб туриш- ёзувчининг бурчи бўлиб қолган. Бугина эмас, Қодирий барча фельетонларида, адабий-танкидий публицистик мақолаларида ҳам тараққиётимизга тўсиқлик қилиб келаётганларни, улар қайси табақадан бўлмасин, мутғасил аёвсиз фош этганди... Қодирийга 20-30-йиллар адабиётида нуқсонларни дадил фош этишда тенглашадиган ёзувчи йўқ эди, дейилса муболаға бўлмаса керак. Бу жиҳатдан унинг “Пўстқалласи” сарлавҳали ҳажвияси ҳам жуда ғалати таассурот қолдиради. Ҳажвия тағига “Думбул” деб имзо чекади. Шу имзо маъносига мос бир тип яратиб, унинг қиёфасини чизиб беради. Абдулла Қодирий ўзи асли ўта билимдон бўлгани сабабли, унча-мунча чаласаводликка асло чидамасди. Адабий-танкидий мақолаларида бу мулоҳаза, айниқса, жуда аниқ фактлар заминида ёритилади... Эндиги тилга олинадиган ҳажвияда худди шу мавзу чуқур очилади. Маълумки, “Думбул” иборасининг турлича маънолари бор: пишмаган, ғўр, чала, тентакрок, чала, унча етук эмас, хом-хатала ва ҳоказо... Мазкур ҳажвияда Қодирий “Думбул” номидан пичинг тарзида, гўё девоналарча фикр юритаётган бўлиб, янги мактабларда дарс бераётган чаласавод, ўта билимсиз муаллимлар қисқа муддатли курсларни битириб чиқиб билимдонликни пеш қиладиган кишиларни қаттиқ фош этади. Зотан, 20-30-йилларда бундай курслар кўп эди, унда ўқиганлар ўзлари етарли билим олмасдан, бошқаларга билим беришга ўтардилар... Абдулла Қодирий ўша вақтда пайқаган ва қаттиқ танқид қилган мавзу кейинчалик ҳам илм-фан соҳасига тасодифий кириб қолганларга замин бўлмаган деб қим айта олади? Чаласаводлар фан соҳасидаги энг хатарли жохиллар гуруҳини яратади, тараққиётга ҳалал беради, чинакам билимдон олимларга фақат ўшалар қарши курашади... Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт муаллими” сатирик хикоясининг яра-

тилишида Қодирийнинг ана шу асари туртки бўлмаган-микан?! Бўлгандир. Бу ҳар икки ёзувчи сатирасидаги муҳим ғоявий нукталарда катта умумийликни кўриш мумкин... Зотан Қодирий ҳажвиёти ўзидан кейинги адалбий жараёнга ижобий таъсир кўрсатгани маълум...

Қодирийнинг кичик ҳажвий асарларидан “Оғзингга қараб гапир!”, “Рўза, ифтор, хатм, закот”, “Замонанинг зайли” каби талай асарларида ҳам таракқиётга тўсик бўладиган унсурлар киёфалари кулги остида чизилади. Қодирий ҳар бир кичик сатирик лавҳада ҳам муайян гуруҳ вакиллари образларини яратади, уларнинг ўзига хос муҳити, ҳаракат доираси, шароити, вазиятларини ҳам яратади, шу билан асарнинг ишонтириш кучи ортади. Асарнинг реалистик йўналиши айни шу йўсинда шаклланади, мустаҳкамланади...

Абдулла Қодирийнинг “Тинч иш” хикоясидаги домла Шариф Охунд образида ҳам билимсиз, аммо билимдонликка даъвогар яна бир типни кўрамыз. Шариф Охунд диний илмларни ҳам, халқаро аҳволни ҳам, бутун Шарк ва Ғарб мамлакатлари, Америка китъасигача ҳаммасини яхши билишини зўр бериб уқдиради. Аслида эса, бирор соҳада тўғри тасавури йўқ. Ҳатто ўз атрофида рўй бераётган, ҳаммага маълум бўлган энг оддий воқеа-ҳодисани ҳам пайқамасдан кулгили аҳволга тушиб қолади. Ёзувчи бундай кишиларда ҳамиша мунофиқлик юз бериб туришини усталик билан кўрсатади... Домла Шариф Охунд “Мударрисликка сайланмасдан илгари оқ подшога, нима учундир, мастеровойлар каби, ёвлик-душманлик сақлаб юрар эди. Алланарсамов деган тўра томонидан мударрисликка “указ” берилгач, оқ подшонинг яшамоғига қўл кўтариб, дуо қилган кундан бошлаб, ўзида Николайга бир яхши истак сеза бошлайдир. Тўғри келган йиғинларда... кофир бўлса ҳам “нубувват” пайғамбарликнинг ярим кучи бор, чунки подшо-нисф нубувват-пайғамбар наслидан, деб оқ подшони юқори кўтариб қўядилар...” /Ўша китоб, 17-б/.

1917 йилги февраль, ундан кейин октябрь инкилоби бўлиб, оқ подшо тахтдан тушди деган гаплар ҳаммаёққа тарқалибди-ю, Шариф Охунд хали ҳам унга ишонмайдилар. Бу ҳақда гапирган одамларга дакки бериб, бўлмаган гап, оқ подшо тушмайди, бу гапни яхшиям бошқага айтмадинг,

бўлмаса бошинг кетарди, деб дўк урадилар... Охунд домланинг дунё ҳақидаги маълумотларига бир назар ташлаймиз: Ғарбий Овропадаги барча мамлакатлар номини тилга олиб, улар тарихини ҳам ўзлари ясаб ташлайдилар. Жумладан, мана у кишининг Америка ҳақидаги тушунчалари, “ Америка, ўзи Фарангларнинг бир оймоғи, хунари: амиркон тери ишлайдир. Осмон попўри /самолёт/ ини ҳам шу кофир чиқарган. Англия - бу жуда хунарманд, бироқ ўзининг ер юзиде жойи йўк. Аммо денгизга шаҳарлар бино қилган, шунинг учун денгизлар подшоси деб атайдилар. Франция ёхуд Фаранг - бу ўзи майда-чуйда ишлашга жуда ҳам уста, бир кофир фаранги игна, фаранги мошина ип, гирдмафон ва шунга ўхшаш аллақанча қизиқ-қизик нарсаларни чиқарган. Ёпония, ўрусдан Пуртортурни олган...” /16-б/.

Эл орасида “хуррият-хуррият”, “янгидан сайлов бўлади” деган гаплар тарқалганда Шариф Охунд ташвишга тушиб қолди. Фақат “тавба-тавба” деб кўкка бокишдан бошқага ярамай қолди... Бундан бир йил илгари мударрисликка сайлангани ҳақидаги “указ” қоғози сандикқа “тушишда Охунд домлага қандай умидлар берган бўлса, бугун сандикдан чиқишда шу даража умидсизлик туғдирди...” Қодирий ҳажвиётидаги кулгининг табиий ҳолатда пайдо бўлиши, воқеликнинг чуқур мантиғи билан уйғунлашиб кетади. Фойдаланилган ҳар бир деталь образ рухиятини теранроқ очиб боради... Мана қаранг, Домлага бир йил илгари умид бағишлаган “указ” энди қандай умидсизлик бағишлайди? Қоғозни сандикдан олиб, бир кўздан кечираётган Домланинг айни пайтдаги ҳолати: “Бу қоғоз яхши сақлангани учун ҳам қаватини очган сайин шалдирар ва шалдираш Охунд домлани аллақандай маъюс этар эди...”

Домла қоғозни ўзи ўқий олмайди. Лекин уни очганда дастлаб қоғозни олгандаги хузур-ҳаловоти эсига тушиб, ғамга ботади, чунки шу топда “бутун гавдаси тил билан англатиб бўлмаслик бир лазат билан жимирлашиб кетгани кўз ўнгида намоён бўлади... Шу вақт Домла бўшашиб, ичичидан ёнган, умидлари пучга чикқан, хатто кадрдон “указ” кўлидан тушиб кетаёзди... Энди бир неча вақт хушидан ҳам кетган эди...”

Абдулла Қодирий Шарқ классик намуналарини нақадар чуқур билса, Ғарб ва рус классик ёзувчилари ижодий мактабидан ҳам маҳорат ўргангани ҳақида қатор мақолалар ёзган. Шуларнинг бири А.П.Чехов ҳикоячилигига бағишланган бўлиб, унда Чеховнинг майда ҳикоялар ёзишдаги маҳорати ҳақида гап боради. Майда ҳикоя ёзишда сўз танлаш ва ниҳоятда ихчамликка аҳамият бериш, борди-ю, ҳикояда бирор деталь ишлатиладиган бўлса, воқеалар давомида мазмуни ва ғояни ифода этишда роль ўйнашини алоҳида уқтиради. Қодирий ўзи ҳам худди шундай йўл билан ҳикояларидаги “детал” ўрнини шундай топиб қўядики, унинг сўз ёки деталини жойидан қўзғатиб бўлмайди. Ёзувчи маҳорати деб шунга айтилади. “Тинч” ишдаги “Указ” Шариф Охунд домланинг бир неча хил одатларини англатишда қандай “иштирок” этганини - юқорида келтирилган парчаларда қисман кўриб ўтдик. Ҳикоя давомида “ҳушидан кетган” домла ўзига келгандан кейин, “указни буклай бошлади. Указ “Мени кўрма, ҳам куйма!” деган каби ўз-ўзидан шалдироксиз буклана бошлади” Бу ҳолат тасвиридаги нозик бир санъаткорона нуқтага қарангки, қоғоз /“указ”/ очилаётганда “овоз” чиқаради, чунки анчадан буён бир хилда тахланиб ётган ҳолатидан очиб, текисланиб олинади. Узок вақт бир хил ҳолатда сақланган ва шунга мосланиб қолгандан кейин, очганда “овоз” чиқарса ҳам, букланаётганда табиий шилдирамайди. Ёзувчи шундай ифода билан, аввал, қоғознинг оддий ҳолатини англатса, иккинчидан эса. энди у ўз мавқеини, аҳамиятини йўқотаётгани учун бурунгидай “шалдиrol”майди... Шунинг учун ҳам Домланинг аёли - Отин ойим “указ”ни сандикка олиб кетмак бўлганида, Домла орқасидан “яхши қол” деган каби маънос қараб турарди... Яна бир “оҳ” тортгандан кейин Домла оқ подшони ўрнидан туширганлари учун мастеровойларга лаънат ўқиди...”

Қодирий ҳажвий асарларида фақат Гоголь, Чехов таъсири эмас, балки жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари ютуқлари таъсири ҳам бор эди. Зотан, Қодирий кўплаб рус ва жаҳон классиклари намуналарини таржима қилган. Гоголдан “Уйланиш”, Чеховдан “Букаламун” таржималари, жаҳондаги турли адабий мактаб ва оқимлар ҳақидаги

мақолалари ёзувчи дунёкараши шаклланишида катта мактаб бўлган. Қодирий ёшларга ижод сирларини ўрганиш ҳақидаги мулоҳазаларида шундай чуқур адабий-фалсафий йўлланма берган эдики, мазкур мулоҳазалар ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас... Мана бу гапларга эътибор беринг: “Ёзувчи бўладиган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак. Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиганда ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қанда йўл билан ўқувчига англата олганини диққат қилиб, суриштириб бориш керак. Шундагина ёзувчилардан хунар ўрганиш мумкин...”

Адабиётнинг назарий билимларини ҳам яхши эгаллаган Қодирийнинг фақат романлари эмас, кичик асарлари, ҳажвиёти, адабий-танқидий мақолаларидаги мулоҳазалари ҳам ҳамон эскирмай, бугунги истиклолимизни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларимизга хизмат қилмоқда. У йирик асарларида яратган маънавий дунёси бой образлар қанчалик ибратли бўлса, ҳажвиётларидаги маънавий олами пуч, аслида юлғуч, таъмагир бўлатуриб, ўзларини энг пок ва илғор шахс қилиб кўрсатишга интиладиган сатирик образлар ҳам бизга кўп нарсани билиб олишимизга ёрдам беради... Бугунги “ўтиш” давридаги юлғичларни аниқроқ танитиб туради... Уларга қарши курашда Қодирий мероси ҳамон бизга буюк йўлланма сифатида нур сочиб, йўлимизни тозалаб туради... Қодирий меросининг маънавий аҳамияти, тарбиявий роли, умрибоқийлигининг сири ҳам шу бўлса керак... Мазкур бой тажриба, кенг кўламдаги билим доираси, имон-эътиқоднинг бутунлиги, ниҳоят, илоҳий бир талант-қобилият Абдулла Қодирийни Марказий Осиёда романчилик мактабини яратиш даражасига кўтарди, ўзбек романининг энг яхши биринчи намунасини яратишга олиб келди...

Биз юкорида Қодирий ҳажвиёти, кичик асарлари ҳақида тўхташдан олдин мазкур бўлимчага шартли равишда “Ёзувчи ва замон” деб сарлавҳа қўйганмиз. Гарчи мавзу доирасида Қодирий ижодиётининг турли жанрга хос, кўпроқ ҳажвий асарлари ҳақида гап кетган бўлса-да, ҳаммасида асосий мақсад ёзувчи яшаб ижод этган замонда унинг

асарлари қандай аҳамият касб этгани ҳақида тўхтаб ўтишдан иборат эди. Аммо вазифа ундан ҳам кенгроқ бўлиб, Қодирийнинг ўша вақтда яратган асарларининг бугунги мавқеини изоҳлаш ҳам муҳимроқ вазифадир. Зотан бирон ёзувчи, агар чинакам буюк истеъдод бўлса, қайси даврда яшаб, қайси давр воқелигидан қандай асар ёзмасин, бари бир фақат ёзувчи яшаган ва ундан кейинги даврлар манфаатини жамиятнинг келгуси ривожи учун хизмат қилишини кўзлаб ёзди... Навоий, Жомийдан тортиб, Шекспиргача, Пушкин, Лермонтовдан Чўлпон-у Усмон Носиргача, Лев Толстойдан Абдулла Қодирийгача - худди шу мақсад билан яшаганлар ва ижод қилганлар... Бирон ёзувчи ўтмиш мавзуида, ўтмиш учун асар ёзган эмас, у ўтмиш мавзуида ҳам, ўзи яшаган долзарб замон воқеларидан олган, ёки келажак мавзудан танлаган мавзуда ёзганда ҳам, фақат ўз даври манфаатларини кўзлайди. Даврида кун тартибига чиққан муаммоларни истаган мавзудаги асари билан ҳал этишга кўмаклашиш ҳақида ўйлайди... Қизил империя даврида буюк аждодларимиз меросини оёқости қилишда, тарихга мурожаат қилган ёзувчиларни “ўтмишни иделлаштирди” деган сохта, уйдурма тамға остида таъқиб этилди. Энг пасткаш адабиётшунослар шу тамғани ҳамиша энг талантли ёзувчиларимизга босиб-бериб туришди... Ҳомил Ёқубов, Ҳафиз Абдусаматов ва уларнинг юқоридаги таянчи Комил Яшин кабилар то 1991 йилларгача ҳам Қодирий, Чўлпон, Фитратларни айни шу йўсинда қоралаб келганларини софдил жамоатчилик яхши биледи... Ваҳоланки, Қодирий ва унинг сафдошлари қайси мавзуга қўл урмасинлар, замон талаблари, жамият тараққиётини ўйлаб ижод қилдилар... Ҳайриятки, Истиклол ва ниҳоят Буюк Истиклолгина - бу буюк аждодларимизнинг тарихдаги ўз ўрнини тўғри тайинлаб берди... Биз эса, ниҳоят, улар ҳақида бемалол фикр-мулоҳаза юритиш имкониятига эга бўлдик... Қодирий, унинг барча ҳамфикр сафдошлари ўз замонлари учун ҳам, биз учун ҳам ўлмас, бой маънавий мерос қолдириб кетдилар, биз уларни қалбимизда абадий иззат-икром ила саклашга бурчлимиз!..

## Абдулла Қодирий романлари

*“Ўтган кунлар” миллий истиклол ғоясини ифода этган энг буюк асар. Тарих, замон, маънавият хазинаси...*

Абдулла Қодирий /Жулқунбой/ гарчи 20-30-йилларда серкирра ижод сохиби сифатида кўплаб ҳар хил катта-кичик асарлар яратган бўлса-да, уни жаҳонга танитган “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари эди. Навоийнинг “Ҳамса”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва “Навоий”, Шекспирнинг “Отелло” асарлари қандай ўлмас мерос ва умуминсоний қадриятга айланиб кетган бўлса, Қодирийнинг “Ўтган кунлар”и, “Меҳробдан чаён”и худди шундай бебаҳо дурдона бўлиб қолди. Зотан ёзувчининг бутун тажрибаси-ю, қобилияти, маҳорати самараси шу асарда мужассамланди... “Ўтган кунлар”га баҳо бериш - Абдулла Қодирийнинг бутун ҳаёти, фаолиятига баҳо беришдан иборатдир... Аммо, минг афсуски, Қодирий ва унинг қатор сафдошлари сталинча қотиллар зулмидан, қизил империянинг шовинистик мустамлакачилик сиёсати туфайли ҳаётдан бевақт кетдилар... Тирик қолганлар орасида фақатгина софдил кишилар уларни ҳурмат билан тилга оладилар, эслайдилар. Зотан ўтмишдаги ажодлари руҳига, маънавий хазинасига эҳтиром билан қараш - юксак онглилик, маданиятлилик белигисидир... Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Иқромий бу фикрни зўр самимият билан ифода қилади: “Хайриятки, биз уларни ҳамиша ёдлаймиз... Азизлар руҳи биз билан, эзгу ишлари-ю, қолдирган изларига содиқмиз, ижоду ихтироларига ҳамдам ва ҳамқормиз. Агар уларни унутсак, шаксиз, қўр бўламиз, инсон қадрини билмайдиган, бад-бахт, нобакор қимсага айланиб қоламиз... /”Совет Ўзбекистони газетаси, 1987 йил, 7 март/

Биз ёзувчининг романлари ҳақида гап бошлашдан илгари “Туркистон умумий уйимиз” деган сарлавҳа қўйдик. Мақсад “Ўтган кунлар”да мазкур тушунча ва ғоянинг нақадар чуқур бадиий ва фалсафий ифода этилгани ҳақида бир оз тўхтаб ўтишдир... Туркистон туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий ва ягона уй эканлигини халқларимиз онгига сингдириш ҳозирги истиклолимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашлар даврида ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлироқ жаранглайди... Зеро, юрт-

бошимизнинг бу борадаги ташаббуси ва жонкуярлик билан олиб бораётган сиёсати, амалга ошираётган тadbирлари бизнинг бой меросимиз, тарихимиз билан нақадар ҳамоханг эканлиги ҳам миллий кадриятларимизнинг абадийлигини, бебаҳолигини яна бир бор тасдиқлайди... Ўйлаб қаранг, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”даги буюк зотлар Туркистоннинг бир бутун қудратли давлат сифатида сақлаб қолишни майдонга қўйганларига деярли икки асрча бўлди. У буюк зотлар кимлар эди ва шу қадар буюк ғояни қаёқдан олган эди?... Ўзимизнинг буюк шахсимиз бўлмиш Абдулла Қодирийдан, унинг жаҳоншумул маънавиятидан, тарихни, бугунни, эртани ва бутун жамият тараққиётини фалсафий идрок эта биладиган кенг қамровли қалбидан олган эдилар...

Абдулла Қодирий биринчи романидаёқ XIX аср ўрталарида Россиянинг Туркистон халқлари бошига ёғдирадиган балоларини, унга қарши турувчи, шу билан миллий мустақиллик учун курашувчи қаҳрамонлар образларини яратди... Отабек, Юсуфбек хожи ва уларнинг ҳамфикрлари босқинчиларга қарши туриш учун бирлашмоқ, ахиллик, тотувликни жорий этмоқ ғояларини туркий халқларга зўр бериб уқтиришга жонларини фидо қилдилар, бу ғоя уларнинг бутун ҳаёти-ю, фаолияти мазмунига айланиб кетган эди... Савол туғилади, Абдулла Қодирий XX аср бошларида яшаб, нега XIX асрдаги қаҳрамонлар ҳақида ёзади? Ҳамма гап шундаки, Қодирий яшаётган даврда миллий мустақиллик ғояси кун тартибига янада кескинроқ қалқиб чиққан, бу ғоя учун курашувчилар халқ фидойилари эди... Мазкур тоифа етакчилари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва уларнинг ҳамфикрлари бутун туркий халқлар бирлашиб туриб, миллий мустақилликни қўлга олишлари ва сақлаб қолишлари мумкинлигини чуқур тушунардилар, бутун фаолиятлари билан Туркистонда XX аср бошларида уйғониш даврини шулар бошлаб бердилар... Улар Абдулла Қодирийдан тортиб Чўлпонгача уйғотган, ўз ғоялари билан шулар каби энгилғор, тараққийпарвар шахсларни эргаштирган эдилар... 1910-20 йиллар ўзбек адабиётини ўша фидойилар таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мана шу йўналишдаги ба-



дий асарларни ўқисангиз, уларда бирон-бир зарарли, ёки тараққиётга тескари уриниш деган деган нарсани учратмайсиз... Бу ҳаракатнинг бутун моҳияти жамият тараққиётини кўзлаб майдонга чиққанига ишонч ҳосил қиласиз... Қодирий романларидаги барча ижобий қаҳрамонлар худди шу ғояларни кизгин ташувчилар, уни рўёбга чиқариш учун курашувчилар бўлганлари учун ҳам китобхон қалбини мафтун этади... Уларнинг ҳаммаси Туркистон бизнинг умумий уйимиз, уни барчамиз кўзкорачиғидай асрашимиз, бунинг учун тинч-тотув яшашимиз лозимлигини уқтирдилар... Мана Юсуфбек ҳожининг ёник калбидан чиққан оташин гаплардан баъзилари: Ҳожи Қўкон беклигидаги туркийлар орасига /бирини кипчоқ, бирини корачопон деб/ фитна тарқатаётган айрим шахсиятпараст, амалпараст бекларнинг қилмишларини каттик қоралаб, бутун Туркистон истикболи ҳақида шундай мулоҳаза юритади:” Икки халкни бир-бирисига совуқ кўрсатиб, адоват туҳумини сочиб келучи бир нечагина одам бор... Менга қолса мамлакатни тинчитиш учун шулар тўғрисида ўйлаш керак, наинки тўртта муттаҳамни деб бутун бир халққа хужум қилиш... Биродарлар! Ўрис ўз ичимиздан чикатурғон фитна-фасодни кутиб дарвозамиз тегида /Оқ масжид ёки Олмаота ёнида демакчи/ кўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвга бературғон кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб, кирилишсак, ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилучимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми? Ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?

Ҳожи ўзини тутолмай кўз ёшисини оқ соқолига қўйиб давом этди:

Мана биродарлар! Сиз ўз кипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз кипчоққа қилич кўтарганда ўрис бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб кипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга етган кўраман!..” /”Ў.К”, 32-й, 337-338-б/. Юсуфбекхожи бу сўзларни айтар экан, бутун танасидан ўт чиқаётгани, вужуди қақшаб-титраб ёнаётганини ўз Ватанига тарикча муҳаббати бор зот ҳис этмай қололмайди... Бугина эмас, ватанпарвар

китобхон бу сатрларни худди Хожидай тўлганиб ўқийди, зеро, Хожи боскинчига ўз юртини осонгина топшириб кўйиш хавфи аслида ерли аҳолининг ўзаро келишмовчилигидан деб билади. Одатда, хамиша бир юртни босиб олишга аҳд қилган ёв, аввало, ўз куч-қудрати, армияси, техникасига ишонса, босиладиган юрт ичидаги фитначи, хоинларга, озгина фойдаси учун эл-юртини сотиб ейишга тайёр палилларга янада кўпроқ ишонади.. Хожи ана ўшандай пасткашлар юртбошига чиқиб, бутун элни ўз қўли билан вайрон қилаётганларни фош этади, уларни таниб олишга даъват қилади. Фитначилик оқибат натижада, миллий мустақилликдан маҳрум этадиган энг хатарли омил бўлиб, дунёда инсон учун энг олий ва муқаддас Ватандан жудо бўлишга олиб келишини аниқ ифодалайди. Бундай хавфни, яъни миллий мустақилликдан маҳрум бўлишни охиратга тенглаштиради. “Махшардай бир кун” деб атайди... Демак, Истиклолдан ёки мустақилликдан жудо бўлиш ўлим билан тенгдир деб баҳоланади... Хўш қани энди ўйлаб кўрайлик, Миллий мустақиллик ғояларини бу қадар чуқур бадиий ифода этган биронта роман 20-йилларда ҳам, ундан кейинги босиб ўтилган адабий ҳаётимизда пайдо бўлдими? Бу саволга ҳеч иккиланмай - йўқ!, деб жавоб бера оламиз... Абдулла Қодирийга юртбошимиз ташаббуси билан “Мустақиллик ордени” топширилгани заминида тарихий ва мантикий асос бормиди? Бу саволга ҳам бемалол жуда бор эди! - деб жавоб бера оламиз...

Биз юқорида ўзбек жадидчилик ҳаракатинини моҳияти ҳақида жуда қисқача тўхтаб ўтдик, аммо бу жуда кенг мавзу бўлганидан Қодирий романларининг айрим ўринларида мазкур оқим дунёқарашининг бадиий инъикоси ҳақида ҳам баъзи мулоҳазаларни эслатиб ўтишга тўғри келади... Аввало, гап шундаки, улар асос эътибори билан Россия ва Туркистонда кечган бир қатор урушларни кўрганлар, ундаги қирғинлар-у, енганларни ҳам, енгилганларни ҳам фалсафий мушоҳада қилиб турган буюк даҳолар сифатида ўз назарияларини яратдилар. 1905 йил рус инқилобидан бошлаб, 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, ундан кейинги Февраль ва октябрь тўнтариши, ундан 30-йилларгача давом этган фуқаролар уруши мамлакат бошига не кулфатларни

ёғдиргани уларнинг кўз ўнгида рўй берди... Ниҳоят улар жамият тараққиётини урушлар эмас, ислохотлар йўли билан таъминлаш зарур деган қарорга келдилар. Зотан, ҳали ҳам дунёда барча тараққийпарвар мамлакатларнинг софдил раҳбарлари айтиши шу назария билан иш кўраётганларини бир ўйлаб қарасак, аждодларимиз маънавий меросининг нақадар буюк умуминсоний моҳиятини янада тўларок тушуниб оламиз, йўқ. тушуниб оламизгина эмас, улар билан жаҳон бўйлаб фахрланамиз... Мана шу ғоя “Ўтган кунлар” да шундай бир бадиий шаклда акс этганки, бирор китобхон уни ҳам қалби-қўри, инсонга инсон меҳр-шафқат билан муносабатда бўлишини англамай ўқий олмайди.

Юсуфбекхожини ташвишга солаётган манфаатпараст беклар Мусулмонқул билан Худоёрхон ўртасидаги ҳокимият талашиб чиқаётган зиддиятлардан ўзларича фойдаланиб қолишни кўзлаб эл орасида фитнани кучайтириб юбораётган эди. Ҳар баҳона билан қирғин уюштириб, юртни вайрон қилаётганларни тўғри йўлга солиш учун Ҳожи жонини фидо қилар экан, улар билан роса тортишадди ва энг қалтис вазиятда ҳам Ҳожи ақл-идроққа, ислоҳга, тотувликка чакиради... Ўта фитначи Қосим мингбоши зўр бериб тарафқашларни гиж-гижлайди, олов ёқиб, “қўл иситиб олиш” пайида сўзлайди:

- Ҳожи акамнинг ҳамма гаплари фақат раҳмдилликдан айтиладир, аммо ўйлаш керакки, кипчок бугунгача озгина оғайнининг қонини тўқдимиз? Анави кун Маражаббек билан ҳисоблашиб кўрсак, Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичиди етмиш саккиз бек ўлдирилибдир!

Юсуфбек хожи жавоб беради:

- Мен бу ҳақиқатлардан тониб турганим йўқ, мингбоши! Аммо Сенга Сен деб жавоб бермасак, бизники Ақл ва Инсоф даражасидан чикмаса дейман... /Абдулла Қодирий, “Ўтган кунлар”, 1932 й, 336-337 бетлар/ Бу ерда эътиборга лойиқ жуда нозик икки нукта бор: бири юқорида айтилгандай, шахсий фойдаси деб, ҳар баҳона билан инсониятни қирғинларга тортаверишни қоралашдир. Бу сатрлар ёзилаётган даврни эслайлик, 1914-20- йиллар тўхтовсиз қон тўкишлар учун ҳар хил найранглар ўйлаб топилаётган бир миллат, бир табақага мансуб бир халқни “ок, қора, қизил”

кабилида “яхши-ёмонга” ажратиб, бирини қўли билан иккинчисини кирдираётган большевиклар эл бошига кетмакет кулфатлар ёғдираётган давр эди... Эл-юрт урушлардан тинкаси қуриб, мамлакатда очарчилик, қахатчилик бошланган, Россиядаги очлар “Тошкент - нон шаҳри” деб ёпирилиб келаётган давр бўлса, иккинчиси бу қирғинларга барҳам бериш йўлини ахтариш каби ғоят буюк бир мақсад бўртиб туради... Аммо мамлакатда тинчлик-осойишталик ўрнатиш курук гап-у, фақат “рахмдиллик” билан амалга ошмаслигини ҳам Юсуфбек хожи жуда чуқур идрок этади. Вақти келганда олға силжишга тўсик бўладиган “чўп-хасларни” аёвсиз тозалаш кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам ғоят таъсирли бир йўсинда баён қилади...

“Ўтган кунлар” даги миллий истиқлол, мустақиллик учун кураш ғояларининг юксак бадий савиядаги ифодаси, яъни мазкур ғоявий мундарижанинг энг сўнги мақсади - бутун жамият тараққиётини таъминлаш, ахиллик, бирликдан иборат бўлиб чиқади. Аммо бу мақсадни амалга ошириш ҳеч қачон курашсиз бўлмаслиги, уни амалга ошириш тарихан қандай шахслар зиммасига тушажаги ҳам ғоят билимдонлик билан фалсафий асослаб берилади. Мана шу нуқтада романнинг тарихийлиги, ўтмиш воқеалари замонавий муаммоларни ҳал этишда қандай роль ўйнаши, яъни ёзувчи маънавий меросининг абадийлиги-ю, умуминсонийлиги келиб чиқади... Мавлоно Румий бир шеърида шундай мазмунни ифодалаган экан: “Ватанга хизмат қилишда, ўз зимманга олган вазифани бажаришда давом этсанг, миллатингга яхшилик қилсанг, умматинг олдида бир пайғамбар даражасига кўтариласан” /”Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1994 й., 7 январь./ Биз Қодирий романларида етакчи ижобий қахрамонларда айни шунинг намунасини ҳам, уларга қарши кучларни аниқ кўрамыз. Отабек, Юсуфбекхожилар умр бўйи Ватан деб, унинг равнакига тўсик бўладиган ёвузларга қарши аёвсиз кураш олиб бордилар, шу юксак қиёфалари билан софдил китобхонни эргаштирадилар... Уларнинг бутун хатти-ҳаракатлари миллий истиқлолга бориб тақалаверади... Зотан 1918-20-йиллар Туркистон, Марказий Осиё масаласи жаҳон микёсидаги муаммога кўтарилган Қўкон мухторияти тузилган энг

кескин курашлар даври эди. Хамма муаммонинг туб негизи - мамлакат кимлар қўлига ўтиши билан изоҳланарди. Ўзбек жадидчилик ҳаракати етакчилари мана шу воқеаларни мушоҳада қилиб, Туркистоннинг Амир Темурдан кейин майда хонликларга бўлиниб кетганидан ташвишга тушганлар. Хонликлар ўртасидаги зиддиятлардан ҳам қаттиқ норози бўлиб, уларни ҳам ёқтирмасдилар. Бошқа тарафдан эса, энг хавфли душман - Россиянинг босқинчилик қилиб келаётгани, деб билардилар, буни ҳам танқид қилардилар. Қизил империянинг ҳокимиятга келишини эса, ўша кунлардан бошлаб яна зулмат деб ҳисоблардилар. Бошқирлардан чиққан етук зиёли Аҳмад Заки Валидий “Туркистон, туркийлар ва миллий истиқлол” сарлавҳали бир мақоласида Ўрта Осиёдаги хонликлар, чет босқинчилар, мамлакат тақдири ва ҳоказолар ҳақида ғоят қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилади, уни ўқисак, худди бугунги ҳаётимизга келиш йўлимизни ёритиб тургандай туюлади. Мана ўшал мулоҳазалардан баъзилари: Бу амир /Бухоро амири Олимхон ҳақида гап боради А.А./ халқ бошидаги бир яра бўлса, уни ўрнига келган рус большевиклари бир рақ касали эди. Лекин ҳақиқатни айтганда, бу рақ касалини юртига Бухоро амирининг ўзи олиб келди. Бундай амирлар ҳақида Қуръонда: “Оллоҳ бир юртни хароб қилмоқчи бўлса, марҳаматсиз ҳукмдор юборар, у халқни хароб қилиш даражасига олиб бориб қўяр” дейилган. Бунинг энг ёрқин мисоли ўша амир... “Аҳмад Закий Валидий Юсуфбек хожи ва Отабекларнинг қизил империяга етиб келганларида бошларига нелар тушишини айтиб бераётганга ўхшайди, худди шу нуктада Закий, Қодирий, бинобарин, роман қаҳрамонлари бир жон, бир тан бўлиб кетдилар. Қуйидаги мулоҳазаларда қизил империя сиртдан бизга мустақиллик берган бўлиб, аслида нималар қилмоқчи эканлигини олдиндан қаромат қилиб қўяди. Эътибор қилинг:” Қозок, бошқирд ва ўзбекларга ўз мустақилликлари таъмин этилганда, халқ хўжалиги, суғориш, ер ости бойликларини қазиб чиқариш ишларини ривожлантиришда социализм қулай таъсир қилади, лекин халқларнинг хоҳишларини, шахсий ташаббусқорлигини йўқ қилишда социализмнинг мисли беқийс бўлади...” /юқоридаги манба/.

Тарих ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, деган ақида ҳамиша ҳаққонийлиги билан ғолиб чиқади. Ҳаётда кўплаб ҳақиқатлар рад этилади, кўмилади, таҳқирланади, тақиқланади, аммо вақти келганда ҳаммаси юзага табиий равишда шундай зўр бир қудрат билан қалқиб чиқадики, бундай ҳолатда уни тўсадиган куч топилмайди... Шу нуқтаи назардан қарасак, Қодирий романларидаги ғоялар, буюк аждодларимизнинг қароматлари, буюк шон-шавкатлари бугун ўз муносиб ўрнини топаётганлигини ҳеч ким инкор этмаса керак... Ниҳоят Юсуфбек хожининг тотувлик, ислохот йўлидаги фикр-мулоҳазалари билан унинг жанговорлик руҳидаги қарашларини эслатиб, уларнинг бугунги маънавиятимиз учун қандай хизмат қилаётганини яна бир эслатиб ўтиш жоиз бўлса керак... Биз юқорида айтган эдик, Юсуфбек хожи XIX аср ўрталарида туриб, бизнинг эл-юртимизда узлуксиз қирғинлар давом этаётгани ҳақида сўзлайди. Хожи ўта изтироб ва истехзоли бир оҳангда, жуда жиддий тусда айтади: “Бизнинг каттадан-кичигимизнинг... топган тутганимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчийдир ва биз ўз хоҳлаганимизни қила оламиз. Тузук, жаллод айтгандай ёмоннинг бошини олмоққа мен қарши эмасман ва лекин бунинг нозик шартлари бор: аввал, манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаги йўлида кузатган маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёқостига илашган чўп-хасларни супура бориш лозим. Мана шундагина тўкилган қонлар ўринли ва машруъ, берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадилар. Йўқса сизнинг бош олишингиз ҳам анавиларнинг қирғинларидан фарқли бўлолмас... Шу ёшга етиб бу халқ орасида ҳалиги жамоани уч-тўрт нафардан ортиқ учратолмадим, афсус!” 390-б. / Мана бу Абдулла Қодирий, Юсуфбек хожи, Отабекларнинг бутун “Ўтган кунлар” романида баён қилинган ҳамма воқеа-ҳодисалар бадий тасвиридан чиқарган энг сўнгги ва энг эзгу ниятлари ҳулосаси бўлиб қолади... Қодирий жамият тараққиёти учун керакли шахслар ва уларнинг ролини шундай тасаввур этади...

Ёзувчининг иккинчи машҳур тарихий романи “Меҳ-

робдан чаён”да мазкур ғояларнинг янада бошқачарок бадиий шакллари, тарихий ҳақиқатнинг яна бир бадиий ҳақиқатини кўрамиз... Аммо жамият таракқиёти ҳақидаги нуктаи назарлар эса ўзгармайди, илгариги романдаги туб негизи сақланиб қолади...

“Меҳробдан чаён” ҳақида гап кетганда, гарчи эски бўлса-да, бир мулоҳазани такрорлаб ўтишга тўғри келади. “Ўтган кунлар” нашр этилиши билан Абдулла Қодирий Шевердиндан тортиб, Сотти Хусайнғача, Абдурахмон Саъдийдан Бойбўлатовларғача - талай кимсалар 20-30-йиллардаёқ “уюшқоқлик” билан хужум бошлаганлари ҳақида матбуотларда кўп марта ёзилган... 1950 йилларнинг ўрталаридан то 1990 йилларғача худди ўша 20-30-йиллардаги хужумни Ҳомил Ёкубов билан Ҳафиз Абдусаматовлар ундан ҳам баттар “уюшқоқлик” билан давом эттирдилар. Буларнинг ҳаммасидаги бир умумийлик - ёзувчи биринчи романига бой-савдогар оиласидан чиққан Отабекни бош қаҳрамон қилиб олганлиги-ю, диндор Юсуфбек хожининг фазилатларини ибрат қилиб кўрсатганлиги, яна энг хавфли даъволардан бири Россиянинг Туркистонга бостириб келишини роман қаҳрамонлари нега қоралайди ва Отабек нега босқинчиларга қарши курашади? қабилдаги энг қабих изоҳлардан иборат эди... Ёзувчининг буюк қобилияти-ю, иктидорини қарангки, ҳаётда одамларнинг қайси оиладан келиб чиқиши эмас, уларнинг инсонийлик фазилатлари муҳимлиги, ҳал қилувчи роль ўйнашини иккинчи романда ҳам бадиий исботини кўрсатди. Яъни, биринчи роман атрофидаги “ғиди-бидилар”дан кейин иккинчи романга энг камбағал, қашшоқ бир оилада дунёга келиб, етимлик билан бошқалар уйида тарбия топган Анварни бош қаҳрамон қилиб олди... Анвар туғилган оиланинг аҳволини ёзувчи шундай изоҳлайди ” Ҳамиша ярим белидан нил сувига чўмилиб ётган бир камбағал ва бир қарич, икки қарич болалардан бештасига дада эди... /Анварнинг отаси/. Беш боланинг ёнига иззатсиз, ҳурматсиз олтинчи “меҳмон” бўлиб бизнинг Анвар кўшилади... Анвар тилаб олинган бола эмас, дадаси билан онасининг тилақларига қарши, фақат уларнинг бахтсизлик ва қашшоқликларига хизмат қилувчи бўлиб туғилди...”/Абдулла Қодирий. ”Меҳробдан чаён”

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёт. Тошкент  
1959 йил, 40-б/

Ана энди бир ҳаётий муаммо ва тарихий ҳақиқатга эътибор қилайлик: юқоридаги саҳифаларда бир қадар таъкидлаганимиз - большевикларнинг бутун дунё микёсидаги бадномлиги-ю, Россиядек бир бой ва буюк мамлакатни ҳам, унга қарам бўлган бошқа барча миллий ўлкаларни ҳам айни бой билан камбағал ўртасига нифок солиш туфайли хароб қилди-ку. Бу фожиани ҳозир бутун дунё халқлари ҳали нима билан тугабини ҳам диққат билан кузатиб бораётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди-ку?! Марксизм таълимотининг Россиядан бошқа барча мамлакатларда тан олинмай келингани боиси ҳам шу эмасмикан?! Демак, бир халқни бой, камбағал қабилада бўлиб ташлаб, инсонларни бир-бирига гиж-гижлатиш жамиятга фақат фожиалар келтирар экан, буни ҳаёт тасдиқлади... Гап бой-камбағалда эмас, инсоний фазилатда, онг ва идрокда, дунё воқеаларини фалсафий таҳлил эта билишда, улардан ватани, миллати, жамияти тараққиёти учун хизмат қиладиган энг илғор тажрибаларни танлаб ҳаётга жорий эта билишда экан... Қодирий ҳар икки романида буни исботлади. Бой оиладан чиққан Отабек билан Кумуш, Юсуфбек хожи, Зиёшоҳичи-ю, Мирзакарим қутидорлар қандай онгли, юксак фазилатли, зиёли, ниятлари пок, имон-эътиқодли кимсалар бўлса, камбағал оиласидан чиққан Анвар, Раъно, Анварнинг онаси Нодира, Сафарбўзчи, Нигорхоним, Моҳларойимлар ҳам худди шундай мукамал, имон-инсофли одамлар эди... Қани энди бирор китобхон бормики, номлари тилга олинган образларнинг киёфасини ёқтирмайдиган, хаваси келмайдиган?! Ҳозирча, Қодирийга тухматлар ёғдириб юрганлардан бошқа бирорта софдил инсон Қодирий романлари ва ундаги ижобий қаҳрамонларни ёмонлагани йўқ, уларнинг ишонтирувчанлик кучини ҳам инкор этгани йўқ... Яна бир образ ҳақида - Султонали, хон ўрдаси ходими. Ёзувчи уни на бой, на камбағал деб ўтирмайди. Бунинг фазилати шундаки, Ўрда ходими бўлдимиз, бас, уни, албатта ёмонлаш керак, чунки у ёмон одам бўлиши шарт деган ақида бизда бормиди? Бор эди. Бу мулоҳаза ҳам юқоридаги уйдирмалар қабилада шаклланиб қолган айрим фитначиларга



бир баҳона тарзида кўп “иш” бергани маълум. Аммо ёзувчи Султоналидаги инсоний фазилат, олийжанобликни шу қадар чуқур тасвирлайдики, у боши дорга кетадиган бўлганда ҳам Анварни “сотмайди”. Ҳаётий мантикни қарангки, Анвар ҳам ўз бошини гаровга қўйиб, Султонали ҳаётини сақлаб қолади... Бу қадар инсонийликка ким ҳавас билан қарамайди?! Ким уларни бошига кўтармайди? Имон-этикодларига ким мафтун бўлмайди? Қани шундай дўстлик ва биродарлик кўпроқ бўлса, Қодирий, Фитрат, Чўлпонгача сотиб, фойда кўрганлар орамизда мутлақо учрамаса деган ақида фақат кўнгилларда ҳавас бўлиб қолмоқда-ку!.. Қодирий асарлари мана шундай фазилатларни улуғлаш билан қалбларга нур таратади... Кейинги романдаги яна бир йирик образ Солиҳ маҳдум. Рухонийлар табақасидан, қабағалиқда ўсган, отадан барвақт етим қолиб аранг уйланган. Табиатида таъмагирлик ўрнашиб қолган, яна ўлгудай зикна... Ёшлигидан то умрининг охиригача, ҳатто бадавлат бўлган кезларида ҳам бу икки нуқсонни тарк этмайди. Бу ҳам тирик инсонда истаганча топиладиган тоифа эмасми? Айни шу тамаъ билан зикналик қўшилиб, ривожланаверса, инсонни пастга уради, имон-этиқоддан айиради, ҳатто сотқин даражасига сургаб кетади. Ватанни, халқини, миллий анъналарини, халқи бойлигини сотадиган, талон-тарож қиладиганлар айни таъмагирлардан чиқади... Улар ўз манфаатлари йўлида ҳеч қандай хиёнатдан, тўғри келган чоғида жиноятдан тоймайдилар... Солиҳ маҳдум гарчи анча фазилатларга эга бўлгани билан шахсий фойдага келганда ҳаммасидан кечиб юбораверадиган шахслар тимсоли... Шаҳодат муфти, Калоншоҳ, Абдурахмон домлалар-ку, халқ бошига битган балолар киёфасида китобхон нафратига учрайдиган энг қабиҳ кимсалар образи... Ана энди Қодирий инсоний фазилатларни Анвар, Раъноларда, Сафар бўзчи, Султоналиларда шундай тасвирлайдики, китобхон кўз ўнгида улар абадий ибрат рамзи сифатида сақланиб қолади...

Романдаги яна бир муҳим нуқта Анвар билан Раъно ўртасидаги жуда пок ва ўта самимий севги-муҳаббат тарихидир. Ҳар икки ёш айни бўйлари етган, бир-бирларига ғоят қайноқ кўнгил қўйишган... Солиҳ маҳдум дастлаб Ан-

варни бир етим бола деб назар писанд қилмай юрган бўлса, Анвар Ўрдага бош мунший бўлиши билан Раънони унга тезроқ бериб олишга шошиларди. Худоёрдан совчи келиши билан шартга айнаб қолади... Аммо Раъно жасорат кўрсатиб, Анвар билан бирга кетади... Мана шу лавҳа ёзилган кезларда Марказий Осиё ўлкаларида хотин-қизларни паранжидан чиқариш, ўқиш, ишларга жалб этиш каби балан-парвоз гаплар шу қадар авжида эдики, дунёда энг эркин, энг озод, энг бахтли хотин-қизлар бу совет хотин-қизлари бўлади қабилда “иш” қизиб кетган эди. Бу яхши гаплар орқасида совет даврида ҳар бир йигит-қиз ўзи танлаб, севганига уйланади, эрга тегади деган ақидага ҳам зўр берилган эди. Қодирий ҳам бу “ширин” шиорлардан четда қололмасди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек хонадониди ўз ихтиёри-истаклари билан турмуш қуришнинг ҳам ўта назокатли шаклини бадий қизиб берди... Аммо 20-йиллардаги хотин-қизлар ҳақидаги шиорлар нималар билан тугаганини энди изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ... “Озодликка чиққан” совет аёллари умрбод рўзғор тебратишда эрлардан кам юк тортгани йўқ, бу ахволдан ҳамон қутилганимиз йўқ...

Бу изоҳлардан қатъи назар, Анвар билан Раъноларнинг муҳаббат тўла ҳаёт қуришлари хонлик даврида ҳам, ундан кейинги барча тарихий шароитларда ҳам ибрат бўлиб қолади... Ҳаёт бор экан, унда пок севги-муҳаббат бор, уни амалга оширишда тўсиқлар, зиддиятлар, курашлар ҳам бор. Ёзувчи ана шу муҳим ҳаётий муаммонини ҳам киши ҳаваси келадиган даражада бадий ифодасини бердики - бу фақат буюк санъаткорларгагина насиб бўлади.... Қодирий ҳар иккала романида бир неча ҳаётий муаммолар қаторида уларнинг таркибий қисми тарзида - Муҳаббат, Оила, Садоқат, Самимият сингари энг юксак инсоний фазилат муаммоларини ҳам турлича ечимини мукамал кўрсата билди... Китобхон романдаги сотқинлар, қирғинлар, хиёнаткорларнинг қилмишларидан қанча азоб-нафрат, изтиробга тушса, Отабек, Қумуш, Анвар, Раъноларнинг севги-муҳаббатлари тўла тасвирланган саҳифаларни ҳузур қилиб ўқиганда кўнгли тоғдай кўтарилади. Улар билан бирга қолади, бирга йиғлайди, бирга нафас олади, қалби улар

билан уйғунлашиб кетади... Мана шу уйғунлашув инсонда фазилят, камолот, яъни маънавий бойлик хислатларини шакллантиради, ривожлантиради... Романларнинг биз учун тарбиявий аҳамияти ҳам, эстетик таъсир кучи ҳам худди шу нуқтлардан келиб чиқади... Гарчи бу миллий тарихимиз, анъаналаримиз заминида чизилгани билан аслида булар умуминсоний маънавият даражасидаги энг олий, энг эзгу ниятлар бўлиб қолган ва шуниси билан ҳам абадий яшайди, йиллар, даврлар ўтиши, ижтимоий тузумларнинг ўзгариши - бу буюк фазилятларни рад этолмайди, уларнинг қиммати ошиб бораверади.

# Махмудхўжа Бехбудий\*

*Бехбудий хазратлари кўринишда гоят махобатли ва салобатли эди. Ахволига вокиф бўлмагон кимса, мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулоийм суҳбатлик, тақаллуфсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва аъзаларга бўлатурғон исрофларни ўзи бутун тарк қилган ва сўзига қулоқ солатурғонларни ҳам тарк қилдирғон эди.*

Садриддин Айний

“...Мустабид амирликнинг ағдариладиган куни яқин, юксак адолат тантанасига ва меҳнатқаш халқнинг барча эзувчилар устидан ғалабага ишончи бизга жисмоний азоб-уқубатларга бардош бериш учун куч-қувват бағишлайди. Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид амирликни тезроқ йиқитиш ва мазлум Бухоро халқини озод қилиш бўлади...” Бу гапларни ўз ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача мустаҳкам эътиқодига содиқ қолган буюк сиймо Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) қатл қилиниши аниқ бўлгандан кейин васиятно-масида ёзган эди. Бехбудий эл-юрти озодлиги, бахт-саодати учун Бухоро амирлиги истибдодига қарши курашга бутун ҳаёт-фаолиятини бағишлаган ва умуман яшашнинг мазмуни шу деб билган курашчи эди. Тарихда ўз билими, жасурати, бутун вужуди билан халқ оммаси манфаатлари йўлида хизмат қилган сиймоларни ҳеч қандай буйрук, зўрлик, расмий таъқиқлар билан йўқ қилиб бўлмаслигини эндиликда ҳаёт намойиш қилиб турибди. Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кўплаб буюк сиймоларнинг жабрлангани, ноҳақ қурбон қилингани туфайли қанчадан-қанча тарихий воқеалар, шахсларнинг фаолиятларига нотўғри баҳолар берилгани эндиликда буюк оқлов туфайли баралла

---

\* Г Алиева ҳамкорлигида ёзилган.

айтилмоқда. Бу ғоят қувончли воқеадир.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида Иттифок микёсида йўл қўйилган хато ва нуқсонлар бизда ҳам бўлди. Адабиёт, тарих ва умуман маданият тарихини бузиб кўрсатиш республикамиз ҳаётида қўпол хатоликларга олиб борди. Жумладан, қўплаб зиёлиларимиз катори Маҳмудхўжа Бехбудий номи ё бутунлай тилга олинмас, тилга олинса ҳам фақат қора бўёқ билан аталар эди. Агар адабиётчи Солих Қосимовнинг Ўзбекистон энциклопедиясидаги қисқача ахбороти ҳисобга олинмаса, кейинги эллик йиллар мобайнида Бехбудий ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса айтолмади. Буни тарих ва аждодларимиз олдидаги бизнинг маънавий қашшоқлигимиз, кўрқоқлигимиз ва жиноятимиз, деса ҳам бўлади. Ваҳоланки, қайта қуриш дастлаб эскича қарашларни қайтадан кўриб чиқиш демак-қу. Энг муҳими, бугунги ёшларимиз ўз аждодларига ҳурмат билан қараш руҳида тарбия олишлари, ўз аждодларининг буюк ишларидан илҳомланишлари лозим. “Аждодларга ҳурматсизлик ваҳшийлик ва фосикликнинг энг биринчи аломатидир... Мозийни ҳурматлаш - билимдонликни ёввойиликдан фарқ қилувчи ягона ҳислатдир... Ваҳшийлик, қабоҳат ва жаҳолат мозийни кадрламайди, унинг фаолияти фақат бугунги кун олдида ялтоқлик қилиш билан чеклангандир” (А.С.Пушкин).

Бехбудий - 1910 йиллардаёқ амирлик истибдодига қарши курашга бел боғлаган жасур, етук, маърифатпарвар бир шахс. Эл-юрт бахти учун, феодал-монархиячилик тузуми тартибларига қарши курашда қурбон бўлди. Ўйлаб кўрайлик, шахсга сиғиниш даврида республикамизда озмунча зиёлиларимиз қурбон бўлдими? Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Манжара, Исломов каби давлат арбобларимиз, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Тавалло, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Боту, Усмон Носир, Элбек каби атоқли олим, шоир, ёзувчиларимиздан жудо бўлдик. Хўш, шу арбобларнинг қатли билан Бехбудий қатли ўртасида бирон умумийлик йўқми? Бор. Улар икки хил давр ва икки хил шароитда озодлик, эл-юрт бахти учун, истиқболга комил ишонч билан, мустаҳкам эътиқодга содиқлик билан олиб борган кураш қурбони эдилар. Бу кичик рўйхатда санаб ўтилганларни ҳурматлар эканмиз, Бехбудийни ҳам эслашга

бурчлимиз. Зотан, Бехбудий XX аср бошларидаги биринчи авлодга мансуб зиёлиларимизнинг кўпларига устозлик қилган, таъсир кўрсатган. Атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев Бехбудий истеъдоди ва қобилиятига, билим доираси кенглигига тан бериб ёзган эди: “Бухоро ва Туркистондаги ўзбек жадид ташкилотлари... бир қанча қулайликларга эришиш учун бутун кучларини сарфладилар. Бу борада Махмудхўжа Бехбудий номини эсламасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидлардан унга тенг кела оладиган кишиси бўлмаса керак”

Модомики, Бехбудий ҳақида гап очилар экан, уни жадидлар ҳаракатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу вақтгача Туркистон ва Бухоро жадидлари ҳаракати ҳақида гап кетганда фақат уларнинг салбий томонларини санаб ўтиш одат бўлиб келди. Тарихчилар ва адабиётшунослар ўртасида жадидлар ҳаракатини ҳамон мукамал, илмий-назарий жиҳатдан чуқур ва объектив ёритиб берилмай келинаётгани - жуда ачинарли ҳол. Биз мавжуд айрим манбаларга суяниб, шуни айта оламизки, Ўрта Осиёда улар ҳаракати дастлаб XIX асрнинг охирида содир бўлган дунё воқеалари таъсири натижасида шаклланди. Мазкур воқеа ва ходисалар Шарқ мамлакатларида (Туркия, Эрон ва ҳоказо) миллий озодлик ҳаракатларининг хилма-хил шаклларда бошланиб кетишига туртки бўлди. Жадидлар - янгилик тарафдорлари, тараққий-парвар, маърифатпарвар зиёлилардан ташкил топиб, феодализм монархия тузумининг ўрта аср қоқоқликлари, саводсизлик, жаҳолатга қарши курашувчилар сифатида майдонга чиқдилар. Дастлаб феодализм бикикликка қарши ўз Ватани, халқи, миллати манфаатларини ифодалаган жадидлар янги усул мактаблар очиш, унда аниқ фанларни жорий этиш, ёшларга европача таълим-тарбия бериш, матбуот эркинлиги, сўз эркинлигига эришиш каби прогрессив шиорларни ўртага қўйдилар. Бу ғояларни тарғиб қилиш учун журнал, газеталар, янги усул мактаблари ташкил этдилар. Мана шу ҳаракатларнинг ўзи дастлаб хонлик тузуми истибдодига нисбатан маълум даражада инқилобий муносабат эди. Бу ҳаракат Бухоро ва Хива хонликларини ларзага келтирди. Бидъатчи руҳонийлар уларни даҳрий, кофир деб баҳола-

дилар, кўпгина прогрессив шахслар қатл этилдилар, жазоландилар. Кейинроқ бу ҳаракат қатнашчилари орасида табақаланиш ўнг ва сўл қанотга бўлиниш рўй берди. Октябрь инқилобидан кейин жадидларнинг баъзилари инқилобнинг очик душманига айландилар, чет элларга кочиб кетдилар, сўл қанотдагилар эса оқибат натижада, Бухорода - Ёш бухороликлар деб номланганлардан баъзилари инқилоб томонга ўтишга мажбур бўлдилар. Мана шу кейинги - энг тараққийпарвар қатлам таркибида Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний каби етук давлат ва маданият арбоблари бор эди.

Хуллас, Бехбудий Туркистонда жадидлар ҳаракатининг етакчи вакилларида бири сифатида саводсизлик, жоҳиллик, қолоқлик, маданиятсизликка қарши қизгин кураш олиб борди. Мактаб-маориф ишларини ривожлантириш ғоясини тарғиб этиш Бехбудий фаолиятининг туб асосини ташкил қилади. Бехбудий Бухорода амирлик тузумига ислох киритиш ва шу билан миллий маданиятни ривожлантиришни кўзда тутди. Бошқа илғор фикрлилар қатори у ҳам европача илм-маърифатни химоя қилади ва империалистик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашади. Худди шу қайфият уларни улуғлар эди.

Бехбудий биз юкорида қисман таъкидлаб ўтган ғояларни тарғиб қилиш мақсадида “Хуршид” газетасида кўплаб мақолалар ёзиб турди. Мактаблар очди, “Самарқанд” газетаси, “Ойина” журналларини ташкил этиб, уларда маърифатпарварлик ғояларини кенг қўламда тарғиб қилди. Янгича таълим-тарбияга оид бир қатор илмий асарлар, дарслик ва қўлланмалар ёзди. Россия, Арабистон, Туркия сингари мамлакатларга саёҳат қилди, турли халқларнинг ҳаёти, маданияти билан танишди. “Болалар учун китоб”, “Аҳоли жуғрофиясига кириш”, “Россиянинг қискача жуғрофияси” каби асарлари Бехбудий илмий доираси нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради. 1912 йилда ёзга “Падаркуш” пьесаси Бехбудий дунёқарашидаги маърифатпарварлик ғоясини ўз даврида бадиий ифодалаган муҳим асарлардан бири бўлди. Саводсизлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик туфайли жоҳил бола ўз отасини ўлдиришгача бориб етганини кўрсатувчи бу асар кўплаб ёзувчиларга таъсир этди.

Ўлкамизнинг деярли барча шахар ва кишлок театр труппалари уни сахналаштирди. Асарнинг асримиз бошларидаги адабий жараёнга кўрсатган таъсирини намойиш қиладиган фактларни кўплаб топса бўлади. Жумладан, Абдулла Қодирий айтган эди: “1913 йилларда чиққан “Падаркуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” отлик театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим...” Худди шундай кейин 91915 йилда) яна А.Қодирийнинг “Жувонбоз”, Ҳамзанинг “Янги саодат” хикоялари босилиб чиқади. Бу асарлар ҳам асосан маърифатпарварлик ғояларини кизгин тарғиб қилади.

Кўриниб турибдики, Бехбудий йирик олим, ёзувчи, журналист, маданиятпарвар шахс сифатида демократик тамойиллар доирасида иш бошлаб, инқилобга умид боғлаб, шўро муассасаларида ишлаган, мактаб-маориф ишларини ривожлантиришга янгича ғайрат-шижоат билан киришган эди. 1918 йилдаёқ янги мактаблар учун “Янги ҳисоб” дарслигини ёзгани маълум. Бехбудийнинг маърифатпарварлик ғоясига нақадар содиқ бўлиб қолганлиги, ҳатто шу йўлла ҳалок бўлса, уни шарафли ўлим деб аташи буюк иделлар билан яшайдиган даҳолар киёфасини эслатади. Бу жиҳатдан унинг қатл этилиши олдидан қолдирган васиятномаси характерлидир. Васиятнома “Инқилоб” журналининг 1922 йил 1-сонида эълон қилинган:

“Ҳожи Мўъин Шуқурулло ўғли. 7 январь, 1922 йил. Муфти Махмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қандай шаҳид бўлгонлиғи ва анинг томонидан ёзилган васиятнома.

Бехбудий афанди 1919 йил 25 мартда йўлдошлари Мардонкул Шомухаммад ўғли ва Мухаммадқул Ўринбой ўғли билан Самарқанддан Бухоро тупроғига ўтган ва шундан қаерга борганлиги билинмай, бу тўғрида турли сўзлар сўйланган. Мухталиф (хилма-хил) гумонлар қилинган эди. Охири халқ орасида шоеъ бўлгон сўзлардан гумон ғолиб ила англашилгон эдиким, Бехбудий афанди мазкур икки йўлдошлари билан золим амир Олимхоннинг ғаддор беклари қўлида шахид бўлгонлар. Мана шул гумон ғолиб ила мухтарам шахидларимизнинг ғойиб бўлгонларига бир йил тўлиши муносабати ила 1920 йил 25 мартда Самарқандда тантанали суратда таъзия маросими ижро этилган эди.



Бултур (1921 йил) март ойида Бухоро тупроғидан келган ўртоқ Ҳожимурод Худойберди ўгли Бехбудий ҳазратлари билан йўлдошлари Муҳаммадкул ва Мардонкул афандиларнинг Қарши шаҳрида Қаршининг беги Тоғайбек томонидан қандай шаҳид этилганлиги ҳақида дуруст маълумот келтирди. Ўртоқ Ҳожимурод Бухоро инкилоби бошланган кунда Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафлариға бориб, ондан бир иш ила Қарши шаҳрига ўтган ва ўшал тарафларда 6-7 ой хизмат қилиб юрган. Бу муддатда хила ишлар қилган ва кўб воқеалар кўрган. Ҳожимурод афанди Қарши бегида бин неча вақт маҳрамлик хизматида бўлгон фарғоналик 17 яшар Содикжондан Бехбудий ва унинг йўлдошлари ҳақида кўб маълумот олган. Бехбудий афанди ва йўлдошлари бошлаб Шаҳрисабзда қўлга тушиб, тахминан 2 ойдан сўнг Қарши шаҳриға юборилиб, онда(зиндонда) бир неча кун ётгондан кейин мазкур Тоғайбек томонидан шаҳид қилинган. Бехбудий афанди ва йўлдошлари Қарши зиндониде ётган вақтларида Қарши бегининг биринчи маҳрами ҳам зиндонбони Аҳмад ила иккинчи маҳрами Содикжон Бехбудий ўртоқлар ила яширин мусохаба этиб, аларнинг ким эканликларини билганлар ва ҳар вақт аларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турганлар. Ниҳоят, Бехбудий афандиларнинг суҳбатлари таъсири билан мазкур икки маҳрам буларға муҳлис ва меҳрибон бўлгонлар. Ҳатто бир кун мазкур маҳрамларнинг рижо (илтижо) ва хоҳишлари ила бек Бехбудий ва йўлдошларини ўз хузурига чакириб: “Сизлар на учун қўлга тушдингиз?” деб сўроғон. Бехбудий афандилар:”Бизлар Байтуллохни (Муҳаммад пайғамбарнинг қабри) зиёрат этмок учун Самарқанддан чиққан эдик. Йўлда амир маъмурлари: ”Сизлар жадид, кофир ва тилчи (жосус) деб бизни қўлга олдилар. Тафтиш қилинсин. Бизнинг гуноҳсизлигимиз шояд маълум бўлур”, деганлар.

Бек: “Сизлар жадид ва кофирдирсиз, Бухороға тиг тортқон сизнинг маслакдошингиз эмасларми эди?! Сизларни ўлдирмак керак. Сизлар қутилмок учун Байтуллохга бормокни баҳона этиб кўрсатасиз”, - деган. Бекнинг биринчи маҳрами ва зиндонбони Аҳмадбекнинг бу ҳақсиз сўзлариға чидай олмай Бехбудий афандиларни мудофаа учун бекка

караб: “Тақсир, аввал буларнинг ишларини хақиқатлаб кўринг! Агар гуноҳлари собит бўлса, сўнгра ўлдилинг”, деганда, бек аччиғланиб, эмди билдимки, сен ҳам жадид экансан. Чунки жадидларга тарафдорлик қиласан. Ўлдиратурғон жадидлар учта эди, энди сан билан 4 та бўлди. Сани ҳам ўлдирмак керак, деб, Аҳмадни таҳдид этган. Аҳмад кўзига ёш келгани холда кўркқанидан индамай турғон. Сўнгра бек Бехбудий афандиларни ҳам мазкур Аҳмадни зиндонга қамарға ва амирдан яқинда келатурғон фармойиш ила буларни ўлдиражоғини билдирғон. Бехбудий афанди оёкка туриб, жасорат ила тубандаги сўзларни сўзлагандан сўнг, йўлдошлари ила йиғлай-йиғлай зиндон сари борғонлар: “Бизлар ўлимдан кўркмаймиз. Балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз. Мундай йўлда ёлғиз биз ўлмаган. Балки, кўб кишилар тўғрилиқ ва инкилоб йўлида шахид бўлғонлар”

Бундан бир неча кун ўтгандан сўнг Содикжон амирдан бекка қатл буйруғи келганини Бехбудий афандиларға билдирган. Сўнгра Бехбудий афанди ўзининг ҳаётидан умидини узиб, тубандаги васиятнома ёзиб, Содикжонга топширмоқ учун Аҳмадга берган ва ҳар кндай йўл ила бўлса-да, шул васиятномани Самарқандга юборишни ўтинган. Васиятноманинг остида бошлаб Бехбудий афандининг ўзи, сўнгра Мардонқул ва Муҳаммадқул афандилар қўл қўйғонлар. Васиятнома ушбудир: “Эй Туркистон маориф ишларида бўлғон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд бандий бўлса-да, сизларни эсимдан чикармайман ва сизларға бир оз васият қилиб ўтаман:

Мани севар ўртоқларим маним сўзларимни кулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир 10 кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлиға тушиб, банди бўлдик. Жадид, кофирлиқ отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутилмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим Сиддикий, Айний, Фитрат, Қурби ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳмуд, Абдулқодир Шақурий - сизларға васият қиламан! Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифға ёрдам этингиз! Ўртадан нифокни кўтарингиз! Туркистон

болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз! Манинг ўғлонларимизга салом етказингизлар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар. Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим”

Бу васиятномадан 3 кун ўтар-ўтмас бек Бехбудий афанди ва йўлдошларини, ҳам Аҳмадни ўлдирурга буюрғон ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бу чорбоғга юборилганлар. Шунда аларнинг қатллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу боғда 4 қабр қоздирилғон. Сўнгра Бехбудий афанди ва йўлдошлари таҳорат олиб намоз ўқимоқчи бўлғонлар. Лекин шул чоғда раҳмсиз жаллод мавинлари ила етишиб келиб, аларни намоз ўқирга қўймоғон, ва энг аввал Бехбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кескан, бу ҳолни кўриб, Мардонқул, Муҳаммадқул ва Аҳмад афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб турғонлар. Андан кейин жаллод аларни бир-бир бошини кескан. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шахидларнинг нашъаларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларда қўмганлар ва қабрларини (билинмасин деб) ер ила текис этганлар. Бекнинг маҳрами Содикжон бу воқеани бошдан охиригача кўрган ва билгани учун ҳам Бехбудий афандиларга мухлис бўлғонидан шул воқеани бир дафтарчага айнан ёзиб қўйғон, ва андан ўртоқ Ҳожимурод кўчириб олиб, бу фожиани театр шаклида тартиб этиб, отини “Маориф қурбонлари” қўйғон. 3 пардадан иборат бўлғон мазкур рисола биз кўрдик. Рисола керак ибрат ва керак сахнага қўйиш жиҳатидан хила нуқсонлидир. Агар бу рисола театр оламидан хабардор бўлғон бирор кишининг қалами ила тузатилса, биринчи театру рисоласи қаторига кириши шубҳасиздир. Ўртоқ Ҳожимуроднинг сўзига кўра, мазкур Содикжон 1920 йилда 21 декабрда амир томонидан Шаҳрисабз, Китоб ва Ғузур тарафларида қўззотилғон ак-

силҳаракатчилик вақтида исёнчилар томонидан ўлдирилган. Шунинг ила Содиқжон ёзган воқеа ила васиятномининг асил нухасида, ўшал чоғда йўқолиб кетган.

Самарканд, Ҳожи Мўъин Шуқурулло ўғли, 7 январь, 1922 йил”

Мазкур васиятнома Бехбудийнинг маориф, маданият, озодлик йўлида олиб борилган курашларда нақадар жасорат кўрсатгани, ўз мақсади, эътиқодида собит колгани ҳақида аниқ тасавур беради. Бинобарин, Ўрта Осиёда жадидлар ҳаракати тарихини чуқур ва объектив ёритишга олимларимизни даъват этади.

\* \* \*

Ислом Каримов айтганларидек, “Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига даҳлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти...” Зотан, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти. фаолияти ҳам бугунги кунларимизда истиқлони сақлаб қолиш ва мустақалаш учун олиб бораётган курашларимизда ғоят ибратли, асарлари эса бекиёс маънавий мерос сифатида аллақачон бир миллат ёки минтақа микёсидан чиқиб, умуминсоний кадриятлар сирасига кириб кетган...

Ҳозирги жаҳон микёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар сони-ю, салмоғи, ўта жиддий, баъзан жуда қалтис нуқталарни илғаб олиш, идрок этиш, шарҳлаш ва тегишли хулосалар чиқариш ҳар бир онгли шахсдан чуқур мулоҳаза юриштишни талаб қилади... Юртбошимиз БМТнинг эллик йиллигига бағишланган йиғинда иштирок этиб, сўзга чиқиб, ўзимиздаги телекўрсатувларда берган ҳисоботларида

бугунги жаҳон аҳволидан шу қадар тўла, чуқур маълумотларни ўта жасорат ва билимдончилик билан айтиб бердиларки, қалбида ватанига, халқ ва жамиятига озгина меҳр-муҳаббати бўлган кимса мазкур маълумотлар таъсиридан нафас олиб, ҳаётда ўз ўрнини тўғри белгилаб олишга интиломда... Бу ҳар кимнинг савиясига боғлиқ, виждон иши, имон иши... Ўйлаб қаранг, жаҳон тинчлиги, халқлар

тақдири - минтақалардаги аҳволга боғлиқлиги, БМТ раҳбарияти мавқеини ошириш, бутун дунё халқи ва тақдири ҳар бир шахс тақдири билан узвий боғлиқлигини ҳамма ҳам тушуниб етамикан?! Ана шу жихатдан Туркистонни бутун Марказий Осиё бир ёқадан бош чиқариб - жаҳоний аҳамиятини кўтаришга интилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар юртбошимиз фаолиятларида ҳамиша энг олий мақсад бўлиб келаётгани бежиз эмас... Бусиз мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини Марказий Осиё раҳбарлари-ю, энг илғор зиёлилари (ёзувчилари) учрашувларидан ҳам қайта-қайта таъкидланиб келинмоқда... Қозок, қирғиз, тожик, туркман, ўзбек ёзувчилари вакилларининг Тошкентдаги учрашувлари буни яққол намоиш қилди...

Беҳбудий мероси ҳақида гап кетганда, унинг энг эътиборли томони шундаки, биз юқорида таъкидлаб ўтган мулоҳазаларнинг туб илдизлари - ўша буюк ажодларимиз маънавиятига бориб тақалади ва шунинг учун ҳам улардан қолган бой маънавий мерос ҳамон аҳамиятини саклаб қолаётгани, ҳатто жуда долзарб замонавий аҳамият касб этиб бораётгани билан қимматлидир.

Беҳбудий (1875-1919) XX аср бошларида Туркистон халқлари маърифати, маданияти, тарихи, иқтисоди, савдо-тижорати, келажаги ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилган, бутун ҳаёти-ю, фаолиятини шу халқ бахт-саодати учун курашга бағишлаган буюк ажодларимиздан биридир... Ўз ҳаёти, фаолияти билан Туркистон халқлари тирихида миллий уйғониш деб аталган мазкур жараёнга зўр ижобий таъсир кўрсатган Беҳбудий тез орада катта обрў-эътиборга эга бўлди.

У Самарқанд вилояти, Сиёб туманидаги Бахшители кишлоғида, руҳоний-зиёли оиласида дунёга келади. Отаси имом-хатиб, ўқимишли, маърифатли киши бўлган ва илм-фанга ихлос билан қарарди... 1862 йилларда Самарқандни руслар босиб олгач, Беҳбудийхўжа ўз оиласи билан Бахшителига кўчиб боради. Махмудхўжа шу ерда туғилади. 6-7 ёшларга етган Махмудхўжа зиёли тоғалари Мухаммад Сиддиқ ва Мулла Одил ёрдамида хат-саводни чиқаради. Араб, форс тилларини ўрганади. Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Мулло” асари билан танишади. Араб тили конда-

ларини ўзлаштиради. Эътибор қилинг, жуда ёш чоғларидан-буюк маънавий мерос билан ошно бўлган, унга ихлос билан қараган ёш йигит - келажакка нақадар катта умид, юксак орзулар билан қараши маълум... Мени, шахсан энг кўп қийнайдиган нарса - умуман бемақсад, ёки фақат пул, фойда, пора, шуҳратпараст ва амалпарастлик “қасаллига” мубтало бўлган ва фақат ўзинигина ўйлайдиган табақаларидир... Зотан жамиятни кемирадиганлар шулар, таракқиётни орқага сурадиганлар шулар, халқи, ватани, бутун жамият келажagini сотадиганлар шулар, очиғини айтганда, хоин ва сотқинлар шулар... Бехбудий яшаган даврда ҳам улар бор эди. Бехбудий, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпонлар, уларнинг ҳамфикрлари бундай пасткашликларни ўз асарларида, ҳаёт ва фаолиятларида фош этганлар, уларга қарши курашлар жараёнида жонларини фидо қилганлар... Жойлари жаннатда бўлсин... Агар гап шахснинг маънавий қиёфаси ҳақида борса, буюк аждодларимиз бизга энг кўп ибрат бўла олади...

Маънавий дунёни бойитиш касб-хунаридан қатъи назар бутун инсонларга хос хислатдирки, бундай фазилат ёшлиқдан бошланади...

Бехбудий зиёли тоғалари кўмагида саводини ошира бориб, “Шарҳ мулло” дан сўнг, мантиқ илмига оид “Шамсия”, ҳуқуқшунослик ҳақидаги “Мухтасар ал-виқоя”, “Ҳошия” сингари китоблар, риёзиёт илмига, жуғрофияга оид талай китобларни мутолаа қилиб, илмга жиддий киришади... Унинг буюк сиймоларга хос қиёфаси - ёшлиқдан шакллана бошлайди ва бу, шубҳасиз, ўз самараларини бераверади...

1893 йилда Бехбудийнинг отаси вафот этиб, оила боқиш унга қолади. Бу йилларда Чашмаоб қишлоғида қозилик қилаётган - Муҳаммад Сиддиқ Маҳмудхўжани мирзоликка тайинлайди. Ўз вазифасини виждон билан адо этган Мирзо тезда эл-юрт эътиборига тушади, обрўси ошади. Илм олишни узлуксиз давом эттириб, энди муфтийликка оид шарият қоидаларини чуқур ўрганишга бел боғлайди... Тоғаси қозилиқдан тушгандек кейин ҳам Маҳмудхўжани ишда саклаб қолишади, уни қўйиб юборишмайди. Бехбудий Қобуд бўлисининг қозиси - Мулла Зубайр ҳузурида мирзолик қилади. Бу ерда ҳам ҳалол ишлаб, яна обрў-эътибор, ишонч орттиради. Муаммоларни ҳал этишда адолатга қаттиқ риоя

килади, конун-қоидаларни татбиқ этишда эл-юрт манфатини астойдил ҳимоя қилишга интилади. Ҳар бир масалани конун йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Орадан кўп ўтмай Махмудхўжа муфтийликни эгаллайди. Шундан бошлаб уни - Муфтий Махмудхўжа деб аташадиган бўлди. Муфтийлик йилларида бева-бечораларга қўлидан келганча ёрдам беради, қозихоналарда ҳақ-ҳуқуқлари ва манфатларини ҳимоя қилолмайдиган кўпчилик оддий фуқаролар орасида Бехбудийнинг обрў-эътибори, айниқса ошиб кетган эди...

Бехбудий ҳар қандай шароитда, ўзининг расмий вазифаларини виждон билан адо этиш жараёнида илм-маърифатни чуқур эгаллашни давом эттиради, буни бир нафас ҳам тўхтатмайди. Зеро, Бехбудий Ислом ҳадисларидаги “инсон илмни бешиқдан тобутгача” ўрганиб бориши лозимлиги ҳақидаги ақидаларни яхши биларди... Зотан, Исломнинг қисқача тарихини ёзганлардан бири ҳам Бехбудий эди...

Бехбудий кўп илмни шахсий мутоала билан ўрганadi. 1899, 1900, 1914 йилларда Шарқ мамлакатларига, Россиянинг Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларига сафар қилиб дунё кўради, халқлар, миллатлар, воқеалар билан бевоқиф танишади, китоблар йиғadi, у ерлардаги зиёлилар билан ошно бўлади, булар ҳаммаси Бехбудийнинг дунёқараши-ю билим кўламини кенгайтиради. Шундан кейин Туркистон халқларини маърифатли қилиш, улар маданияти доирасини кенгайтиришга янада зўр ғайрат билан киришади, уларни ўзлигини тезроқ танитишга, таракқиёт сари етаклашга бутун умри-ю, фаолиятини бағишлайди. Ўз ҳовлисида мактаб очиб, бола ўқитади. Унда диний илмлар билан бирга математика, жуғрофия, тил-адабиёт, тарих сингари фанларни ҳам ўқита бошлайди. Ўрис мустамлакачилари уни неча марталаб назорат қилар, гоҳо тўсатдан мактабини тинтув қилар, шундай кезларда аниқ фанларга оид китобларни молхона охурларига беркитиб сақларди. Ана шундай вазиятларда Бехбудий ўз мактаби, кутубхонаси, ўқувчилари ва атрофидаги зиёлиларни, илмий, адабий ва сиёсий китоблар билан таъминлаб турарди. Унинг мустамлакачиликка қарши дунёқараши қандай тарихий вазиятларда шаклланишини ўйлаб қаралса, Бехбудийнинг

маънавий таракқиётимиздаги ўрни янада ёркинрок намоён бўлади. У мустамлакачиликдан қутилиш, миллий мустақилликка эришмоқ учун, элни оммавий равишда уйғотиш учун маърифатли қилиш лозим деб биларди. Бехбудий эса ўз даврида бутун қобилияти-ю, фаолиятини шу ишга бағишлаган эди. Бу ҳақда С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида ёзади: “Самарқандлик шахид Муфтий Махмудхўжа идорасида чикатурғон “Ойна” мужалласи бир даража ёшларга ношири афкорлик вазифасини ўтаб турар эди” (Садириддин Айний, асарлар, 1-т, 264-бет).

Бехбудий ўз олий мақсадларини амалга ошириш учун усули жадид мактабларини кўпайтириш, уни ривожлантиришда етакчилик қилади. Қатор дарслик ва қўлланмалар яратади. Бу мавзуларга бағишлаб юзлаб мақолалар ёзади. 10-йиллардаги барча оммавий ахборот воситаларида чикиб туради.

Мана унинг ўзбек ва форс тилларида ёзиб, нашр эттирган асарларидан айримлари - “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий жуғрофия”), “Китоб ул-атфол” (“Болалар учун китоб”), “Мухтасари тарихи ислом” (“Ислоннинг қисқача тарихи”), “Амалиёти ислом” “Мадхали жуғрофияи умроний” (“Ахоли жуғрофиясига кириш”), “Мухтасари жуғрофияи Русий” (“Россиянинг қисқача жуғрофияси”), яна бир қатор асарларни ёзиб тарқатади. “Бехбудий нашриёти”ни ташкил этиб, матбаачиликни кенгайтиришга ҳисса қўшади. “Туркистон, Бухоро ва Хива хари́та”сини тузиб, шу нашриётда чоп эттиради. 1912 йилда ёзган “Падаркуш” сахна асарида илм-маърифатдан четлашган шахсларнинг фожиали тақдирини театр санъатида қўйиб, барча табақадаги томошабинлар эътиборини жалб этади. Бу асар Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттакўрғон, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳар, кишлок театрларида йиллар давомида узлуксиз кўрсатилади. Бехбудий 1913-1914 йилларда “Самарқанд” газетасини, 1914-1915 йилларда “Ойна” журналинини нашр этди. 1918 йилда бошланғич синф ўқувчилари учун “Янги ҳисоб” дарслигини ёзиб, ўз нашриётида чоп эттирди... 1919 йилда Бехбудий Шаҳрисабзда Бухоро амири амалдорлари томонидан жадид



ва большевикларнинг жосуси деб, камокқа олинади, зиндога ташланади, икки ойдан кейин Қаршида, Тоғайбек қўлида ваҳшийларча қатл этилади.

Бехбудий қалби, имон-эътиқоди нақадар юксак ва мустақамлиги ўлими олдида айтган сўзларида, айниқса, зўр маҳорат билан ифодаланган.

Бехбудийнинг маънавий ҳаётимиздаги буюк ўрнини ўз даври ва ундан кейинги етук зиёлилар ҳам ғоят катта эътибор билан кузатиб борганлар, ундан ўрганганлар, ҳаёти ва фаолиятини ибрат қилиб кўрсатганлар, юксак баҳолаганлар... Туркистон халқлари тарихи, адабиёти, маданиятини яхши билган йирик шарқшунос олим, кекса зиёли, сталинчилар зулмидан умрини 28 йилини шўро хибсхоналарида ўтказиб, ниҳоят 1953 йилдан кейингина озодликка чиққан Лазиз Азиззода “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1926 йил 2-сонида “Бехбудий” (Бехбудий ўлдирилганига 7 йил тўлиши муносабати билан) сарлавҳали бир мақола эълон қилган эди. Унда муаллиф Бехбудий яшаган даврни ўрис мустамлакачилик сиёсати ғоят авжга чиққан, зулм ҳалдан оширилган, босқинчиларга қарши халқ нафрати жуда кучайиб бораётган, миллий уйғониш кенг қўламда бошланиб кетган давр сифатида изоҳлайди... Шу билан мазкур давр байроқдори Бехбудий эди деган фикр олға сурилади ва буни назарий жиҳатдан асослаб беради. Азиззода Бехбудий фаолиятига оид фазилатларни санаб, унга юксак баҳо беради. Бехбудий қиёфасини изоҳлашда ундаги олий нукталар шундай шарҳланади: “ Бехбудий энг аввал Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқазиб ғоясини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истиклол курашига чақирганлардандир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Бехбудий турганини кўрамиз. У ҳар вақт ўз мақолларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очиқ, баъзан яширин ташвиқотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигига ҳам ҳужумлар қилар эди. Ул ўзи Туркистоннинг эски мадрасасидан чиққан киши бўлгани ҳолда, Ғарб дорилфунун-

ларини битириб келган кишиларнинг қилган иш хизматларини адо этиб кетди. Тарихимизда бу кунгача харита чизиб, майдонда кўринган бир киши бўлса, у ҳам ёлғиз Бехбудийдир. “Мазкур мақола муаллифи Бехбудийнинг ғоят оғир ва мураккаб бир тарихий вазиятда миллий истиклол учун олиб борилган курашларини изоҳлар экан, унинг Туркистон халқлари тарққиёти тарихидаги ўрнига юксак баҳо бериб, маънавиятимизда Улуғбек ва Навоийдан кейин учинчи ўринга қўяди... Шу муносабат билан Азиззода жаҳон миқёсидаги турли хил халқ ва миллат улуғларини санаб бориб, Бехбудийнинг Жан Жак Руссо, Ломоносов, Чернишевский, Писаревлар, Кавказ туркларидан Фатхаали ва Нажафбек, татарлардан Маржоний ва Носирийлар билан бир каторда туражагини таъкидлайди. Ниҳоят, Бехбудий номини абадийлаштириш ҳақида Азиззода 1926 йилдек қалтис бир вазиятда ўзининг аниқ таклифларини мазкур журналда баён қилади: “ Бугун Лондонда Ҳайём исмига қолублар(хотирот) бор. Навоийнинг адабий хизматига беш юз йил тўлиши муносабати-ла, французлар байрам қилиб, Навоийнинг хизматлари ҳақида узун-узун мақолалар ёзарди. 7 йил жим турдик, шу етар. Энди унинг исмини абадий қолдирмоқ учун ҳеч бўлмаса, унинг номига мактаблар солмоқ, талаба тарбияси учун сармоя фонд ташкил этмоқ, босилмаган асарларини бостирмоқ, таржимаи ҳолини ёздирмоқ, чоп эттирмоқ, муҳим асарларини тўплаб бостирмоқ вақти етгандир. Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир кишига ҳайкал қўйиладиган бўлса, у Бехбудийнинг ҳайкали бўлғусидир. Унинг асарларини бостиришда яқин мозийдаги тарихий инкшофимизни билмоқ учун Бехбудий эмас, Бехбудийларнинг хизматлари, заминлари ҳам ўринлари ила танишмоғимизнинг ҳозирдаги ҳам келгусидоғи аҳамиятини эслан чиқармаслик керак”. (“Маориф ва ўқитувчи” журнали, 1926 йил, 2-сон).

С.Айний 1912 йилда Бехбудий номи билан бирга Бухорода Баҳовуддин қабрини зиёрат қилишади, қуръон ўқишади. Бехбудий Айнийга Баҳовуддиндек буюк зот овруполикларда бўлганда, ҳайкал қўйиб, номини олтин ҳарфлар билан ёзиб қўярдилар, деб унинг буюк таълимотини

шарҳлаб беради. Нихоят атрофдаги қадимий ёдгорлик биноларининг харобалиги, ёнверида қатор-қатор янги мачитлар қурилганидан шикоят қилади. Бир маҳаллага қанча мачит керак, бир мачит кифоя-ку, унинг ўрнига мактаблар курса бўлмайдими, миллатимиз болалари ўқиши учун мактаб бинолари етмаяпти, қабилда дардини изҳор этгани ҳақида С.Айний тўлиб-тошиб ёзган эди.... Мана шу жиҳатдан қаралганда ҳам, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва уларнинг сафдошлари асарлари, дунёқарашлари XX аср бошларида халқимиз онгини уйғотишга қандай хизмат қилган бўлса, худди шу кунларда янгилиниш, покланиш ва яна ўзига хос, алоҳида уйғониш даврига кириб бораётганимиз ҳозирги ҳаётини вазиятларимизда яна бизга қўмак бераётганлари билан долзарб замонавий аҳамият касб этиши қимматлидир...

Беҳбудийнинг ҳозир ҳам сира эскирмаган, бизлар эндигина очиқ айтаётган муаммоларимизнинг кўплари ҳақидаги фикрлари анчагина, ҳаммасини келтиришни имкони йўқ. Аммо айримларини эслатмай ўтиб бўлмайди. Жумладан, Туркистон халқининг меҳнат қила-қила, юз йиллар давомида қашшоқ яшаб келгани илдиэларини энди очиб ташлаяпмиз. Беҳбудий ҳам ўз даврида XX аср бошларида мазкур муаммо устида бош қотирган ва бу аҳволнинг шу даражага келишига рус мустамлакачилари сабаб бўлаётганини дангал айтган. 1908 йилда “Хуршид” газетасида эълон қилинган мақоласида ёзади:” Туркистон обод бўлди, илгари бой кам эди, миллионер йўқ эди. Яхши иморат ва бинолар йўқ эди. Бас, нима учун инсофсиз муҳаррирлар “харобмиз” деб ёзадилар?! Бу саволга шундай жавоб бериш керак: 6 миллион туркистонликларда уч миллионер борлиги маълум эмас. Бойман деганлар банк ва фабриканинг хизматчисидирлар. Шаҳарлардаги катта иморат ва корхоналар ҳаммаси яҳудий ва оврўполикларникидир. Оврўпо амтиласи ерли амтилаларни синдирди. Дехконлар эса, агарчи бир вақт қўли бироз акча кўрар, яна Оврўполилаларини (нг) бирига икки-беш хом мол бериб пишиқни зўрға олур...”

Юқоридаги фикр Президентимиз шарҳлари билан изоҳланса, бизнинг элимиз фақат хом ашё замини бўлиб келаётгани учун халқимиз доим қашшоқ яшаб келган эди... Буюк

аждоларимиз асримиз бошларида бундай фикр-мулоҳазаларни қандай жасорат билан майдонга қўйганликларини бир ўйлаб кўрилса, уларнинг маънавий дунёси кўз олдимизда янада юксакроқ намоён бўлади. Бехбудий ўз қарашларида ёлғиз эмас, атрофида уни қўллаб-қувватлаб турган сафдошлари, шогирдлари бор эди. Жумладан, Фитрат ва Бектемировлар 1905-1908 йиллардаёқ ўта долзарб масалалар билан чиқиб турдилар. Улар ўз мақсадларида Туркистон ўлкасининг бойлиги, гўзал табиати, ҳосилдор ерлари, ширин-шакар мавалари дунёдаги барча халқларни кизиқтираётгани, аммо ўз бойликларига ўзлари эга бўлиш учун одамларда маънавий камолот етишмаётганидан ёниб фарёд чекардилар. Ўз бойлигига эга бўлиш учун ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатни, фан-техникани ривожлантириш, миллий-мустақилликка эришиб, мамлакатни ўзлари бошқариш лозимлигини уқтирадилар.

Энди Бехбудийга ҳамфикр замондош Бектемировнинг айрим фикрларини келтирамиз: “Бектемиров “Шухрат” газетасининг 1908 йил 4-сонидан бир мақола билан чиқди. Бунинг аҳамияти дастлаб шундаки, мамлакатни обод қилиш, тараққиётга эришишда илм-маърифатнинг роли қанчалик юксак бўлса, савдо-тижоратни йўлга қўйишнинг аҳамияти шу қадар буюқдир, деган ғоя олға сурилади. Бинобарин, савдо ходимларининг илмли, маданиятли бўлиши, маънавий дунёсини бойитиш зарурлигига қатта аҳамият берилди. Мана Бектемиров фикрларидан бири: “...Туркистон савдоси... Тошкент захири ва ботини манзараси билан Оврўпо сиёсатдонлари ва бойларининг диққатларини жалб этарликдир..” Эътибор қилинг, бу фикр ХХ аср бошларида айтилган, ҳозир дунёнинг юзлаб давлатлари худди шу мулоҳаза билан Мустақил Ўзбекистонга қандай интилаётганлигини бир қиёсланг-чи, нималар хаёлингизга келаркин?! Буюк аждодларимиз салкам юз йиллар олдин қаромат қилганлар, Истиқлолни орзу қила-қила, муродларига етолмай оламдан ўтиб кетдилар, бу кунларга қим етти-ю, қим етмади деган иборанинг илдизларини ўйлаганда, истиқлолимизга нонқўрлик қилаётган ички ва ташқи мухолифларимиз лоақал бир нафас виждон-имон билан шу фикрни хаёлларига келтирармиканлар?! Бу саволга жавоб ҳам

шахснинг маънавий қиёфаси-ю ички дунёсига боғлиқ. Бектемиров шулар ҳақида ўйлаб, фикрини давом этирар экан, ер ости ва ер усти бойликларимиз, ширин-шакар меваларимиз, хосилдор ерларимиздан чиқаётган бойликларимиз ажнабийларга талон-тарож бўлаётганини алоҳида уқдиради, ундан қутилиш йўллари ахтаради, тавсиялар беради. “ Таассуфки, бундан (бойликларимиздан, А.А.) фойда қиладиган кишилар кимлар? Масалан, мевалардан, сабзавотлардан, пахталардан ва бошқа экинлардан фойдани кимлар олурлар? Заводчилик ишларини кимлар қўлларига олурлар? Албатта буни яшириб бўлмайди. Тўғриси, бу ердаги мусулмон қариндошларимизни илм, иттифок, иттиҳод, ҳаққоният ва миллият исси бўлмоғони сабабли буюк-буюк тижоратчилар армани, яҳудий каби ажнабийлар қўлига кирмагида шубҳа йўқ. Чунки уларда ширкат очиб иттифок ва одиллик билан савдо қилмоқ одати бордир. Бир қўл бир иш қилур, бир неча қўл, албатта кўп иш қилур. Биноан алайх Туркистон мумулмонларининг муқарз бўлмоқларини ва келадирган замонларда бутун тижоратлари қўлларидан кетиб, киши қул бўлиб қолмоқларига сабаб бўлур. Такрор диюрманки, қариндошлар, бир-бирларингиз билан улфатлашиб, ширкат очиб, савдо қилингиз. Оврүпо, Россияга юриб тижорат қилингиз, хайрли савдолар қилиб, нуридийдаларингизни усул ва тартибга ўргатиб, янги мактабларга берингиз”

Беҳбудий жадидчилик йўналишидаги бирча илғор ғояларга етакчилик қилади. Улар миллат манфаатини ҳимоя қилиш, савдо-тижорат, дехқончилик, илм, техникани ривожлантиришда Оврүподан ўрнак олиш, ёшларни ўша мамлакатларга юбориб ўқитиш каби талай масалаларни жуда тўғри қўйганларини эндиликда бутун дунё кўриб турибди. Худди шунинг учун ҳам қизил империя етмиш йиллар давомида жадидларни нима учун қоралаб келгани, уларни қириб ташлагани сабабларини ҳам тушиниб олиш қийин эмас. Беҳбудий мазкур воқеалар моҳиятини чуқур таҳлил этар ва олий мақсадларга эришмоқ учун эл-юрт, халқимиз ўртасида дўстлик, яқдиллик бўлишини орзу қилар, ўртадан нифокни кўтариб, ахил ишлашга даъват қиларди.

Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, - деб ёзади. Бошқа миллатлар иттифоқ ила ишлаганда биз бир-биримиз ила душманликда турсак вой бизнинг ҳоли-мизга... Колония (мустамлакот) қондаси ила бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофларимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб, фан ила иш қилсинлар. Ман ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, охиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муллаларимизга арз қилурмизки, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан миллатни маҳрум эттирмасунлар. Ёшлар истайдиларки, миллатга ва халқ оmmasига хизмат этсалар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Олдимизда ишлар кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдалурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқлари керак..." ("Улуғ Туркистон", 1917 й, 12.IV.)

Мақолада тилга олинган айрим нозик нукталар, яъни савдо-сотикдан бошлаб, барча ҳокимият ажнабийларда қабилдаги фикрларни тўғри идрок этиш баъзиларида шубҳа туғдирмаслик учун шундай бир изоҳ бериб ўтамиз!... Бехбудий ва умуман жадидларнинг буюклиги шунда эдики, бошқа миллатларга ҳеч қачон нафрат билан қараган эмаслар. Улар билан доим дўстона муносабатда яшашга ундаганлар. Чет тилларни ўрганиш, овруполикларнинг тараққиётидан ибрат олиш, маданий ҳаёт учун кураш масалаларини қўйганлар, аммо уларнинг мустамлакачилигига қаши турганлар. Яъни миллий мустақилликка эришмай туриб. Туркистонни ривожлантириш мумкин эмас деб қараганлар. Бу нақадар тўғри дунёқарашлигини эндигина бемалол айтиш мумкин бўлмоқда. Мазкур ғоя жадид етакчилари, айниқса, Бехбудий асарларида изчил укдириб борилади. Биз қисқача шарҳлаб ўтган ғоялар "Баёни ҳақиқат" сарлавҳали мақолада қандай акс этганига бир эътибор беринг!..

"Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиходгардир. Жиход - жаҳд ва жиходни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... ҳозирги бизни жаҳд ва жиходимиз илм ила фикр, газет ва басират (зирақлик) ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз

мусулмонлар, хусусан Туркистон мусулмонлари истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан динимиз мунга монийдир; Туркистон яҳудийларини 1300 саналик холи бунга шоҳиддир. Биз истаимизки, бутун Россия мусулмонлари Мухторият (Федерация) усули юзасидан тириклик қилсинлар. Россия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳит жуғрофий ва мамлакатларни ҳудуд тарбияси бўйича айрим бўлақларга бўлиниб, ўз тарафдорларидан ўз хуррият ва одатларига мувофиқ идора қилиниб ва бутун Россия мусулмонлари учун Россия пойтахтида бир “Мусулмон марказий идора” вужудга келиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлба-қўл ушлашиб, дунё ва тараққий майдонига ҳаракат ва бирга жавло этулсин. Мана шул Россиядан ажралмаган ҳолда мухториятли маишатни вужудга келтирмоқ учун биз Россия мусулмонлариға, алалхусус биз Туркистон мусулмонлариға лозимки, аввало, қадим ва жаҳид низо лафзисини қўйиб, ўзаро иттифоқ истасак.

Туркистон мусулмонлари ўз шариат ва одатларига... ўз қонун ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар, Туркистон яҳудийлари ва бошқа мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон... қонунлар тузилсун...агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифоқ этиб, бу қундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... Зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва уламоларимиз бирлашиб, дин ва миллатни ва ватанни ривожини учун хизмат этсак. Агарда биз мухториятни ривожини оқласак ва русларга хурриятдан ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда... аскарларимиз бўлсун... Ул... миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфа ва шаклини либос ва тарз маишатини ўзимиз таин қилурмиз. Мана бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдир, агарда ҳаммамиз иттифоқ этиб “Шўрои ислом” жамиятини ўзимиз учун сиёсий ва муътабар бир жамият қарор этуб, барча шаҳарларда шўъбаларни очиб, қадим ва жаҳид бирлашиб ишласак, мухториятли хурриятга... ноил ўлурмиз. Вале ҳозирги Туркистон аҳволига қараганда, яна биз мусул-

монлар русларнинг фукароси ва райияси бўлган ўлкадек, алардан даст ва рижоага қолурмиз...”

Бехбудийнинг юқоридаги мулоҳазалари, айни 1917 йилда, октябрь тўнтариши кунларида ёзилгани ҳам бежиз эмас. Қизил империя ёлғон-яшиқ шиорлар билан бутун дунёни чалғитаётган, Россиядек буюк бир мамлакат унинг биринчи қурбони бўлаётган бир вазиятда бизнинг буюк аждодларимиз яна истиқбол ва истиқлол ҳақида ўйладилар, унинг учун ғоят жасорат билан кураш олиб борадилар... Айни шу кеча-кундузда Россиянинг бундан юз йиллар муқаддам ерларини тиклаш ҳақида фикр юритаётган кучлар мустамлакачилик нашъасидан маҳрум бўлганларига чидай олмай мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги истиқлолга қарши курашни кизитиб юборган чоғларида Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий ва уларнинг сафдошлари майдонга ташлаган ғоялар янгича бир қудрат билан янграмоқда. Зеро, чор Россиясининг Туркистон ерларида жорий этган мустамлакачилик зулми, бойлигимизни талон-тарож қилгани

Бехбудий ва Фитратларнинг кўз ўнгида рўй берган эди. Улар бу талончиликнинг жонли гувоҳлари сифатида тарихимизга кирганлар. Қизил Империя даврида ўша босқинчилик нашидасини сурганлар ўтмишни нега қўмсаётганларини тасдиқловчи далиллардан баъзиларини келтирсак. Маълумки, 1917 йилда ўрнатилган сиёсат унганча мавжуд босқинчиликдан минг марта ортиб кетган эди. Бу ҳақда кўп ёзилди, уни ортиқ чўзиб ўтирмаймиз... Чор Россияси босиб олган йиллардаги ишлардан эслатиб қўя қоламиз. Туркистон босиб олингандан кейин барча шаҳар ва вилоятларга ўрис ва яҳудийлардан, баъзан арманлардан ҳукмронлар тайинланди. Улар Туркистоннинг барча бойлигини истаганча таладилар. Моддий бойликдан ташқари маънавий меросларимизни ҳам олиб кетдилар. Қимматбаҳо китоблар, қўлёзмалар Москва ва Петербург кутубхоналари ва музейларига ташилаверди. Ерли халқнинг тили, дини, миллий анъаналари, урф-одатлари, тарихи, маданияти, миллий хис-туйғулари, кадриятлари оёкости қилинди... Айрим ноёб китоблар, қимматбаҳо ёдгорликлар ўғринча чет элларга сотиб юборилар, ҳукмронлар, уларнинг оилалари томонидан ўзлаштириб олинарди. Бу ҳақда тарих фанлари



доктори Нафиса Содикова (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1991 й, 19 июль) аниқ ҳужжатлар асосида яхши мақола билан чиққан эди. Унда шундай маълумотлар бор: “Петербургдаги Осиё музейи директори Х.Д.Френ 1834 йилда (эътибор қилинг, Россия Туркистонга юриш бошла-масдан қарийб 30 йил илгари) Туркистонда излаб топиш мумкин бўлган Шарқ муаллифлари қаламига мансуб юз асарнинг хронологик рўйхатини тузиб чиқди. Россия молия вазирлиги Оренбургдаги божхонага рўйхатда кўрсатилган қўлёзмаларни Ўрта Осиё шаҳарларидан савдогарлар орқали сотиб олиб, китобхонларга топширишга алоҳида эътиборни қаратиш ҳақида фармойиш берди. “Босиб кирилганда нималарни олишнинг аниқ рўйхатлари шундай эди: энг қадимий китоблар, қўлёзмалар, ҳужжатлар, тангалар, гиламлар, олтин-қумуш сопли пичоқлар, қиличлар, ҳунарманд буюмлари, дур, гавхарлар ишлатилиб безатилган ёдгорликлар, яроқ-аслаҳалар қабиларни йиғиб Петербург ва Москвага жўнатиладиган бўлди. 1869 йилда Туркистон генерал губернатори Фон Кауфман мусулмон дунёсининг энг муқаддас китоби - VIII аср қўлёзма ёдгорлиги Халифа “Усмон қуръони” ни Самарқанддан Петербургга - подшоҳга совға қилиб юборди. 1870 йилда Шаҳрисабз ва Китобдан 97 жилд қадимий қўлёзмалар ва китоблар олиб кетилди. Бундай ишларда шарқшунос Н.И.Веселовский қўп “иш” кўрсатди. Унинг жонбозлиги ва олғирлиги туфайли олинган, таланган бойликларимиз ичида нималар борлигини айттайлими? Қалбида заррача миллий ифтихор, имон деган мантик бор инсон бу ишларга, йўқ бу даҳшатларга бефарқ қарай олмади... Болгар ёзувчиси Иван Вазовнинг Турклар босқини ҳақидаги хикоя ва романларидан хабарингиз борми? Фитрат ёзган Инглизлар Ҳиндистон халқлари бошига солган фожиалари ҳақидаги “Ҳинд ихтилочилари” дан хабарингиз борми?! Афғонистонга, Югославияга берил-лаётган эътиборнинг бир фоизи берилмаётганидан хабарингиз борми?! Агар Афғонистонда фуқаролар уруши тугаса, унга ким ҳўжайинлик қилиши ҳақидаги тортишувлардан хабарингиз борми?! Афғонистонга турли йўллар билан қурол-яроқ сотиб, ёки текинга бериб, атайлаб қабилалар ўртасидаги урушларни чўзишга интилаётган куч-

лардан хабарнигиз борми?! Бу мамлакатга қурол бериб, урушни давом эттирётган ёвузлардан хабарингиз борми?! Бу урушни Марказий Осиёга ёйиб, бутун эл-юртимизни яна қулликка солишга интилаётганлардан хабарингиз борми?!...

Марказий Осиё халқларининг муқаддас сиймолари Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Улуғбек мадрасалари, зиёратгоҳ, буюқлар қабри ва мақбараси устига тилло, кумуш сингари киматбаҳо металллар ишлатиб ёпилган нақшларигача кўчириб олиб кетган зўравонлар Туркистоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлигини талон-тарож қилган эдилар. У бебаҳо бойликлар бир бутун яхлит Турон халқларининг миллий ифтихорлари эди. Тошкентда бўлаётган, Туркистон халқлари маданияти форумида, бизнингча, тарихий жиҳатдан Туркистон халқлари моддий ва маънавий маданияти нақадар бир-бирига боғлиқ ҳолда вужудга келганлиги ҳақида гап бўлиши лозим. Зеро, бу яқдиллик самараси бўлмиш тарихий воқеалардан, айниқса, ёшлар кўпроқ хабардор бўлмоғи лозим... Бехбудий ва унинг барча сафдошлари Туркистон тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари, бир бутун яхлит, ахил, тотув яшагандагина мамлакат ривожланади, қудратли давлат даражасига кўтарилади, жаҳондаги энг илғор халқлар ва мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли алоқага кириша олади деб қараганлар. Юқорида бу фикрларни тасдиқловчи мулоҳазалардан баъзиларини келтирдик. Бехбудий ва унинг сафдошлари маънавий мероси худди шу фазилатлари билан умуминсоний кадриятларга айланиб кетган ва худди шу фазилатлари билан бизда абадийлигини саклаб қолади, жамиятимиз тараққиётининг барча босқичларида ёшларга ана шу маънавийларга ҳурмат заминида тарбия беришимиз лозим..

### Бехбудий педагог

Бехбудий ўз ғояларини амалга оширишнинг бош йўли сифатида янги мактаблар очиш, унда ёшларга диний билимлар билан бирга, аниқ фанларни ҳам ўқитиш, европача таълим-тарбияни кенг қўламда жорий этишни тарғиб этди. У катта-кичikka миллий-озодлик ғояларини сингдириш, мустамаккачиликка қарши кураш, миллий мустақилликка

эришиш йўлида бирлашиш, ахил бўлиш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга чакирди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг бутун фаолияти билан XX аср бошларидан то умрининг охиригача (1919 йилгача) амалга оширган тадбирлари, илмий-назарий асарлари, айниқса, педогогика, мактаб-маориф соҳасида кўрсатган хизматлари билан ўзбек маданияти тарихида буюк бир сиймо даражасига кўтарилди, бу йўлда ўчмас из ва бой мерос қолдирди. Зотан, маданият тарихининг асл манбаи, аввало, мактаб-маориф, таълим-тарбия бўлиб, бу инсоният тафаккурининг деярли барча маънавий соҳаларини ўз ичига оладиган ғоят кенг қўламдаги тушунчадир. Яъни инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги барча илмлар мактаб-маориф воситасида амалга оширилади ва тобора юксалиб бориб, оқибат-натижада жамият тараққиётини, унинг маънавий камолотини таъминлайди. Бу эса дастлаб инсон онги, киёфасини шакллантириш, унга энг гўзал инсоний фазилатларни сингдириш билан узвий боғланиб кетади. Шу маънода, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бутун фаолияти педогогика фанию халқ таълимининг туб моҳиятига бориб тақалади.

Бехбудий 1900 йилларда етук педогог, йирик олим, атоқли маърифатпарвар, талантли драматург, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг етакчи вакиллари билан бири сифатида майдонга чиқди, ўзбек жадидлари ғоясини ҳаётга татбиқ этиш курашчиларининг биринчи сафларида бўлди. Мактаб ҳаёти, таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, туркий халқлар ўртасида уни кенг қўламда жорий этиш учун кураш Бехбудийнинг олий мақсади бўлди.

Бехбудий ўзи эътиқод қўйган олий мақсадга эришишнинг ягона йўли илм-маърифат тарқатиш, ёшлар тарбияси ҳақида узлуксиз ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга, миллий мустақиллик учун тинмай кураш олиб бориш, деб билди. У миллатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик тўғрисида ҳам муттасил кўрсатмалар, йўл-йўриқлар бериб боради. Бехбудий ўз даврининг буюк байналминалчи сиёсатдонларидан бири сифатида ҳам бизга ғоят ибратлидир. У Туркистон халқлари тақдири учун курашиш билан бир қаторда бошқа миллатларнинг тарихи, тили, маърифати, мада-

няти, дини, этикодига ҳурмат билан қарашни уқтирди. Таълим-тарбияга, айниқса, ёшлар онгига байналминалча дунёқарашни сингдириб боришга узлуксиз эътибор берди.

Бехбудийнинг жаҳон халқлари, миллатлари ўртасида дўстона алоқа ўрнатиш, миллатларнинг ўзаро ҳурмат руҳидаги муносабатларини ривожлантириш борасидаги таълимоти ўзбек педогогикаси тарихига, халқ таълими тарихига қўшган салмоқли ҳиссадир. Бехбудий мазкур маълумотни олдинга суриш билан чекланмасдан, ўзининг амалий фаолиятида турмушга татбиқ эта бошлади, мактабларда диний фанлар ўқитишнинг таълим-тарбиядаги аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Маҳмудхўжа Бехбудий илмнинг турли соҳаларини эгаллашни тарғиб этиш билан кифояланиб қолмай, турли халқлар ҳаётини ўрганиш учун Россия бўйлаб қилган саёхатларида Москва, Петербург, Қозон, Уфа шаҳарларида, хорижий Шаркнинг Миср, Туркия мамлакатларида бўлди. Кўрган ерларидаги халқларнинг яшаш тарзи, ижтимоий ҳаёти, тили, турмуш муаммолари, таълим-тарбия, мактаб-маориф ишлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилди. Улардан ўрганган энг яхши тажрибаларни Туркистонда татбиқ этишга интилди.

Бехбудий ўз уйида очган мактабида жаҳон миқёсидаги илм ўрганиш тажрибаларини қўллашга уринади, ўз элини, Туркистон болаларини тарбиялашда ибратли тadbирларни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Бехбудий маориф, таълим-тарбияга, педогогиканинг муҳим муаммоларига оид қатор мақолалар, илмий ишлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Унинг мактаби янги усулдаги мактаб, яъни усули жаҳид мактаби эди. У мактабда диний илмлар билан бирга, табиий фанларни ҳам ўқитди, бир қатор дарсликларни яратди.

Бехбудий ёшлар тарбиясида жуғрофия фани ҳам жуда катта аҳамиятга молик эканига эътибор беради, мазкур фанга оид дарслик ва қўлланмалар яратгани таъкидланди.

Бехбудий ёшларга таълим беришда миллий урф-одатларни ҳимоя қилиш баҳонасида миллий чекланишга берилмасликни таъкидлаб, ёшларнинг кийиниши, янгиликларга интилишидан чўчимасликни уқтиради. "...Энди келайлук

шу жазый ташаббухлар масъаласигаким. Бу: курси(стул)га ўтурмок, қошиқ ва чинакча истъёмол этмак, медаль такмок, хавонинг иссиқлиги учун бош ялонғоч ўтирмак каби шайлардан иборатдир. Агар бу жузый ташаббухлар ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...”

Кўриниб турибдики, Бехбудий ҳар бир жузый нарсадан баҳс топиб, кофиру, мусулмонга бўлиб ташлайвериш - таълим-тарбияга зарар келтиришини таъкидлаяпти. Бехбудий миллий урф-одатларнинг илғор нукталарини ёқлаш билан ҳаётда рўй берадиган зарурий янгиликларга ҳам ақлидрок билан ёндашишга даъват этади. У янгиликдан орқада қолмаслик, дунёда ҳамиша ўзгаришлар бўлиб туриши, таълим-тарбия бобида буни идрок эта билишга катта эътибор беради. “Замоннинг марвари ила баъзи расм ва одатлар доим ўзгариб турадурки, - деб ёзади у, - бу ўзгариш бобомиз Одам замонидан бери воқе бўлуб келмоқдадур” Бехбудийнинг мазкур фикр-мулоҳазалари педогогика фанининг энг муҳим моҳиятини изоҳлаб тургани билан ҳам қимматлидир. Агар ўқитувчи, тарбиячи урф-одатларнинг илғорлари-ю, эскирганларини пайқай олмаса, ёшлар тарбиясигина эмас, умуман тараққиётга ва таълим-тарбия соҳасига наф келтира олмайди. Бехбудий бу ҳақда ҳам аниқ фикр баён қилади” “...Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва заралиси ҳам мутлақо бордур. Чунончи, бурунғи замонда исрофли тўй ва аза, базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турубмиз...”

Бехбудий фуқарога, ёшларга таълим беришда чалғи-маслик учун ўз мулоҳазаларини ҳамиша аниқ, илмий, тарихий ёки шаърий далиллар билан асослайди. Янгликка юзаки қараш билан фуқарони шубҳага солувчиларга қарши зарба бериш учун Шарқда катта обрў-эътиборга эга бўлган Миср муфтийси машҳур олим Мухаммад Абдо фатвосидан мисол келтириб шундай дейди:” Мақсадимиз шарият нуктаи назаридан қийим ва ташаббух масаласини баён этмак эди... ишлапа ва шапка, оврўпо қийимларини қиймок, шарияти исломча, ҳеч бир зарарлик иш эмасдур.

Мунга инкор қилувчилар суннати Расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур” Мазкур олимнинг таъкидлашича, Мухаммад пайғамбар ва саҳобалар турли мамлакатларга борганларида шу жой туб аҳолисининг кийимларини кийганлар. Жумладан, улар румликларнинг жандасини ва бошқаларнинг миллий кийимларини кийганлар. Бу ерда гап халқ оммаси савиясини кўтариш учун олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида ҳаётдаги ҳамма воқеа-ҳодиса, ҳатто кийим-кечак бобидаги баҳсларгача ўз ўрни борлигида, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳаёт бутунича инсон тарбиясига таъсир этиб туришини идрок этишдадир.

Бехбудий ва унинг ҳамфикрларининг мактабларидаги таълим-тарбиянинг асоси шу заминга таянади. Бу ерда биз Бехбудий педогогик қарашларининг ижтимоий ҳаёт воқеалари билан, дунё микёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан, ер юзида ҳукм сураётган етакчи сиёсат билан нақадар узвий боғланиб кетишини ҳам кўраимиз. Ниҳоят, Бехбудий таълим-тарбияга оид мулоҳазаларини Туркистон фуқароларининг бундан кейинги тақдири билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам аниқ тарихий далиллар асосида шундай яқунлайди:

“...Бу неъматлар (мустикаллик, хуррият, мухторият ва бошқа эркинликлар кўзда тутилади. А.А.) ҳар бири халқни ҳозирлигига қараб берилур. Тўғриси ҳар миллатнинг ўзини мужохит ва мужохидаси ила бу неъматларга мойил бўлур”

Мазкур мулоҳазаларда биз Бехбудий педогогик қарашлари ҳамиша ҳаётнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилганини яққол кўраимиз. Бугина эмас, Бехбудий педогогик қарашлари гарчи асримиз бошларидаги ижтимоий ҳаёт билан боғланган бўлса-да, ҳамон эскирмагани, ҳозирги кундаги ҳаётимизга нақадар ҳамоханлиги билан қимматлидир. Бехбудий тараккиётга эришмоқ учун турли миллатлар орасида ўзаро бир-бирига ҳурмат руҳида алоқалар ўрнатилишига катта аҳамият беради, зотан, ҳаёт бусиз ривожлана олмаслигини қаттиқ уқтиради. Шу билан бирга бир миллатни иккинчисидан устун қўйилишига қарши туради. Бирон миллат бошқа миллат томонидан камситилмаслиги лозимлигини таъкидлайди:

“...Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари

истаймизки,- деб ёзади Бехбудий, - ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимизда мунгу монийдирки, Туркистон яхудийларининг 1300 йиллик холи бунга шоҳиддир. Биз истаймизки, бутун Россия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар”

Модомики, халқ таълими, нафосат тарбияси, миллатлар ўртасида ахилликка эришишга даъват ижтимоий ҳаёт масалаларининг туб негизлари халқ педагогикасининг таркибини ташкил этар экан, биз Бехбудий педагогик қарашларида мазкур муаммоларнинг ҳаммасини кўриб турамыз.

Бехбудий ўз қарашларини, яъни халқ таълими ва умуман, ёшлар ва катталар ўртасидаги муносабатларни бадиий ифода этган “Падаркуш” номли драма асарида ўзига хос йўл тутди. Мазкур асарда ота-оналар билан болалар ўртасидаги ғоят жиддий, нозик, қалтис муносабатлар таълим-тарбияда бош масала тарзида талкин этилади.

Бехбудийнинг “Падаркуш” асари мавзуи Туркистон халқларининг қалбини муттасил ҳаяжонлантириб келаётган, шу билан бирга, миллий ўзига хос энг муҳим хусусиятларни ўз ичига олганлиги билан жамоатчилик эътиборини тортади. Бунда оилада бола тарбияси, таълим-тарбия соҳасида ота-оналарнинг роли ҳақида гап боради. Бехбудий педагогик қарашларида мактаб тарбияси билан оила тарбиясини узвий бирликда олиб борилиши лозим, акс холда фожиалар рўй беради, деган ғояни олдинга суради. Мактаб ҳар қанча тўғри йўл кўрсатса-ю, ота-оналар боласини бошқа томонга тортадиган бўлса, бола тарбияси тамоман издан чиқади, деган фикр-мулоҳазалар асарда турли образлар фаолиятида ифода этилади.

“Падаркуш” асос эътибори билан педагогик қарашларнинг бадиий ифодаси бўлгани билан биз унда мустамлака Туркистонидаги тарихий шароитнинг маҳаллий аҳоли ҳаётига, ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири масалаларини ҳам кўрамыз. Бу бизга Бехбудийнинг педагогик қарашлари ҳамиша ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим ва мураккаб муаммолар билан, ўз даври сиёсати билан боғланиб

кетганини ҳам кўрсатади. Зотан, таълим-тарбия, педагогика, аввало, халқлар тақдири, истиқболи ҳақидаги фан сифатида ҳамиша сиёсат билан узвий боғлиқлигини ҳам тасдиқлайди...

Асардаги воқеа бой билан унинг ўғли Тошмурод (ота-бола) ўртасидаги оддий бир мулоқотдан бошланади.

Тошмурод “Томошага бораман, пул беринг!”, деб отаси хузурига киради. Бой ўғлига пул бера туриб, барвақтроқ келишини айтиб, кимлар билан бораётганини сўрайди ва “ёмон жойларга” бормаслигини ҳам таъкидлаб қўяди. Тошмурод отасидан ва отаси олдида ўтирган “янги фикрли” Домуллалардан ҳам уялмай-нетмай дағал гапиради “Хайр, хайр, хов, кўп гапурасизда”, деб отасини силтаб чикиб кетади. Тошмуроднинг отага қилган бундай одобсизлиги Домулла таъбини хира қилиб юборади. Домулла Тошмуроднинг бу ноўрин хатти-ҳаракатини илмсизлик, маърифатсизлик оқибати деб билади.

Бой ўзи саводсиз бўлиб, ўғлини ўқитмаганлиги сабабли у шундай одобсиз бўлади. Бой дунё воқеаларидан батамом хабарсиз. Ўзининг аҳволи шу бўлган Бой бола-чақаларига таълим-тарбия беришни ўйламайди. Бехбудий бой ва унинг оиласида рўй бераётган аҳволга бефарқ қараб туролмайди. Бехбудийни Тошмурод ва унинг отаси ўртасидаги муносабатлар шундай давом этаверса, Туркистон халқлари фожияларга учрайвериши ташвишлантиради. У Домулла образида ўз мақсадларни ифодалайди. Яъни унингча Туркистон бойлари, аввало, ўзлари илм-маърифатга эга бўлишлари, маданият, тараққиётга ҳурмат билан қарашлари, болалари замона талабларига жавоб берадиган даражада тарбияланиб, улғайишлари керак.

Бехбудийнинг ўз давридаги болаларнинг таълим-тарбияси масаласи ўйлантиради. Бехбудий ёмон тарбияли бола бутун оилани ҳалокатга олиб келишини, бунга аввало, ота-оналарнинг ўзлари сабаб бўлаётганлигини айтади.

Тошмуроднинг одобсиз бўлиб ўсишига сабаб, Бойнинг ўзида одоб йўқлигидир. У мактанчок, саводсиз, ўжар, мол-дунёга ўч.

“Падаркуш” асарида биз таълим-тарбиянинг бош маскани оила, ота-она экани ҳақидаги ғоят муҳим фикр борлигини кўраемиз. Бехбудий таълим-тарбиянинг бузилиб ке-



тишига оилалар сабаб бўлаётганлиги борасидаги ўз ғояларини томошабин қалбига чуқур сингдиришга интилади. У, хурматли зот, асли Туркистон халқининг ҳаммасини бойбадавлат қилиш йўлларини ўйлайди. Аммо оммавий равишда фаровонликка эришмоқ учун эса, илм-маърифат, таълим-тарбияни ҳам оммавий равишда тўғри йўлга солиш зарур, яъни фуқароларнинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, моддий бойлигини ошириб бўлмайди, деган ғоя асарнинг бош йўналиши бўлиб чиқади.

Домулла куйиб-пишиб ўғлини ўқишга беришга даъват этгани билан Бойга унинг сўзлари таъсир этмайди, аксинча Домуллонинг сўзини кесиб, ҳатто ўзини ҳақорат қилиб, чиқариб юборади. Бой ўз давлатига махлиё бўлиб, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, жамият, тузум, фуқаро тақдири, Ватан - миллатнинг келажаги деган тушунчалардан йироқ. “Ай, Домулла! - дейди ниҳоят ғазабланиб Бой. - Сиз менга таҳқиқчими? Ўғил меники, сизга нима? Ўқиганни бири сиз, емоққа нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила менга насихат қилурсиз. Хайрулло! Мехмонхонани қулфла, уйқум келди...” Бу сўзларда Бойнинг мактаб, маърифат, таълим-тарбия ишларига тамоман ёт бир унсур эканлиги ифодаланган. Ўзида тарбия бўлмаган кимса бировга тарбия беролмайди, шунинг учун болалар билан бирга уларнинг ота-оналарини ҳам тарбиялаш - замонанинг энг катта муаммоси сифатида кун тартибига қўйилади. Бу жиҳатдан асардаги Домулла образи ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Домулла Бойдан ниҳоятда ранжиб, охири унинг ҳузуридан кетаётганда, ёшлар тарбиясига оид фикрларини шундай изхор этади: “Ўқимоқ ва мулло бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимиз холи бул, бас, бу кетиш ила мавзамбиллоҳ дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқимоқ барча мусулмонга, эркак ва хотун бўлсун фарз эди. У қайда қолди?! Ох, вой бизни ҳолимизга... Бой мен сизга амримаъруф этдим ва менга шариат бўйинча лозим бўлган ишни бўйнимдан соқит қилдим. Иншоллоҳ, мўйлаб чиқариб алифни таёқ демай турган ўғлингиз холини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз”

Бехбудий Туркистон аҳолиси орасидаги калтабин, ўжар, ўз билармонларни ғафлат уйқусидан уйғотишга, уларни янги замон тақозоси билан етук шахслар даражасига кўта-

ришга бутун қобилятини сарфлайди. Зотан, у миллатни ҳалокатдан сақлаб қолиш, қарамликдан қутқаришнинг ягона йўли шу деб биларди. Бой сингари катталарда кўринган нуқсонлар уларнинг болаларига ҳам юқиб бораётгани Бехбудий ва бутун жадидларни ташвишга солади. Бу жиҳатдан “Падаркуш” драмасидаги Зиёли образи фаолияти катта аҳамият касб этади. Зиёли Домуллога нисбатан ҳам илғор мулоҳазаларни баён қилади. Зиёли оврупоча таълим олган ва унинг ташки қиёфаси кийм-кечаклари, гап-сўзлари ҳам янгича, замонавий руҳни кўрсатиб туради. У Домуллонинг фикр-мулоҳазаларини янада кенгрок кўламда давом эттиради. Шариатда таъкидланган илм-маърифатга оид ақидаларни ҳам ҳозирги дунё миқёсида ривожланиб бораётган аниқ фанлар, маданий таракқиёт ҳақидаги маълумотларни ҳам анча чуқур баён қилишга интилади. У билдирган мулоҳазалар ҳам Бойга таъсир этмайди. Зиёли ўз мулоҳазаларида Туркистонда миллий мактабларни ривожлантириш, шунга яраша ўқимишли фуқароларни кўпайтириш, аввало, болаларни илм-маърифат билан тарбиялаш лозимлигини тушунтиради... “Олими замона бўлмоқ учун, - лейди зиёли, болаларни аввало мусулмони хат ва саводини чиқариб, зарурати диния ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сўнгра ҳукуматимизни низомли мактабларинда бермоқ керакдир: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб, тамом қилғонларидан сўнг Петербург, Москов дорилфунунлариға юбориб, докторлик, закончилик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, илму хикмаат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир...”

Россияга шерик бўлинса, хаттоки шу тарика ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истамбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдир...”

Зиёли мулоҳазалари Бехбудий ва бутун жадидчилик оқимининг ёшлар тарбиясига оид, илм-маърифат, таълим, мактаб-маориф ҳақидаги қарашларини тўла акс эттиради. Бинобарин унда ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват ўз ифодасини топган. Унинг сўзларидаги ёшларни дастлаб миллий мактабда хат-саводини чиқариш, уларга диний илмларни ўргатиш, ўз миллий урф-одатларимизни сингдириш, ундан кейин Россиянинг марказий шаҳарлари, гим-

назияларга, Франция, Америка, Истамбул сингари ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига юбориб, ўқитиш, фан-техника, иқтисод, ҳуқуқшунослик сингари муҳим сиёсий илмларни эгаллашга эришиш масалаларига оид фикрлар ҳамон эътиборни жалб этади.

Асарда мустамлакачилик сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли ва, айниқса, ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, маиший бузғунчилик тарқала бошлагани ҳам кўрсатилади. Армани миллатига мансуб Артун майхона-пивохоналарни кўплаб очиб юборди. Лиза сингари “қабиха” рус аёллари маҳаллий миллатга мансуб ёшларни кўплаб эргаштира бошлаган. Бундай бузилишлар ёшлар тарбиясини издан чиқариб, уларни ҳалокатга сургаб бораётгани Бехбудий сингари тарбиячиларни ташвишга солади. Бир тўда ёшлар Тангрикул, Давлат, Нор ва шулар билан бирга Бойнинг ўғли Тошмурод пивохонада ичкиликбозлик қилиб ўтиришади. Қадах кўтариб, оғзиларидан “боди кириб, шоди чикиб” туради. Маст-аласт ҳолда ҳеч кимдан тортинмай, кўнгилларига келган бемаъни, бепарда гапларни айтишади, “оҳ, Лизахон, қайдасан!” деб бакиришади... Тошмуродни мактаб, унинг саломатлигига кетма-кет ичишади. Унга ясама муомала қилиб, ёлғондан “Бойвачча, Бойвачча!” дейишиб, Тошмуродни баттар гердайтириб юборишади. Ёшлар тарбияси бузилаётгани Артунни ва Лизани қизиқтирмайди. Болалар Артун ва Лизалар талаб қилган пулларни топиш учун ўтрилик қилишади: безори, ичкиликбоз Нор, Давлат, Тангрикуллар маслаҳатлашиб Бойнинг бойлигини ўғирлашга Тошмуроднинг бошчилик қилишлигини унга уқтиришади. Бу ерда гап шундаки, Бехбудий ҳар бир бола ўз ота-онаси, оиласига душман демокчи эмас, ота-она билан бола ўртасига раҳна солиш мақсади йўқ. Фақат илмсизлик, ўқимаслик, саводсизлик орқасида келиб чиқадиган жохиллик ва онгсизлик туфайли рўй берадиган жиноий ишларга қарши нафрат уйғотиш, одамларни бундан огохлантиришни кўзда тутати. Агар Зиёли ва Домулла сўзларига амал қилиб, Бой ўз боласини қунт билан ўқитганда, Тошмурод, аввало, ёмон доирага Нор ва Давлат, Тангрикулларга қўшилмас, майхоналарга бормас, Артун ва Лизаларга ҳам дуч келмасди.

Тошмурод Тангрикулни кечаси ўз уйига бошлаб келади.

Давлат билан Нор кўчада пойлоқчилик қилишади. Уйлари-нинг эшигини очиб, отаси ётган хонага кириб, унинг бой-ликлари, пуллари солинган сандикни очиб, ҳаммасини олишади. Отаси уйғониб қолганини кўрган Тошмурод тўппончадан тепага қараб ўк узади, уй эгалари кий-чув бўлиб қолишади, кўни-кўшнилар ҳам югуришади. Шу орада Тангрикул Бойга пичоқ уриб, ўлдирди, Тошмурод билан бирга қочиб, уйдан чиқишади, яна Давлат, Нор - ҳаммаси биргалашиб, бояги майхонага бориб, маишатни давом эттиришади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай Тошмурод ҳам яна кайф-сафода... Улфатлар янада кўпайишади, энди Лизанинг саломатлигига “ура, ура” деб кўтаришади. Айни шу пайтларда ташқаридан шов-шув эшитилиб, миршаблар бостириб келишади, Лиза қочиб қолади, Тошмурод, Давлат, Тангрикул ва Нор қўлга олиниб, қамоққа тушади...

Зиёли бундай фожиадан қутилиш йўллари ҳақида ўз мулоҳазаларини айтади: “Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падарқушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирь ва бандга ва қиёматга, жаҳаннамга қолмас эди...”

Бехбудий таълим-тарбияси бузилган болалар туфайли ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган фожиалар даҳшатини иложи борича кишилар қалбига чуқурроқ таъсир эттириш учун Бойнинг талон-тарож бўлиши-ю, ҳатто ўлдирилишига ҳам ўз боласи бошчилиқ қилганини кўрсатади. Содир бўлган жиноятнинг икки дунёдаги оқибатларини ҳам изоҳлаб ўтади. Ҳаёти Сибирда чириса, охирати дўзахга маҳкумлигини очиқ айтади. Зиёлининг кейинги сўзларида Бехбудий мустамлакачилар келтирга ва келтираётган салбий таъсиридан қутилиш учун ҳам аҳолининг савиясини кўтариш; ўзлигини англашга ўргатиш лозимлигини уқтиради: “Бизларни, дейди у, хонавайрон, бачагриён ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар - ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир...”

Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тарика ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар ора-

мизда доимо ҳукмрон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимок ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдир. Оллоҳу таоло бошқаларга ҳашми ибрат ва сизларга сабр бергай”

Охирги жумлалардаги “ўқимок” ва “ўқитмоқ” сўзларига эътибор берилса, таълим-тарбия ишлари фақат ёшлар ўртасида эмас, шу билан бирга катталар (ота-оналар) ўртасида ҳам баробар олиб борилиши лозимлиги яна алоҳида таъкидланади.

Бехбудий ёшлар таълим-тарбияси ҳақида нима иш қилган, қандай фаолият кўрсатган бўлса, ҳаммасини асосан қарам туркий халқларнинг келажagini порлоқ, ўзларини мустақил, Ватанни обод, эл-юртни қарамчиликдан озод этиш учун қилган. Туркистондаги барча ота-оналарни ҳам, уларнинг ўғил-қазларини ҳам шу руҳда тарбиялашни кўзда тутган.

Бехбудий “Падаркуш” асарида таълимни оиладан бошлаш замоннинг бош масаласи қилиб қўйилади. Ўйлаб кўрилса, мазкур ғоя, фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунларда ҳам худди шундай бўлиб турибди. Мактаб билан оила бирлигига эришмоқ ҳамон педагогика фанининг энг йирик муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

*Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан, маънавий дунёқараш билан комусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган... XIX аср охири - XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди... Ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир.*

*Ислом Каримов*

Ҳамма гап шу нуқтада бир ипга чизилади, яъни моҳиятига етади, дейиш мумкин. Негаки, кадриятларимиз “оқланди” Буни ҳамма билади. Аммо минг афсуски, маънавий меросга ёндашишда гоҳо бир ёқламаликлар, гуруҳбозликлар, кўпинча маҳаллийчиликлар юз кўрсатмоқда. Ўз вақтида Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий каби

буюкларимиз ҳам бундай нуқсонларга дуч келганларида унга қарши бутун борлиқлари билан курашганликлари ҳақида талай далиллар бор...

Булар орасида Бехбудий жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида ғоят катта иш қўрсатган, ўз фаолияти билан замондошлари орасида ўта таъсирли, ибратлилиги билан ажралиб турган. Бехбудий замондошларидан айримларининг ўша даврларда, яъни XX асрнинг 10-йилликларидаёқ унга тан берганликлари ҳақидаги айрим маълумотлардан бир-икки мисол келтирамиз: шундан олдин, илгариги суҳбатларимиздаги бир нуқтани эслатиш жоиздир. Бехбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бўлган ва бу борада ўз даврида ғоят катта ва кенг қамровли таъсирга эга бўлганлиги ҳақида, унинг худди ўзи каби буюк замондошлари, айти барча даврларнинг энг етук зиёлилари сингари мардона тан олганлар... Демокчимизки, буюк даҳолар фаолиятига муносиб баҳо бериш учун камида уларга ҳар жиҳатдан яқинлаша олиш, ёки ҳатто улар билан тенглашиш даражасида бўлмоқ ҳам керак. Кези келганда айтиб ўтайлик. Абдулла Кодирий, Чўлпон, Фитрат ва уларнинг сафдошларини то 1990 йилларгача фақат қоралаб келганлар, орасида биронта маънавий ҳуқуқга эга бўлган кимсалар йўқ эди, уларни энг қалтис вазиятларда ҳам ёқлаб келганлар. Орасида эса, ҳамон ўз имон-эътиқодига содиқ қолганлар сероб эди... Аввалгиларини санасак, илонлар пўст ташлайди, кейингиларидан айримларини эслатб ўтамиз. Чунки ижобий ҳодисаларни минг марта айтиш мумкин, салбийларини жамоатчилик билади, уларни худога солиб қўя қоламиз, кўпларини неча марта эълон қилганмиз ҳам... Хуллас, миллий кадриятларимизни 50-60-йилларда тиклаш нақадар қалтис эканлигини ҳамма биларди. Шундай кезларда Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Иззат Султон, Яхё Ғуломов, Ҳадича Сулаймонова, Отабой Эшонов, Ҳамид Сулаймон, Саъди Сирожиддинов, қозоқ дўстимиз Мухтор Авезов, буюк ёзувчи ва олим - Ойбек, Абдулла Қаҳҳор бошларини гаровга қўйиб, ёқлаганлар, аммо айримлар тиш-тирноқлари билан бу ишга охириги нафаслари қолгунча қарши курашдилар... Агар Истиклол бўлмаса, улар ҳали

кўп “хунар” кўрсатар эдилар. Истиклол уларнинг нафасларини ўчирди...

Энди юқоридаги фикрни давом эттирамиз, орада бир оз “лирик” чекиниш килдик, узр. Чунки бу воқеа-ҳодисалар гирдобида ёнган шахс учун мазкур тарих нақадар ҳаёт-мамот билан тенг бўлганлигини ҳали куплар билмайди, билса ҳам, ҳис этмайди. Негаки, ўзи шахсан бошидан кечирмаган, четдан кўрган, томоша қилиб турган. Ҳозир эса энг олдинги сафларда “истиклолчиман” деб кўкрагига уриб, жар солади.

Бехбудийнинг бутун фаолияти, мақсади, эътиқоди, маориф, маърифат, миллий мутсакилик ғояларининг Туркистон ёшлари қалбига сингдиришдан иборат бўлганлигини Садриддин Айний шундай хотирлайди: “...Самарқандлик шахид муфтий Маҳмудхўжа идорасида чикатурғон “Ойчона” мужалласи бир даражада ёшларга ношири афкорлик вази-фасини ўтаб турар эди” (Садириддин Айний, асарлар, 1-т, 264-б).

Энди Абдулла Қодирийнинг Бехбудий фаолиятига оид фикрларидан бирига эътибор беринг: “1912 йилдан бошлаб Туркистонда татар қариндошлар тарафидан театру ўйинлари бўлиб турса ҳам, табиий бизим турмушимиздан четдарок бир руҳдаги асарлар ўлдудан ерли ёшларни у даражада ўзига жалб эта олмаган, тўғриси, ул вақтда Туркистон ёшлари жуда оз ва шу нисбатда шеърий асарлардан йироқ масофада турарлар эди.

1912 йилдан бошлаб, “Падаркуш” исминда ўз турмушимиздан олинган театру рисоласи Маҳмудхўжа Бехбудий тарафидан майдонга қўйилур. “Падаркуш” рисоласи Туркистоннинг умумий, деярлик ҳар бир катта-кичик шаҳарларида томошага қўйилиб, ёшларимиз учун бир даражада театру мақсади англашилур.

Бу ҳол 1912 йилдан 1917 йилларгача давом этиб, 1918 йилдан эътиборан, маълум ҳар бир иш учун кенг йўл очилдиғи каби маориф ишлари учун-да, ўртадаги тўсиқлар олингач, театрулар ёзмок иши ҳам ҳар бир қўлидан ёзув келадиган ёшлар ва ўқувчи-шоирлар учун бир эрмак ёки ҳавас шаклига кирди...” (“Иштирокиюн”, 1919 й.П.ХХП).

Шу ўринда бироз изох талаб мулоҳазаларга тўхтаб ўтишга

тўғри келади: Абдулла Қодирийнинг ҳар бир жумласи, ундаги сўзлар, ифодалар кўпинча бир қарашда сиртдан кўзга ташлангандай маънолари билан чекланмайди, аксар ҳар бир сўз тагида яширинган, яъни сиртдан қараганда кўринмайдиган талай маънолар заминиде яширинган бўлади: буни Қодирий асарларини чуқурроқ англай биладиган кимсалар билишади.

Биз юқорида келтирган кўчирмадаги маънолар ҳам бундан мустасно эмас... Кўчирма бир бутун махсус ёзилган мақоладан олингани учун “ёшлар учун”, “ўқувчи-шоирлар учун”, “эрмак”, “хавас” сингари сўзлар ишлатилган. Буни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Аммо муаллиф мақола давомида ўз мулоҳазаларини ғоят катта мақсадларни кўзлаб ёзган. Яхши сахна асарларини яратиш, театр санъатини ривожлантириш, унинг жамиятда тутган ўрни, катталару ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти халқимиз маданий-маънавий савиясини юксалтириш учун нақадар зарурлиги ҳақида ғоят чуқур илмий, назарий қарашларини баён қилади ва Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси бу соҳада маънавийтимизга қандай наф келтиришини катта ҳурмат ва эҳтиром билан шарҳлаб беради. Ниҳоят, айни шу асар таъсирида ўзининг “Бахтсиз куёв” отлик театр китобини ёзиб юборганини айтади...

Мана шу фикрларнинг ўзи ҳам Қодирийдек буюк ёзувчи маънавияти, маданияти, одоб-ахлоқи нақадар юксаклигини ва унинг мардона ҳалол қиёфасини яна бир бор намоён қилади. Негаки, ҳар кимлардан тўплаб олинган фикр-мулоҳазаларни фақат ўзиники қилиб эълон қилаверадиган чала муллалар, афсуски, буюк аждодларимизнинг фазилатларидан ибрат олишни истамайдилар, бироқ тарих буларни вақти келиб жойига қўяди, зеро ҳақиқат ахир бир кун юзага қалқиб чиқади, бу ҳаётнинг ёзилмаган қонуниятидир...

Бехбудий ўзи нақадар юксак маънавий қиёфага эга бўлгани ҳолда ўз тенгдошлари, устозлари, шогирдларига ғоят катта ҳурмат кўрсатган... Садриддин Айний, Фитрат, Вадуд Маҳмудларни тенгдош, шогирд деб эъзозлаган бўлса Гаспирали Исмоилбек, Муҳаммад Абдоларни устоз деб бошга қўтаради. (Исмоилбек Қрим татар жадиdlари



етакчиси, Муҳаммад Абдо - Миср фузалоси.)

Ана энди шу жихатдан Бехбудийга замондош бўлган матбуот, илм-маърифат соҳасида катта фаолиятлари билан XX асрнинг 10-20-йилларидаёқ кўзга кўринган зиёлилар каторига кирган Шўролар даврида “оз эмас-кўп эмас” дегандай, 28 йил камок лагерларида бўлиб, ниҳоят Сталин ўлгандан кейин киндик қони тўкилган Тошкентга қайтган йирик шарқшунос олим Лазиз Азиззоданинг Туркистонда фуқаролар уруши авжига чикиб, ерли аҳоли қони дарёдай оқаётган кезларда Бехбудий ҳақида нималар ёзганини бир эсалаб ўтамиз. Муаллифнинг биз келтираётган мулоҳазалари ўша йилларда чикиб турган “Маориф ва ўқитувчи” журнаlining 1926 йил, 2-сонида “Бехбудий” (Бехбудий ўлдирилганига 7 йил тўлиши муносабати билан) сарлавҳаси остида ёзилган... Эътибор қилинг-а, орадан роппа-роса етмиш тўрт йил ўтди. Аммо, Лазиз Азиззоданинг фикр-мулоҳазалари ҳамон эскирмайди. Нега? Буни қизиққанларнинг ўзларига ҳавола қиламиз... Хуллас, мана ўша фикрлар: “Бехбудий энг аввал Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқазиш ғоясини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истикбол курашига чақирганлардан дир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга, маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Бехбудий турганини кўрамиз. У ҳар вақт ўз мақолаларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очик, баъзан яширин ташвиқотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигига ҳам ҳужум қилар эди. Ул ўзи Туркистоннинг эски бир мадрасасидан чиққан бир киши бўлғони ҳолда Ғарб дорилфунунларини битириб келган кишиларнинг қилмағон ишхизматларини адо этиб кетди. Тарихимизда бу кунгача ҳарита чизиб майдонга кўринган бир киши бўлса, у ҳам ёлғиз Бехбудийдир...”

Мазкур мақола муаллифи Бехбудийнинг ўрис мустамлақачилик сиёсатига қарши курашлари, илм-фанни ривожлантириш, хонликлардаги ҳар жихатдан қолоқлик, хурофотларга қарши чиқишига катта баҳо бериб, уни Улуғбек ва Навоийлардан кейин учинчи ўринга қўяди. Муаллиф

шу жиҳатдан Бехбудийни Ғарб оламида катта мавқега эга бўлган Жа.л Жак Руссо, Ломоносов, Чернишевский, Писаревлар, Кавказ туркларидан Фатҳали ва Нажафбек, татарлардан Маржоний ва Носирий билан бир қаторда туражагини таъкидлайди... Ниҳоят муаллиф Бехбудийнинг номини абадийлаштириш масаласини қўяди, аниқ таклифлар қилади. Бу борада жаҳонда қилинаётган айрим ишлардан ибратлиларини санаб ўтади ҳам. “ Бугун Лондонда Хайём исмига хотиротлар бор. Навоийнинг адабий хизматига беш юз йил тўлиши муносабати ила французлар байрам қилиб, Навоийнинг хизматлари ҳақида узун-узун мақолалар ёзарлар... 7 йил жим турдик, шу етар. Энди унинг исминини абадий қолдирмоқ учун ҳеч бўлмаса унинг номига мактаблар очмоқ, талаба тарбияси учун сармоя фонд ташкил этмак, босмоғон асарларини бостирмоқ, таржимаий ҳолини ёздириб чоп эттирмак, муҳим асарларини тўплаб бостирмоқ вақти етгандир. Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир кишига ҳайкал қўйиладигон бўлса, шубҳасиз, у Бехбудийнинг ҳайкали бўлғусидир. Унинг асарларини бостиришда яқин мозийдаги тарихий инкшофимизни билмак учун Бехбудий эмас, бехбудийларнинг хизматлари зиминлари ҳам ўринлари ила танишмоғимизнинг ҳозирдоғи ҳам келгусидоғи аҳамиятин эслан чиқармаслик керак...”

Шуни афсус билан қайд этмоқ лозимки, Бехбудийдек дунёга номи кетган буюк сиймонинг шаънига қарийб элли йиллар мобайнида, яъни қатл этилгандан кейинги 20-йиллардан то 80-йилларнинг охирларигача таъна тошлари отилиб келди... Ниҳоят, 1988 йилда “Гулистон” журналида унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида биргина кичик мақола эълон қилинган эди. Дарҳол бир адабиётшунос: “Бунда фактик хато бор. Бехбудий ҳақида ижобий фикрлар мавжуд мақолалар бор, деб даъво қилди. Қани, қаерда деган сўроққа битта мисол айтилди, санъатшунос олим Мамажон Рахмоновнинг “Ўзбек театри” тарихига оид китоби эслатилди. Камина бу китоб билан илгари таниш эдим. Лекин кечкурун ўша саҳифани бошқатдан ўқиб чикдим. Аҳвол ўша, биз айтгандек, “Бехбудий миллатчи, маҳаллий буржуазия мафкурачиси...” ва хоказо таъна тошлари билан

тўла. Бу китоб 1959 йилда чиққан ва унда бошқача шарҳлар бўлмаслиги ҳам бизга маълум эди. Аммо начора, “ўзи емайди, бировга ҳам бермайди” кабилида ҳаётда яшаб келатганлардек, адабий жараёнда ҳам бундайлар тўлиб ётибди.

Биз юқорида мақоласидан кўчирма келтирган сиймоларнинг фикр-мулоҳазаларига қаранг-да, бугунги айрим ғаразгўйларнинг билдирган фикрлари билан қиёсланг: бирлари бундан бир асрча аввал айтилиб, ҳамон эскириш у ёқда турсин, бугунги ҳаётимизга, ривожланишимизга, мустақил республикамизнинг маънавий оламини бойитишга кўмак беради, иккинчисида на илмий замин, на холис яхши ният бор?! Бу ҳали 1988 йилдаги мустақиллик шабадалари эндигина эсиб, собиқ шўролар ҳокимияти парчаланишга бошлаган вақтдаги аҳвол, 1959-1960 ва 70-йилларда миллий тарихимиз, анъаналаримиз, энг илғор урф-одатларимиз, ниҳоят адабий меросимизни тиклаш борасидаги курашларда нималарга дуч келганимизни. қандай тўсиқлардан ўтиб, минг шукрки бугунги кунларга етиб келганларимизни, ақли расо, иймон-эътиқоди бутун кимсаларгина тўғри тасаввур эта оладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, ҳар қандай тарих, ҳар қандай мерос, маърифий, маънавий кадриятларимизни қачонки тиклаш, ўрганишга киришар эканмиз, аввало унинг бугунги ва эртанги тараккиётимиз учун энг керакли нукталарини танлаб оламиз: бу битмас-туганмас маънавий хазинанинг биз учун ҳам, биздан кейинги авлодларимиз учун қиммати ва аҳамияти айни шундадир... Бу соҳага умрини бағишлаганларнинг ҳар нафасидан “кир” излаб олий мақсадларга етиб бўлмайди.

Бехбудийдан қолган маънавий, маърифий мерослар ҳақида илгарилари ҳам ёзганмиз, асарлари, номлари бир неча бор санаб эълон қилинган. Такрорлашга ҳожат йўқ. Аммо айрим ижодий маҳсулотларнинг бугунги оила, бола тарбияси, мактаб-маориф ишлари, булар ўртасидаги муносабатлар, айниқса, бола тарбиясида ота-оналарнинг ўрни каби муаммолар билан боғлиқ мероси ҳақида ҳамон гапириш, уларни қайта-қайта эслатиб туриш жоиздир. Айрим адабиётшунослар бу масалада ҳам меросни сунъий равишда бегоналаштириш керак эмас, деган дўқ ёки даъволар билан

бош кўтараётганларни кузатиб бораётганларни билишади. Курук насихат билан иш битмайди. Шундай қарашларга қарши биз яна чиқамиз. Бундан қарийб 90 йиллар илгари ёзилган “Падаркуш” драмаси ўзининг ғоявий мундарижаси билан бутун бирон аҳамияти борми ёки йўқми? Абдулла Қодирий ва унинг ўнлаб ҳамфикр сафдошлари ХХ асрнинг 10-20-йилларидаёқ бу асарни кўкларга кўтарганлар. Вахотланки, улар Шекспир, Шиллер, Карло Гоцци асарлари билан чуқур таниш эдилар ва айрим калтабинлардан кўра чуқурроқ тушунардилар. Лекин Бехбудий асарига жуда катта эътибор бердилар. Нега? Чунки улар асарда кўтарилган ғоя билан қалблари тўлиб тошган, маънавият, маърифат, маданият сари бутун жамиятни, аввало, ўз миллий қавмларини етаклашни олий мақсад қилиб олган, ана шу руҳда халқ оммаси дарди билан ёниб яшар эдилар. Зеро, ўша йилларда Туркистон мустамлакачилик зулми остида эзилиб, бор-йўғи талон-тарож қилиниб ётибди-ку, ўзимиздан чикқан “лаббайчилар” “Юртимиз обод бўлди, Россия бизга маданият келтирди” деб жар солардилар. Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва Қодирийлар буни сезмай қололмадилар... Аммо шуни аниқ таъкидлаймизки, уларнинг биронтаси ҳам русдан, инглиздан, француздан ва бошқа барча миллатнинг биронтасига ғаразлик қилган эмаслар. Хаммасининг ибратли томонларидан ўрганиш, илми, маърифати, маданияти, фан-техникасидан намуна олиб ўз миллатини жаҳон миқёсидаги рақобатларга дош бериш, улар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий, сиёсий алоқалар ўрнатишни тарғиб этганлар. Бунинг учун, аввало, катталарни, ота-оналарни, ёшлар ва болаларни тарбиялаш, кўзини очиш, ўқитиш, таълим бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этади деб ҳисоблардилар. Ўйлаб қаранг, бу ғоя ҳозир ҳам нақадар кучли мантиқ билан жаранглаётганини ҳаммамиз ҳам тўла идрок этамизми?! Агар этсак, Бехбудий худди шу ғоя билан замондошларининг эътиборини жалб этган эди. Бугина эмас, Бехбудий рус ва бошқа Оврўпо маданиятига ҳурмат билан қарашни ҳамиша қаттиқ уқтириб келган ва шу билан бирга ўз миллий анъаналаримиз, илғор урф-одатларимиз, яъни миллий ўзлигимизни йўқотмаслик, диний эътикод билан хуро-

фотларни аралаштирмаслик каби ғоят муҳим муаммоларни ўртага қўяди.

Бу мавзу, айти шу ғоя бугун қандай муҳим ўринга эга эканлигини ўйлаб қарасак, Бехбудий ва унинг ҳамфикр замондошларидан бизга қолган маънавий хазинанинг қиммати ҳамон бебаҳо эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Оила, фарзанд тарбияси, мактаб, муаллимлар ўртасида самимий муносабатлар жамиятда ҳамيشа муҳим аҳамият касб этишини ўйлаш эса, барчамизнинг олий мақсади-миздир.

# Абдурауф Фитрат

*Умрлар бўладики, тиригида ўликдир,  
Умрлар бўладики, мангуликка тирикдир.*

*Мақсуд Шайхзода*

## Фитратнинг ижтимоий фаолияти

Фитрат ҳақида гап кетганда, унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ҳар хил талқин қилиниб келинади. Ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳам баъзан турлича изоҳланади. Фитратнинг адабий фаолияти чиндан ҳам жуда мураккаб, дунёқарашидаги илк давр билан кейинги даврлари орасида фарқ бор. Унинг 1910 йиллардаги дунёқараши бошқа, 20-30-йиллардаги қарашлари бошқача эди: у дастлаб барча тараққийпарвар кучлар сингари демократик ислохотлар тарафдори бўлди. Кейинчалик эса, Октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг инқилоб томонига ўтиб, уни саклаб қолиш учун курашди. Инқилобга ғоят катта умид боғлаб, унинг душманларини фош этиш, “ёт унсурларга” қарши кескин кураш расм бўлган жараёнларга бутун ижодий ва ижтимоий фаолиятини бағишлади. 1905 йилги рус инқилобидан кейин мамлакатда рўй бераётган тангликлар, зиддиятлар, Октябрь инқилоби арафаларидаги миллий озодлик ҳаракатлари, биринчи жаҳон уруши, мардикор олиш воқеалари, мустамлакачилик сиёсати ва зулмга қарши Ўрта Осиё халқлари орасидаги уйғониш ва озодлик учун бошланган ҳаракатлар Фитрат дунёқараши шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Сталинчи қотилларнинг қора қонга бўялган жирканч қўлларида қатл этилган бегуноҳ, энг покиза аждодларимиз орасида Фитрат ҳам бор эди.

Фитрат асримизнинг бошлари - 1910 йиллардан то 1937 йилларгача узлуксиз ижод қилиб, ўзбек адабиётида шоир, олим, ёзувчи, драматург сифатида танилди. У талай шеър, хикоя, пьеса, адабий-танқидий мақолалар, қўлланмалар, тил-адабиётни ўрганишга оид дарсликлар ёзди, Бедил, Умар Ҳайём каби классиклар асарларидан таржималар қилди, уларнинг илмий-фалсафий, поэтик таълимотлари-

ни чуқур ўрганди. Ўргандигина эмас, уларнинг буюк мактабларидан ижодий фойдаланди. Бундай ғайрат ва шижоат билан ўқиш. ўрганиш Фитратни катта шоир, ёзувчи ва олим даражасига кўтарди. Зотан, Ўрта Осиё олимлари ва ёзувчилари орасида биргина Фитрат Ленинград (аввал ва hozирги Санкт-Петербург) Давлат дорилфунуни томонидан 20-йиллардаёқ профессорлик унвонини олишга мурасар бўлди. Кўришиб турибдики, Фитратнинг олимлигини 20-йиллардаёқ Россия шарқшунослари тан олганлар. Бугина эмас, Фитратнинг номи хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам танилган ва тан олинган эди. Истанбул дорилфунунида таълим олиб, Шарқ халқлари тарихи, адабиёти соҳасида йирик мутахассис даражасига кўтарилган Фитрат академик Иззат Султоннинг гувоҳлик беришлари ва тасдиқлашларича Қоҳира Дорилфунунига доимий ишлаш учун тақлиф қилинган. Аммо Фитрат ўз ватанини тарк этишни истамай уни рад этган. Бу воқеа 30-йилларнинг биринчи ярмида рўй берган шу йилларда Иззат Султон аспирантурада ўқиётган даври бўлиб, Фитрат унга илмий раҳбар бўлган эди. Ҳаммамизга маълумки. ватанпарварлик руҳи бизнинг миллатимизда ҳаммадан кўра кучли деса бўлади. 20-30-йиллардаги фожиалар, тақиқлар, камашлар, отиб ташлашлар қанчалик авжга миниб, ҳар куни, ҳар соатда таҳдид солиб турганига қарамай, қатл этилган зиёлиларимизнинг биронтаси хорижга қочиб кетишга ҳаракат қилганлари йўқ. Агар Фитрат Қоҳирага ишга боришга розилик бериб, жўнаб кетганда, эхтимол, ҳаёти сақланиб қоларди, ўзбек адабиётига ўша ёқларда туриб ҳам хизмат қиларди, шунда биз ҳам “Чет эллардаги ўзбек адабиёти” туркумини очган бўлармидик. Зотан, марказий матбуотларимизда hozир ўша йилларда қочиб кетган рус ёзувчилари ижодини ўрганишга ҳаммадан кўпроқ ўрин берилаётганини кўриб турибмиз.

20-йиллар ўзбек адабиёти ривожига хисса қўшган деярлик ҳамма ёзувчиларимиз каторида Фитрат ҳам бизга жуда бой ва ўлмас мерос қолдирди. Уларнинг асарларини ўрганиш, холис тадқиқ этишда бир нуқтани доимо эсда тутиш лозим бўлади, баъзан асарларда жуда мураккаб, рамзий, зиддиятли ўринларга дуч келамиз ва худди шулар

туфайли уларнинг асарлари ўша даврларда қатағон қилиниб, ўзлари ҳам ноҳақ қатл этилди. Ваҳоланки, мазкур мураккабликлар, зиддиятлар ҳаётнинг ўзида шундай рўй берган бўлиб, ўша давр акс-садоси сифатида қаралса, бадий асарлар эса ҳуди шу хусусиятлари билан ҳаққоний, тўғри, яъни реалистик асарлар сифатида баҳоланса, бизнингча, адолатли бўлур эди. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва уларнинг сафдошларидан қолган бой мерос, айрим камчилик ва нуқсонлар бор бўлгани холда, асос-эътибори билан янги давр адабиётининг мустаҳкам, чинакам бадий заминини яратди, биз ҳеч қачон ундан воз кечолмаймиз. Улар ижодини ҳар қандай камситиш заминни нуратишга олиб боради. Буларнинг бири совет ҳукумати номидан отиб ташланган, бири қамалган, бири чет элларга қочиб қутилгани энди ҳеч кимга сир эмас. Бунин, Набоковлар хорижга кетганча, муҳожирликда қолиб кетдилар. Октябрь тўнтаришини умуман қабул қилмадилар, умрларининг охиригача ҳам у томонга ўтганлари йўқ. Рус ҳамкасбларимиз муҳожирликда қолиб кетган ёзувчиларини гарчи четда туриб бўлса-да, ўз халқига ҳурмат билан қараганлиги туфайли ҳурматлаб асарларини босиб чиқармоқдалар.

Атоқли ёзувчи В.Катаев вафотидан биров илгари “Литературная газета” да зиёлилар ва зиёлилик ҳақида бир мақола ёзди. Унда муаллиф ўта жиддий муаммоларни ўртага ташлади. Зиёли деган буюк шарафга, деб таъкидланади мақолада, ҳар киши фақат ҳужжат билан муносиб бўлавермайди; чинакам зиёли бутун қалби, иши билан кўришиб туриши лозим. Шундан кейин В.Катаев агар бизнинг мамлакатимизда зиёлилик чиндан ҳам мавжуд бўлганда, шахсга сиғиниш ва турғунлик даври фожиалари юз бермаган бўларди, деган ғояни илгари суради. Тўғри, ҳақиқий зиёли ўз халқига, ватанига ҳеч қачон хиёнат қилмайди, ёмонликни раво кўрмайди. Мақола муаллифи бизда зиёлилар умуман халқимиз талабларига жавоб беролмаётган бир шароитда зўр бериб ишчи-деҳқон табақасига кенг йўл бераётгани, аммо зиёлилар табақасини чеклашга уринилаётганини куйиб-пишиб қоралайди.

Мазкур мақола муаллифи Буниннинг хотини билан учрашгани ва суҳбатлашганини таъкидлаб, суҳбатлардан



парчалар ҳам келтиради, шу суҳбат моҳияти бизнинг ишимизга гарчи бевосита алоқаси бўлмаса-да, билвосита алоқаси бор:

- Нега Бунинг ватанига кайтмади? - деб сўрайди В. Катаев.

Кексайиб қолган чоғларида турмуш тарзини ўзгартиргиси келмади, - деб жавоб қилади Бунинг хотини.

- Ҳа, Бунинг инқилобни қабул қилмади, - дейди Катаев.

Рус адабиётшунослари бундай ҳодисаларга бағрикенглик билан қараб, Бунинг сингари ёзувчиларнинг юбилейларини ўтказмоқдалар, асарларини қўлаб нашр қилмоқдалар. Биз лоақал кўз олдимиздаги шу воқеалардан ҳам дурустрок ўрнак ололмаяпмиз, чамаси. Ишлар бизда гоҳо жуда суст кетаётгани билан ташвишга солади.

Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Тавалло каби шоир ва ёзувчиларимиз адабиёт оламига илк қадам қўйганларида Ўрта Осиё ўлкаларида миллий уйғониш, миллий озодлик ҳаракатлари етилиб келаётган, чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашлар авж олаётган, янгича дунёқараш шаклланиб келаётган бир давр эди. Бизнинг зиёлиларимиз ҳам худди Бунинг, А. Толстой, Есенин, Гумилевлар сингари тангликни кечирмоқда эдилар. Зотан ҳаётнинг ўзи асли шундай эди. Ўзбек зиёлилари 1905-10 йилларда янгича дунёқарашни худди шу йилларда авж олган жадидчилик деб аталган ҳаракат тарафдорларига эргашишдан бошладилар дейилса, хато бўлмаса керак. Бу ҳаракатнинг Ўрта Осиёдаги етакчилари

Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаевлар жараённи тобора кенг қўламда ривожлантиришга бутун эътиборларини берган эдилар. Фитратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти дастлаб мана шу ҳаракат билан маҳкам боғлиқ ҳолда ривожланди.

Фитрат дастлабки таълимни Бухорода олгандан кейин Истамбул дорулфунунида двом эттирди. Фитратнинг айна шу кезларда - йигитлигида янгича дунёқарашни шаклланди. Марказий Осиёда янгича демократик дунёқарашлар вужудга келган эди. У ўз навбатида халқ оммасининг турли қатламларини эргаштирмоқда эди. Мазкур ҳаракат раҳбарлари ўз фаолиятларини ўрта асрчилик биқиқлигига яккахокимчилик зулмига қарши “Хуррият, қардошлик ва адолат” деган шиорлардан бошлаб, демократик эркин-

ликни жорий этишга, халқ оммаси ахволини яхшилашга ваъда бердилар. Шунинг учун ҳам халқ оммаси уларга ишонади ва қўллаб-қувватлайди. Фитрат, айтилган даврда жаҳон миқёсида содир бўлаётган янги муносабатлар таъсирида бўлди ва халқ оммасини бахтли қиладиган йўл шу деб билди. Фитрат илк ижодий фаолиятини бошлаган дастлабки йиллардаги мазкур муносабатлар Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатларига ҳам кенг миқёсда ёйилмоқда эди. Аммо 1910-1911 йилларга келиб, Эрондаги реакцион кучлар демократик ҳаракатларга қарши курашда ғолиб чиқиб, уларни тор-мор келтиради. Ёш Фитрат дунё воқеаларини эндигина идрок этаётган кезларда бу воқеалардан ҳам батафсил хабардор бўлди, мазкур воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси унинг дастлабки дунёқарашида ўчмас из қолдирди, дунё воқеаларига фаол муносабатда бўлишга чорлади.

Фитрат 1910 йилдаёқ Ёш бухороликлар ҳаракатига қўшилди ва унинг ишларида жуда фаол иштирок этиб, ниҳоят бу ҳаракатнинг етакчи, энг кўзга кўринган арбобларидан бири даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам Фитратнинг илк ижодий фаолияти тараққийпарварлар ҳаракати дунёқарашларини ёрқин ифода этади.

Ёш бухороликлар ҳам дастлаб худди Ёш турклар, сингари, амирлик усул-идорасига ислоҳ киритиш, яъни мазкур давлат бошқариш усулининг ўзини конституцияли тузумга айлантириш, ана шу йўл билан ўлкада европача илм-маърифатни ровожлантириш, янги усул мактаблари очиш, унда дунёвий фанларни кенг жорий қилиш шиорлари билан майдонга чиқдилар. Мазкур ҳаракат дастурлари кенг омма, айтганимиз қуйи табақа ва зиёлиларга маъқул келиб, тез орада бутун Осиёга ёйилиб кетди. Даврнинг илғор зиёлилари бу ҳаракатга кун сайин қўллаб қўшилавердилар. Ниҳоят, янги фикрловчи, янгилик тарафдорлари, тараққийпарвар шахсларни халқ ўртасида “Жадидлар”, эскилик тарафдорларини эса “Қадимийлар” деб аталадиган бўлди. Драматург Хуршид мазкур ҳаракат арбоблари фаолиятини ифодалашга бағишлаб, “Жадид ва Қадим” номли бир пьеса ёзган. Кези келганда айтиб ўтайлик, Абдулла Қодирий мазкур пьеса ҳақида тақриз ёзиб уни каттиқ танқид қилади.

Қодирий асарнинг туб моҳиятига қаттиқ қаршилиқ кўрса-тади. Асарда Жадид билан Қадим ўртасида кескин кураш бошланиб, Жадид Қадимни тор-мор қилиб ташлайди. А.Қодирий, тараққиётни шу усулда кураш йўли билан таъминланади деб тушунишга ҳамиша қарши эди, бу тушунчани то умрнинг охиригача ҳам тарк этмади. Биринчи буюк романига ёзган сўз бошисида ҳам “Мозийга қайтиб иш кўришни хайрли” деб бежиз айтмаган эди. Ҳаёт Қодирийнинг юз фоиз ҳақли эканлигини тасдиқлади. Зотан, келажак ўтмишдан келиб чиқиши ҳаётнинг қонунияти эканлиги то 80-йилларгача иикор этиб келинганлиги қандай фожиларга сургаб келганини энди ҳеч ким инкор этмас. Хуллас, ўзбек тараққийпарварлари, юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, европача маданий-оқартув ишларини ривожлантиришга катта аҳамият бердилар. Мактабларни ислох қилиш, унда аниқ, табиий фанларни ўқитиш масалалари уларнинг барча фаолиятлари негизини ташкил этарди. Файзулла Хўжаев тараққийпарварларнинг таркиби ва мақсади ҳақида шундай деб ёзади: “Демократия ва савдо капиталининг идеологлари бўлган жадидлар дастлаб янги усул мактаблари очиш, европача таълим бериш ва лоақал чекланган тарзда бўлса ҳам матбуот эркинлиги бериш керак, деган талабларни кўтариб чикдилар. Улар мана шу зарур шарт-шароит бўлгандагина озодликка эришиш мумкин деб ўйлар эдилар... Жадидлар ташкилоти, асосан шаҳар майда буржуазиясидан ташкил топган эди... Қуйида унинг дастлабки ташкилотчиларидан баъзиларининг номлари ва социал келиб чиқишларини кўрсатиб ўтаман: Садриддин Айний мадраса талабаси; деҳқон - Абдувоҳид Бурхонов, мирза бўлиб ишлаган, кейин майда савдогарчилик билан шуғулланган; Фитрат - шаҳар савдогарининг ўғли, мадраса талабаси, шоир; Усмон Хўжаев мулла ва савдогарнинг ўғли; Жўрабоев - вобкентлик ‘деҳқон, ўзининг қишлоғида биринчи бўлиб янги усул мактаби очган киши... /Танланган асарлар, уч томлик. I т. ЎзССР. “Фан” нашриёти. Т. 1976 йил. 89-94-бетлар/ Фитрат илк ижодий фаолиятини бошлаган дастлабки муҳит мана шундай эди.

1917 йилги февраль инқилоби натижасида Россияда юз берган воқеаларга жадидлар жуда катта қизиқиш билан

карайдилар, муваккат ҳукуматга катта умид боғлайдилар, ўз мақсадлари йўлида ундан мадад олмоқчи бўладилар. Улар ишни янада кенгрок миқёсда жонлантиришни кўзлаб ўз ичларида Марказий Қўмита ташкил этишди. Қўмитага Абдувоҳид Бурхонов раис, Фитрат саркотиб, Файзулла Хўжаев ва бошқа бир қатор фаоллар аъзо қилиб сайландилар. Қўмита номидан ёрдам сўраб Муваккат ҳукуматга махсус /махфий/ телеграмма юборилади. Телеграммага ҳам бир аъзо билан бирга Фитрат имзо чекади. Марказий қўмита ўз режаларини амалга оширишни тезлаштириш ва бу ишга Россиядаги бошқа мусулмонларни ҳам жалб этишга қарор қилади. Икки кишидан иборат мазкур делегатнинг бири Фитрат эди. Фитрат ташкилотнинг етакчи раҳбарларидан бири сифатида ўзини кўрсатди ва 10-йиллардаёқ тараққийпарвар ташкилотчи, шоир ва ёзувчи бўлиб танилади. Жадидлар Қўмитаси Ёш бухороликларнинг ислохотлар дастури лойиҳасини тузишни ҳам Фитратга топширади.

Фитрат лойиҳани ишлаб чиқади. Мазкур лойиҳанинг энг асосий қисми - Бухорода давлатнинг феодал-монархия усул идорасини ўзгартирмай туриб, унга маърифатни синдириш, яъни мавжуд монархияни маърифатли, адолатли монархияга айлантиришдан иборат, деган ғояни ифодалайди.

Лойиҳада ер-сувга муносабат, вақф ерлари, солиқларни тартибга солиш, деҳқонлар ва умумхалқ оммаси ахволини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар кўзда тутилган. Бирок лойиҳада кўзланган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам амалга ошавермасди, бинобарин унинг туб негизи чекланган. Яъни улар дастлаб амирлик тузумига ислох киритишни кўзда тутганлар, мавжуд тузумда туриб уларнинг ниятлари амалга ошмасди. Кейинчалик буни ўзлари ҳам тушуниб етадилар ва ҳаракат фаолиятларини ўзгартириб, уни инқилобийлаштирадилар. Кўриниб турибдики, Фитрат тузиб, Ёш бухороликлар Марказий Қўмитаси тасдиқлаган дастур лойиҳаси, асос эътибори билан буржуа-демократик талаблар доирасида бўлиб, асримиз бошларидаги вазиятда инқилобий йўналишнинг ўзгинаси эди. Аммо лойиҳада ўша давр учун муҳим бир нуқта вазият билан ҳисоблашган ҳолда монархияни сақлаб қолиш очик айтилган. Бу Ёш

бухороликларнинг дастлабки ҳаракат дастури эди ҳолос. Мана Фитрат дунёқараши дастлаб шакллана бошлаган давр, Октябрь инқилоби арафаларидаги муҳит, вазият, шарт-шароитлар, жумладан, мана шундай эди. Демак, бундан келиб чиқадиган ҳулоса шу бўладики, Фитрат ижодиёти ҳақида гап кетганда, унинг жадидчилик билан маҳкам боғланган ҳолда тасаввур қиламиз, бусиз унинг асрларига тўғри баҳо бериб бўлмайди. Фитратнинг 1910 йилларда ёзган дастлабки асарлари - “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”, “Сайҳа” ҳамда 20-йилларда ёзган “Бедил” /Бир мажлисда/, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Чин севиш”, “Форс шоири Умар Хайём” сингари асарларида илк дунёқарашидаги биз юқорида таъкидлаб ўтган нуқталар аниқ ифодаланган. Мазкур асарларни таҳлил қилганда, бу масалага бир қадар кенгрок ўрин берармиз.

Октябрь инқилобигача муайян бир йўналишда турган зиёли ўз қарашларини бирданига, бир кунда ўзгартириб юбора олмас эди. Аммо кундалик шамолга қараб юзини буриб турган ёзувчилар ҳам бўлади, улар тарихда ҳеч қачон жамоатчилик эътиборини қозонган эмас, нафратига учраган. Бундайларни ҳозиргача учратиб турамиз. Фитрат ва унинг ҳамфиқрлари воқеаларни фалсафий идрок этишни билардилар. У ҳам барча жадидлар сингари дастлаб Европа маданиятига, дунёвий илм-фанга ҳавас билан қарайди, зўр бериб шуни тарғиб қилади. Агар биз асримизнинг 10-йилларида ёзилган шеърят, наср, сахна асарларига назар ташласак, деярлик ҳаммасида маърифатпарварлик ғоясини тарғиб қилиш билан, Европа маданиятидан ибрат олишга даъват яққол кўзга ташланади. Жумладан, Бехбудий “Падаркуш” драмасида, Ҳамза “Янги саодат” хикоясида, Абдулла Қодирий “Бахтсиз куёв” драмасида, “Аҳволимиз”, “Миллатимга” шеърлари ва “Жувонбоз” хикоясида, Тавалло “Ризвон бувининг алласи” каби қатор ҳажвий шеърларида ўлкамиздаги қоқоқлик ва жаҳолатдан ғоят норози кайфиятларини ифода этганлар. Барча қабоҳат, жиноят, қоқоқлик фақат маърифатсизликдан келиб чиқаётганини таъкидлаш мазкур асарларнинг ҳаммасига ҳос хусусиятдир. Маърифатпарварлик тарғиб қилинган ҳар бир асар муаллифи ўлкадаги жаҳолатдан беҳад азоб чекаётгани, бутун вужуди

куйиб бораётгани сезилиб туради.

Агар Абдулла Қодирий “Аҳволимиз” /1915/ шеърида:

Кўр бизнинг аҳволимиз, гафлатда кандай ётамиз,  
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.  
Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,  
На худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз. - деб  
куйинса,

Тавалло ўзига пичинг йўли, услуби билан мазкур ғояни  
янада чуқурлаштиради:

Очма кўз жаҳолатдан,  
Ухла ўғлим, алло кил.  
Илму фан на лозимдир,  
Базму айшу ялло кил.

Ғайрату хамиятни  
Қилмағил хавас харгиз,  
Такая гузарларда  
Ханграб, таралло кил.

Яхшиликка юзланма.  
Қарта-ю, кимор ўйна.  
Ичкилик деган йўлда  
Ҳимматингни боло кил.

Хамза Ҳакимзода эса “Янги саодат”га қўйган эпитафияда

Ўқиб таҳсил илм айла, маориф шарбатин ютқил,

Танингни жохилдан қутқар, ғами миллат била ўтқил,

- дейди.

Шу жумладан, Фитрат ҳам насрий ва драматик асарларидан ташқари, шеърларида ҳам юқоридаги ғояни ўз сафдошларига ҳамоҳанг бўлиб тарғиб қилади. Масалан унинг “Ўғут” шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.  
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-ла  
Бу юрт учун қутилишининг борлигин кўрдим.  
Турма, югур, тинма, тириш, букулма, юксал!  
Хурма, кириш, қўркма, ёпиш, юрма, кўзғол!  
Эл йўлини тўсиб турғон эски булутларни

Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қила олмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрликдир бу!..  
Йиқил, йўқол, кет!

Кўриниб турибдики, асримиз бошларида адабиётга кириб келган аждодларимиз зўр бериб илм-маърифатни тарғиб этишга бутун ижодий фаолиятларини бағишлаганлар, шу билан бирга жаҳолатни муттасил қоралаб келганлар. Бу ҳаракатнинг ташаббускорлари, ғоявий етакчилари ўзбек жадидлари эди. Мазкур ҳаракатга тўсик бўлган реакцион кучларга қарши шиддатли кураш олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этар, худди шу туфайли эскилик тарафдорлари бўлган айрим уламолар билан улар ўртасида кескин курашлар келиб чиқар эди. Мазкур тараққийпарварлар динни инкор этмагани ҳолда маърифатни ёқлаганлари учун уларни даҳрий деб эълон қилинади, худди шу қараш билан Бехбудий ва унинг дўстлари 1919 йилда Бухоро амири буйруғи билан Қарши беклигида (Тоғайбек томонидан) ваҳшийларча қатл этилганлигини таъкидлаб ўтганмиз. Тараққийпарвар жадидлар тақдирининг фожиалари шунда эдики, Бухоро амирлиги уларни “маҳаллий миллатчи ва дин тарафдорлари” тамғаси билан қириб ташлади. Ҳам амирлик, ҳам совет давлати томонидан жазога тортилган жадидлар асли бизнинг тарихимизда, асос-эътибори билан зўр ижобий роль ўйнаган эдилар. Агар уларнинг тараққиёт йўлида олға сурган кўпчилик масалалари бизда эндигина кун тартибига чиқаётган вазибалар билан ҳамоҳанг бўлаётганини идрок этилса, ўзбек жадидлари халқимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлида қанчалик ҳақли эканликларини тушуниш қийин эмас. Жумладан, тараққий этган Ғарбий Европа мамлакатларидан ўрнак олиш, аммо миллий мустақилликни қўлдан бермаслик, уларнинг мустамакачилик сиёсатига қарши кураш ғоясини улар асримизнинг бошларида кўтариб чиққан эдилар. Биз эса, маълумки, эндигина бу масалага очик-ойдин ёндашмоқдамиз. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, демократия учун курашда яққоқимликни йўқ қилиб, парламентария йўли билан давлатни бошқариш, ер тақсимоти, солиқларни тартибга солиш ва уларнинг аниқ ҳисоб-китобини қилган ҳолда жамият ман-

фаати йўлида сарфлаш каби талай муаммолар бизда энди-гина кун тартибига чиқмоқда. Жадидлар мана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳақида 10-йиллардан бошлаб шуғулланган эдилар. Шунчалик илғор ғояларни илгари сурган ўзбек жадидлари шаънига то кейинги йилларгача нукул салбий, уйдирма гапларни айтиб келинди, ҳеч қандай асоссиз уларни факат қоралаб келиндики, эндиликда барча соҳалардаги каби бу масалага ҳам тўғри ва ҳалол ёндашиш вақти келди.

Ўз сафдошлари орасида Бехбудийдан кейин Фитрат бошқаларга нисбатан мазкур ҳаракатнинг энг фаолларидан бири сифатида Файзулла Хўжаев билан бирга амирлик тузумига қарши очик ва дадил кураш олиб борди.

Фитрат ижодий фаолияти ва дунёқарашининг илк даври ҳақида адабиётшуносларимиз орасида биринчи бўлиб филология фанлари доктори Эрик Каримов “Развитие реализма в узбекской литературе” /изд. “Фан”, 1975, стр.120/ китобида тўғри ва анча батафсил маълумот беради.

Биз юқорида Фитратнинг ижтимоий фаолиятида европача илм-маърифатни зўр бериб тарғиб қилгани ҳақида қисман тўхтаб ўтдик. Фитрат бу қарашларини илмий, бадиий асарларида ҳам муваффақият билан давом эттиради. Бухоро амирлиги ҳузуридаги айрим манфаатпараст мулаларнинг мутаассибона қарашларини, реакцион хатти-ҳаракатларини, умуман тараққиётга зид қилмишларини аёвсиз танқид қилади, айниқса, уларнинг янги усул мактабларига /усули жадид деб номланган мактабларга/, дунёвий фанларни ўқитишга қарши туришлари билан халққа қанчалик зарар келтираётганликларини кескин фош қилиб ташлайди. Фитратнинг бу қарашлари “Қиёмат”, “Меърож”, “Қийшиқ эшон”, “Зайнаб ва Зайид”, “Оқ мазор” каби хикоялари, “Бедил”, “Форс шоири Умар Хайём” сингари асарларида, “Рўзалар”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Хинд ихтилолчилари” каби драмаларида юқоридаги ғояни ифодалашга қатта эътибор берилади. Бу асарларнинг деярлик ҳаммаси 20-йиллар давомида ёзилган эди. Шу йиллар мобайнида, шўролар томонидан, динга қарши кураш, рухонийларни ёппасига қамаш ва кириб ташлаш бошланган ва тобора авжига чиқмоқда эди. Диний таълимотнинг



инсониятга зарур бўлган муҳим нуқталаридан бирортасини ҳам тан олмаслик, фақат унга қарши ўт очиш узлуксиз давом этар, ёзувчилар фаолияти ҳам шунга қаратилар эди. Фитрат ҳам бу жараёндан четда турулмасди, албатта. Энди бу асарларга ўз даври талабларига жавоб бериш нуқтаи назаридан ёзилганини кўзда тутиб баҳо берилса, бизнингча тўғри йўл тутилган бўлади. Аммо барча асарларида ҳам илми, маърифатни, европача маданиятни тарғиб қилади, жаҳолатни, эскиликни, қоқоқликни қаттиқ қоралайди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Фитрат 20-30-йилларда талай шеър, хикоя, адабий-танкидий, публицистик мақолалар, тарихий ва замонавий мавзуларда ўнлаб драматик асарлар ёзиб, адабий жараёнга, кўплаб ҳамкасблари ижодига катта таъсир кўрсатди. 20-йилларнинг бошларидаёқ анча юқори мавқега эга бўлган шоир Чўлпон 1910 йилларни кўзда тутиб, “У вақтларда биз ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик”, - деган эди 1933 йилда В.Ян билан Москвада учрашиб қилган суҳбатларидан бирида.

Фитрат ижодий фаолияти ҳақида ўзбек маданиятининг буюк арбоблари Файзулла Хўжаев, Назир Тўрақулов, Садриддин Айний ва бошқалар анча-мунча илмий-назарй, танкидий мақолалар эълон қилдилар. Булар орасида Чўлпон Фитрат ижодига ғоят ҳурмат ва эҳтиром билан қараши эътиборни тортади. Фитратнинг “Чин севиш” пьесаси сахнага қўйилиши билан Чўлпон у ҳақда тақриз ёзади. Тақризда Чўлпон асардан жуда мамнун бўлганини, бу асар ёшларни маънавий тарбиялашда катта роль ўйнашини таъкидлайди. Унда ниҳоят катта завқ билан ёзилган шундай сатрларни ўқиймиз: “Яқинда ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал томоша /пьеса/ кўрди... Асар тўғрисида фикр юритувдан қочмоққа ва ўзимни тортишга мажбурман... Тегишинча тақриз қилувни мен бажара олмайман”, - дейди. /“Иштирокиюн”, 1920 йил, 25 ноябрь/. Бу фикрни Валуд Махмуд, машҳур адабиётшунос ва шоир ҳам қувватлаб ёзган эди: “Ўзбек сахналарида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги ўткир ёзувчимиз Фитратнинг хинд турмушидан олиб ёзилган “Чин севиш” пьесаси эканлигини ҳамма иқроор этса керак”. /“Қизил байроқ” газетаси, 1920 йил, 12 декабрь/.

Шу йилларда Фитрат ижодий фаолияти хакида нукул айбнома руҳида мақола ёзган шахслар ҳам бор эди. Булар Бойбўлатов, Абдурахмон Саъдий, Хамид Олимжон ва бошқалардан иборат бўлиб, мазкур шахслар Фитратнинг бутун ижодини зарарли қилиб кўрсатдилар, ниҳоят уни бутунлай совет тузумига қарши қўйиб, охири инкор этиш даражасига бориб етдилар. Бундай хатти-харакатлар, оқибат натижада, Фитратни қаматиш ва отғриб ташлаш билан яқунландики, тарихимиздаги бу бедодликни аждодларимиз умр бўйи лаънатлаб ўтади.

Фитрат асарлари ва ижодий фаолиятига 1970 йилларнинг ўрталарига келиб бир қадар тўғрироқ баҳо беришга уриниб кўрилди. Фитратдек серқирра ижодкорнинг мураккаб йўли хакида йирик шарқшунос олим Л.Климович “Наследство и современность” /изд.СП.М.1975/, йирик шарқшунос олим ва ёзувчи Радий Фиш “Глазами совести” китобларида, ўзимизнинг етук адабиётшунос олимларимиздан Эрик Каримов, Т.Собиров, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, Б.Дўстқораев ва бошқаларнинг илмий ишлари, мақолалари эълон қилиниб, Фитрат асарларига анча тўғри ва ҳолис баҳо берилди бошлади. Аммо мазкур олимларнинг фикрларида ҳамон хилма-хиллик бор.

Шуни алоҳида яна бир бор таъкидлашни истардикки, Фитрат фаолиятига Файзулла Хўжаев, Назир Тўракулов, Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Комил Алиев 20-30-йилларда, Л.Климович, Радий Фиш, Эрик Каримов, Т.Собиров 70-йилларда, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, Б.Дўстқораев 80-йилларда анча ҳурмат билан қарай бошладилар. Унинг илмий, бадиий мероси моҳиятини бир қадар тўғри иброк эта бошладилар.

Кейинги икки-уч йиллар мобайнида Фитрат, Чўлпон ва уларнинг сафдошлари номлари ўзимизда ҳам, марказий матбуотларда ҳам тез-тез тилга олинаётгани бежиз эмас. Уларнинг меросига қизиқиш катта ва тобора кенгайиб бораётганлиги эндиликда бутун жамоатчиликка маълум.

Модомики, Фитрат ижоди саксон йилдан буён адабиётшуносларни қизиқтирар, мунозараларга тортар экан, демак у асос-эътибори билан тарихимизда салмоқли ўрин тутди. Фитратнинг кўпгина ўткинчи “ижодкорлардан”

фарки шу эдики, у ижодий фаолиятининг илк даврида, яъни 1910 йилларда маданият, маориф, иқтисод, сиёсат соҳасида кўтариб чиққан муаммоларнинг аксарияти ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас. Биз октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг ўтган давримизнинг етмиш йилидан кейингина шу муаммоларни кўтармоқдамиз. Бу гап яна айрим ракибларимизга “ана Фитратни янгидан идеаллаштириш бошланди” дейишга ҳеч қандай асос бермайди, бунга далиллар жуда сероб. Чунки Фитрат, аввало, ўта мустақил йўл тутган, жуда билимдон, дунё воқеаларидан хабардор, воқеаларни фалсафий идрок этадиган шахс бўлгани учун ҳам унинг 10-йиллардаги айрим концепциялари 20-30-йилларда ҳам деярли кўпгина асарларида изчил давом этади.

“Ҳинд сайёҳи” асарида Ғарбий Европа маданияти билан жуда яхши таниш, етук зиёли, хиндистонлик сайёҳ Бухоро вилояти билан танишиш мақсадида Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Қашқадарё вилоятининг бир қатор ерлари, аҳолиси ҳаёти, касби, ҳунари, тирикчилиги, машғулоти билан ҳам танишади, ҳатто давлатни бошқаришда бевосита иштирок этаётган маҳаллий амалдорларнинг фаолиятларидан ҳам бир қадар хабардор бўлади, шу билан ўз таассуротларини ерли аҳоли билан жуда очиқ кўнгиллик, самимият билан ўртоқлашади. Ўлкадаги одамларнинг қолоқлиги, жаҳон аҳволидан беҳабарлиги, ҳатто келажаги тўғрисида ўйламаётганлиги туфайли хароб бўлаётганини ҳам пайқамётганлигини чуқур идрок этади. Уларга бу аҳволдан қутулишнинг ягона йўли тараққий этган Европа мамлакатларидаги илм-фанни эгаллаш, техникани, саноатни ривожлантириш, бунинг учун ёшларни етук мутахассислар даражасига кўтарадиган янги мактаблар очиш, уларнинг сонини кўпайтириш каби бир гатор чора-тадбирларни баён қилади. Шу билан бирга ҳар қанча қолоқ бўлгани билан Туркистон халқлари орасида ғоят қобилиятли, ҳар ишни эплайдиган шахслар борлиги, фақат уларни катта йўлга олиб чиқишга ундовчи, бошловчилар йўқлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Ҳинд сайёҳи айтади: “Қарши Бухоронинг катта шаҳарларидан биридир... Бирок... шаҳар савдои анча орқада қолган. Бу шаҳарда илм ва маориф ҳам анқонинг уруғидир. Ҳатто

кўпчилик аҳоли хат-саводдан ҳам маҳрумдир...” Сайёх шунчалик танкид қилгани билан ижобий нукталарни, Қарши аҳолиси орасидаги энг қобилиятли шахсларни ҳам кўра билади, уларнинг фаолиятидан мамнун бўлиб, фойдали маслахатлар беради. Қаршиликларнинг хунармандлигига қойил қолиб, “Обдаста яшаш ва гилам тўкишда, айниқса олача тўкишда тенги йўқдир. Бироқ шу нарсаларни эски усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг барчасида қўл меҳнатидир. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва ҳатто уни яратиш ҳаёли ҳам йўқ. Сайёх Қаршида тўкилган олачани Россиянинг ипак матоларига нисбатан пишиқ ва нозик деб баҳолайди. Ҳатто Одессадаги рус божхонаси ходимлари олачани кўриб, уни “Фарангистон моли” деб атайдилар. Бу молнинг Бухоро вилоятларидан бирида тўкилганига ишонмайдилар.

Сайёх шундай нодир хунарни илм-фан, техника асосида ривожлантириш ҳақида ўйлайди, бу фикрни қаршиликларга уқдирмоқчи бўлади, аммо усталар фақат бугунини ўйлашдан уёғини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар, шунда сайёх қўйиб-пишиб айтади: “Ҳурматли уста, Европа халқлари агар бирон ишга қўл урсалар, шу ишларининг ўн йил, йигирма, ҳаттоки, юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз қаршиликлар ҳам бугун шунчалик юксак хунарга эгасизлар. Ана шу хунарингизнинг келгуси тақдирини ҳеч ўйлайсизларми? Шунча гапдан кейин ҳам уста ўзининг қотиб қолган фикридан силжимамайди. “Ўн йилдан кейин ким тиригу, ким ўлик” деб қўя қолади.

Сайёх ўз фикрни уқдиришдан сира эринмайди. Келажакни ўйламаган ҳар қандай кимса, ҳалокатга маҳкумлигини иложи борича соддача қилиб тушунтиришга интилади: “Фараз этайлик, сизнинг умрингиз охирига етмоқда, бироқ фарзандларингиз ва набираларингиз нима билан шуғулланишади? Уста жаноблари, сиз келажак ҳақида фикр юритишни унутманг, чунки дунёда ҳар бир киши ўз ишининг келажаги билан боғлиқ. Келажакни ўйлаш - оламнинг ободонлиги боисидир...” Ҳинд сайёҳи мана шу тарзда алоҳал ўз фикрини устага аста-секин, жуда қийинчилик билан бўлса ҳам тушунтиради. Шундан кейин фикрини яна давом эттириб, илм-фанга, техника тараққиётига

этиборни тортиб, халкнинг келажаги, тақдири фақат шунга боғлиқ эканини, агар тараққиётга эриша олмаса, инкирозга учрашидан ҳеч ким ва ҳеч нарса қутқариб қола олмаслигини ўтқир далиллар билан исботлаб берди. Бухоро халқи, хунрмандалари ҳаётидан бунга аниқ мисоллар, сира рад этиб бўлмайдиган, ҳамманинг кўз ўнгида бўлиб турган, аммо буни идрок этолмаётганларнинг фожиаларини изоҳлаб, устанинг кўзини очади, қалбига таъсир ўтказди. Жумладан, Бухоро халқининг мустамлакачилик гирдобига қандай тортилгани-ю, қай аҳволга тушиб қолганини айни уста савиясида тушунадиган бир бадиий шаклда жуда ширали ва ифодали тил билан тасвирлаб беради. Сайёҳ яна Бухоронинг ўтмишидан мисоллар келтириб туриб, бундан юз йиллар илгари одамларга зарур бўлган кийим-кечак, идиш-товокларни халкнинг ўзи, мохир усталар фақат қўлда ясаб берганликларини устанинг ҳаётидан талай далиллар келтириб туриб тасдиқлашиб олади. Ниҳоят ўша усталарнинг ҳозирги аҳволини ҳам унинг кўзига кўрсатади. Ҳамма нарсани фақат қўлда бажариб келган усталар нима сабабдан хароб бўлганларини Сайёҳ қуйидагича изоҳлайди: “Кўрдингизми, ўша вақтда туркистонликлар зарур ҳамма молларни ўзлари тайёрлар эдилар, ўзлари сарфлар эдилар пулни ўз чўнтақларидан чиқариб, ўз чўнтақларига солар эдилар. Ҳатто бир чака ҳам пулни бегона фабрикантлар чўнтагига солмаганлар. Бироқ Европа фабрикантлари биринкетин нозик сурп, харир доқалар ва чиройли, гулли чинни товоқлар ишлаб чиқариб бутун Туркистон бозорларини тўлдирдилар. Аҳоли бирданига бундай сержило молларга қараб интилди ва доқа, карвос ва ўзларининг бошқа миллий товоқларига карамай қўйди. Оқибат шу бўлдики, тўқувчи дўконлар... корхоналар тўхтаб қолди, уларнинг эгалари истаса-истамаса ишларидан қўл узиб, айримлари ҳаммоллик билан шуғулландилар, бошқа бировлари эса, хизматкор бўлиб, ҳасрат ва надомат билан бу дунёдан кўз юмдилар...”

Сайёҳ шаҳарма-шаҳар кезишни изчил давом эттиради, хилма-хил амалдор, қози, уламо, оддий халқ вакиллари, усталар, хунармандлар, деҳқонлар билан учрашади, уларнинг ҳаёти билан чуқур танишибгина қолмай, ҳар қайсиси

билан фикрлашади, хаётни уларнинг шахсий хаётини дунё воқеалари билан нақадар узвий боғлиқлигини ўзларига тушунтриб беради. Баъзилари тушунади, баъзилари тушунмайди, тушунишни истамайди ҳам. Биз асарда мазкур табақа вакиллари образлари билан чуқур танишиб оламиз. Қозилар орасидаги бир муттаҳам қилмишларини Сайёҳ жуда усталик билан фош қилиб ташлайди. Унинг юлғичликдаги қилмишлари қуръонда нақадар қораланганини, шариатда бундайлар жазоланиши лозимлигини муттаҳамнинг ўзига исботлаб беради. Иккинчи бир шахар қозиси эса, бир оз инсоф-виждон деган тушунчаларга эга эканини ҳам Сайёҳ кўради ва бундай инсофли қозининг бутун муҳити қабоҳатлар билан ўраб олинганини қозининг ўзига чуқур таҳлил қилиб беради. Амалдорлардан биронтаси эл тақдири, мамлакат ободлиги, келажак тараққиёти хақида ўйламасликка ўрганиб кетганлигидан донишманд қози қаттиқ шикоят қилади, бир ўзининг қўли ҳеч қаерга етолмаслигини ҳам тан олади, ўлкадаги бу аҳволдан қаттиқ афсусланади.

Қадим замонлардан Китобнинг олачаси ва ироқидўзлиги жуда машҳур бўлганини муаллиф алоҳида таъкидлаб туриб, ҳамон бу ҳунарлар ҳам эскича усулда давом этаётгани туфайли таназзулга юз тутганини исботлаб беради. Шундай қилиб, фақат эскича яшашдан нари ўтолмаётганлиги туфайли бутун мусулмон олами хароб бўлиб кетаётганини зўр дард билан талқин эта билган муаллиф, Сайёҳ тилидан бу оғир тангликдан қутилиш йўлларини ҳам айтиб беради. Инсон бирор нарсага эришаман деса, интилиши керак, интилмас экан, ҳеч нарсага эриша олмайди, деган мазмундаги қуръон оятидан мисоллар келтириб, барча мусулмонларни ҳаракатга, излашга, ўқиш-ўрганишга, ғайрат билан ишлашга даъват этади, бу жихатдан европаликларни ибрат қилиб кўрсатади: "... Агар сиз Европа мактабларида ўқиганингизда ва европаликлар телефон, темир йўли, хаво кемаларини қайси йўл билан ва қандай яратганликларини билмангиз эди, мусулмонлар қанчалик неъматларни оёқ ости қилганлигидан огоҳ бўлиб тушуниб етардингиз..."

Сайёҳ Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд ва бошқа

жойларни кўриб нақадар завқланса, унда яшаётган аҳоли турмуш тарзидан беҳад изтироб чекади, жаннатдай бир маконда яшаётганларнинг ғафлатдан уйғонолмаётганлигидан куйиб кетади. "...Қарши ва Китобнинг бирон-бир олача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан-оёқ зарзеварларга ботар эди, дейди Сайёх. Бу бечораларнинг нега ейишга нони йўқ? Агар шу Шаҳрисабз ерлари Японияда бўлганда эди, зар экиб, зар ундирар эди. Бу ерлар нега шўразорга айланган? Бу саволларнинг ҳар бири ҳар қандай мутафаккирнинг юрагини эзади. Фақат шуни тушунмайман, нега бу масала сизларнинг хаёлларнигизга келмайди?" /Асардан келтирган парчалар "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1989 йил 4 август сониде эълон қилинган Хасан Қудратиллаев таржимасидан олинди/.

Фитрат Ҳинд сайёҳи образи қиёфаси ва фаолияти орқали айни ўз қиёфасини яратган дейиш мумкин. Сайёх бутун хатти-ҳаракатлари билан Фитратнинг худди ўзгинасини кўз олдимишга келтириб туради. Мазкур асарда Фитрат дунёқарашининг илк даври, янгилик, таракқиёт, Европа маданиятига эргашиш, ўлкадаги ғафлатга қарши кураш, ўқишга ишлашга, ғайрат ва шижоатга даъват этиш, эркин, мутсақил ҳаракат қилиш, шу билан юртни обод, халқни бахтиёр қилишга эътиборни тортиш бош мақсад қилиб қўйилиши билан ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зотан, классикларнинг асарлари ҳамиша эскирмайдиган, фазилатларию умуминсоний хусусиятлари билан даврлар, тузумлар ўзгаришига қурбон бўлиб кетмайди. Даврлар ўзгаради, ижтимоий тузумлар янгиланади., ҳокимлар келиб-кетаверади, класикларнинг асарлари қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтиб инсонлар маънавий оламини узлуксиз безаб бораверади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби буюк аждодларимиз жисмонан кўмиб ташлангандан буён озмунча ўзбек ёзувчилари пайдо бўлгани йўқ, аммо ўша буюкларимиз даражасига кўтарилиш ва 70 - 80 йиллардан буён асарлари севилиб ўқиладиган санъаткор даражасига кўтарилиш ҳар кимга ҳам насиб бўлгани йўқ.

Фитрат ўз халқи, миллати, ватани тақдири ҳақида ўйлаш, унинг истикболи учун қайғуришдан сира толмайди,

барча асарларида мазкур фикр хамиша етакчилик қилади. Унинг мустамлакачилик сиёсатига қарши ғоялари ҳам, таракқиёт ва мустақилликка интилиш борасидаги фаолияти ҳам асли худди шу негиздан келиб чиқади. Фитрат ўз қарашларида бизнинг Шурку, хорижий Шарк деб ажратиб ўтирган эмас, барча шарк мамлакатлари халқларининг маданий ривожини, мамлакатлари обод бўлишида жаҳонда энг таракқий этган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга даъват этади. Гўзал Шарк мамлакатларининг ери, молдунёси европалик мустамлакачилар томонидан талон-тарож қилинишига қарши курашга чакиради. Жумладан, “Шарк” шеърида дастлаб бу гўзал ўлканинг ажойиб манзараси, ёқимли, тенги йўқ табиати, бойликларини завқ билан тасвирлаб туриб, шундай бир ўлкани хорижий босқинчилар томонидан оёқости қилинаётганлигини ғазаб ва нафрат билан, афсус-надоматлар билан ифода этади:

Қардошларим, мана сизга бир ўлка  
Ким, топилмас ер юзида сингари,  
Ҳар ёнда кенг, ям-яшил ужомлар,  
Жон сувиндан етишгандир гуллари...  
Оғочлари яшил кийимлар кийган...

Шеърнинг кейинги сатрларида хорижий босқинчилар босиб келиб, бу элларга ўзлари истаганча биною қурилишлар қилиб, ерли халқни қандай хор қилаётгани, “ёрдам қиламиз, маданият киритамиз” деб туриб бутун бойликларни талон-тарож қилаётганини ғазаб билан, жазавага тушиб, шундай тасвирлайди:

Бунда турди ҳар улуснинг ҳарнаси:  
Бутхонаси, ўт уяси, қаъбаси;  
Ҳам шунда ўк ясади.  
Бирок бу кун, эсизларким, бу ўлка  
Ҳар томндан таланмишдир йўлсизча.  
Маданият деган ғарбли алвасти,  
Бокинг, бунинг кўкрагидан ўк босди.

Босқинчилар келиши билан гўзал ўлкада қандай ишлар қилиндию ер юзида тенги йўқ ерлар қай аҳволга тушди? Шоир ва донишманд Фитрат бу саволга шундай жавоб беради: агар сиз лоақал бир чўкиб икки қарайдиган олазарак қушбокиши сингари бир лахза қарасангиз, шундай ман-



зарани кўрасиз:

Ўтлар аро ёниб турган кишлоклар,  
Хирмон бўлиб ётган гавдалар жонсиз,  
Окмокдадир кизил қондан ариқлар,  
Тинч турганлар таланалар омонсиз.  
Тўрт-беш яшар бир боланинг бошини,  
Бокинг, кескин қилич билан кесмишлар,  
Йиғлаб турган онасининг бўйнига  
Бир ип билан осмишлар!...

Фитрат бутун фаолияти давомида четдан келган боскинчиларга қарши курашга чақиришдан бир нафас ҳам тўхтамаган, боскинчиликни, ёвузликни энг қабиҳ бир нарса сифатида ифода этган. “Шарк” шеърда яна шундай сатрлар бор:

Хотинларнинг пардаси,  
Болаларнинг юраги,  
Қариларнинг гавдаси  
Йиртилган,  
Ёрилган  
Эзилган!..

Нихоят, шоир юқорида тасвирлаб берган манзаралар, фожиаларни Шарк халқлари бошига ким солди, деган саволга жуда аниқ жавоб беришдан сира тап тортмайди:

Шўр сувлардан чиқиб келган бир маймун  
Инглиз!

Ҳамда унинг қўйруғини тутганлар!

Албатта, мазкур шеърда айрим мунозараталаб жойлари ҳам, эҳтимол бордир. Зотан 20-30-йилларда Шарк билан Ғарб муносабатларига бизда шундай қараларди. “Маданият деган ғарбли алвасти”, “Шўр сувлардан чиқиб келган бир маймун”, “Инглиз” сингари ибораларга қараб айрим танқидчилар Фитрат Шаркни Ғарбга қарама-қарши қўяди, деган фикрларни 80-йилларда ҳам айтиб юришди. Фитрат миллатларни ҳеч қачон бир-бирига қарши қўйган эмас. Фақат мустамлакачиликка қарши бўлган. Маданиятдан ўрناق олиш ривожланган хорижий мамлакатларга ем бўлиш деган сўз эмаслигини барча асарларида уқдириб борган. Мазкур шеърдаги ғоя бошқа жуда кўп шеърларида ҳам, драмаларида ҳам кенг кўламда бадиий талқин этилган,

биз ҳар бир асарга ёндашганимизда ана шу ғояларга дуч келамиз. Биз қисман таҳлил этиб ўтган шеърни Фитрат 1920 йилда ёзган. Энди унинг 1929 йилда босилиб чиққан “Бедил” /Бир мажлисда/ деб номланган асари билан қисқача танишиб кўрайлик. Мазкур асар машҳур Шарк мутафаккирларидан бири Бедилнинг фалсафий, ҳаётий қарашлари, ғоят кенг қўламдаги таълимоти, унинг моҳияти, яна ҳам муҳими Бедил мероси, таълимотининг ҳозирги давр тараққиёти учун аҳамиятини изохлашга бағишланади. Асар ўша кўрсатилган йилда, Москвада араб алифбосида чоп этилган.

Фитратнинг бу асари муаллифнинг умуман ажодлар қолдирган маданий меросга ғоят катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарашини яққол кўрсатиб туради. Шу билан бирга мазкур асар ўтмишдан қолган маданий мерос замонавий муаммоларни ҳал қилишда қанчалик юксак роль ўйна-язагини Фитрат чуқур идрок этганлигини ҳам тасдиқлайди. Бу Фитратнинг ҳақиқий зиёлига хос энг яхши фазилати эди. Негаки, 20-йиллардаги мураккаб шароитда Пролет-культчилар бутун маданий меросга қарши ўт очаётган бир вазиятда ўтмиш меросига ҳурмат билан қараш лозимлигини илмий-бадий шаклда исботлаш учун ҳам катта журъат, чуқур билим, юксак даражада онг ва маданият керак эди.

Бухоро зиёллари, ҳаёти ва фаолияти, оддий халқ оммаси табақалари билан уларнинг муносабатлари ва хоказо масалаларга бағишланган бу асарда умуман Бухоро халқи ҳаётини тасвирлашга интилиб Фитрат жула кўп долзарб масалаларни кўзгаб юборади. Аксар шу кунларда халқ ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этишда ўтмишдан қолган маданий меросдан, жумладан, Бедил фалсафий таълимотларидан фойдаланиш борасида муаллиф ўз мулоҳазаларини катта санъат билан баён қилади. Асос эътибори билан фалсафий қарашларни шарҳлашга бағишланган бу асар росмана бадий асар даражасига кўтарилган деса бўлади. Зотан унда бир қатор образларнинг характерлари ички, ташқи дунёси, киёфаси санъаткорона тасвирлаб берилади.

Воқеа Москвада таълим олаётиб, ёзги таътилда ўз шаҳри Бухорога келган ёш, серғайрат, бутун қалби энг яхши

орзу-хаваслар билан тўлиб, қайнаб турган Қутлуғ исмли йигит билан унинг тенгдошлари, дўстлари орасида тўсатдан кизиб кетган мунозаралардан бошланади.

Қутлуғ Москвада ўқиб, анча билим, онг, тушунчага эга бўлган, дунё воқеаларидан хабардор ёш зиёли йигит. Энди ҳар бир соҳада ўз қарашлари бор. Унинг юриш-туриши, кийим-кечаклари ҳам шунга яраша ўзгарган. Бухородаги тенкурлари ҳамон ўша-ўша бўлганлари туфайли Қутлуғ улардан ҳар томонлама ажралиб туради. Шаҳар айланиб юрган Қутлуғ ёшлиқдан бирга ўсган тенгдош дўсти Рустам билан учрашиб қолади. Рустам унга бир одам, “Қутлуғга айтиб қўй, Бухорода салла-чопон килсин, одамларнинг ихлосини қайтармасин, Масков боғанда яна ихтиёр ўзида” деганини айтади. Шу ондаёқ Қутлуғ Рустамга кескин, қаттиқ, жиддий жавоб беради: - Сиз унга айтинг, эл ихлосини ўзларидан қайтишини истамасалар, элга фойда етказиш йўлини топсинлар. Ожиз одамларнинг ўзлари нимани истамасалар “афкор оммага тўғри келмайди” деб қутиладилар. Мантиқ билан гапирсанг, ясама гапларни келтирадилар. “Афкор умумия” деган ясама жумла бизда ҳозир йўқ.

Мана шу ердаёқ Фитрат ёш бухороликларнинг қизгин изланишларини, бахтини таъмин этадиган йўлни ахтариб топиш иштиёқи билан яшаётганини образли ифода қилади.

Қутлуғ дастлаб Бухоро мадрасаларида таълим олган, ўшанда ҳам бошқалардан кўра ўткир, эпчил, зехни баланд эди. Москвага боргач, бу хусусиятлар янада ривожланиб кетди. Воқеаларни илгаридан кўра ҳам чуқурроқ идрок этадиган бўлиб қолди, ўз эл-юртнинг қолоқлиги, ўрта асрчилик турмуш тарзига энди Қутлуғ сира ҳам тоқат қилолмайди. Москвада бутун дунё аҳолидан хабардор бўлиб турди, Россия тарихидаги воқеа-ҳодисалар, ундаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради, ўрганади. Барча илғор янгиликларга хавас, зўр ихлос билан қарайди, халқ озодлиги йўлида олиб борилаётган қарашлар уни жуда қизиқтиради. “Русиянинг ишчи халқи, дейди Қутлуғ Рустамга қараб, ижтимоий инқилоб фикри умумиясини майдонга қўймоқчи бўлди. Бутун Оврупо, Америка жаҳонгирларининг хийлалари, тадбирлари, қучларига қарши турди, кўкрак берди,

йўққа чиқарди-да, ўз фикрини яшатди, ўз тилакларига эришди... Бухородаги одамларнинг ҳеч нарсани ўйламай, элни алдаб, салла-чопон қилиб, тасбеҳ қайтариб юрсинлар. Менинг энг сўнги фикрим шу: инсон ўзини бўлғони каби кўрсатсин” /”Бедил”, 6-бет/. Кўриниб турибдики, асарнинг бошланишидаёқ биз ёш бухоролик зиёлиларнинг энг илғор, типик вакили образи хатти-харакатлари билан танишамиз. Қутлуғ ўз юртида авж олган мунофиқлик, фитна-фасодлар билан авомни алдаб юрган кимсаларга энди лоқайд қаролмайди. Улардан жирканади, нафратланади, эл-юрт бахти учун уларга қарши ўт очишга тайёр туради.

Асардаги бутун воқеалар жараёни асос-эътибори билан унда қўйилган бош ғояни - илм-маърифат, европача маданият тараккиёти учун курашга бел боғлаган Ёш бухоролизиёли билан ўрта асрчилик қолоқлиги тарафдорлари ўртасидаги қаттиқ ғоявий курашларни ифодалашга қаратилади. Қутлуғ анча вақт Москвада ўқиб юриб, юртидан узоқлашиб қолган эди, таътил фурсатларидан фойдаланиб ўз юртининг тарихи, иқтисоди, маданияти, адабиёти билан танишиб олмоқчи бўлади. У Бухорога келиши билан ёш зиёли дўстлари иштирокида Ҳамиднинг уйида уюштирилган адабий кечага таклиф этилади. Кечада ҳар хил касб эгалари, форсча шеърлар ёзиб турадиган Курбон, тараккийпарвар ёшлардан Ҳалимбой, янги усулдаги мактаб ўқитувчиси Шариф, Эгамберди, яна бир-икки танбурчи, рубобчи, доирачилар бор эди. Адабий кеча бир-бир пиёла чойдан кейин танбурда “Ирок” куйини тинглашдан бошланди. Чолғучи санъаткор “Ирок”ни шу қадар нозик кочириклар билан ижро этадики, танбур гўё ажойиб бир бадий, ишқий романни ҳикоя қилаётгандай қалбларни ром этди, ром этдигина эмас, куй беихтиёр тигнловчилар қалбига қуйилмокда эди...

Фитрат зотан ўзбек классик мусиқа тарихидан ҳам билимдон ва бу ҳақда махсус илмий асар ёзган зукко, нозиктаъб санъаткор сифатида ҳозирги ижро этилаётган куйни шарҳлар экан, унинг мазмунидан ёш зиёлиларнинг дардларини излайди, топади... Танбурнинг “титрак товуши ёлғиз хавони эмас, синаларни-да, юракларни-да, титратиб, ойнинг соф, тиник нурига аралашиб йўқолар эди...

Авж романнинг фожиали олов бобига ўшарди. Танбур ўзини бутунлай йўқотди, қайнади, ингради, эпинди, ёлпинди... Кейин юкори пардаларга чиқди-да, ўзини бир оз овутиди. Букилган бошлар кўтарилди, юмилган кўзлар очилди. Хамма раҳмат айтди. Мусика Шаркнинг қайғусида виқор, виқорида ҳасрат борлигини англатади...”

Ёш бухороликлар ҳамиша Шаркнинг қолоклигидан куйиниб яшаганлари учун ҳар бир ишда, ҳатто куй тинглашда ҳам бу тушунчани унута олмайдилар, куйдан ҳам ўзлари учун зарур бўлган маъноларни ахтариб топадилар. Чиндан ҳам яхши мусикани севиб, тушуниб, ҳис қилиб тинглай оладиган ҳар бир шахс классик ўзбек ва умуман шарк куйларини тинглаш жараёнида ўз кўнглида қайнаб юрган дардларини янгидан ҳис этади, қалбининг туб негизида ётган муаммолар бирин-кетин кўзғалаётгандай бўлади. Қутлуғ “Ирок”ни тинглаганда кўнглида кўпдан унга тинчлик бермай келаётган дардлари кўзғалиб кетади.

Қутлуғ танбур ижросидаги куй сеҳрини, унда ифода-ланган мазмунни ўз юртидаги воқеа-ҳодисалар ва шахсий дард-аламлари билан ҳамоҳанг бир тарзда ҳаяжонланиб тинглайди. Қутлуғ образи қиёфасида шу мазмун айниқса яққол намоён бўлади. Китобнинг ана шу саҳифалари зўр илҳом, катта завқ-шавқ билан ёзилган. Кейинги қисмларида мунозара, муҳокама қизгин тус олади, кескин-лашади. Қутлуғ билан атрофдагиларнинг дунёқарашлари, ички, ташқи қиёфалари, маънавий оламиёқ характерлари очила боради, тафовутлар, мулоҳазалар ўртасидаги зиддиятлар аниқ кўринади. Муаллифнинг Қутлуғ ички дунёсига кириб боришида фарқ бор, бу унинг позициясидан аниқ сезилиб туради. Муаллифнинг бутун меҳр-муҳаббати Қутлуғ томонда.

Адабий кечада бедилхонлик қилинади. Бедилни ўқиш бошланиши биланок Қутлуғ мажлис аҳлидан уни шунчаки эшитиш эмас, Бедилнинг биз учун энг зарур фикрларини тушуниб олиш, мағзини чақиш, муҳокама қилиш ва ниҳоят бу тўғрида ҳамма бир ҳулосага қелишини талаб қилади. Мазкур таклиф мажлис аҳли эътиборини тортади, хайратга ҳам солиб қўяди.

Хуллас мажлисда бир одам Бедилдан ўқийди, бошқалар

шархлайди, ҳар бир сатрнинг мағзини чакиб, изохлашади. Аммо Қутлуғ ўқилганларни изохлашда бошқалардан кўра фаолроқ иштирок этади. У Бедилнинг ҳар бир сатридан ҳозирги тараққиётга тўсиқ бўлиб турган эскилик саркитларини фош этиш, европача маданиятни жорий қилиш, айрим дин арбобларининг тилёғламалик билан содда авомни чалғитишни элга тушунтириб бериш учун фойдаланишни тавсия қилади. Бу ғоялар аслида 1910 йиллардаёқ ўзбек жадидлар ҳаракатининг туб моҳиятини ифодалар эди. Жумладан, Қутлуғ Бедилдан ўқилган бир сатрни шундай изохлайди: “Инсонларнинг табиатларинда ерлашиб қолгон бир-бирларига эргашмак ҳақиқат йўлининг қароқчисидир... Расм-одатларга бўйинсунмоқ эса, тилакларнинг тўсуғидир.”/13-б/. Бедил бунга мисол қилиб, Хинд ибодатхонаси Дайрга қатнайдиغانларнинг ҳолатини айтиб беради: “Дайрчилар ўзларича /ҳеч нарсани/ тушунмай кўнғирок товушига ботмоқдалар... Мачитлар ўз виждонлари билан ҳисоблашмай, тасбеҳ санамоққа осилмоқдадирлар... Шайх муридларининг бориш-келиш балосидан қутулмайдирким, кўнгил каъбасидаги толпинишлардан чиққан “лаббайлик” товушларининг ҳисобини онгласин. У билан-да гапирма, бундан-да қоч. Ўзинг ўз виждонинг билан тушун, мана шу вақтда ҳақиқатга эришасан...” /14-б/. Бу фикрларни Қутлуғ “Энг буюк Шарқ шорининг биз учун энг кераклик фикрларидир”, - деб ҳисоблайди ва ўз қарашларида маҳкам туриб олади.

Бир қарашда гўё бошбошдоқликни тарғиб қилаётгандай туюладиган мазкур мисоллар билан Қутлуғ инсонларни бир-биридан ажратиш ғоясини илгари сураётгани йўқ. Аксинча, юқори поғонадагилар нимаики деса, шунга кўр-кўрона эргашиб кетаверишга қарши кураш ғоясини кўтариб чиқмоқда. Кўр-кўрона эргашиш, онгсиз итоат этавериш инсонни ерга уради, таҳқирлайди, хор қилади, ундаги инсонлик фазилатларини ақл, идрок, тафаккур, онглилик тушунчаларини йўққа чиқаради, деган ғояни куйиб-пишиб ўтказишга интилади. Бедилдан қатор далиллар келтириб, Қутлуғ инсон шахсини ғоят улуғлайди, дунёда энг буюк нарса инсон, у ўзини ҳар кимларга тақлид қилиш орқасида хароб қилаётир, деб фарёд чекади. Қутлуғ бу фикрларни

айтар экан, бутун вужуди қалтирайди, хаяжонини босолмайди, ҳар бир жумлани ҳароратсиз талаффуз қилолмайди. Ана шу саъи ҳаракати билан Қутлуғ ёш дўстларини, зиёлиларни мустақилликка, дадил ҳаракат қилишга, ғайрат-шижоатга чорлайди. Катта мақсадларни амалга ошириш учун қай йўсинда яшаш ва ўзини қандай тутиш керак деган саволни ўртага ташлаб, унга Бедилдан жавоб топади: “Инсон ўзига ишонса, ўз виждонига эргашса, ҳар ишни қилар, ҳар ҳақиқатга, ҳар тилакка эришадир... ҳазрати инсонга топинмоғон кимса ким бўлса-да, малъундир”, - дейди Бедил.

Фитрат “Ҳинд сайёҳи” да илғор фикрли сайёҳнинг тараққиёт, илм-фанни, техникани ривожлантириш бобидаги барча мулоҳазаларини қуръон оятларидан мисоллар келтириб, далиллаб беради. “Бедил”да эса, дин ва диний ақидалар, уламо, мулла, эшонлар тўғрисида аксар салбий фикрларни баён қилади. 20-йиллардан кейин ёзилган деярли барча асарларида мана шу рух яққол кўриниб туради. Қутлуғ Бедилга таяниб туриб шундай фикрни баён қилдики, гўё тақлидчиликнинг инсон руҳига шу қадар чуқур сингиб кетишига сабаб диндир. “Ҳақ”, “ботил” сўзларини эшита-эшита қулоқлар қар бўлди... Муаллифнинг даҳрийча қарашлари 20-йилларда бутун мамлакатимизда дин ва диний ақидаларга қарши кураш бошланганлиги, дин арбобларига қарши ёппасига қирғин ясаш бошлангани, ҳатто диний муассаса деган баҳона билан халқларнинг энг қадимий тарихий, маданий ёдгорликларини вайрон қилиб ташланганлиги сабаб бўлди. Бу фожиа мамлакатимизда инқилобдан кейинги дастлабки йиллардан то тўксонинчи йилларгача давом этгани ҳеч кимга сир эмас ва унинг жафоларини халқимиз ҳали-ҳали тортиб келаётир.

Қутлуғ бутун эътиборини Бедил таълимоти, фалсафасидаги инсонни улуғлаш концепциясига қаратади. Зотан, бу концепция Шарқ тафаккури тарихида чуқур илдиз отган. Жумладан, Жалолиддин Румий инсонни борликнинг олий маҳсули деб, уни ҳамма нарсадан устун қўяди ва буни идрок этмаганларга қарата “Сен самовий ва заминий икки оламга баробарсен. Аммо ўз баҳоингни билмасанг на чора?!” - дейди. Румийнинг устози Шамсиддин Табризий мазкур фикрни

янада чукур мантиқ билан шундай изохлайди: “Бутун олам қудрати илоҳийнинг намоишидир. Инсонни комил - мақсад, оламнинг гултождир. Ўз-ўзини англаган ва ўз-ўзини унутиб, дунё билан бириккан инсон тангрига баробардир. О, сиз худоталаблар! Худони излаш на ҳожат, худо - ўзингиз!”

Жалолиддин Румий, Шамсиддин Табризий инсон ва унинг қобилиятига ғоят катта баҳо бериб, ҳамиша яшаш, ишлаш, дунёни обод қилишга даъват этадилар. “Ўз-ўзини билган инсон ҳамма нарсани билгай”, деган ақидани муттасил кишилар қалбига сингдириб боришга ҳаракат қиладилар.

Шарқ ўлкаларидаги инсонларнинг тубанлашиб кетаётгани сабаблари билимсизлик, жоҳиллик, қоқоқлик, онгсизликдан деб билган Ёш бухороликлар фикрини Қутлуғ тобора чуқурроқ уқдиришга ҳаракат қилади.

Фитратнинг таъкидлашича, Бедил ўздан олдин Хиндистонда яшаб ўтган Файзийнинг “Маърифати нафис” китобини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Ундан инсонни улуғловчи байтларни келтиради. Жумладан, бир байтнинг маъноси шундай: “Э, инсон! Санда кўтарилмак учун-да, тушиб қолмоқ учун-да, истеъдод бор. Истасанг кўк бўл, истасанг ер бўл, ихтиёр ўзингдадир.” /16-б/.

Фитрат Қутлуғ мулоҳазалари, Бедил таълимоти асосида инсоният қудратини, кадриятини тушунишга даъват қилади, бу унинг асли инсонпарварлик мақсадларидан келиб чиқади. Фақат ожиз, ўз кадр-қимматини, иззат-нафсию, қудратини англамаган инсон хор бўлишга маҳкум деб ҳисоблайди. Ожизлик эса, бутун балолар бошига ёғилишига олиб келади. Ожизликка олиб келадиган нарса тақлид, яъни ҳеч нарсани ўйламай-нетмай, кўр-кўрона бировларга эргашиб кетавериш деб ҳисоблайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Фитрат ўз фаолиятида анархизмга қарши курашган! Бу Ёш бухороликларнинг энг муҳим концепцияларидан эди. Биз юқорида келтирган инсонни улуғлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар Бедил, Файзий, Жалолиддин Румий, Шамсиддин Табризий каби буюк Шарқ мутафаккирлари таълимотлари асосида шахснинг инсоний кадриятини оёқ ости қилишга қарши қаратилган ҳаракатлар мазмунини ифода этар эди.



Ёш бухороликлар - жадидлар инсонни ҳар томонлама эркин яшашига эришиш йўлида олиб бораётган курашлар жараёнида жиддий баҳс ва мунозаралар олиб борадилар. 1910 йилларнинг иккинчи ярмидаёқ улар орасида ўнг ва сўл канотга ажралиш рўй беради. Шунда Фитрат сўл канот томонга ўтади. Сўл канотда Ёш бухороликлар ташкилотининг энг қайноқ, энг фаол аъзолари, жумладан, Файзулла Хўжаев ҳам бор эди. Сўл канот трафдорлари ўз фаолиятларини янада кучайтириб ва кенгайтириб бориб, ниҳоят Бухоро амирлигини қуролли қўзғолон кўтарш йўли билан ағдариш масаласини қўйдилар. Таклиф овозга қўйилганда, уни қўллаб овоз берганлар орасида Файзулла Хўжаев, Фитрат бор эди. Аммо кўпчилик қарши овоз билан мазкур таклиф қабул қилинмади. Жадидларнинг ўнг канотига мансуб шахсларнинг фаолияти кейинчалик анча сусайди, айримлари чет элларга кетиб қолади. Сўл канотдагилар эса, Октябрь инқилобини қўллаб-қувватлаб, компартия қаторига ўтадилар, уларга Файзулла Хўжаев шахсан раҳбарлик қилади. Бу тарихий далиллар Фитратнинг жадидизм билан бўлган муносабатлари ҳақида муайян тасаввур берса керак.

Фитрат 20-йиллардаги авж олган даҳрийлик қарашлар таъсирида бўлса керак, Бедилдан ҳатто даҳрийлик даражасига яқинлашиб қолаётгандай туюладиган фикрларни излаб топади. Қаъба, бутхоналарни танқид қилган ерларини келтиради ва бу жойларнинг ҳаммаси инсонни ожизликка сургаб борувчи манбаълар деб билади. Бедил ёзган экан: “Қаъбаси-да, бутхонаси-да, ҳақиқат уйлари эмас. Йўловчилар қаерда йўлдан адашган бўлсалар, шунда бир манзил ясаб” кетганлар. “Қаъба, бутхона томошаси мени жамият орасидан қочириб чўлларга овора қилди. Чунки буларнинг тазйиқи билан менинг жойимнинг хавоси бузилган эди”

Қутлуғ ўз ўлкаси тараккиётига тўсук ҳам, халқ оммаси онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган қолоқлик, ожизлик, қарамлик тушунчалари ҳам фақат диний расм-русумлардан деб билади: “Тангрига эришмак учун қаъба, бутхона ўйинларига берилиб қачонгача ҳар томонга югураимиз?! Жойининг қаерда эканини унинг ўзи ҳам билмайдир”, деб юборади. Бу ўта қалтис гап мажлис аҳлини хайратга солади.

Хамма ҳаяжонланиб, шошиб қолади. Кўзлар олазарақ... Ғовур-ғувур бошланади. Рустам ғазаб билан Қутлуғни койиб ташлайди: "Эски ҳукумат даври бўлса, сени худди шу ерда уриб ўлдирад эдим. Бедилингни ҳам ўлдирад эдим... Онгладик маърифатингни, бас!"

Бедил таълимотидаги энг муҳим ва нозик нуқталарни изоҳлаш махсус мутахассис, шарқшунос, бедилшунос олимларнинг иши. Биз унга фақат Фитрат талқинидаги айрим нуқталаргагина умумий тарзда, қисқача ёндашиб ўтаяпмиз холос. Бедил умуман, даҳрий бўлган эмас, у биз юкорида номлари келтирилган Шамсиддин табризий, Жалололдин Румий сингари ҳақнинг ўзини тан олади-ю, атрофдаги бошқа ҳама нарсани рад қилади, улар инсонни қарамликка олиб борадиган воситалар деб билади, тарғиботчиларини эса, динни рўқач қилиб, халқни алдаб юрган таъмагирлар сифатида талқин қилади. Бундай қарашни ҳам хазм қиладиганлар оз эди. Биз Фитратнинг "Бедил"ида мана шу манзарани аниқ кўрамиз. Фитрат бу асарида Ёш бухороликлар ҳаётидаги мураккабликлар, зиддиятларни ҳам кўрсата билган. Қутлуғ қанча қаршиликка дуч келмасин, бўшашмайди, таҳдидлардан чўчимайди, ўз мақсади, ғояларини қаттиқ туриб химоя қилаверади. Сухбатдошлардан кўплари Қутлуғнинг гапларига эътироз билдиради, баъзилари у билан таллашиб қолади, мунозара қилади, баъзилар баҳсларни тинчителишга интилади. Аммо Қутлуғ энди ҳозирги халқаро аҳвол, жаҳондаги империалистик кучларнинг Шарққа таҳдид солиб тургани, бунга бепарво қараш оқибатида қандай фожалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида қуйибпишиб сўзлайди. Дунё вокеларини ўзича изоҳлайди, таҳлил қилади, баҳолайди. Мана шу ўринда Қутлуғ бугунги йиғилишдан мақсад нимадан иборат эканини яна аниқроқ баён қилади. Қутлуғ жуда ғайратли, серфикр зиёли, яна янги гап бошлайди: "Кейинги асрда Оврупанинг бойлиги ўз уясига сиғмади. Унинг товарига бозор керак эди, излади, дастлаб биз, мусулмонларни, кўрди. Бу дунёнинг хом молларини, маъданларини қўлга олгач, ўз ишларини йўлга қўйилишини ўйлади. Тўплари, милтиқлари, бомбалари, бутун жаҳаннамлари билан бирга юзланди. Биз эсак, бунинг маъноси англамадик. Биз нега ва қандай куч билан келаёт-

ганини ҳам, кейин нима бўлишини ҳам, уни қандай куч билан тўхтатишни ҳам англай олмадик. Оғиз очиб, кўз юмиб, кутиб ўтирдик. Келдилар, ўлкалар олдилар, бозорлар очдилар, табиий хазиналар таладилар, охири бу ҳам камчилик килди. Кўзлари қонга тўлди, Шарқни ўзаро бўлашмак, улашмак устида келиша олмадилар. Жанжал чикди. Умумий уруш очилди. 3-4 йил уруш бўлди, биз бундан бир нарса онглай олмадик. Бирёк енгди, бирёк енгилди, охири ярашдилар. Бедилнинг “тиш ост иринни яралайди” деган сўзи тўғрилигини яна кўрсатди. Ярашгандан сўнг бутун оғирлик мусулмон Шарқи устига тушди. Чунки мусулмон Шарқи кучсиз эди, ожиз эди. Умумий урушда енгилганлар ҳаммадан олдин Шарқни таламоқ, чайнамоқ, ютмоқ планини чиздилар... Ишга ҳам киришган эдилар. Бирок яна хисоблари янглиш чикди. Овропада бурунгидан улуғрок... ундан бутунлай бошқача бир умумий кураш чикди. Бу кураш Овропанинг бойлари ҳам бойлик ҳукматларига қарши уларнинг қўл остида эзилиб қолгон меҳнатқашлар томонидан чикди. Бу курашнинг бошланғич ҳаракатлари Овропанинг ҳар томонида қайнаб турган бўлса ҳам энг кучли иш майдони Русиядир. Русия меҳнатқашлари Русияда қурилган бойлик ҳукматини бутун қуйруқлари билан, қолдиқлари билан, излари билан супуриб ташладилар. Овропанинг жаҳонгирлик, бойлик ҳукуматларига қарши... очик бир йўл тутдилар. Кураш давом этмақдадир...”

Қутлуғ Бедил фалсафасини изоҳлаш воситаси билан ўз давридаги жаҳон аҳволини шарҳлаб беради. Биз асардан бир оз каттароқ парчани атайин келтирдик. Зотан ана шу кўчирмада асарнинг энг мураккаб нуқталари, моҳияти очилади дейиш мумкин. Мазкур парчада 10-20-йиллардаги қарашлар, жаҳон капитализмининг империалистик босқичга кўтарилиши ва ундан кейинги аҳвол-руҳиятлар 20-йиллар қараши билан шарҳлаб берилади. 20-йиллардаги мавжуд сиёсий қарашларимиз айти шундай эди: капитализм тараққиёти бора-бора бутун дунёни урушга тортади, мақсад бозор, ер талаш, бойлик орттириш... Бундан келиб чиқадиган хулоса - кучли ожизни енгади. Демак ким ожиз бўлса шу енгилади деган ғояни Қутлуғ ғафлатдагиларни уйғотиш мақсадида ёқлайди. Шу билан бирга Қутлуғ

жамиятда яшаб туриб дунё воқеларидан четда туриш мумкин эмаслиги, буни ким истайди, ким истамайди, аҳамияти йўқ, ер юзидаги барча инсонлар тақдири бир-бирига боғлиқ эканлигини илмий-назарий жиҳатдан чуқур мантик ва далил билан асослаб беради.

Бу ерда яна бир нуқтани айтиб ўтиш керак, Фитрат чор Россиясининг асримиз бошидаги аҳволи ҳақида айтиши шу даврдаги ленинча таълимотга таяниб, бу даврда Россия империализмнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган ғояни баён қилади. Шунинг учун ҳам у, дунёда империалистик мустамлакачилик сиёсатига қарши курашлар кучайиб бораётганлиги, бу курашларда Россия меҳнаткашларининг етакчи роль ўйнаб ғалабага эришаётганлиги ҳақидаги 20-йиллардаги қарашларни, ўша даврдаги ҳукумат раҳбарлари сингари завқ-шавқ билан изоҳлаб беради. Бинобарин, Қутлуғ жамиятда яшаб туриб, ундан бўлак туриш мумкин эмаслигини шундай изоҳлайдики, бу Ёш бухоролик зиёлиларнинг энг илғор қарашлари негизидан келиб чиқарди: “Бутун ер юзига, бутун жамиятга боғлиқ бўлган масалалардан қочиб чиқишимиз билан бизни қўймайдилар. Ё инсоний масалаларга қотишамиз, ё инсонлик ҳуқуқидан айриламиз. Туякуш каби туя-да эмас, қуш-да эмасмиз, деб юришимизга бундан сўнгра йўл йўқ.... Ҳаётденгиз. Кун сайин тўлқинланиб, кенгайиб борғони учун бутун қирғоқларни, соҳилларни ютиб юборган. Эмди кемани синдириб тўлқинлар орасига кирмак, тўлқинларга аралашмакдан бошқа нажот соҳили йўқдир...” /24-25-бетлар/.

Фитрат дунё халқларининг ўзаро дўстона муносабатлари инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эканини тушунтиришда ҳам Туркистон халқларини ана шу муносабатга тайёрлашни кўзда тутаяди, яшаш учун бундан бўлак йўл йўқлигини уқдиради, миллат, ватан тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг олий мақсади деб билади. Жадидларнинг асосий шиорларидан бири ҳам шу эди.

Ўзбек жадидлари дунёда рўй бермоқда бўлган рақобатларга дош бериш учун қудратли давлат даражасига ўсиб чиқишни орзу қилардилар. Фитрат “Бедил” асарининг етакчи ғояси шундан иборат эди. Бу билан Фитрат, агар

таъбир жоиз бўлса, бизнинг бугунги кундагина зўр бериб интилаётган орзуларимизни ифода этади. Классик ёзувчилар асарларини бебаҳо тарбиявий ва эстетик аҳамияти мана шудир. Даврлар ўтади, тузумлар ўзгаради, классик асарлар эскирмайди.

Кизгин курашлар авжга чикиб турган замонда ўз қобиғига ўралиб ётиш мумкин эмаслигини чуқур тушунган Фитрат “Эмди кемани синдириб, тўлқинлар орасига кирмак” шарт деган жуда кескин масалани қўяди. Бу Ёш бухороликлар сўл қаноти концепциясини, яъни яккахокимлик идора усулига қарши очик курашга ўтиш ҳақидаги мулоҳазаларини ифода этади.

Шу ўринда Фитратнинг панисломизмга муносабати ҳақида ҳам ики оғиз гап айтиш керакка ўхшайди, чунки “Бедил” асарида мазкур йўналишга Фитратнинг ўз қарашлари ҳам акс этади. Панисломистлар ислом динини қурол қилиб, барча мусулмонларни бирлаштириш ва ягона, қудратли мусулмон давлати тузишни тарғиб қилганлар. Мана шу шиор остида Овропа мамлакатларининг босқинчилик сиёсатига қарши курашадилар. Фитрат панисломизмдаги мусулмонларни бирлаштириш ғоясини ёқлайди, лекин ундаги диний таълимотни қоралайди. Кейинчалик ҳатто, рад этадигина эмас, динни никоб қилиб, ўз мақсади йўлида ҳаракатланувчилар ва унинг арбобларига қарши кескин кураш олиб боради. “Бедил” асарида мазкур ғоя етакчи роль ўйнайди. Айрим дин арбоблари оммани кундалик ҳаётий вазифалардан қалғитади деб изоҳлайди, улар халқни ишга эмас, хаёлга судраётгани, охират, жаннат, жаҳаннам хаёлларига ботириб, ҳақиқатдан узоқлашишга олиб бораётир, бу эса, тараккиётни жуда мураккаблаштирмоқда, халқ онгини кўтаришга ҳалал бераётир деб уқтиради. Фитрат авомга қарата ёзади: “Бу жаҳиятнинг нариги томонида “мавҳумот”дан бошқа нарса йўқдир. Кўр эмассан, кўзинг бор, бошқа олам қайди?...” Фитрат ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳақида фикр юритар экан, ҳамиша бир нукта унинг барча мулоҳазалари марказида туради, у ҳам бўлса эркинлик, озодлик ғоясидир. Ҳатто у дунё бу дунё ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам шундай яқунлайди:

“Жаннат шу кунларки, эрк, озодликдан бошқа нарса эмасдир.”

Кўриниб турибдики, Фитрат дунёқарашидаги панисломизм таъсири ва унга муносабат ҳам ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Мазкур йўналишдаги мусулмонларни бирлаштиришга қўшилади, аммо унинг исломни байроқ қилишига эса қўшилмайди. Бундай ўзига хосликнинг ҳам муайян илдиzlари бор. Фитрат Ёш бухороликлар қарашларини ифода этганда динни бутунлай инкор этишга бормайди, аммо Октябрь инқилобидан кейинги йилларда мамлакатда авж олган динга хужум - Фитрат дунёқарашининг юқоридаги ахволга мажбуран олиб келишига сабаб бўлади.

“Бедил” асаридаги энг кўп саҳифалар илм, маърифат, маданиятни, айникса, аниқ фанларни ривожлантириш, Овропа тараққиётидан ибрат олишни уқдиришга бағишланади. Туркистондаги колоқлик, гумроҳликдан фарёд чекади. Бинобарин, бу оғир вазиятлардан чиқиш учун журъатли бўлишга, кескин курашга чақиради. У, бу борадаги фикрини жуда образли қилиб, шундай ифода этади: “Хўкиз билан эшак бир оз “вокиф” бўлмок билан инсон бўлма-салар-да. инсон бир оз хабарсизлик билан эшак бўладир”. /31-б/.

Фитрат 20-йиллардаги дунёқарашида асос-эътибори билан илғор мутафаккир сифатида яққол кўринади, у ёзади: “Инсон жаннатдан ерга тушмади. У буқунги ҳолига кирмасдан бурун хайвонлар қаторинда худди шулар каби юргучи бир хайвон, маймун эди. Чунки табиатда ҳар бир шакл модданинг устига тушадир. Шаклдан бурун модданинг бор бўлиши керак... Энг қадим замонларда /ҳали бор бўлмок ҳақидаги тушунчамиз йўқлигида/ табиат боқчасида одамнинг уруғи, томири бор эди. Майдонда бир изи йўқ, хаёл билангина қайнашиб турар эди. Унинг ул чоғдаги борлиғи жим турғон бир оғизда фарёднинг борлиғи каби эди... Фан, ҳунарнинг баҳори бўлган одам энг сўнг табиат юзасига ёғоч уруғидан чиққан каби бўлди...” /35-б/.

Фитрат, инсон моддий оламнинг олий маҳсули экани ҳақидаги материалистик фалсафанинг туб асосларини ҳимоя қилади. Бу билан чекланмай, жамиятдаги синфий табақаланиш, унинг дастлабки пайдо бўлиш даври, шакл-

ланиши, ривожланиши оқибатида нималарга олиб келгани ҳақида фикр юритиб, ҳоким синфларнинг текинхўрлик кирдикорларини айна 20-йиллардаги совет давлати сиёсатига мос ҳолда ифода этади. Мана бу мулоҳазаларга эътибор қилинг: “Инсон озик ишқи билан экинчиликни топди. Уюшган ялқовлар ҳасад юзасидан хужум этдилар, экин ерларига /кўкдан ёккан жала каби/ тушиб, хароб этдилар. Экин ерларини таладилар. Бечора кўшчининг унумлари зиёнга айланди. Кўшчининг бутун ёлинишлари унумсиз қолди. Ўтли фарёдлари тутундан бошқа бир нарса қолдирмади. Бундай қулай, енгил бир фойдани кўргач, кўб киши буларга кўшилди. Кўз очлигининг фатвоси билан ҳар ерда мана шундай талаб емакни ўзларига ҳақ, ҳалол кўрганлар кўпайдилар. Кўшчининг бир йил тер тўкиб тўплаган ҳосилларини бир дақиқалик ҳаракатлари билан “солуғ” деб ола бошладилар...” /35-40-бетлар/.

Фитрат текинхўрлар ҳақидаги, меҳнатқаш халқнинг пешона тери билан вужудга келтирилган моддий неъматнинг талон-тарож қилиниши бобидаги фикр-мулоҳазаларини изчил давом эттиради, чуқурлаштиради. Ундаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги ҳаётимизда учраётган айрим текинхўрлик, ўғирлик, юлғичликлар, ҳатто уюшган ўғриликнинг қилмишларини тасвир этаётганга ҳам ўхшаб кетади. Яъни бу нуқталар ҳозирги нуқсонларимизга қарши курашда бемалол қўл келади дейиш мумкин.

“Кўшчидан солиқ олиб яшамоқ учун беклар бирикиб, кўшчини талаб, тирикчиликларини тузатиб, безадилар... Тинчгина яшай бошладилар. Қоринлари тўйгач, киссаларига ошди. Киссалари тошиб ҳазиналарга оқа бошлади...”

Фитрат текинхўрликни шу тарзда тасвирлаб бериб, айна шу ҳолат жамият ҳаётидаги зиддиятларнинг туб негизи эканини таъкидлайди. Меҳнатқаш билан текинхўр ўртасида пайдо бўлган дастлабки зиддиятлар кейинчалик бориб, таловчиларнинг ўзлари ўртасига ҳам ёйилади. Бора-бора таловчиларнинг ўзлари “орасида зиддият, ҳасад кучайди. деб изоҳлайди Фитрат, ҳар бири ўзгасидан ортиқроқ мол тўпламоқ савдосига тушди. Шундан қилич, ханжар пайдо бўлди. Кўшинлар тўпланди. Бир-бирлари устига юриш қилиш бошланди. тарафқашлик бўлди, ёлғизини талади,

мол-жонини олди. Кичкина беклар чиндан тиришдилар, бир-бирлари билан курашдилар. Енганлар енгилганларни ютдилар. Бир неча бекликни ютган бир беклик кенгайиб бориб султонлик бўлди...”

Фитрат Бедил таълимотини шарҳлар экан, султонлар шоҳларнинг ўз истакларини амалга оширишдаги никобларини йиртиб ташлайди, ясама шиорларини шарманда қилади, ҳокимларнинг “адолат” деб атаганлари аслида адолатсизликдан иборатлигини исботлайди. Подишоҳлар меҳнаткаш халқ елкасида турганларини яхши тушунганлари ҳолда унинг топган-тутганини таркатмасдан, эҳтиёт қилиб, ўз хазиналарига оқиб тушавериши чорасини кўрдилар. Аммо бу ниятларини ҳамиша ёлғон, ясама шиорлар, қонун-қоидалар билан никоблаб турадилар. “Хирслари қайнади - адолат, деб атадилар. Ўзларини қўшчининг қоровули тарзида кўрсатдилар... Оч табиатлик, очкўзлик бир мушук бир харобада пусиб турган экан. Бир киши уни бу ҳолда кўргач, нима қилиб турганини сўраган. Мушук: мунда кучсиз, кимсасиз, ожиз сичқонлар бор, шуларни қарға тутмасин деб қоровуллик қиламан. Бу ерда уларнинг мендан бошқа ҳомийлари йўқ деган” /41-б/. Ҳокимларнинг халқни ҳимоя қилиш тўғрисидаги сафсаталари, тахминан ана шу мушукнинг сичқонга кўрсатаётган “ғамхўрлигининг” ўзгинаси. Ҳокимлар ўз бойликларини ҳимоя қилишни халқни ҳимоя қилиш деб овоза қиладилар. Чиқарган қонунларичи?! Меҳнаткашга “ҳеч ким зулм қилмасин” деган гапдан бошланади. Бироқ “буларнинг чин маъноси подишоҳ киссасига тушадирган молларни бошқалар олмасинлар демак эди” /43-б/.

Фитрат асарнинг бошидан охиригача эзувчи билан эзилувчи муносабатлари тўғрисида анча кенг қўламда мулоҳаза юритади ва ҳамиша мазлумни хушёр бўлишга, ғафлатдан уйғотишга, ўз қудратини англаш ва шунга ишониб ҳаракат қилишга чакиради. Халқ оммаси қудратига юксак баҳо беради. Курашлар давом этиши натижасида оқибат ғалаба меҳнаткаш халқ томонида бўлади деб блади. Бунини тушуниб етмаганлар хор бўлаётир деган мантикни уқтиради. Ҳокимлар ҳамма ишларини “адолат” пардасига ўраб амалга оширадилар. Аслида бу пардани Фитрат мана



бундай очиб кўрсатади: “Адолат пардаси остида бўлатурғон... ҳаракатлар натижасида кўшчи дунёси таланиб битди. Кўшчилар ҳосилдангина эмас, ерларидан ҳам айрилдилар. Ҳаммалари мардикоргина бўлиб қолдилар. Боякиш кўшчи экадир, ўрадир, хирмон қиладир. Бирок хирмон бошидаги хўкизлар каби оғиз боғланғондир. Бир нарса емаги мумкин эмас. Ётлар косаларини сувнинг тўлқинлик еридан тўлдирадилар-да, булок эгаси сувсизликдан жон берадир”, /44-б/.

Фитрат Бедил таълимотини шархлаш орқали ўз мулоҳазаларини ўта ҳарорат, юксак хис-туйғу билан баён қилади. Мазлумларга мурожаат қилиб, подишоҳларнинг “адолат” деганини “зулм” деб тушуниш кераклигини уқтиради: “Зулм - буларнинг дини. Адолат, яхшилик кутма булардан. Булар ўз фойдаларига топиналар. Имон излама булардан!”

Фитрат ўз асарининг асосий йўналишида ўрта асрчилик жаҳолатларини фош этишни мақсад қилиб олгани маълум. Ниҳоят, жамият /амирлик идора усули маъносида А.А/ шу ҳолатда бундан буён давом этиши мумкин эмас, биқиклик аллақачон инқирозга юз тутган, чириб битган деган хулоса чиқаради. “Бу оламда инқилоб тўкилиб турадир, деган Бедил, деб ёзади Фитрат..., Золимларнинг ўрни энг сўнг мазлумларга қоладир. Олов оёқдан йиқилғоч, жойини кулга қолдирадир”

Фитратнинг “Бедил” асари бир қарашда диққатни олис ўтмишга қаратаётганга ўхшайди. Талай қадимий ҳикоятлар, ривоятлар келтиради. Лекин ҳаммаси замонавий масалаларни, ҳатто асар ёзилган 20-йиллардагина эмас, ҳозирги кунларда кун тартибига чиқаётган муаммоларни ҳал этишга ҳам хизмат қилади, десак, муболаға бўлмаса керак. Зотан, Фитрат 20-йиллардаёқ тарихий ўтмишнинг, маданий мероснинг замонавий тараққиёт учун аҳамиятини етук зиёли сифатида тўғри тушунган. Мана шу тушунча унинг қатор тарихий асарлар, илмий тадқиқотлар, драмалар ижод қилишига олиб келади.

“Форс шоири Умар Ҳайём” /Ўздавнашр., Самарканд-Тошкент., 1929 йил/.

Бу ўзига хос илмий-тарихий асарни ёзишдан илгари Фитрат “Қизил қалам” тўплами учун Умар Ҳайём тўғрисида бир мақола ёзган эди. Мақолани тўпламга топширгандан

бир оз кейин у Умар Ҳайём тўғрисида янги бир маълумотни қўлга киритади. Муаллифнинг ғоят хурмат билан таъкидлашича, Хоразмда араб тилида Имом Захириддин Абул Ҳасан Ал Байҳакий ёзган “Натмаату Савонул Ҳикма” китобида хижрий VII асргача машҳур бўлган Шарқ файласуфларидан юз кишининг таржимаи холи берилган. Шунда 53-бўлиб, Умар Ҳайём туради. Фитратнинг тасдиғига кўра, мазкур китобнинг муаллифи “Умар Ҳайёмга замондош, уни кўрган киши эди” Гап шундаки, Фитрат мазкур китоб билан танишган онда унгача ёзиб тўпламга топширган мақоласини қайтариб олмоқ ниятида “Қизил қалам” тўплами таҳририятига югуради, бироқ қайтариб олиш имкони бўлмайди, чунки мақола босмохонага туширилган ва териб бўлинган экан. Аммо Фитрат илмий иш одобига риоя қилган ҳолда мавзуга қайтадан ёндашади ва шу йўсин “Форс шоири Умар Ҳайём” китоби вужудга келади.

Фитрат бу китобни ёзишдан кўзда тутган ниятини баён қилар экан, сўзбошида уни шундай изоҳлайди: “Мақсадим Ғарб олимларини бу янги манбаъдан хабардор қилишдир”

Умар Ҳайём - фақат Шарқда эмас, бутун дунёда машҳур бир даҳо. Унинг ижодий фаолияти ва ҳаёти ҳақида батафсилроқ маълумот беришни шарқшунос олимларгина бажара оладилар, бу вазифани, албатта, биз зиммамизга олишдан йироқмиз. Фақат Фитрат ижодий фаолиятида мазкур мавзу ҳам катта ўрин тутганини, Фитратнинг машҳур шарқшунос олимлар каторидан ўзига муносиб ўрин олишига маънавий ҳуқуқи борлиги. Фитратнинг тарихий мавзулар, классиклар ижодига муттасил хурмат билан қараб келгани. оддий қараш эмас, уларнинг битмас-туганмас маънавий бойликларини келажак таракқиёт учун йўналтиришга интилиш каби бир қатор фаолиятлари устидагина қисқача фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз ҳолос.

Фитрат Умар Ҳайёмнинг оламга машҳур шоир, олим, жуда мураккаб ва буюк шахс эканлигини таъкидлаб, унинг ижоди билан талай мутахассислар шуғулланганини эслаб, улар билан баҳсга киришади. Шу муносабат билан Умар Ҳайёмнинг таржимаи ҳолига оид бир қатор маълумотларни келтиради. Бугина эмас, Умар Ҳайём ҳаёти ва ижодий фаолияти муносабати билан унинг даври адабиёти,

тарихи хакида ҳам анча батафсил тўхтайди.

Китобда қисқача сўз бошидан кейин, “Форс адабиётига умумий бир қараш” сарлавҳаси остида ёзилган кириш қисми бўлиб, унда Эрон адабиётининг араблар истило-сидан кейинги даври хакида умумий маълумот берилади. Таъкидланишича, ҳарбий саркарда Абомуслим Хуросоний бошчилигида араб истилосига қарши кўтарилган исён ғалаба қозонади. Исломдан сўнг форс адабиётида маснавий қасида, рубоий, ғазал каби шеърӣй шакллар ривожланади. Муаллиф тилга олган шеърӣй шакл ва услубларга изох бериб бориб, уларни Умар Хайём рубоийлари билан муносабатлари, боғланишларини ҳам изохлайди, қасида араб шеърӣятида исломдан ҳам илгари мавжуд бўлгани айтилади. Форс адабиётида бу жанрларнинг вужудга келиши хакида фикр юритилар экан, “Форс шоирлари қасида билан ғазал шаклларини араблардан олдилар. Маснавий билан рубоийни эски миллий адабиётларидан такмил қилдилар...” деб ёзилади ва рубоий шаклига содда, ҳамма тушунадиган даражада таъриф берилади: “Рубоийда тўрт мисра энг гўзал, энг кучли бўлади, мақсади ҳам худди шунда айтилади. Рубоий билан дунёга танилган Умар Хайём бунинг энг устаси бўлиб қолди” /Ўша китоб, 16,17,18-бетлар/.

Фитрат ўз асарида Ҳаким Абулфатх Умар ибн Иброҳим Хайём хакида бир қатор Шарқ ва Ғарб Европа олимларининг хилма-хил фикр-мулоҳазаларини келтиради. Хайёмнинг шахсий ҳаётига оид айрим қарашлар билан каттик мунозара қилади. Бундан, аввало, биз Фитратнинг мазкур мавзуга нақадар жиддий ёндашганини билиб олсак, муаллифнинг ғарб олимлари қарашларидан ҳам кенг қўламда билимга эга бўлганлигидан ҳам хабардор бўламиз. Фитрат ўз мулоҳазаларини Хайём иборасининг луғовий маъносидан тортиб, шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти хакида қанчалик батафсил маълумот бергани хакида тасаввур ҳосил қиламиз.

Хайём сўзи арабча бўлиб, “хаймачи” “чодирчи” демакдир. Таҳаллусга ота касбини олган, Эронда бу ҳол кўп учрайди. /23-б/.

Фитрат Умар Хайёмнинг рубоийларидаги умумий руҳга сиртдан ёндашиб, шоир дунёқарашига тўғри баҳо берол-

маган айрим шаркшунос олимларнинг мулоҳазаларини шартли равишда учга бўлади ва ҳар уччаласидаги камчиликларни аниқ далиллар билан исботлайди. Баъзилар Ҳайёмнинг май ҳақидаги кўб рубойларига қараб, оддий майхўр дейдилар. Баъзилари сўфийлик мазҳабига йўйиб, уни ислоҳчи деб изоҳлайдилар. Учинчи хиллари Ҳайёмни мухитдан, жамиятдан юқори турган дейдилар. Фитрат бу қарашларга муносабат билдириб, бу уч хил фикрда бир хиллик борлигини таъкидлаб, уларга жавоб бериш билан бирга Ҳайёмнинг шахсий ҳаётига оид маълумотлардан ҳам бериб ўтади. /42-б/.

“ Ҳайём саройда табиб, ўткир мунажжим бўлиб, ҳукмронларнинг иш соатини” белгилаб турган, бундай одам майхўр бўлиши мумкин эмас эди. У, сўфий бўлган ва майни худонинг иши деб талқин қилган дейиш сира мумкин эмас, чунки унда шундай рубойлар борки, тасаввуф орасини улар билан келиштиришни имкони йўқ. Яна бир далил шуки, “тасаввуфнинг энг катта имомларидан бўлган Нажмиддин Розий тасаввуфни химоя қилиб, Умар Ҳайёмни сўкади” /42-43-б/ Бу ҳақда яна бир тарихий далилни келтириб Фитрат Ҳайёмнинг тасаввуф билан муносабатлари ҳақидаги ўз қарашларини мустаҳкамлайди. Машхур Имом Муҳаммад Ғаззолий Ҳайём билан кўришган, тасаввуф ҳақида суҳбатлашган. Ҳайёмнинг фикрлари ёқмагандан кейин жаҳл билан ташлаб чиқиб кетган. Ниҳоят Ҳайёмни ўз мухитидан ажралган, ёки мустасно деб изоҳлаш ҳақида шуни айтиш мумкинки, “мухитдан бир турли таъсирланмаган, мансуб бўлғони синфнинг талабларидан бир қисмига жавоб беришни ўз устига олмоғон бир адибнинг, бир адабиётнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳайём... санъат дохийсидир. Унинг катта ҳунари ичида яшаган жамиятнинг, мансуб бўлғон синфнинг сарой доирасида яшаганларнинг, ғазналари олтиндан тўлган феодалларнинг талабларини санъатнинг энг юқори даражасига чиққан бир усталик билан майдонга қўйишдан иборатдир”./44-б/.

Умар Ҳайёмнинг энг гўзал рубойлари Эронда ҳукм сурган Салжуклар саройидаги кайф-сафони, ҳукмрон табақаларнинг аллақачон инқироzi муқаррар бўлиб қолгани учун ҳам “дам ғанимат” қабилида маишатдан бошқа ҳамма

нарсани унутиб юборган юкори табақа вакиллари турмуш тарзини жуда чуқур фалсафий мантиқ ва юксак бадий маҳорат билан тасвирлаб беради. Фитрат Умар Ҳайём рубоийларининг бу хусусиятларни таҳлил қилар экан, Ҳайёмнинг май ҳақидаги ҳафтанинг ҳамма кунда кеча-ю, кундуз ич, деб хитоб қилган бир қатор рубоийларидан нумуналар келтиради ва улардан шундай бир мантиқий хулоса чиқаради: “ Бу рубоийлар Салжуклар саройининг энг теран, ҳам энг кирлик нукталаригача кўрсатувчи чиройли ойначалардир. Булар Эрон салжуклари саройида йиғилиб, ҳукумат идораси бошида ўтирган, ўзининг бир дақиқалик кайф-сафосидан бошқа ҳеч нарсани тушунмаган, мамлакат идораси, халқ тинчлиги ҳақида эмас, ўзининг эртаси ҳақида ўйлашдан ҳам безган тилаксиз, иродасиз, бузук, чирик бир жамоатнинг рухий ҳолатларини кўрсатадир” /56-б/ “...Мамлакатнинг эртасини ўйламок булар учун ғафлат саналадир”/57-б/.

Фитрат Ҳайём рубоийларининг бутун бир яхлит ғоявий мундарижасини белгилагандан кейин, ўз фикр-мулоҳазаларини тарихий воқеалар, аниқ далиллар билан асослаб исботлашни ҳам унутмайди, унинг таъкидлаб айтишича, Ҳайём Салжуклар давлатининг истиқболи фақат ҳалокат эканлигини жуда яхши билган эди, Ҳайём вафотидан 25-30 йиллар ўтиши билан мазкур давлатдан номнишон ҳам қолмади.

Умар Ҳайём рубоийларининг ғоявий асослари ҳақида гап кетганда баъзан Фитратнинг айрим талқинларига тушунмиш кийинроқ туюлади. Жумладан, Ҳайёмнинг мусулмон динига нисбатан муносабатлари борасида шундай ўринлар кўпроқ учрайди. Фитрат талқинига кўра Ҳайём айрим дин ва диний ақидаларни танқид қилади. “Эроннинг бу олим шоири, - деб ёзади бир ерда Фитрат, - динга қарши озод бир вазият тутган, дин ва унинг тарафдорларини, буйруқларини заҳарли қулишлар билан масҳара қилишга тиришган” /58-б/. Умуман, Умар Ҳайёмнинг дин ва диний ақидаларга нисбатан муносабатлари айни Фитрат айтангача бўлишига ишониш кийин. Бу масалани ойдинлаштиришда шарқшунос олимлар, Умар Ҳайём ижоди билан маҳсус шуғулланган мутахассислар ёрдам беришса керак. Биз-

нингча Фитратнинг бундай талкинлари муаллиф яшаб ижод қилган давр тақозосидан бўлса керак. Асар нашр этилган 1929 йиллар бутун совет мамлакатада амалга оширилаётган хунрезликлар, оммавий камашлар-у, қатл этишлар дастлаб динга қарши кураш шиори остида амалга оширалаётган эди. Бундай фожиалар асли Октябрдан кейинги биринчи кунлардан бошланган, юкорида таъкидлаб ўтган эдик, динга қарши кураш билан хусусий мулкчиликка қарши курашга биринчи даражали аҳамият берилди. Кирлик давримизнинг бу ёвузлик руҳи бутун жамиятимизни, адабиётимизни, зиёлиларимизнинг дунёқарашларини ҳам издан чиқаргани маълум ва бу ҳақда эндигина ошкор айтадиган бўлдик. Фитрат ҳар қанча билимдон бўлишига қарамай замонга боқмай турулмади. Унинг 20-30-йиллар мобайнида ёзган барча асарларида - "Қиёмат", "Бедил", "Рўзалар", "Шайтоннинг тангрига исёни", "Ҳинд ихтилолчилари" "Форс шоири Умар Ҳайём" ва бошқа асарларида динни танқид қилади.

Фитрат катта зиёли, машҳур олим сифатида ҳамиша ўз қарашларида классикларимизнинг маънавий хазиналарига ҳурмат билан қарашни узлуксиз тарғиб қилиб келган. Шу жиҳатдан Фитрат Умар Ҳайём ижодининг биз учун аҳамиятига келганда анча кенг ва батафсилроқ тўхтайти. Бу борада ҳам Фитрат ўзи яшаб турган давр тақозоси билан Фитрат дунёқарашларидан, аввало буржуазия мафқурасига қарши курашиш учун фойдаланиш масаласини биринчи ўринга қўяди, биз бу ҳақдаги фикрини келтирдик. Шуни ҳам айтиш керакки, инқилобдан кейинги биринчи кундан бошлаб бизнинг миямизга фақат буржуазияга қарши курашиш, иложи борича уни тезроқ гўрга тикиш керак деган ғояни сингдириб келишган. Шу қараш билан қулоқларбойлар, савдогарлар, хусусий мулкчилар, дўкондорлар, ақлушини таниган зиёлиларнинг ҳаммаси "халқ душмани" деб эълон қилинди, оммавий қирғин бошланди, то кейинги йилларгача давом этди. Мамлакат тараққиётини иқтисоди нисбатан маънавиятимиз шу йўсин барбод бўлди. Аммо Фитрат бу фожиаларни етти уҳлаб тушига ҳам келтирмас, истиқболга росмана ишонар, келажакни порлоқ деб биларди. Шунинг учун ҳам сира иккиланмай ўз қарашларини

баён қиларди. Классикларимизга бўлган ҳурматини ҳар қандай вазиятларда ҳам бузмади. Классикларнинг бадий маҳоратларидан қандай фойдаланиш, уларнинг энг илғор анъаналарини ижодий ривожлантиришни чуқур тушунарди.

Фитрат классиклар меросидан қандай фойдаланш лозимлиги ва унинг адабиёт ривождаги аҳамияти масалаларига жуда катта эътибор бераётган бир даврда бизда ҳар хил иғволар билан барча маънавий меросимизга қарши курашни иложи борича кучайтиришга ҳаракат қилинмоқда эди. Иттифоқ микёсида бошланган бу аксил ҳаракат бизда дўппининг ўрнига ҳам бош олиб келиш даражасига етди. Бу ёвузликни “муваффақият” билан амалга оширганларнинг баъзилари ҳали ҳам бемалол орамизда юрибди, юрибдигина эмас, зимдан иғво қилиб, киёфаларини ўзгартириб, даври-даврон суриб юрибдилар. Биз Фитратнинг ана шундай оғир вазиятларда ҳам маънавий меросимиздан воз кечмаганлиги учун ҳам бошимизга кўтарамиз.

Фитрат Ҳайём рубойларидаги маҳорат масалалари устида фикр юритиб туриб, бу соҳасида унга яқин келадиган шоир фақат Бобур, деб таъкидлайди. Шу билан бирга улар ўртасидаги яқинликни ҳам, тафовутни ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Фитратнинг фикрича, Бобур рубойларидаги очиклик, гўзаллик, соддалик Ҳайёмга ўхшайди. Лекин Ҳайёмдаги ҳикмат, фалсафий фикрларни бадий ифодалашга келганда Бобур ундан кейинда туради деган хулосага келади.

Фитрат Ҳайёмнинг бошқа илмий фаолиятлари, жумладан риёзиёт, табиёт, фалсафа, табобат, мунажжимлик бобидаги фаолиятларини ҳали ўргана олмаганлигини айтиб, бу соҳаларни ўрганиш фан тарихининг вазифаси, уларни ҳам ўрганиб, тадқиқ қилиб, Ҳайёмнинг бутун бир серқирра сиймо, ўз даврининг буюк бир қомусий алломаси эканини илмий равишда исботлаш масаласини олға суради. Шундай қилиб Фитрат Умар Ҳайёмга ўзининг буюк ихлосини билдиради. Унинг рубойларидан таржималар қилиб, ўзи изоҳлаб беради. Фитратнинг ушбу асари ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун уни ўқиш билан бирга, Умар Ҳайём ижодидан ҳам чуқур билимга эга бўлиш лозим. Биз масаланинг бу томонини яна шарқшунос олимларга,

хайёмшунос мутахассисларга колдирамиз. Биз факат Фитратнинг Ҳайёмга қандай баҳо берганию, “Форс шоири Умар Ҳайём” асари ўзбек адабиёти тарихида қандай аҳамият касб этгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш билан кифояландик. Зотан ўзбек совет адабиёти тарихида 1930 йиллардан кейин босилиб чиққан дарслик ёки қўлланмаларда мазкур асар умуман тилга олинган эмас эди. Биз ўз тарихимизда бор нарсаларнинг бирортасини ҳам кўмиб ташлашга ҳаққимиз йўқ. Зўрлик билан кўмилган бадий бойликларимиз халқимиз дилида яширинча бўлса-да, яшаб келганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ҳали тарихимизда, шу жумладан 20-30-йиллар ўзбек адабиётида ўрганилмай келаётган манбалар тўлиб ётибди. Булар ўз ҳалол тадқиқотчиларини кутиб турибди. Эндиги вазифа адабий бойлигимиз хазинасига тезроқ ва чуқурроқ кириб боришдан иборатдир.

Фитрат 20-30-йиллар адабий жараёнида ўзининг деярлик ҳамма жанрдаги фаолияти билан бадий тараққиётимизга катта таъсир кўрсатгани ҳақида юқорида бир даража таъкидлаган эди. Бундай сиймо ҳақида қўплаб олимлар ва танқидчилар хилма-хил фикр билдирганликлари, биз буларнинг ҳаммасини эмас, айримларини ўрни билан айтиб ўтаяпмиз. Фитрат шеърият, наср, адабиётшунослик соҳасида қатор асарлар ёзиш билан бирга, айниқса, тарихий мавзуларда ёзган ўнлаб драма асарлари билан ўзбек адабиётида мазкур жанрнинг ҳамда театр санъатининг ривожига ҳаммадан кўпроқ хисса қўшили дейилса, хато бўлмаса керак. Зотан 20-йилларда Фитрат яратган драма асарларининг ғоявий ва бадий жиҳатдан баробар етуқлиги уни шундай деб аташга ҳуқуқ беради. Фитратнинг 20-йиллардаги бундай серкирра фаолияти даврнинг энг илғор ёзувчи ва олимлари, умуман раҳбар арбоблардан тортиб барча зиёлиларни қизиқтиради. Жумладан, Назир Тўрақулов, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний каби давлат ва адабиёт арбоблари Фитрат ҳақида бир қатор илмий, танқидий, назарий мақолалар ёздилар. 30-йилларда Ҳамид Олимжон, тожик адабиётшуносларидан Х.Мирзозода, энг кейинги йилларда машҳур шарқшунос олим Л.Климович, Эрик Каримов ва бошқа бир қатор олимлар Фитратга нис-



батан бир даражада хурмат билан асарлар бағишлаганлар. Албатта, булар орасида Ҳамид Олимжон алоҳида йўл тутди, унинг Фитрат ҳақидаги ишида 30-йиллардаги шахсга сиғиниш даврининг бутун иллатлари ўзининг тўла аксини топди.

Кизиғи шундаки, Фитратнинг ижодий фаолияти қанчалик мураккаб, зиддиятли бўлса, олимларнинг унга бағишланган ишларида ҳам шунча хилма-хиллик ва зиддиятли фикрлар кўзга ташланади. Агар уларга яхлит баҳо берилгудай бўлса, 20-йиллардаги ишларда Фитратга асосан ижобий баҳо берилади, 30-йилларда эса Фитратга фақат хужум ва тухматлар қилинди, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятидан, бирорта илмий ишидан ҳам, бадиий асаридан ҳам бирорта ижобий нуқта топилмайди, ҳаммаси инкор этилади, Фитрат бизга ёт деб эълон қилинади, оқибат шу оқим уни қатл этишгача бориб етди. Бу бутун ўзбек адабиёти ва маданияти тарихига сира ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар келтирди.

“Қиёмат” ҳикояси. Бу асар 20-йиллар бошларида жамоатчилик эътиборини тортгани ва анча-мунча мунозараларга сабаб бўлгани ҳам маълум. Асар биринчи марта 1923 йилда Москвада босилиб чиққан ва унга Дарвеш имзоси билан бир шахс сўз боши ёзади. Сўз боши муаллифи “Қиёмат” ҳикоясининг ўз давридаги “атеистик” аҳамиятини кўкларга кўтариб, айни замонда бундай асарлар жуда зарурлигини таъкидлаб ўтади: “Бу ҳикоянинг амалий фойдаси шулки, ҳаёлда гўзал ва мафтун кўринган бу “бино”ни энг кулги ва энг оддий ёқдан кўрсатиб, ҳаёлга мойил кишиларнинг ҳафсалаларини пир қилиб кўядилар...”

Сўз боши охирида Дарвеш ўз мулоҳазаларини атеистик тарбиянинг моҳиятини иложи бориचा юқори кўтаришга интилади, дин арбобларининг шу чокқача авом халқни охират, дўзах, жаннат тўғрисидаги ақидалар билан чалғитиб келаётган ҳавоий таълимотларни ўйлаб топганларни қаттиқ танқид қилади. Мазкур асар уларга зарба беражагини мамнуният билан қайд этади: “барча диний ақидалар илм йўлида мағлубдирлар, бас, уларга сўз йўқ. Дин арбоблари бу ҳикояни кўриб фиғон қиладилар, қилаверсинлар...” деган жумлалар билан ўз мулоҳазаларини яқунлайди.

Кўриниб турибдики, 20-йиллардаги динга қарши очилган кескин курашлар кўплаб ёзувчи-ю, олимларни шу йўналишга буриб юборди, бу билан маънавий дунёмизга ғоят катта зарар етказди. Бу даврлада диннинг инсонлар онги маънавий дунёсига, жамият ривожига кўрсатган ижобий таъсири ҳақида лом-мим дейилмайди.

”Инсоф қилинсинки, дунё юзида тижоратга бунчалик юкори даражада берган ислом дини каби дин йўқ. Аммо қандай бахтсизликдирки, букун бизнинг орамизда эътиборсиз қолган ишларнинг бири-да тижоратдир. Буни ҳам билув керакки, тижорат қилишдан мақсад фойда қилишдир, ёлғиз олиб сотиш эмас. Букун тижоратнинг яшаши, фойда беруви учун бир неча илм керак. Минг йиллик чирик одат ва қоида бўйинча тижорат қилиб фойда олув мумкин эмас.../Фитрат, “Раҳбари нажот”, 1915 йил, 187-бет./

Фитрат бутун ижодий фаолиятида оммани олға интилиш ва янгиликдан доимо хабардор бўлишга, бир ерда депсиб, қотиб қолмасликка, хамиша изланишга даъват этади, ўсиш-ўрганишдан маҳрум бўлиш бутун ҳаётдан, тирикчиликдан маҳрум бўлиш, деб уқтиради. Биз келтирган кўчирмада Фитрат ўзбек жадидлари оқимининг миллий буржуазия тараккиёти тўғрисидагина ғамхўрлик қилишни мақсад қилиб олган давр қарашларини акс эттиради, аммо янгиликка даъват этиш етакчи фикр экани билан ҳам эътиборни тортади. “Минг йиллик чирик одат” билан энди яшаб бўлмаслигини уқтириб, “Мана шу сабабдан бизнинг тижоратимиз кундан-кунга орқага қараб борадир, деб давом эттиради ўз фикрини, мен қаттиқ ишонаманки, миллатнинг ҳаёти ва мамоти бизнинг ўз савдогарларимиз қўлидадир. Тўғри бундан бир неча йил бурун бизнинг идорамиз, уламолар қўлларида эди. Лекин улар бизга раҳбарлик қилишга ожизлик қилдилар. Унинг учун истаристамас бу муқаддас вазифа, яъни миллатга раҳбарлик қилиш уларнинг қўлларидан замонанинг тақозоси бўйинча бойларнинг қўлларига ўтди...” /Ўша асар, ўша бет/. Фитрат айни даврда динни ёқлаб туриб, мамлакатнинг келажаги ҳам савдо-сотикда деган ақидага алоҳида урғу беради. Зотан, жадидлар дастлаб фақат савдо буржуазиясининг мафкурачилари сифатида майдонга чиққан ва Фитрат худди шу

йўналишнинг илк тарғиботчиларидан бири эди. У, ўз фикрларини давом эттириб, яна шундай дейди: “Бу эътибор билан /яъни элни бошқаришни кўлга олиш билан-А.А./ букун бойларимизнинг вазифалари жуда каттадир. Уларнинг даражалари ислом қошида баландлашди. Бойларимизга таъзимки, вазифаларини таниб раҳбарликка муҳтож бўлгон муллаларимизга ёрдам ва раҳбарлик қилсинлар. Бойларимиз ўз ишларини замоннинг тақозосига қараб тузатмасалар, бу вазифани адо этолмайдилар. Мана шу сабабдан мен уч йилдан бери фарёд қилиб, бойларни огоҳ бўлишга чақираман, афсуски, уларнинг хушёр бўлишларини уйқудан бошқа вақтда кўролмайман, шекилли” /”Раҳбари нажот”, 187-бет/.

Бу ерда Фитрат дунёқарашининг кўп жиҳатлари бор ва уларни кенг изохлаш лозим. Лекин биз бошлаган фикримиздаги бир нуқтага ҳозирча урғу бериб турамыз. У ҳам бўлса. Фитратнинг динга муносабатидаги зиддиятлар ва эволюция масалалари. Гап шундаки, Фитрат ва унинг замондошлари фаолиятларидаги хилма-хил зиддиятли қарашлар уларнинг ўзбек адабиёти тараққиётидаги буюк хизматларини йўққа чиқара олмайди, камсита олмайди ҳам. Изланишлар, зиддиятларсиз яшаб ижод қилган бирор ёзувчи ҳеч қачон муваффақиятга ҳам эриша олмаган бўлса керак. Юксакларга кўтарилиш учун изланиш, хилма-хил тўсиқларга қарши курашиш, халқ оммаси, эл-юрт манфаати йўлида, унинг бахтга эришуви учун кураш йўлида виждон билан ҳаракат қилган шахс зиддиятларга дуч келиши муқаррардир. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек, Отажон Ҳошим, Боту, Миён Бузрук Солихов, Бехбудий, Вадуд Махмуд, Ашурали Зоҳирий, Фозилбек Отабек ўғли, Ғулом Зафарий, Манон Рамз, Усмон Носирий /рўйхатни давом эттириш мумкин/ каби намояндаларимиз Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов сингари давлат арбобларимиз ўзбек халқи тақдири, тарихи, маданияти, бахти йўлида курашиб, совет давлати истиқболига қомил ишонч билан яшаб, ишлаб турган кезларида айни совет ижтимоий тузуми томонидан шафқатсизларча қатл этилдилар, энди уларнинг пок руҳларини қақшатмаслик, номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олиш ҳар бир

Ўзбек миллатига хос имонли софдил шахснинг мукаддас бурчидир.

Хуллас, Фитрат қанчалик серкирра бўлмасин, 20-йиллар ўзбек адабиётида унинг энг салмоқли ўрни - тарихий мавзуларда ёзилган драмалари бўлса керак. Шунинг кўзда тутиб ҳозир биз Фитратнинг 20-йиллардаги драма асарлари устида бир оз тўхтаб ўтамиз.

### Тарихий-драматик асарлар

Фитрат 10-йилларда олий маълумот олгандан кейин ва ўқиб юрган кезларида ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ҳаётида рўй бериб турган янгиликлар, ўзгаришлардан муттасил хабардор бўлиб туради. Айниқса, бизга яқин турк, афғон, ҳинд халқлари ҳаётига ҳаддан ташқари кизиқиб қарайди, уларнинг тақдирига жаҳон халқлари тақдири билан, шу жумладан Туркистон халқлари тақдири билан боғлиқ тарзда қарайди. Шарқ ўлкаларида мустамлакачилик сиёсати зулми давом этаётганини ғоят ғазаб ва изтироб билан фош этади, қоралайди, унга қарши курашга даъват этади. Фитрат ўзининг бундай қарашларни дастлаб 1918-1919 йилларда ёзган “Шарқда инглизлар” “Шарқ сиёсати”, “Афғонистон ишлари” каби публицистикаларида, ундан кейин эса, қатор драматик асарларида юксак бадиий савияда ифода этди. Шундай пьесалардан бири “Чин севиш” номи билан 1920 йилда нашр этилди.

“Чин севиш” Хинд ихтилочилари турмушидан олингон 5 пардали ишқий-хиссий фожиадир. Ношири Ғози Юнус. 1920 йил, март, деб ёзиб қўйилган асар муқовасида. Нашриёт эгаси Ғози Юнус асарга ёзган “Тарқатучидан бирикки сўз” сарлавҳали сўз бошисида 20-йиллар ўзбек адабиёти ривожлантириш, ўзбек халқи маданиятини кўтаришдаги театр санъати ва драматургиянинг роли ҳақида анча юқори савияда фикр баён қилади.

Ғози Юнус мана шу сўз бошидаёқ инкилоб ғалабаси туфайли келгусида халқимиз катта бахтга эришади, деган ғояни умид билан шундай изоҳлайди: “Юксалишнинг биринчи босқичини босдик. Йўлимиздан қайтмасак, ё қайтарилмасак юксалган улуслар қаторига киргумиз кўб

узок эмасдир”

Ғози Юнус инқилобдан кейинги йилларга катта умид боғлагани қанчалик равшан бўлса, “йўлимиздан қайтмасок” деб, худди шахсга сиғиниш давридаги тўғри йўлдан чиқаришларни олдиндан башорат қилгандай туюлади. Кейинги гаплари сахна ва театр санъатининг тарбиявий ахамияти ҳақида бўлиб, шундай дейилади: “Юксалиш кунларимизда болаларимизда тирикчилик йўлини кўрсатқучи мактаб... канча керакли эса, мактаб эшигига кира олмоғон катталаримиз учун тиётирув... “пьеса”лари шунча тейишдир...”

“Чин севиш” Ҳинд халқининг мустамлакачилик зулмига қарши курашларини сахнада жонлантириб беришга бағишланган биринчи драматик асар сифатида 20-йиллардаёқ жамоатчилик эътиборини жалб этади, айниқса, илғор ўзбек зиёлилари уни яхши кутиб олганликлари Ғози Юнус фикрларидан ҳам кўриниб туради. Муаллифнинг таъкидлашича. воқеа Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида бўлиб ўтади. Фитрат мазкур асар қаҳрамонларини асосан нуқул ўқимишли кишилардан зиёлилардан танлайди. Етакчи образларни ташкил этган Нурулдинхон, Аҳмадхон, Раҳмат, Карим, Зулайхо ва бошқа ҳаммаси ўқимишли, билимли шахслар бўлиб, мамлакат ҳаёти ва тақдири ҳақида мутгасил ўйлаб иш қиладилар. Айниқса, Нурулдин жуда дардли йигит, шоир. Зиёли ёшларнинг ҳаммаси ўз юртини мустамлакачиликдан озод қилиш дарди билан яшайди. Ўзаро суҳбатда ҳам энг кўп мулоҳазалар, фикрлашувлар асосан, овропалиларнинг фан техникасию маданияти юксаклиги ва уларнинг мустамлака халқларига бўлган муносабатларини таҳлил қилиш ҳақида боради. Ана шундай суҳбатлардан бирида Карим: “Кани ўғлим, нима хабарлар бор?! Инглиз газеталарида бирор нарса ёзғонми? Бизнинг Ҳиндистон тўғрисида нималар дейдилар? - деб сўрайди. Раҳмат бу саволга мамнуният билан жавоб беради:

Раҳмат: - Аҳвол кўб яхши борадир... Ҳиндистонга эрк бермакчи эканлар...

Карим: Ў... Кўз тегмасин. Яна бирор ёмон тушми кўрдилар?

Раҳмат: -... Овропалиларда адолат тушунчаси кучлидир. Ҳиндистон эркина қарши турмаслар деб ўйлаймиз.

Карим: Янглишасиз, ўғлим. Адолат тушунчаси деган нарса Европо юрагина сиғмас...

Раҳмат: Овропада билим ошиб кетгандир. билими шунча ошган улуснинг юрагинда адолат яшамасми?

Сардорхон Овропада билимнинг ошқонини билмаган борми? Овропада билим бор, лекин инсоф йўқ. Овропанинг билими - қоплоннинг тиши, тирноғи каби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб емак тўғрисида қўб иш кўрмишдир”

Мана шу диалогларда “Чин севиш” асарининг бутун ғоявий мундарижаси акс этган. Асар бошидан охиригача инглизларнинг ва умуман Европа мамлакатларининг таракқиёти-ю, уларнинг кам ривожланган мамлакатларни босиб олган ерларда, жумладан, Ҳиндистонда ўтказаятган сиёсатлари, кирдикорларини бадиий тадқиқ этишга қаратилган.

Фитрат “Чин севиш” қахрамонлари тилидан Ўрта Осиё жадидлари ва жадид зиёлиларининг ўлкадаги колокликдан кутулишнинг бирдан-бир йўли аҳолига билим бериш, ривожланган Ғарб мамлакатлари маданиятидан ўрнак олиш деб олға сурган ғояларига алоҳида урғу беради. Аммо бошқалардан ўрнак олиш уларга бутун ватанни, халқни қул қилиб беришдан иборат бўлмаслиги кераклиги чуқур изоҳлаб берилади. Бу ғояни Сардорхон жуда яхши ифода этади: “Овропадан ўрганиб келганимиз билимларни кишилик дунёсининг юксалиши ва тинчлиги йўлида ишлатмоғимиз қулайдир...” Аммо у бутун Овропани мусулмонларнинг душмани қилиб кўрсатади ва ниҳоят “ёвларнинг энг буюги, энг кўркинчлиси инглиздир. Буни билмак, ҳар бир мусулмон учун керакдир”, - дейди.

Фитрат бу ўринда китъаларни бир-бирига қарши қўйишга бориб қолади, аммо бу қараш фақат мустамлақачиликни, шовинизмни қоралаш заминидан келиб чиқади. Мустамлақачиларнинг найранглар, хийлалар билан иш кўришларини, ўз манфатлари йўлида энг нозик, оддий кўз илғамайдиган усуллар билан бировларни қандай талаётганларини кўрсатишга муайян бадиий воситалар топа олади. “Раҳмат: - Мен инглизда шунча ўқидим. Ўқуғчилари, ўқитувчилари, ёзғувчилари, философлари билан сўзлашдим.

Бирортасидан сиз айтган ёвликни сезмадим.

Сардорхон: Инглизнинг буюк хунари шундадир. У бизнинг энг ёмон ёвимиз бўлатуриб, ўзини энг яхши дўстимиз каби кўрсатади. Керак бўлса, куръонни кўрсатиб, бусиз биз яшай олмаймиз, дейди”

Инглизларга муносабат масаласида Карим, Раҳмат, Сардор ва бошқалар ўртасида қаттиқ талаш ва мунозара узок давом этади... Айниқса, Карим бу борада шундай далиллар келтирадики, ҳар қандай мустамлакачиликнинг хийла-найранглари турли томонлардан фош қилиб ташлайди. Зотан, Фитрат буюк Шарқ даҳоларининг фалсафий таълимотлари, ажойиб хикматлари, фикрни ўта чуқур маъноли тағдор ифодалаш санъатини яратган донишмандларга хос фазилят ва маҳорат билан зиёли образлари қиёфасини тўла-тўқис гавдалантиради. Уларнинг ҳар бир гапларида бир қанча чуқур маънолар акс этиб туради.

Агар бадий асарнинг жони дастлаб сўз санъати бўлса, Фитрат бу фазилятга 20-йиллардаёқ эришган эди. Бу жиҳатдан Раҳмат билан Карим ўртасидаги суҳбат айниқса, кизиқарлидир. Раҳмат инглизларни химоя қилиб, улар мусулмонларга ёмонлиқ соғинмайдилар деб, ўзича далиллар келтиради, ҳар йили инглизларнинг пойтахтида бирикки инглиз катталари мусулмон динига кириб, ҳатто ўзлари учун мачит солдираётганларини айтади ва шундай бир халқ ноинсоф бўлмас деб туриб олади. Аммо бу ишлар ҳаммаси мустамлакачиларнинг найранглари. хўжақўрсинга эканини очиб ташловчи қатор далилларни келтирган Карим Раҳматнинг бутун гапларини рад қилиб ташлайди. “Янглишасиз, ўғлим, дейди Карим, инглизларнинг мачит ясамоқлари - Каъбани бузмоқ учундир. Кўб олдонманг! Йилда бир-икки улуг инглизнинг мусулмон бўлиши ҳам ёлғондир. Бундан бир неча йил бурун... бир инглиз Истамбулга келмиш. Мусулмон бўлмиш. Ва “Лондон шайхулисломи” деган ном олиб кетмиш эди. Биз у вақт “бундай шайхулислом вакил кимга керак экан?” деб кулган эдик. Сўнгра онглодикким, бу-да ўйин эмиш...”

Карим ўз ҳамфикрлари билан сўзлашганда мустамлакачиларнинг айёрлиги, тобеъларнинг эса соддалигидан бутун вужуди қакшаб гапиради. Халқининг оммавий равиш-

да савиясини баланд кўтара олмаётганидан куяди, барча ҳақоратлар, очлик-ялонғочликлар, хўрликлар, ҳуқуқларининг поймол бўлаётгани фақат ғафлатда ётганидан деб билади. Ҳиндистондек буюк бир мамлакат бутун дунёни бокиш имкони бўла туриб ўз халқининг очдан ўлаётганига чидолмайди, фарёд қилади. Бор кучи, ғайрати, билими ва қобилятини халқни мустамлакачиларга қарши курашга кўзғотиш йўлида сарфлаш иштиёқи билан яшайди. Ўз фикрини бутун Ҳиндистон халқига англантиш, унинг миллий-озодлик ҳаракатини кенг қўламда авж олдириб юборишга интилади. Мустамлакачиларнинг газеталарида тез-тез чиқиб турган “эрк”, “озодлик”, “мустикаллик” каби муқаддас иборалар фақат одамларни алдаш ва чалғитиш учун ёзилаётганини, мустамлакачилар ҳеч қачон ўз билгилари билан қўл остиларидаги халқларга эрк бермасликларини асар қаҳрамонлари тилидан очиб ташланади. Сардор содда одамларнинг кўзини очиш учун шундай дейди: “Биз мусулмонлар ёлғизгина алданмоқ учун дунёга келибмиз, чоғи!!! Бор ишчимиз, мулламиз, шогирдимиз, ёзғувчимиз, ўқитувчимиз, шоиримиз, философимиз, каттамиз, кичигимиз Оврупанинг газетасига, китобига, сўзига, ишига, қонунига, вазирига, олтиниға,... алданмоқдан бўлак ишни билмайди. “Таймис” демиш, эмиш, деяберсин” “Таймис” нинг мусулмонларни алдамоқдан бошқа иши борми? Бутун Оврупанинг-да иши бизни алдамоқ эмасми?.. Оврупанинг буюк бир иши кучсизларни алдаб, қонларини ичмақдир”

“Чин севиш”даги севги-муҳаббат ғоялари, инсоний хис-туйғу, деярли барча фазилатлар ўлчови ҳам халқ озодлиги, босқинчилар сиёсатиға қарши кураш, миллий мустикалликка нисбатан муносабатлар билан белгиланади. Ҳинд ватанпарварлари Каримнинг гўзал кизи Зулайхони шоир Нурулдинхон билан Раҳмат иккаласи севиб қолади. Нурулдин инқилобчи шоир, серфикр ватанпарвар, камтар йигит, дарди кўп. У ҳам Зулайхо ишқида, ҳам ватан тақдири ҳақида ўйлаш билан эзилади, куяди, шеърлар ёзади...

Зулайхоға атаб ёзган «Бир оз кул» шеърисида шундай сатрларни ўқиймиз:

Кўз ёшларим букун тагин оқарми?

Қизил гулим ўзгаларға кулар-да,



Гўзал кушим учуб-учуб ўтар-да  
Кулибгина мен сари ҳам боқарми?..

Қизил гулим борлиғимнинг султони,  
Жоним сенинг хаёлингдан кўчирмай  
Юрагимнинг энг қийматли армони  
Нечун менга марҳаматинг озаиди.

Икки кўзим, мохи юзим, севгилим,  
Жонлар сенинг юзгинангдан айлансун.  
Қизил гулим, қаро кўзим, тилагим!  
Дунё сенинг бокишингдан ўргулсин...

Зулайхонинг кўнгли ҳам шу йигитда, отаси ҳам шуни ёктиради. Аммо онаси Фотимахоним эса, Овропада ўқиб келган бойвачча Раҳматга қизини бермоқчи эди. Раҳмат ҳам уни пайдам бўлиб Зулайхога кўп хушомадлар қилади. Мана шу заминда ватанпарвар инқилобчи йигитлар билан мустамлакачиларга сотилган Раҳмат, Ғулумхайдар, Аюбхонлар ўртасидаги зиддият тобора авж олади. Раҳмат Зулайхони тортиб олиш учун ҳатто Нурулдинни ҳукуматга қарши кайфиятдаги хавфли одам деб, инглизлар турмасига кама-тиб юборади. Ҳатто одам ёллаб, уни камокхонада захарлаб ўлдирмоқчи бўлади. Ҳинд инқилобчилари бирга ҳаракат қилиб Нурулдинни камокдан озод қиладилар ва Каримнинг уйига яширадилар. Бу ҳол Зулойхо билан Нурулдин ўртасидаги севги-муҳаббатнинг янада кучайишига шароит туғдиради. Ҳар доим улар ғоят ибо ва ифбат билан ўзаро шоирона суҳбатлар қуришади, дардлашадилар... Шу кезларда Карим уйида ҳинд инқилобчилари кўмитаси марказлашиб бир қатор мажлислар ўтказишади, ниҳоят Ҳинд халқига мурожаат қабул қилиниб, бутун халқни инқилобга-озодлик ва мустақиллик учун курашга даъват этилади. Шу вақтда Каримлар уйига Раҳмат ва инглиз полициячилари босиб қирадилар. Зулайхони ҳам асрга олиб кетмоқчи бўладилар. Раҳмат “Бу менинг севгилим, бунга тегманглар” деб буюради полициячиларга. Бирдан отишма бошланиб кетади. Полициячи Зулайхони ҳам отиб ташлайди...

Фитрат ҳинд ватанпарварлари билан инглиз мустамлакачилари ўртасида сира келиштириб бўлмайдиган дара-

жада карама-каршилиқ мавжудлиги ва бу зиддият ҳаёт-мамот кураши сифатида яқунланиши ғоясини олға суради, мустамлакачилик сиёсатини ҳар тарафлама чуқур фoш этади. Бу борада бир китъани иккинчисига тамоман қарши қўйишгача бориб қолади. Шу билан муслмон мамлакатлари ожизлиги туфайли Овропага ем бўлмоқда, деган хулоса чиқаради. Фитрат мустамлакачилик, мустақиллик масалаларини илгари суришда “Чин севиш”, “Бедил” асарлари билан чекланмайди, бу мавзуда “Ҳинд ихтилолчилари” номи билан яна бир катта драма ёзади. Бу асар бундан роппа-роса 67 йил илгари Германия пойтахти Берлинда ўзбек тилида, араб алифбосида босилиб чикди. Мана ўша китоб муқовасидаги ёзув: Ҳинд ихтилолчилари. 5 пардалиқ фожиали тиётирув.. Мухаррир ношири бухороли Абдурауф Фитрат., 1923 йил, Берлин.

Фитрат “Чин севиш”да бошлаган ижодий ишини “Ҳинд ихтилолчилари” да давом эттиради, янада мукамаллаштиради, ривожлантиради. Бу даврда Фитрат ижодий фаолияти янада камолга етган эди. Шунинг учун ҳам асар тили янада ширали, жонли, воқеалар қизиқарли, даврнинг ғоят муҳим муаммоларидан бирига бағишланган ва жиддий тадқиқот учун бой манба бўла олади. Бадиий ижодда бундай етук санъат асарлари пайдо бўлиши 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Айниқса, асар муаллифи шахсга сиғиниш қурбони бўлган ва тириклигида ўзининг муносиб баҳосини ололмасдан армон-ҳасратда кетган экан, у ҳақда энди инсоф билан фикр юритиш вақти аллақачон келган.

Фитрат асарларини ўқиганда, шу жумладан “Ҳинд ихтилолчилари” билан таншганда ҳам унинг йирик олим ва катта ёзувчи, шоир, драматург сифатида Шарқ ва Ғарб адабиёти классикларидан нақадар кенг ва чуқур хабардор бўлганлиги кишининг ҳавасини келтиради. “Абулфайзхон”да Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Отелло” сингари шоҳ асарлари таъсири, “Ҳинд ихтилолчилари” ва “Чин севиш”да Шиллернинг “Қароқчилар” асари ва Бедил, Умар Ҳайём, Жалолиддин Румий каби буюк Шарқ даҳоларининг фалсафий таълимотлари таъсири сезилиб туради. Шу билан бирга мазкур асарларда Фитрат ижодий фаолиятининг бутун

борлиғи, унинг кўнгил дардлари, орзу-армонлари тўла-тўқис намоён бўлади. Биз бундай таъсирларнинг айримлари ҳақида баъзан қисқача тўхтаб ўтдик, баъзилари ҳақида ўрни билан яна фикр айтиб борармиз.

“Ҳинд ихтилолчилари” асарида Фитрат яна ўша илгари тилга олган - империалистик давлатларнинг босқинчилик сиёсатини фош этиш масаласини мавзу қилиб олади. Энди бу масалани янада кенг қўламда ифодалайди. Бу асарда босқинчилик, тарихан ҳалокатга маҳкум, мазкур сиёсат ҳар қанча қудратли бўлмасин, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатлари олдида ожиздир, агар халқлар уюшқоқлик билан бирлашиб ҳаракат қилсалар унинг олдини оладиган куч дунёда йўқдир, деган фалсафа асарнинг бош ғоясини ташкил қилади.

“Ҳинд ихтилолчилари”нинг марказий ижобий қаҳрамони - ўз ватанини империалистик босқинчилардан тозалаш учун курашга бор ҳаётию фаолиятини бағишлаган. Францияда ўқиб даврнинг етук зиёлиси даражасига кўтарилган Раҳимбахш, айти шу маслак билан яшаётган унинг севгилиси Дилнавоз, жуда билимдон, қаландар қиёфасидаги донишманд - Лолахардиёл, уларнинг ҳамфикрлари Абдусуббух, Файзиаҳмад, Бадринат, Динанат, Орномсингих, Фазлиилоҳ, Маҳмудхон ҳамда бошқа Ҳинд инқилобчилари образлари тасвирида драматург дунёқараши, барча эътиқоди намоён бўлади.

“Ҳинд ихтилолчилари”ни йирик фалсафий, лирик драма дейиш мумкин. Унда Фитрат дунёқарашининг энг муҳим нуқталари акс этади, инсон эрки, бахти учун курашни ҳаммадан юқори қўйиш, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, бунинг учун миллий, диний тафовутлардан қатъи назар халқлар дўстлигини таъминлаш, илм-фанни ривожлантириш, эркин муҳаббат, ўз ватани, халқига садоқат, юрт манфаатини муқаддас деб билиш бахт йўлининг туб манбаи эканини нозик хис-туйғулар билан қўшиб тасвирлайди. Бу ғоялар унинг чинакам инсонпарварлигидан, ватанпарварлигидан келиб чиқар эди. Инсон чинакам инсоний ҳаёт кечириши учун, аввало, ўзлигини англаб етиши, бу даражага кўтарилиш учун эса

нималар қилиш лозимлигини фалсафий мушоҳада этиш ва уни бадий ифодалаш - драматургнинг диққат марказида туради.

Воқеа Ҳиндистоннинг айна гуллаб яшнаган гўзал боғларидан бирида, атроф кўкаламзор, гуллар очилган, булбуллар сайраган, табиат бутун кўркини кўз-кўз қилган баҳор фаслида Раҳимбахш билан Дилнавознинг ширин, севги-муҳаббат тўла суҳбатларидан бошланади. Булбул сайрайди, тинмай нола қилади, бу эса, Раҳимбахш билан Дилнавознинг ҳам завқи, ҳам ички дардларини кўзгаб юборади, қуш ноласи дардларга ҳамоҳанг эди. Раҳимбахш хитоб қилади:

Мунгли булбул, мунгдош бўлдик, кел, сайра!

Бир кипқизил гулга мен ҳам тутилдим.

Тинмағур қуш, қайғудошлиқ қилайлик,

Мен-да сендек юрагимдан урулдим.

Сен тебраниб ўтар-да, мен йиқилиб инграйин,

Сен ўтли ун чиқар-да, мен қонли ёш тўкайин.

Ҳиндистонда инглиз босқинчиларининг мустамлакачилик сиёсати туфайли халқ эзилган, бойлиги таланган, ҳуқуқлари поймол қилинган, бутун мамлакат ўз халқига қоронғу зиндон бўлиб қолган. Раҳимбахш, Дилнавоз ва уларнинг ҳамфикрлари бу ҳолатдан ғоят азоб чекади, эзилади, нафратланади. Ниҳоят, ватанни босқинчилардан озод қилиш учун курашга отланади. Раҳимбахш, Дилнавоз ўртасидаги меҳр-муҳаббат ватанга бўлган муҳаббат билан кўшилиб кетали, ўз бахти билан ватан бахти учун ошгли равишда баробар кураш олиб боришади.

Дилнавоз севгилиси ёнида ўйнаб-кулгиси, яйрагиси келади. Аммо инглиз мустамлакачилари дастидан ватанида ҳаловат йўқ. Ҳиндистондагина эмас, ҳатто бутун ер юзи унга қоп-қора, ҳаммаёқни тикан ўраган. Аммо чаманзорда бошқалар, бегоналар /ажнабийлар/ шодлик суриб юрганига ҳеч ким чиқолмайди, ҳамма эзилади.

Мустамлакачилар фақат одамларнигина эмас, боғларни, дарахтларни, ер-сувни, гулларни, қушларни ҳам қайғу-хасратга кўмиб ташлаган

Сўйла гулим, ёширмағил, надир дардинг,

Кимлар сени бу қопқора ерга юборади?!

Бу дунёда йўқ экан-да, нелар қилардинг?

Нега сени чулғаб олди бунча тиканлар?

Сен билан мен яраланиб ётибмиз,

Бу чаманда шодлик сурган кимлар эканлар?!

Дилнавоз боғда гул тераётиб шу қўшиқни куйлар экан, боғдаги гулларни босқинчиларга бермаслик учун териб олишга, ҳаммасини ўзи олишга интилади. Ватан гули, тикани, булбули, тоши, тупроғи, илони, чаёни ҳамма-хаммаси ўз фуқароси учун қадрли, кимматли, гўзал туюлади. Буларнинг бирортасини босқинчига бергиси келмайди. Ҳаммасини ёвдан химоя қилиш, тортиб олиш, сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Раҳимбахш ҳам буни чуқур идрок этади ва ўз мулоҳазаларини севгилисига айтади: “Бу ернинг гулини-да, тиканини-да, илонини-да уларга берма! Шу тиканлар билан уларнинг бағриларини тил, йилонлариға кўнгилларини чактир, булбулларининг нозли чўқиғичлари билан кўзларини чиқар! Инглизларни дунёни олиб тўймоғон дединг, тўғри. Ҳайвонлар орасида тўйғонини билмагани учун ем ёнида ёрилиб, ўлгани кўб бўлур, буни ҳам унутма!!”

Раҳимбахш ёвга қанча нафратли бўлса, ватанига, эл-юртига, севгилисига шунча меҳр-муҳаббатли етук шахс. Билим доираси кенг, фикрини жуда нозик иборалар билан чуқур ифода эта билади. Севги-муҳаббат ҳақида гапираётиб инсоннинг хис-туйғуси сўз билан ифода этиладиган ҳар қандай тушунчадан юқори туришини усталик билан баён қилади. Ҳамиша теран маъноли, фалсафий мушоҳада юритади, мана бу иборага бир эътибор қилинг: “Тил севги ўлкасида тилмочлик этолмас”, яъни севги-муҳаббатни тилдагина айтиш билан бўлмас, уни хис эта билиш зарур.

Фитрат бутун асар давомида образларнинг тилига катта аҳамият беради, ҳар бири ўз савияси, характериға мос иборалар ишлатади. Илгор, билимдон зиёлилар деярли ҳамиша қиска, шоирона, фалсафий маъноларни англатадиган сўзларни қўллайди. Фитратнинг бу қадар нозик тушунчаға эға бўлиши ва тил бойлигининг манбаи шу эдики, у асримизнинг бошларида - 1910 йиллардаёқ шеърятга берилиб, буюк Шарқ классикларининг нодир асарлари билан танишган, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш билан жиддий шуғулланган, маҳорат мактаблари-

дан нур эмган... Айникса, Бедил, Умар Хайём, Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб сингари буюк даҳоларнинг маънавий хазинасини, бой меросини чуқур ўрганган, уларнинг ҳар бири ҳақида илмий ишлар қилган эди. Бедил ва Умар Хайёмдан кўплаб рубоийларни таржима қилади, шарҳлайди. Уларнинг шеърятдаги маҳоратлари, бадиий савияларининг юксаклиги, айникса дунёни фалсафий идрок этиш усуллари Фитратга катта таъсир кўрсатади. “Ҳинд ихтилолчилари”да мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ва босқинчиларнинг қирдикорларини фош этишда Фитрат ўз мулоҳазаларини аксари шу таълимотлардан келиб чиқиб баён қилгани сезилиб туради.

Биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, Фитрат дунёқарашида Европа империалистик мамлакатларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш тушунчаси 1910 йиллардаёқ пайдо бўлган ва бу тушунча 1920 йилларда ҳам уни тарк этмаган эди. Ҳали у Ёш бухороликлар ташкилоти фаолиятида фаол иштирок этаётган кезларда бу тушунча мазкур ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади, ҳаракат дастури эди. У ўзининг бу соҳалаги қарашларини бошқа асарларида ҳам /“Бедил” “Чин севиш” “Ҳинд сайёҳи” қабиларда/ зўр ҳарорат билан ифода этади. “Ҳинд ихтилолчилари”да муаллиф асосан ва фақат шу ғоявий мундарижани кенг микёсда, бошқа асарларига нисбатан ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак савияда тасвирлаб берди.

Ёзувчи мустамлака ўлкаларда яшаётган халқлар дардини, ички дунёсини гоҳ ғазабга тўлиб курашга отланишини, гоҳ руҳи эзилиб тушкунликка тушишини, гоҳ ҳақоратлар, таҳқирлар, камситишлар гирдобида иззатнафси поймол этилишини ва бу ҳолдан фарёд чекишини чуқур идрок этади, аниқ фактлар асосида бадиий ифодалаб беради. Мазлум халқнинг бутун вужуди ватанига, халқига муҳаббат туйғуси билан тўлиб-тошгани “Ҳинд ихтилолчилари” да бошидан охиригача барқ уриб туради. “Бола, шуни билиб қўй, -дейди Раҳимбахш Дилнавозга, - юртни севганлар унинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик, яхшиликларини севарлар, улус йўлида жон берганлар унинг соқол-чопони учун эмас, ортиқлиги, фазилати, тарихи

учун ўлалар...Уларни севганим сени севганимдир... Юрагимдаги ҳисни англатмоқ учун “севиш” сўзи озлик қилади, топинаман сенга”

Асарда Ҳиндистондаги турли табақа вакилларининг турли характерлари тасвир этилган. Саҳнада уларнинг ҳар бири ўз хатти-ҳаракати, тили, киёфаси билан кўриниб туради. Бу жихатдан драматург маҳорати ҳавас қиладиган даражада жозибалидир. “Ҳинд ихтилолчилари”ни бугунги томошабин ҳали саҳнада кўргани йўқ, шу жумладан ўзимиз ҳам, аммо уни ўқиётгандаёқ ажойиб бир роман ўқиётгандаёқ вокеларга араллашиб кетасиз, ҳаммасини худди саҳнада кўриб тургандай махлиё бўлиб, томоша қилаверасиз...

Раҳимбахш, Дилнавоз илғор фикрли, зиёли ёшлар вакили. Ўз бахти, ватани озодлиги учун курашга бел боғлаган азаматлар образидир. Уларни донишманд каландар - Лолаҳардиёл, кенг меҳнатқаш, эзилган халқ оммаси вакиллари Абдусуббух. Файзиаҳмад, Бадринат, Орномсингих, Фазлиллоҳ, Маҳмудхон, Динанат каби бир қатор инкилобчи ишчи-деҳқонлар қўллаб-қувватлайдилар. Лахур шаҳар ҳокими - инглиз мустамлакачилари вакили Оқунар /менга худди Гдлян, Иванов, Сатин, Анишев, Дидоренколарни эслатади А.А/ жосус Марлинг, ўз ватани ва халқига хиёнат қилган хоин Мавлоно Нўмон ўртасидаги нуқул фитнадан иборат муносабатларда мунофик, сотқин, манфаатпараст шахслар киёфаси намоён бўлади. Оқунар билан Марлинг Ҳиндистондаги хилма-хил дин, мазҳаб ва улар ўртасидаги зиддиятларни яхши биладилар, ўз мақсадларини амалга оширишда шу зиддиятлардан усталик билан фойдаландилар. Ҳинд мусулмонлари орасида таъсири кучли бўлган Мавлоно Нўмон билан яна бир Ҳинд аёлининг сотқинлиги бу йўлда душманларга қўл келади.

Ҳар бир шахснинг чинакам киёфаси ўз ватани ва халқи тақдири ҳал бўлаётган кезлардаги ҳаёт-момот курашлари авжга чиққан вазиятда кўриниши тарихдан маълум. Мусулмонларга йўлбошчилик қилиб келаётган Мавлоно Нўмон ватани бошига тушган бахтсизликдан ўз манфаати йўлида фойдаланадиган малъунлардан эди, мустамлакачилардан олган юзлаб рупия даромадлар ва қимматбаҳо совғалар учун ўз улусига хиёнат қилади. Инглизларнинг келиши - худо-

нинг иродаси, унга қарши чиқиш худонинг ҳукмига қарши чиқишдир, бу катта гуноҳ деб туриб олади...

Фитрат халқларнинг миллий озодлик, мустақиллик учун олиб борган курашлари даврида ҳамиша ўз ичидан чиққан хоинлар халқига, ватанига хиёнат қилиб, душманга ёрдам берган соткинлар бўлганлигини назардан кочирмайди, зотан, “ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога” деган халқ мақоли худди шундай воқеалар заминидан келиб чиққан бўлса керак. Фитрат мазкур хоинларнинг жирканч башарасини шундай очиб ташлайдики, томошабин ундайлардан чексиз нафратланади, уларни таниб олади, кези келганда уларга қарши кескин кураш олиб боради. Бу жиҳатдан Мавлоно Нўмон ва унинг ҳамфикрлари типик характер даражасига кўтарилган. бугина эмас. Мустамлакачилар ўз жирканч мақсадларини амалга оширишда хиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги дин, мазҳаб билан боғлиқ келишмовчиликларни баттар чуқурлаштириб, уларни бирикмасликка, биргалашиб ҳаракат қилишларига йўл қўймасликка интиладилар

Марлинг билан Мавлоно Нўмон ўртасидаги суҳбат аҳамиятга моликдир: “Марлинг” - Биз келгач.../хинд-мусулмон ўртасидаги А.А./ жанжалларни кўтартирдик. Маданий яшамок йўлларини ўргатдик, хиндларни ўқитдик... Шодлик билан кўрамизким, хиндлар яшамок йўлларини билиб олмишлар. Биз Ҳиндистонни “адолат” билан олдик, адолат билан саклаймиз. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз... Бирок шу паллада биз бошқа бир нарсани ўйлаб тураемиз... Эски Ҳиндистон жамиятининг эгаси мусулмонлар эдилар. Шу паллада ҳам Ҳиндистонда энг яхши тайёрланган улус - мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун Ҳинд ҳукуматини мусулмонларга топширайлик”

Марлинг шундай ғаламислик охирида яна бутун хиндлар, маъжуслар бирлашиб, мусулмонга қарши кураш бошлади деган уйдирма гапни айтади ва ўз ишига ёрдам бераётган Мавлоно Нўмонга инглиз ҳукумати ўн минг рупиядан ойлик ажратгани, ҳозирча икки ойлигини бериб юборганини ҳам айтиб қўяди. Бу “марҳаматлари” эвазига Ҳинд инқилобчилари Абдусуббуҳ ва дўстларини қўлга тушириб бериш ёки шу ернинг ўзида ўлдиртириб юбориш йўлини



топиб беришни Мавлоно Нўъмондан илтимос қилади. Шу гапларни айтиб туриб Марлинг Мавлонога олтин, инжулар билан безатилган Курьонни “фалончи армуғон килиб юборди” деб такдим қилади. Яна унга “Ҳинду мусулмонларнинг бахти йўлида тиришганингизни бутун инглизлар яхши биладилар” деб қўяди.

Хоинлар қаршисида Раҳимбахш, Дилнавоз ва уларнинг ҳамфикрлари характерлари, бой ички дунёсини очишда ҳам Фитрат катта маҳорат кўрсатади. Мана Дилнавоз бўйига етган қиз, қалби тўла орзу-ҳавас. Ўз ватани, халқи аҳволини яхши биледи. Озодлик учун курашга бел боғлаган. Бу йўлда учрайдиган ҳар қандай қийичиликка тайёр. Аммо у табиатан ёш қизларга хос ҳис-туйғулардан ҳеч қачон узоклашолмайди, шунинг учун ҳам жонли инсон. Бу ҳол Фитрат ижодининг маҳорати ва реализмидан келиб чиқади. Бу образ биринчидан, мамлакатимизда хотин-қизлар озодлигию уларни ижтимоий ишларга жалб этиш масаласи кун тартибига қўйилган кезларда яратилиши билан замонавий аҳамият касб этса, иккинчидан, то 50-60-йилларда ҳам яратилган айрим сахна асраидаги “аввал пахта, кейин севги” ёки иккимиз турмуш курадиган бўлсак, аввал планни бажариб олайлик, кейин тўй қиламиз, “кузда план тўлганда тўй қўшилар тўйларга” дейдиган ясама гаплар ва сунъий одамлардан тамоман фарқ қилиши билан ҳам қимматлидир. Шу билан бирга бу образлар ҳамон ижобий бўлдингми, “ҳеч нарсадан тап тортмайсан, кўркмайсан, эзилмайсан” қабилидаги ёлғон сифатлардан батамом холидир. Дилнавоз баъзан оғир, мунгли изтироблар гирдобида қолади, ғамга ботади, дардини ёлғиз севгилисига очади: боскинчилар Ҳиндистонни “таламоқ учун бирлашган экан, булар /ҳиндистончилар А.А./ таловдан қутилмоқ учун бирлашмайдилар. Мусулмон дунёси нари турсин, букун Ҳинд инкилобчилари орасида ҳам “бирлик”, “келишув” деган нарсалар йўқ. Бундай бир кучга ишонмоқни қўябер. Бундай бир йиғинга “куч демак бўшдир...”

Дилнавоз мустмлакачилик зулмидан шундай тўйиб кетганки, гоҳо у фақат севгилиси билан бўлсаю шу дунё ташвишларидан ҳам, севинчларидан ҳам бутун борлигидан воз кечиб, умуман ер юзидан бошини олиб кетса... Дунё

ташвишларидан қутилишнинг иложи йўқдай кўриниб қолади, шунда у фақат шахсий хиссиётларига, хатто умидсизларча изтиробларга кўмилиб, оддий инсоний туйғулари билангина, фақат ўз ички кечинмалари, кўнгил дардлари билан ёлғиз ҳасарталашади. Шундай кезларда унинг кўнгилдан кечган гаплар мана бундай бўлади: “...Раҳимбахш, иккимиз тупроқ дунёсидан, тан ўлкасидан ажрасоқ, дунёнинг ёлғиз қайғуларини эмас, шодликларини-да унутсоқ, ер узра бор кўркуларнигина эмас, умидларини ҳам тош-лосоқ, қўлни-қўлга берсақ, шу ёниқ кушнинг титрак товушина эргашсақ, биз ҳам титраб-титраб юқориларга тўғри юксалсақ-да, у ерларда ҳам тинчлик кўрмагач, яна шул товуш каби чексиз бўшлиқлар аро йўқолиб кетсақ... Булар бўлмас экан, дунёнинг бир четида мана шу гул билан булбулдек иккалаамизгина ўтириб қолсоқ. Кимсанинг бизга ҳеч иши бўлмаса...”

Мана бу эл-юрт бошига тушган ғам-аламлар туфайли дунё кузига тор кўринган жонли инсон ниҳоят фожиалар уюмидан бутунлай бош олиб кетишгача бориб етган мазлуманинг чексиз-чегарасиз изтироблари ифодаси эди.

Драматург ўз қаҳрамонлари кўзи билан ҳаётни кузатар экан, шундай оғри ғам-аламларни кўрадики, ё унга қарши куришиб, инсоний кадр-кимматни сақлаб қолиши, ёки шу йўлда ҳалок бўлиши зарурияти қаршисида қолади. Бундан бошқа чора йўқ эди. Воқеалар жараёни, ривож табиий равишда мана шу вазиятга олиб келади. Қаҳрамоннинг шахсий ҳаёти, максали, ишқ-муҳаббати, бутун борлиғи шуни тақозо этади. Ҳаётда рўй бераётган бор қатта-кичик воқеа-ҳодиса ҳар бир шахс тақдирига бирон-бир таъсир кўрсатмай қололмайди. Бу тақдирдан ҳеч ким четда қололмаслигини муаллиф яхши англайди ва маҳорат билан кўрсата билади.

Раҳимбахш Дилнавозни жонидан яхши кўради, унинг гўзал юзига тикилгани-тикилган. Аммо унга тикилгани сари муҳаббати ҳам, хавотири ҳам ортади. Шундай гўзал қизнинг юзига инглиз йигитининг кўзлари тушишидан кўрқади. Дилнавоз буни яхши тушунади. Севгилисини хотиржам қилишга интилади: “Ҳинд қизининг кўзи шишаданмидир-ким, инглиз йиртқичлигининг шунча қонли изларини

кўрмасун! Ҳинд қизининг юраги тошданмикин, оёқлари остида қолиб эзилган эл виждонининг ярали лочинларча кичкириғини сезмасун! Бу кун бу ўлкада уларнинг юзларига қараб кулгучи бир киз эмас, бир ит ҳам топилмас!”

Раҳимбахш ҳам севги-муҳаббатни қадрлайдигина эмас, уни муқаддас деб билади. Дилнавознинг бетига ажнабий боскинчи кўзи тушишига, уни забт этишига сира йўл кўймайди ва агар инглиз йигитининг кўзи ҳинд қизига тушгудай бўлса, “Қуръон бетига хайвон аёғи тегмак” билан баробар деб ҳисоблайди. Асардаги айни шу ерни мисолга келтириб Ҳамид Олимжон Фитрат бу билан динни тарғиб қилмоқчи, деб ёзган эди. Бу фикрнинг ғоят кулгили эканлиги бугун кундай равшан. “Ўз бирлигимизга, ўз эрки- мизга тирноқ урмоқчи бўлганларга қарши чиқамиз. Қўлга- қўл бериб курашамиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, мазҳаб-да, дин-да қайтаролмас...”

Бу ва бошқа кўпгина фактлар “Ҳинд ихтилолчилари” да Фитрат асосан динни тарғиб қилади деган даъволарни батамом рад қилади.

“Ҳинд ихтилолчилари” га нисбатан билдирилган танқид- дий фикрларда Фитратга миллатчилик тамғалари ҳам бо- силган эди. Фитратга Ҳиндистондаги инглизлар мустамла- качилиги ҳақидаги мавзу нега керак бўлиб қолди? У рамзий услубда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олганини қора- ламоқчи деган даъволар ҳам бор эди. Аввало Фитрат фақат Россия ёки Англия, Франциягина эмас, умуман бир мамла- катнинг иккинчисини, айниқса, ривожланган мамлакат унча ривожланмаган, кучсиз ўлкани босиб олишига тубдан қарши эди. Бу қарашнинг нимаси хато? Бирор халқ ёки миллатнинг иккинчи халқ ёки миллат устидан зўрлик билан ҳукмронлик қилиши бутун дунё тарихида соф виждонли буюқлар томонидан қоралаб келинган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Фитратни бу томондан ҳам айблаш ноинсофлик бўлур эди. 20- ва 30-йиллар ўзбек адабий танқидчилигининг катта фожиаси фақат буюқ талантлардан хато ахтариб, қоралашдан иборатлиги эди. Айниқса, шахсга сиғиниш авжга чиққан 30-йиллар танқид- чилигида бадиий асарнинг бир жойидан биргина сўзни ажратиб олиб хоҳлаганча талқин этиш айрим “танқид-

чилар” учун одат бўлб қолган, шахсан Фитрат матбуотда бир неча бор чиқиб, бундай ҳолларга чек қўйишни талаб қилган эди. Жумладан, Фитрат 1927 йилда “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 7-8-сони/бир йўла чиққан, 39-40-бетларида/да Аҳмад Яссавий ҳақида мақола билан чиқиб, унда Абдурахмон Саъдий билан мунозара қилган ва орага Ж.Бойбўлатов ҳам қўшилиб, Фитратга қарши бир мақола ёзади, А.Саъдийни химоя қилади. Шунда Фитрат Бойбўлатовга “очиқ хат” ёзиб, берган жавобда шундай деган эди: “ Менинг сўзларимнинг бош-оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадларингизга ярарлик бир ҳолга киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайди”

“Ҳинд ихтилолчилари”да Фитрат аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига жуда катта баҳо беради. Дилнавоз факат ўз севгисига садоқатли гўзал кизгина эмас, шу билан бирга ҳинд аёлларининг илғор вакили сифатида миллий озодлик ҳаракатининг энг фаол, довюрак иштирокчиларидан бири сифатида ҳам майдонга чиқади. Инқилобчиларнинг барча ҳаракатларида эрлар билан баробар қатнашади. Севгимухаббат бобида ҳам ўз садоқати, поклиги, иффати билан намуна кўрсатади. Асарда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрнини таъкидлашга алоҳида аҳамият берилади. Воқеалар давомида аёлларнинг эркин ҳаракат қилиши, ҳар бир ишда фаол иштироқи борлиги уқдирилади, аммо уларни ёмон кўздан асраш лозимлигини ҳеч унутмайди. “Хотин - кишилиқ боқчасининг гулидир”, - дейди Раҳимбахш. “Ҳайвон тумшуғи тегмасин деб чечакни оғилға тикмам Хотинлар қамалсалар тарбиясиз қоларлар. Тарбиясиз хотинлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Гулни ҳайвондан сакламак... учун ерга қўммак эмас, ҳайвонни боғлаб қувмак” керак.

Фитрат яратган образлар ўз дардларини изҳор этишда кўпинча рамзий, ифодали, тағдор ибораларни қўллайдилар ва улардан ҳамиша фалсафий чуқур маънолар келиб чиқиши эътиборни тортади. Айтайлик, гап тарбия масаласига кетганда ҳам яна ўша бош ғоя мустамлакачилик зулмига қарши курашга даъват этадиган оддий, аммо образли фикр баён қилинади. Масалан, мустамлакачиларни ҳам тарбиялаб бўлармикан? деган сўроққа инқилоб-

чилардан бири - “бўлади, улар учун энг яхши тарбия уларни Ҳиндистондан қувмоқдир”, деб жавоб беради. Бу жуда оғир-ку, деган фикрга яна “тўғри, осон эмас. Ишнинг қулайини ахтармоқ - ялқовликдир. Қулай ишдан буюк унум чикмас. Буюк унумли иш қулай-да бўлмас. Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ ер юзини ўз қора қанотлари остига олғон бир алвастини йўқ этмақдир... Бу ёвни юртдан ҳайдамоқ - бу юртни ёв қўлида кўрмақдан қийин эмасдир”

Боскинчиларни ватанидан ҳайдаб чиқариш тўғрисида гап кетганда инқилобчиларнинг бутун вужудларидан ўт чакнайди. Бу ишни амалга ошириш учун кураш ҳар нарсадан буюк, ҳар ишдан эзгу, ҳамма нарсадан зарур ва муқаддас иш деб биладилар. Мусулмонлар учун мачит қандай жойлиги, бу жойни қанчалик пок сақлаш ҳақидаги ақидалар маълум. Раҳимбахш шуни идрок этган ҳолда боскинчиларни ватандан ҳайдашни “чўчқани мачитдан ҳайдаш каби эзгу” иш деб, бағоят кескин иборани ишлатади. Бунинг учун, аввало ўта дадил бўлиш, ўз халқи қудратига ишониш ва унга таяниш, биринчи гада барча дин ва мазҳабдагиларнинг бирлашиб ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Аммо мамлакатдаги қоқоқлик, тарқоқлик, ўзаро келишмовчиликлар Дилнавозни, бошқа инқилобчиларни ҳам ташвишга солади. Ҳинд улуси билан мусулмон дунёсини кўз олдига келтириб қараганда, Дилнавоз кўнглида шундай фикрлар кечади: “кишига ўхшаган бир йиғим - жонли нарсалар. Миялари тамуғ пучмоқларидан қоронғурок. Кўзлари оёқ остидан нарироқни кўрмайдилар. Юзлари кейинга қайтган. Туташ кейинга қарайдилар. Жон озиғин, кўз ёриғин кейиндан ахтаралар. Олға босмоқ, келгусини ўйламоқни “куфр” деб биладилар. Миялари эски, тушинишлари эски, қарашлари, қилиқлари эски. Эскиликка топиналар. Энг буюк кишилари ўлук. Энг ўғурли ерлари мазор. Яшамоққа топиналар, одамларга яшамок йўлини ахтармайлар...”

Кўриниб турибдики, эскилик, қоқоқликка қарши кураш ғояси Фитрат дунёқарашида 10-йилларда пайдо бўлган бўлса, худди шу ғоя уни тараккийпарварлар ҳаракатига ҳам бошлаб келган ва бу ғоя ҳамон давом этади. Ўзбек жаҳидлари, асосан мана шу шиор билан майдонга чиққан-

лари учун ҳам уларни янгилик трафдорлари ёки тараққийпарварлар деб атаган эдилар. Эскиликка ёпишиб олиб, қолоклик, жоҳдилликдан қутилишни ўйламаганлардан бирор маъно ахтариб топиш маҳол деган фикрни уқдириш учун Фитрат “бутун дунё буларни таламоқ учун бирлашиб” турган бўлишига қарамай, булар “таловдан қутилмоқ учун бирлашмайдилар” дейди куйиб-пишиб бир қаҳрамон тилидан.

Аммо Раҳимбахш, Абдусуббух каби инқилоб йўлбошчилари сира умидсизликка тушмайдилар, ҳамон олға қараб ишларини давом эттирадилар. 400 миллион Ҳиндистон халқини катта куч деб, халқ қудратига ишонч билан қарайдилар. Халқ куч-қудратига ишонмасликни қаттиқ қоралайдилар. Энг ёмон нарса ўз кучига ишонмаслик ва худди шу ишончсизлик туйғуси элни асоратга солаётганини уқдириш асарнинг етакчи ғояларидан бирини таин этади.

Ўз кучига ишонмайдиган элнинг кураш майдонидаги тақдир ҳақида муаллиф шундай фикрни баён қилади: ўз кучига, қудратига ишонмаган эл кураш майдонига киролмайди, кирганда ҳам енгилади, ишонмаганлар ишонганларни ҳеч қачон енголмайдилар.

Эл орасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиб, уларни ташкилий равишда бирлаштириб ҳаракат қилишга даъват этиш ҳақида ҳам чуқур бир мулоҳазага дуч келамиз. “Улусимиз зулм остидадир, - дейди инқилобчилардан бири. Бирлашмаги қийин эмас. Зулм мазлумларни бирлаштирамак учун энг буюк бир қуролдир”

Агар тарихга назар солинса, ҳақиқатдан ҳам ҳамиша халқлар бошига четдан қулфат ёғдирилган кезларда ҳар қандай диний, қабилавий, миллий тафовутлардан қатъи назар, улар умумий душманга қарши курашда бирлашиб кетганларини кўрамаиз. Раҳимбахш ўз даврининг етук қаҳрамони сифатида бу ҳолни тўғри идрок этади. Шунинг учун ҳам мустамлакачиларга қарши курашларда тобланиб, халқ ичидан чиққан буюк шахс даражасига кўтарилади. Ўз ватани, улуси, унинг кайфияти, аҳвол-руҳияси ҳақида теран фалсафий мулоҳаза юрита олади. Бундай фазилатга эга бўлмай туриб, халққа етакчилик қилиш мумкин эмас эди. Бундай даражага эришувда унга Овропада ўқиб,

орттирган маълумотлари, ўз отасининг жанговор ҳаёт йўли, буюк донишманд Лолахардиёл акидалари /буюк шарқ даҳолари таълимоти/ катта таъсир кўрсатди.

Фитрат дунёкарашларида умуминсоний фазилатлар тўлиб-тошиб ётарди. У 20-йилларда ёзган асарларидаёк яхши ёки буюк инсон бўлиш учун диний, мазҳаб, миллий, қабилавий тафовутларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ деган ғояни асослаб беради. Асли байналмилалчилик деб шуни айтилса керак. Маъжусийлардан чиққан Лолахардиёл - буюк шахс. Мусулмонлар кўзига баъзан эриш туюлади. Гўё маъжусийлардан ҳам буюк одам чиқар экан-да, дегандай савол туғилади. Бу саволга “инсонлик маъжуслик ё мусулмонликка қарамайди. Лолахардиёл инсондир” деб жавоб беради инкилобчилардан бири.

Шундан кейин биз Лолахардиёлнинг буюклиги, мавжуд аҳволга қарашлари, ажойиб фалсафий мулоҳазалари билан танишамиз. У ватанни ҳам, халқ бахтини ҳам, ёшларнинг севги-муҳаббатини ҳам, табиатнинг гўзал фаслларини ажойиб мафтун этувчи манзараларини ҳам чуқур идрок эта билди. Эл-юрт тақдири, ғам-ташвишлари билангина яшайди, бутун борлигини халқ бахти учун кураш йўлига бағишлаган шахс. У ёшларнинг истикболига, ишқ-муҳаббатига ишонч билан қарайди ва улуғлайди, уларга зўр ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Чинакам муҳаббат нақадар олийжаноб мақсадларга асосланишини, бундай пок ниятларгина инсонни улуғлаши ҳақида ажойиб фалсафий, жуда хикматли фикрларни айтадики, бу фикрлар кишини яшашга, курашга, ватан, эл-юрт тақдирини ўйлашга илҳомлантиради.

Муҳаббат ғараздан, фитнадан, ёлғон маъзиратлардан, гуруҳбозликдан ва шу каби ҳар қандай пасткашликлардан устун туриши зўр асослаб берилди. “Севимак уят эмас, дейди Лолахардиёл, - юрак - юрак экан севмак, севилмак истар. Севгусиз қолган юрак - сувсиз қолган балиқ қабидир. Унинг ҳар тебраниши бир жон чекишдир. Ер юзини тўлдирган бўш жанжаллардан, алдам негизига қурилган келишмаклардан, ғаразга қотишган бирликлардан, ҳасад урукли махташлардан йироқлашибсиз. /Мана сизга ҳақиқий муҳаббатнинг ҳаёти ва фалсафий талқини - А.А./. Табиат-

нинг тип-тиник кўринишлари орасида турибсиз... “Шундай ҳавас билан муружаат қилади донишманд киз билан йигитга. Мана шу вазият икки севишганнинг учрашув пайти, инсонни энг беғараз, қалбдан чиққан энг самимий сўзларини айтишга олиб келадиган чоғлардир. Шунинг учун ҳам бу вазият инсон ҳаётида энг бахтли онлар сифатида баҳоланади. “Бу оз бир саодат эмас. Кутлуғ бўлсин сизга!” деб табриклайди ёшларни қаландар. Шу билан бирга у, мазкур саодатни химоя қилиш учун курашилмаса узоққа бориб бўлмайди деган фикрни уқтиришга энг катта урғу беради. Шу билан Лолаҳардиёл ёшларни очик курашга катта ишонч ва эътикод билан курашишга даъват қилади.

Бусиз ҳам тушуниб турган ёшларга Лолаҳардиёл мамлакат аҳволини янада чуқур шарҳлаб беради. Бир элда яшаб унинг тақдиридан ташқарида туриш, яъни бахтсиз элда бахтли яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида Лолаҳардиёл мулоҳазалари изчил, реалистик заминга асосланганлиги билан эътиборлидир. Зотан ана шундай изох Фитратнинг деярли барча асарларида турли шаклларда учрайди, аник ҳаётий далиллар билан исботланади. Дунёнинг турли қайғуларидан, турли сезгиларидан айрилиб, ...ерларда жимжит ўтирмоқ кийиндр. Шу ўринда Фитрат ўз қахрамони тилидан яшаш тарзининг диалектик асосларини изчил реалистик позицияда туриб талкин этади. “Тириклик тебраниш демакдир. Турғунлик эса ўлимдир. Ернинг, кўкнинг, юлдузлар билан қуёшларнинг борликлари тебраниш узра қурулғондир. Тебранмагач, буларнинг борлиғи йўқдир... Шу тоғлар... булутлар каби югурмакдадирлар. Бутун дунё тебранар экан, сизнинг тебранмай туришингиз бўлурми?! Тирик экансиз, тебранасиз. Тебранмас экансиз, ўликсиз!.. “Лолаҳардиёл ёшларни бутун вужуди билан ғайрат-шижоатга, ҳаракатга, курашга чакиради. Уларнинг кўз олдида эл-юрт аҳволини ҳеч ким Лолаҳардиёлдек тасвишлаб қўёлмайди. “Юртимиз ёниб турадилар. Улусимиз эзилиб битди, эшитасизми?!” Инглиз мустамлакачилари дастидан “Букун ўлкада қўйдан ортиқ одам кесиладилар. Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайди. Мачитда намоз учун йиғилғонлар сиёсий йиғин ёсоғон бўлиб тўпга боғланалар. Эр билан хотин ўзаро кўбрак гапурганда ҳуку-



матга қарши план чизган бўлиб, дорға осиладир. Букун устидангина шу ўлкага қараганда йиқилгон шаҳарлар, ёндирилгон кишлоқлар, толонгон уйлар, кесилган бошлар, осилгон гавдалар, тўкилган қонлардан бошка бир нарса кўрмайсиз....”Донишмандларга хос чуқур мантик ва маъноларни ифодалаганлиги, ибораларнинг мусиқийлиги ҳам шу ўринда жуда яхши намоён бўлган.

Лолаҳардиёл мамлакат ахволини, бундан ҳам кўра даҳшатлироқ манзараларни шу қадар таъсирчан изоҳлайдики, бу ҳолат ёшларнигина эмас, бутун Ҳиндистон халқининг иззат-нафсига қаттиқ тегади, нафратини кўзгатади. Ахвол билан яқиндан танишмак учун “ичкарирак кирганда, дейди у, қочирилган қизлар, пардасизланган хотинлар, бир-бирининг этини еган очлар, хўрлик кўрган буюқлар, сўкиш эшитган бошлиқларнинг қонли ёшлари, тутунли охлари, ўтли инграшлари олдимизда ясов тортиб ўтадир. Шу кип-кизил гуллар юртимизнинг қон йиғлогон кўзларидир. Сиздан “иш” кутади. Шу ям-яшил ёғочлар улусимизнинг ўлуми учун тикилган мотам белгиларидир, сиздан кўмаклайдир. Шу қичкина булбул ҳам жон чекишган кимсаларимизнинг марсиясини этадир. Сизнинг қонларингизни қайнатмоқчи... Шулар орасида тинч турмоқ соғона бошида чоғир ичмакка ўхшайдир. Шуларнинг кўмагига эришмак учун ишга киришингиз, тебранингиз. Тебранмас экансиз, ўлумингизни қутингиз”

Мамлакатда рўй бераётган даҳшатли воқеалар оқибатида кишилик дунёсини боқадиган бутун меҳнаткашларни бахтсизликка дучор қилди. Улар ишлайди, мақсадлари ҳам-мани боқиш, тўйдириш, аммо меҳнат маҳсулотининг борини “кишилик дунёсининг ёшларига берадилар. Ўзларини эса мутлақо “тўйдиролмайдилар” Дехқонлар ҳам босқинчиларни энди анча тушуниб келишган, кўзлари очилган, зулмга қарши курашга тайёр бўлиб қолишган. Гарчи улар ҳали бирон бир ташкилотга уюшган ҳолда ҳаракат қилмаётган бўлсалар-да, мамлакатда уюшиб ҳаракат қилаётган кучлар борлигидан хабар топмоқда эдилар. Бу ўринда биз хинд дехқонларининг жанговор қайфиятлари билан танишамиз.

“Ҳинд ихтилолчилари”да деҳқонлар образи ҳам жуда жонли ифода этилган. Озодлик учун курашаётганларнинг “босмаҳоналари бор экан, Лаҳурда доруҳона очган эканлар” деган гапларни айтиб, севинган бир деҳқонга жавобан иккинчи бир деҳқон, “Қўй, эканлар, эканлар, деб жағни чақардинг. Бу эканлар-меканлардан қўб эшитдик...” деб ёвга қарши тикка курашга, қандай бўлса, шундай, ўзи билганча чиқишга чақиради. “Букун олтмишга кирибман, эшитиб тургоним ана шу... ўзимиз белларимизни етти еридан боғлаб мана шу /кетмон/ билан унинг бошини эзмасак, ҳеч ким ташқаридан келиб бизни қутқурмас. Бу нима гап?! Жонимиз чикди. Тинчлик деган нарсани унитиб қолдирдик. Эртагача борлиғимизга ҳеч биримизнинг кўнглимиз тўлмайди. Бундай тирикчиликнинг нима кераги бор?! Чикайлик, ёпишайлик, ўлиб кетайлик, ё ўлдириб битирайлик.

20-йиллардек мураккаб, қайноқ курашлар авжга минган бир шароитда, инқилоб ғалабаларини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш учун ҳаёт-мамот кураши давом этаётган бир даврда, меҳнаткаш халқ вакилларининг босқинчилар сиёсатига қарши жанговар қайфиятларини сахнада жонлантириш қандай сиёсий, тарбиявий аҳамият касб этишини ортик изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Фитрат “Ҳинд ихтилолчилари”да шунча бисёр муаммоларни кўтарганки, биз унинг ҳаммасини санаб ўтирганимиз йўқ, албатта, юқорида келтирилганлар билан уларни чеклаб бўлмайди. Асарнинг бош ғояси юқорида таъкидлаб ўтганимиздай шахс эркинлиги, инсоннинг ўз ватани ва халқи манфаатлари йўлида хизмат қилиш, бутун ҳаёт ва фаолиятини шунга бағишлаш - дунёда энг буюк иш эканлигини тасдиқлашдан иборат эди. Бу ғояни муаллиф етук реалистик омиллар заминида кенг ва чуқур бадиий ифода эта олган. Бу билан Фитрат фақат драматург эмас, йирик шоир, олим, файласуф шахс сифатида ҳам ўзини кўрсатди. Айрим қаҳрамонларнинг /Дилнавоз ва Раҳимбахш/ энг нозик дил сўзлари гўзал шеърӣ мисраларда берилади, ҳар бир сўзларида чуқур билимдонлик билан зўр мантикий фикр-мулоҳазалар уйғунлашиб кетиши бизга Фитратнинг мана шу сифатларини намоён қилади. Яна айрим образларнинг

оддий, насрий сўзларида ҳам кўпинча шеърий оханг, саъжга хос мусиқий бир услуб жаранглаб туради ва улардан хамиша юракларни жизиллатадиган бир бадиий мантик келиб чиқади. Бир-икки мисол келтирамиз: “Эски-чурук дунёмизнинг тартбини билмасдан кеча-кундуз тугунларин саномокдан ўсанди” “Ҳиндистоннинг ишчиси, савдогари, экинчиси, муллasi - ҳаммаси... /мустамлакачиликка/ очик душман кесилган...” Ёмонлардан кўркмоқ унумсиздир. Улар итга ўхшайлар, қочсанг қувлар, қувласанг қочарлар” “Душман” илонга ўхшайдир. Оғзини бол билан ювганда ҳам оғуси кетмас, унинг бошини тош билан эзмак керак” “Ҳак мендан шу еримизнинг холларини сўради, Менга ондин тортиқ қилиб нелар келтирдинг, - деди. Дедим: Онда йўқдир сира сенга тортиқ қилғудек бир сўз, бир иш, бир нарса... Бироқ мен: бир кичкина шиша ичра бир томчи қон кетирдим. Кўб баҳоли бир ормуғон кетирдим, бунда сенинг хазинангда топилмас, бу муқаддас қон. ай, ҳак” /Ойбекнинг биринчи романига “Қутлуғ қон” деб ном қўйиш учун Фитратнинг шу ибораси туртки берган бўлса не ажаб?! Ҳар иккисида ҳам энг яхши одамлар қонини қутлуғ деб аташда умумиятлиқни кўриш мумкин/. Фитрат худди шу маънода айтади: “Золимларнинг қиличи-ла эрк-туман ва жуда кенг миқёсда бўлиши ҳам мумкин. Аммо биз қискача шундай деб жавоб бериш билан чекланамиз.

Фитрат барча буюк даҳолар сингари ўз яшаб турган замонаси муаммоларини ҳал этиш учун, бу борода хато ва нуқсонлардан иложи борица сақланиш учун хамиша ўз халқи ўтмишида содир бўлган тарихий тажрибалардан фойдаланиш лозимлигини чуқур тушунар ва ўз фаолиятида имкони бор қадар бу услубга амал қилар эди. Биз бу ҳақда илгариги саҳифаларимизда ҳам ўрни билан фикр айтиб борганимиз учун ҳозир унга махсус тўхташ шарт бўлмаса керак.

Фитрат 20-йилларнинг бошлари ва ўрталарида мамлакатимизда қурилмоқда бўлган янги ҳаёт қандай бўлишини, ҳамма қатори, анқ тасаввур қила олмасди ва бундан кейинги ҳаётда ўтмиш нуқсонларининг такрорланиши олдини олишни истарди. “Абулфайзхон” драмаси мамлакатни идора қилишда ўз шахсий манфаатию маишатидан бош-

кани билмайдиган ҳоким тўраларнинг тарихий тақдири, фақат инкироздан иборат эканини юксак ғоявий ва бадиий савияда тасвирлаб берди.

“Абулфайзхон” ёзилиб сахнага қўйилган йиллари бизда қўлланган сиёсат тахминан шундай эди: келажагимиз порлок, бахт-саодатга тўла... Лекин унга эришишнинг бирдан-бир йўли жамиятдаги бир-бирига қарама-қарши турган табақалар ўртасидаги курашларнинг қанчалик кескин бўлишига боғлиқ, деб тушунтирилар, буни синфий курашнинг асл моҳияти қилиб шарҳланар эди. Модомики, синфий кураш қизигандан-қизиб борар экан, унинг қурбонлари ҳам бўлиши керак, қурбонларни изласа “топилаверади” Сталинчи қотилларнинг жамиятимизга етказган энг қатта фожиалари шу йўсинда юзага келаверади. Курашни кун сайин кескинлаштириб боришни комфирка талаб қиларди. Ҳамма синфий душманларни тағ-томири билан қуритмай туриб, социализм, коммунизмни қуриб бўлмайди деган ақида жамият ҳаётию кишилар онгига оммавий равишда сингдириб юбориш учун барча воситалар ишга солинди. Фитрат мазкур асарини ёзаётганда бизнинг жамиятимизда амалга оширилаётган бу сиёсат халқимиз бошига қандай фожиаларни солиши мумкинлигини жуда яхши ҳис этмаслиги мумкин эмас эди, зотан у ғоят билимдон, келажакни муайян тасаввур эта биладиган даражада буюк даҳолардан эди. “Абулфайзхон”ни ўқиган ёки томоша қилган ҳарбир онгли шахс Фитрат қалбидаги бу дардни дарров идрок этади. Муаллиф Абулфайзхоннинг бутун фожиали ҳаёти, фаолияти ва ниҳоят охирги тақдири, фақат ўз қилмишларидан келиб чиқишини таъкидлаш учун унинг тилидан шундай гапни айтади: “...Мен тинчгина турайин деб акамни ўлдирдим. Яна бузукбошлар чиқиб тинчлигимни бузмокчи... Бутун жанжалларни ўлим битиради... Бир душманам кони қуримайин яна бири чиқиб қоладир... Ўлдираман, ўлдираман, дунёда битта душманам қолмагунча қон тўқаман” /“Абулфайзхон” Самарқанд, 1924 йил, 16-17-бетлар/.

1924-1925 йилларда мамлакатимизда оғир иқтисодий танглик билан бирга партия аппаратларида, айниқса, марказий партия аппаратларида фитна ва ҳар хил чақимчилик

авж олган, бу ҳолни табиий равишда рўй бериши лозим бўлган бир қонуният ёки зарурат тарзида изоҳланадиган бўлди. Бунга биргина мисол келтириб ўтиш кифоя қилади: партиянинг 1925 йилда бўлиб ўтган XIV съездида ленинградлик делегатлар “партия ичидаги доносчилар /чақимчилар/ ёки маълумот ташувчилар”ни чеклаб қўйиш ҳақида масала кўтарганларида, ўша вақтдаёқ сиёсий бюрода маълум таъсирга эга бўлган Шкирятов бунга дарҳол зарба беради: “Бу маълумот ташиш эмас, бу ҳар бир партия аъзосининг вазифаси” бўлмоғи керак, деган гапни айтади. Худди шу жавоб билан мазкур калтис масала ҳал этилган ҳисобланиб, фитна ва чақимчилик қонунлаштириб қўйилади, ҳаммага шубҳа билан қараш авж олади. Бугина эмас, чақимчиларнинг сафлари кенгая боради, улар ҳар тарафлама рағбатлантирилади, мукофотлар, унвонлар, юкори лавозимлар - ҳаммаси шуларники бўла бошлайди. Бундай дахшатли воқеалар 20-30-йилларда бизнинг ўлкаларда қандай кечгани маълум. Фитрат “Абулфайзхон”да давлатни бошқаришдаги бундай дахшатли усулнинг тарихий ўтмишдаги туб асосларини очиб ташлайди.

Абулфайзхон тахтга чиқиши билан унинг атрофини нукул манфаатпараст, фитначи шахслар қуршаб олади. Софдил, ҳалол одамлар ё турли баҳоналар билан қатл этилади ёки саройдан четлаштирилади. Хон эса кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверади, одам ўлдиришни ўзининг биринчи иши деб ҳисоблайди. Ўзи ҳеч кимга ишонмагани учун ҳаммага шубҳа билан қарашга ўрганиб қолади. Одамлар қирилади, юрт вайрон бўлади, давлат тузуми ич-ичидан чириб, барча мансаблар қаллоблар қўлига, хоинлар ихтиёрига ўтади.../Раҳимбий, Ҳақимбий, Улфат, Қозинизомлар шундай беклар эди/.

“Абулфайзхон” асаридаги мазкур ғоялар шундай бадиий воситалар билан ифода этиладики, уни тўла тасаввур қилиш учун, албатта, диққат билан ўқиб чиқиш, ёки тамоша қилиш лозим. Фитратнинг бу драмасида буюк Шарқ даҳоларининг фалсафий таълимотлари буюк Ғарб драматурглари Шекспир ва Шиллер каби жаҳон классик адабиёти намояндаларининг бадиий тажрибаларидан ижодий фойдалангани ҳам сезилиб туради. Асарда китобхон ёки томо-

шабин эътиборини энг кўп жалб қиладиган, хаммани ҳаяжонга соладиган манзаралар, воқеаларни тасвирлаганда “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қароқчилар” сингари жаҳоншумул драмалардаги ғоят ўткир конфликтлар, зиддиятлар, ҳаётий фожиалар ифодаси, қаҳрамонларнинг энг чуқур ва нозик ички дунёсигача кўрсата билиш қоблияти кўзга ташланади. Бирок биз санаб ўтган хусусиятлар “Абулфайзхон”да ҳаммани Шаркнинг буюк даҳолари таълимотлари билан уйғунлашган ҳолда берилади. Биз дастлаб Фитратнинг “Бедил”, “Форс шоири Умар Ҳайём” каби асарлари таҳлилида кўрганмиздек, Бедил ва Умар Ҳайёмнинг бадиий ва фалсафий қарашлари “Ҳинд ихтилолчилари” ҳамда “Абулфайзхон”га ғоят маҳорат билан сингдирилганини сезамиз. Зиддиятларнинг тўсатдан авж олиб кетиши, китобхон ва томошабинни дарҳол мудҳиш воқеа-ходисаларга сургаб келаётган омилларга дуч келтириб қўйиш, катта фожианинг бирдан бошланиб, унинг рўй бериши муқарралигига ишонтириш, фожа олдини олиб бўлмайдиган даражага етганини кўрсата билиш жиҳатдан Фитрат Шекспирнинг драматик мактабларидан ниҳоятда билиб ўрганган дейиш мумкин.

Фитратнинг “Абулфайзхон” драмаси босилиб чиққандан буён салкам бир аср ўтди. Унинг оқланганига ҳам ярим аср бўлаяпти. Фақат “Шарк юлдузи” журнали 1989 йил, 1-сонида бу асарни эълон қилди. Бу галги нашрига филология фанлари доктори, Фитрат ижодини бизнинг ҳамкасбларимиз орасида энг олдин ва самимият билан тадқиқ этган Эрик Каримов илик сўз боши ёзди. Асар Қаршида вилоят театри томонидан муваффақият билан сахнага қўйилди. Асарнинг журнал нусхасига Жамол Камол “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” рўзномасида тақриз ёзди. Эрик Каримов “Абулфайзхон”нинг Ўрта Осиё халқлари тарихий манбалари асосидаги туб негизини, яъни асарнинг дунёга келишидаги илдизларни очиб бериш ҳақида фикр-мулоҳазаларни баён қилди. Жамол Камол эса, Фитратнинг бу асари ўзбек драматургияси ривожига қўшилган катта ҳисса тарзида қандай мавқега эга экани ва шу билан Фитрат ижодининг юксак аҳамияти устида фикр юритди. Биз ҳар иккала олимнинг самимият билан ифода этган фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда “Абулфайзхон”нинг ва умуман

Фитрат драмаларининг 20-йиллар ўзбек адабиёти ва ундан кейинги адабий-бадиий тараққиётга кўрсатган ижобий таъсири ва ҳоказолар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Асарнинг таҳлилига киришмасдан олдин унга мавзу қилиб олинган давр тарихий воқеалари аслида қандай бўлгани, Абулфайзхон тахтга ўтирган 1711-1747 йиллардаги Бухоро хонлигида юз берган ҳақиқий тарихий вазиятлар ҳақида қисқача тўхтаб ўтсак-да, сўнгра мазкур воқеалар сахнада қандай бадиий жонлантирилгани ҳақида фикр юритсак дуруст бўлса керак.

“Ўзбекистон тарихи” /бир томлик, Ўзфан нашри, Т., 1958./да берилган айрим маълумотларга қараганда, Абулфайзхондан илгари Бухоро тахтида ўтирган акаси Убайдиллохон давридаёқ ўлкада ғоят танглик авж олган эди. Саройда фитначилик, гуруҳбозлик кучайган, хонлик томонидан ўтказилган ер ислохотида вилоятдаги барча ерлар катта ер эгалари қўлига ўтиб кетади. Бу ҳол аҳоли ўртасида норозиликни баттар кучайтиради. Айни даврда қалмоқлар козоқ ва қирғизларга қарши ҳужум бошлаб, Бухоро хонлигини катта ташвишга солиб қўяди. Хонлик ҳузуридаги ҳарбий феодал доиралари орасида эса, айни шу вақтда хонликдан ажраб чиқиш учун кураш бошланиб кетади. Хонликдаги ички зиддиятлар баттар кескинлашади. Ҳали у ер, хали бу ерда кетма-кет исёнлар кўтарилади, хонлик нуқул исёнларни бостиришдан бўшамай қолади. Хонликдан ажраш ҳаракати Фағона водийсида кнгроқ микёсда бошланиб, XVII асрнинг охирида ҳўжалар ўзларини мустақил деб эълон қиладилар. Фарғона ҳаракатининг етакчиларидан минг уруғ вакили Шохруҳбий 1710 йилда сиёсий ҳукуматни қўлга олиб, Қўқон хонлигига асос солади. Бу ҳаракатлардан чўчиган Убайдиллохон дарҳол уруғ-қабила бошлиқларини маъмурий ишлардан четлаштириб, уларнинг ўрнига шу вақтгача сиёсий ишларга мутлақо аралашмаган, ҳатто энг оддий, қуллар авлодидан чиққан кишилардан сарой ишларига торта бошлайди. Ўша даврда буларни “Ҳўжасаройлар” номи билан аталадиган бўлди. “Убайдиллонома”да таъкидланишича, ҳўжасаройлардан чиққан Мехтаршафи исмли бир шахснинг ўзи бир йўла 17 мансабни эгаллаб олган..

Мехтаршафи исёнчи феодаллардан, ҳатто шайхлардан

хам ерларни тортиб олиб, Хўжасаройларга бера бошлади. Бу ҳол тангликни баттар кучайтиради, тарафкашлик, ички карама-қаршилиқлар тобора кенгайиб бораётган бир вазиятда Абулфайзхон тахтга чиқади. Аҳволни тузатишга унинг кучи етмайди, хонликдаги бутун ҳуқуқ манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ қўлига ўтади. Вазият ҳар томонлама кескинлашиб бораётган бир даврда /XVIII асрнинг 40-йилларида/ Бухоро ва Хива хонлигига қарши Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳужум қилади.

Фитрат Бухоро тарихидаги худди шу воқеаларни асарига мавзу қилиб олиб, унинг чинакам бадиий ифодасини беришга, яъни тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатига эришиши десак хато қилмасак керак.

Саҳнада парда очилиши билан Абулфайзхоннинг қанчалик дабдабали, шоҳона уйи ва ундаги аллақандай ташвишли, ҳатто жуда аянчли вазият руҳи сезилиб турган бир манзарага кўзимиз тушади. Хон атрофида ўралашиб юрганларнинг хатти-ҳаракатлари аҳволнинг танглигини ҳар нафасда билдириб туради. Хоннинг яқин хизматкорларидан Улфат, ҳар сўзи ва ҳаракатида хонга қилаётган мунофиқлигини, унга бўлган “садоқати”нинг ифодаси тарзида кўрсатишга интилади, Улфат қуюқ таъзим билан дейди: “Ҳоконимизга маълумки, подишоҳлик қон билан суғорилган бир ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир”

Улфат Абулфайзхонга гўё меҳр кўрсатиб, аслида баттарок мушкулликларга солиш ниятида қўпроқ қон тўкиш, узокроқ яшашнинг гарови, деб уқтиради. Хон бунга ишонди ва шунга амал қилади. Шу ондаёқ хон Улфатга “Беш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқнинг бошини келтирасан!” деб буйруқ қилади. Дам ўтмай Улфат саҳнага оппоқ соқол-мўйлаблари қоп-қора қонга бўялган бир бошни лаганга солиб келиб, хонга кўрсатади, бу Фарҳод оталиқнинг бутун умри хонга садоқат билан хизмат қилган бир софдил шахснинг боши эди. Хон бу “ғалабаси”дан ҳузур қилиб, ёввойиларча қулиб қўяди. Аммо Фитрат хоннинг бу ҳаракати “хўжакўрсинга” эканини ифодалаш учун унинг ички дунёси бутун таҳликалар билан, қўрқув, ваҳималар билан тўлиб ётганини Абулфайзхоннинг ўз тилидан айтдиради, зотан



у бошқалар кўзига ғоят қудратли бўлиб кўринишга урингани билан атрофини фитначилар ўраб олганини, бирор ишончли дўсти қолмаётганини, шу билан таназзулга гирифтор бўлаётганини ҳар қадамида сезиб турар ва ич-ичидан эзиларди. Хон ёлғиз қолган кезларида ўз-ўзига шундай дерди: “Тирикликдан бездирдилар, бир душманим қони қурмайин яна бири чиқиб қоладир...Қачонгача ўлдираман буларни. Ортик ҳеч қимнинг ишончи қолмайди... Қон тўқмақдан бездим. Акамни ўлдирдим. Қўб дўстларимни ўлдирдим. Мени бир ота қаби асраган Фарход оталиқнинг бошини оёқлар остида кўрдим... Уф.. Кўзларим қонга тўлди. Кечалари ухлай олмайман. Кўзларимни юмгач бутун ўлганлар, ўлдирганларим мени айлантириб олалар, сираланиб ёнимдан ўталар, мени кўркиталар, менга қулалар...” /19-б/.

Иғвонинг боши Улфат хон вужудида кечаётган ваҳималарни яхши ҳис этади, унга тобора суйқалаверади, энг яхши одамлар устидан тухматлар уюштириб қон тўкишга ундайди, аслида бутун хонлик тагига сув қуяётган ҳам, хоин ҳам Улфат эканини хон билмасди. Улфат хонга “Яқинда ҳамма душманларингизни битирамиз” деб тасалли бериб қўяди. Хон бир оз мизғиб олай деб ётоғига кириши билан кўзи илинади-ю, дод-фарёд қилиб уйғониб кетади. Кўзи кетиши билан ўлдирган акасининг арвоҳи қонли кафан билан унга қараб келаверади. Яна бир чиройли хотин шарпаси бўйнида арқон билан келиб хонни бўғмоқчи бўлади... Бир йигит Фарходнинг қоп-қора қонга беланиб ётган бошини олиб келиб хонга яқинлашади... ва ҳоказо... Хон қаттиқ чўчиб, “Йўқол, келма!” деб бақирса, учала шарпа бирлашиб хонга ҳужум қилади...Хон додлаб, ўз товушидан ўзи чўчиб уйғонади. Хуллас, Абулфайзхонда бир нафас ором йўқ. Доим жон ўйноғида яшайди.

Фитрат инкирозга юз тутган Бухоро хонлиги ва уларнинг усул идораси бундан кейин ҳалокатдан қутула олмаслигини чуқур бадийий етук бир савияда беради. Хоннинг адолатсизлигини фош этишда Шекспир асарларидаги қаби шарпалар, арвоҳлар фаолиятини сахнада жонлантирганда ҳали ўзбек сахнасида на “Ҳамлет”, на “Отелло” қўйилган эмас эди. Фитрат бу маҳоратни шарқ халқлари табиати, ўзига хос хусусиятларига мос қилиб кўрсатишга эришади.

Абулфайзхон эл-юрт фаровонлиги, ободончилиги, фуқаронинг ахволи нима кечаётганлиги ҳақида бир нафас ҳам ўйламайди. Унга фақат душманлари кўпайиб кетаётган бўлиб туюлаверади. Шуларни кириб бибитириш-у, атрофдаги гўзал кизларни қўлга олиш, майшат қилиш тўғрисидагина ўйлайди. Аммо на тушида, на ўнгида ҳаловат бор. Кўзи кетиши билан рухлар исёнига дуч келади, ўнгида эса, эл-юртидаги фитналар, исёнлар, тўполонлар, хилма-хил, бирдан-бири даҳшатли хабарлардан вужуди қалқиб кетди. Чунки атрофи фитна-фасот билан тўлиб кетган. Саройда хондан кейин энг катта мансабдор - Ҳакимбий Абулфайзхонга сароқат кўрсатиб, унинг душманлари билан 6-7 йил уришди ва ниҳоят эвазига хондан ёмонлик кўради ва хон “буқун менга душман бўлиб қолибдир” деб биледи. Ҳакимбе тобора қаҳр-ғазабга тўлиб, Абулфайзхонга қарши зимдан қўшин тўплайди. Айни чоғда ўғли Раҳимбийни юбориб, Бухоро ва Хивага қарши ҳужумга отланиб турган Эрон шоҳи Нодиршоҳ билан яширинча алоқа боғлайди. Ҳакимбий саройдагиларнинг бирортасига ҳам ишонмайди., ҳаммасига нафрат билан қарайди: “...Уларнинг кўнглида ёмонлик йилон оғзида оғу қаби ерлашиб қолган, ювмоқ билан кетмайдир...” деган Ҳакимбий ўзи ҳам ўшаларнинг бири, манфаат ва мансаб дарди билан яшайди, шунга эришмоқ учун бутун халқи ва юртига хоинлик қилади. Мана унинг бу зиддиятлардан қутган умиди: “...Абулфайзхон хонлиги Нодиршоҳнинг оёқлари остида жон бераётганда ўз улушимизни олмоқ керак...” Ҳакимбий Нодиршоҳни кутиб олиш учун одамларни тўплашга ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини бажариш учун махсус кишиларидан сафарбар қилади.

Абулфайзхон атрофини қуршаб олган бек ва сарой амалдорлари ҳар бири ўзича мақсад ва манфаатини кўзлашдан бошқа дарди йўқ. Бир-бирига сохта муоммалаю тавозеъ, дуч келган жойда ўта сермулозамат ва “одоб” кўрсатишга тиришиш, аслида эса бир-бирининг тагига етиш, иложи борича тезроқ орадан кўтариш учун ҳар қандай қабиҳликни бемалол қилавериш сарой амалдорларининг оддий, кундалик яшаш тарзига айланиб қолган эди. Абулфайзхон гангиб қолган, қай бирига ишонишини

хам билмасди. Дастлаб у ўз атрофига одам тўплаб, акасини ўлдириб хонликни олди. Кейин эса ўзига ёрдам берган бекларни бирин-кетин кириб юборди. Фарход оталикни ўлдириб кизини олди, Ҳақимбийни ранжитиб, аввал Иброҳимни оталиқ қилди, кейин уни ҳам ўлдирадиган бўлганда Иброҳим Кармана томонларга қочиб кетиб жон сақлади ва қўшин тўплаб Бухорога ҳужум қилди. Хуллас, ҳаммаёқда чексиз-чегарасиз танглик. Абулфайзхон ўзини фақат душманлар қуршовида ҳис этади. Ҳақиқатда ҳам сарой ахлидан тортиб бутун аҳоли табақалари Абулфайзхондан безган. Фақат айрим маккор шахслар, жумладан, Улфат, Ҳақимбий “Яқинда ҳамма душманларингизни битирамиз”, деб хонни то Нодиршоҳга топширгунча алдаб, тасалли бериб туришади.

Ҳақимбий сарой теварагидаги муллалар ўртасида ташвиқот юритиб, хонимиз Нодиршоҳга ўз ихтиёри билан Бухоро хонлигини топширсин, шунда қон тўкилмайди, бўлмаса ҳаммамизнинг қулимиз кўкка совурилади, деган фикрни ўтказди. Ҳақимбийнинг ўз ўғли Раҳим орқали Эрон шоҳи билан ўрнатган яширинча алоқасидан ҳам Абулфайзхон хабардор бўлади, ота-болани маккорона илиқ сўз билан ҳузурига чақиртиради, аммо буни яхши тушунган Ҳақимбе хон ҳузурига эртага боришини айтади, эртага эса Нодиршоҳ Бухорога етиб келиши ва уни тантана билан кутиб олишни тахт қилиб қўйган эди. Зотан Абулфайзхон ўзининг тобора инқироzi кучайиб бораётганини ҳис этар, ниҳоят ночор қолиб, ҳеч кимга суяна олмай жарга қулаётган, бечора, нотавон, мўълик деб билиб тамом умидсизликка юз тутган ва бунинг ҳаммасига сабаб Ҳақимбий ва унинг ўғли Раҳимни йўқотмоқ фикрига тушганди, аммо Ҳақимбий ўз одамлари орқали қарши чораларни кўриб улгурган эди.

Фитрат драматург сифатида сахна санъатининг энг нозик ва муҳим нуқталарини яхши билди, шунинг учун ҳам образларининг ички ва ташқи қиёфаларини чуқур оча олади, томошабин сахнада жонлантирилган инсон шахси қалбининг ич-ичигача кўриб туради. Бу албатта, драматургнинг энг юксак маҳорат мактаби ҳисобланади. Биз Эрондан бостириб келаётган Нодиршоҳнинг ўз ўғли билан қилган кичик бир суҳбатида унинг қандай маккорлигини,

усталигини, таъмагир боскинчилигини онглаш билан чекланмай, балки Бухоро хонлиги теварагидаги мансаб ва манфаат деб ўз эл-юртига, маҳаллий фуқаросига хоинлик қилаётган соткин, тубанларнинг ҳам ифлос башарасини кўра-миз. Ахир тарихий асарлардаги бундай муҳим ҳаётий нуқталар ҳозир ҳам бизга ғоят катта ва қимматли ибрат эмасми? Замонлар ўтаверади, ҳокимлар келиб кетаверади, атрофида Улфат, Раҳим, Ҳақимбий сингари хоинлар доим шаклланиб туришини ўзимиз ҳам кўриб келаётирмиз-ку! Фитрат ва унинг сафдошлари асарларининг эскирмаслиги сири ҳам худди шунда бўлса керак. Мана, энди Нодиршоҳнинг қиёфасини бир кўриб қўйинг: “Кўрдингми, ўғлим, ҳар ўлкани урушиб олмоқ сиёсат эмас. Уруш-чоранинг энг сўнггисидир. Бир ўлкани олмоқ учун энг яхши чора шул ўлканинг ўзидан “дўстлар” топмоқ, шуларни ишлатмақдир... Биз Қаршидан қайтгандан бери... тиришдик, Ҳақимбийни қўлга олдик. Унинг қўли билан Бухорони Хивадан узоқлаштирдик. Бухоро букун бизники. Эртага Хивани ҳам ёлғизгина ёқалаб бўғишимиз қулай бўлади” /43-б/.

Нодиршоҳ шунча садоқат кўрсатган Ҳақимбий ҳақида: “биламан, у биздан нима истайди. Бухоро хонлигини ўғлига олиб беришни истайди”, деб қўяди. Драматург умуман сарой ахли, амлдорлари ўртасидаги бир-бирига ҳурмат ва дўстлик деган тушунчаларда бирор самимият йўқлигини жуда ишонарли қилиб бера олади, бу ғояни ҳар қадамда, жуда қўп мисолларда тасдиқлаб боради. Асардаги энг фожиали вазиятлар рўй бериши жараёни соткинлар, хоинлар, мунофиқлар қиёфасини ғоят аянчли, жуда даҳшатли инсон қиёфаларини оча боради. Шундай вазият тасвирларидан бири Нодиршоҳнинг Бухоро ерига кириб келиши ва Абулфайзхон ўз ихтиёри билан унга асир бўлиши... Шу ондаёқ, илгари ҳар нафасда Абулфайзхонга “садоқат” кўрсатиб юрган беклар Нодиршоҳга қараб туриб, ҳатто ким ўзарга мадҳия ўқий бошлайдилар. Чунки, аслида Абулфайзхонни таслим бўлишгача сургаб келганлар ҳам Нодиршоҳ эмас, шуларни ўзлари эди. Нодиршоҳга дуч келиши билан Улфат ҳаммадан олдин унга ўз қарашларини билдиради: “Ҳоконимиз бир замонлар дунёни титратган Чингизхоннинг авлодидан эрурлар. Туркистоннинг бутун хонлари,

беклари ҳоконимизга бўйсинадилар. Жоңларини, молларини аямайдилар...” Ҳақимбийга бу гап малол келади ва дарҳол сўзни тортиб олади: “Кенг ўлкаларни олиб бошқармоқ учун дунёга ора-сира онгли, кучли қаҳрамонлар келадилар. Биз уларни “Соҳибқирон” деймиз. Бундай қаҳрамонларни тутмоқ истаганлар эзилиб қолурлар. Мана, бизнинг замонамизда етишган соҳибқирон сиз шаҳаншоҳ ҳазратларидирсиз...”

Ҳақимбий ўз сўзларини тасдиқлаш учун ҳатто Абулфайзхон номидан ҳам шундай буюк, олижаноб соҳибқиронга ўзини ўз ихтиёри билан топширганидан ғоят “миннатдордирлар”, деб юборади. Унинг гапларини Қозинизом ва бошқа беклар ҳам дарҳол қўлаб-қувватлайдилар.

Нодиршоҳ Бухоро ҳокимиятини Ҳақимбийга топшириб, ҳаммининг унга бўйсунганини таъкидлайди. Бинобарин, яхши-ёмон бекларнинг рўйхатини тузиб беришни сўрайди.

Фитрат маҳорати Ҳақимбий, Раҳимбий, Улфат, Нодиршоҳ образлари қиёфасидаги ғоят муракаб нукталарни очишда айниқса яққол кўринади. Жумладан, Нодиршоҳ характерига оид хусусиятларга бир эътибор беринг: У Бухорога кириши билан ҳамма бекларга, ҳатто Абулфайзхонга ҳам изҳор қилаётган миннатдорчилиги қанчалик сохта, ёлғон бўлишига қарамай, худди дилдан меҳрибончилик кўрсатаётганга ўхшайди. Нодиршоҳ “Бухорога бизнинг армуғонимиз” деб ғоят қимматбаҳо тошлар билан безатилган ажойиб чопонни Абулфайзхонга ўз қўли билан кийгизади. Унга қимматбаҳо бир қурол - олтин кинли қилич ҳам совға келади ва тахтга Абулфайзхоннинг ёшгина ўғли Абдумўминхонни ўтказишни буюради. Аммо барча ҳокимиятни Ҳақимбега боғлаб, яна унга юз минг рупия пул ҳам беради. Гўё ҳамма иш жойида, беозор, тинчгина ҳал этилаётган... Аммо Ҳақимбий ва ўғли Раҳимбий даврида фитна-фасод янада авжга чиқади. У, Абулфайзхонни камокда жаллодларга буюриб ўлдириб юборади, унинг яқинларидан ҳам кўтларни кириб ташлайди. Асарнинг бешинчи кўрғанида парда очилиши билан томошабин Ҳақимбий ва Раҳимбий қилмишларининг яна бир даҳшатли манзарасини кўриб эти жимирлаб кетади. Чилдухтарон зиндони. Унда Улфат,

Давлат ва бошқа бир неча бекларнинг ўликлари осилган, коп-қора қонга беланиб ётибди...

Саройдаги адолатсизликлардан ғоятда тоқати битган Иброҳимбий хонларнинг фақат бирини-бири кириш-у, айшишратдан бошқасини ўйламаётганларини дангал танкид қилади, каттиқ қоралайди. Абулфайзхонни тахтдан туширилгандан кейин қурилтой чакириб, мамлакатни (демократик асосларда) бошқариш масаласини қўйишни талаб қилади. Абулфайзхон билан уришиб қолгани учун хон унинг кўзларини ўйдириб ташлаган эди. Аммо у ҳамон ўз қарашларини очик айтишдан тап тортмайди. Айрим бекларнинг мунофиқлиги ва хоинликларини очиб ташлайди, ҳатто уларнинг қилмишларини юзига солиб шарманда қилади. Жумладан, Бухоронинг қозикалони Қозинизом билан бўлган бир суҳбатда шундай дейди: “Тунов кун Абулфайзхонни “соёйи худо” деб оёқларини ўпмаган эдингизми? Хон хотинлар билан ичишиб ётган кечанинг эртасига олдига келиб, бу кеча тушумда пайғамбарни кўрдим, сизни сўраб юбордилар, деб чопон кийганингизни унутдингизми? Тунов кун сизга чопон берган соёйи худонинг ўлимига бугун фатво берасиз. Хеч уялмайсизми? Тушингизда Абулфайзхонни сўраган пайғамбар яна бир йўл тушингизга кириб уни сўрасалар нима дейсиз?” /81-б/. Иброҳимбий мамлакатни идора қилишнинг ягона тўғри йўлини топиш учун қурултой чакириш ва қўпчилик билан маслаҳат қилиш ҳақидаги фикрини каттиқ ёқлайди ва ўз йўлидан сира чекинмайди. “Ишингизни тўғриламақчи бўлсангиз, қурултой чақирасиз” деб туриб олади.

Раҳимбий эса айни пайтда, Абулфайзхон тарафдорларидан яна ким қолди, яна кимни ўлдириш кераклигини ўйларди. Ниҳоят, унинг ёшгина ўғли Абдумўминга навбат келади. Бу ўринда Фитрат Раҳимбийнинг жирканч башарасини янада усталик билан, жуда нозик бир усулда очади. Раҳимбий Абдумўминга худди энг кичик фарзандини эркалатаётгандай муомала қилади. Раҳимбий отасининг режаси билан яширинча Эрон шоҳи билан алоқа боғлагани ва Нодиршоҳга қўрсатган салокатлари эвазига Нодиршоҳ буйруғи билан Бухоро хонлигини қўлга киритди ва у ҳам аввалги авлодларидан баттар қон тўқа бошлади. Ўзи қила-

ётган конхўрликларни отаси Ҳаким томонидан экинларнинг унуми-маҳсули деб биледи. У ўз ниятларини амалга ошириш учун Абулфайзхонни ўлдиргандан кейин, худди Мусулмонкул ёш Худоёрни тахтга кўтариб, ҳокимият жиловини ўзи олгандай, Абулфайзхоннинг 15 ёшли ўғли Абдумўминни хон қилиб кўтарадию, давлат жиловини ўзи ушлайди. Эрондан келган кўшинларнинг бошлиқлари Алиқулихон, Ҳусайинхон, Аҳмадхонлар Раҳимбийга энди Бухорони манғитлардан тозалаш керак, сиз ишга киришинг, биз ёрдам берамиз деган фикрни уқтирадилар, бу ҳол ички зиддиятларни янада кўпроқ конли фожиаларга сургайди. Бу ишнинг навбатдаги дахшати ёшгина хон йигитчани домига тортиб кетди. Фақат Иброҳимбийгина Бухорода кечаётган конли жараёнлар ва уларнинг оқибатларини тўғри изоҳлайди:” Мен жуда яхши биламан, сиз бугун-эрта Абдумўминни ҳам отасининг орқасига юбориб, тахтни оласиз... Балким мени ҳам ўлдирарсиз. Бироқ шуни билиб қўйингизким, бу тахт сизнинг болаларингизга юкмағусидир” /79-б/. Ана шу фожиалардан қутилишнинг ягона йўли қурултой чақириб, “янги хон билан унинг оталиғини эл бошлиқларининг кенгашлари билан” белгилаш деган хулосани уқтиришга интилади Иброҳимбий. Аммо Раҳимбийга бу гаплар, маслаҳатлар заррачи таъсир қилмайди, у ўз билганидан қолмайди. Ниҳоят, Абдумўминхонни ҳузурига “ширин сўзлик” билан чақиртиради: Абдумўмин тож кийиб, болаларча ўйнаб-қулиб келади:

Мени чақирдингизми, Бекбобо?

Ха, ўғлим, чақирдим,- дейди Раҳимбий.

Абдумўминга шу онда шарбар қуйиб узатади. Бола ичиб юборади. Унга палид Раҳимбий захар солиб берган эди. Ёш бола жон талвасасида тўлғониб, эгилиб, букилиб, “Бобожон, бу нима эди, ичим ёниб кетди” деб, фарёд қиладию сағал ўтмай жон беради...

Фитрат асарнинг энг дахшатли воқеалари, инсонлар бошига кетма-кет солинаётган фожиалар ва умуман Абулфайзхонгина эмас, барча тож-тахт эгаларига нисбатан муносабатларини, ҳатто айтиш мумкинки, тарихий мавзудаги драманинг туб мағизи, ғояси, мақсади ҳақидаги қарашларининг яхлит хулосасини айни Абдумўминхоннинг

жасади устида ғолибона бош кўтариб турган Раҳимбийга хитоб қилиб, инсон руҳи шарпаси тилидан баён қилади. Абдумўминхоннинг жони узилиши билан Раҳимбий кўз ўнгида ғоят даҳшатли шарпа пайдо бўлади. Шарпа бу сафар хаддан ташқари кўркинчли тусда, ғазаб-нафрати тўлиб тошган... Бўйни кесилган, эгнида қоп-қора қонга бўялган кафан, куюқ тўфон ва бўрон орасида безовта қалқиб туриб, Раҳимбийга хитоб қилади: "Э, қуриб кетқур тахт, гуноҳсиз болалардан, тоғ каби йигитлардан миллионлари сен учун қурбон бўладилар. Инсонлар томонидан яратилган мингларча тангрининг энг бузукбоши, энг шуми, эй, қоп-қора саодат, сенсан, остингда қолганларни эзғучи бўлғонинг каби устингга чикқанларнинг борликларини ёғдирғучи бир олов тепасидирсан!" /90-б/.

Шарпа ҳамон ўтдай ёниб, олов чакнаб турган сўзларини давом эттириб, Раҳимбийга хитоб қилади: "Сен фазилатли билимларнинг қўл-оёқларини узиб ташладинг! Инжу тизғучи адабларнинг қаламларини ўчоқ супургисига айлантирдинг! Отани пичоғи билан болаларни бўғизладинг! Бола ханжари билан оталарни йикитдинг! Дўстларни бўғиштирдинг! Ўртоқларни уруштирдинг! Даланинг эркини, шаҳарнинг тинчлигини, эрларнинг ғайратини, хотинларнинг исматини /қисматини бўлса керак - А.А./ талатдинг! Отамдан қочиб ўзига сиғинганим ҳолда уялмайин бошимни кесдирган "афросиёб"ингдан мана шу кимсасиз болани оғулаб йикқан Раҳимхонинггача мингларча йиртқич хонларни сен яратдинг, сен яшатдинг, эй инсоннинг душман тангриси, қачонгача бу онгсизлар тўдасини ўзингга ҳам тобинтириб, ҳам қурбон қиласан?!... Тинчлик сакламок баҳонаси билан миллионларча инсонни кўмиш, чуқурдан-чуқурга юмалатиш замони хануз битмади?!"

Юқорида таъкидлаганимиздек, Фитрат тож-тахт, адолат ва зулмат, халқ ва мамлакат тақдири каби энг муҳим ҳаётий муаммолар ҳақидаги қарашларини бадиий акс эттиришда Шарқ классиклари, айниқса, Бедилнинг ғоят теран фалсафий таълимотларидан, Ғарбий Овруро классик даҳолари юксак маҳорат мактабларидан нақадар чуқур билим олганлиги "Абулфайзхон" драмасида яна бир бор исботлади. Фитрат ижодий ва илмий фаолиятининг буюк



самараси манбаи ҳам айнаи шундан бўлса керак.

Шекспирнинг “Ҳамлет” асаридаги ўз укасининг суикасди билан жинояткорона ҳалок этилган Қирол /Ҳамлетнинг отаси/ арвоҳи сўзларида ифода этилган тож-тахт, амал, ҳокимиятга ружу қилиш туфайли рўй берадиган жиноятлар, хиёнатлар инсонни нақадар тубанликка улоқтириши ҳақидаги ажойиб фалсафий фикр-мулоҳазалар Фитрат калбига ҳам илҳом бағишлаган бўлса не ажаб?!

Ҳамлет ўз отасининг руҳи арвоҳига биринчи бор дуч келиши билан ўз ҳаётидаги барча ҳақиқатларни билиб олади. Арвоҳ унга шундай бир сирни очиб беради:”...Ҳар сафарги одатимни қилиб, овқатдан сўнг боқчада ухлағоли ётқон эдим. Роҳат қилиб ётқон вақтимда амакинг, қўлида бир шиша “заҳри қотил” билан секингина менинг бошимга келиб, ҳалиги заҳарни қулоғимга қуйиб юборибди... Мана шу йўсун билан, укамнинг хоин қўллари, ухлаб ётқон вақтимда, бирданига ҳам ҳаётимни, ҳам тожу-тахтимни, ҳам қиролича хотинимни тортиб олди... “Мана шу мудҳиш ҳақиқатни очиб ташлаган Арвоҳ тож-тахтга эга бўлганларнинг хатти-ҳаракатлари нималарни содир қилаяпти, лекин асли қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён қилади:”Ул қонбулғовчи, ул зинокор, ақлининг соҳир қуввати ва ўзининг хоинона афсуслари билан, лаънатлар бўлсин ул ақл ва ул қувватларга ким, одамларни йўлдан оздириш учун уларга бу даражада ҳокимият берилар экан!” /Кўчирмалар Шекспирнинг 1934 йилда ўзбек тилида босилган “Ҳамлет” асаридан олинди. Чўлпон таржимаси, 26,27,28-бетлар/.

Арвоҳ Ҳамлетга ўзини таништиргандан кейин “Мен, мудҳиш, ғайри инсоний бир жиноятнинг қурбони бўлғонман. Ўчимни ол!” деб хитоб қилади. Эътибор беринг, Фитрат асарида биз мана шу каби ҳолатлар барча тож-тахт аҳли ҳаётида мавжудлигини уқтиради.Абулфайзхондан кейин қон тўкишни баттар авж олдириб юборган Раҳимбий қилмишларини дастлаб Иброҳимбий юзига солган эди, лекин Раҳимбий унга ҳам парво қилмади. Абулфайзхонни ўлдириб, уни “ўзини ўзи ўлдирди” деб гап тарқатди. Абулфайзхоннинг ўзига эса, “сизни ўғлингиз ўлимга буюрди” деган эди. Ниҳоят Абдумўминхондек бир гўдакни ҳам

захарлаб ўлдирган онда кўринган арвоҳга Раҳимбий “Сен кимсан?” деб сўраганда, у мана нима деб жавоб кайтаради: “Мен...сенинг каби бир золим кўлида мана шунинг каби /Абдумўминнинг мурдасини кўрсатиб/ ҳеч нарсани билмай, онгламай бўғизлонгон бир мазлум, Сиёвуш...! Э қора юракли бойкуш, бунда сенга қолган вайронани қутламок учун келдим. Инсонлик дунёси эсини бир жойга тўплаб ўз ишига ўзи эга бўлгунча сен ҳам сен кабилар ихтиёридадир! Истаганингизча ҳукм сура олурсиз!...”/”Абулфайзхон”, 90, 91, 92-бетлар/.

Ҳар икки буюк даҳолар ўз асарларида гарчи дунёнинг икки чекасидаги бир-биридан олис халқлар, миллатлар ҳаётидан олиб ёзган санъат асарларида қанчалик умуминсонийлик нуқталари билан бир-бирларига яқин туришини англаб олиш қийин эмас. Қайтар дунё деганларидек, инсоннинг килмишлари унинг тақдирида ҳал қилувчи омил бўлади, деган ақида воситасида адолатга даъват этиш, буни бутун онгли инсоният қалбига чуқур сингдириб юборишга интилиш барча диний ақидалар-у, эътиқодларнинг манбаи эканини тасдиқлаш умуминсоний хусусият сифатида ҳар икки буюк асарда бош ғоя бўлиб қолади. Аммо Фитрат асари ўзининг аниқ тарихий давр воқеаларига бағишланган, миллий ўзига хос хусусиятлари билан 20-йиллар ўзбек драматургиясида ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатларни юксак савияда бирлаштирган энг етук сахна асари бўлиб адабиётимиз тарихига киради.

Фитрат бутун воқеликда яқка ҳокимлик давлат усулдораси халқимиз тарихида энг чиркин давр бўлганлигини тасдиқлайди. Эл-юртни вайрон қилаётган бу идора усулидан қутилиш уни ўзгартиришдан иборат деган ғоя “Абулфайзхон” фожиасининг бутун бир етакчи мазмунини ташкил этади.

20-йилларда ва ундан кейинги барча даврларда ҳам мазкур ғоя замонамизнинг энг буюк мақсади бўлиб келаётганини ҳисобга олсак Фитрат ижодининг аҳамияти яна яққолроқ намоён бўлади.

\* \* \*

Фитрат ва унинг сафдошлари яшаб ижод қилган

инкилобдан кейинги дастлабки ўн-ўн беш йиллар қанчалик зиддиятли, мураккаб, фожиалар қонли воқеалар билан тўлиб тошганлигини бир кўз олдимишга келтирсак - бу буюк ажодларимиз руҳига абадий сажда қилсак арзийди, деб қоламиз. Бу жумлалар янгилашиш ва покланиш деб аталмиш эркин фикрлаш даври рақиблари кўнглида ғазаб, ғашлик туғдириши мумкин, яна ўтмишни унда ижод қилганлар фаолиятини идеаллаштириш бошланди деб ох уришлари мумкин. Аммо бундай ғаразлар энди халокатга маҳкум этилган, унга қайтишнинг иложи йўқ.

Биз мазкур фикрни Фитратнинг яна бир сахна асари - “Шайтоннинг тангрига исёни” /1924 й/ ҳақида фикр юритишдан олдин айтаётганимизнинг боиси бор. Асар босилиб чиққан 20-йилларнинг ўрталари бизда қандай давр эди? Биз илгариги саҳифаларда бу тўғрида йўл-йўлакай айрим фикрларни айтиб ўтганмиз. Ҳозир Фитратнинг биз тилга олган асарига тегишти айрим масалалар устидагина фикр юритамиз. Бутун мамлакат миқёсида дин ва диний ақидаларга, диний арбоблар ва муассасаларга, мачит, мадрасаларга қарши ўт очилгани тарихдан маълум ва бу адолатсизлик жамиятимизга катта зарар келтирганини биламиз. Компартияни, бутун совет халқини динга қарши курашга сафарбар этишга шахсан Ленин раҳбарлик қилди, унинг вафотидан кейин эса, Сталин худди шу йўлдан бориб, миллион-миллион одамларнинг қонини тўкди, минглаб тарихий ёдгорликлар, халқ маданияти намуналарини вайрон қилди. Халқ оммасининг динга муносабатини қай йўсинда бошқариб бориш тўғрисида Ленин бундай деган эди: “Энг муҳими, колоқ оммани диний масалаларга онгли равишда қараш ва динларни онгли равишда танқид қилиш билан қизиқтира билишдир, холбуки, бизнинг марксистман деб юрадиган, ҳақиқатда эса марксизмнинг чўлтоқ қиладиган коммунистларимиз ана шуни эрдан чиқариб қўядилар” /В.И.Ленин. Маданият ва санъат тўғрисида, Ўздавнашр, Т., 1962 й, 281-б/. Кўряпсизми, динга қарши курашни жиндай эътибордан кечиришни “марксизмни чўлтоқ қиладиган”лар деб атайди Ленин. “Марксизмни чўлтоқ қиладиган”ларни эса, аёвсиз кириб ташлаш қонунлаштириб қўйилади. Ваҳоланки, бизнинг ҳокимиятимиз

раҳбарлари марксизм-ленинизм дея-дея бизни, бутун мамлакатимизни ҳалоқат ёқасига сургаб келганларини эндиликда бутун дунё кўриб турибди. Ана шундай тангликларимиздан бири динга қарши олиб борилган ҳалоқатли кураш бўлди. Бу кураш кишилардаги инсоний руҳни йўқотиб, уни ваҳшийлаштириб юборди, деб ўйламанг. Агар одамлар худодан кўриқиб, бандадан уялганда жаҳонда бу қадар жиноятчилик авж олмаган бўларди... Хуллас, гап шундаки, Фитрат 20-йилларнинг ўрталарида авж олган динга қарши курашлар ҳаракатига қўшилишга мажбур бўлади. Бу ғояни қўллаб-қувватлаш учун айна даврда бир қатор бадий асарлар ёзади.

“Шайтоннинг тангрига исёни”. Асар бошидан оёқ шеър билан ёзилган ва бу Фитратнинг шоирлик фаолияти, қобилиятини ҳам намоиш қилади. /Зотан, Фитрат ўз адабий фаолиятини дастлаб шеърдан бошлаган ва Чўлпондай буюк шоир илк ижодий йиллари ҳақида гапирганда “ўша вақтда ҳаммамиз Фитрат таъсирида эдик” деган эди ёзувчи Ян билан қилган суҳбатларидан бирида../

Асарда Фитрат шайтон билан тангри ўртасида бўладиган бевосита муносабатлар тарзида жуда жўшқин, кизғин мунозаралар усулида воқеликни баён қилади.

Муаллиф шайтон билан тангри ўртасидаги тортишувлар жараёнини ифода этишда 20-йилларнинг ўрталаридаги ва ундан кейинги ҳамма даврларимизда мамлакатимизда авж олдирилган фан билан динни қарама-қарши қўйиш усулини бадий ифода этишга интилади. Шайтон тангрининг ҳар бир даъвосига фан оламидаги илмий ютуқларни рўқач қилиб қарши чиқаверади. Масалани шу тарзда қўйиб, бадий ҳал этиш осон эмас, бунинг учун диний ақидалардан ҳам ва жаҳондаги мавжуд фан ютуқларидан ҳам хабардор бўлиш ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини бадий равишда шеърят билан ифода эта билиш ҳам керак эди. Фитрат бунинг уддасидан чиқади. Албатта, Фитрат замон талабларидан келиб чиқиб, шайтон тилидан диний ақидаларни каттиқ танқид қилади, рад этади, унинг барча таълимотлари бўш, охирида сароб бўлиб чиқади деган ғояни акс эттиради. Шу қарашлари туфайли, шайтон одамларнинг неча минг йиллардан буён худога сажда қилиб, ўзларини

иродасиз, ночор бир кул тарзида ҳис этишлари нодонликдан, илмсизликдан, дунёни билмасликдан деб баҳолайди. Ўз фикрини исботлаш учун шайтон ҳатто худдонинг ўзи “йўқдан бор қилдим, одамни тупрокдан ясадим” дейди, бу ёлғон, ахир тупрок йўқ нарса эмас-ку, бор нарса-ку, деб материалистик дунёқарш ғояларини қувватлайди Фитрат бу асариди. Яна шайтон исённи давом эттириб, ўз фикр-мулоҳазаларини қизғин исботлайверади. Диний ривоятларда айтилишича, хурлар, малаклар, фаришталар нурдан яратилган эмиш. Аммо ўзлари жуда ночор, мутеъ аҳволда яшайдиган бу мавжудотлардан нима манфаат бор деб, яна бош кўтаради, фикрини шундай баён қилади шайтон:

Нечун эмиш бу тубанлик, бу хўрлик,  
Бу онгсизлик, бу жонсизлик, бу кўрлик?!  
Миллионларча ихтиёрсиз махлуқлар,  
Минг йиллардан бери мана шундайин  
Юммиш кўзин, ерга қўймиш манглайин.  
“Субҳон-субҳон” сайрамоқдир ишлари,  
Кимга қандай фойда бордир бу ишдан.  
Бир турлидир баҳорлари, кишлари,  
Кўқармайлар, очилмайлар, сўлмайлар,  
Юқсалмайлар, яратмайлар, ўлмайлар.  
“Йўқлик” эмас бундай “борлик”дан ёмон...

Мазкур мисраларда Фитрат умуман жамиятда бор бўлган кимса унга бирон-бир фойдаси тегиши, инсоният ҳаёти-ю, унинг бутун тараққиётида фаол иштирок этиши шарт деган катта бир ақидани илгари суради ва бу фикр-мулоҳазаларини фанни ҳаётга татбиқ этиш билан амалга ошириш лозимлигини уқтиради. Муаллифнинг бу фикри ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаслиги маълум. Аммо мазкур фикрни Фитрат айни даврдаги етакчи “шиор” руҳида ифода этади.

Шайтон ўз мулоҳазаларини ҳамиша илм-фанга суяниб исботлайди. Ҳатто Жабраил ҳам унга дуч келганда эътироз билдирилмай қолади ва Шайтонга хитоб қилади: “Э олами ирфон...Кўнгли маориф билан тўлғон... Чик минбарингга, элга хитоб эт!” деб мурожаат қилади. Шайтон ерга боқувчиларни каттиқ таҳқирлайди, қоралайди, мутеълик усти-

дан каттик кулади. Уларга қарата “Фақат ерга боқасиз”, “Ёротилдик, яшаймиз” деб қўясиз, ётасиз, юқориға қаролмасдан тубанликка ботасиз” деб танқид қилади.

Шуни айтиш керакки, Фитрат бутун ижодий ва ижтимоий фаолиятида ҳам одамларни онг билан, чуқур идрок ва билим билан яшашга, мардликка, ҳаётдаги кийинчиликлар олдида сира тиз чўкмасдан уларни энгиш учун ҳаракатда бўлишга даъват этарди. Бу ғоя унинг барча драмаларида ҳам, шеърий асарларида ва хикояларида ҳам изчил равишда етакчи фикр бўлиб қолган. “Шайтоннинг тангрига исёни”да эса, бу нарса айниқса бўртиб кўринади.

Шайтон фан ютуқларига суяниб, ўз мулоҳазаларини рад этиб бўлмайдиган даражада кучли исботлагандан кейин Жабраил, Микойил ва хурималакларни ҳам мот қилади. Охири улар ҳаммаси шайтонга ёлвориб, одамларни худодан бездирмасликни илтижо қилиб сўрашади. Аммо шайтон ўз билганидан қолмайди, фикрини мантик ва далиллар билан исботлашда давом этади, илгаридан ҳам кўра кучли эхтирос ва жасорат билан ҳаракат қилади.

Хуллас асарда ғалати бир услуб мавжуд бўлиб, диний ақидаларнинг турли ривоятлари. қонун-қоидалари ҳақида яна шайтон, жабраил, малаклар ўртасидаги мунозара узок давом этади. Ҳар қайсилари ўз фикрларини қўлдан келганча исботлайдилар, шу ерда воқеа тугуни ечила боради. Аммо ҳар қандай тортишув ва олишувларда шайтоннинг жасорати ва қаҳрамонлиги ортиб боради. Охирида шайтон яна тангрига хитоб қилиб, “Сенга топинмаймиз, нима истасанг шуни қил, балоларингдан кўркмаймиз!” деб дадил бош кўтаради. Шу онда бирдан ҳаммаёқни қоронғилик босиб, момақалдирок қарсиллайди, чакмоқ чақади, ер-кўк ларзага келади, ҳаммани ваҳима босиб кетади... Бироздан кейин тинчийди, аммо минбар олида йиқилиб ётган Шайтон секин ўрнидан туради. Тожи, таёғи, қанотлари йўқ. Малаклар саждадан бош кўтариб, Шайтоннинг холини кўрадилар ва яна тангрига илтижо қиладилар: “...Ўзинг омон бер...Бизга имон бер!”

Шайтон қилмишларига гўё кўргилик сифатида рўй берган ваҳималар, Шайтоннинг қанотлари, шохлари, таёқлари йўқолиб қолиши каби мўъжизалар маъносига тўла

тушуниш қийин, ғалати бир рамзий маънолар ифодаси бўлса керак... Аммо, эҳтимол, Шайтоннинг ўжарлиги ва ўзбилармонлигидан, йўлидан қайтмаслиғи, ҳар қандай табиий офатлар рўй берганда ҳам, барчасига чидаб ўз ишини давом эттиришини кўрсатиш учун бўлса ажаб эмас. Шайтон ҳамон исёнда давом этади. Ҳар қандай вазиятда дарров ўзини ростлаб ола билади ва яна хитоб қилади:

“Лавҳул махфуз” сўзларини бошдан ўқиб чиқсангиз,  
У сўзларнинг бир-бирига уймоғонин кўрсангиз,  
Сиз ҳам мендай тушунурга бир мажбурлик кўрарсиз,  
Тушунмайин, ўйламайин топинмоқдан безарсиз...

Жабраил ва Микоил иккаласи ҳам мот бўлиб, “Устодим, оширдинг, фикримни қочирдинг!..” дейди ниҳоят Жабраил. Буларнинг ахволи мот бўлиб қолганлиги бошқаларнинг руҳига яна қаттиқроқ таъсир этади, ҳамма шайтоннинг олдида бўшашиб қолади. Азроил ғазаб билан тангрига хитоб қилиб, “Амр эт, бунга ўлум оловин сочай, йўқса йўл бер, сабоғиндан-да қочай!” дейиши билан Шайтон жуда шодланиб кетади:

Узоқ бўлсун, мен юраман букун шод,  
Тутқунликдан, қуликлардан-да озод.  
Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир.  
Муовиним миям билан тилимдир.  
Топинғумдир ёлғизгина ўзимга,  
Ишонғумдир икки очик кўзумга.  
Ёлғиз ўзим қутулдим деб турмайман,  
Бошқалардан хабар олмай қўймайман.  
Бунни доғи қутқарғумдир қўлингдан,  
Чикарғумдир сенинг янглиш йўлингдан.  
Бундан сўнгра сени ҳеч ким юксакдан  
Изламасун, йиқилиб туш фалақдан!  
Йўқол эмди, хикматинг-ла, аршинг-ла!  
Қудратинг-ла, жалолинг-ла, фаршинг-ла!

Асарда энг муҳим ва етакчи ғоя Фитратнинг бутун фаолиятига хос маърифатпарварликни тарғиб қилишдир. Фитрат қайси мавзуга қўл урмасин - ҳаммаси унинг мана шу қарашларини баён этиш учун танлаган бадиий воситаси бўлиб қолаверади. Бошқа саҳна асарлари, шеърлари, ҳикоялари, публицистик асарларида ҳамма-ҳаммасида илм,

маърифат, онгли ҳаёт кечирешга даъват, қолоқликдан, кўрқоқликдан, журъатсизликдан, маърифатсизликдан нафратланиш доим биринчи ўринда туради. “Шайтоннинг тангрига исёни” да эса, бу ғоя асарнинг бошидан охиригача тарғиб қилинади, инсон шахсини улуглаш, ҳар қандай вазиятда қаддини кўтариб яшашга одатланиш уқдирилади. Қаддини букиб, ночор ва иродасизларча яшагандан кўра ўлимни афзал кўради. Дин ва диний ақидалар, шайтоннинг унга қарши исёнию хатти-ҳаракатлари биз айтган туб ғояларнинг бадиий талқини учун бир шакл вазифасини ўтайди. Бинобарин, Фитратнинг бу асари бутун борлиғи билан 20-йиллардаги ҳокимларимизнинг талабларга мос келар эди. Агар Фитрат ҳаёт бўлганда айна мавзуда, айна шу асарини бошқачароқ йўсинда ёзар эди, аммо маърифатни ҳимоя қилиш йўли унда абадий сақланиб қолади. Фитрат, илгариги саҳифаларда таъкидлаганимиздек, гарчи ислом инсонни билим олш, дунёни обод қилишга даъват этганилигини чуқур тушунган ҳолда динни фанга қарама-қарши қўйишга мажбур бўлади... Шайтон тилидан динга хитоб қилиб: “...Билим сенга тутош душмандир! Томуғларинг, оловларинг, ғазабинг, ваҳималар, жаннатларинг ёлғондир. “Лавҳул махфуз” деган буюк китобинг уйдурмалар, ёлғонлар-ла тўлғондир...” деган фикрларни ифода этиб, “сен замонга бок” қабалида иш кўрадики, унинг учун бундан бошқа йўл ҳам йўқ эди. Бари бир у замонга бокқан билан, замон унга бокмади, садоқатлари, билимлари, қобилиятлари - бутун қомусий қиёфасини ер билан яксон қилиб ташлади.

Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва уларнинг барча ҳамфикр сафдошлари ҳақида ўйлаганда, ҳар сафар кўнгилда шундай бир изтироб, ғалаён кўтаради, дунёда ҳаётдан бевакт кетганлар, ноҳақликдан, зулмдан қурбон бўлганлар кўп. Тирик қолганлар орасидаги софдил кишиларгина уларни ҳурмат билан эсга оладилар. Зотан, ўз аждодлари руҳига, уларнинг маънавий ҳазинасига эҳтиром билан қараш юксак онглилик ва маданиятлилик белгиси экан-ку!

Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Иқромий бу фикрни ғоят самимият билан ифодалаб шундай деган эди: “...Хайриятки...биз уларни ҳамиша ёдлаймиз...Азизлар руҳи биз



билан, эзгу ишлар-ю, қолдирган изларига содикмиз, ижоду ихтироларига ҳамдам ва ҳамқормиз. Агар уларни унутсак, шаксиз кўр бўламиз, инсон кадрни билмайдиган, бадбахт, нобакор кимсага айланиб қоламиз...” /”Ўтганларни ёдга олиш тирикларни кадрлашди” мақоласи, “Совет Ўзбекистони”, 1987 й, 7 март/.

Фитратнинг бизга қолдирган бой маданий меросларидан яна бири 20-йилларнинг ўрталарида жумхуриятимизда амалга оширилган катта тадбирлардан бири - ер ислохотига бағишлаб ёзган “Арслон” драмаси бўлди.

### “Арслон” драмаси

Маълумки, ер ислохоти ҳамиша деҳқоннинг ҳаёт-мамотигина бўлиб қолмай, балки бутун мамлакатнинг ҳам иктисодий тақдирини белгилаган. Бу соҳада инсоният тарихида ҳамиша ғоят катта муаммоларга дуч келиб турилади. Фитрат бошқа асарларидаги каби бу масалага бўлган муносабати ва унинг моҳиятини бадиий равишда очиб бериш учун яна ўтмишга мурожаат қилади

Ер ислохоти бутун халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлгани маълум. Ерсиз деҳқон ерли гўл бўлди, бу ҳол қишлоқ меҳнатқашлари муҳаббатини Совет ҳокимияти томонига тортди. Худди ўша даврларда бу воқеликка бағишлаб Ҳамзадан тортиб, Ойбек, Ғайртийларгача қатор асарлар ёзиб, мазкур тадбирни қўллаб-қувватладилар. Шулар қаторида Фитрат ҳам “Арслон” драмасини ёзиб ҳукуматнинг бу сиёсатини маъқуллади ва инқилоб камбағал деҳқонга, батракка нима берганлигини санъаткорона ифодалаб беришни мақсад қилиб олди. Фитрат, баъзи ёзувчилар асарларидаги каби, ҳукумат деҳқонга “уни берди, буни берди” сингари яланғоч фикр айтиш йўлидан бормайди. У ўз мақсадини камбағал, саёз деҳқон батракнинг инқилобдан илгариги ҳаёти билан бугунгисини қиёслаш йўли орқали янги ҳаёт тадбирларини улуғлади. Бунда ёзувчи ҳар икки давр ҳаётини худди 20-йиллардаги ҳукумат нуқтаи назаридан баҳолашга интилди.

“Арслон”даги воқеалар Бухоро амирлиги даврида кечадди. Камбағал деҳқон Арслон, батрак Ботир, судхўр Мансурбой, вилоят ҳоқими Бек, қишлоқ оқсоқоли

Аҳмад оксокол, эддий дехкон Кўрхасан, унинг оила аъзолари, бър катор амир амалдорлари ўртасида руй берган кизгин муносабатлар, кескин курашлар жараёнида асарнинг мохияти очилади.

“Арслон” драмаси пайдо бўлиши билан кўплаб театрларда қўйилди. Жамоатчилик эътиборини, томошабинлар диққатини жалб қилди. Уша давр машхур журналист ва танқидчиларидан бири Комил Алиев “Кизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йилги 28-сонида эълон қилинган тақризида шундай деб ёзган эди: “Сахнамиз эски асарлардан, охисталик билан бўлса-да қутилмоқда ва уларнинг ўрнини синфий руҳда ёзилган асарлар ишғол этмоқдалар. 24 февралда халқ театрусида ўйналган “Арслон” пьесаси бунга далил...” Компртиянинг 1925 йилдаги резолюцияси билан ёзувчилардан адабиётда пролетариат ғоявийлигини устун қилиб кўрсатиш талаб қилинган ва Комил Алиев ҳам, Фитрат ҳам бунга риоя қилишади. Яъни бадий асарда қайси табақа вакиллари образларини яратиш асарнинг синфийлигини белгилловчи бош омил тарзида қараларди, зеро компартия мафкурасининг бош мақсади шу эди. Бу ҳол қанчадан-қанча буюк санъаткорларимиз, олимларимиз ижодий фаолиятларини инкор этишга сургаб борган эди. Мазкур усулда асар текшириш, бадий асарнинг мохияти, ғояси, унинг бадий савиясидан ажратиб олиб қарашгача бориб етилди. Бу ҳол адабиётимиз тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатди. Бадий савияси паст бўлган ҳолда фақат бизнинг сиёсатимизни “яшасинчилик” билан тўлдирган асарларнинг кўпайиб кетишига ҳам худди шу ҳолат сабаб бўлди. Бу ўзи алоҳида катта мавзу, адабиётимизнинг фақат 20-йиллари эмас, инқилобдан кейин ўтган барча тарихий даври мисолида чуқур талқин этилиши лозим бўлган катта масала эканлигини кўзда тутиб, ҳозир биз бу ҳақда тўхтаб ўтирмаймиз ва “Арслон” драмаси ҳақида бошлаган мулоҳазаларимизни давом эттирамиз.

Асарнинг бош қаҳрамони Арслон Бухоро камбағал дехконлари орасида эндигина уйғониб келаётган ва ҳаётдаги ўрнини тушуниб етаётган, истикболга катта умид билан боқаётган шахс. Зотан октябрь инқилоби биринчи галда қабағал табақанинг ҳаммасида катта умид туғдирган

энг буюк вокеа эди. Арслон мана шу табақанинг типик вакили сифатида, ҳатто оилавий ҳаёт қуришда ҳам ўз мақсадлари, умидлари амалга ошишига бир восита деб билади. У севгилиси Тўлғунга муҳаббат изҳор қилганда шундай дейди: "...Тўйимизни қиламиз. Сени уйимга келтираман. Икки уй бирлашгач, кучимиз ортадир, яшашимиз енгиллашадир... Урмимиз шу арикнинг сувига ўхшаб соф, тиник, тоза, кирсиз бўлиб оқадир...Тер тўкамиз. Ишлаймиз-да, яшаймиз...Кимсага топинмаймиз, кимсадан тиланмаймиз..."

Ўз кучи ва меҳнатига, самимий муҳаббатига бутун вужуди билан ишонган анча етук, софдил деҳқон йигит энди бахтли ҳаёт қуришига, бунинг учун курашиш кераклигига қаттиқ ишонади, яхши ҳаётга эришиш иштиёқи билан ёнади. Арслон, Ботир, Тўлғунларнинг ҳаммаси ўз олдига яна шундай жанговор мақсад қўйган, эндигина шаклланиб келаётган янгича кишилар дунёқарашини акс эттирувчи шахслар эди. Арслон билан Тўлғун ўртасига Мансурбой раҳна солади. /Шундан кейинги яратилган қатор бадий асарларда камбағал йигитнинг севгилисига бойнинг раҳна солишию, тортиб олиши қанчалик қўп таъкидланганини адабиёт аҳли яхши билади, уларни санаб ўтирмаймиз/. Мансурбой найранг билан Тўлғунни тўртинчи хотин қилиб олишга интилади. Аммо Тўлғун фақат Арслонни дейди, агар Мансурбойга зўрлаб беришса, қочиб кетажаги, ўзини-ўзи ўлдиришини дангал айтади.

Бойлар "...Бозорни бозор, шаҳарни шаҳар, кишлокни кишлок таладилар. Ҳукуматни эмдилар, элни эдилар... Бизларга қараб тишларини ғижирлата бошладилар. У мурдор тишларининг бир кун қаттиқ бир тошга учраб синиб кетишидан сира қўрқмайлар..." Бу гаплар инқилоб арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларнинг айни катта шиори эди. Аммо худди шу йўналиш 20-йилларнинг охирлари, 30-йилларга келиб, шахсга сиғиниш авжга чиққан даврларда отани болага, хотинни эрга, акани укага душман қилиб қўйишгача бориб етишини, ўз туғишганларини гўрга тиккан одамларни қахрамон деб рағбатлантиришгача бориб етишини, хали Фитрат ва унинг сафдошлари ҳаёлига келтирмас, ҳаммалари оқибат-натижада айни шу оқим гирдобада халок этилишларини, эҳтимол би-

лишмас эди. 20-йилларда синфийлик ва синфий курашлар ҳақида юргазилган сиёсат халқлар ҳаётида шундай даҳшатли фожиаларни келтириб чиқардики, ҳозир биз адабий асардагина эмас, айти ҳақиқий ҳаётда рўй берган бир мудхиш тақдирни эслаб ўтамиз.

Мазкур воқеа ҳақидаги маълумот “Ёш ленинчи” рўзно-масининг 1991 йил 23 январь сониди “Советский патриот” ҳафталигидан олиб босилган “Бухоро амирининг ўғли” сарлавҳали мақоладан олинди. Мақола муаллифи М.Горбачёв. Бунда Бухоро амири Олимхон тахтдан ағдарилгандан сўнг ўзи Афғонистонга қочиб кетганлиги, оила аъзоларининг айримлари, шу жумладан ёш-ёш уч ўғли ҳам бизда қолиб кетиб, уларнинг бошидан кечган воқеалар айтилади. Амирнинг уч ўғли Султон, Шохмурод ва Раҳим ёшгина бола бўлганидан етимхонада қолишади. Раҳим 12 ёшга тўлганда Олимхон одамлари яширинча ўғирлаб олиб кетишади. Султон вояга етиши билан сталинчи жаллодлар қамокқа оладилар, ёш йигит бу ноҳақликдан норози бўлиб, очлик эълон қилади ва қамокхонада ҳалок бўлади. Энди ёлғиз Шохмурод ўз туғишганлари фожиасини кўргач, ундан сакланиб қолиш учун отасидан воз кечиш ҳақида унга очик хат ёзиб, “Известия”да эълон қилади. Хатнинг қисқача мазмунидан бир парча келтирамиз: “Мен ўз ҳаётимдан сенга /эътибор беринг, ўзбек ҳеч қачон отани сенсирамайди А.А./ биринчи ва сўнгги марта хат ёзаяпман. Мен ўртамиздаги қандайдир алоқаларнинг яхшиланиб кетишини истамайман... 1917 йилда инсоният тарихида дунё биринчи марта иккита лагерга - капитализм ва социализм лагерига бўлинди. Биз ота ва бола бўлатуриб сен билан йилига бир мартагина учрашардик. Бошқа вақтда эса, уч ака-ука, ўз оналаримиз билан хоинлар орасида яшардик. Мен ҳозиргача онамнинг келишларини эсдан чиқарганим йўқ. Мана, олти йилдан буён бутун Иттифокнинг иқтисодий ва сиёсий маркази бўлган Москвада ўқияпман... Дўстларим ва ўртоқларим жамоасида яшаб, сен қанчалик бағритош ва ўз ҳаракатларингда ноҳақ бўлганингни англадим. Сендан нафратлана бошладим. Менинг отам йўқ деб ҳисоблайман ва сенга ўз ўғлингни ёддан чиқаришингни маслаҳат бераман. Сенга менинг охириги сўзларим шундай: Сен билан бир умрга

хайрлашамиз. Агар тақдир бизларни учраштира, у вақтда душманлар сифатида дуч келамиз. Собик ўғлинг Шохмурод” /”Ёш ленинчи”, 23.1.91/ Мана сизга ўз ҳаётини сақлаб қочиб қолган амир Олимхондан ҳаёт тақозоси билан етим бўлиб қолган гўдакларнинг мудҳиш тақдири.

Ўз отасига ўзини очик душман деб эълон қилган Шохмуродга, эндиликда, ҳарбий академия эшикларигача очилди, у катта ҳарбий саркарда, генерал даражасигача кўтарилиш имкониятига эга бўлди. Мана сизга “синфийлик” деб юритилган сиёсатнинг миллионлаб келтирган фожиаларидан биргина намуна. Фитрат “Арслон” драмасини ёзган пайтдаги жумҳуриятимизнинг вазияти айни мана шундай эди. Фитрат ва бошқа ёзувчилар бу сиёсатга бўйсинишга мажбур эдилар.

Энди “Арслон” драмаси ҳақидаги фикримизни давом эттирамиз. Асардаги кишлоқ имоми Сўфи Мулла Ашур, хон амалдори Дарға, вилоят ҳокими -Бек, унинг амалдорлари, Мансурбойнинг хотинлари - Зайнаб ойим, Шарофатхон, оддий кишлоқ деҳқонлар Кўрхасан, Тўракул, Турсун, бир қатор амалдорлар фаолиятида биз инқилоб арафалари ва ундан кейинги дастлабки йилларда Бухоро томонларидаги кишлоқларда яшовчи турли табақа вакиллари ҳаёти, ахволи, фаолияти, тақдирида рўй бериб турган ҳақиқий ҳаётий фожиалар билан танишамиз. Асар бутун моҳият-эътибори билан муаллифнинг социалистик инқилоб деб аталган ўзгаришга нисбатан бўлган умидини ёрқин кўрсатиб туради.

Тасвирланишича, бутун кишлоқда Мансурбойдан кўра обрўли одам йўқ. У домлага ҳам, имомга, қозига, каттадан-кичик ҳаммасига бемалол буйруқ қилаверади. Бойнинг хатти-ҳаракатлари, ер-мулкни кўпайтиришдан бошлаб, хотинлари устига Арслон севган Тўлғунни тортиб олиш бобидаги Бек, домла, имом, кишлоқ оксоқолларини ишга солишигача бўлган воқеаларни кузатсангиз, Солиҳбою Ғофир, Жамилаларни кўргандай бўласиз. Аммо “Арслон” драмасида кўтарилган муаммолар доираси жуда кенг. Ундаги ҳар бир гап, сўз, катта-кичик воқеа-ҳодисалар ҳаммиша кўнгилларимиз билан ўйнай бошладингиз. Буниси уятдир... Мен шу кишлоқнинг боласиман, кишлоқ болала-

рини сизнинг ёмонлигингиздан сақламоқ менга тушадир... ва ҳоказо.

Асардаги образларнинг хатти-ҳаракатлари, диалогларидан кўриниб турибдики, 20-йиллар ўзбек адабиётида (бошқаларда ҳам) янги ҳаёт учун кескин курашлар руhini бадиий ифода этиш инқилобгача мавжуд бўлган барча воқеа-ҳодисаларни рад этиш, уларга қарши ўт очиш ва парчалаб ташлаш билангина таъминланади деб ҳисобланар эди. Бу йўналиш 30-йилларга келиб янада кенг миқёсда авжга минди. Бора-бора инсон бир-биридан нуқул хато, нуқсон, айб, жиноят ахтариб топадиган, ҳеч кимга инонмайдиган, ҳатто бир қориндан талашиб тушганлар бирининг тагига бири сув қуядиган “нарса”га айлана борди. инсон шахсидаги асил одамийлик унга хос барча фазилатлар тобора орқага суриб кўрсатила бошлади. Шу даврларда яратилиб, кенг миқёсда тарғиб қилинган асарларни кўз олдимизга келтириб кўрайлик: Гулсарани отаси бўғиб ташласа, Нурхонни акаси ўлдиради. Бир асарда колхоз ичидаги душман ахтариб топилса, иккинчисида илмий текшириш институтидан зарарқунандалар топиб фош этилади. Бу даврда яратилган асарларнинг номларига бир эътибор беринг: бирини “Ёндирамит” деб аталса, иккинчиси “Никоб йиртилди”, учинчиси “Қонли кун”, яна бири “Қотил” деб номланади. Бу номларнинг ўзиёқ доим бир фожиали воқеадан дарак бериб туради. Шундай қилиб, инсонларни оқибатсизликка, ҳеч кимга ишонмасдан, доим кўркиб, ҳадиксираб яшашга ўргатиб қўйилди. Адабиётнинг улўвор вазифаси инсонда инсоний фазилатларни ривожлантиришдай олий мақсад орқага суриб ташланди. Адабиётимиз тарихида (айниқса 20 - 30 йиллар ўзбек адабиётида) қайта кўриб чиқишга оид бундай муаммолар тўлиб ётибди. Мана “Арслон”даги батрақлар. Ўз ерига эга бўлишдан кўра каттароқ орзу уларда йўқ. Шунинг учун ҳам ер-сув ислоҳоти уларни роса қувонтирди. Ер олиш учун жон деб ишга киришдилар. Кейин уларнинг тақдири нима бўлди? 30-йилларга келиб колхоз-совхоз тузила бошлади. Катта ер эгаларию кўплаб ўрта дехқонлар “қулоқ қилиш” маросимида вайрон қилинди. Барча ерлар яна тортиб олиб, колхозники, совхозники бўлиб қолди. Дехқон яна ердан

махрум бўлди. Энг дахшатлиси - ер умуман эгасиз бўлиб қолди. Дехқон ердан совиди. Олинган ҳосилдан дехқон тирикчилиги учун етарли миқдорда унга ҳақ берилмади. Оқибатда одамлар кишлокдан иложи борица қочиб кетадиган бўлди, бу жараён 30-йилларда бошланган ва ҳозиргача давом этади.

20-30 йиллар ўзбек адабиёти ҳақида гап кетганда, у даврда яратилган асарларга баҳо берганда бундай воқеаларни кўзда тутмай туриб илмий тарихни яратиш бўлмайди.

Фитрат “Арслон” драмасидаги ижобий қаҳрамонлар кифоиси ва дунёқарашини чизар экан, камбағал дехқон тақдиридаги ҳақиқий истикболни аянчли келажакни ҳаёлига келтира олмаган, уларнинг келажакдаги вақат порлоқ бўлади, деган ақидага шак келтирмаган эди. Яна бу асар ёзилган даврда партиянинг 1925 йилда адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида машҳур ҳужжат эълон қилинган ва бунда асарни қандай ёзиш ҳақида аниқ қолип намунаси кўрсатиб берилган адабиётни ёт элементлардан тозалаш, пролетариат ғоявийлигининг етакчи эканлигини исботлаш топширилган эди. Фитрат мазкур кўрсатмага амал қилади. Асарнинг сиёсий жиҳати тўғри бўлишига интилади: бой эзувчи, камбағал эзилувчи. Бой ноинсоф, камбағал инсофли. Бойда бирорта тўғрилиқ, самимият йўқ, камбағал ҳамиша тўғри ва самимий. Бойнинг хотинларию ўғил-қизлари нопок, шалок, бузук, камбағалнинг хотини, ўғил-қизлари пок, садокатли, ақлли, гўзал. Бўйига етган қизлари фақат камбағал йигитни севади; гарчи яхши уй-жой, кийим-кечаги бўлмаса ҳам унга содиқ бўлиб қолаверади, ҳеч қандай бойликка учмайди. Фитрат сиёсатда хато қилмаслик учун 20-йилларнинг ўрталарида, айниқса “Арслон” драмаси худди шу йўлдан бориб, кўрсатмани бажарди. Зотан 20-30 йиллардаги асарларнинг кўпчилиги шу руҳ билан суғорилган ва биз уларни то кейинги йилларгача мактаб келдик. Ҳамза, С.Айнийнинг асарлари шу руҳда вужудга келди. Ҳатто, буюк адибимиз Ойбекнинг “Темирчи Жўра”, “Ўч”, “Бахтигул ва Соғиндик” номли дostonларидан тортиб машҳур “Қутлуғ қон” романигача шу ҳолатни кўрамиз. Аммо кези келганда айтиб ўтайлик, Абдулла Қодирийнинг романлари мана шу нуқсонлардан холидир. Отабек, Қумуш,

Юсуфбек Хожи Қутидор, Ҳасанали, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчиларнинг қиё-фаларини, хатти-ҳаракатларини, қўнгил дардларини бир кўз олдингизга келтиринг-чи! Ёзувчининг буюклиги шундаки, у инсонларни қайси табақага мансуб бўлишидан қатъи назар улардаги фазилат билан нуқсонларни туб илдилари билан кўрсатади. Инсонни унинг ижтимоий чикиши эмас, инсоний фазилатлари улуғлайди деган ғоя А.Қодирий романларида яққол кўзга ташланиб туради. Мана шу хусусиятлар “Ўтган кунлар” билан “Меҳробдан чаён”ни қарийб бир асрга яқин вақтлардан буён қалблардан-қалбларга ўтказиб, эъозлаб келади. Мен аминманки, яна неча асрлар ўтса ҳам бу асарлар эскирмайди, абадий ўқилади. Бу ҳар икки роман умуминсоний фазилатлари билан қўлдан-қўлга ўтаверади, дунё тургунча туради...

Ишимиз доираси тақозосига кўра бир оз чекинишга тўғри келди. Энди юқорида баён қилинган айрим фирқрларни далиллаш учун “Арслон” драмасидан мисол келтирайлик:

Арслон    Ўҳ... Яшамок совук бир хазилмикан, билмадим! бало устига бало. Қайғу устига қайғу... Яна буларнинг ҳаммаси бизга, биз камбағалларга келадир. Ота билан ўғил бизнинг орамизга элни таламоққа киришдилар, уларни жир урмайди... Кампирлар йиғлагани дунёни ўзгартира олмас экан, она. У йиғлади, сен йиғладинг, сен каби яна кўп кампирлар йиғладилар, нима фойда?! Хеч...

Турсун    (Арслоннинг онаси)    Нима қилмоқ керак, болам?

Арслон    Уни мен ҳам билмайман!..

Арслоннинг дўсти Ботир хўрликлардан тўйган, дунёдан ҳам тўйган. Бойни ўлдиришга аҳд қилган. Арслонни ҳам бу ишга жалб этишга интилади.

Ботир Арслонга    Менга ёрдам эт Мени бу ҳолдан қутқор! У (бой) мени уйдан чиқарди. Мен уни дунёдан қуваман... Ўлдираман. У яна беш йил дунёда турса, мен каби 20    30 йигитнинг ўлуқлари сағарасиз, кўчаларда чириб ётғусидир...

Бойнинг ўғли Қудрат Арслонга “меҳрибонлик” қилиб ерини сотишни, пулига тўй қилиб, Тулғунга уйланиб олиш-



ни маслаҳат беради... Зиддият янада кучая боради. Нихоят Ботир Мансурбойга ташланади, ўлдирмокчи бўлганда Арслон ушлаб қолиб, бойни ўлимдан саклаб қолади. Дўстига бу йўлдан бормасликни маслаҳат беради. Аммо бу тасодифдан фойдаланиб бой Арслонни ҳам, Ботирни ҳам ўғрилар, безорилар деб каматиб юборади.

Бадиий асарга 20 30 йилларда оммавий равишда зўрлаб сингдирилган бу каби йўналиш адабиётнинг деярли бутун мохиятию кийматини белгиловчи омил эдики, Фитрат ҳам ундан четда туrolмасди. Бу билан ёзувчиларимиз партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсатига амал қилишни кўзда тутар эдилар. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларда мамлакатимизда ёзувчилар ва умуман санъат асарлари қай аҳволга солиб қўйилгани ҳақида машҳур журналист ва дипломат Ф.Раскольников “Сталинга очик хат” ёзиб, жумладан, бундай деган эди: “...Сиз совет санъатини бузмокдасиз, ундан сарой шоирлари каби хушомадгўйлик талаб қилаяпсиз... Сиз “бурчларингизни” жонга теккан мактовлар ва хушомадлар билан чаласаводларча бир хилда куйловчи сохта санъат тарафдорисиз... Сиз талантли, аммо ўзингизга ёқмайдиган ёзувчиларни шафқатсизларча йўқ қилмокдасиз... Ўрта аср китоб ёкиш одатларини Гитлердан сўнг сиз давом эттирдигиз... “ (Ўзб. адабиёти ва санъати”, 1988 йил, 17 июнь).

Фитрат “Арслон” драмасида хотин-қизлар образларини яратишга ҳам катта аҳамият беради. Арслоннинг онаси Турсунбиби билан Ботирнинг онаси Нархола, Тўлғун ва унинг онаси - Ойтўксакамбир бир-бирларига самимий дўст-дугона, сирдош, дардкаш, эзилган табақа аёллари. Уларнинг ҳаммаси оққўнгил, ниятлари пок, ҳалол, меҳнатлари билан яшайдилар. Лекин ҳеч бирлари икки бўлмайди, ҳаётдаги барча кулфатлар шуларнинг бошида.

Зайнаб ойим, Шарофатхон Мансурбойнинг бойвуччалари, сатанг, хотинлар - ахлоқи бузук, аллақачон бузилиб кетган аёллар. Улар Тўлғунга муттасил зулм қилишади, таҳқирлашади. “Сен нега бойга тегасан” деб турткилайдилар... ва ҳоказо...

Мана кўрдингизми, 20-йилларда истиқболнинг порлок бўлиши жамиятдаги бир-бирига қарама-қарши турган

табақалар ўртасидаги кескин курашларга боғлиқ бўлган синфий кураш деб ана шунга айтилади. Шу йўсинда табақалар зиддият, очиқ ва ёпиқ кураш кун сайин кузатилади, кескинлаштирилади, душман қидириш авж олади, топилади, қаматилади, отилади, сургун қилинади, турма ва даҳшатли маҳбусхоналарда миллионлаб одамлар ғайри қонуний азоб-уқубатда чиритиб юборилади. Бу фожиаларни “ҳамма душманларимизни синф сифатида тутатмай туриб социализм, коммунизм қуриб бўлмайди” деб изоҳланади. мана шу бошқарув усули инсонни бир-бирига нафрат руҳида шакллантиришга ўргатади. Бу билан ёвузлик, душманлик ортиб боради, ҳаёт шубҳалар, ҳадиксирашлар блан тўлиб кетади. Одамлар ўртасида ўзаро муносабатлар аксари ёлғондакам, ясама, сунъийликка айланади. Тўй-томошаларда, дастурхон атрофида бугун мактов гапни айтган одам эртага ўша “дўсти”га қарши бемалол ҳеч қандай виждон азоби деган нарсани билмайдиган бир малъун сифатида чуқур қавлайдиган бўлиб қолди. Бир қаторда бир неча йилдан буён ёнма-ён турган қўшни бир-биридан шубҳа қиладиган, қирди-чикди қилмайдиган бўлди... Биз “Арслон” да ва ундан кейин яратилган қатор асарларда (буларнинг баъзиларини мисол тариқасида санаб ўтдик) жамиятимизда сунъий равишда юзага келтирилган мазкур ҳолатларни кўрамыз. Ҳаётимизга тобора чуқур кириб борган ана шу “синфий кураш” тушунчалари “Арслон” драмасидаги қаҳрамонларни тараф-тараф бўлиб кетишларига олиб келади. Арслон - Ботир, уларнинг оила аъзолари, дехқонлар Яраш, Боймурот, Кўрҳасан ва бошқаларнинг фожиалари ҳам шу жараёнда рўй беради. Мансурбой, Домла, Имом, Бек, Оқсоқоллар ёвуз шахслар сифатида бирлашиб, ҳаётни фожиадан-фожиага сургайверади.

Шу ерда бир тарихий далилни келтириб ўтиш ўринли бўлса керак. “Огонёк” журналининг 1989 йил 33 сонидан А.Платоновнинг 1931—1933 йиллардаги кундалигидан намуналар эълон қилинди. Унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Бутун-бутун мамлакатларни кириб ташлаш учун урушларнинг кераги йўқ, фақат қўни-қўшнилардан қўрқишнинг ўзи кифоя қилади; ҳарбий сиёсатни шундай қуриш, ҳарбий запас орттириш учун шундай ишлаш керакки,

окибатда иқтисодий самарасиз меҳнатдан бутун аҳоли халок бўлади, инсоният ўрнида қабр тепаликлар ва ёдгорликлар ўрнида эса, тоғ-тоғ маҳсулотлар, кийим-кечаклар, машина ва снарядлар қолади” (“Литературная газета”, 1989 йил, 30 август).

А.Платоновнинг мазкур гаплари бутун 20 - 30 ва ҳатто 50-йиллардаги ҳаётимизда рўй берган фожиалар тўғрисида олдиндан қаромат қилган аччиқ ҳақиқат эканлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз., афсус...

Энди бир-икки сўз “Арслон” драмасининг 20 - 30 йиллар ўзбек адабиётига таъсири ҳақида. Одатда адабий жараёнда бир асар ёки ундаги айрим нуқталар бирор ёзувчида фикр уйғотади ва янги бир асарнинг яратилишига сабабчи бўлади. Зотан ҳар бир ёзувчи (истайдими, истамайдими) адабий жараёндан беихтиёр таъсирланади, ижодий фойдаланади. Бусиз мумкин эмас. Бу адабиёт жараёни учун табиий бир ҳолат ҳисобланади. Бундай жараён баъзан тасвирий восита айрим яқинликлар, ўхшашликлар билан ҳам изохланиши мумкин. Бундай кезларда асарлар туб моҳияти, ҳулосалари билан бир-биридан фарқ қилади. Аммо адабий жараёндаги ушбу ҳолат бировнинг асаридан нусха кўчиришга бирор кишига ҳуқуқ бермайди. Шу нуқтаи назардан мен “Арслон” драмасидан баъзи кўчирмаларни келтириб, ҳулоса чиқаришни ўқувчиларга хавола қиламан.

Арслон билан Ботирни Мансурбой ўғрилиқда айблаб, Бек, Домла, Имом ва Оксоқолларни тўплайди ва ҳаммалари уларни сўроқ қилишади:

“Бек - Сизни қўяманми, кўзларингизга бигиз сукаман... ўғрилар.

Халойик - Ботир билан Арслонда гуноҳ йўқ! Бу тухмат!  
Оксоқоллар Қуллук, таксир, қуллук..

Арслон (Тўлғунга) Мен ўлсам-да, сендан айрилмайман Тўлғун. Бизни ҳеч ким ажрата олмайди. Тоғангиздан минг, Бойдан миллионтаси орамизга кирса, ҳаммасини итариб, судраб, йикитиб, тепиб, юбораман-да, сенга эришаман.

Тўлғун Онам ҳам мени ёқлаб сўйлайди. Мансурбой қишлоғимизда бор нарсаларни олиб битирди. Эмди меним биргина кизимга қўл узатмай қўяқолсин деди”

Мансурбой Домла, Имом, Оксоқолларни писанд қилмайди, едиради, ичиради, бемалол буйруқ қилаверади. Бой билан Арслон зиддияти кучайиб кетгач, бой, имом, сўфиларга дағдаға қилади. Имом эса, Арслонга насихат қиламиз, тузатамиз” деб қўяди. Шунда бой “насихат-пасихатингизни кўйинг, улар билан бўлмайди. Раисга хабар беринг. элтиб жазосини берсин, кўзини жойига келтирсин” дейди.

“Имом Хуб бўлибдир, таксир.

Бой Аҳсоқ, айниқса, кампирни демайсизми, тагин шу беномозга кизини бермоқ бўлган - а! насихатни унга қилингиз, кизини тузукрок бир кишига берсун!

Бой Тўлғунга биринчи марта бетма-бет келгандаги сухбатга эътибор беринг:

“Бой Раҳматли отанг яхши киши эди, онангга айт, бизникига келиб турсун, ўзинг ҳам келиб тур. Биз сизга қарашиб турамиз. Хизматчингиз йўқми?

Тўлғун Хизматчини ким боқади? Биз ўзимизни куч билан боқамиз.

Бой Э... шундайми, сизлар камбағал бўлиб қолганмисиз? Нега менга билдирмайсиз? Мен пул бераман. Онангга айт, қанча пул қарз истаса, енгилроқ қилиб берай, олсин.

Тўлғун Онам биладир. (Бой унинг қўлидан ушлаб тортади, Тўлғун ғазаб балан ундан қочади)” Арслон келиб қолади ва Бойга дағдаға қилади. - Бой, у қиз менга фотиҳа бўлган биласизми?

Бой (кулиб) Қарға қўндиргани буток тополмайсан, сен хотинни қандай қилиб оласан?

Арслон Қандай қилсам мен биламан, сенга нима?

Бой - Менга нима эмас, мен шу кетнинг каттаси... Мени тингла, бориб бечоралинг билан бўл. Ишлаб, бир тилим нон топиб онангни тўйғиз. Хотин оламан деб эл қизлари орқасидан юрма, у қизни мен оламан!..”

Мазкур диалог сизга қайси асарларни эслатиши мумкинлигини ўйлаб турунг, биз ҳозир яна бошқа кўринишдаги ҳолатлардан намуналар келтирамиз.

Бойнинг хотинлари Шарофатхон билан Зайнаб ойимлар иссиқ-совуқчи домлаларини ўйнаш қилиб олишган эди. Бир куни Зайнаб ойим олдига паранжи ёпиниб домласи келади ва уйда бемалол шакарғуфторлик қилиб ўтирганда эшикдан

бойнинг овози эшитилади. Домла қўриқиб кетади, Зайнаб заррача ҳам писанд қилмай, дик этиб ўрнидан туради-ю, эшикка бориб бойга айтади: “Кирманг қўноқ бор, ўзим чиқаман.

Бой - ким бор?

Зайнаб холамлар келган эдилар. Холамлар сизни сўрайдилар. Бой бобом қалай, яхшими дейдилар.

Бой Худога шукр. Ўзларидан сўрасак... Нечун бизниқига оз келадилар? Сизни севмайдилар чоғи!

Зайнаб - Йўқ, севадилар-ку, энди ишлари қўп-да.

Бой - Дунёнинг иши битмайди. Тез-тез келиб турсинлар.

Зайнаб (домласига қараб кулиб) Сизни яна уйланар экансиз деб эшитибдилар.

Бой Йўғ-е...

Зайнаб Худо хохласа, янги хотинларини ҳам келиб кўраман дейдилар.

Бой Йўғе, шу борларини келиб кўраберсинлар... Холани кечаси саклаб қолинг.

Зайнаб - Мен боя шуни айтдим, йўқ дедилар.

Бой Нечун, қолсалар яхши бўларди-ку?!

Зайнаб - Ишлари қўп экан. Бу кеча қўноқлари бўлар экан, мени ҳам чакирадилар, бораёми?

Бой Албатта боринг. Сиз боринг, улар келсунлар. Дунёнинг шундай бориш-келишлари бор-ку. Ҳай, энди мен меҳмонхонага ўтираман. Сиз холангиз билан гапиришиб ўтирнгиз”

Фитратнинг маҳорати шундаки, бой ва унинг оила аъзолари таназзулини, ички зиддиятларини тамошабин очик кўриб туради, бу мухитнинг кирдикорини тобора чуқурроқ очаверади, аммо уни на бой ва бой оиласининг аъзолари мутлақо сезмайдилар. Ниҳоят, Зайнаб оғимнинг “холаси” бир кеча меҳмон бўлгандан кейин яна уни уйига бошлаб олиб кетган эди. Арслон бошлиқ қишлоқ аҳолиси буларнинг изига тушиб, Зайнаб оғим қишлоқнинг такводор, ҳаммага ақл ўргатадиган домла-имомни билан бирга ётганда бостириб келишади, тутиб олишади. Уларнинг устига қишлоқнинг барча оқсоқоллари-ю, катта-кичигини тўплаб тумонот одам Зайнаб билан домла имомни шармандаларча сазойи қилиб Бойнинг олдига олиб боришади.

Бой адо бўлади, юрт-эл олдида шарманда бўлиб, нима қилишини билмай, ўғлига хитоб қилади: “Болам, тур, онангни нариги уйга элтиб, қўл-оёғини боғлаб қўй, бу кўрнамакни (имомни) оғилхонага тикиб қамаб қўй!”

Шундай қилиб, бой ва унинг оиласи бутун қишлоқда бадном бўлади. Бунинг учун Бойнинг ўғли Арслонни ўлдириб ўч олишга қарор қилади. Аммо Арслон ўз куч-қудратига ишониб ҳаракат қилади ва Бой ҳамда унинг ўғли Қудратни ўлдириб аламдан чиқади, асар шу билан якунланади.

20-йиллар ўзбек адабиётида, айниқса сахна асарларида кўпхотинли бойлар доим камбағалларнинг гўзал қизлари ёки камбағал йигитлар севган қизларини тортиб олиш каби воқеаларни ифодалашга катта ўрин берилади. Бу ҳам инкилобдан илгариги ўзбек ҳаётининг бор-йўғи қоралаш, рад этиш усулларида ёки бадиий воситаларидан бири бўлиб қолган эди. Бунга мисоллар кўп. Қизиғи шундаки, 20-йиллар ўзбек адабиётидаги мазкур хусусиятлар 30 40 йилларда яратилган кўплаб асарларда ўз таъсирини қолдиради, айрим ҳолларда услублар, манзаралар очик такрорланишини ҳам кўрамыз. Ўзбек адабиёти тарихидаги шундай жараёнларни шарҳлаш ҳам бугунги адабиётшуносликнинг энг катта маънавий ютуқларидан бири деб ҳисобланса арзийди. Жумладан, Ғози Юнус 1927 йилда А.Ҳақбердиевдан “Хоннинг севгиси” номли бир асарни эркин таржима қилиб сахналаштиради. Пьесанинг асосий моҳияти камбағал йигит Саиднинг гўзал хотини Хон назарига тушадию уни тортиб олиш ҳаракати бошланади. Бу ишда хонга вазир, домла имом ва саройдаги бошқа кишилар ёрдамлашади. Хон ўз одамларини тўплаб буйруқ беради: “Хотиннинг эрига айтинглар, талоқ қилсун” Шундан кейин вазирлар, маслаҳатчилар, домла имомлар йиғилиб, Саидни ўртага олишади.

Вазир - Хон овга кетатуриб, хотинингни кўриб қолиб, ошиқ бўлибдир... амр қиламанки, хотингни талоқ қиласан ва хон ўзига хотин қилиб олсин. Нодон, қанча пул, амал сўрасанг берилур. Мамлакатнинг энг гўзал қизларидан бирини олиб берамыз..

2-Вазир - Саид Хон буйруқ берсалар, сени бир зумда

йўқ килурлар! Адолатни кўргинки, шаханшоҳ одил, қандай раҳимдил ва фуқаропарварларки, хотинингни зўрлаб кўлингдан олмайдилар!

Саид Мен яхши биламан, хон молу-жонимни забт қила оладир. Мани ўлдиришга, ёндиришга, дорга тортишга соҳиб ихтиёрдир, аммо маним номусимга ҳеч кимнинг қўл солишга ҳаққи йўқдир... Ман тирик эканман, талоқ қилмайман!

Вазир - Эси паслик қилма, Саид, бундай қилсанг хотининг умр бўйи ҳарамда қоладир, ўзинг зиндонда чирийсан... ва ҳоказо...

Фитрат ва Ғози Юнус асарларидан келтирилган юқоридаги парчалар кейинги бир қатор асарларнинг пайдо бўлишига туртки бергандай туюлади. “Арслон”даги Мансурбой Яшин ёзган “Бой ила хизматчи”даги Солихбойнинг ўзгинаси-ку?! Солихбой Жамилани тортиб олиш учун домла имомлардан қозиларгача тўплаб ишги солиши, Ғофирни ўртага олиб қилинган суҳбатлар - Мансурбойнинг Тўлғунни, Хоннинг Саидни хотинини тортиб олиш учун қилган хатти-ҳаракатларини эслатмайдими? Эслатадигина эмас, айти нусха кўчирилган-ку.

Мансурбойнинг хотини Зайнаб оғимнинг хулқиятвори Хонзодани яратишга, А.Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин” ҳикоясидаги воқаларга туртки бўлган бўлса не ажаб. Мансурбойнинг хотинлари томонидан иссиқ-совуқ қилиш борасида кўрган чоралари дам солинган ўлук хотин калласига игна тикиб, Тўлғунни бош оғриғига гирифтор қилиб ўлдиришга уриниш “Кутлуғ қон”даги Нуринисанинг қилиқларини, Мансурбойнинг Тўлғунга дастлабки дуч келганда қилган муомалалари Мирзакаримбойнинг Гулнорага биринчи бор дуч келгандаги ҳолатларини қизишга туртки бўлмаган деб ким айта олади. Аммо “Бой ила хизматчи”даги кўпгина кўринишлар, диалоглар, ҳатто унда иштирок этувчи образлар гуруҳигача “Арслон” драмасидаги аксар манзараларни яққол кўз олдингизга келтиради. Зотан “Бой ила хизматчи”нинг Ҳамза ёзган шу вақтгача топилмагани ва шу бугунгача кўриб келаётган “Бой ила хизматчи”ни Комил Яшин ўзи ёзганини эндиgina матбуот ва телекўрсатувларда эълон қилинди. Бу Комил Яшин Ҳамза

асарларида илк бор ролларни ижро этган артистларнинг хотиралари ва Ҳамзанинг бошқа асарларига суянган ҳолда “Бой ила хизматчи”нинг биз кўриб турган нусхасини яратганлигини таъкидлайди. Савол туғилади, демак, шу вақтгача совет даври ўзбек адабиёти тарихи бузиб талкин этилган экан-да? Тўппа-тўғри. Ҳамма соҳада кўз бўямачилик, қалбакилик, ёлғончилик авж олган етмиш йиллардан ортиқ бир даврда адабиёт бундан четда қолармиди?! Хуллас, ўзбек совет адабиётидаги барча муаммоларнинг илдизлари асли 20-30-йилларга бориб тақалаверади, шунинг учун ҳам ишни ўша йиллар тарихини тўғри ёритишдан бошлаш лозим бўлади.

Жиддийрок ўйлаб қаралса, ўзбек совет адабиётидаги ҳозирги муаммоларнинг кўпи 20-30-йилларда кун тартибига чиққан ва у ҳамон турли-туман бахсларга сабаб бўлиб келмоқда. Фитрат, Чўлпон, А.Кодирий ва уларнинг кўпгина сафдошлари ижоди худди ўша йиллардан буён бахс ва мунозараларга тўлиб-тошиб келмоқда. Бу ҳали давом этади. Зотан катта санъаткор ва серқирра талантларнинг ижодий фаолиятларигина узок даврларгача хилма-хил фикр уйғота олади, китобхонлар муттасил улар ҳақида бахслашиб юришади. Негаки, йиллар ўтиши, даврлар ўзгариши, тузумлар янгиланиши билан уларнинг асарларидан янги-янги маънолар излаб топилаверади, замон талабларига яраша талкин этилаверади. Яъни ҳар бир янги давр, янги шароит, янги вазият кун тартибига чиқараётган саволларга улардан жавоблар топилаверади. Фитратнинг ҳамма асарлари каторида “Арслон” драмаси ҳам ўз тарихий, бадиий ва эстетик қимматини ҳамон сақлаб қолган. Уни қайта нашр этиш, сахнага қўйишнинг вақти аллақачон етган, зотан “Арслон” 1926 йилдан кейин ҳали нашр этилгани йўқ-да! Ахир бу асарда ҳозирги муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кўплаб фазилатлар бор.

Фитрат драматургия соҳасида ишлашни муттасил ҳамма соҳадаги ишлари билан қўшиб давом эттиради. Унинг сўнгги сахна асари “Рўзалар” 1930 йилда босилиб чиқади. Бунда Фитрат рўза тутишнинг хосияти ҳақида ҳаммага ваъз-насихат қилиб туриб, ўзи унга амал қилмайдиган баднафс, тамагир айрим руҳонийларнинг қилмишларини - Эрбокий



образи фаолиятида каттиқ танқид қилади. Танқид қиладигина эмас, кидикорларини фош этиб ташлайди. Муаллиф ўз асарини “кичик бир тамоша асарчаси” деб атайди. Тўғри, хажми кичик бир ихчам сахна асарида тамошабин катта бир ҳаётий воқеликдан огоҳ қилинади.

Эрбоқий асли анча камбағал, камтаргина кун кечиради. Намоз ўқиб турган жойнамози ҳам арзон матодан - сариғ бўздан тикилган. Уй-рўзгор ахволи ҳам шунга яраша... Анча ақлли, етуккина хотини Шарифа уй ишларини саришталаб туради. Эрига қарам. Эрбоқий хотинига ўлгудай қўпол муомала қилади. Ҳар икки гапнинг бирида сўқиб туради. Шарифа овқатга ёғ йўқлигини айтса, бирдан эри бўралаб сўқиб беради. Шундай қилиб парда очилиши билан эр-хотин жанжали тамошабин эътиборини дарров тортиб олади. Чунки Шарифа ёғ тамом бўлганини кеча ҳам айтганда қанча жанжал чиққан эди, бугун яна эслатиши билан яна жанжал бошланиб кетади. Шарифа эрининг кечаги қилиғини эслатиб, бугун “Яна мени уришасизми?!” деган гапига Эрбоқий ғоят ғазаб билан жавоб қилади: “Сен падаринга лаънатни уришмоқ оз, ўлдирмак керак. Шунча мойни бир ҳафтада қандай битирдинг?! Қўл-юзингни ҳам мой билан ювдингми?... Ҳамма нарсани ўғирлаб, холангга юборасан, мен билмайманми?”

/Шарифа/ Нимани ўғирладим, худодан кўркмай-сизми?

Кеча бир қадақ жалғамдан ярмини ўғирламадингми, итбачча?

Холам сизнинг ярим қадоқ шалғомингизни емай очидан ўлсин, ёлғон гапирманг!

- Падаринга юз лаънат, хайвонбачча, нахотки шу рўзаликда ёлғон гапирсанг, деб ёстикни хотинига отмоқчи бўлиб ўшқираётганда эшикдан биров келиб қолади...

Фитрат Эрбоқий образида жуда ғалати, мураккаб, устомон, айёр, ўлгудай сийка, мунофик, пасткаш бир шахс характерини яратади. Сиртдан қараганда соддагина, камбағал, камтаргина, мўмин-қобил, ҳокисоргина бир одамга ўхшаган Эрбоқий аслида ўта палид одам. Унда “Эшон” деган ном бор-у, аммо ҳеч кимга, ҳеч нарсага-худого ҳам, бандага ҳам эътикод ва ҳурмат деган тушунча йўқ. Ўз ҳузур-

халоватидан бошқани билмайди, ўйламайди ҳам. Бирор бегона одам кўриниши билан ясама сиполи, жиддийлик тусига кириб олади. Шундай қилиб содда авомни алдаб юради, шундан даромад қилади. Ўзи рўза тутмайди, бошқаларга рўза тутишни тарғиб қилади, рўзанинг фазилатлари ҳақида соатлаб ваъз айтади. Унинг сўзларига ишонадиган содда аёллардан бири Турсуной кампир бемор кизи Салимага дам солдиргани олиб келади. Эшиқдан Турсуной қираётганда хотинини ёстик билан урай деб турган Эрбокий дархол юзига сунъий бир жиддийлик бериб, уларга атайлаб қайрилиб карамайди, гўё муҳим бир иш билан банд одамдай уларни анча куттириб қўяди. Турсуной кампир Эшонга салом бериб кириши билан паранжиси ичидан бир тугун чиқариб узатади, кейин кизи Салиманинг кўзи ёриганига уч ой бўлгани, шундан буён силковланиб ўзига келолмаётганини айтади, бинобарин хозирча рўза тутмай турса бўлармикан, деб маслаҳат сўрайди ва дам солиб қўйишини илтимос қилади. Эшон худди ана шундай соддадил одамларни шилишга ўрганган. Рўза ҳақидаги маслаҳат баҳонаси билан роса насихат қилиб кетади. Узун эшитиб кўриш иштиёқида Салиманинг ўзи гапирсин деб қўяди. Салима силласи куриб бораётганидан шикоят қилади. Рўза тутолмаслиги учун рухсат сўрайди. Эшон рўзани ейишга сира рухсат бермайди, “Рўзани есанг маним дуоларим таъсир қилмайди” деб уқтиради. Салимани яқинроқ ўткизиб дам солаётганида яна бир кишлок хотини Ниёзой боласини кўтариб келиб, иссиқ кунда рўза тутишга толиқиб қолаётганидан ҳасрат қилади ва бир - икки кун рўза тутмаса бўлармикан, деган маслаҳатни сўрайди. Бу гал яна Эрбокий эшон ўта дабдабали - содда одамларни хайратга соладиган гапларни тўқиб солади. Хуллас рўза ва уни тутишнинг чексиз-чегарасиз ҳосиятлари ҳақидаги гаплар кизиб кетаверади. Ниёзой рўзадан бери сутим камайиб, эмизукли болам оч қоляпти, бўлмаса “Менга сутни кўпайтирадиган бир дуо берсангиз” деб ялинади, дуо олади, пул бериб жўнайди.

Эрбокий ўз хотинига сира тўғри муомала қилмайди, нима дейишининг аҳамияти йўқ, фақат сўқиб жавоб беради. Асли нияти Эшон Шарифани уриб, сўқиб, жонидан тўйдириб кетказмоқчи, бошқасига уйланмоқчи эди. Шарифа буни

сезиб қолади. Эшон келган одамларни ўжиб, хакини олиб, энди “бир ухлаб дам олиш” учун уйга кириб кетади. Шарифа уни кузатади. Уйнинг эшиги қия очик эди - Эшон бояги хотинлар олиб келган ёғлиқ нонларни пок-покиза тушириб, қумғондан чой ичади, орқасидан бир отим носвойни ҳам тил тагига ташлаб олади. Шу вақтда Шарифа қишлоқ имоми, оксоқоли ва яна бир неча мулларни бошлаб келиб Эрбоқийни шарманда қилади. Унинг овқат еб носвой чекканини ҳамма кўради...

Мана шу икки пардалик “тамоша асарчаси” да ҳам талай муаммоларни кўтаради, уларни жиддий таҳлил қилиб, ажойиб бадий образлар воситасида хал этиш йўлларини кўрсата билади. Пьесанинг иккинчи пардасида эса, яна бир “шариат химоячиси” хисобланган пасткаш шахс - адолат ўрнатишга даъват этилган Қози образини кўрсатади. Қози ҳам товламачи, одамларни шилиш билан овора. Қишлоқ оксоқоли Раис бир одам билан бирга камбағал батрак Ашурбобо деган бир кишини олиб келиб, “бу бадбахт рўзасини еб турган экан, тутиб келдик”, дейди.

Ашурни қози сўроқ қилганда у касаллигини, рўза тутишни доктор ман этганлигини айтади. Аммо қози ғазаб билан уни халқ ўртасида калтаклашга ҳукм қилади. Эрбоқийни сўроқ қилганда эса Қози унга ён босиб ҳеч қандай жазо бермайди. Қозининг ўзи ҳам шикоятчиларни жўнатгандан кейин росмана овқатланиб, кетидан бир коса кўкнори ичиб олади.

Хуллас, Фитрат ўзларини такводор, диндор қилиб кўрсатиш билан пасткашлик қилиб кун кўраётган товлашчиларни, мунофиқларни қаттиқ фош этади. Асар охирида камбағал Ашурнинг хотин-болалари бир киши воситасида йиғлаб-сихтаб Қозидан Ашурнинг гуноҳини сўраб олишлари, бунинг учун қозига топган-тутганларини беришлари ва шу онда калтак зарби, касаллик ва совукдан ўлиб қолган Ашурнинг мурдаси устида оила аъзоларининг дод-фарёдлари тамошабинга қаттиқ таъсир этади.

Биз илгариги саҳифаларда ҳам таъкидлаб ўтганимиз дин пешволарини танқид қилиш бу асарда ҳам етакчи фикрни ташкил этади. Аммо дин ва дин пешволари Фитрат кўнглидаги дардларни бадий ифодалаш учун бир восита

эди холос. Бунинг устига 20-30-йилларда танкиднинг биринчи тиғи дин ва дин пешволарига қаратилганлиги ҳам ёзувчиларимизни бу йўлга юришга мажбур қилган эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Фитрат ижоди аввало ўта секирра мураккаб, зиддиятлар билан тўла даврнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган. Ҳозир биз унинг ижодий йўлига хос айрим томонлари ҳақида, кўпроқ драматик фаолияти устида қисман умумий тарзда мулоҳаза юритдик ҳалос. Бу Фитрат ижодини ўрганиш ва 20-йиллар ўзбек адабиёти тарихини яратиш учун қисман маълумот берар деб умид қиламиз. Яна ҳозирги ёшлар, талабаларга то кейинги йилларгача 20-йилларда яшаб ижод қилган буюк адибларимиз, шоир ва олимларимиз, драматургларимиз, адабиётшуносларимиз ҳақида тамоман хато маълумотлар бериб келинган эди, эндиликда шу бўшлиқни ҳам тезроқ тўлдириш адабиётшуносларимиз олдида турган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бизнинг Фитрат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиз бу жиҳатдан ҳам муайян аҳамият касб этса ажаб эмас. Биз бошида ҳам айтган эдик, яна қайтарамиз, Фитрат жуда катта йирик маданий сиймо, уни бир-икки илмий иш билан тўла изоҳлаб бўлмайди. Фитратнинг адабий-танкидий фаолияти, шеърляти, насрий асарлари, ижтимоий фаолияти, драматик ижодиёти - ҳар бири бир нечадан катта монографик иш талаб қилади. Бизнинг ишимиз бу соҳадаги дастлабки уринишларидан бири бўлиб қолса ажаб эмас.

“Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман  
Ватан!”

...Ётсам тушимда, уёғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турардур... Бу бир хотунки, эғнида ипақли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийм йўк... Тирсақларигача қопқора лойқага ботқон... Ориғланган танда золимона урулғон қамчиларнинг яраси бор...

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамли она, нечун мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан?

Нечун кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолғон кўзларинг, у ёш ёмғурларин нечун тўкадур?

Зулм занжирлари билан боғланган кўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан?

Ох...Билдим...Англадим! Сен менинг Ватанимсан! Ватанимнинг мунгли хаёлисан!

Эй мукаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма! Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма! Юртим, Туроним сендан айрилмоқ - менинг ўлимим!

Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур!

Паноҳим, саждагоҳим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?!

Йўк, йўк, сен кимсасиз эмассан! Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак қилурга ҳозир! Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози! Қоф тоғлари йўлимда тушса, Тамуғ оловлари қаршимда чиқса, яна сен сари кетарман! Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаханнам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман!

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман!

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!

Эй Туркликнинг мукаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга!

Нафрат сени кўмгани келганларга!..

### Темур сағанаси олдинда

Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйим буқук. Сенинг зиёратинга келдим, султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, қуйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, ҳоконим!

Юз йиллардан бери жафо кўруб ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этақларинга тўкарга келдим!

Қоронғулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун Тупроғингдан сурма олгали келдим!

Номусини бад кишиларнинг оёқлари остинда кўруб турклик қони қайнагай, мусулмонлик ҳамияти тошгай, тамуғ оловлари каби сачрагай!..

Улуғ хоконим! Турклик шарафи таланди. Турк учун кўйдиғик давлат битди, турк отиға қурдиғик хоконлик яғмоға кетди. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёғлари остинда колди... Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт кўлларга тушди...

Ҳоконим! Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам конларини оқитмоқ сенинг муқаддас одатингдур, ётма, тур!

Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!..

Биламан, шу чоғда сенинг тўлқунли денгизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўғилнинг шу кўринишидан нафрат қиладур. Чунки юкорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим, сенинг Туронингни ўзим талатдим, сенинг туркнинг ўзим эздирдим, сенинг омонатингга хиёнат ўзим қилдим!..

Мен уч кунлик умримни тингина ётиб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди!

Мен кўлимга топширдиғинг қиличингни ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..

Мен ёлғиз конли кўз ёшларимни бу сағананга тўкмак учун эмас, ўз ёзуқларимни иқроп этарга келдим, хоконим!

Мен ёлғиз ёзикларимни иқроп этарга эмас, Туронга бердигим зарарларни тўламоқ учун келдим, хоконим! Мендан нафрат ётма!

Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимда ўт!.. Қўлимдан тут, белимни боғла, муқаддам фотиҳангни бер!

Ссенинг дунёда сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туронинг эски шараф ва улуғликни қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман.

Турон улуғларнинг шонли бешиги

Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Холинг қалайдур? Нечук кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли бешиклари! Қани у чикдиғинг юксак ўринлари? Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?!

Дунёни “урхо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чикмайду?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонлари ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун?.. Нечун?.. Нечун?.. Гапир менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?

Ер юзининг буюк салтанатларини сен курмадингми? Ҳиндустоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ ҳоконларини сен юбормадингми? Эй ҳоконлар ўчоғи! Эй қахрамонлар тўғойи! Қани у чакмоқ чопишли ботир ҳоконларинг?!

Қани аввал ўқ юрушли отли бекларинг? Нечун “урхо” лари эшитилмайдур?

...Инсонлик оламини қанотлари остинда олган ҳоконлигинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми колди?

Йўқ...Йўқ...Тангри хақи учун йўқ!..

Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун Ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Чингизларнинг, Темурларнинг қонидур!

Буларнинг кучлари - сенинг кучингдур!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайгурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур!

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишдур!

“Хуррият” газетаси, 1917 йилнинг 28 июль,  
18 август, 31 октябрь сонлари

# Абдулҳамид Сулаймон ўғли - Чўлпон

*От минганда қушлар каби учқувчи,  
Эркин-эркин ҳаволарни кучқувчи,  
От чопганда учар қушим тутқувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Сенинг каттиқ сир-бағрингни кўп  
йиллардир эзганлар,  
Сен берсанг-да, қарғасанг-да  
қўкрагингда кезганлар  
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи*

*йўқ*

*хўжалар,  
Нега сени бир қул каби қизганмасдан  
янчалар?*

*(Бузилган ўлкага”).*

Мазкур сатрлардан шоир Чўлпон қалбидаги энг олий ният Турон элида босқинчига қул бўлмаслик, миллий мустақилликка эришиш алангасидан иборатлигини пайқаб олиш қийин эмас. Шеър 1921 йилда ёзилган. Бу вақтда мамлакатимизда совет мустамлакачилик сиёсати зўрлик билан жорий этилмоқда эди. Шу ўринда Чўлпон ижодига айрим ёндашувлар ҳақида озгина тўхтаб ўтишга эҳтиёж бор. Ўзбек адабиётида Чўлпон ижодидек зиддиятли шоир меросини топиш қийин. XX асрнинг 10-йилларида адабиётга кириб келган шоир ижоди ҳақида 20-йилларданок бошланиб кетган турли-туман қарашлар ҳамон тўхтаган эмас. Нега? Чўлпон асарлари ҳаётни айна ўзидек, яъни бузмай-ёрмай акс эттирган. Ҳаёт эса, бир нафас зиддиятсиз бўлган эмас, бўлмайди ҳам. 20 - 30 ҳатто 50 - 80 йиллардаги чўлпоншуносларнинг шоирга факат душман сифатида қараганлари ҳақида камина кўп ёзган, уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чўлпон ҳақида эркин фикрлаш мумкин бўлиши, у буюк зот руҳини шод этиб - Алишер Навоий мукофти берилиши, эндиликда, мустақиллик ордени берилиши, асарларининг бирин-кетин босиб чиқилиши - Чўлпонга қарши курашиш имконияти йўқлигини кўрсатади. Аммо 1991 йилгача Чўлпонга ҳужумдан тўхтамаганлардан бири олий ўқув



юртидан ҳайдалиб, Тошкентдан Тожикистонга қочиб кетган бир кимса, “нега шеърларинг Чўлпонни мақтайди, деб ўз дўстларим ўқишдан ҳайдатишди, мен Тошкетдан кетишга мажбур бўлдим дея”, жонли гувоҳлар олдида уялмай-нетмай ёлғон-яшиқ билан матбуотда чиқиб юрибди. Яна бири Чўлпон ижодидан фан номзодлигини олиш учун диссертация ёклаб, аллақачон олди-сотдига ўтиб кетди. Яна бири Чўлпондан, Фитрат-у А.Қодирийгача ҳаммасига “сўнгги нафасигача” қарши очик курашиб матбуотлардаю, йиғинларда тинимсиз чиқиб туриб, ҳозир “Ёркиной”-ю, А.Қодирий асарлари рўхатини “тузиб” мақола ёзади, яна бир собиқ раҳбар Фитратдек “хавфли” сиймо номини тилга олган бир ёш филолог диплом иши устида бутун бошли Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида ғалаён кўтарган, энди хали Қодирий, хали Бехбудий ижоди ҳақида мадҳия ўқиб юрибди, яна бири то Фитрат - Чўлпонларни йўлдан супуриб ташламагунимизча адабиётимиз тараққий этмайди деб ёзиб юриб, ҳозир биринчи даражали чўлпоншуносликка даъвогар: ҳатто кейинги ишида ҳам Чўлпон қизил империяни душмани эди-ю, ўзининг унга қарши чиқишларини пардалаш учун баъзида уни ёклаб шеърлар ёзиб турарди қабалида иш кўрилмоқда. Хуллас, шундай ғалати гаплар кўпайиб кетдики, уларнинг барчасига жавоб бериб ўтирмаймиз. Аммо инсоф билан айтганда ҳаммаларига битта истак айтиш мумкин. Чўлпоншуносларнинг кўпайгани яхши. Бироқ, андак андиша ҳам лозим. Кечагина унга душман бўлиб турган - бугун бир юмалаб дўст бўлиб қоладими? Ахир имон-виждон тарозуси деган ўлчов бор-ку?! Юқорида биз келтирган - институтдан ҳайдалган кимсанинг лоақал тушига Чўлпон кирсаю, “қачон сенинг шеърингни мақтадим, нега менинг руҳимга тухмат қиласан? Шу билан гўё сен мени айбдор қилмоқчисан-да; ундай қилма, сен ўз шахсий қилмишларинг учун ўқишдан ҳайдалганингни биладиган одамлар кўп-ку” деса нима жавоб бераркин?! Яна бу ҳақда шуни айтардик, майли, ҳар ким ҳамма ҳақида ёзиши мумкин, лекин илгариги ишларга жиндак изоҳми, узрми, бирор бир аниклик киритиб қўйиш - виждон иши эмасмикан? Гўё ҳеч нарса бўлмагандай - “туя кўрдингми, йўқ, бия кўрдингми йўқ” қабалида адабиётшунослик қилиб

бўладими?..

Бошқа гаплар ўз йўлига, аммо бир нуқтани изохлаб ўтиш шарт бўлса керак. Бу - Чўлпоннинг октябрь инқилоби, совет тузумига муносабати масаси. Шуни аниқ айтиш мумкинки, чўлпон, Фитрат, А.Кодирий, Элбек ва уларнинг сафдошлари совет тузумига душман бўлган эмаслар. Улар бобомиз Амир Темур вафотидан кейинги Марказий Осиёдаги уч хонлик давридаги жаҳолат, хурофот, биқикликдан, жаҳон микёсидаги буюк энг обрўли Турон эндиликда энг орқада қолган заминга айланиб қолаётганидан, айна чоғда чор Россияси боскинчилигидан фарёд чекардилар. Октябрь йўлбошчилари мана шу биз таъкидлаган иллатларнинг ҳаммасига қарши курашу, миллий мустиқлик масалаларини ўртага ташлади. Тараққиётни тарғиб этди. Хуллас, сиртдан жуда тўғри кўринадигани шиорларига одамларни ишонтирди. Бизнинг зиёлиларимиз, шу жумладан Чўлпон, Кодирий, Фитратлар ҳам дастлаб инқилобга катта умид боғладилар. Кейинчалик амалда рўй бераётган воқеа-ходисалар аста-секин уларнинг кўзини оча бошлади. Ўз асарларида совет сиёсатини ёқлаш билан бирга, унинг “демократик фикрлаш” ҳақидаги сафсаталарига ишониб ҳаётий зиддиятларни ҳам ёрита бошладилар ва ҳоказо. Борди-ю уларни совет ҳукуматининг душмани эди деб қоралайдиган бўлса; ҳукумат ўз душманини йўқ қилган, бу билан тўғри иш қилган бўлиб чикқан. Зотан қайси тарихда ҳукмрон душманини камамаган, қатл этмаган. бу ўзи алоҳида тадқиқотни талаб этадиган катта мавзу, шунинг учун ҳам бу ҳақдаги гапни шу ерга тўхтатиб, ўзимизнинг асосий мавзуимизни давом эттираемиз. Зеро, бу фикр Чўлпоннинг адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Чўлпон XX аср бошларидаёқ майдонда кўринган, уйғониш даври ўзбек адабиётининг муҳим хусусиятларини ифодалаган шоир, буюк адиб ва драматург. Таржимон сифатида бизга бой маънавий мерос қолдирди. У адабиёт майдонига кириб келган чоғларидаги “муҳим хусусиятлар” деганда нимани кўзда тутамиз? Чўлпон ижодий фаолияти ҳам давр тарихини бадиий ифодалашда сафдошлари билан ҳамоҳанг. Яъни, Чўлпон ҳам бошқа ҳамфикрлари қаторида

XX асрнинг 10-йилларидаги Туркистон халклари ҳаётини бадий акс эттиришда асос-эътибори билан миллий истиқлол ғояларини куйиб-пишиб тарғиб қилган, чор россияси мустамлакачилик сиёсати халқимиз бошига не-не фожиаларни солганлиги ҳақида ёниб ёзади. Боскинчиларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этган, эзилганларнинг манфаатларини дадил химоя қилган, зулмга қарши исён кўтаришга чақирган”

Кўриниб турибдики, Чўлпонни ҳам Бехбудий, Фитрат ва бутун ўзбек жадидчилиги уйғотган. Унинг бутун ижодида буни кўрамиз. Яъни, унда ҳам ўз замондош ҳамфикрлари сингари - шаркнинг - буюк Туроннинг ўтмишида қудратли бир бутун, яхлит, бағоят йирик давлат сифатида жаҳонга донг таратган, ўз даҳолари, улўғвор сиймолари, маданий ва маънавий тараққиёти билан дунё халқлари ривожига самарали таъсир кўрсатгани ғурур билан куйланади. 1918 йилда ёзган “Шарк нури” сарлавҳали шеърида нималар деганига бир эътибор беринг:

Бир замонда ер юзида ўз бошли  
Улуғ, шонли маданият туғдирғон,  
У гўзал Шарк, ширин тупроқ сўнг замон  
Бўлди четлар натижасида кўз ёшли...

(1918 й.)

Шеър эзилган йилдан кўриниб турибдики, октябрь тўнтариши мамлкатни қонга ботириб, ҳар ёнга хунрезлик, харобалик, қашшоклик уруғларини сочиб келаётган бир даврда шоир Чўлпон халқ бошига тушаётган фожиалардан ўртанар, ўз хиссиётларини шеърларига тўкиб соларди. Яна ўша шеърдаги тўрт сатрга эътиборингизни тортамиз - унда биз айтган мазмун қандай тасвирланганига ҳайрон қоласиз:

Сўнг даврда йўқсул Шаркнинг тарихи  
Бир бет бўлсун оқ сатрни кўрмади.  
Дунё тарихини ёзғон муаррих  
Яхшиликга қаламини бурмади.  
Шаркнинг қайси бурчагини қарасанг  
Йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг,  
“Томуғ” деган сўзни билмак истасанг  
шаркни бошдан-оёққача юрардинг.

Мазкур шеър руҳи - Фитратнинг 1917 йилда ёзган “Шарк”

сарлавҳали шеъри ғояларини ижодий ривожлантиргани, уни янги тарихий-бадий воситалар билан тўлдирганини пайқаб олиш кийин эмас.

Зотан Чўлпон машхур рус ёзувчиси - “Чингизхон” романининг муаллифи В.Ян билан қилган суҳбатларидан бирида - адабиётга Фитрат таъсирида кириб келганлигини айтган.

Бу ҳақдаги В.Ян хотираларининг асл нусхаси қўлимизда.

Чўлпон дастлабки шеър, хикоялари, публицистик ва адабий-танқидий мақолаларига “Чўлпон”, “Қаландар”, “Мирзақаландар”, “Андижонлик” каби тахаллуслар қўйган, ниҳоят “Чўлпон” унинг сўнги - қатъий номи бўлиб қолади. Унинг талай катта-кичик шеърларию хикоялари, очерклари, “Ёрқиной”, “Кеча ва кундуз” сингари йирик асарлари Чўлпонни фақат шоир эмас, йирик адиб, драматург сифатида ҳам танитди.

Шарқ халқлари тилларини, классик адабиётимиз тарихини яхши билган Чўлпон рус тилини ҳам мукамал ўрганиб олгач, рус ва бошқа жаҳон классик адабиёти ва намуналарини кўплаб таржима қилади. Р.Тагор асарларидан намуналар, 20-йилларда бир актёр турк шоирлари асарларидан ўзбек тилига таржималар қилди, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари хақида мақолалар ёзди, атокли ёзувчилар маҳорат мактабидан ижодий ўрганди. Худди ана шу жараён Чўлпонни шоир, адиб, хуллас етук зиёли даражасига кўтаради. Чўлпон таржима қилган асарлар орасида Шекспирнинг “Ҳамлет”и ғоят тенгсиз ижодий аҳамият касб этади Чўлпондан кейин гарчи “Ҳамлет” неча марта бошқалар томонидан таржима қилинган бўлса-да, бирортаси Чўлпон таржимаси дарасига кўтарила олмади десак, муболаға бўлмаса керак. Ана шундай ижодий меҳнатлар ва уларнинг ажойиб самаралари туфайли Чўлпон ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири даражасига кўтарилди ва бизга бой, битмас-туганмас маънавий мерос қолдирди. Минг шукурки, фақат Истиклолимиз Чўлпон ижодини холис ўрганиш имкониятини берди, асарлари нашр этила бошлади, у ҳақда илмий тадқиқотлар эркин равишда юзага келаётгани бунинг ёрқин далилидир. Йиллар ўтган сари Чўлпон ижодий маҳсулининг янги-янги қирралари

очила бошланди, кадри ошди. Шунинг учун ҳам юрт-бошимиз И.А.Каримов буюк аждодларимизнинг бой маънавий хазиналари заминида ёшларни тарбиялаш зарурлигини муттасил уқдириб келади, бу бизга миллий кадриятларимизни эркин тиклаб боришга кенг имкониятлар очиб бермоқда. 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш ҳақидаги қарорнинг ўзи бир дунё миллий кадриятимиз мазмунини ифода этади. Зеро, буюк бобомиз Амир Темурнинг ўзи ҳам ўзидан аввал ўтган буюк аждодларимиз шаънига, руҳига ғоят хурмат билан қараганки, улардан қанчасига махсус буйруқ билан мақбаралар қурдиргани - у буюк зотнинг ўзини ҳам шундай иззат-эҳтиромга сазовор қилган бўлса, не ажаб. Юртбошимизнинг асли шу йўлдан бораётганлари жаҳон халқлари хурматига сазовор қилаётгани билан бирга бизнинг миллий кадриятларимиз умуминсоний тараққиётга ғоят катта ҳисса қўшаётганини ҳам намойиш қилмоқдаки, бу билан бизнинг дунёда тутган обрў-эътиборимиз кун сайин ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Чўлпон 1897 йилда Андижонда зиёли оиласида таваллуд топди. Отаси шеърятга, илм-фанга жуда берилган, аммо оила тирикчилиги эса савдогарлик ва деҳқончилик билан ўтарди. Шу ўрнида муҳим бир нуқтага эътиборингизни жалб этамиз. Ўтган даврлар ичидаги Бехбудий, Фитрат, А.Қодирий ҳақидаги чиқишларимизда ҳам уларнинг ота-боболари илм-маърифатга катта ихлос қўшганлари, тирикчиликни эса, савдо-сотик ва деҳқончилик билан қўшиб олиб борганлари айтилган. Демокчимизки, ота-боболаримиз энг қадимий даврлардан бу ишларни уйғунлаштириб яшаганлар, шундай оилалардан биз юқорида нормларини тилга олган буюк аждодларимиз етишиб чиққан. Шунинг учун ҳам улар ўз асарларида савдо-сотик, тижоратни, илм-маърифатсиз тасаввур этадиганларнинг фожиаларини кўрсатганлар; ҳар иккисини қўшиб олиб борганларнинг муваффақиятларини кўкларга кўтарганлар. Масалан, Отабек, Юсуфбек ҳожилар қиёфаси билан Бехбудий “Падаркуш” пьесасидаги Бой (саводсиз савдогар) қиёфасини солиштирсангиз тафовутлар яққол равшан бўлади. Хуллас, Чўлпоннинг отаси ҳам шундай зиёли савдогарлардан бўлиб, Шарқ классик адабиёти намуналарини қизиқиб ўқигани, баъзан ўзи ҳам

шеърлар ёзиб тургани хакида маълумотлар бор.

Бўлажак йирик шоир ва адиб, драматург Чўлпон ХХ аср бошларида Туркистонда чиқиб турган “Садойи Туркистон”, “Иштрокиюн”, “Фарғона”, “Қизил байрок”, “Бухоро ахбори” каби қатор газеталар, “Маориф ва ўқитувчи”, “Ойна”, “Ер юзи” каби журналларни муттасил ўқиб, уларда шеърлари, ҳикоялари, таржималари билан қатнашиб туради. 20-йилларда “Маориф ва ўқитувчи” журналида энг кўп шеърлари билан қатнашган шоир Чўлпон деса бўлади. Журналининг ҳар бир сонини варақласангиз Чўлпон шеърларига дуч келасиз. Бу ҳам Чўлпон шоирнинг 20-йиллар ўзбек адабиётидаги мавқеи хакида тасаввур берса керак. 20 - 30 йиллардаги танқидчилар Чўлпонга тинимсиз таъна тошлари отиб ётибди. Чўлпон эса, тинимсиз ижод қилишдан тўхтамайди. Қаламини ижодий иш билан қайрайди. 20-йиллар давомида шоирнинг “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари”, 30-йилларга келиб “Соз” шеъррий тўпламлари эълон қилинади. М.Горькийнинг “Она”, “Егор Буличев” асарларини, Пушкиннинг “Дубровский” “Борис Годунов” асарлари ва қатор шеърларини, Гоголнинг “Ревизор” Шекспирнинг “Ҳамлет” асарларини таржима қилаётган, узлуксиз шеър, ҳикоя, очерк, роман (“Кеча ва кундуз”), пьеса (“Ёркиной” ва бошқалар) ижод қилаётган бир даврда Чўлпонга қаттиқ хужум авжга чиққан, шаънига нуқул тухмат қилинар, “халқ душмани миллатчи”, “буржуа мафкурарачиси” деган энг хавфли тамғалар босилаётган эди. Ниҳоят тарихимизнинг энг қирлик чўққиси бўлмиш 1937 йилги қатлиоми Чўлпонни ҳам ўз гирдобига тортди: гуноҳсиз буюк ёзувчи “гуноҳкор” саналиб отиб ўлдирилди, афсус... Истиклолимизнинг энг ашаддий рақиблари ҳам лоақал ана шу ўтмишимиз фожиаларидан бизни халос этган Ўзбекистон мустақиллигини, Чўлпонлардек бой миллий кадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор бераётган юртбошимиз фаолиятларига тан беришлари лозим эмасми? Агар мустақиллигимиз бўлмаса биз ушбу сатрларни ёза олармидик? Буни миллий кадриятларимиз, 20 - 30 йиллар ўзбек адабиёти тарихини тиклашга умрини бахшида этганларгина тўғри тушунадилар. Шунинг учун ҳам биз юқорида Чўлпонни унинг сафдошларини то 90-йилларгача ҳам очикдан-

очик қоралаб келганлар қандай қилиб “бир юмалаб” чўлпоншунос-у, қодирийшунос бўлиб қолдилар? деб савол берамизда. Ахир аянчли келажакни, таракқиётни таъминлаб бўлмайди-ку?!

Чўлпон асарларининг буюк мавқеи шунда эдики, уларда бутун туркий халқлар, хорижий шарқликлар - мусулмонлар ҳаёти, тақдири, таракқиёти, маънавий дунёси тўғрисида ғамхўрлик қилиш ғоялари акс эттирилади. Деярли барчасида мустақиллик, эркинлик, озодлик сингари энг олий инсоний орзулар улуғланади. Шуни айтиш керакки Чўлпон асарлари ривожланган Овруро халқлари маданиятига қатта ҳурмат билан қараш, ундан тегишли ибратлар олиб, таракқиётга интилиш етакчи ғоявий мундарижани ташкил этади. Таржималардан мақсад ҳам ўзбек китобхонлари, томошабинларини бошқа миллат ва халқ маънавий маданияти билан таништириш, ундан ўрганиш мақсадларини кўзда турадди. Бундай шахсни миллатчи дейиш қамида жинойтчиликнинг энг даҳшатлисидир.

1991 йилга келиб “Яна олдим созимни” номида “Кеча ва кундуз” романи, “Ёркиной” пьессаси, анчагина шеърларидан иборат қаттагина бир китоб нашр этилади, бу ишлар ҳамон давом этмоқда. Олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтларида Чўлпон ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда - ҳаммаси бизга буюк истиклолимиз ато этаётган маънавий, бебаҳо юксак неъматдир.

Чўлпонни аксар китобхон кўпроқ шоир сифатида танийди, аммо у бошқа жанрларда ҳам ижод қилганини юқорида айтиб ўтдик 1910-20 йиллар мобайнида “Ўртоқ Қаршибоев”, “Муштумзўр”, “Хижрат”, “Узунқулоқ бобо” сингари сахна асарлари бор. Чўлпон театр санъати ҳақида, унинг буюк намоёндалари ҳақида ҳам талай назарий, танқидий мақолалар ёзган. Унинг “Адабиёт на-дур?”, “Бизда миллий шоирлар”, “Марҳум Тавфик Фитрат”, “Театр санъат” каби қатор мақолаларида адабиёт ва театр санъатининг муҳим масалалари ҳақида чуқур билимдонлик билан фикр юритилади ва улар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Кўриниб турибдики, Чўлпоннинг маънавий дунёси, адабий мероси жуда бой, серқирра,

баракали бўлгани холда эндигина тўғри ўрганила бошланди, бу асарлар ҳали йирик тадқиқотчиларни кутади.

Чўлпон мустамлакачиликка қарши бор имконияти билан курашгани ҳақида юқорида бир қадар айтдик. Бу ғоя - яъни, қарамлик - қулликнинг айни ўзгинаси эканлиги

“Кеча ва кундуз”да бош қаҳрамон ўта софдил, қўшиқ шайдоси ва жуда ширали овози-ю, қобилиятининг юксаклиги, унинг ниҳоят - табиатан гўзал бир ўзбек кизининг бутун зиддиятли ҳаёти, фожиали тақдири чор Россиясининг Туркистонда жорий қилган мустамлакачилик сиёсати негизида рўй бергани яққол намойиш этилади. Мустамлакачилар ўзларига қарам бўлганларни нақадар жаҳолатда сақлашга интилганларини ҳам биз “Кеча ва кундуз”да очик кўрамиз. Аммо Чўлпон асарлари фақат фожилдарни эмас, ҳаёт қувончларини ҳам, гўзалликларни ҳам, нуксонларни ҳам ёрқин акс эттириши билан қучли, таъсирчандир. 20-йиллардаги ўзбек шоирларидан биронтаси Чўлпон таъсиридан четда туролмаган, фақат биров мардона тан олса (масалан, Ойбек) биров ҳақсизлик билан инкор этади, ўша инкорчилик яна тан олишадиган бўлиб қолишган ва ҳоказо.

Хуллас, Чўлпон барча ижодий фаолиятию, маҳсулоти билан фақат ўзбек адабиётида эмас, бутун Туркистон халқининг севимли шоири, адиби, драматурги сифатида тарихга кирган. Унинг ижодига турли даврларда қандай ёндашилгани Чўлпоннинг маънавий дунёмиздаги юксак мавкени заррача қамайтира олгани йўқ. бундан кейин ҳам шундай бўлади. Унинг асарлари 20 - 30 йиллардаги тарихимизнинг айни йилномаси ҳам эди.

Энди Чўлпоннинг 1922 йилда истиклол дарди билан ёниб ёзган “Виждон эрки” сарлавҳали шеърига бир назар ташланг:

Виждон эрки  
Ай, тутқинлар, ай тизилган,  
Ай қийналган йўқсул эллар,  
Ай, умидсиз ай чизилган  
Дор олдиға... Оппок диллар!  
Ай бевалар, бечоралар,  
ай боғланган кишанларга.



Ай эрк учун оворалар,  
Кўп ялинманг сиз уларга!  
Бўрилардан омон кутмак  
Тентакларнинг ишидир ул.  
Хар монёъни хатлаб ўтмак -  
Турмушда энг тўғри бир йўл!  
Зулм олдида хар бир нарса,  
Эхтимолки бўйин эгар.  
Агар зулм авжга келса,  
Кўк боши-да ерга тегар,  
Хайвонларга, инсонларга  
Золим эга бўлмай қолмас.  
Фақат эркин виждонларга  
Эга бўлмок мумкин эмас!

\*\*\*

Вазирлар маҳкамасининг Чўлпон таваллудига бир аср тўлишини нишонлаш ҳақидаги махсус қарори маънавий олами бут, софдил жамоатчилик қалбига алоҳида қувонч бағишлади, буюк аждодларимиз меросларига яна, қайта-қайта мурожаат қилиш имкониятини берди. Бу бизга истиқлолимиз баҳшида қилаётган улуғ ва бебаҳо неъматдир...

Шу вақтгача Чўлпон ҳақида телерадиоода, газеталарда қатор мақолалар, суҳбатлар эълон қилинди ва бу иш ҳамон давом этмоқда. Савол туғилади: Чўлпон ҳақида нима дейиш мумкин? Бу асли оддий саволга ўхшайди, аммо унга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Негаки, шу вақтгача Чўлпон ҳақида (кейинги бир-икки йил ичида) нималар ёзилган бўлса, асосан ижобий фикрлар баён қилинди. Деярли ҳамма ёзилганлар (савиясидан, қарашларидан қатъи назар), асосан ижобий ходиса сифатида майдонга келганлиги билан қувонтиради. Айримларида такрорлар, зиддиятли фикрлар ёки меъёрига етмаган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас... албатта биз ҳам Чўлпондек буюк бир сиймо ҳақида бошқалардан ортқ ва мукамал маълумот беришга даъво қилмаймиз. Негаки, Чўлпон ижодини бир неча ўнлаб мавзуларга, муаммоларга таяниб ўрганиш ва хар бири учун тўла асослар топиб шарҳлаш мумкин. Бу жуда мураккаб

жараён.

Яна бир муаммо: Чўлпон XX асрнинг 10-йилларида адабиётга кириб келган бўлса, шу даврдан ҳозиргача тадқиқотларга мавзу беради, бахслар уйғотади, шу билан қарийб бир асрга яқин давримизнинг адабий манзарасини яратиб кетгандир. Унинг шеърини драмалари, насрий асарлари, таржималари, тақризлари, публицистик ва назарий асарлари - ҳаммаси бир эмас, бир неча тадқиқотларга замин бўлади. Худди шу хилма-хиллиги, серкирралиги, бой хазиналиги билан дардли, аламли изтироблари. Қувончларию, зиддиятлари билан унинг асарлари ҳаётнинг ўзгинасидир ва чексиз-чегарасиз муаммолари билан бирор қолипга сиғмайди... Айни шу фазилатлари билан унинг асарлари ҳаётни ҳаққоний равишда бадиий акс эттира олган реалистик асарлар сирасига киради...

Бироқ айрим оммавий ахборот воситаларида Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошлари Фитрат, Абдулла Қодирийлар сингари шахсларига нописанд ёндашиш, ҳамон очикдан-очик камситиш ҳаоллари, баъзан эса нотўғри шарҳлаш, баҳолашлар ҳам учраб турибди... Номлари тилга олинган уч сиймони бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг дунёқарашларида, ўзаро шахсий муносабатларию бутун ҳаётини ва ижодий фаолиятларида муштараклик жуда аниқ мавжуд бўлган, шахсий ҳаётда ҳам бир-бирларини шахсан ҳурмат-иззат қилганлари ҳақида қўлимизда аниқ маълумотлар, манбалар анчагина. Бу билан демокчимизки, уларнинг бирларига берилган баҳо ҳамиша иккинчиларига ҳам тегишли бўлиб чиқаверади. Шу жиҳатдан қараганда гоҳо улар ҳақида гап кетганда “ижодларини замонавийлаштириш керак эмас, бу борада гуруҳбозлик қилиш керак эмас” қабалида фикрлар ҳам айтилмоқда. “Гуруҳбозлик” деганда нималар кўзда тутилганини билмаймиз, аммо замонавийлаштиришни қандай тушуниш кераклигига ҳамон тушуна олмаймиз. “Замонавийлаштириш” мусиқа санъатида классик куйларнинг бузилиши тарзида англашилиб келинарди ва айрим композиторлар “бизнинг мусикамизни юз йилдан кейин тушунасизлар” деб даъво қилганларини ҳам биламиз. Мазкур ишимизда Чўлпон меросига муносабат

ва унинг бугунги аҳамияти устидагина қисқача тўхталишни ният қилдик. Бошқа муаммолардан кўра ҳозир шу мавзу долзарб кўринди бизга...

Энди биз юқоридаги “танкидий” мулоҳазага кўра Чўлпон шеърятини айна замон воқелиги билан ҳамоҳанглигига бир назар ташлайлик-чи, нима чиқаркин. Аввало Чўлпоннинг мана бу сатрларига бор эътибор қилайлик:

Бошқада қанот бор, кўкка учадир,  
Шоҳларга қўнадир, боғда яйрайдир.  
Менда-да қанот бор, лекин боғланган,  
боғ йўқдир, шоҳ йўқдир, қалин девор бор.  
Нима учун танларингла бўриларнинг қорни тўқ?  
Устимга-да бало тоғи йиқилган?  
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?  
Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?

ва ҳоказо...

Мазкур сатрлар 1925 йилда нашр этилган “Адабиёт дарслиги”да эълон қилиниб Чўлпон бошига маломат тошлари ёғдиришга сабаб бўлган эди. Уйлаб қаранг: шу сатрлар эълон қилинганда Туркистонда қандай фожиалар рўй бермоқда эдию унинг айбдорлари кимлар эди? Бу давршўроларнинг Марказий Осиё халқлари бошига қулфатлар ёғдираётган, чексиз-чегарасиз қон тўкиб, босқинчилик сиёсатини ўрнатаётган, Фитрат ибораси билан айтилганда “коммунизм зўрлаб тикиштирилаётган” бир давр эди. Ана шу сиёсат натижалари юртимизда ҳамманинг қанотини қайирган, оёқ-қўлларини кишанлаган, халқимиз - миллатимизнинг гуллари “босмачи, халқ душмани, миллатчи” сингари уйдирма тамғалар остида қириб ташланаётган хунрезлик авжга чиққан йиллар эди. Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошлари бутун ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб айна ҳаёт фожиаларини жасорат билан очиб ташламай туролмасдилар, бундай фожиалар уларнинг қалбларини ўртар, вужудларини кемирар, дард аламларини изҳор этмай қўймас эди, зеро уларда эл-юрт дарди, ўз ватани, халқи, миллати тақдирига лоқайдлик қилолмас, томошабин бўлиб туриш каби палид одатлар уларда ҳеч қачон бўлган эмас эди...

Ана энди шу ўринда бир муҳим нуқтага эътибор

берайлик - бу гапларнинг ўтганига-ку, 70 - 80 йил бўлибди. Бугун уни эслаш нега керак бўлиб қолди? Кечагина Москвада Россия компартияси тарафдорларининг анжумани бўлиб, унда партия бошлиғи Зюганов “биз ҳаётда ленинча турмуш тарзини тиклаймиз, бутун россияни иш ташлашга чақирамиз, 1- ва 9-май биз учун энг қулай кунлар, энди ҳокимиятини зўрлик билан оламиз” қабилда тап тортмай собиқ боскинчилик, шовинистик давлат тузумини тиклашга бор кучи билан уринаётган бир вазиятда Чўлпоннинг кизил империя кирдикорларини 20-йиллардаёқ астар-аврасини очиб ташлагани, унинг халқимиз бошига биринчи қадамлариданок не кунларни солганини таъкидлаб ўтиш муҳим эмасми? Сиртдан қараганда мустақиллигимиз гўё бизга силлиққина - тинч турмуш яратиб берган, бозорлар очик, хусусий дўконлар, хўжаликлар, олди-сотди ишлари юришиб турибди, минглаб фуқароларимиз ҳайит, рўза, намоз, ҳаж сафарлари билан машғул ва ҳоказо... Аммо бу мустақилликни кўролмайдиган, бахил текинхўр, бизларнинг ҳисобимиздан юз йиллаб яйраб-яшнаб “танларимизда қорни тўк бўрилар”дай эркин юрганлар, эски даврини ҳар кун, ҳар нафасда қўмсаб ётганини ҳаммамиз ҳам идрок этамизми? Улар солган кулфатларни буюк аждодларимизнинг маънавий, маърифий мерослари заминида ҳаммага, айниқса, ёшларга тўғри тушунтириш, билдириш, англатиш зарур эмасми?! Ёшларда мустақиллигимиз учун кураш, уни мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама қўмаклашиш ҳиссиётни шулар заминида изоҳлаб бериш худди кино ленталари воситасида воқеликни англатишдек бир ҳол бўлса ажаб эмас...

Бирор ёзувчи, олим ёки давлат арбобини хотирлаш баҳонасида ўтказиладиган талбирлар, йиғинлар - шунчаки, расмий бир ахборот учун эмас, балки ундан бугунги кунимиз муаммоларини ҳал этиш воситаси сифатида, ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олиш мақсадларини олдимизга қўямиз ва шу нуқтада маънавий меросларимизнинг бугунги аҳамияти ҳам ўз-ўзидан равшан намоён бўлади. Агар шундай мақсад бўлмаса, ўтмишга мурожаатнинг аҳамияти ҳам бўлмайди. Вазирлар маҳкамасининг Ўзбекистон тарихини янгидан яратиш ҳақидаги қароридан кейин бу соҳада

қизгин иш бошланиб кетгани ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Ахир XIX асрнинг ўрталарида юртимизга бостириб келган чор Россияси босқинчилари нақадар кўп кон тўққанлари хақида энди очик айтилаётганини ҳозир бутун дунё билиб турибди. Аҳвол шую то 1991 йилгача босқинчиларни бизга маърифат, маданият олиб келганлар тарзида изоҳлаб келинди. Кейин эса, шўролар чор босқинчиларини қоралаб, бизга хўб қурук ваъдалар бериб баттарок босқинчилик қилди. Ана энди, худди шу ерда яна бир нозик нуқтага дуч келамиз: Чўлпон ва унинг ҳамфикр сафдошларининг дунёқарашларидаги зиддиятлар масаласи. Буюк аждодларимиз Чўлпон, А.Қодирий, Фитрат ва бошқалар тарихни ғоят чуқур билган. Дунё воқеаларидан хабардор бу сиймолар - бобомиз Амир Темурдан кейинги тожтахт талашлар, ўта қалтис зиддиятлар туфайли буюк Турон давлати емирилиб, Марказий Осиёда майда хонликлар пайдо бўлиши. улар ўртасидаги келишмовчиликлар. гуруҳбозликлар оқибатида тараққиётнинг орқага кетиши, ички урушлар, мол-дунё, амал талашлар, ниҳоят бутун хонликлардаги биқиклик эл-юртни вайрон қилгани, халқимиз бошига ғоят даҳшатли қулфатлар келтирганини яхши англаб эдилар. Шўролар эса айни шу ҳолларни эслатиб туриб, мустақиллик, сўз ва матбуот эркинлиги, ерсизга ер, ишсизга иш бериш каби энг ёқимли шиорларни ўртага ташлади, пуч ёнғоққа қўйинини тўлдириб ҳаммани алллади. Биргина бизда эмас, бутун Россияда, ҳатто жаҳоннинг турли бурчакларидаги афкор оммани ҳам чалғитди, эргаштирди, ниҳоят ҳокимиятга келди ҳам. Худди шу кундан бошлаб унинг қонхўрлиги, босқинчилиги, ёлғончилиги кун сайин, соат сайин очила борди. Ўша очилгунча ташлаган шиорлари, ваъдалари, чор босқинчилигидаги шовинистликларни қоралаши - қўплаб зиёлиларимизни ишонтирди. Уларнинг гўё кўнгилларида қайнаб ётган дардларига даво топилгандай бўлди. Шу йўсин, улар (Чўлпон. Фитрат, А.Қодирий ва бошқалар) дастлаб шўрога катта умид боғладилар. Орзуларини рўёбга чиқарувчи ҳокимият деб билдилар. Унинг шиорларини қўллаб-қувватлаб асарлар ёздилар...

Аммо кўп ўтмай “сўз эркинлиги”га ишониб бўлса керак, воқеаларга танқидий муносабат билдира бошлайдилар.

Баъзан ошкора норозилик, хатто исён руҳидаги асарлар ёзиб юборадилар... Энди бу ҳолатларнинг ҳаммаси асли ўшалар яшаган давр ойномасининг ўзгинаси-ку! Худди шу руҳ уларнинг асарларига реалистик сифат бермайдими?! Агар улар бир вақт шўроларни мактаган, ёқлаган, кейин қоралаган бўлса, орадан етмиш-саксон йил ўтгач, уларни жавобгар қилиш керакми? Ахир раҳматликлар, тирик-лигида амал, мансаб, унвон, мукофот, машина, дача эмас лоақал бир оғиз ширин сўз эшитолмасдан, бошларини гаровга қўйиб ишлай-ишлай, эл-юрт дарди билан қуйиб-ёниб оламдан ўтган, йўқ, ўтган эмас - қатл этилган бўлса-да, биз ҳозир уларнинг ёқасидан тутиб, “ха етмиш йил муқаддам шўрога хизмат қилиб бундай деган эдингиз, энди қалайсиз? Қўлга тушдингиз-ку?!” деб ёқасидан олсак, тўғри бўладими? Инсофдан бўладими? Агар шу йўлдан борилса, айтиш мумкин бўлган гапларга илонлар пўст ташлайди-ку! Йўқ, маънавий меросга бу хилда муносабатда бўлиш мумкин эмас. Ҳар бир ижодий меросга баҳо беришда аввало яхши ният билан ёндашиш ғоят муҳим. Бундан ташқари, яна баҳолаш-ўлчашда битта илмий-назарий ва энг тўғри восита бор, у ҳам бўлса - виждон тарозуси. Пичокни ўзингга ур, оғримаса бировга... Ахир аждодларимиздан қолган маънавий хазина - биз учун ҳамиша муқаддас бир тараққиёт заминидир. Унга ҳурмат билан қараш, улардан бугунги кунимизда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш ҳақиқий зиёли учун энг муҳим ҳаёт тарзи бўлиб қолаверади...

Биз юкорида Чўлпон шеъриятида ифодаланган фожиалар моҳиятига чуқур кириш - айниқса, ёшларга уни тўғри тушунтира билиш ғоят муҳимлигини таъкидлаганда бир нуқтани алоҳида кўзда тутган эдик. Чўлпон, Қодирий, Бехбудий, Фитратлар ҳаётини, ижодини ўқитиш дастурларга киритилгани учун ҳам бу мулоҳазаларга алоҳида урғу бераётирмиз. Ёшларга уларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида тўғри билим бериш нақадар муҳимлиги маълум, бу борада чалғитиб қўйиш эса, уларга маълумот беришдан кўра маълумотсизлик хиссиётини шакллантириб қўйиши мумкин... Дунёқарашлардаги зиддиятлар - айни ўшалар яшаган давр воқеаларининг ҳаққоний акс эттирилиши тарзида

шархланса, тўғри бўларди. Негаки, Чўлпоннинг 20-йиллардаги воқеаларга берган узил-кесил баҳосини аниқ ифода этган мана бу сатрларни - шоир ижодиётининг барча кирраларига хос хусусият деса бўлади:

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,  
Шаркнинг кўкрагида бир жой топмасми?  
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар  
Ухлаган дилларга силжиб окмасми?  
Айталар бу тунда ёруғ шам ёнмас,  
Чакмаса гугуртни асл ўғлонлар!..

\*\*\*

20-йиллар ўзбек адабиёти ёки умуман XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим бир нуқтага алоҳида аҳамият беришни илмий тадқиқот такозо этади - ўша давр халқимиз ҳаётида нақадар зиддиятли ва мураккаб бўлса ҳаммаси ўзбек адабиётида ўз аксини топади. Зеро адабиёт у, қайси даврда яратилмасин, қайси мавзуда бўлмасин унинг яратувчилари яшаб ижод этган давр воқеаларининг йилномаси бўлиб қолади... Демокчимизки, ёзувчи ўз асарига ўтмишиданми, замонасиданми - истаган мавзусини танлаб олади, бироқ уни бадиий ифодалашда айна ўзи яшаб турган замоннинг энг муҳим муаммоларига мурожаат қилади, ўша давр талабларига жавоб беришга интилади... Бироқ мавзуларни ёритишда эса, биров юқоридан берилаётган буйруқларга тўла риоя қилади - бундайлар жамият тақдири, халқи истиқболи ҳақида ўйлашдан кўра юқорининг кунглини топишга, кўр-кўрона ялтоқликка уринади; бошқа бир тоифадаги ёзувчилар эса, энг муракаб вазиятларда ҳам халқи тақдири, келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилади, жамиятни чиндан ҳам ривожланиши учун нималар зарурлигига эътибор беради, айна шу йўналишда халқнинг дилидаги ўй-фикрларни, орзу-хавасларни, дард-аламларни худди ўзиники деб ифода этади... Бундай ижодкорлар тақдири чор мустамлакачилиги йилларида ҳам, айниқса қизил империя даврида муттасил таҳлика остида қолади...

XX аср бошларида шаклланиб, 10-йилларда авжга чиққан жадидчилик - бутун борлиғи билан миллий муста-

килик учун кураш йўлида фаолият кўрсатгани тарихдан маълум, бу ҳақда кейинги бир қатор ишлар эълон қилинди, шунинг учун биз мазкур мавзу доирасидагина шу кичик бир изох билан чекланамиз-да, асосий мавзуни давом эттирамиз. Гап шундаки, тараққийпарварнинг истиқлол учун кураш ғоялари XX аср бошларидан деярли барча ўзбек ёзувчиларининг энг илғор намояндаларини ўзига жалб этган, бу ҳаракат Россиянинг туркий халқлар, мусулмонлар яшайдиган ўлкаларидан тортиб, Кавказorti, Туркия, Эрон, Араб мамлакатларидаги янгилик тарафдорлари, тараққийпарвар сиймолар қисмини уйғотди, Қримда - Исмоил-бек Гаспирали, Бошқирдистонда Аҳмад Закий Валидий, татарларда Маржоний, Абдулла Тўқай, Туркистонда - Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Тавалло, Сўфизодалар - XX асрнинг 10-йилларидаёқ мазкур ғояни ифодаловчи асарларини яратган эдилар...

Энди бу йўналишда ижод қилган Чўлпон фаолиятига келсак, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жадидчилик моҳиятидаги миллий озодлик, миллий мустақиллик ғояларини бадиий ифодалашда 20-йиллар ўзбек шеърлятида Чўлпонга тенг келадиган иккинчи бир шиорни топиш ёки тилга олиш жуда қийин... Тўғри, бошқа шоир ва ёзувчиларда ҳам бу ғоя кучли ифодаланганлари бор - аммо бу жиҳатдан, Чўлпон шеърлари ўша даврда ҳам ҳозир ҳам худди оловдек ёниб, қалбиларимизга ҳарорат баҳшида этаётгандай, йўларимизга нур сочиб тургандай товланади, мафтун этади, айнаи шу фазилатлари билан чўлпон сиймоси биз билан бир сафда туриб истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларимизда иштирок этаётгандай... Буюк аждодларимиздан қолган маънавий мерос, улар рухипокларининг битмас хазиналиги, абадийлиги, ўз миллий қобиғидан чиқиб умуминсоний мавқега эга бўлиб кетганлиги боиси ҳам шу бўлса керак...

Биз Чўлпон ижодига истиқлол жарчиси нуктаи назаридангина қарашга интиламиз ва шу ҳақда қисқача тўхтаб ўтамиз; негаки, Чўлпон ижоди ғоят кенг кўламли мавзу бўлиб, уни турлича масалалар, муаммолар қўйиб ўрганиш мумкин ва керак, бу жуда бой бир маънавий хазина... Унинг таҳлилига китобнинг маълум қисмида эмас, балки бир неча



катта-катта китоблар ёзилса арзийди....

Туркистонда чор Россиясидан кейин кизил империя босқинчилиги айни авжга чиққан... юртимизда қон тўкилишию очарчилик, кашшоқлик, халқлар, миллатлар турли табақаларга бўлиб ташланган - оқ, кизил, бой - камбағал, кулок батрак, савдогар, хуллас, бир миллат, бир халқ минг турга ажратилиб, ҳаммасини бир-бирига қарши гиж-гижлатиш - кизил империя ҳокимиятини ўрнатишнинг туб сиёсати бўлган давр... Айни шу эндигина ўрнатилиб, коммунизм деган бир таги пуч “жаннат” ҳақидаги сафсаталар собиқ СССРдаги содда инсонларни қалғитаётган бир вазиятда, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийдек даҳоларимиз - Туркистон халқларининг чор Россиясидан кейин иккинчи марта қулликка тушаётганини пайкаган эдилар... Шу ўринда бир нуқтага алоҳида эътибор даркор, номлари тилга олинган буюқларимиз совет ҳокимиятига душман эдиларми? - деган савол туғилади. Асло, улар хонлик даври, чор Россияси босқинчилигидан кейин халқимизга “дунё-дунё”, “ширин”, “устига шакар-асал суркалган” ваъдалар бериб ҳокимиятга келаётганларида уларга катта умидлар боғлаган эдилар... Аммо, минг афсуски, улар алданган эдилар, кейинроқ билиб олишди, ҳаётга энди бутун борлиғи билан тўғри қараш - уларни кизил империянинг сирларини очувчига айлантириб қўйган эмас.... Бу душманлик эмас, асарларда ҳаётни ҳаққоний ифода этиш деб аталади... Ҳаққонийлик эса, компартия учун энг даҳшатли жиноят ҳисобланарди... Зеро кизил империя бутун фаолияти давомида ҳамма соҳани сохталаштириш, бузиб кўрсатиш, ўз мафқурасига мослаб кўрсатишни одат қилиб олган, бу кизил империянинг мафқуравий сиёсатини ташкил этарди...

Чўлпон биз юкорида кўриб ўтган сатрларда шоир қалбидаги энг олий ният босқинчига қул бўлмаслик, уни қувлаб чиқариш, шу билан миллий мустақилликка эришиш мумкин, деган ғояни тарғиб қилади. Чўлпонда бундай зиддиятларни ифода этувчи минглаб сатрлар бор. Шейр 1921 йилда ёзилганлиги бежиз эмас. Қизил империя ўрнатаётган қонхўрлик олдида чор Россияси ҳам ип эшолмай қолди.

Ўзбек адабиётида Чўлпон ижодидек зиддиятли шоирни топиш қийин, зеро бирор шоир ижодига Чўлпончалик

зиддиятли қаровчиларни ҳам учратиш маҳол бўлса керак. XX асрнинг 10-йилларида адабиётга кириб келган шоир ижоди ҳақида 20-йилларданок бошланиб кетган турлитуман қарашлар ҳамон тўхтаган эмас. Нега? Чўлпон асарлари ҳаётни айни ўзидек, уни бузмай - ёрмай акс эттирган. Ҳаёт эса, бир нафас зиддиятсиз бўлган эмас, бўлмайти ҳам. 20-30-ҳатто 50-йиллардаги чўлпоншуносларнинг шоирга фақат душман сифатида қараганлари ҳақида камина кўп марта ёзган... Уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Аммо ва яна аммо, кишини ҳайратга соладиган нарса шулки, буюк истиклол Чўлпон ижодини бутунлай бизга қайтариб бергандан кейин, бирдан “бош кўтариб” чиққан “чўлпоншунослар” орасида илгари очикдан-очик қарши курашиб, Чўлпон ижодини то кейинги кунларгача инкор этиб турганлар бор. Чўлпон ҳақида эркин фикрлаш бўлиши-ю, у буюк зот руҳини шод этиб, асарларининг бирин-кетин босиб чиқарилиши - энди Чўлпонга қарши курашиш йўқлигини кўрсатди, ботир кўпайди. Биз уларни санаб ўтирмаймиз, адабий жамоатчилик номларини ҳам тўла-тўқис кузатиб бораётгани маълум. Чўлпон шеърлари орасида “Кишан” “Куз” “Амалнинг ўлими” “Бузилган ўлкага” “Виждон эрки”, “Маҳмудхўжа Бехбудий хотираси” каби 20 21 йилларда ёзилган талай шеърларида октябрь тўнтаришидан кейин ўтган уч-тўрт йил ичида қизил империя Туркистон халқлари бошига солган фожиалар, аламизтироблар ўз ҳаққоний ифодасини топади... Туркистон - қадимий Шаркнинг буюк маданий маркази сифатида бутун дунёга донг таратган бир ўлка - эндиликда қуллик, қарамлик гирдобида фарёд чекаётган хароба тарзида шоир қалбини ўртайди. Ғолиб Ғарб (бу қизил империя ва бошқа жаҳонгир ўлкалар) босқинчилиги халқимиз бошига нелар келтиргани Чўлпон шеърларидан бирида шундай тасвирланган:

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?

Шаркнинг оналари, жувонларими?

Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?

Қуллар ўлкасининг инсонларими?

Ўйлаб қарайлик, чор Россияси-ку Туркистонни хом ашё, асосан, пахта етказиб берувчи заминга айлантирди.

Аммо у катта ер эгаларидан ер-сувни тортиб олгани йўқ, дўкон-дор, савдогарларни ғорат қилгани йўқ. Қизил империя эса бугун дунёни жаннатга айлантиришга ваъда қилиб ер-сувни, дўкон дастгоҳларни, бор мол-мулкимизни тортиб олди, эгаларини қамади, отди, сургун қилди... Бутун эл-юртни қонга ботириб, эвазига ўша тағи-туғи йўқ “порлок кела-жак”ни ваъда қилаверади... ва хоказо.

Чўлпон шеърларида ана шу дахшатлар ўз аксини топиши билан, туб негизида миллий истиклол ғоялари барқ уриб туриши билан бугун ўз кимматини янада юқорирак кўтармоқда... Зеро, эркинлик, озодлик, миллий мустақиллик ғоялари Чўлпон шеърлятида ҳам, насрий асарларида ҳам алақачон ўз миллий қобигидан чиқиб, умуминсоний кадриятларга айланиб кетганлиги билан унга умрбоқийлик бағишлайди...

Чўлпон шеърляти ҳақида гап кетганда фақат унда ғам-аламгина акс этган деб қараш ҳам тўғри бўлмайди. Чўлпон шоир сифатда ҳаётдаги бор ғам-ғуссалар билан бирга ҳаёт қувончларини ҳам ғоят тўлиб-тошиб қуйлайди... кўклам, баҳор фасллари тасвирида, ўлкамиздаги ширин-шакар мевалар, обод боғ-роғлар тасвирида шоир ҳаётий завқ-шавқларни, яъни яшаш учун накадар чанқоклигини жуда гўзал мисраларда бера олади...

Сочилган сочингдек сочилса сиринг,

Анор юзларингни кимга тутасан?

Ўзин-ку уларда вафо йўқ, дединг.

Нимага уларни тагин кутасан?

Чўлпон ўз ижодий фаолятида кўплаб насрий асарлар очерклар, хикоялар, пьесалар, роман ҳам ёзгани маълум. Уларнинг ҳаммасига хос бир хусусият шулки, Чўлпон одатда ҳамиша ҳаётда эзилганлар, йўқсуллар, адолатсизликдан жафо чекканлар томонида бўлади. Уларнинг бошларига кулфат солаётганларни ҳам. Бу кулфатлардан вайрон бўлаётганларни ҳам ҳаққоний кўрсатишга интилади... Жумладан, “Йўл хотиралари” туркумидаги очерк ва хикоялари, “Ёркиной” драмаси, “Кеча ва кундуз” романида биз бу ҳолларнинг жуда ёркин бадий ифаодасини кўрамыз. “Ёркиной”даги бош қаҳрамон Ёркинда ўз севгилисининг озодлик курашларига жўр бўлиб, адолат учун бош кўтарган

жасур ўзбек кизи образи кўз ўнгимизда намоён бўлади. Халк эртаклари, қаҳрамонлик дostonлари сюжети заминида яратилган бу асар 20-йиллардан кейин эндигина яна тирилиб Ҳамза театрида сахна юзини кўрди бу истиклолимиз берган маънавиятимиздан бир намуна эди... адолат, адолатсизлик, қарамлик ва мустақиллик каби умуминсоний иборалар ҳақида гап кетганда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги воқеалар тасвири бугунги кунларда янада баландроқ жаранглайди... Чор Россияси босқинчилиги гирдобиди ғарқ бўлган софдил, гўзал киз Зеби ва унинг бутун оила аъзолари қисмати қарамлик ўзбеклар бошига не-не балоларни келтиргани ҳақида бизга ҳамон аниқ тасаввур бериб туради... Бугина эмас. Чўлпон ва унинг сафдош ва ҳамфикрлари чор Россиясидан олдинги Туркистонда ҳукм сурган хонликлар даври ҳам эл-юртни жаҳон тараккиётидан нақалар орқага суриб юборганидан фарёд чекардилар... Совет ҳукумати ўша разолатларни йўқотишга ваъда берганда дастлаб ишонди, чалғитди, ниҳоят касални яширган билан тезда иситмаси ошқор қилди... Зеби ва унинг ота-оналари буюк бобомиз Амир Темурдан кейинги майда хонликлар даврида орқада қолиб кетган гумроҳлардан бир намуна эди. Устиларига бостириб келган чор Россияси нима қилаётганини ҳам, яна нималар қилиши мумкинлигини ҳам кўз олдиларига келтиролмайдилар, оғизлари очиқ, кўзлари юмук эди... Биз романда ўзлигини англай олмаган инсонларнинг энг аянчли аҳволини кўрамиз. “Кеча ва кундуз” романи шу фазилатлари билан, айниқса, қимматлидир... Кўриниб турибдики, мавзу жуда катта ва кенг, бир ишда уни тўла ёритиб бўлмайди, шунинг учун ҳозирча айтилганлар билан чекланиб турамиз.

Чўлпон маънавий олами - миллий маданиятни жаҳондаги энг тараккий этган мамлакатлар, халклар даражасига кўтаришни - олий мақсад, деб билишдан иборат эди. Бу олий мақсадга эришмоқчун у, эркинлик, миллий озодлик, мустақилликни қўлга олиш шарт, деб биларди, ниҳоят бутун ҳаёти-ю, фаолиятини ана шу олий ва шарафли ниётларни ўта хатарли бир тарихий вазиятларда жасорат билан,

сира иккаланмай, изчил давом эттирди. Зеро, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар миллий мустақиллик учун курашган даврларда, чор Россияси, ундан кейин ўз мустамлакачилик сиёсатини хунрезлик билан ўрнатган кизил империя ҳар куни эмас, ҳар нафасда уларга камок, сургун, отиб ташлашни пеш қилиб, таҳдид солиб турарди.

Шу кунларда гарчи жаҳон миқёсида истиклолимизга тан бериб, биз билан ҳар жиҳатдан ҳамкорлик қиладиган энг обрў-эътиборли давлат арбоблари, ўз тараққиёти билан рақибларини мафтун этаётган буюк мамлакатларнинг етакчи сиймолари тобора кўпайиб бораётган кезларда шаънимизга таъналар ёғдираётганини кўриб турамыз, эшитамиз, ўқиймиз.

Бундай муҳолифларга қарши турмоқ - истиклолимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш, бу курашга бутун халқимизни тайёрлашда - Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий каби буюк аждодларимиз маънавий меросидан ижодий фойдаланишимиз керак бўлади. Зеро, улар бизга рухий мадад беради, ибрат бўлади. Инчунин ҳаёт - тараққиёт учун, эркин-озод яшаш учун интилиш ва курашдан иборатлиги билан мураккабдир. Кўпинча бизда “фалончи жуда мураккаб даврда яшади” деган иборани ишлатишга ўрганиб қолишган. Аслида бирор замонда, энг қадимдан ҳозиргача мураккаб бўлмаган давр ҳам, ҳаёт ҳам бўлганми?

Аммо энг даҳшатли ва фожиали ҳаёт қарамлик, бир мамлакат ва халқнинг бошқа бир халқ ҳамда мамлакат мустамлакаси остида бўлишидир. Дунёда бундан ортиқ ва оғир фожа бўлмаса керак. Бу ғоялар Чўлпон ҳаёти, шеърояти, насрий асарларининг ҳаммасида унинг бутун маънавий дунёсида сар асос бўлиб ётади.

Истиклолимизнинг буюк шарофати ато этган миллий кадриятларимизни имконияти - кўп буюқларимиз қаторида Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўқитиш дастурларига киритилди. Уни ўқиш-ўрганишда шоир ва адиб, адабиётшунос олим сифатида Чўлпон яратган маънавий мерос ҳақида гап кетганда, унинг биз таъкидлаб ўтаётган туб заминига эътибор берилса, айни муддао бўлуради эди.

Чўлпон шеъроятидаги нафисий завқ, ўта нозик гўзаллик руҳи, ҳаётнинг лаззатию фожиларигача тўла акс этиши

озмунча шоирни, шеърятга ихлоси бор оддий ўқувчиларни эргаштирдими?! Чўлпон ва унинг сафдошлари, ҳамфикрлари ижодиётидаги яна бир муҳим нукта - халқимиз ўтмишида буюк даҳоларимиз яратиб кетган миллий маънавиятимизга катта ҳурмат билан қарашдан иборат эди.

Шу ўринда бир андишага эҳтиёж бор. Ўзбек совет адабиёти даврида етишган шоир ва ёзувчиларимиз орасида асарларидаги талкин бошқа, ўзлари, яъни одам, шахс сифатидаги қиёфалари бошқалари анчагина бўлди, улар ҳозир ҳам бор... Буларнинг айримлари ҳақида ахборот воситаларида аниқ ҳужжатлар, номлари билан ёзилган, кузатиб юрганлар билишади. Чўлпон, А.Қодирий, Фитратлар маънавий олами уларнинг инсоний хислатлари билан бир жон, бир тан эди, бошларига қилич келганда ҳам на ватанга, на халқига хиёнат қилганлари йўқ!

Чўлпон бутун дунё ташвишлари билан яшади. Ўз ватани, халқи тақдирини ўйлади. Бу борадаги дарди-хасратини бузмай-нетмай шеърга солди. Ҳаёт билан муттасил баҳслашади, юкоридан ёмғирдай ёғаётган буйруқларга, таъна тошларига бўйин эгмади. У қулликни, қарамликни тан олмади. Айникса, иродасизликка, мунофиқликка қарши муттасил ўт очди. 1922 йилда ёзган “Виждон эрки” сарлавҳали шеърисида рўй бериб турган жабр-зулм шундай ифодасини топади:

Зулм олдида ҳар бир нарса,  
Эҳтимолки бўйин эгар.  
Агар зулм авжга келса,  
Қўқ боши-да ерга тегар.  
Ҳайвонларга, инсонларга,  
Золим эга бўлмай қолмас,  
Факат эркин виждонларга  
Эга бўлмоқ мумкин эмас.

Эътибор қилинг, мамлакатда фуқаролар уруши, Шўро ҳукумати ўз мустамлакачилик сиёсатини ўрнатиш учун ҳамма нарсани қурбон қилаётган бир давр, миллий озодлик ҳаркاتларини “босмачилик” номи билан атаб, аслида чор Россиясидан ҳам баттар босқинчилик қилиб турган пайтда Чўлпон мазкур сиёсатнинг босқинчилик, зўравонлик, ҳаммани бўйсундиришдан иборатлигини пайқаган ва очиб

ташлаган эди. Қизил империянинг бостириб келишини Чўлпон Туркстонни кишанлашдан бошқа нарса эмас, деб изоҳлайди:

Кишан, гавдамдаги излар, бу кун ҳам битгани йўқдир,  
Темир бармоқларининг доғи, буткул кетгани йўқдир!..  
Башар тарихининг ҳар саҳифасида қонли доғинг бор!  
Ютилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни аҳр айлар,  
Фақат бир борлигингдирким, бутун борликни захр  
айлар!

Кулф бирлан сенинг эркингда қўп йиллар қолиб  
кетдим...

Фақат ҳар тебранишдан қутилишликни умид этдим.  
Кишан, гавдадаги доғинг хануз ҳам битгани йўқдир.  
Фақат буткул қутилмоққа умидим энди ортиқдир!..

Мазкур шеър Чўлпон қалбида муттасил алангланаиб ётган истиклол орзулари туғенидан отилиб чиққан фарёд эди. Шундан ҳам маълумки, агар Чўлпон ҳозир тирик бўлганда, бугунги кундаги истиклолимизни кўрганда, қандай шеърлар ёзар эди! Зотан, у умр бўйи миллий мустақиллик, эркинлик, деб яшади, бунинг учун курашга бутун борлигини бағишлади. Эзилди, куйди, ёнди, рўшнолик кўрмади, дард-аламлари ичида кетди!

Чўлпоннинг деярли ҳар бир шеърида, албатта, бир жиддий дард бўлади! Бундай хислат, аслида пок қалб, юксак мақсад, мустаҳкам имон, эътиқод билан яшаб, жамият бахт-саодатини муттасил ўйлайдиган жўшқин ҳиссиётли ижодкоргагина хос фазилатдир.

Шу ўринда Чўлпон дунёқарашидаги зиддиятларнинг баъзи жиҳатлари ҳақида икки оғиз сўз айтшга эҳтиёж бор. Кейинги пайтлардаги баъзи чиқишларда, Чўлпон октябрь инқилобини қабул қилмади, қабилда фикрлар айтиладиган бўлиб қолди. Фитрат билан А.Қодирийга ҳам шу мулоҳаза билдирилди. Бу жуда нисбий фикрлигини унутмаслик керак. Зеро, ҳар қандай ҳокимият ўз душманини қамайди, сургун қилади, отиб ташлайди.

Ҳамма гап шундаки, чор россияси мустамлакачилиги, унгача Туркистонда ҳукм сурган уч хонлик даврида авж олган хурофот, колоқлик, биқиқлик, Чўлпон, Фитрат,

Қодирийларни ёндириб юборган.

Чўлпон ижодига баҳо беришда унинг шахс сифатидаги фазилатлари билан шоир, адиб, ёзувчи сифатидаги хислатлари ўртасидаги уйғунликни, умумийликни пайқаш, ҳамиша уни кўзда тутиш адабиётшуносликнинг энг муҳим нуқтаси бўлиб қолаверади.

Зеро, ҳали асрлар оша уларнинг бизга қолдирган битмас-тутганмас маънавиятлари авлодларга етади, эскирмай, даврлар ўтган сари кадр-кимматлари ошиб боради. Биз бунга имон-виждонимиз билан ишонамиз, рухларига ҳамиша таъзим қиламиз!

\*\*\*

Чўлпон ўзбек савет адабиётининг тамал тошини қўйган талантли шоир, драматург, адиб ва адабиётшунослардан биридир. У гарчи адабиётнинг деярли барча жанрларида ижод қилган бўлса-да, фаолиятида шеърят етакчи ўринни эгаллайди. Ижодининг дастлабки йиллардаёқ Чўлпон шеърлари қизиқиб ўқилган, айниқса ўзбек зиёлилари орасида кенг тарқалган эди. Шоир ижоди ҳақида ўша йилларда бошланган баҳс-мунозаралар ҳали давом этиб келмоқда. Ўқувчида фикр уйғотиш, баҳс кўзғатиш ижодкор учун катта муваффақият бўлса керак. Агар ижод ҳаммаёғи тарашлангандай сип-силлик бўлиб, не янги фикр, на баҳс кўзго-толмаса - оламдан қўзи юмуқлигича ўтади.

Бизнинг 20-, 30-йилларда ҳўб ижод қилиб, шахсга сиғиниш даврининг қурбонлари бўлган А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту сингари машҳур сиймоларимиз ХХ давр ўзбек адабиётининг пойдеворини яратишга катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг энг яхши асарлари ҳамон бадий тараккиётимиз негизи сифатида хизмат қилиб, янгидан-янги фикрлар уйғотиши билан қимматлидир. Шу фазилатлари билан улар баъзи тириклардан кўра тирикқодирлар. Чўлпон шеърлятида реализмнинг кучи ҳам назаримда, мураккаблиги, серфикр ва серқирралигидадир. Демокчимизки, давр ҳаётининг ўзи қандай мураккаб ва зиддиятли бўлса, унинг шеърлятида ҳам шундай мураккаб ва зиддиятли акс этган эди.

Чўлпон шеърлятининг темактик доираси кенг, унинг



поэтик доираси кенг, унинг поэтик маҳорати 20-йиллардаги ҳаётий муаммолар билан маҳкам боғланган, тили ширали, равон, ўзбек адабиётида реалистик шеъррий ифода воситаларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Чўлпон шеърятининг тематик доираси кенг ва бир кичик ишда унинг етакчи нуктасини тўла белгилаб бериш ҳам қийин. Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” (“Юлдузча” нашриёти 1988 йил) шеърлар тўпламига филология фанлари номзоди Иброҳим Ҳаққулов ёзган “Қалб ёлкини Сўнмас ёлқин” сарлавҳали ихчам ва илик сўз бошида шоирнинг айрим ўзига хос томонлари ҳақида ҳалол ва анча билимдонлик билан фикр юритилади. Китобхонга яхшигина тасаввур берилади. Мактовда ҳам, танқидда ҳам ғараз бўлмаса, ният яхши бўлса софдил кишига ҳеч қачон малол келмайди.

Чўлпон асли “ўзимизнинг” шоир. “Китобни синчиклаб ўқиб чиққан болалар ҳам, катталар ҳам бунга амин бўладилар” ўқишда ҳам ўқиш бор. Яхши ният билан ўқилгандагина тўғри хулосага келинади.

Тўғри. Чўлпоннинг ижодий фаолиятида мураккабликлар, зиддиятлар бор, бундан ҳали ҳеч ким кўз юмган эмас. И.Ҳаққулов ҳам буни аниқ таъкидлайди. Аммо Чўлпон ватанпарвар шоир сифатида эътиқодига умрининг охиригача содиқ қолди. Бундан кўз юмиш факат, “Чўлпонни эмас, адабиётни, қолаверса, ўзимизни камситиш, маданий тарихимизни унутиш бўлур эди. Тўғри, Чўлпон “дунё ҳасратлари билан учраша-учраша, баҳслаша-баҳислаша” яшаган шоир. Бу ҳислат аслида пок қалб, юксак мақсад, мустаҳкам эътиқод билан яшаб, жамият бахт-саодатини муттасил ўйлайдиган жўшқин характерли ижодкоргагина хос хусусият бўлади.

И.Ҳаққулов Чўлпон ижодиётининг дастлабки даврларидаги зиддиятлар замини инқилобдагн кейинги янги ҳаёт учун кураш йўларида олиб борилаётган муаммолар билан боғлиқ бўлганлигини тўғри таъкидлайди, айти шу даврда рус совет адабиётининг атоқли намоёндалари ижодий фаолиятлари билан ўринли қиёслайди, Зотан, давр мураккабликлари шу йилларда ижод қилган барча санъаткорлар фаолиятига хос муштарак ходиса эди.

Чўлпоннинг инкилобдан олдинги ижодий фаолиятида жадид ёзувчиларнинг таъсири бўлганлиги масаласига келсак, бу алоҳида тадқиқотни талаб қиладиган йирик ва жиддий мавзу. Ҳозирча қисқа қилиб шуни айтиш мумкинки, жадидлар - янгилик тарафдорлари бўлган тараққиётпарвар зиёлилардан иборат бўлиб, хонлик ва мустамлакачилик Туркистондаги иллатларга - жаҳолат, колоқлик, маданиятсизлик, бикикликка қарши ўт очган кучлар эди.

Чўлпон шеърларида шоир ижодга хос қалб харорати, самимият, мавзу қўламининг кенглиги кўриниб туради. Чўлпон виждон эркинлигини ҳамма нарсадан юкори қўяр, уни даҳлсиз деб биларди. Шахсга сиғиниш даври пирнциплари эса айна шунга қарши ўт очган эди. Чўлпон шеърятининг тематик доирасига назар ташласангиз, ҳамма инсоний эрк улуғланишини кўрасиз. Зотан, унинг шеърларида фасллар, ер ва қўк, истиқбол, севги-муҳаббат, хотин-қизлар озодлиги, табиат манзаралари тасвирида ҳам эркинликнинг чуқур ҳаётий фалсафаларини ифодалайди, ўз мулоҳазаларини шўх, ўйноқи, гўзал нозик мисраларда маҳорат билан ифода эта биледи. Ҳаётнинг деярли барча кўринишлари тўйи, азаси, қувончи, қайғуси ҳамма-хаммаси шоирни қизиктиради, уларга муносабатини билдирмай туролмайди. Зеро, ҳаёт ҳеч қачон нуқул қувончдан иборат бўлмаганидай, Чўлпон ижодиятида ҳам худди шу нуқталарни аниқ кўрамиз. Чўлпон шеърятини реализмининг кучи ҳам шунда бўлса керак.

Шоирнинг ғамгин ҳолатларни ифодалаган шеърларини тўплаб, “Хўш, ўрток” деб ёқасидан тутганлар ҳаётни ҳаммаша гулдиролкишлар, қарнай-сурнайлар, юз офариннинг офариндан иборат қилиб кўрсатиб келдилар. Мустақиллик давригина бундай сийка дунёқарашларни ошқор фош қилди. Мана шу жараёнлар Чўлпон шеърятининг юксаклигини кўрсатиб туради. Чўлпонда ҳаёт қувончларини тўлиб-тошиб қуйлаган шеърлари жуда кўп. Уларни ўқиганда яшаш завқлари кўкларга кўтариладиган. “Бойчечак”, “Кўк-лам келадир”, “Кўк-ламдан хабар”, “Яна кўк-лам”, “Наврўз кунда”, “Баҳорда”, “Кўк-лам ёмғири” каби бир талай шеърларида биз йилнинг энг гўзал фаслида инсонлар яшаш завқига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ берилиб кетиши ҳис-

сиётларини туямиз. “Бойчечак” шериди шоир кўклам бошидаёк биринчи очилган табиатнинг илк тухфасини кўриш билан пайдо бўлган кўнгил қувончларини ифода этади.

“Бойчечакнинг боласи”

Хар уйда кулди,  
Гўдакларнинг халтаси  
Нон билан тўлди!..

“Табиат китобидан” шеърисида шоир табиатнинг энг улуғ инъоми бўлмиш Ер ҳам худди инсонлардай кўкламда яйраб-яшнаши хақида куйлайди.

Кўклам келиши билан Ер киш уйқусидан бош кўтаради, “Қалбидан кучли ҳовур” чиқариб жилваланаётган гўзал бир келинчак қиёфасига киради. У эндигина уйқудан туриб “кун тиғида сочларини тарайди”, “болалари - дарахтларни эмизиб”, кун сайин янги-янги гуллар, чечаклар ўстиради. Бундан сира чарчамайди, толмайди. Бу ҳаётбахш фаслда бутун борлик, дарахтлар, кўкатлар соғлом, тетик болалардай хар кун эмас, хар нафасда ўсади. Кенг кўкларга яйраб-яйраб қарайди” Янги ўсиб чиқаётган баргчалар худди она бағрида эркаланиб, тўйиб, мирикиб сут эмаётган болалар “сурури”нинг ўзигинаси. Буларнинг барчаси ҳаёт нашидасини суриш, турмушнинг ширин-лазатли “Томирини узмаслик” “Шу нашъани, шу рохатни бузмаслик” иштиёқи билан тўлиб тошган. Мазкур шеърининг кейинги қисмида эса кўкламдан кейинги мавсумлар - ёз жазирамасида “Ер хансираб” ётиши, куз изғиринларида дарахт баргларининг сарғайиб тўкилиши, киш, бўрон тасвирларини ўқиймиз. Кузнинг кириб келиши ҳам жуда гўзал образли тасвирланади “Булут - кампир элагини кўратиб, супрасини ёймок учун боради”

Бу шеър Чўлпоннинг 20-йиллардаги ижодий фаолиятининг зиддиятларидан тасаввур беради. Ундаги “Оғрик, мағлуб, тутқун Шарқ ибораларини 20, 30- ва 50-йиллардаги танқиддан душман ахтарганлар “Совет давридан норозилик, порлоқ келажакка ишонмаслик, умидсизлик” деб шарҳлайдилар. “Шарқни ёпган парда” каби булутларни инкилобдан кейинги ҳаётни булуту пардаги қиёслайди, бу душман, деб таърифладилар. Бўронларни “Ғолиб Ғарбнинг

конга тўлган кўзи”га ўхшатиш - миллатчилик, Ғарбга сиғиниш, яна Шаркни Ғарбга қарама-қарши қўйиш ва ҳоказо деб изоҳладилар. Бу гапларни хали ҳам кўтариб юрганлар бор. Ўзини “адабиётшунос” деб ҳисоблайдиган бир кимса ҳатто “мен Чўлпон билан Фитрат асарларини ўқимаганман, ўқимокчи ҳам эмасман. Аммо аниқ биламанки, улар миллатчи, динчи. Эрон, Покистон, Афғонистонда ислом дини шунча дахшат солиб турган бир даврда динни тарғиб қиладиган асарларни бостириб чиқаришга бутунлай қаршиман”, деб бараблла “баёнот” берди. Ана энди меросимизга муносабат билдирувчилар ораисда кимлар борлигини бир ўйлаб кўринг-чи! “Ўқиган эмас, ва ўқимок-чи ҳам эмас, лекин билар” эмиш. Мана адабий ҳаётимиздаги даҳашатлардан бири.

“Куз” шеъри ҳақидаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, мазкур шеър ёзилган 20-йилларнинг бошларидаги ҳар жихатдан оғир ва мураккаб воқеалар қалашиб ётган мамлакатимиз аҳолини ва уларнинг шоир қалбида реал акс этганини ўйлаб турибгина уни тўғри тушуниш мумкин. Чор Россиядан мерос бўлиб қолган вайроналиклар ҳақида нукул мадҳия ўқийвериш тўғри бўлмас эди. Чўлпон ўз ватанини чинакам севган шоир сифатила унда кечаётган қувонччи ҳам, ташвишли дамларни ҳам аниқ идрок этар, ҳар бирига муносабат билдирмай туrolмасди. У хайбаракаллачи шахс эмас эди-да. Кўнглини эзган воқеаларга ҳазин хиссиётларини баён қилиш билан бирга, қувонччи дамларни ғоят кўтаринки қайфиятларини санъаткорона ифода-далай оларди. Айтайлик, хаста бир шахс қайфиятини ифода-даловчи “Оғриганда” шеърида ўқиймиз:

Бўғик, қисик бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,  
У ўт орасида юртнинг ҳаёли жонланадир...

“Созим” шеърида бунинг аксини кўраимиз:

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганман,  
Улфат диёрига маскан қурганман.  
Юзимни ўт эмас, гулга бурганман,  
Самовий завқларга тўлиб турганман,  
Булбуллар севгини мақтаган дамда.

Ҳаётинг муаммолар билан бирга нафас олиш шоир ҳаётининг табиий яшаш тарзи, қонуниятига айланиб қолган

эди. Умр бўйи муаммолар ичида кезиб, қайнаб-тошиб, “Зерикмай, эринмай кетаверадир” У шоир учун бундан бошқача яшашни тасаввур этолмайди. Чўлпоннинг шоирона хаёллари шу қадар кучли, қудратли ва ўйноқиқи, гоҳо уни тўхтатиш қўлимиздан келмай қолади. Шу сабабли шеърлар қалб қўридан табиий равишда таралаётган ёғду сингари порлаб чиқади:

Хаёлим бир учиб кетиб қоладир,  
Мен ҳам тизгинини қўйиб бераман.  
Зотан қандок қилиб тутиб тураман!  
Энг нозик қилимга тегиб қоладир.

(“Мен шоирми!”)

Чўлпон шеърляти хақида 20-йиллардан то шу вақтгача озмунча тақриз ёзилгани йўқ. Аммо шоирнинг қайноқ қалбини, тўлкинларга тўла хиссиётларини ҳеч ким унинг ўзидек нозик идрок этолмаган бўлса керак. Шу жиҳатдан, атоқли шарқшунос олим Чўлпон билан кўп йиллар ҳамсуҳбат бўлган, худди Чўлпон сингари нозик дидли Лазиз Азиззоданинг “Чўлпон ким эди?” (“Ёшлик”, 1988 йил, 10-сон) сарлавҳали хотираномасини эхтиром билан таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Шоир кўнгилсиз ходислардан қаттиқ ранжийди, завқли чоғларга дуч келганда “Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир” “Ошиқдек ястаниб, ётиб оладир...” Шу вақт шоирда шу қадар ижод дарди жўш урадики, хиссиётларини ўзи истаганича ифодалай олмаётганидан қийналади. Мана бу ҳақиқий ҳаёт ишқи билан яшайдиган санъаткоргагина хос хусусиятдир.

Шоир хаёли:

Баъзан ховлиқтириб жинни юракни...  
Кўланка кабидир: ўтган еридан,  
Сўнгра қарасангиз бир нишон қолмас.  
Юрган ерларидан озиқ ҳам олмас.  
Шунда зерикаман унинг сайридан...  
Бир замон бир ширин жойга етганда,  
Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир...  
Шу чокда қийналиш бошланар менда  
Чунки хаёлимнинг қўзлари билан,  
Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман.

Лаззатга ғарқ бўлиб, ўлиб тураман.  
У холни борлиқнинг сўзлари билан -  
Англатиш кўлимдан келмай қоладир.

(“Мен шоирми!” 1928 йил)

Чўлпоннинг инкилобдан кейинги янги ҳаётга пасти-баланд муносабатлари ҳақида шу вақтгача анча-мунча фикрлар айтилган. Тўғри, у янги ҳаётнинг аччиқ-чучугини аралаш ҳис этган. 20-, 30-йилларда шоирнинг фақат ташвишли дамлар ҳақидаги шеърларигина бўрттириб кўрсатилади. Шоирнинг “Қизил байроқ”, “Ўн йил” (Октябрнинг ўн йиллигига бағишланган), “Бокуга, қурултойга кетганда”, “Халқ”, “Кураш”, “Кўзғолиш” ҳамда талай боқа шеърлари, совет адабиёти ва санъати тараққиётига оид қатор мақолалари, Чўлпоннинг очерклари Октябрь инкилобига хайрохоҳлиги ва унга катта умид боғлаганини равшан кўрсатиб туради.

Қизил байроқни меҳнаткаш халқ озодлик учун “буржуйлар”, “Кибор синфлар” зулумига қарши оғир курашларда “дарёдай оққан қонлари” эвазига баланд кўтарганлари, энди эса унинг шамолда ғолибона хилпираб туришини кўриш камбағалга зўр саодат бағишлаётган бахтли ҳаёт рамзи деб билади. Шоир энди золимлар зулумига бутунлай барҳам берилганига заррача шубҳа қилмайди. Янги замонни улўғлайди:

Кўпдан энди ўтиб кетди қораларнинг замони!

Қизил байроқ кип-қизил қон. У қон ишчилар қони...

Мазлумларнинг энг севгани ишчиларнинг азони...

Ай, ол байроқ, сен мазлумлар устларида селкилла...

Ишчилардан, аскарлардан, мазлумлардан саломлар.

Шоир “Қизил байроқ шеърини “Қаламимдан, қоғозимдан ҳам ўзимдан муҳаббат” деган самимий мисралар билан якунлайди. Шеър 1919 йилда инкилобдан кейинроқ ёзилганини ҳисобга олсак, Чўлпоннинг бу оламшумул воқеликка қандай қараганини тушуниш қийин эмас. “Кўзғолиш”, “Ўн йил” шеърларида мазкур фикр-мулоҳазалар янада ривожлантирилади. Бу йиллар инкилоб ғалабаларини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш учун қизгин кураш олиб берилган давр эди.

Инкилоб ғалабаси абадийдир деган ғоя шеърнинг

етақчи ғоявий мундарижасини ташкил этади.

Чўлпон шеърятининг энг қувноқ мисралари кўпинча йилнинг энг гўзал фасли кўклам баҳорга бағишлагани эътиборни тортади. Зотан Чўлпон ўта таъсирчан, нозиктаъб шоир сифатида баҳор фаслига, кўкаламзорга айниқса мафтун бўлганлиги яққол кўринади. Бу темадаги шеърлари жуда шўх, жуда завкли ва кўкаламзор сингари гўзал туйғулари йўғрилган ҳолда вужудга келади. “Бойчечак”, “Табиат китобидан”, “Кўклам келадир”, “Кўкламдан хабар”, “Яна кўклам”, “Баҳорни соғиндим”, “Наврўз куниди”, “Баҳорда”, “Кўклам ёмғири”, “Барг” каби қатор шеърларида шоир ҳаётни ишқмухаббат ва завқ билан тўлиб-тошиб қуйлайди. “Кўклам келадир” шеърида кўкламни худди тўй куни отланиб келаятган келинчак қиёфасида жонлантиради:

Кўклам ойим йўлга чиққан,  
кўклам ойим кўзгалган,  
Кўк қўйлакнинг битишига унча ҳам кўп қолмаган!  
Тиник хаво... Кўк юзида оппок, харир пардадек,  
Оқ булутлар. Унда-мунда ёйилганлар паришон.

“кўкламдан хабар” шеъри болаларга атаб ёзилган бўлиб, кўклам қувончи уларга тушунарли, соддача иборалар билан бола тилидан айтилаятган сўзлар билан ифодаланди:

Бақа сайраса,  
“Баққа-ко” деса,  
“Кўклам кўзғолди!”  
Деб хабар берса,  
Мунда ҳам кўнглим анча яйрайдир.

Чўлпоннинг фасллар тасвирига бағишланган шеърлари орасида “Наврўз куниди” шеъри алоҳида диққатни тортади. Шеър 1921 йилда ёзилган. Аммо худди бугун ёзилгандай бизга ҳамнафас. Наврўз киш машаққатларидан кейин баҳорнинг қувончларини байрам қилади. Оғир киш кечаларидаги “Хира, ўчган, кирлик, кучсиз дилларга” Наврўз биринчи бўлиб, “Ёруғ, ёғду, турмуш сепган янги кун” бўлиб қад кўтаради. Аммо ўзбек қизлари ҳамон ичкарида, шундай қувончли кунларда ҳам очик ўйнаб кулолмайди, уларнинг димикиб қолаятганидан шоир қаттиқ изтироб чекади:

Гулой, Тўти, Қумри, Ойхон, Ёркинлар

Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган Чўлпон шеърлятида “эркинлик” мавзуи алоҳида оҳанг билан энг кўп ўринни эгаллайди, деган эдик. Чўлпон шоирнинг виждон эркинлигини ҳамма нарсадан юкори кўяди ва эркинликни деярли барча шеърларида бирор йўсинда тилга олмай ўтолмайди. Бу гоё унинг фаслларга бағишланган шеърларида, севги-муҳаббат, хотин-қизлар ҳаётию байрам тантаналарига бағишланган, хуллас, барча ҳаётий муаммолар ҳақида ёзилган шеърларида етакчи йўл тутди. Бу мавзунинг энг кўркам ифодасини “Виждон эрки” сарлавҳали шеърда кўрамиз.

Шоир қалбидан тошиб чиққан мазкур сатрлар 20-йилларда ижод қилган барча илғор сафдошлари фикрини ҳам ифода этади. Зотан, улар тарихнинг инкилоб ва ундан кейинги кескин бурилишлари даврида янгилик томон биринчи қадам ташламоқда ва янгиликка катта умид боғлар эдилар. Орадан етмиш-саксон йиллар ўтгандан кейингина биз уларнинг йўлларни босиб ўтганларини тан олаётимиз. Адабиётимизда айни кунларда долзарб бўлиб келаётган жуда кўп масалаларнинг туб илдизлари 20-, 30-йиллардаги адабий муҳитга бориб тақалади. Биргина мисол: кейинги йилларда деҳқон ва ер муносабатлари қай даражада муракаблашиб қолгани расмий ҳужжатларда ҳам эътироф этилди.

Чўлпон ва унинг сафдошлари 20-йиллардаёқ бу масалага катта эътибор берганлар. Мехнаткаш деҳқон ғамини ейиш, унга нормал ишлаш ва яшаш шароитини яратиш тўғрисида жон куйдирганлар. Бу ҳақда Чўлпон ҳам қатор шеърлар ёзди. Амалдорларга хитоб қилиб, уларни ердан ҳосил етиштирувчи оддий деҳқонни чалғитмаслик, алдамаслик тўғрисида ғамхўрлик қилишга чақирди. Шу жиҳатдан унинг 20-йиллар ўртасида ёзган “Ўзбек чиновникларига” шеъри бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас:

Ерни ўлчанг, таноб тортинг, хандасага тўғирланг!

Ер эккувчи деҳқонларнинг ҳолини ҳам ҳўб ўйланг!

Таноб деган жонсиз нарса, мўлжалгача чўзилар,

Аммо жонли деҳқонлар-чи, унга етмай узилар.



Рақам билган мия билан деҳқон ғамин англандиз!  
Таноб тортган қўллар билан ярасини боғландиз!  
Ўзингизгни ер эгатнинг хизматига чоғландиз,  
Ер ва меҳнат ёвларининг юрагини доғландиз.

Чўлпоннинг бу шеъри бирор жиҳати билан Муқимийнинг “танобчилар” ини эслатса-да, шоир деҳқоннинг янги даврдаги тақдирини ўйлайди. “Ер ва меҳнат ёвлари” га қарши ўт очади.

Чўлпоннинг кўпгина лирик шеърлари, ғазаллари 20-, 30-йилларда халқ куйларига солиб айтиларди: “Галдир”, “Қаландар ишқи” каби ғазаллардаги шеърый оҳанг ва жозиба ўзи бир ёқимли музика сингари киши кўнглининг нозик торларини чертади. Шоир “Галдир” иборасини куй ва девона, паришонҳол одам деб изоҳлайди ва шеърни ўшанинг тилидан ёзади. Бу ерда гап шеър эгасининг “дардли” бир шахс эканлиги ҳақида боради. “Паришонҳол, девона” иборалари кўчма маънода, унинг кўнглида барча дард, алам, завқ, шавқи бор, ҳаммаси мужассамлашган, ғоят, зукко, идрокли, инсоний ҳис-туйғулари муттасил жўш уриб турадиган етук, нозик таъб файласуф шахс кечин-малари акс этади. Чўлпон ўзи асли худди шу сифатларга эга бўлган шоир эди. Мазкур шеър унинг бутун шоирона қалбини намоён қилиб турган кўзгуга ўхшайди:

Мен дутор билан туғишган, кўхна бир девонаман,  
Ул туғишғоним билан бир ўтда доим ёнаман.

Лирик қаҳрамон дутор, танбур куйларини бутун вужуди билан тинглайди, ҳис этади. Шу дамларда “дунёни унут-ади”, “паришонҳол” кишига айланади, қалби ўзи ҳам англаб-англамайдиган фикр-хисларга тўлади, гўё дардлари тўкилаётгандай, унинг ўрнини яна бошқа ҳис-туйғулар олаётгандай - чолғу авж пардаларга етганда эзилади, инграйди, савтида бош кўтаради, енгил тортади, хуллас, ўзи ҳам сезмаган ҳолда дутор билан “бир ўтда” ёнади. “Паришонҳол” шахс беғам, худбин, амалпараст, эътиқодсиз, дарди йўқ кесаклардан юз ўгиради, рад қилади, уларни тан олмайди. Шеърнинг кейинги сатрларида дутор, куй, шеър

ва шахснинг нақадар уйғунлашиб кетишини кўрамиз. Шеър охирида дунё ташвишлари билангина яшайдиган шахснинг туб эътиқоди ифодаланади:

Йўқ ишим: ҳоким, амалдор, шоҳу ҳоконлар билан:  
Биргадурман доимо - ҳамдард бўлганлар билан.

Чўлпоннинг “Галдир” сингари яна бир ажойиб шеъри “Қаландар ишқи” Бунда шоир муҳаббат лаззатининг шундай бир ширин нуқталарини топиб, унинг ҳадсиз, ҳудудсиз кўлами, гашти нашъаси, ташвиши, “хатарлик йўлларини” тасвирлайдики, улар лирик қаҳрамонни эргаштириб, бутун борлигини камрайди, дарбадар кездирди; гулзорда нола қилаётган худди унинг кўнглини топаётгандай... Аммо бу ишқ аллақандай афсонавий ҳаёллар эмас, балки чинакам ҳаётий, дунёвий муҳаббат тарзида улуғланади:

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Муҳаббат гўё қуёшу шоир юлдуз сифатида унга тенг келолмай қолади:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Чўлпоннинг дард билан ёзилган бу каби ҳаётий шеърлари 20-, 30-йилларда ғаразгўйлар томонидан факат қораланади. У инсон кўнглини, айниқса шоир кўнглини самимият билан ифодалар эди. Тарих ҳамма нарсани бора-бора ўз ўрнига қўяди. Ҳамма даврларда ҳам юзлаб, минглаб шоирлар бўлади, аммо тарих улар орасидан саралаб олиб авлоддан-авлодга етказди, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ботулар ўзбек адабиёти тарихида ана шундай сараланганлар сафидан жой олган санъаткорлардир.

\*\*\*

Чўлпон ўз ҳамфикр замондошлари сингари Шарқнинг буюк Туроннинг ўтмишда қудратли бир яхлит давлат сифатида бутун дунёга донг чиқарган, ўз даҳолари, улуғвор сиймолари, маданий ва маънавий тараққиёти билан жаҳон халқлари ривожига самарали таъсир кўрсатганини ғурур билан қуйлайди... 1918 йилда ёзган “Шарқ нури” сарлавҳали

шеърида Чўлпон деганини бир эслайлик:

Бир замонлар ер юзинда ўз бошли

Улуғ, шонли, маданият туғдурғон.

У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон

Бўлди четлар панжасида кўз ёшли...

Мазкур шеър руҳи Фитратнинг 1917 йилда ёзган “Шарқ” сарлавхали шеъри ғояларини ижодий ривожлантиргани, уни янги тарихий-бадиий воситалар билан тўлдирганини пайкаб олиш қийин эмас.

Эркинлик истаган шоир.

Чўлпон шоир ва адиб сифатида ҳам, драмаларида ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, асос-этибори билан эзилганларни, ночор ахволда қолганларни химоя қилишга бутун вужудини бахшида этади. Унинг “Новвой киз” хикоясидан тортиб “Кеча ва кундуз” романидаги Зебунисоғача - ҳаммасида ўзбек аёллари бошига фожиалар келтирган ифлос муҳит. жаҳолат, мустамлакачилик. боскинчилик ҳукм сурган жамият кирдикорлари фoш этилади. Қарамлик ва жаҳолат, хурофот ва бошқа барча қоқоқликлар аввало ночор одамларни оёқости қилаётгани Чўлпон бағрини ўртаб юборади, бундай дахшатларга нафрат сочмай туролмасди. Зеро, Чўлпон октябрдан кейин бодрокдай қайнаб кетган мадхиячилардан (очарчиликни тўқчилик, қарамликни мустақиллик, ҳалол одамларни нопок душман деб жар солаётганлардан) фарқли ўлароқ, ҳаётдаги бор воқеликни бузмай ёрмай ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг шеърларида ҳаёт қувончлари ҳам, мураккабликлари ҳам, зиддиятларию фожиалари ҳам ўз аксини топгани билан кенг ўқувчилар оммасига сингиб кетган. 20-йиллар ўзбек адабиётидаги ёш шоирларнинг бирортаси ҳам Чўлпон таъсиридан четда туролган эмас.

Чўлпон 20-йиллардан то шу кунгача турли савиядаги шахслар томонидан қандай талқин этиб келинганидан қатъи назар ўзбекнинггина эмас, бутун Туркистон халқининг буюк шоири, адиби, драматурги сифатида адабиётимиз тарихига кирган. Уни на макташ, на қоралаш тарихдан заррача силжита олмайди, фақат кизил империя унинг шаънига тухматлар ёғдирди, жисмоний қатл этди, аммо халқимиз қалбидан ўчириб ташлай олмади... Зотан

Чўлпон бир шеърида инсон қалби, имони, виждонини ғоят жўшқин эхтирос билан талқин этган. Чўлпон ижодининг етакчи ғоявий мундарижаси - инсон, виждон эркинлиги, имон-эътиқод бутунлиги, айланиб келиб Истиклол истаги, дарди дейилса мумкин Шу ғоя “Виждон эрки” сарлавҳали шеърида ифода этилган. 1922 йилда ёзилган бу шеър қизил империя шаънига абадий отилган ўқ бўлиб тарихга кирди.

### Аёл қайғуси    хаёт қайғуси

Чўлпон ва унинг сафдошлари, ҳамфикрлари яшаган даврнинг мураккаблиги шунда эдики, хонликлар тугатилган, чор Россияси ҳукмронлиги ағдарилган, ўрнига қизил империя тикланган. Бу жараёнлар қанчадан-қанча хунрезликлар ҳисобига рўй бермоқда эдики, унинг ҳали тўла илмий тарихи яратилгани йўқ... Бу давр адабиёти ҳам ўз илмий тарихи яратилишини кутиб турадир, Чўлпон ана шу давр адабий ва маданий тарихининг бадиий ифодасини яратган буюк шоирлардан биридир. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Бехбудий ва уларнинг барча ҳамфикрлари бўлмиш - тараккийпарварлар Амир Темурдан кейинги ижтимоий тузум иллатларини қандай ёқтирмаган бўлсалар, чор Россиясининг босқинчилик сиёсатини ҳам шундай қоралайдилар. Қизил империя гарчи дастлаб “устига шира суйкалган” сийка шиорлари билан элни бир қадар қалғитган бўлса-да, кўп ўтмай унинг миси пуч чикди, барча ваъдалари пуч эканини етук зиёлиларимиз пайқаб олдилар ва мамлакатда рўй бермоқда бўлган дахшатларни ўз ижодий маҳсулотларида бадиий ифода қилиб бошладилар. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Чўлпон ўзбек хотин-қизлари тақдири ҳақида энг кўп ғамхўрлик қилган, уларнинг хаёти, эрки жамиятдаги ўрни-ю, келажаги ҳақида энг кўп шеър ва катта-кичик, деярлик барча жанрларда асар ёзганлардан бири бўлди. Ҳар бир шеъридаю насрида аёл тақдири - хаётий воқеалар билан уйғунлашиб кетади. Аёлларнинг инсоний ҳуқуқлари паймол этилишига қарши ўт очади, манфаатларини ёниб ҳимоя қилади... аёл қайғуси    хаёт қайғуси, аёл қувончи - хаёт қувончи, аёл бахти - хаёт бахти сифатида талқин этилади. Бу мазмунни акс эттирган шеърлардан

Мен ва бошқалар  
(Ўзбек кизи оғзидан)

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,  
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.  
Эрк эртақларини эшитган бошқа,  
Куллик қўшиғини тинглаган менман...  
Бошқада канот бор, қўкка учадир,  
Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир  
Сўзлари садафдек, товуши найдек  
Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.  
Менда-да канот бор, лекин боғланган...  
Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор:  
Сўзлари садафдек, товуши найдек.  
Куйим бор... Уни-да деворлар тинглар...  
Эркин бошқалардир, қамалган менман,  
Хайвон қаторида саналган менман...

1921 й, Тошкент.

Халқ билан бирга

Чўлпон халқ қудрати, курашларини улуғловчи шеърларида ҳам мурод-мақсадга етиш учун эл-юрт, халқ билан ҳамнафас бўлишга ундайди, унинг куч-қудратига ғоят катта ишонч билдиради, унга юксак баҳо беради, ҳамиша у билан бирга бўлишга даъват этади...

Чўлпоннинг ҳаммага маълум “Халқ” шеърисида ҳам асли етакчи ғоя озодлик, эркинлик, мустақиллик учун интилиш нақадар жўш уриб турганини пайқаб олиш қийин эмас... Бу шеърлар бизнинг кунларимизни бутун қалби, борлиғи билан орзу қилган, миллий истиқлолга эришмоқ мақсади билан яшаган, аммо унгача етолмай қизил империя томонидан қатл этилган буюк аждодларимизнинг фарёдларини, юрак ҳароратларини ифода этиб тургани билан қимматлидир. Зеро, бу ғоя ва мақсадлар аллақачон умуминсоний кадриятларга айланиб кетган ва шуниси билан ҳам миллий ифтихор билан ҳар биримиз қалбимизда абадий ардоқланади. Истиқлолимиз уларнинг кадрини бу бой маънавий меросимизни бутун жаҳонга кенг ейтиш имкониятини берди... Буюк аждодларимиз маънавий меросини

чукур ўрганмай туриб, шахсинг маънавиятини, дунёкарашини бойитиб бўлмайди. Улар бизнинг буюк миллий анъаналаримиздирки, ҳамиша уларга иззат-ҳурмат билан қарашга бурчлимиз...

\*\*\*

Чўлпон ғоят серқирра, йирик санъаткор, у ҳақда ҳали кўплаб илмий ишлар қилинади. Ҳозирча биз унинг шеърляти ҳақидаги озгина ишимизни яқунлар эканмиз, машҳур рус ёзувчиси В.Яннинг Чўлпон билан дўстлик алоқалари ҳақидаги хотираларидан бир парча келтиришни лозим кўрдик. Мазкур парча асли В.Яннинг кундалигидан намуна бўлиб, менга адабиётшунос олима, Яннинг тарихий романилари устида кўп йиллардан буён тадқиқот олиб бораётган ҳурматли Татьяна Константиновна Лобанова лутфан марҳамат қилди. Бунинг ўз тарихи бор: Ян билан Чўлпон орасида яқинлик борлигини эшитган эдим-у, бирор аниқ маълумотим йўқ эди. Иттофоқо адабиётшунос олима Зоя Кедрина билан шу тўғрида бир учрашганда гап сўрадим. У яхши хабардор экан, Яннинг ўғлида бу тўғрида отасининг кундаликлари борлигидан дарак берди ва ўғли ҳозирда Москвада яшаётгани, касби архитектор эканлигини, уй адреси ва телефон номерларигача айтиб берди. Мен Москвага телефон қилиб В.Яннинг ўғлини топдим, ўзимни танитдим, у жуда яхши муомала қилди ва бу тўғридаги бор маълумотини Т.К.Лобоновага берганлигини, Лобанова эса, Тошкент ЎзФА тил ва адабиёт институти рус адабиёти бўлимида ишлаётганини ҳам айтиб берди. Шундай қилиб, ҳурматли Т.К.Лобановани топиб, илтимос қилдим ва қуйидаги маълумотни олишга эришдим.

В.Яннинг “Ҳужум” (пьесаси - А.А) ва Чўлпон ҳақидаги хотираларидан

\*\*\*

“Советская энциклопедия” редакцияси сменга янги бир вазифа топширди: ҳасадгўй маҳаллий “Авербахлар” томонидан жабр кўрган ўзбек шоири ва драматурги Чўлпон биографиясини ёзиб келишни илтимос қилди.

Кечкурун мен уни қидириб топдим. У, Мешчанская кўчаси охиридаги эскириб, анча мазаси қочиб қолган, икки қаватли қилиб қурилган бир уйда ижарага турарди. Ҳовли

қаровсиз, эски-туски какир-қуқурлар қалашиб ётибди. Уйда водопровод ва бошқа қулайликлар ҳам йўқ. Аммо уй ёсмон қилинган, озодагина. Столчада Будаговнинг турк тиллари луғати ётибди. Полга катта гилам тўшалган ва унда кичкинагина хонтахта ҳам бор. Хонтахтада ўтириб овқат ейилади.

Чўлпон биографиясини (ижтимоий чиқишини) сўзлаб берди. Мен шу ондаёқ ёзиб олдим. Гап орасида шундай бир ҳодисани ҳам айтиб берди:

Ёшлик чоғларимда отам Фарғонада газмол билан савдо қиларди, - деб гап бошлади, - отам жуда мусулмон табиат бўлиб, муллаларга ихлоси баланд эди. Мени муллавачча қилиб етиштиришни орзу қилиб мадрасага ўқишга берди. Мадрасада бир одам билан танишиб қолдим, у менга катта таъсир кўрсатди. Мазкур одам Куръонни бутун ёд биладиган катта олим, “мударрис” деган юксак унвонга эга эди. Бу одам асли турк бўлиб, пантуристик ва панисламистик гаълимотларни ёйиш мақсадида Истанбул пантуркистлари марказидан Хитой Туркистонига юборилган ва шу таълимотни тарғиб этиш учун Фарғонага қўнган эди. Мана шу одам мени катта ҳаётий муаммолар билан ошно қилди, менда адабий, сиёсий ишларга кизғин хавас уйғотди.

Мадрасадаги дарсда Куръонни ёдлатишади, мен уни дархол эсдан чиқараман. Дарс тугаши билан чопиб кўчага чиқаман-у, янги рўзномаларни оламан Шундай қилиб, “мударрис” бўлиш ўрнига мен ўзбекнинг миллий ёзувчиси бўлишга қарор бердим ва отамдан ҳам, муаллимдан ҳам қочиб, Тошкентга келдим-да, шеър ва ҳикоялар ёзиб ойнома ва рўзномаларга бериб юрдим.

У вақтларда биз ҳамма ўзбек ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик.

Фитрат шу кезларда эски араб-форс (шеър) шакллари ва шаблонлари таъсиридан қутулиб, халқнинг реал, жонли тилида ёза бошлаган эди.

Фитрат ҳам худди Чўлпондек, ўзбек РАППчилари томонидан таъқиб қилинади, аммо у йирик мавзулар устида қаттиқ ишлашни давом эттираверади.

Кейинги йилларда у “Травли” асарини академия учун ёзади (В.Яннинг ўғли гап қандай академия тўғрисида бораётгани маълум эмас, деб изоҳ беради - А.А.). Фитрат

яна “Ўзбекистонда ер муносабатлари тарихи, ўзбек адабиёти тарихи курси ва яна бир қатор илмий, тарихий мақолалар ёзди.

Чўлпонни таъқиб қилганларнинг энг каттаси Зиё Саид эди. У “Литературная газета”да бир мақола эълон қилиб Чўлпонни қаттиқ қоралайди. Бу билан ҳам қаноатланмасдан съезднинг ташкилот кўмитасига махсус бориб, Чўлпонга яна ташланади. Чўлпон шу йилларда долзарб мавзударда иккита пьеса ёзди, булар Тошкентда ва Фарғонада театрларда қўйилади. Аммо Зиё Саид яна унга қарши ҳужум қилиб сахнадан олдириб ташлайди. Иғво шу даражага борадики, Зиё Саид Фарғонада пьесанинг муваффақият қозонганлигига сабаб режиссёр Уйғур билан Чўлпон томошабинларга чапак чалиб муаллифни сахнага чакириш шарт билан бепул билет тарқатишди деган гапни тарқатади. Уйғур бу иғвога қарши раддия тарзида матбуотда махсус мақола билан чиқади, Фарғонада ҳеч қандай бепул билет тарқатилгани йўқ, деб жавоб беради (7 октябрь).

Кечкурун ўзбек шоири Чўлпон ҳузурида бўлдим. У ош дамлади. Ошни примусда қилиш жуда қийин. Унинг ёшгина хотини бўлиб, Чўлпон уни Катинка деб атаар, эскигина, жихозларининг ҳам мазаси йўқ уйдаги кичкинагина хонага Катинка шарқона файз киритишга зўр бериб уринарди.

Шоир Шенгели хотини билан келди. У Ўзбекистон ва Тукрманистондаги қурилишларга бағишлаб ёзган янги шеърларини ўқиб берди...

Чўлпон биринчи рюмқадан кейинок очилиб кетди. Шарқ шоирларининг шеърларидан ўқир, қўшиқлар айтиб юборарди. Чўлпон шеър ўқиб, қўшиқлар айтаётганда айрим сатрларга шарқона халқ латифаларини қўшиб юборарди. Баъзиларига фавқулодда ҳажвий тус бериб ҳаммамизни қулдираар, гоҳо Хўжа Насриддин ҳақидаги ажойиб латифалардан ҳам айтиб берарди.

Мазкур латифалар менга янги бир ҳажвий пьеса Буфанади сюжетини тузиб олишга туртки бўлди. Хаёлимда ўз ўтмишимни яшириб колхозга кириб олган яна бир эшон ва қишлоқ табиби образлари гавдаланди.

Ўз кўзи билан кўрган бир ўзбек бизга шу нарсадан айтиб берди - биз Чўлпон билан бирга ёзган “Ҳужум” пьесасини



такиклиб қўйилган эди, ҳозир клубларда қўйила бошланибди. (В.Ян Чўлпон билан ҳамкорлик ҳақида гапирганда “Хужум”нинг ўзбекча нусхасини кўзда тутди. Ян пьесасини таржима қилатуриб Чўлпон асарга бир янги сахнани ўзи ёзиб қўшиб юборган).

-Бизда Янни ҳамма билади, унинг шарофати билан биз Чўлпон номини ҳам эшитиб турамиз (6 декабрь).

Ўзбеклар ҳаётдан ёзилган пьесаларим ҳақида яхши ўзбек шоири Даврон билан гаплашиб олдим. (В.Яннинг ўзбекча мавзуга бағишланган анча-мунча пьесалар учун мўлжалланган схема, режаларининг дастлабки чизгилари (наброска) сакланиб қолган, лекин Даврон билан қайси бири ҳақида сўзлашганини аниқ билиб бўлмайди).

Ўзим ўзимни койиб қўйдим! Иш тамом бўлмагунча ҳеч кимга ҳеч нарса айтма! (У менга шундай тушунтирди: пьеса санъат ишлари бошқармасига берилади (бошлиғи Валиев), кейин Главреперткомга (унда Аббосов бўлса керак) топширилади. Яхшиси Ҳамза номидаги ўзбек театрига берилгани маъқул. У ерда “Хужум” туфайли таниб олишган, (Уйғур режиссёрлик қилади...)

Кечкурун ўзбек опера ва балет театрига бориб Фарғона канали қурилишига бағишланган “Буюк канал” пьесасини кўрдим. Театр залининг учдан икки қисми бўм-бўш. Ҳашаматли, ажойиб театр, бу ерда жуда яхши асарларни қўйса бўлади.

Биз В.Яннинг Чўлпон ҳақидаги хотиралари ёзилган кундалик қўлимизга киритилганини бердик. Ундаги айрим изоҳлар ва эслатмалар яна аниқланиши кераклиги сезилиб туради. Эҳтимол, бунга ҳам эришиш имкони бўлиб қолар, лекин шундайлигича ҳам икки буюк сиймо ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва дўстлик равшан кўриниб туради. Асли байналмилалчилик тушунчаси шу бўлса керак. Зотан Чўлпон билан В.Ян ўрталаридаги дўстлик муттасил давом этган, буни Чўлпонга нисбатан жумҳуриятимизда тез-тез бўлиб турган ноўрин ҳужумларга Ян тўғри баҳо берганида ҳам сезилиб туради. Мазкур самимий дўстлик туфайли “Энциклопедия” редакцияси Чўлпон таржимаи холини В.Янга топширган бўлиши ҳам мумкин.

## Машрик Юнус ўғли - Элбек

Машрик Юнус ўғли Элбек 20-30-йиллар ўзбек адабиётида кўплаб шеърлар, хикоялар, масаллар, ўқиш китоблари, дарсликлар, эртақ ва дostonлар ёзган катта шоир, олим, адиб, ва тил-адабиёт муаллими сифатида танилган йирик сиёмо эди. У араб, форс, турк, татар, озарбайжон тилларидан ташқари рус тилини ҳам яхши ўрганган, Пушкин, Лермонтов, Крылов сингари бир қатор рус классик шоирларидан шеър ва масалларни таржима қилган. Мазкур фаолияти билан ўзбек адабиёти тараққиётига катта хисса қўшган аждодларимиздандир. Элбек барча сафдошлари А.Кодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус ва бошқалар билан ҳамфикр бўлган, биргалашиб ижодий ҳамкорлик қилишган. Шундай қилиб шўро даври ўзбек адабиётининг яралиши, шаклланишида катта улуш қўшган. Элбек адабиётнинг кўплаб жанрида (шеърят, насрий) сермахсул ижод қилиб бизга бой маънавий мерос қолдирган энг хурматли аждодларимиздан бири сифатида эл-юрт хурматига сазовар бир сиймо бўлиб қолди. Хали унинг мероси очилмаган кўриқлигича ётибди, унинг асарларини ўрганиш, ижодий фаолияти, ҳаётини йўлларини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди. Бу хурматли зот хақида адабиётшунос олим Нормухаммад Қобулов бир кичик рисола (1988 й. Ғ.Ғулом нашриётида чоп этилган) эълон қилиб яхши иш қилди. Шундан сўнг камина бир мақола (“Элбек ва давр алабий жараёни”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989 йил, 20-октябрь) эълон қилдик. Радио ва телекўрсатувда бир-икки чиқишлар бўлди. Элбекдай бир йирик маданий сиймони ўрганиш ишларига энди эътибор кучайди.

Элбек шунча ижодий ишни, жамоат билан қўшиб адо этган бўлса, ўзи қанча яшаган деган сўроқни бир бериб кўринг-чи? У фақат 50 ёш умр кўрди, халос. Ундан ярмидан кўпроғи болалик, ўсмирликка чиқиб кетса, ниҳоятини 25 йиллар ичида минглаб сатр шеър, қанча хрестоматия, қўлланмалар, ўқиш китоблари, хикоялар ёзиб улгуради. Мана 20-

---

\* Ғ. Алиева ҳамкорлигида ёзилган.

йилларда ишлаб 30-йилларда катл этилган аждодларимиздан биттасининг қиёфаси. У хурматли зотларнинг ҳаммаси айна ижоди юксалиб ўзи ҳам энди камолга етиб келаётган бир пайтда “миллатчи, халқ душмани” деб аталган тўхмат балосига йўликтириб кириб ташладилар... Шўро ҳукумати камбағални ёқлаш шиорини ёлғондан ўртага ташлаган, эси-хуши бор одамни табақасига қарамай кириб туриш унинг биринчи даражали иш эди. Элбек келиб чиқиши жиҳатидан кўпгина сафдошларидан фарқ қиларди. Камбағал деҳқон боласи, ҳар кимлар эшигида юриб ўқиган, ўзига тўғри йўл топган шахс ва умрида бирор марта шўро тузумига шак келтирмаган. Унинг қисқача таржимаи ҳолига бир назар ташлайлик, болалик, ўсмирлик чоғлари не азобларда ўтганини кўрамиз.

Машрик Юнус ўғли (Элбек унинг тахаллуси) 1889 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига қарашли тоғли, дарёли, эртақларлагидай гўзал бир макон Хумсон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилади. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олиб, ўқиш-ёзишни ўрганиши билан бадий асарларга ҳаваси ортади, зўр бериб мутолаа қилади. 1910-йилларнинг ўрталаридаёқ Тошкентга келиб, тўғри келган жойда тунаб ўқишга, илм олишга ҳаракат қилади. Дастлаб Абдулла Авлоний очган янги усулдаги мактаб - жадидлар мактабига кириди. Ўз уйида оила аъзолари кўпчилик ва отасидан иқтисодий ёрдам ололмагани учун моддий қийинчиликларга учрайди, босмаҳоналарда ишлайди, кўчаларда рўзномалар сотиб кун кўришга мажбур бўлади, лекин ўқишни ташламайди, кунт билан давом эттиради. 1917-йилги тўнтаришдан кейинги дастлабки йиллардаёқ ўқитувчилик қила бошлайди, аста-секин шеърлар ёзишни машқ қилади. 20-йилларнинг бошлари ва ўрталарида талай асарлари эълон қилинади, тўпламлари босилади. “Армуғон” (1923), “Ёлқинлар” (1925) шеърлар тўпламлари Элбекни катта шоир сифатида танитди, шундан кейин унинг ижодий фаолияти ҳар жиҳатдан гуриллаб ўсиш даврига кирди деса бўлади. Негаки бундан сўнги йилларда катор қўлланмалари, хрестоматиялари, илмий ишлари, масаллари кўп-лаб нашр этилади. Айна шу йилларда Элбек майда шеър ва кўшиқлардан ташқари дostonлар, эртақлар, насрий

асарлар ҳам ёзади. Унинг барча асарларида давр ҳаёти муаммолари ўз аксини топади.

Элбек ҳаёти ва адабий, илмий фаолияти билан ўқитувчилик бобидаги хизматларини кўшганда ҳам бир неча қисмга бўлиб ўрганилиши мумкин бўлган серқирра бир сиймодир. У жуда сермахсул ижодкор бўлган. 20-30-йиллар мобайнида ўнлаб шеър тўпламлари, хикоя, болалар учун кўшиқлари нашр этилади. “Баҳор” (1929), “Меҳнат куйлари” (1930), “Шеърлар” (1934), “Болалар кўшиғи” (1936), “Ғунчалар” (1935), “Чирчиқ бўйларида” (1935) каби шеър тўпламлари, “Тозагул” (1934), “Дадамаг” (1935) номли достонлари, “Кўшчи Турғун” (1925) номли хикояси босилиб чиқади. Мазкур асарларида Элбек ўзи яшаб ижод қилаётган давр муаммолари, замон талаблари, меҳнаткаш халқ оммасининг истиқболи ҳақида ғумхўрлик қилади ва ўйланларини бадиий шаклларда ифода этади. У “социалистик” деб аталаётган тузумга шубҳа билан қарамасди ва шу тузум талабларига жавоб бериш жамият учун бахт келтирувчи омил деб биларди. Шеърларида, кўшиқларида, масал ва хикояларида шу ғоялар ўз аксини топади. Элбек шунча ижодий иш билан қатта жамоат арбоби сифатида жумҳуриятимиз маданий ҳаётининг турли соҳаларида ҳам фаол иштирок этади. У 20-йилларда чиқиб турган “Инкилоб”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Билим ўчоғи” каби қатор ойномаларнинг таҳририят ҳайъати аъзоси, ҳам уларнинг саҳифаларида асарлари билан чиқиб туради. Туркистон маориф комиссарлиги ҳузуридаги илмий кенгаш аъзоси сифатида уларнинг ишларида муттасил қатнашади.

Элбек дунёқараши ҳақида гап кетганда бир нуктани ҳисобга олиш лозим: гарчи юқорида таъкидлаган бўлсакда, яна айтамыз, у, шоир, олим, ўқитувчи бир зиёли сифатида октябрь инкилобини қувонч билан кутиб олди. Барча яхши ниятлари, жамият, халқ манфаатларини кўзловчи тадбирлар энди амалга ошади деб юз фоиз ишонарди. Шунинг учун бу йўлда учрайдиган тўсуқлар кўп бўлади, улардан қўрқмаслик керак, енгиб ўтиш шарт деган акидани бор кучи билан тарғиб қиларди. Бу инкилоб раҳбарларининг бош шиори бўлиб, ҳамманинг мийясига муттасил қўйилиб туриларди. Шу жихатдан унинг бутун олий мақсадларини

ифодаловчи “Тилак” сарлавҳали шеъри шоир ижодининг  
етакчи ғоясини ифодалайди дейиш мумкин.

Зўр мухитнинг денгизида мен букун,  
Хеч тўхтамай олға қараб бораман.  
Денгиз кўркинч, қора, тубсиз бўлса-да,  
Тилак учун кўркмай уни кечаман.

Шоир олдидаги мақсад ғоят буюк, денгиз каби қуд-  
ратли, ҳатто хавф-хатарли, таги кўринмас даражада чуқур,  
аммо ундан сира тортинмай олға боришга қатъий қарор  
бергани, бу йўлдан асло қайтиш йўқ эканини қаттиқ уқти-  
ради. Улуғ мақсадлар ҳамиша оғир, юксак, тўсуқли, хатарли  
бўлишини поэтик идрок этади. Шеърнинг кейинги сатр-  
ларида эса, инкилобий вазиятнинг дахшатлари, бўронлари  
ичида чиникиб бораётган 20-йиллардаги лирик қаҳрамон-  
нинг жўшқин, ғоят жанговар рухий кайфиятлари ва унинг  
мададкорлари қудратига юксак баҳо берилади.

Мен ботғудай бўлсам агар шу ерда,  
Улар мени тезда келиб қутқарар  
Менинг бормоқ истаган ул еримга  
Кўмаклашиб, қолдирмайин элталар.  
Шунинг учун мен кўркмайин кетаман,  
Кўнглимдаги тилагимга етаман.

Мазкур сатрларда Элбек ўзи ва сафдошларининг 20-  
йилларда қандай улуғ мақсадлар билан яшаб, ижод қилган-  
ларини ифода этади. Бизнинг бу изоҳимиз боиси бор. Буюк  
мақсад билан яшаш, унга интилиш, уни амалга ошириш  
учун ғоят оғир тўсуқларга дуч келиш ва нима бўлса-да,  
барини енгиб ўтишга даъват ғоялари Чўлпоннинг “Улуғ  
йўлда” шеърида ҳам ўзига хос бир шеърый усулубда ифода  
этилган. Мана бир неча сатрлар келтирамиз:

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар.  
Бош учини таниб бўлмаслик излар.  
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракдаги саклаб борган амаллар  
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.  
Эзилганлар тилак тилар бу йўли  
Бурунгидан тўлуқроқ.

Маҳкам қилиб боғланилган камарлар,

-Тезрак!

-Қанот..

Элбек биз юқорида келтирган сатрларида, бошқа асарларида ҳам, унинг сафдошлари, замондошлари қандай улуғ мақсадлар, пок ниятлар билан ижод қилганларини кўрсатиб туради. Мазкур сатрлар 20-йиллар ўзбек адабиётида реалистик шеърятнинг шаклланиши ва ривожига катта ҳисса қўшган санъат асарлари бўлиши билан бирга ўз даври учун ҳам, бизнинг ҳозирги кунларимиз учун ҳам ғоят қимматли ғоявий-бадий аҳамият касб этади. Улуғ мақсад йўлида дадил қадам ташламасдан, катта тўсиқларни курашиб енгиб ўтмасдан бирор эзгу ниятга эриша олмасликни уқтириш ҳеч қачон эскирмайдиган ғоядир. Санъат асарининг биринчи галдаги вазифаси замонлар ўтиши билан ҳам эскирмайдиган, ҳар бир давр учун инсониятга хизмат қиладиган ғояларни ифодалашдан иборат-ку, аслида. Биз 20-йиллардаги ёзувчиларимиз ижодида, шу жумладан Элбек асарларида ҳам аксар шундай бадий қийматларга дуч келамиз, уларнинг мероси худди шунинг учун ҳам бизга абадий ҳазина бўлиб қолаверади. Элбек шеърятнинг ғоявий мундарижасини яхлит бир кўз олдимизга келтирадиган бўл-сак, асос-эътибори билан шоир инкилобдан ғоят катта бахт кутганини, унинг ҳамма орзу-умидларини амалга оширадиган буюк бир омил деб билладиганини равшан кўрамыз. Катталар учун ёзган шеърларида бу ғояни бир шаклда ифода этса, болалар учун эса бу мураккаб фикрни соддача қилиб тушинилиши осон тарздаги сатрларда беради. Зотан Элбек 20-йиллар ўзбек адабиётида тенгдошлари орсидан болалар учун энг кўп шеър ёзган, ўзи ҳам ўқитувчи, қатор дарсликлар ва қўлланмалар ёзганини ҳам айтган эдик. Жумладан, Элбек октябрь тўнтарилишидек катта бир ўзгаришни унинг раҳбарлари ўртага ташлаган дабдабали шиорларни болалар тушинадиган қилиб шундай ифода этади:

Пошшо қўлидан,  
Мулло йўлидан  
Бизни қутқарган  
Улуғ октябрь...

Сатрларни кўриб турибсиз, у инкилобга қандай қараган ва болаларга уни қандай тушунтирган. Кейинги сатрлар инкилобдан илгариги ҳамма даврларда биз алданганмиз, энди ундай бўлмайти деган катъий фикрни ифодаловчи хулосалар билан яқунланади.

Бундан сўнг сира  
Алданмок йўқдир.  
Бизларда куч бор,  
Қўнглимиз тўқдир.

Мазкур шеър 20-30-йилларда мактаб ва пионер саройларида, байрам кунларида хаваскорлар томонидан қўшиқ қилиб айтилар, дикломация қилиб ўқилар, замона талаб этган энг ўткир ғояни ифода этгани билан ҳам кенг тарқалган эди. Инкилоб ғалабасини улуғлашни бу даврда ҳаммадан кўпроқ талаб қилингани маълум. Шоир худди шу йўлдан боради. Аммо ўзи улуғланган йўлдан богани учун ўша йўлнинг йўлбошчилари томонидан қатл этилди. Шу далилнинг коммунистик тузум кимга хизмат қилганини кўрсатади - қўяди.

Мазкур шеър биринчидан, 20-30-йилларда талаб этилган ғояни ифодалаган бўлса, бизнинг адабиётимизни қулликка солган вулгар социалогизмни ўзида акс эттириш билан ҳам характерли эди. Аммо бу шоирнинг эмас, тузумнинг айби деб қараш лозим. “Бой ёмон, камбағал яхши” ғояси очик кўринади-ю, бу ғоялар билан бутун бир мамлакатни камбағаллаштириб, дунёдаги бор давлатлардан овқат, кийимбош сўрашга сургаб келишини ҳали у вақтларда ҳеч ким ҳаёлига келтиролмасди. Аммо бутун ҳаётимизни, адабиётимизни ҳам ўраб турган “бой ва камбағал”, улар ўртасидаги “синфий кураш” деган қора парда эл-юртимизни хароб қилади, деб ким айта оларди?!

Элбек Фотиҳ Сайфи деган кимса билан биргаликда 1922 йилда “Ўзбекча ўқиш” номи билан уч китобдан иборат, бошланғич мактаблар учун ўқиш китоби тузади. Китоб Туркистон давлат нашриёти (1922) томонидан чоп этилган. Унга ёзилган сўз бошида Туркистон элининг халқ маорифи комисарияти ҳузуридаги илмий кенгаш махсус комиссия тузгани ва шу комиссиянинг топшириғи билан ўзбек тилида ўқиш китоби тузилгани таъкидланади. Бинобарин илгари шундай китоб бўлмаганидан болалар савод

чиқаришда қийналгани, араб-форс тилларида кўпроқ китоблар борлиги айтилади. Шу китобнинг учинчисида Элбек Алишер Навоий сиймосини болаларга содда қилиб тушинтиришга тиришади. Бунда энг муҳим нукта Навоийнинг она тили ривожига тўғрисида кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида яхши маълумот беради, унда ифода этилган айрим фикрлар бугун ҳам эскирмаганлиги билан бизни қизиқтиради. “Эски мактаб ўқиғувчиларининг “Навоий” отолғон китобини ёзғувчи “Навоий” деган кишидир. Бу киши бизнинг энг улуғ ва биринчи шоиримиз. Навоийнинг вақтида биздан етишган ёзғувчилар, шоирлар тилимизни ёрли (ярарли бўлса керак А.А.) адабий эмас, деб ўзга элларнинг тилида асар ёзар эдилар. Элимиз ўз тилида ёзилган асар йўқлиги учун адабиётдан узокда қолган эди. Навоий эса, бу фикрга қарши чиқади. Тилимиз адабий, ҳам бой деди. Ўз тилида кўб асарлар ёзиб, бу давросининг тўғрилигини кўрсатди. Адабиётга элимизни яқинлаштирди... Навоий адабиёт ва тилимизга кўб хизмат қилди. Навоийнинг шу хизматларни кўзда тутиб, биз уни суюмиз ҳам улуғ бобомиз деймиз...”

Элбек Навоийнинг улуғ хизматларидан бири туркий тилларда бадиий асар ёзишни кенг қўламда тарғиб қилишдан иборат эканлигини 1922 йилда шундай изоҳлаб беришининг ўзи катта гап эди. Ўзбек тилида ўқиш китоби яратилиши аҳамияти билан мазкур фикрлар уйғунлашиб кетади ва бу Элбекнинг ўқитувчилик ва олимлик фаолиятлари натижасидан келиб чиқади.

20-йилларнинг ўрталари ва охириларида ҳам Элбек “Либк-нихит” тажриба мактаби ўқитувчилари билан биргаликда “Билим” хрестоматиясини тузади. (Бошланғич мактабларнинг 2-бўлимлари учун ўқиш китоби). Мазкур китобнинг таҳрир хайъатида Элбек, Лубинсов, Архангельскийлар бор. Бу китоб 1929 йилда учинчи марта нашр этилади. Элбек ҳар иккала, ўқиш китоби ва хрестоматияда, болалар учун ёзилган шеър ва масалларидан кўпини эълон қилган. Биз ҳозир уларнинг айримлари билан танишиб ўтамиз.

Элбек аввало болалар шоири, 20-йилларда кўплаб болаларга атаб шеърлар, қўшиқлар, дикломациялар ёзганини айтдик. Бироқ деярли барча шеърда биринчи галда инкилоб ғалабасини улуғлашга алоҳида аҳамият беради, олдинги



дунёни қаттиқ қоралайди, подишоҳлик зулмидан, бойлар хукмронлигидан бизни қутқарган ишчи-деҳкон ҳукумати деган ғояларни тарғиб қилади. Шу билан бирга болаларга аниқ ҳаётий воқеалар, табиат ҳодисалари, гўзал манзаралар, моддий неъматлар ҳақида ҳам кўплаб шеърлар ёзган.

“Ёш болалар ашуласи” шеърида болаларни тўсуқларни енгиш курашга даъват этади:

Бу ғовларни узамиз,  
Бойлар ўйин бузамиз.  
Золимларни йикитиб  
Янги дунё тузамиз.

Шеърнинг кейинги сатрларида бизнинг куч-қудратимиздан бутун дунёдаги душманларимиз дахшатга тушиб, қочаётгани, қўзларимиздан ўт чакнатиб, кучларимиз тошиб кетаётгани каби бир дунё ваҳималар болалар тушинадиган оддийгина сўз-ифодаларда бериллади. “Ўқувчи болалар сўзи” сарлавхали дикломацияга мўлжаллаб ёзилган шеърда юкоридаги мазмун янада тўлдрилади ва унинг самаралари кўрсатиллади.

Биз камбағал боласи  
Йўқсулларнинг лоласи,  
Очиламиз яйраймиз,  
Ёвга қилич қайраймиз.

Мазкур шеърнинг давомида яна ўша бойларга қарши кураш, уларни кириб ташлаш, шундан кейингина бахтли ҳаётга эришиш мумкинлиги ҳақидаги 20-йилларда бошланиб, бизнинг кунларимизгача давом этган партия кўрсатмалари тўла ифодасини топади. Мана бу сатрларга қаранг:

Бойлар бизнинг ёвимиз,  
Уларга бор довимиз.  
Золимларни йикамиз,  
Чуқурларга тикамиз.

Шеър парчалари “Билим” ўқиш китобининг 1929 йилда босилган учинчи нашридан (Ўздавнашр, Самарқанд-Тошкент., 1929, 5-бет).

Кўриниб турибдики, дунёдаги барча эзгуликларга даъват этувчи шеърят ва бутун адабиёт - бизда 20-йиллардаёқ халқларни “бой, камбағал” табақаларига ажратиб, бир-бирига гиж-гижлата бошлади. Бунинг отини синфийлик

деган бир сунъий ибора билан аталиб, инсонни-инсон қонини тўкишга ўргатишдек қабих бир ғояни тарғиб этиш-ни кун тартибига қўйди. Элбек бу кўрсатмадан четда туролмас эди, албатта. Шоир ижоди фақат шундай сиёсий ғояларни тарғиб этиш билан чекланмайди. Унинг болалар учун ёзган шеърлари орасида табиат неъматларини улуғлаш, ҳодисаларнинг моҳиятини бола тушинадиган тилда шеърый ифодалаш каби муҳим мавзулар ҳам кўп. Фасиллар, ҳар бир фасилнинг ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари, дала ишлари, манзаралари ундаги қайноқ меҳнат ва унинг самараларини тасвирланган шеърлари ҳам болаларга катта билим ва тарбия беришни кўзда тутди. Жумладан, Шоир ёз фаслида болаларнинг қувнаб яйрашларини “Чўмилиш” шеърида жуда яхши тасвирлайди:

“Ҳаво қаттиқ исиди” деб ёш болалар,  
Ёзнинг қуни сувга қараб чопишалар.  
Уст-бошларин ешиб қўйиб қатор-қатор  
Тизилишиб сув бўйида ётишалар.

Биз мазкур сатрларда ёзнинг иссиғида болаларнинг сувга чопишлари ва фасилнинг бола табиатига таъсирини кўрамиз. Аммо бу қурук айтиш билан чекланмайди. Ундан аниқ бир фойдали хулоса чиқарилади. Яйрашни истовчи ҳар бир бола сувга тушмоқчи бўлса, сузишни ўрганиши ҳам шарт қилиб қўилади. Бу гарчи оддий кўрингани билан ўта ҳаётий зарурат эканлигини болагина замас, ота-оналар ҳам билиши ва унга катта эътибор беришлари лозим.

Юзиш билан усталари сув тубига  
Ботирларча кўкрак кериб чўмадирлар;  
Юзиш билмас нўноқларни тутиб олиб,  
Ҳазиллашиб сув остига кўмадирлар.  
Сув устида ким ўтишга юзишалар,  
Қулоч отиб бир-биридан ўзишалар.  
Сувдан чиқиб тупроқ-қумго ботадирлар,  
Ўбдан кизиб терлаганча ётадирлар

(Юқоридаги китоб, 7-б.)

Биз шеърдан узунроқ парчани кўчириб, зотан бунда ёз фаслининг ўзига хос хусусиятлари, иссиқлик ва унинг болалар табиатидаги акси-ю, чўмилиш, сузиш, рохатланиш, бир-бирлари билан ҳазил-мутоиба муносабатлари

хаммаси бунда ўз ифодасини топган. Катта ҳаёт лавҳаси болаларга снгадиган бир услубда асвирланган. Бу нарса шоирдан айрича маҳорат талаб этадиган, анча мураккаб бир муаммо тарзида хамиша адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келади. Энди “Ёз” сарлавҳали шеърда шоир фасилнинг эл-юртга қилган инъомлари, мевачевалари ҳақида тушинча беради:

Боғда турли емишлар  
Қизаришиб пишадир.  
Юмаланиб олмалар  
Олдимизга тушадир.

(Ўша китоб, 8-б)

Элбек асли Угам дарёси муттасил шиғиллаб, кўпириб окиб ётган, атрофи биланд тоғ, кўкаламзор боғлар билан ўралган гўзал водийда - Хумсон қишлоғида туғилиб ўсган ва бу жаннатдек ўлка ҳаёти, одамлари, мафтункор манзаралари унинг калбида бир умр муҳрланиб қолган. Асарларида айникса шеърларида ўқтин-ўқтин ўша жой кўри-нишлари акс этиб туради, зотан ватан бу фақат киндик қони тўкилган ер ҳисобланади. Коммунистик йўналишлар бу тушунчани аллақачон вайрон қилган, ватан деганда бутун иттифокни кўзда тутасанлар деб буйруқ қилинган. Шунинг учун ҳам кўпгина иродаси суслар ватан тушунчасини ҳам унутиб бўлган. Элбек Хумсон қишлоғи ишки билан яшади, ишлади, ижод қилди. Унинг “Ўрок”, “Кичкина темирчи”, “Олма”, “Қуён”, “Қиш”, “Отим”, “Оқ отим”, “Хўкизим”, “Йўлдошжоннинг эшаги”, “Кўклам”, “Чўпон”, “Экинчи”, “Бизнинг қишлоқ”, “Лолазорда”, “Қишлоқ турмушидан” каби талай шеърларида кўпинча қишлоқ ҳаёти, айникса ўша тоғлик ўлка одамлари, болалари, табиати, манзаралари ҳақида болаларга шеърый маълумотлар берилади. Биз мазкур шеърлардан Элбек ижодига характерли бўлган биргина-сидан парча келтириб ўтамиз. Шеър “Бизнинг қишлоқ” деб аталади. Ундаги сатрлар айна Хумсонни шундай кўз қўлингизга келтиради:

Бизнинг қишлоқ шаҳардан кўб узоқда  
Баланд тоғнинг этагига солинғон.  
Тевараги кўркам, ўзин тоғ билан  
“Қоло” каби каттиккина ўролғон.

Биз шул ерда кишин-ёзин ўлтириб,  
Ўтказамиз умримизни ер суриб.

(Юкоридаги китоб, 128-129-бетлар).

Шеърнинг кейинги сатрларида кишлок аҳолисининг мол боқиши, кишни тезроқ тугаб, баҳор келишини кутиши ва дарҳол баҳор келиши билан каттадан кичик далага, экин экишга отланиб чиқиб кетиши кабилар ўз ифодасини топади. Болаларга ҳаёт кечириш муаммолари гўзал, равон, оҳангдор бир шеърый мисраларда ифодалаб берилади. Бир неча сатрнинг ўзида бутун кишлок ҳаёти, одамлари, тирикчиликлари ҳақида тўла тасаввур бериш ҳар бир шоир кўлидан келавермайди. Элбек ўз маҳорати билан бунга тўла эришган десак, муболаға бўлмайди. Шоирнинг болаларга атаб ёзган шеърлари ўзи бир дунё ва уни алоҳида текшириш, катта илмий, назарий ишлар яратиш лозим. Йўл-йўлакай бу катта муаммони тўла тадқиқ этиб бўлмайди...

Элбек болалар учун 20-йилларда анчагина масаллар ҳам ёзди. “От ила одам”, “Сичконлар кенгаши”, “Сичконнинг киз узатиши” “Куён” “Қуйруксиз маймун”, “Маймуннинг козилиғи” “Ола қарға билан қурбақа” сингари талай масаллар ўзбек классик адабиётидаги “Зарбулмасал”лар, рус ва жаҳон адабиёти хазиналаридан ижодий фойдаланиш натижасида яратилган. Уларда хилма-хил кизиқарли сюжетлар билан кўпинча бола тарбиясига оид муаммолар қамраб олинади. Элбек болалар шоири ва муаллим сифатида ёшлар тарбияси тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келганини мазкур асарларда яна бир бор кўрамиз. Элбекнинг масалларида ҳам, бошқа асарларидаги сингари бир нуктани равшан кўрамиз: жамиятнинг иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал этиш дастлаб кишлок хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ, деган аниқ бир ғояни илгари суради. Чунки у дехкон боласидан чиқиб, зиёли даражасига кўтарилган, даврнинг илғор намояндаси эди-да. 20-30-йиллардаёқ шуни идрок этиб кўпгина асарларини мазкур ғояга бағишлашда Элбек ўз сафдошларининг биринчи қаторида туради. Зотан дехкон оиласи, тоғ бағридаги кишлок ҳаёти -Элбекнинг кўз очиб кўрган дунёси туфайли у зиёли бўлиб етилгач ҳаётни фалсафий идрок этади, тўғри хулосаларга келади. Биз бу ҳақда эндигина ўйлай

бошлаганимиз ҳаммага маълум-ку. Шунинг учун ҳам 20-йиллар адабиёти бизнинг ривожланиш заминимизда ҳеч эскирмайдиган бир ҳазинадир. Мазкур ғояларни Элбек қуруқ санаб ўтавермайди. Унинг бадиий бўёқларида Хумсон кишлоғининг турли томондан қўринишлари, тошдан тошга урилиб, қўпик сачратиб оқаётган Угам дарёси, Чотқол ва Чирчиқ дарёси тўлқинлари, зилол сувлари, тоғ ён-бағриларида гуркираб турган кўкаламзорлар, ўтлаб юрган қўй-қўзилар, подалар, от, эшак миниб кетаётган болалар, чўпонлар, ер ҳайдаётган қўшчилар, сайраётган қушлар - хуллас тоғлик кишлок латофати бор қўрки билан қалбни муттасил мафтун этади., асарларда аксини топади. Унинг асарларини ўқиганимизда шу манзаралар бир-бир кўз олдимиздан ўтаверади, унда сайр қилиб юргандай бўламиз. Жумладан шоирнинг “От ила одам” номли шеърӣй, қисқагина бир эртагида от, одам, боскинчи ҳўкиз ҳақида ажойиб бир ғоявий мундарижа баён қилинади. Кенг ўтлоқда хузр қилиб, ғамсиз, ташвишсиз ўтлаб кун кўриб юрган от ёнига бир ҳўкиз келиб унинг насибасини еб қўяди. От уни ҳайдашга қучи етмай, одамдан ёрдам сўрайди. Одам ёрдамида ҳўкизни тутиб, боғлаб олишади. Кейин ўша одам ҳўкиз ёнига отни ҳам қўшиб олиб кетади. Отнинг ялинишлари, илтижоларига назар солмайди... Кичик бир масалсимон шеърӣй асарда - боскинчилик, зўрлик, эркинлик душмани, ноинсофлик хуллас дунёдаги адолатсизлик қаттиқ қораланади. Меҳр-шафқат деган нарсани билмаган, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган одамга нисбатан кишида нафрат ҳиссиётини қўзғаб юборади. Шу мазмунни ҳам тоғ манзаралари гўзаллиги билан қўшиб тасвирлайди.

Кенг ўтлоқли, улуғ бир тоғ ёкасида,  
Кўмкўк бўлиб ўсган ўтлар орасида  
Кўб вақтдан бери бир от ёшар эди,  
Эркинликда ёлғиз ўйнаб юрар эди.  
Унинг учун қайғи, қўркинч каби ишлар,  
Қайси чок тўк, қайси чокда оч қолишарлар  
Сира-сира бўлмас эди бўлмас эди...

Тоғ ўтлоқлари, унда жилдирашиб оқаётган булок сувлари отга роҳатбахш ҳаёт берган, шунинг учун ҳам у тинч ва тўк яшар эди, эркин эди, боскинчи ҳўкиз ва ноинсоф

одам унинг эркинлигини олди, ўзига бўйсунтирди, ишла-тиш учун олиб кетди. Шу билан отнинг ҳаёти ғурбатларга дучор бўлди. “Гўзал ёзғичлар”да эълон қилинган мазкур шеър жуда катта муаммоларни камраб олган. Босқинчилик, эркинлик, меҳр-шафқат сингари абадий мавзулар гўзал мисраларида содда, чуқур маъноли, фалсафий таҳлил қилинади. Жуда ўринли яхлит бир мазмун асосида - эркинлик, мустақилликнинг гашти-ю, унга тажавуз қилувчилар қиёфаси усталик билан яратилади. Бу жихатдан Элбекнинг яна бир асари-“Қайси бири бўри?”масали ҳам катта аҳамиятга эга, унда яна жуда катта ғояни ўртага ташлайди. Бу асарнинг иккинчи нашрида 1923 йилда(Туркистон дав. наш.ти). “Ормуғон” номли масаллар тўплами босилган. Бундаги воқеа “От ила одам”даги воқеалар ва ғояга ҳамоҳанг бўлиб, бўридан кўра ҳам ноинсоф одамга нисбатан нафрат уйғотади. Бир ўрмон қўйнида бир қўй бўри чангалига тушади. Қўй жуда кўркиб, титраб қакшаб ялинади, ёлворади, йиғлайди, эзилади. Аммо бўри писанд қилмайди. Бир одам бу ҳолни кўриб, дўк билан югуриб келади, бўрини хайдайди, қўйни қутқаради. Қўй ғоят севиниб, одамдан миннатдор бўлади, сакраб ўйнайди, хурсандчилик қилади (худди хўкиздан қутилган отдай эркинликка чиқади). Аммо бу эркинлик узокқа бормади, одам уни уйига етаклаб келиб ўзи сўйиб юборади. Шунда қўй кўзларини телмуртириб, одамга хитоб қилади:

Мунга қўйнинг икки кўзи телмириб,  
Жони типирчилаб, ётиб ҳам қўйиб  
Айтар эди ул кишига: эй киши!  
Бўрими, ё айтқил энди ким вахший?  
Қутқардинг сен мени бўри илгидан,  
Ҳамда кўркинч шул ўлимнинг ваҳмидан,  
Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,  
Кўрдим энди, чин бўри ҳам сен бўлдинг.

Элбекнинг мазкур асарларида одамларни баъзан хайвондан кўра вахшийроқ қилиб кўрсатиш тасодифий ҳол эмас. Шоир бунда кучсиз, заиф, ўзини ўзи химоя қилолмасликнинг фожиали оқибатлари ҳақида фикр юритади. Бинобарин умуман ҳаёдаги адоласизликлар ҳақида бировлар ерини босиб олиш ҳақида 20-йилларнинг бошларида

жар солиш билан шоир ўз давридан анча илгарилаб кетди. Кейинги йилларда бўридан кўра йирткичроқ малъун кимсалар тобора кўпайиб бораётгани хақида Элбек инқилобдан кейинроқ огоҳлантирган бўлиб чикмайдими"! Бу дахшатли ҳолларнинг бадиий тасвирига Чингиз Айтматовдай бир буюк санъаткор "Кунда" деб номланган бутун бир романни бағишлагани тасодийфий эмас, ҳаёт тақозоси бўлиб чиқди-ку! Элбек келажакда юз бериши мумкин бўлган фожиаларни 20-йиллардаёқ сезиб, унинг шеърини ифодасини бергани учун шоир руҳига яна бир бор қуллук қилиш керак. Бизнинг ҳозирги давримизда авж олиб, жамиятга хавф солиб турган уюшган жиноятчиликнинг асли илдиzlари Элбек асарларида тасвир этилган ўша киёфаларга бориб тақалади десак хато бўлмайди. Чунки ҳеч бир нарса заминсиз, манбасиз, илдиzsиз ривожлана олмайди. Кўриниб турадики, Элбек болалар учун қувнок, ашулабоп ўйноқи шеърлар, эртақлар, масаллар ёзганда ҳамиша ҳаётдаги муҳим муаммолар хақида мулоҳаза юритади. Адолат ва адолатсизликни изоҳлайди, ёшлар онгига маърифат сингдиришга ҳаракат қилади. "Сичқонлар кенгаши" масалида яна шу муаммога эътиборни жалб этади. Ҳамма билдики, сичқоннинг душмани мушук. Улар доим мушукдан қўркиб яшайди. Ниҳоят бундай ҳаёт жонларига тегади ва йиғилишиб биргаликда унга қарши иш бошлаш хақида кенгашади. "Энди биз мунга қарши иш қўрмасак", "келатурғон вақтин сира сезолмасак" сира қўймас ер юзида тухмимизни", "битирадир бирин-бирин боримизни" деб гап бошлаган сичқон аниқ таклиф қилади. Мушукнинг бўйнига қўнғирок осиб қўйсақ келаетганини эшитиб қочиб қоламиз, деган фикр ўртага ташланади ва ҳамма рози бўлади...

Шоир бу масалада ҳам дунёдаги заифлар, кучсизларга шафқат қилиш каби зарур бир ҳаётини муаммони ўртага ташлайди. Мазкур шеърини масал 1921 йил ёзилиб, 1922 йилда эълон қилинади. Шу йилларда мамлакатда фуқаролар уриши давом этиб, кўплаб одамлар ҳақсиз хунрезликлардан қурбон қилинаётган эди. Мазкур қонли воқеалар инқилоб ғалабасини сақлаб қолиш шиори остида муттасил кучайиб борар, бировни босмачи, бировни аксил инқилобчи яна

бировни ок, бировни қора деб инкилоб душмани сингари уйдурма тамғалар билан тўда-тўда кириб ташлашлар Элбек, Чўлпон, Қодирий, Фитрат сингари етук шоир, олим, адиб, даврининг энг илғор зиёлилари калбини ўртар эди, ниҳоят улар ҳаёт қувончлари билан бирга ундаги фожиаларни ҳам ўз асарларида акс эттирмай тура олмас эдилар. Мана шу нукта улар асарларининг ҳаётийлигини, реализминини белгиловчи бош омил бўлиб қолади.

Элбек катталар учун ёзган шеър ва хикояларида жиддий сиёсий мавзуларни камраб олади. Жумладан, “Отлан”, “Тилак йўлида”, “Қизил байроқ”, “Эслаш” (бу шеърни Элбек “янги адабиётимизга бор кучи билан ишлашган марҳум Мирмулла ўртокка бағишланадир” деб изоҳ беради). “Кўк-лам эрки” (ўзбек хотин-қизлари учун), “Нечун”, “Мотам”, “Онгли ўзбек кизи тилидан”, “Эрк кизига”, “Йигитга”, “Ёшлик”, “Текинхўрларга”, “Туркистон” каби юзлаб шеърларида ўзбек халқи, бутун Туркистон ва туркий халқлар тақдири, келажаги, бахти, бахтсизлиги, одамлар ўртасидаги муносабатлар ва улардаги мураккабликлар, хотин-қизлар озодлиги, Шаркнинг истикболи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Аксар бу шеърларда янги ҳаётга катта умид боғлайдиган ҳаёт тарзи сифатида қарайди. Ҳалол меҳнат қилиб янги, бахтли турмушга етиш орзуларини ифодалайди. Бу ғоя унинг “Кўшчи Турғун” номли каттагина хикоясида ҳам асосий етакчи мазмун бўлиб қолади. Мазкур номлари тилга олинган шеърини асарларда кўтарилган муаммолар - ҳозирги кунларда ҳам қийматинини йўқотмаганлиги билан эътиборни тортади. Шулардан бири, менимча шу кунларда ғоят катта ғоявий ва ҳаётий аҳамиятга молик бўлиб туркий халқлар дўстлиги. Бирлигини тараннум этган, кон-қариндош бўлиб яшашга жиддий даъват этган шеър - “Туркистон” шеърини. Аввало бу мавзу 20-йилларда ҳам, ундан олдин ҳам жуда катта ҳаётий муаммо эди, ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Маълумки, 1924 йилда миллий чегараланиш баҳонаси билан бир бутун Туркистон ўлкаси - Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман деб бир неча бўлақларга бўлиб ташланди. Бу нимани кўзлаб амалга оширилганлиги матбуотларда кўплаб таҳлил этилди. Биз бир оғиз эслатиб ўтиш билан чекланамиз. Москва бу ишни истаган



вақтда туркий халқларни бир-бирига гиж-гижлатиб қўйиш учун ва улардан истаганча бўлак-бўлак тарзда фойдаланиш учун амалга оширган эди. Ўзбек зиёлилари, жумладан Элбек бизнинг шу кунларда хавотир олиб турган масала ҳақида инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ ўйлаган, ундан ташвиш тортган, оқибатлари ёмон бўлиши мумкинлигини пайқаган ва унинг фожиалари олдини олиш тўғрисида Туркистон халқларини оголантирган эди.

Элбек мазкур шеърда Туркистонда яшаётган барча туркий, мусулмонлар бир оиланинг фарзанди эканликларини унутмасликларини, ахил бўлиб яшашлари лозимлигини уқтиради. Ўлими олдидан кекса отанинг болаларига қиладиган энг эзгу насихати шу деган ғояни илгари суради. Бу ғоят буюк ғоя эканлигини биз энди тушинмоқдамиз. Ҳозирги кунларда туркий халқларнинг ўзаро дўстлиги, жипслиги ҳар қачонгидан кўра ҳам зарур бўлиб қолди. Эркинлик, мустақиллик, халқларнинг ўз миллий анъаналари, урф-одатлар, миллий манфаатларини бусиз сақлаб бўлмаслигини ўтган-инқилобдан кейинги барча йилларда кўрдикку. Шу ғояни Элбек ўз тафаккурида 1917 йил тўнтаришидан кейинок идрок этгани унинг буюк кароматларидан бири деб ҳисоблашни истардим. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

Кекса буюк Туркистон  
Ўлар чоғи олдидан  
Болаларнинг барчасин  
Ўз ёнига чақирган...  
Бобо йўғон, ҳам оғир,  
Салмоқкина товуш-ла,  
Айрилиқдан тўкилган  
Аччиқ қайғи ёши-ла  
Деган: "жондан ортиғим,  
Менинг барча ўғлоним,  
Кулок солинг, ўзбегим.  
Қозок, кирғиз, туркманим!

Кекса Туркистон ўлими олдида болаларига бор молларини тақсимлаб беради. Тинч, ахил яшашга чакиради. Лекин баъзилари отанинг кўзи олдидаёқ мол талаша бошлайди. Ота бундан каттиқ қайғуриб, биров берган нарса

тезда тугайди, агар ялқовлик қилмай ўзларинг ишлаб мол топсанг унда тўқ яшайсан, тарзидаги насихати билан кўз ёши тўқади, болаларининг ҳозирок ноаҳиллик қилаётганидан каттиқ изтиробга тушади. Бу жуда катта муаммо эртақ тарзида, чол отанинг сўнги энг олий орзуси тарзида болалар ва ёшларга сингдирилдики, мазкур асар ҳеч қачон эстетик қимматини ҳам, тарбиявий аҳамиятини ҳам йўқотмайди. Бу худди шу кунларда айтилиши лозим бўлган мулоҳазалар деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур шеърнинг яна бир муҳим томони унда бир юртда яшаб турган бир дин, бир эътиқод, бир хил ер ва табиий шароитдаги халқлар ўртасида ер, сув, мол-мулк талаш энг ёмон оқибатларига сургаб бориш ҳақида, ота-боболар урф-одатларини унутмаслик ҳақида, гарчи улар дунёдан ўтганларида васиятларига амал қилиш, уларни доим эслаб туриш ҳақида ғоят қимматли яқдилликка чорловчи чуқур фалсафий мушоҳадалар тарғиб этилади. Бу фалсафалар бузилгудай бўлса, боболар кўнгли вайрон бўлади, кўз ёши тўкилади, юрт тинчлиги бузилади, ўртада нифок кучаяди, ҳамма бадбахт бўлади деган мантикка бутун эътиборни жалб этилади. Яқунловчи сатрларда биз Туркистон болалари орасида айримлари ўзига теккан меросни озсиниб, бошқалар ҳақида кўз олайтириши, бундан зиддиятлар келиб чиқиши ва бобонинг аччиқ кулги билан айтган сўнги сўзларида ялқовлик, мол талашини, инсон учун энг катта бахтсизликдир, тиришқок одам ҳар мурод-мақсадига эришади деган хулоса баёни билан танишамиз.

“Энчи узра довлашманг

Тезда битар бул!” деган.

Ҳар ким тиришқок бўлса,

Ўзи топар молини.

Ялқов ўғилларимнинг

Кимлар тинглар зорини?!

Элбек ҳам ўз замондошлари Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий ва бошқалар сингари ҳаётнинг қувончи-ю зиддиятларини кўра билган, уни ўз асарларида аниқ акс эттирган буюк аждодларимиздан биридир. Унинг шеърларида Чўлпон шеърлари, айрим насрий асарларида ҳам унинг насрий маҳсулотлари билан ҳамоҳанг томонлари анчагина.

Жумладан, хотин-қизлар озодлиги, улуғ мақсадлар йўлини талқин этиш, эркинлик, озодлик, тарихий меросга ҳурмат билан қараш каби талай яқдилликларни улардан топиш мумкин. 20-йиллар Алишер Навоийнинг буюклиги ҳақида Чўлпон мақола ва шеърлар ёзган, Элбек ҳам бу мавзудан четда қолмайди. У “Бибихоним мадрасаси” шеърида халқимизнинг тарихий ёдгорликларини, улар қачон, кимлар томонидан, қандай мақсадларни кўзлаб қурилган бўлмасин, “ўтмушдан эсдалик” сифатида сақлаб қолишга даъват этади. Сиз эътибор қилинг Элбек 20-йилларда ҳамма мачит-мадрасаларга қарши ўт очилаётган бир даврда шу мавзунини кўтариб чиқади, бу ўзи бир жасорат. Иккинчидан, бу масала ҳозир эскирганми? Бундай муҳим муаммолар илғор зиёлиларимизни ҳамиша ташвишга солиб келган. Элбек тарих ва тарихий ёдгорликларга қарши турли тамғалар билан коммунистик ҳужум қизитилиб юборилган бир тарихий вазиятда миллий обидаларимизга ҳурмат билан қараши. унга ўз муносабатини шеър билан баён этиши унинг ҳаёт-мамоти деган сўз эди. Социалистик тузумнинг фожиасини бизнинг ўша авлодларимиз - Элбек ва сафдошлари ҳаммадан олдин пайкаганларини шундан ҳам билса бўлади. Мачит-мадрасаларга қилинаётган ҳужумлардан шоир қалби ўша қадимий, мухташам, салобатли бинолар билан бирга нафас олади, изтироб чекади, ғазабдан титрайди, қакшайди.

“Ўтмушдан эсдалик”, дедим буни мен.

Чиндан-да эсдалик учун ярашар.

Ху-хулаб ўйнаган бир кўп кўгарчин,

Менга ўтмушлардан эртақ айтишар.

Севиқли, мухташам, ҳайбатли бино.

Емирилиш соатин қутгандай бўлиб

Кўринур кўзларга қайғулигина.

Ер юзин титратган зўр ботирларнинг

Ўлгач, қолдирғуси суяқларидан....

Элбекнинг “Бир сўроғ”, “Ўксузнинг ўлими”, “Кўз ёшларим”, “Менинг тилагим”, “Кўнгил чечаги”, “Парча”, “Кийикка”, “Вулкон” каби қатор шеърларида кўпгинча шоир кўнгил дардларини имо-ишоралар билан баён қилади. Мазкур шеърлар 1919-1920-йилларда ёзилган бўлиб, бу даврларда адабиётда фикрни рамзий (символик) парда-

ларга ўраб ифодалаш кенг тарқалган, юқорида таъкид-лаганимиздай, Чўлпонда ҳам биз мазкур ҳолатни кўплаб учратамиз. Элбек ҳам бундан холи эмасди. Бирида ўксуз боланинг аянчли ҳолати, ўлими тасвирланса, бирида турмуш оғирликларини кучли ирода билан енгишга даъват этилади. Яна бирида эса, инсонларни бирини-бири уриб йикитишдан воз кечиш ва дўст, биродар бўлиб яшашга ундалади. Хуллас, Элбек шеърияти ҳақида кўплаб ёзиш керак ва ёзилади. Унинг ижодий кўлами ғоят кенг. Элбек шеърят деб ёнди, то сўнгги нафасигача “Бораман у буюк идеал томон” деб интилди.

Шундан кейин Элбек ва замондошларидан ҳамон нуксон ахтариб, топиб, тошқумир тутунидек киксиб юрганларга нима деб баҳо бериш керак? Бир шоир айтганидек, “Сизни ўлдирганлар кон ютиб ўлсин!” дегим келади!!!

Элбек шоир, болалар шоири, адиб, муаллим, адабиётшунос, тилшунос, масалчи, таржимон ва ҳоказо мавзуларда катор илмий ишлар қилиш адабиётшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолади.

#### Туркистон

Кекса буюк Туркистон  
 Улар чоғи олдида  
 Болаларнинг барчасин  
 Ўз ёнига чақирғон.  
 Қари-чолнинг сўнг сўзин  
 Эшитишга муштоклар,  
 Ёхуд ундан энчини  
 Олмоқ учун илҳақлар,  
 Тўхтамасдан чопишиб  
 Тез-тез етиб келганлар,  
 “Отамиз бизга на деркан?”  
 Деб жимгина турганлар.  
 Бобо: йўғон, ҳам оғир,  
 Салмоққина товуш-ла,  
 Айрилиқдан тўкилган  
 Аччиқ қайғи ёши-ла

Ўлгандан сўнг унутманг,  
 Мени ҳар чок эслангиз!  
 Деб чол бобо қайғули  
 Товуш билан оҳ тортган.  
 Ўзи эмас, ўзи-ла  
 Борликни-да йиғлатган.  
 Белгиланган молларнинг  
 Барчасини бўлганлар.  
 Болалари энчисин  
 Қолдирмайин олганлар.

Бироқ қайси боласи

Бу энчига кўнмаган;  
 Бир-бири-ла тортишиб  
 Отасига йиғлаган.  
 Кекса Туркистон бобо

Бу ҳолларни кўрганда

\* энчи - мерос, улуш

Деган: жондан ортигим,	Тиши тушган оғзини
Менинг барча ўғлоним,	Очиб аччик бир кулган
Кулок солинг, ўзбегим,	“Энчи узра довлашманг,
Козок, кирғиз, туркманам!	Тезда битар бўл!” деган.
Мен ўламан; ўлишим	Ҳар ким тиришқок бўлса,
Ўзимга-да билинган.	Ўзи топар молини.
Йўқдир барча молингиз	Ялқов ўғилларимнинг
Орангизда бўлинган.	Кимлар тинглар зорини?
Кўзим тирик чокда мен	Деб боёқиш оҳ тортган
Барча молни бўлайин,	Ўзин бир четта ортган.
Ҳар қайсингизга тегиш	Болаларига қарамай
Энчингизни берайин.	Ўзи унда жим ётган...
Деб чақирдим, болалар,	
Энди хафа бўлмангиз,	

Тарихга бир назар ташланг - 1924 йилда Туркистон беш қисмга бўлиб юборилди, бир бутун ўлка парчаланди, худди шу вақтда кекса Туркистон фарёди “эртақ” тарзида Элбек шеърисида аксини топди... Мана сизга замон, зиддият шоир қалби ва шеъри...

# Ғози Юнус

*Айтадурман кулок солинг, муддаони,  
Туркистонни захарлаган бир балони...  
Биздан агар кўтарилса, ушбу иллат,  
Тараққийда жавлон ургай бизнинг миллат.  
Донос\* эрур ҳақиқатда бизга бало,  
Канча эллар донос билан бўлди адо...*

Мазкур шеърий сатрлар Ғози Юнуснинг 1917-18-йилларда ёзиб, 20-йилларда иккинчи марта нашр этилган “Турма хотираси” китобидан олинган. Мақоламиз сарлавҳасию, келтирган сатрлар мазмуни XX аср ўзбек адабиёти, маданияти, маънавиятида муносиб ўрин олиб, бизга бой маънавий мерос қолдирган аждодларимиздан бири - Ғози Юнус сиймоси ҳақида муайян бир тасаввур бера олади, дейиш мумкин...

Мунтазам кузатиб бораётганлар биледи: А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий каби буюқларимиз ҳақида нисбатан кўпроқ мақолалар, китоблар, маълумотномалар чикди. асарларидан намуналар босилди. телерадиода кўрсатув ва эшиттиришлар бўлди. Шунинг учун уларнинг номлари анча кенгрок ёйилди. Ғози Юнус ҳақида кам ёзилди. Камина 1983 йилда нашр этилган “Адабий мерос ва замонавийлик” китобида ва кейинрок айрим газета ва журналларда умумий маълумотлар тарзида мақолалар эълон қилган эди. Бу сафар эса, биз Ғози Юнус ижодий фаолияти, ташкилотчилик қобилияти билан маънавиятимиз ривожига қандай ҳисса қўшганлиги ва ундан қолган маданий, маърифий мероснинг бугунги аҳамияти устида қисман мулоҳаза юритишга жазм этдик.

Йигирманчи асрнинг 5-10-йилларидаёқ Тошкентдаги Бароқхон мадарасасини битириб, араб, форс, туркий тилларни мукамал билган. Шарқ халқлари тарихи, адабиёти шунингдек, диний илмлардан чуқур хабардор бўлган Ғози Юнус замонасининг биз юқорида номларини санаб ўтган талай етук зиёлилари қаторида маънавият ва маърифатимиз тарихига кирди.

\* Донос чакимчилик

У Тошкент шахрида саводхон оилада дунёга келди. Отаси анча билимдон, рўзгорни иморат устакорлиги билан тебратадиган, онаси эса уйда ўзбек хотин-қизлари учун мактаб очиб, отинлик қиладиган кишилар эди. Ғози Юнус ёшлигиданок ўқишга чин ихлос қўйди. Мумтоз ўзбек ва хорижий Шарқ адабиётини севиб ўқиди, асримизнинг 7-10 йиллариданок дастлабки шеърлари маҳаллий матбуотларда эълон қилинди.

Ўша давр чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати кун сайин авжга чикиб, илғор, етук ўзбек зиёлилари дунёқарашида миллий озодлик, миллий мустақиллик, эркинлик ғояларини шакллантирган ва бу ғоя улар маънавий оламининг туб моҳиятини ташкил этган эди. Мазкур ғояларни Туркистонда кўтарган, кенг кўламда тарғиб қилган - янгилик тарафдорлари саналмиш жадидлар бўлиб, улар ўша даврдаги барча илғор фикрли шахсларни ўз атрофларига тўплаган эдилар. Ўша кезларда миллий озодликка эришув, миллий мустақилликни қўлга киритиш учун кенг халқ оммасининг онгини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш лозим эди. Бунинг учун Туркистондаги мавжуд ўқиш-ўқитиш тартибларини ислоҳ қилиш талаб этиларди. Яъни шу давргача давом этиб келган ўқиш-ўқитишга, диний илмлар билан бирга аниқ фанларни ўқитиш тартибларини ҳам киритиш лозим эди. Тараққийпарварлар шу йўлдан бориб анча муваффақиятларга эришдилар. Кўплар қатори Ғози Юнус ҳам бу ишларга каттик киришди... Халқ оммасига маърифатни ёйиш учун газета, журналлар, нашриётлар, босмаҳоналар зарурлигини жуда эрта тушинган Ғози Юнус асримизнинг 10-йиллариданок “Нашриёти Ғози Юнус” номи билан матбаачилик ишига бел боғлади. 1913-14 йилларда Москва, Петербург, Болтиқбўйи жумҳуриятларига, Финляндияга бориб, босмаҳона ускуналарини олиб келди. Келтирилганларини Эски Жўвадаги (ҳозир ҳам ишлаб турган) биринчи босмаҳонага ўрнатди. Ўзи ўша ерда ҳарф теришдан бошлаб директор даражасига бориб етди. Фитрат, Чўлпон, А.Кодирий каби сафдошларининг кўплаб китобларини октябрдан илгариёк “Матбуоти Ғози Юнус”да нашр эттирди. Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардан бошлаб Ғози Юнус ва унинг сафдошларига қар-

ши ҳар хил баҳоналар билан ўқтин-ўқтин ҳужумлар бўлиб турди. Шундай ҳужумлардан бирида Ғози Юнус вилоят фирка қўмитасига ёзган аризасида шундай гапларни ўқиймиз: “ Меннинг ижтимоий аҳволим бир меҳнаткаш боласи бўлғоним устига виждонли меҳнаткаш эканлигим ҳаммага маълумдир. Февраль ўзгаришигача меҳнаткашлик билан кун кечирган эканман, февраль инқилобдан сўнг ҳам меҳнаткашлар фойдасига ишлаш мақсади учун деб ишга киришдим. Ўша вақтда миямизни ўраб олган дин, миллатчилик, хурфот инқилобий йўлларда ҳам янглишганлигимизни кейинроқ тушунтирди. Октябрь инқилобидан оз фурсат ўтмасдан биз тушунган йўлимизга тўғри бурилдик ва шу йўлнинг тармоқларигача киришга уриниб, ниҳоят фиркага мансуб шўролар ҳукуматига виждонлик бир гражданд бўлиб кириб, керак фирка ва керак шўро йўлида қўлдан келганча ишладим ва ишлаб келмоқдамиз. Бу ерда мен сўзни “биз” деб ёздим. Чунки, инқилоб бошида ҳаммамиз ҳам шошқон ва бир роҳимустақим(тўғри йўл)ни ахтариб юрган эдик. Мана, биз топқон роҳимустақим билан йўл юрдик ва фирканинг буйруғи билан буюрилдик. Киши йўқ вақтлар биз ўзимизга беш кишининг вазифаси юкланса ҳам, виждонан адо қилишга киришдик. Жумладан, менинг ўзим бўлсам ҳам ҳарбий инвалид бўлғон холимда бутун бир кишидан кўра ортиқ иш кўриб келдим. Фирканинг ҳар қандай буйруғини бажардим. Юборғон йўлидан бош тортмадим. Чакана-чукана ҳисобсиз ишларни бир томон ташлаб, матбуот тўғрисида кўрсатган жонбозлигимни кўрсатсам кифоя қилар, деб ўйлайман. Фирканинг топшириғи билан деворий Ростода уч йил ишладим. Мафкураси ишчилар ҳукумати ва фирка қўмитаси учун муносиб бир йўлда давом эттирдим. “Қизил байроқ” газетаси сусайгандан кейин Марказқўм мени муҳаррир қилиб белгилади. Мен қуйидан ёзувчилар етиштиришга ва янги техника билан чиқаришга уриниб, муваффақ бўлдим. Ва бу ҳарактимни Эски шаҳар ижрокўми, обком кўзда тутиб 1921 йилда секанинг тасдиғи билан мени “меҳнат ва матбуот қаҳрамони” деб эълон қилди ва бу эълон ерлик матбуот билан русча газеталарда эълон қилиниб, менга эҳсонлар берилди... Шўро ва фирка матбуотида ишлаб ҳисобсиз сиёсий, иж-



тимойй, иктисодий мақолаларим босилиб ўтди. Керак мафкура майдонида, керак эскилик ва бузук тарбия устидан ташвиқот юритдим”, “Мафкура майдонида кураш очқонларнинг энг биринчиси деб мени ҳисобланса мумкиндир. Зиёлилар масаласини кўтариб чиққанимда мени ёқловчилар ўрнига сўқувчиларгина бор эди”, “ Менда саъй ғайрат бор эди. Мен мустамлакачиликка қарши эдим. Жиззах воқеаси, мардикор воқеаси, Еттисув воқеаси кўз олдимизда турар эди...

“Шу ўринда биз ўқувчилар эътиборини бир муҳим, айтиш чоғда, ғоят нозик бир нуқтага жалб этамиз - маънавий меросимизда намоён бўладиган аниқ ҳужжатлар, тарихий манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ифодалаш, уларда учрайдиган ибораларни шарҳлаш, талқин этиш масаласи. Айрим ахборот воситаларида ёшларгина эмас, ҳатто, 20-30 йиллар мобайнида адабиётшунослик, тарихшунослик қилиб келаётганларнинг гоҳо ўтмишдаги буюқларимиз сўзларидан, ёзганларидан бир-икки иборани ажратиб олиб уларни замонасозликда айблаш иллатлари кўриниб қолаётгани. Ҳужжатларга тўғри баҳо бериш ўрнига, уларнинг муаллифларини камситиш ва ўзларини улардан кўра билимдонроқ қилиб кўрсатиш - ўз аждодлари шаънига, уларнинг бусиз ҳам салкам бир асрдан буён чиркиллаб юрган руҳларига озор берадиган талқинларга бориб қолаётирлар.

Ғози Юнус ҳаётда ғоят фаол зиёли бўлгани учун 1917 йилдаёқ кизил империя қувғинига учраган, арзимаган баҳона билан Тошкентдаги “Московская тюрьма” деб аталган чор Россияси хибсхонасига қамалган... Бирмунча вақт ўтиб, оқланиб чиққунча авахтада кўрган-билганларини “Турма хотираси”да ёзиб қолдирди.

Энди юқоридаги арзида учрайдиган “миллий зиёли” “пантуркизм”, “панисломизм” сингариларга келсак, Қизил империя ҳокимиятга келгач, ясаб чиқарилган қатор сунъий тамғалар билан миллий ўлкалардаги энг онгли зиёлиларни истаганча қириб ташлар, уларни бир-бирига гиж-гижлаб “ўз гўшларини ўзларига едирар” эди. Биз келтирган сўз ва иборалар-ку, асримизнинг 10-20 йилларида, айримлари 30-йилларда ёзилган. Ахир 1988 йил, ҳатто 89-йилларда ҳам “Правда Востока”да А.Қодирий, Чўлпон,

Фитратларни пантуркист, панисломист деб чиккан унвонли, ҳатто, кўш унвонлиларга нима дейсиз?! Орадан бирикки йил ўтиши билан бир ағанаб яна меросни “хурматлаш”га ўтиб олишганларигачи?! Лоақал ўз килмишларини бирор йўсинда изоҳлаб беришганда ҳам майли эди... Агар ўшандай қинғир ойнада қараб Ғози Юнус меросига ҳам “ана, динчи экан ёки даҳрий экан, қизилларга ёрдам берган экан?” деб қарайдиган бўлсак, бу билан маънавиятимизга ўт қўйган бўлмаймизми?! Боринг Ғози Юнус “динхурофот” ибораларини қоралагани учун “даҳрий” дейилса ҳам, ўн йиллаб мадраса таълимини олган эскича илмли ота, отин оyi қиёфасидаги ўз онаси бағрида таълим олган ўзбек зиёлиси ҳеч қачон даҳрий бўлолмайди. Биздаги даҳрийлар фақат шўро мактабларидангина чикди, уларнинг ҳам ҳаммаси даҳрий бўлган эмас. Ғози Юнус ўзини сақлаб қолиш учун қандай арзномалар ёзмасин, охири қизил империя ўша машъум 37-йилда Ғози Юнуснигина эмас, рафиқаси Ҳадича аяни, икки қизини ҳам қамокқа олди. Ўғли Тўлқин Ғозиев ўша вақтда Қашқадарёда ўқитувчилик қилиб юргани учун қамалмай қолган эди. Урушга кетди. Аскарликда ҳалол хизмат қилди, қайтиб келиб, 50-йиллардаги қатлиомда у ҳам Магаданда ўн йиллаб юрган маҳбуслар орасида бошига тушганларини худди отаси каби хотира қилиб ёзди. 1953-йилдан кейин омон-эсон келиб, ҳозир Тошкентда яшаяпти... Хўш, биз бу гапларни ҳозир нега эслаяпмиз? Бу бежиз эмас. Россиядаги бесаранжомликлар, гуруҳбозликлардан фойдаланиб Зюганов, Лукьянов, Анфилов сингари собик иттифок тарафдорлари бутун дунёга жар солиб турган қалтис бир вазиятда ўтмишда чоризм бизга нима берганлигини ҳаммамиз ҳам чуқур идрок эта-мизми?! Бугун гап ана шу нуқтада. Ички, ташки муҳолифларимиз, ўз ичимизда ҳамон иккиланиб юрган кимсалар - орқадаги йўллар, кўприқлар бузиб ташланганлигини ўз онгларига чуқур сингдириб олишлари зарур эмасми? Айни шу ўринда аждодларимизнинг маънавий меросига тўғри ёндошув, улардаги илғор нуқталарни ижодий давомийлигини тушуна билиш маънавий ҳазинамизнинг бугунги мавқеини белгилайди.

Ғози Юнус республикамызда қатор газета ва журнал-

ларга ҳам муҳаррир бўлиб келган. Хусусан, “Муштум” журналининг биринчи муҳаррири эди. Шу йилларда Абдулла Қодирий, Комил Алиевлар билан бирга кўплаб фельетонлар, публицистик мақолалар, бахслар ёзди. Иш орасида араб, форс, озарбайжон, татар, турк тилларида чиққан кўплаб сахна асарларини ўзбеклар ҳаётига мослаб, ижодий таржималар қилди. Фирдавсийнинг “Шохнома”сидан қатор бобларни танлаб, “Заҳҳок ва Кова”, “Заҳхоки Мирон” номли пьесалар ёзди. Ўзи ҳам режиссёр, ҳам артист бўлиб ўйнади. Бугун адабий ҳаёти, журналистикага боғланиб Наби Ғаниев, Маннон Уйғур, Абдулла Авлонийлар билан яқин алоқада бўлди. Наби Ғаниев томонидан қўйилган “Йигит” фильмида Бой ролини ижро этган тасвири ҳам ленталарда бор... Унинг ёзган ёки қайта ишлаб чиққан сахна асарларида 20-йиллардаги янгиликка интилиш ўз ифодасини топди. Жумладан, “Лена жаллодлари”, “Саводсизлик балоси”, “Фарзанд дуоси”, “Хоннинг севгиси”, “У ерда унақа, бу ерда бунақа”, “Сўзлайтурғон кўтирчоқ” каби асарларида - ёшлар ва катталарнинг маънавиятини ошириш борасидаги муаммолар кўтарилди. Мактабга, илм олишга, маърифатга даъват этди.

Демак, 20-йиллардаги буюк аждодларимиз истиқлолимизни орзу қила-қила, армон-ҳасратда оламдан ўтдилар. Бугун биз уларнинг руҳларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

\*\*\*

1990 йили 16 апрель куни Фитрат тўғрисидаги телекўрсатувни кузатганлар билишади. Дастлаб муҳбир “Фитратни биласизми?” - деган савол билан ўнлаб ёшларга мурожаат қилди. Фақат биргина киши “Ҳа, биламан, ёзувчи бўлган” қабилда жуда умумий жавоб беради, бошқалар юз фоиз “йўқ”, “билмайман”, “эшитмаганман” дейиш билан чекланган бўлади. Бу ҳолга адабиётшунос Озод Шарафиддинов тўғри изох бериб ўтди, аммо мен ич-ичимдан зил кетдим. Негаки, тенгдошларим орасида 20-30-йиллар ўзбек адабиёти ва у даврда яшаб ижод қилган ёзувчиларимиз меросини юзага чиқаришда азият чеккани юр бор. Фақат бу борада академик Иззат Султон бошига ёғдирилган таъна тошларини ўз кўзларим билан кўрга-нимни айтиб ўтишни

истардим, бу ўзи алоҳида бир тарих. Энди ўз мавзуимизни давом эттирайлик.

Ўз тарихидан айрилганлар ҳар мақомга йўрғалашга доим тайёр туради. Шахсга сиғиниш даври қотиллари худди шу мақсад билан аввало зиёлиларимизнинг гулларини қатл этганлар. Қатл этилган сиймоларимиз қаторида шоир, ношир, таржимон, драматург, журналист Ғози Юнус ҳам бор эди.

Мен ҳар сафар мазкур авлод вакилларида бирортаси ҳақида бир нарса ёзадиган бўлсам, бир неча кун и чида ғаламислар қиёфасидан нафратланиб юраман.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, чақимчилик, кишилар устидан “маълумот” бериш 20-йилларнинг ўрталаридаёқ партия аппарати томонидан қонунлаштириб қўйилган эди. Партиянинг 1925 йилда бўлиб ўтган XIV съездида Ленинград делегатлари “партия ичидаги маълумот ташувчилар”ни чеклаш ҳақида масала кўтарганларида ўша вақтдаёқ сиёсий бюрода муайян таъсирга эга бўлган Шкирятов бунга жавобан “Бу маълумот ташиш эмас, бу ҳар бир партия аъзосининг вазифаси” бўлмоғи керак, деб айтди ва шу билан масала ҳал этилган бўлиб, чақимчилик тобора авж олди. Чақимчилар ҳар тарафлама рағбатлантирилди, уларга мукофотлар, унвонлар, лавозимлар берилди. Мазкур ахвол Туркистон ўлкасида Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда ҳам анча авж олган бўлиб, Ғози Юнус 1917 йилда тўхмат билан қамалиб, қамокхонада “Турма хотираси ёхуд ҳақсизлик қасофати” номли дастлабки шеърий асарини ёзди, бу асар 1918-1920 йилларда икки марта босилиб чикди. Китобнинг иккинчи нашрига ёзган сўз бошида Ғози Юнус шундай дейди: “1917 йилда 23 ноябрда душманларим Хоназар донослари ҳамда уезд советининг адолатсиз хийлакорлиги орқасинда... Тошкент хибсхонаси ғамхонасида бир оз умр кечиришга тўғри келди. Ишларим ҳақиқати юзага чиққач, бир оз фурсатда халос бўлдим. Лекин миллат ҳамда инсоният учун буюқ фидокорлик ила ишламак нияти билан кўкрагимда янги ва порлоқ саҳифалар очилди...”

Ғози Юнуснинг 1917 йилда ёзган сатрлари айни кунларда ҳам эскирмаган.

Ғози Юнус 1889 йилда Тошкентда учинчи Охунгузар

махалласида, бинокор уста оиласида дунёга келди. У ёшлик чоғларидан отаси билан бирга ҳар кимларнинг иморат қурилишларида ишларди. Бўлажак ёзувчининг отаси ҳам, онаси ҳам саводли, ўқимишли кишилар эди, тўртта ўғиллари бўлиб, ҳаммасини ҳам ўқитишга ҳаракат қилишади. Ғози Юнуснинг онаси Зулфия ая уйида мактаб очиб, хотин-қизларни ўқитарди. Отаси Юнус ака эса рўзғор тебратиш учун кўпинча Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида руслар яшайдиган маҳалаларда иморат қуради, болаларини ўзига ёрдамчи сифатида олиб юрарди. Шу туфайли Ғози Юнус рус хонадонларида ишлаб, рус тилини ёшлигида инқилобдан илгариёқ дурустгина ўрганиб олган, ўзи ҳам сарғишдан келгани учун бўлса керак, маҳалладагилар баъзан ҳазиллашиб уни “ана, ўрис” деб қўйишарди.

Ғози Юнус дастлабки маълумотини эски мактабда олгач, отаси уни Барокхон мадрасасига ўқишга беради. Ун йил мадраса таълимини олиб, унда араб, форс, турк тилларини мукамал ўрганади, кейинчалик озарбойжон, татар ва бошқа туркий тилларни ҳам ўрганиб, кўплаб асарларни таржима қилади. Мадрасада пешқадам муллавачча бўлганидан мударрислар уни шу ерда қолиб дарс беришга таклиф қилишади, аммо Ғози Юнус таклифни рад этиб, отаси билан устачиликни давом эттиради. Ана шу йилларда татар ва озарбойжон тилларида чиқиб турган газета ва журналларни қизиқиб ўқийди, уларда қатнашади, таржималар қилади. Жумладан, “Шарк” журналининг 1919 йил август сонидида Ғози Юнуснинг “турмуш тўлкинлари орасида” сравлхали шеъри татар тилида “Машраб” таҳаллуси билан босилади. Ғози Юнус худди шу йилларда адабиёт, шеърият, театр билан қизиқади, хаваскорлар тўғарақлари тузади, уларда роллар ижро этади. 1915 йилда Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” пьесасида роль ўйнагани ҳақида афишаларда “мазкур ролни Мулла Ғози Юнусмуҳаммад ўғли ўйнайди” деб ёзилган. Ғози Юнус мадрасани биташиб чиққандан кейин унинг исми шарифи шундай деб аталадиган бўлди, кейинчалик масжит-мадрасаларга динга ҳужум бошлангандан кейин Ғози Юнус дебгина қўя қолди.

1916 йилги мардикор олишда Ғози Юнус ҳам марди-

корликка кетди. Болтикбўйи ўлкаларида рота бошлиғи бўлиб хизмат қилди, оғир шароит ва мураккаб кийинчиликлардан Ғози Юнус учинчи группа инвалиди бўлиб қайтди. 1917 йил март ойларида Эшонгузар маҳалласида “Очларга ёрдам қўмитаси” ташкил этишда фаол қатнашди ва қўмитанинг саркотиблиги лавозимида ишлади. Ўша ерда тухмат билан камалди...

Шуни таъкидлаш лозимки, Ғози Юнус аввало саводли бўлгани учун, яна дунё кўргани ва хушёрлиги туфайли бўлса керак, тараққиётга анча илгари дадил қадам ташлайди. Биргина мисол. Ғози Юнус ўз укаси Файзибой билан яна иккита савдогар дўстини ёнига олиб, 1914-1915 йиллардаёқ Туркистон ўлкасида босмахона ташкил этиш ва китоблар нашр этишни йўлга қўйишга интилиб, узок сафарга чиқади. Улар дастлаб Болтикбўйи мамлакатлари - Латвия, Литва, Эстонияда бўлишади, ундан Петербург ва Финляндияга ўтишади. Мақсад - босмахона дастгоҳлари сотиб олиш ва Туркистонда бу ишларни амалга ошириш эди. Аммо, биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиб ҳамма ёқда киммагчилик, кийинчиликлар авж олади, керакли дастгоҳларни топиш ва сотиб олиш имконияти ҳам бўлмайти, қайтиб келишади. Аммо Ғози Юнус ўз ниятидан қайтмайди, инкилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ мақсадини амалга оширишга муваффақ бўлади. Ғози Юнус бутун онгли ҳаётида халқ маданиятини кўтариш учун аввало матбуотни ривожлантириш, босмахоналарни қўпайтириш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш, шу билан китоб ва газета, журналлар нашр этишни кенг қўламда тараққий эттириш лозим деб билади; бутун ҳаёти, фаолиятини шу шарафли ишга бағишлайди. Айни даврда машхур театр ва кино санъати намояндалари - Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятлов, Наби Ғаниев билан ҳамкорликда Тошкентда ташкил топган Карл Маркс номидаги театр труппаси фаолиятида фаол қатнашди. Пьесалар ёзади, ўз асарларида ҳам бошқа асарларда кўплаб ролларни ижро этади.

Ғози Юнус 1918 йилдаёқ компартияга аъзо бўлади. 1919 йилдан 1921 йилгача РОСТАда муҳаррир, 1920 йил 19 декабрдан “Қизил байроқ”(аввалги “Иштирокиюн”) газета-

сида бош муҳаррир бўлиб ишлай бошлади. 1922 йил март ойларида Марказий Кўмита буйруғи билан Ғози Юнус коммунистик руҳдаги янги газета ташкил этиш учун Самарқандга юборилди. 1922 йил 27 октябрда Самарқанд вилоятининг янги газетаси “Зарафшон”нинг биринчи сони Ғози Юнус муҳаррирлигида чикди. Газета ишлари бир қадар йўлга қўйилгач, 14-сон чикарилгандан кейин, Ғози Юнус Тошкентга қайтди.

1923 йилдан бошлаб Ғози Юнус Тошкентдаги марказий босмахона мудирини бўлиб ишлайди. Худди шу йили “Муштум” журнали ташкил этилади.

Ғози Юнус қайси газета ёки журналга раҳбарлик қилган бўлса, унда янги инқилобий йўлни изчилик билан ўтказишга бор куч-гайратини сарф қилди, инқилоб йўлига садокат кўрсатди, “порлоқ келажак”ка эътиқод қўйди. 1935 йилда МИКнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди, 1937 йилга келиб эса бутун оила аъзолари билан қамокқа олинди.

Ўзбек зиёлиларига асли ҳужум 20-йилларнинг ўрталаридаёқ бошланган. Дастлаб ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси раҳбар ходимлари худди шу даврда Файзулла Хўжаевга очикдан-очик ҳужум бошладилар. Зотан, Файзулла Хўжаев ғоят билимдон, фаол ташкилотчи, илмий-назарий билим доираси кенг бўлиб, Ўзбекистонда миллий-озодлик характлари тарихига оид бир қанча асарлар ёзиб улгурган эди. Жадидизм характи тарихига оид энг тўғри илмий тадқиқот муаллифи ҳам Файзулла Хўжаев эди. Унинг бу харакат тарихига оид биринчи иши чикиши биланок юқоридаги ташкилот ҳужум бошлади, жадидлар харакати итарихини “идеаллаштириш”да Файзулла Хўжаевни айблади.

Ғози Юнус 1917 йилдан бошлаб “Кизил байроқ”, “Инқилоб”, “Таёқ”, “Муштум”, “Зарафшон”, “Фарғона нидоси” каби газета ва журналларда Машраб, Мулла Мушфикий, Чўқмол, Жимжит, Мик, Кўз-қулоқ, Хайрон, Қалампир, Барокхон талабаси, Мардикор ва хоказо таҳаллуслар билан фаол катнашди.

Ғози Юнус 1917-1930-йиллар орасида шеър, мақола, ҳажвиялардан ташқари драматургия соҳасида ижод қилиб, ўнларча катта-кичик пьесалар яратди. У кўпинча тарихий мавзуларда ёзишни ёқтирар эди. Инқилобдан кейинги

олиш билан - тарих ва замон ўртасидаги боғланишни ба-  
дий равишда очишга интилиш муҳим аҳамият касб этарди.  
“Лена жалодларининг суди”, “Саводсизлик балоси”, “Сўз-  
лайтурган кўғирчоқ”, “Илмоқ”, “Чўкич”, “Фарзанд дуоси”,  
“У ерда унақа - бу ерда бунақа”, “Исломият уйи”, “Хон-  
нингсевгиси”, “Йўлбосар Алим” каби катор асарлари гоҳ  
қўлёзма ҳолида сахнага қўйилади, кўплари нашр қилиб  
тарқатилган ва жумҳуриятимизнинг жуда кўп вилоятлари  
ва шаҳар театрларида, хаваскорлар группалари томонидан  
қўйилган. Сахна асарларида кўпинча ҳалол турмуш тарзига  
зид, нопок, мунофиқ шахслар, дин арбоблари ўртасидаги  
алдам-қалдамчилар, ўзига тўқ оила фарзандлари орасидаги  
беўхшов танतिकликлар (бола тарбиясига оид), муҳим маса-  
лалар, янги ҳаёт ривожига тўсиқ деб қаралган ўша вақтдаги  
“иллатлар” фош этилди. Қизиғи шундаки, ҳамма салбий  
воқеалар ва зарарли одамлар, уларнинг қилмишлари  
ҳаммаси фақат инқилобдан олдинги ҳаётнинг қолдиғи деган  
ўта сохта ғоя уқтирилади. Шу жумладан бола тарбиясига  
оид “Йўлбосар Алим”, “Сўзлайтурган кўғирчоқ” кабиларда  
ҳам ўғирлик, безорилик, танतिकлик сингари иллатлар  
ҳам шундай баҳоланади. Бу сохта қараш ўша йиллардан то  
бизнинг 90-йилларимизгача зўрлаб уқтириб келинганини  
бир ўйлаб кўрсак, ўғирлик, йўлбосарликнинг ҳозирги  
авжини унга қиёсласак, қайси даврда иллатлар кўплиги  
аён кўринади кўяди... Шундан кейин Ғози Юнус қай  
аҳволда, қандай зиддиятлар орасида яшагани, ишлагани,  
ижод қилганини тасаввур этиш мумкин. Бу бир томондан  
бўлса, масаланинг иккинчи, янада муҳимроқ томони ҳам  
бор - Ғози Юнус тенгдошлари орасида мутбуотда узлуксиз  
раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бу нарса унга замон  
талаблари билан ҳисоблашишни бошқалардан кўра анча  
кўпроқ ҳис қилиш мажбуриятини ҳам юқларди. Матбуот  
партия қўлида, ундан бир нафас узоклаша олмади, бас,  
шундай бўлгач, партия талабларига жавоб бериш - ҳар бир  
матбуот раҳбари учун эмас, барча матбуот ходимлари учун  
ҳам темир қонун эди. Шундан кейин Ғози Юнус ҳаётда  
ҳам, ижодда ҳам замон талабига бошқалардан кўра кўпроқ  
риоя қиларди. Аммо бу ҳаракатлар унинг ҳаётини ҳам,  
ижодини ҳам, оиласини ҳам хароб қилинаётганида сарик



чақалик аҳамият касб этгани йўқ. Чунки коммунистик тузум инсон ҳаётини пашшача кўрган эмас...

Биз юқорида ёзувчининг тарихий мавзуларга қай йўсинда ёндошгани ҳақида қисман изоҳ бердик. Шу жиҳатдан “Лена жалодларининг суди” асари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф мазкур асарида Лена олтин конларида азоб чекиб, оч-яланғоч олтин қазувчилар ва уларнинг хўжайинлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳикоя қилади. Ишчилар оғир иш ва иш шароитига, ундан фойдаланаётган хўжайинларига қарши уюшқоқлик билан қўзғолон кўтарадилар.

Асар воқеанинг энг кизгин жойидан - ишчилар бошига кулфатлар солган золимлар устидан чиқарилган ҳукмномани ўқишдан бошланади. Айбномада айтилишича Лена олтин конидаги ишчилар қуюқ ўрмонларда 40 даражадан ортик совуқда оч, кийимлари юпин холда 12 соатлаб ишлатилади. Ишчилар бола-чақалари билан кирилиб кетаётган пайтда хўжайинлар маст-аласт кайф-сафо қилади. Яна арзимаган баҳона билан ишчиларни ишдан ҳайдайди, ҳақорат қилади, камситади, уради-сўқади ва ҳоказо... 1905 йилдан кейин ишчиларнинг кўзи яна каттарок очилган. Тез-тез иш ташлаб туришади. Энди улар иш шароитини яхшилаш, 8 соатлик иш вақти белгилаш, иш ҳақини ошириш каби талабларни қўйиб иш ташлайдилар. Арз қилиш учун келган ишчиларни хўжайинлар тўсатдан ўққа тутадилар. Курол-яроқсиз ишчилардан 270 киши ўлдирилади, 250 киши оғир ярадор қилинади. Кечқурун ишчилар баракларида мотам, ҳалок бўлган ишчиларнинг бола-чақалари дод-фарёд қилиб ётибди, хўжайинларнинг уйларида маишат, кайф-сафо, музика, шодлик кўшиқлари янграйди. Бунинг устига яраланган ишчиларни йиғиб олиб, уларни ҳам ўликларга қўшиб кўмиб юборадилар. Хўжайинлар “агар бирор гап чикқудай бўлса, ҳар беш кишидан бирини отиб ташлаймиз” деб дўқ урадилар...

Асарнинг мазмунидан унинг ғоя ва мақсадлари аниқ кўриниб туради ва ортиқча шарҳлашнинг ҳожати йўқ. Муаллиф замоннинг синфий кураш ҳақидаги ақидаларини сахнада жонлантиришга, унинг тарихий заминларини очиб беришга интилади. Ўтмишдаги ғоя айбнома якунида шундай таъкидланади: “...Лена фожиаси биринчи пиллапоягача

эдики, йўқсуллар унга қадам босдилар, токи бу пиллапояча билан бориб энг юкори пиллапоягача октябр ва оёқ босган ва оёқ босиб ҳам унинг мудофаа қилувчиларини ер билан яксон қилсин! Қораловчи ҳукмномани ўқир экан, айбдорларга энг олий жазо берилишини талаб қилади.

Асарда оқловчи- адвокатлар ҳам бор. Улар ўз сўзларида айбланувчиларни чор ҳукумати мажбур қилган, уларда айб йўқ, айб ҳукуматда, деган фикрни асослашга уринадилар. “ Чор ҳукумати уларни ишчи-деҳқонларга қарши руҳда ёшлиқдан тарбия қилган, шунинг учун ҳам оқлаш мумкин” деб айбдорларни химоя қилишади...

Сахнада чор ҳукуматининг ишчилар бошига кулфатлар солган вакиллари Тришченков (жандарма юз бошиси), Проображенский, Белузаров (кон мудири) ва бошқалар, ишчилардан Баташов ва Панистов образлари, бир қатор суд ходимлари образлари фаолияти жонланиб, тамошабин эътиборини тортади; айниқса, улар ўртасидаги зиддиятлар, курашлар, ижобий-салбий қаҳрамонларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатари маълум шов-шувлари билан муайян бир мақсадга қаратилган тамоша жонланади.

Ғози Юнус “Хоннинг севгиси” пьесасини А.Ҳақвердиевдан эркин таржима қилиш асосида яратади. Бунда хотин-қизларга нисбатан ноқобил муносабат қораланади. Хоннинг бир камбағал йигит хотинига ишқи тушиб, уни тортиб олиш йўлидаги ҳийла-найранглари очиб ташланади. Мазкур асарни ўқир эканмиз, Комил Яшин яратган “Бой ила хизматчи” бутун мазмуни-ю, шакли билан қўз олдимизга келди-қўйди. Бу тўғрида камина “Гулистон” ойномасининг 1989 йил 12 сониди мақола эълон қилганмиз, шунинг учун унга ҳозир тўхтаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ҳисоблаймиз. (“Гулистон” 1989 й., 12-сондаги “Фитрат ва унинг “Арслон” драмаси” сарлавҳали мақолага қаралсин. Яна, ундан олдинроқ “Адабий мерос ва замонавийлик” 42, 43, 44-бетлар Т., 1983 й. Китобимизда ҳам бу мавзуга аниқ далиллар билан ёндошганмиз, унга ҳам бир назар ташлаб қўйилса бас. - А.А.).

Ғози Юнус “У ерда унақа, бу ерда бунақа”, “Фарзанд дуоси”, “Исломият уяси” сингари сахна асарларида 20-йилларда авжга минган диний арбобларнинг иллатларини

фош этишга эътиборни тортади. Мазкур асарларнинг сюжетлари ҳам туркий халқлар ёзувчиларининг асарларидан олиниб, қайта ишланган, ўзбек тамошабинлари дилига мосланган ҳолда сахналаштирилган. Албатта, мазкур мавзу ўша давр учун кун тартибига қўйилган долзарб масалалардан ҳисобланганини унитмаслик керак. Бироқ шуниси ҳам борки, ҳар бир табақа ўртасида мавжуд ҳам ижобий, ҳам салбий кишилар диндорлар, рухонийлар орасида ҳам бор эди. Аммо 20-йилларда уларнинг биронтасини ижобий тарзда кўрсатиш бутунлай тақиқланган эдики, бу бизнинг тарихимизда энг кўп фожиаларни келтириб чиқарганлиги энди жаҳонга маълум. Шунга кўра Ғози Юнус 20-йилларда бошқача йўл тутолмас эди. Бунга тўғри тушинишимиз лозим.

Ғози Юнуснинг Мирзараҳим Мухаммадзоданинг “Исломият уйи” асарининг мазмунидан фойдаланиб ёзган сахна асарида ҳам чет элларда жумладан, Эронда етилиб келаётган инқилобий ҳаракатларни кўрсатиш мақсад қилиб олинади. Бу асар ҳақида гапиришдан олдин бир нуқтани айтиб ўтайлик: 20-йилларда бизда авж олган иғволардан бири жаҳон пролетарлари инқилобининг етилиб келаётгани ҳақидаги вас-васлар эди. Гуё мана-мана биздан намуна олиб барча мамалакатларнинг ишчи-деҳқонлари ўз ҳукуматларига қарши кураш бошламоқдалар, деган бир ривоят зўр бериб матбуотларимизда тарқатилмоқда эди. Бунга кўплар ишонарди ҳам. Шунга ишониб биздаги идора усулини ибратли деб ўзларида барпо этган Россиядан бошлаб, бутун Шарқий Оврўпагача қатор мамлакатлар не аҳволга тушгани кўз ўнгимизда... Аммо 20-йилларда ҳали бундай тасаввур йўқ эди, пролетариатнинг жаҳон инқилобига кўплар ишонарди. Ишончларнинг пучлиги аллақачон исбот бўлганидан қатъий назар Ғози Юнуснинг “Исломият уйи” асари давр талабларига жавобан яратилганлигини таъкидлаймиз. У асарда нималар кўзда тутилган-у, ҳаётда у қандай оқибатларга олиб келгани-масаланинг бошқа томонидир. Асар 1922 йилда Туркистон Давлат нашриёти томонидан чоп этилган. Бунда муаллиф асосан яқка ҳокимлик - шохлик тузуми иллатларини фош этади. Эрон меҳнатқашлари Насриддин шох ва унинг бек-амалдорлари зулмига қарши

исён билан чиқишлари, бу озодлик ҳаракатларида хотин-қизлар, ёшлар иштироки, қаҳрамонликларини сахнада кўрсатиш пьесанинг бош ғоясидир.

Асарнинг бош гўжобий қаҳрамони Гулсанам - камбағал, қашшоқ оиладан. Бир қиз, бир ўғил билан эрдан қолган. Ип йигириб сотиб, ғарибликда болаларини қатта қилади. У ўз тақдиридан жуда норози. Кеча-кундуз тинмай ишлагани билан бири икки бўлмайди. Бунинг устига шох ва унинг беклари талон-тарож қилиши, порахўрлигидан, халққа қилаётган жабри-зулмидан ғоят тўйиб кетади. Эрондаги бу оғир аҳволга чидолмасдан камбағал, батрақлар эл-юртларини ташлаб, чет элларга қочиб кетаётганлари Гулсанамни яна баттар эзади. Бунинг устига дин пешволари исломдан лоф уриб, содда халқни сўриб ётади. Гулсанам шу аҳволлар туфайли бутун мамлакат вайрон бўлаётганидан ташвишга ботади. Ўз ватани тақдири тўғрисида қаттиқ ғам чекади. Гулсанам, ниҳоят фикрини ифодалаб, изтиробларини изҳор этади: "...Вой ўлай вой, уйимга ўт тушди, хонавайрон бўлдим. Сендек золим ҳукумат тахтдан тобутга тушсин. Мазлумларнинг юрагидан чиққан оҳларнинг шарораси кўрғошин ўк бўлиб, қора юрагингни ари инидек тешук-тешук қилсин. Раъиятпарвар бўлмай, бўз тупрок бўл! Элик йилдан бери умрингни фиск-фасод билан ўтказиб, Эроннинг истикболини йўқотинг! Санинг ҳукумат (ҳукм) сурган даврингда ҳаммаёк ларзага келди. Оҳ, бундай тирикчиликдан ўлиш минг марта ортиқдир!..."

Кўришиб турибдики, камбағалларни курашга чақириш-асарнинг бош ғояси. Ҳаётий воқеалар, Гулсанам онгида етилиб, исён қўтариш даражасига чиқиб қолган бу руҳий ўзгариш зулмга қарши ғазаб-нафрат туйғуларининг авжга миниш унинг болалари онгига ҳам таъсир қилади. Шу вақтда бутун Эрон меҳнаткашлари онгида ҳам миллий озодлик ҳаракатлари тушунчаси ривожланиб келаётгани, атрофда шох, бек ва айрим шайхларнинг қилмишларига қарши кўзғолонлар бошланиб келаётгани уқдирилади. Сахнада бу ғояни бўрттириб кўрсатилади. Гулсанамнинг ўғил-қизлари дарҳол исёнчиларга қўшилади. Ўғли бу курашларда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Қизи Зебо эса, эркакча кийиниб, зулмга қарши адолат, озодлик учун курашларда

катта жасоратлар кўрсатади. Тескаричилардан бири - катта шайхни Зебо ўз қўли билан отиб ўлдиради. Пьесада исёнчилар харакати энди бутун мамлакат бўйлаб ёйилиб кетаётганлиги, шоҳ аскарлари дош беролмай чекинаётганлиги сингари манзараларни кенгрок кўламда кўрсатишга алоҳида ўрин берилди. Яна бунда аёлларнинг озодлик харакатларида кўрсатаётган қахрамонликларини сахнада жонлантириш асарнинг энг муҳим томонларидан бирини ташкил қилади. Пьеса давомида томошабин шоҳ ва унинг амалдорлари, текинхўрлар, халқ мулкини талон-тарож қилаётган унсурларнинг иллатларини чуқуррок билиб олади, ундан нафратланади. Шундай қилиб бутун шоҳлик тузуми кирдикорлари фош этилган бўлади, уни ўзгартириш учун курашмоқ лозим деган, ўша вақтдаги энг катта талабга риоя қилинган бўлади. Ғози Юнус ўз асарларига ёзган сўз бошларида замон талабларига жавоб беришни кўзда тутганлигини доим ўзи ҳам уқтириб боради.

Ғози Юнус 20-йиллар адабиётида ўзига хос ўрин тутган йирик шахслардан бири. У ҳақда кўплаб асарлар ёзиш мумкин ва ёзилади ҳам. Бироқ ҳозирги, шу ёзганларимизнинг ўзи ҳам Ғози Юнус шахси-ю ижтимоий, адабий фаолияти, айниқса унинг компартия ва шўро давлатига, социалистик тузум деб аталган истиқболсиз жамиятга, ўз халқи маданияти ривожини учун нақадар холис, самимий ишлагани, мустаҳкам эътиқоди ҳақида бир қадар тасаввур берса керак. Унинг бундай пок хизматлари ҳам сафдошлариники сингари қамок ва қатл билан тақдирланади... Энди бунини қуйидаги воқеаларда яна кўрасиз.

Ғози Юнус 1937 йилда “халқ душмани” деган уйдирма тамға билан қамалиб Шимолга сургун қилинди - ўз ибораси билан айтилса, “Тухмат бирла бегуноҳлар Сибирь кетди”, “Нажиблардан қанчасини боши кетди” Қамок, сўрок, сургун, лагер азобларида 1942 йил 5 майда Вологодскда очдан ўлди. Унинг болаларига қаттиқ нон юборишларини илтижо қилиб ёзган охириги хати қолган, холос.

\*\*\*

Ғози Юнуснинг аёллари Хадича ая хотираларидан кичик бир лавҳа келтириб ўтамыз.

1937 йил 20 октябрь эртаб соат саккизларда эшик тақиллади. Очганимни биламан 9-10 милиция ходими, булардан бошка яна 2-3 киши оддий фуқаро кийимида. Ҳаммаси ёпирилиб уйга киришди-ю эшикни маҳкам ёпиб олишди. Шулардан бири дағ-даға билан гап бошлади:

-Уйда сиздан бошка ким бор?

-Болаларим.

-Улар қани?

-Чой ичишяпти.

-Қаерда?

-Овқатхонада.

-Кўрсатинг!

-Хўп.

Мен уларни бошлаб болалар овқатланишаётган хонага олиб кирдим. Қизларим сакраб туриб (чайнаб турган нони билан) салом беришди. Салом жавобсиз қолди.

-Гап шундай, сизлар бутундан бошлаб камокка олинасизлар, шунинг учун ҳар бирингиз ўзингиз кўтара оладиган даражада кийим-кечак, кўрпа-ёстик олинглар. Таомлардан ҳеч нарса олманглар. Эҳтимол, сўроқ қилиб қайтариб юборишар. -деди халиги гап бошлаган.

Кўйлак, либос ва бир донадан кўрпа-ёстик олдик. Мен мабодо “учраб қолса берарман” деб эримнинг костюмини кийиб олдим. Эрим 6 августда камокка олиб кетилганда битта кўйлақда кетган эди.

Мени тоштурмада олиб қолиб, қизларимни бакиртириб, бошка жойга олиб кетишди. Камерага киришдан олдин қилинадиган ишларидан кейин камерага киритишди. Кириб қарасам тўла аёллар. Буларнинг ярмидан кўпини танийман.. Аёллар орасида Собира Холдорова - Файзулла Хўжаевнинг хотини, хуллас, жамоат жам. Чўлпон аканинг хотини Катинка югириб келиб мени қучоқлаб олди. Чунки у мени яхши биларди. Москвага борганимизда Чўлпон аканинг уйида меҳмон бўлганимиз ва мен шу ерда тургандим. Улар Тошкентга келишса, бизларнинг уйимизда туришарди. Борди-келдимиз қуюқ эди...

Бир куни терговга олиб борганда Ашурали Зоҳирийни ҳам олиб кетишаётган экан, таниб қолдим, кўришдик, сўрашдик. Менга сабр-тоқат тиладилар. “Домладан бошка

(Ғози Юнусдан бошқа А.А.) ҳаммамиз бир жойдамиз”, -дедилар.. Кўнглим равшанлашгандай бўлди.

Бир куни олиб келган одам кармушкадан Хадича опа ким?-деб сўради. Мени кўрсатишди. Галим келиб тоғарачани овқатга тутаётганимда секин-аста бир неча букилган қоғоз ҳам берди. Собира Холдорова дарров қўлимдан олди - бу Чўлпон аканинг менга ва мен билан бирга бўлган ўзбек аёлларига атаб ёзилган шеърни экан. Чўлпон ака Катянинг шу камерада эканини билмасди. Шеърда бизларни замона қахрамонлари қилиб кўрсатилган, шаънимизга самимий мадҳиялар айтиб, кўнглимизни кўтарган. Собира Холдорова ва ўзининг жарангдор овози билан мазкур шеърни кетма-кет, бир неча марта шоирона қилиб ўқирди. Бизлар роҳатланиб, завқ билан эшитардик.

Бизларни галма-гал иккита-учта қилиб ҳаммомга кир ювгани олиб боришарди. Мен шундай кезларда доим эримнинг костюмини кийиб борардим. Мабодо ўт-бетда кўриб қолсам, берарман дердим. Бу гал борганда ҳаммомнинг нариги бўлаги эшиги очилиб, мени биров чақирди. Қарасам эрим, дарҳол олдига бордим. Кўришдим, йиғладим, костюмини бердим. Менга тасалли бердилар, ҳеч бир гуноҳлари йўқлиги, худо хоҳласа чиқиб кетажакларини айтдилар. Шу ондаёқ олазарак бўлиб, тезда чиқиб кетдилар.

1938 йилнинг апрель ойлари эди. Бу учрашув охириги учрашув бўлиб қолди. Умр бўйи такрор-такрор кўз олдимдан, ҳаёлимдан шу учрашув ўтиб туради. Мана ёшим юздан ошган бўлса ҳам мен ўша кунларни унута олмайман...

(Изоҳ хотира Хадича аянинг сўзлари заррача ўзгаришсиз берилди. А.А.)

\*\*\*

Энди Ғози Юнуснинг ўғли Тўлқин Ғозиевнинг сургун хотираларидан бир шингил келтирамиз.

Тўлқин Ғозиев фақат ота-онасидан туғилгани учун қамалган. Сургунда, Магадан вилоятининг Аляскитово қишлоғида сиёсий махбуслар учун махсус ташкил этилган “Берлаг” деб номланган лаънати маконда салкам ўн йил азоб тортди. Бошидан ўтганлари, кўрган-билганлари ҳақида худди отаси сингари ёзиб юради. Кундалик тутади. Вақти

билан буни ҳам тўлароқ эълон қилиш имконияти бўлиб қолар. Ҳозир шундан айрим парчалар келтирамиз. Шуни айтиб ўтайки, Тўлқин ўзи ёзган сатрларни (рус тилида ёзилган, у ёшлигида янги шаҳарда руслар маҳалласида яшаб тилни яхши ўрганиб олган эди) менга узатиб, “бир ўқиб кўрингчи”, -деди. Бировнинг қўлёзмасини тез ва силлик ўқиш, яна рус тилида ўқиш қийинроқ бўлганидан, мен “ўзингиз ўқиб бера қолинг” деб қайтардим. “Хўп” деб қўлига олган Тўлқин бир-икки жумла ўқиди-ю, кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Овози чикмай қолди, гапиролмади. Мен ҳам ич-ичмдан эзилиб кетдим-у, дархол дафтарни ўзим олдим. “Майли, кейин ўқирмиз, ҳозир гаплашиб ўтирайлик”, деб бошқа томонга буриб юборган бўлдим. Кошки булар бошига кулфатлар солган палидлар, котиллар, хоинлар миллионлаб софдил инсонлар бошидан кечган бу даҳшатларни хис этса!... Мана ўша, ўша маълум кундалик, ҳозир ҳаммаси қўлимда:

Бугун 31 декабрь, Аймоковск районидамиз. Бу жой ер юзининг энг совуқ нуқтаси. Ташқарида 58 даража совуқ. 1952 йилнинг сўнги куни. Кеч соат 11. Бу кунлар бизга қанчадан-қанча азоб-уқубатлар келтирди. Лекин йилнинг тугаётганидан хурсандмиз. Гарчи кун ўтгани сари ҳаётимиз қисқараётганини билиб турсак-да, озодликка чиқишимиз яқинлашаётганидан севинамиз.

Биз бараклардагина турамиз. Ҳар бирида 50, баъзан ундан ҳам кўп одам бўлади. Буниси ёмон эмас. Орамизда ёш жиҳатдан ҳам, ақл-идроки жиҳатидан ҳам фарқ қиладиганлар тўлиб ётибди. Ёшгина болалар, кексалар, колхозчилар, ишчилар, хизматчилар, олимлар, собик министрлар, руҳонийлар, дин арбоблари, уламолар, муфтийлар, кўпгина боқа касб эгалари бор. Ҳаммамизнинг ўй-ҳайлимиз ҳар хил, аммо орзумиз, мақсадимиз бир хил - озодликка чиқиш, холос. Биз учун озодлик энг олий ва сўнги ният. Чунки кейинги ҳаётимиз, оиламиз, бола-чақаларимиз, бахтимиз ва бахтсизлигимиз ҳаммаси фақат озодликка чиқишимизга боғлиқ деб билардик... Озодликда юрганимизда ҳар қандай бахтсизликнинг чегараси бор ва баъзида ундан қочиб, ёки четлаб қутилиш имконияти ҳам бўлади. Бу ерда эса, фақат бахтсизликка боғлаб қўйилгансан. Ундан четлаб



ўтишнинг ҳам, қочиб қутилишнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун ҳам турма-ку. Лекин бирор жиноятга қўл уриб келган бўлсанг, “ҳа, қилмишингдан топдинг” деб тақдирга тан берардинг. Турма жиноятчи учун уйдайд гап. Менга эса фақат дўзах эди. Лекин мен виждоним тоза бўлганидан ўзимни тутиб юрдим. Ортиқча кўз ёши тўкмасликка бор кучим билан интилардим. Бирок, бу гап ҳам айтишга осон. Бу гапни ўша ахволга тушганлардан сўранг. Мен хис қилаётганларимни тўла айтиб беролмайман...

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, Тўлқин Ғозиевнинг кундалиги бир неча саҳифалардан иборат, уни кейинчалик тўларок эълон қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Токи ёшлар 20-30 ва 50- йилларда ўз аждодларининг энг сара вакиллари бошига шўро ҳукумати ва ўз ичимиздан чиққан хоинлар, соткинлар не-не кулфатларни ёғдирганини билиб олсинлар. Бу бебошликни қўрганлар ва уни кўрсатганларнинг аксарияти ҳали тирик, воқеаларга гувоҳлик беришлари мумкин. Бизнинг аянчли тарихимиздаги барча воқеаларни тўғри ёритиш муайян тарбиявий аҳамияти борлигини, кишиларда виждон-имон туйғуларини уйғотишга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

## Махмуд Ходиев - Боту

*Тебраниш, югуриш - турмушнинг тузути,  
Тўхталиш, йикилиш - ўлимнинг узути.  
Ёш гуллар саодат нурида гулласин.  
Тилаксиз, амалсиз юраклар каро тош,  
Ёш ўйноқ кўзлардан окмасин дардли ёш.  
Гўзаллик, яхшилик барчаси олдинда.  
Яхши киз, тўхтама, каршилиқ кошинда!*

*(1924. 17 апрель)*

“Ўгутим” сарлавҳаси остида “бир кизчанинг албомига ёзилган” мазкур шеър шоир Ботунинг Москва Давлат дорулфунунида ўқиб юрган чоғларида, айна куч ва ғайрат тўлкинлари жўш ўрган баҳор палласида яратлган эди. Бинобарин, бу ёш шоирнинг кўнглида қайнаб турган илҳом булоқларининг илк маҳсули сифатида ўз ғоявий мундарижаси билан Боту ижодининг кейинги ҳамма боскичлари учун ҳам характерли хусусиятни ифода этган деб ҳисоблаш мумкин. Зотан Боту бу ва бошқа шеърларида ҳам ёшларни ҳамиша олға юришга, ғайрат-шижоат кўрсатишга, мақсад сари интилишга, кўркмаслик ва тинимсиз ҳаракатга даъват этади. Шоирнинг “Умид учкунлари” (1925) тўпламига кирган шееърлари 1923-1924 йилларда ёзилган бўлиб, деярли ҳаммасида ёшлиқ, жўшқинлик, қайнқоқлик ҳиссиётлари ёркин акс этганини кўрамыз. Зотан бу йиллар ҳаётининг ўзи ҳам аллақандай бир шиддат, тезлик, ҳужумкорлик сингари серғавғо бир давр эди. Адабиётда, айниқса, шеъриятда бу ҳол алоҳида, жуда кенг қўламда ифодасини топади. Шу йилларда Маяковскийда бошланган бу шиддатли шеърият оҳанги умумшўро адабиётига ҳам таъсирини ўтказган эди. Ботунинг айна даврда Москвада инкилобий ҳаракатларнинг марказида яшаб ўқиб тургани эса, замон ҳолатини бошқалардан олдинроқ англаб олишга ёрдам берарди. Яна шу йилда ёзилган “Исён” (1924, Москва) сарлавҳали шеърда шоир кўнглида қайнаб ётган ғоялар, мақсадлар - ҳаммаси жамият истиқболига қаратилганлиги, ҳар қанча ёзган билан кўнглидагина тўла ифода этиш қийинлигини таъкидлайди. Янада жўшқинроқ ҳиссиёт-

ларни баён қилади:

Истагимдан қўб буюқдир жамиятнинг истаги,  
Шул сабабдан истасам-да жон ололмас эсаги.

“Умид учқунлари” тўпламига қўйган эпитафи ҳам шоирнинг чакнаб турган ўт-олов юраги садоларидан далолат беради. Унда шоир гарчи шеъринг садолари хали унчалик етук бўлмаса-да, қалбида олов ёниб тургани ва илҳом алангаси мутлақо сўнмаслигини уқдиради. Ёш қалбдан қайнаб таркалаётган кип-кизил учқунлар хали унча қўп нур соча олмайгани билан кейинчалик янада кучлироқ нурлар сочишга ишора қилади, истикболга зўр ишонч ва умид боғлайди.

Кўкка учган кип-кизил учқунларим  
Нур сеполмай учса ҳам ўчмас ўтим...

Ёшларга мурожаат руҳи билан суғорилган “Ўгут” мавзуини дастлаб 20-йиллар шеърингиде, драматургиясида ҳам, жумладан, “Хинд ихтилолчилари” ва “Чин севиш” асарларида Фитрат кўтариб чиқади. “Бедил” ва “Умар Хайём” асарларида ҳам бу мавзуга кенг ўрин беради. Гап шундаки, уларнинг ҳаммасида ёшларни “тебраниш”га ҳаракатга кескин даъват этилади. Ҳаракатсизлик - ўлимдир, деган ғоя чуқур уқтирилади. Мазкур ғояни Чўлпон, Элбек, Ботулар ҳам узлуксиз давом эттирадидлар, унга янгидан-янги маънолар ато этдилар. Ботунинг юқоридаги шеър парчаларида ҳам биз шу мантиқ етакчилиқ қилаётганини кўрамиз. Бу жиҳатдан Ботунинг “Ўзгаришчи ёшлар журнали бошқармасига” ёзган мактуби ҳам эътиборни тортади. Мактубда Боту, аввало, янги ташкил этилган ойномадан ғоят қувонганини ифодалаб, унга катта умид бағишлайди, муваффақиятлар тилайди. Шу вақтгача мавжуд бўлган “Тонг”, “Инкилоб”, “Билим ўчоғи” ойнотмалари ишларидан қониқмаганлигини, айримлари бир-икки сондан сўнг тўхтаб қолганлигидан норози бўлганлигини ҳам таъкидлайди. Аммо мақолада етакчи фикр яна ёшлар тарбияси, уларни кўпроқ ўқишга, Оврупо фан, техникасини эгаллашга даъват этиш масаласи бўлиб чиқади. Москва ёшларининг билим олиш соҳасида кўрсатаётган ғайрат-шижоатларини намоён этувчи айрим далиллар келтиради. Зотан мактубни Боту Москвада ўқиб юрган кезларида ёзган, унда

кўрган билганларини ҳавас билан ўзбек ёшларига тушунтиришга интилади. Боту бунда “Туркистон ёшларининг маънавий тарбияси ҳалигача керакли мавқеини ололмагани”дан ташвиш тортади. Ойнома ходимлари эътиборини шунга жалб қилади. “Янги журнал мумкин қадар ўқувчилар даражасини англаш билан санашиб борса, кўнгилдагидек” бўларди қабилда ёшлар қалби, дили, уларнинг маънавийати ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласини қўяди. Бу ғоят муҳим фикр бўлиб, ҳозир ҳам эскирган эмас. Шу билан бирга Москвада одамлар газета, журнал ўқишни ўзларининг биринчи даражали ишлари каторига қўйганларини ибрат қилиб кўрсатади. Ҳар бир янгиликни интилиб ўқишга ўриниш, Оврўпа маданиятини эгаллашга бўлаётган ҳаракатларни Туркистон ёшлари билиб қўйишлари, улар ҳам шу йўлдан боришлари лозимлигини мисоллар билан аниқ иш қилиб айтади... Бу ўша 20-йиллар Москва ҳаёти билан бирга жаҳон аҳволи билан ҳам ҳар куни ошно бўлиб турган ёш Ботунинг олий мақсадларини ифода этади, у истикболга ғоят умид билан қараётганини яна бир бор тасдиқлайди. Ёшларни олға интилишга даъват, фан, техникани эгаллашга ундаш 20-йилларнинг бошлариданок янги ҳаёт қуришга барча кучларни шиддат билан сафарбар этаётган давр талабларини ифода этарди. Ҳаётни тубдан қайта қуриш масаласи инқилобдан кейинги дастлабки ўн йилликлар давомида ғоят мураккаб, оғир, ҳатто қонли жанглар билан амалга оширилмоқда эди. Бу даврда майдонга ташланган шиорлар ва уларнинг сиртики кўриниши-ю, туб моҳияти ҳақида юқоридаги саҳифаларда фикр айтганмиз. Шунинг учун уларни такрорлашга ҳожат йўқ. Аммо Боту ёш, ўсувчан, орзу-ҳавасга тўла қайнок бир қалби, ғайрати, шижоати билан партия ва ҳукумат ўша даврда кун тартибига чиқараётган ҳар бир шиорга ишонади, унга эргашади, ҳамма мақсадлари худди шу чақириқларда акс этаётган шахс сифатида яшайди, ижод қилади. Ёшларни олға интилишга даъват этиш - тўсиқларни йиқиб ўтишга бошлаш 20-йиллар даври талабларини ифода этарди. Бу ҳол партия ва ҳукумат тарафидан ўтмишдаги ҳамма нарсаларни инкор этиш йўли билан амалга оширилмади. Мазкур йўл эса, бизнинг тарихимиздаги барча муқаддас эътиқодларимизни, маънавий

дунёмизни ер билан яксон этишга сургади. Вайроналикни шарафли деб изохлади. Тўғри, бу даврларда баъзан расмийчилик учун халқ кўзини чалғитиш мақсадида Лениннинг айрим мерос, тарих, ўтмишдаги қолган ижобий, ибратли нарсаларни сақлаб қолиш ва улардан намуна сифатида фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмалари рўқач қилиб ҳам қўйилар эди. Аммо амалда эса, унинг тескариси қилинар, назарий жиҳатдан силлиқкина асослаб қўйилган фикр-мулоҳазаларга асло риоя қилинмас эди. Илм, фан, адабиёт, санъат соҳасидаги буюк сиймоларимиз, бой маънавий хазиналаримиз камситилаверди, инкор этилди, хатто энг қадимий даврлардан қолган ёдгороликларимиз, ҳашаматли биноларгача оёқости қилинаверди. Хуллас, инкилобдан илгариги ҳамма нарсага қарши ўт очилади. Энди ўйлаб қарсак, бизнинг жамиятимиздаги ҳозирги фожиаларимизнинг негизи, замини, илдизлари худди шу йилларда яратилган экан... Аммо шоир Боту янги замоннинг ёш зиёлиси, унинг чинакам куйчиси сифатида майдонга чиққан ва янги ҳаёт қуриш ишига астойдил киришиб кетган эди. Барча асарларида, шу жумладан, “Ўғутим”, “Ёз қуни”, “Ёшлар учун”, “Кичкина армуғоним”, “Шокир Сулаймоннинг альбомига”, “Бизнинг товуш” сингари юқорида изохлаб ўтган мазмун-эскиликка ўт очиш, янги ҳаёт қуришга даъват этиш ғоялари очик бўртиб туради. Айрим сатрлардан намуналар келтириб ўтайлик. “Ёз қуни” (1919) шеърида шоир кишининг ташвишлари кетиб, табиат уйғонаётгани, дарахтлар ҳам япроқ ёзиб, қушлар сайраши ва оламга шодлик бахш этаётган Тангри қудратидан шукроналик хиссиётларини баён қилади. Шу билан бирга ялқовликка қарши курашга, ҳаммани даъват этиш, шу билан ҳаётбахш ғояларни тарғиб этишга эътиборни жалб қилади.

Қиш ўтди эмди, эй туронликлар,

Битсун ялқовлик, туркистонликлар. (1919)

Орадан бир-икки йил ўтиши билан Боту юқоридан берилаётган кўрсатмаларга амал қилиб, эски турмушга ўт очиш ғоясини, фақат шундай қилибгина янги турмуш қуриш мумкин деган маъноларни шеърида етакчи фикр қилиб олади.

Эски турмуш, эски уй  
Ёш кўнгилни кийнагай...  
Эски чолғу, эски куй,  
Ёш юракни тирнагай.  
Эски қонун, эски йўл  
Ёшни олға элтмагай...

(1921)

Булардан кейинги шеърларида эскиликка ҳужум шиддати тобора жўш уриб, кучайиб борганини кўрамыз. Ўзи туғилиб ўсган ўлка-инқилобдан илгари гўё нуқул доғлар билан тўлган-у, энди уларни тезроқ ювиб тозалаш даври келгани хақида “Шокир сулаймоннинг альбомига” шеърда шундай ифодалайди:

Бизни ўстирган ўлка доғларин  
Қурук кўз ёши арта олғайми?  
Тенгсизман деган зулмат тоғларин  
Бўтиқ фарёдлар йика олғайми?

Мазкур сатрларда эскиликка ҳужум бошлашга тезроқ киришиш ғоялари билан бирга яна бошқа бир маъно ҳам бор. Чўлпон, Фитрат каби катта ёшдаги, анча тажрибали шоирлар эл-юртда фақат шодлик эмас, унда рўй бермоқда бўлган фожиалар хақида кўпроқ ғамгин руҳдаги шеърлар ҳам ёзар эдилар. Уларни йиғлоки деб таъна қилиш 20-йилларнинг ўрталаридаёқ авж олган, Боту ўз шеърларида шунга кўпинча ишора қилади.

Ўлкамизда йиғлоки эрлар  
Чақалоқ каби йиғлай берсинлар.  
Соф юракларни қоронғуликда,  
Умидсизлик-ла тиғлай берсинлар.

(Шокир Султоннинг альбомига, 1922).

20-йиллар ўзбек шеърлятида йиғлокилик: умидсизликни изҳор этиш деган мавзу ўзи бир алоҳида тадқиқотни талаб этади, у ўзи адабий жараённинг махсус хусусиятлари сифатида текширилиши лозим... Ҳозир биз бу масалани четлаб, ўз ишимизни давом эттирамыз.

Ботунинг аксари шеърлари ёшларга аталиб ёзилган ва уларнинг ҳаммасида ёшларни ўқишга, ишлашга, ҳаракага, ғайратга чақирилади, истиқболдаги бахт айна шу тарзда яратилади деган мантиқ уларнинг моҳиятини белгилайди.

Шоирнинг “�гут”, “Тўлкиним”, “Севинч куйлари” ва шу каби шеърларида ҳам ёшларни муттасил ҳаракат қилишга, тебранишга, югуришга, интилишга чақиради. Бу мавзу юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 20-йиллар шеърлятида дастлаб Қодирий, Фитрат, Элбекда, Чўлпонда қаламга олинган эди. Кейинчалик улар таъмирида ҳамоҳанг шеърлар кўплаб яратилади. Мана адабий жараёндаги бир ҳолат, бу сатрлар Фитратнинг “Ўгут” сарлавҳали шеърдан:

Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим...  
Турма югур, тинма, тириш, букулма, юксал!  
Хурма, кириш, кўркма, ёпиш, юрма, кўзғол!  
Эл йўлини тўсиб турган эски булутларни  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!...

ва ҳоказо...

Энди шоир Ботунинг “Ўгут”идан айрим сатрлар келтрайлик-чи:

Ёшлар,  
Илдам, илдам!..  
Кўзларингиз чакнасан!  
Ғайратингиз қайнасан!..  
Кўёш булутдан  
Кутулмоқ истар  
Истакнинг борлиқда  
Жавлон қилиши  
Ёшлардан,  
Ёш кучлардан...

ва ҳоказо...

Мазкур сатрларнинг бир-бирига ҳамоҳанглиги 20-йиллар ўзбек адабиётидан биргина Ҳаммзани ажратиб олиб, ундан бошқа бирорта шоир, ёвузчи Ҳамза даражасида ижод қилолмаган, деган сохтачиликни минг марта рад қилади, адабий жараёнда ҳар бир ижодкор ўз ўрнини олади, бирининг ўрнига иккинчисини тикиштириб киритилмайди... Бир даврда яшаб ижод қилган санъаткор ўз муҳити, сафдошлари, замондошлари тафаккурдан узилиб қолишлари мумкин эмас, табиат ва жамиятнинг ўзига хос қонунияти шу...

Кўриб ўтганимиздек, Боту 20-йилларнинг бошларидаёқ янги ҳаёт қуриш ишларига берилиб кетади. Ғайрат, шижоат

билан яшашга ундайди, турғунлик, беғамлик, хотиржамликка берилишни қаттиқ қоралайди. “Тўхталиш”, “йиқилиш” ўлим билан баробар деб ҳисоблайди. Бундай дунёқараш шу йилларда орзу-умидларга тўла олий мақсадлар билан яшаётган шоир учун ҳам энг буюк мақсад эди. У ўз тенгдошларини, барча ёшларни ҳам шу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилишга чақирар, фақат шу йўл билан келажакда бахтга эришиш мумкинлигига ишонтирмоқчи бўларди. Ҳаётда инсон учун бундан бошқа тўғри йўл йўқ деб тушунарди Боту. Энг муҳими шундаки, шоир ёшларни фақат қатта мақсад ва эътикод билан яшашга қорлайди. Мақсадсиз, тилаксиз ва фойаликсиз “амалсиз” яшашни қаттиқ қоралайди. Мақсадсиз яшаш “жонсиз бир қатор тошнинг ўзи” бўларди деган чуқур бир фалсафий мантикни шеърининг ифода этади. Бундай ғояларни шоирнинг ўзи ҳам ўз ҳаётининг мазмуни тарзида изоҳлайди ва “ғўзаллик, яхшилик барчаси олдинда” деб, коммунистик эътикодга суянади. Барча ижодий ва ижтимоий фаолиятда Боту мана шу ақидага амал қилишга интилади. Оқибатда эса, мазкур ақида эгалари кўплар қатори Ботуни ҳам қатл этдилар...

Боту ва унинг сафдошлари яшаб ижод этган даврда одамлар бошига не-не қунар тушгани ҳақида кўп гапирдик, яна кўплаб гапириш лозим токи бу энг қирлик тарих ҳеч қачон такрорланмасин, инсоният доим унинг олдини олиш ҳақида ўйласин! 20-йилларнинг ўзидаёқ шўро ҳукумати ва партиянинг ўз ичида марказда кетма-кет содир бўлаётган фожиалардан биргина далил келтириб ўтсак бутун дунёда инсоният тақдирини ҳал этиш даъвоси билан майдонга чиқаётганлар аслида нималар билан шуғулланишдан иш бошлаганлари яна бир бор аён бўлади...

1923 йил февралда Москвадаги Никитск булварига ГПУнинг текширув комиссия аъзоларидан бири - ревизор коммунист Скворцов (собик ишчи) ўзини-ўзи отиб ўлдиради. Унинг ёнидан қуйидаги мазмунда бир хат чиқади. (Хат РКП(б) Марказий Президиуми номига ёзилган эди): “Ўртоклар” Меҳнат аҳли Ғалабаларини муҳофаза этиш бўйича бош идорамизнинг иш юритиши билан юзакигина танишиб чиқишнинг ўзидаёқ уларнинг тергов материаллари ва соҳада қўллаётган усуллари, ҳужжатлари кўздан кечирил-



ганда шу нарса маълум бўлдики, ўз мавқеимизни мустахкамлаш учун ҳеч нарсадан қайтилмаётир. Яна бу ҳолни ўрток Уншлихт партия манфаатлари учун энг зарур ва шундай қилмаса бўлмайди, деб изоҳлаши мени бундай даҳшат ва қабоҳатлардан абадий қутулиб кетишга мажбур қилди. Биз амалга ошираётган тадбир-чораларни коммунизмнинг буюк принциплари билар изоҳлаб келинди. Мен эса компартиянинг масъул ходими бўла туриб бу ишларнинг ҳаммасида онгсиз равишда иштирок этиб келдим. Мен ўз гуноҳларимни ўлимим билан ювиб, сизларга энг сўнгги илтимосимни баён қиламан: эс-хушингизни йиғиб олингиз, ҳали кеч эмас ва ўз иш услубингиз билан буюк устозимиз Маркс шаънига доғ туширмангиз ҳамда оммани социализмдан бездирмангиз!” (“Литературная газета”, 1989 йил, 29 апрель)

Мазкур воқеа тасвири 20-йиллар эмас, 1917-йиллардан бошлаб шўро ҳокимияти қандай негизда, қандай услуб заминидан ташкил топгани ҳақида, унинг кейинги эл-юртимиз бошига солинган кулфатлар ҳақида, ниҳоят ҳокими мутлақларнинг даҳшатли фаолиятлари ҳақида, то бизнинг кунларга етиб келган Гидлян-у, Ивановчиликкача ҳаммаси қачон, қандай рўй бергани ҳақида тасаввур бермайдими?! Биз ҳаётимиздаги ҳар бир ижобий ёки салбий ходисанинг моҳиятини тушуниб олмокчи бўлсак, фақат тарихгина ёрдамга келади. Бошқа гапларнинг ҳаммаси тўқима, ясама бўлгани учун йўл-йўлакай тушиб қолаверади. Маломики, ахвол шундай экан, шоир Боту ва унинг сафдошлари ўзларини қандай тутишлари керак эди? деган сўроқ устида ҳам ўйлаймизки ёки фақат улардан хато ахтарамизми? Улардан хато ахтариб топишга хануз беҳуда уринаётганлар агар ўшалар даврида яшаётганларида қандай хоинликлар қилишлари мумкин эди, деган фикр мени доим банд қилади. Чунки улар эркин фикр юритиш мумкин бўлган вазиятда шунча хиёнат қилсалар, бошқа пайтда нималар қилишлари ўз-ўзидан маълум-да!!! Боту Москвада юз бераётган ана шу (биз келтирган) фожиалар, даҳшатлар ичида дорулфунунда таълим олар экан, кўплаб бундай воқеаларни шахсан ўз кўзи билан кўрди, уларни синчиклаб кузатди. Аммо тўхтовсиз ижод қилди. Ёш серғайрат комсомол шоир

сифатида сира иккиланмай социализм ғояларига ишонди, эътиқод қўйди. Келажакнинг порлоқ бўлишга заррача шубҳа қилмайди. Мамлакатда фуқаролар уруши кизиб турган, халқ оммасини “оқлар, кизиллар” деб, сунъий равишда иккига ажратиб қўйиб, бирини бошқасига қарши қўйилган оғир ва жуда мураккаб даврда фақат социализм ҳақидаги кўрсатмаларга умид боғлаб яшаш ва ижод қилиш осон эмас эди. Биз 20-йиллардаги ўзбек ёзувчилари (балки бутун мамлакатдаги ёзувчилар) ижодий фаолиятларига баҳо берганда уларнинг қандай жиддий вазиятларни бошдан кечирганларини кўзда тутмаслигимиз мумкин эмас. Хабибулла Қодирийнинг отаси ҳақидаги ҳужжатли қиссаси, Наим Каримовнинг Сулаймон Хўжаев ҳақидаги мақоласи, Шерали Турдиевнинг ўша давр ёзувчилари хусусида ўзбек матбуотида эълон қилинган иғвономалар (мен уларни шундай деб атадим А.А.) ҳақида бериб бораётган маълумотлар ва бошқа қатор мақолаларни кузатиб бораётган жамоатчилик бунини яхши билади. Шоир Боту ҳам кўплаб замондош ва сафдошлари қатори айти шундай кечмиши мушкул, тақдирини фожияли, инқилобдан кейинги ўзбек адабиётининг пойдеворини яратишда жонбозлик кўрсатган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Ғози Юнус ва уларнинг бошқа кўплаб тенгдошлари қаторида ижод қилиб, бизга бой адабий мерос қолдирди. Унинг асарларидан публицистик мақолаларидан, шеър ва ҳикояларидан 20-йиллар адабий ҳаёти, ўша давр шўро тузуми, жамияти, жумхуриятимиз ҳол-ахволи барча хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз, десак муболаға бўлмайди. Бу жиҳатдап Боту ижодиёти ўзига хос бир ўринга эгадир. Унинг бутун киёфасини эслаганимизда ҳаётни қайта қуриш сарчашмаларида жонбозлик кўрсатган етук зиёлиларимиздан бирини юксак маданиятли, чуқур билимли, истеъдодли, бинобарин, келажакка жуда катта умид боғлаган шоир, адиб, фаол жамоатчи, партия ва давлат сиёсатида ўта ишонган арбобларимиздан бири сиймосини кўз олдимизга келтираемиз.

1917-йиллардан кейин октябрь тўнтаришида вужудга келган ҳокимиятни саклаб қолиш учун кураш деган сохта шиор остида халқимиз оммаси бошига не-не фожиялар тушмади. Бу даврда ҳар бир шоир ва умуман зиёли фаолияти

фақат инқилобга нисбатан муносабатига қараб белгиладиган бўлди. Шу нуқтаи назаридан ёзувчилар ўртасида муайян бўлинишлар рўй берди. Инқилобдан олдин адабиётга кирган ёзувчилар орасида дарҳол инқилобни қабул қилганлари ҳам, уни бир қанча муддат қабул қилолмай юрганлари ҳам, иккиланиб турганлари ҳам, унга қарши булганлари ҳам, умидсизликка тушганлари ҳам бор эди. Бундай мураккаб ва зиддиятли ҳолатларга дучор бўлиш фақат ўзбек адабиёти ва зиёлиларида эмас, кўп миллатли умумшўро адабиётида, айниқса, рус адабиётда жуда бўртиб кўринди. Гумелев, Бунин, Набоков, Блок, Есенин каби шоирлар ижодини ўзбек адабиётида Фитрат, Чўлпон, Элбек, Рафик Мўмин ва яна бир қатор уларнинг сафдошлари ижодини, фожиали ҳаётини эслаш кифоя. Уларнинг ҳаммаси ана шу зиддиятлар ичида яшаб ижод қилдилар; баъзи маълумотларга кўра рус ёзувчиларидан икки ярим мингдан ортиғи чет элларга қочиб кетди, умрини муҳожирликда ўтказди, қайси бирлари эса, инқилобий тўнтаришдан кейинги дастлабки йилларда рўй берган дахшатларга чидамай ўзини-ўзини ўлдирди, қай бирларини ҳукуматнинг ўзи отиб ташлади... Шундай қилиб, Бунин, Набоков кабилар хорижда бутунлай қолиб кетди, Гумелев Ленин буйруғи билан “оқлар тарафдорлари” тамғаси ёпиштирилган душман сифатида отиб юборилди. Есенин, Маяковскийлар ўзларини ўзлари отишди ва ҳоказо...

Энди ўйлаб кўрайлик, тарих қимларнинг ҳақ эканини кўрсатди? Инқилоб томонига ўтмаганлар, унинг биринчи кунидан бошлаб унга қарши йўл тутганлар нақадар доно ва қароматли шахслар эканини исботлади. Инқилобга бир зумда хайрихоҳлик кўрсатганлар то умрларининг охиригача ўз халқи, ватанига нисбатан самимиятлари йўқ, худди бизнинг сийқа шиорларимиз каби сохта, истиқболсиз ижтимоий тузумдан, етмиш йиллардан ортиқ мустамлакачилик сиёсатини зўрлик билан бутун мамлакатда қўлаб келаётган Россиянинг шовинистик фаолиятидан “дод” деб мустақиллик сари йўл бошлаган халқлар ҳаракати бизнинг яна ўша инқилобни қабул қилмаганлар томонига нисбатан ҳурматимизни, эътиқодимизни оширади. Бу тарихий воқеликни инкор этадиган куч йўқ бўлиши мумкин ҳам

эмас. Биз мазкур тарихий йўлимиз хакида фақат 1980-йилларнинг охирларига келиб очик фикр юритадиган бўлдик ва бу йўл бизни мустақилликка ҳам бошлаб келди...

Шоир Боту қандай шароитда яшагани ҳаётда минг хил зиддиятлар авж олиб бораётган нақадар чалкашлик бир тарихий муҳит қуршовидан ижод қилганини биз кўз олдимизга келтирайлик фақат шундан кейингина унга баҳо берайлик. Юқорида номлари санаб ўтилган ёзувчилар 20-йилларда инқилобга нисбатан ҳар хил муносабатларда бўлдилар: гоҳо хурсанд, гоҳо хафа... Баъзилари гоҳо унга нисбатан дангал қаршилик кўрсатдилар; инқилобдан кейинги қийинчиликлар очарчилик, қахатчилик, ўғрилиқлар, хунрезлиқларни кўриб тамоман умидсизликка тушиб кетганлар ҳам озмунча эмас эди. Шулар орасида шўро адабиётининг отаси ҳисобланган М.Горький ҳам бор эди. у худди ана шу йилларда большевикларнинг ишларидан норози бўлиб, Ленинга бир қатор мактублар ёзганини эслатиб ўтиш кифоя қилади. Шунча дахшатларни кўриб яшаган, яна марказда ўқиб, таълим-тарбия олаётган шоир Боту инқилобни, унинг йўлини маъқуллаб асарлар ёзади. Ёшларни, зиёлиларни инқилоб йўлига юришга даъват этади. Хатто баъзида иккиланиб замондошларини ҳам танқид қилади, инқилоб ғалабасини мустахкамлаш учун курашга ундайди. Бу жихатдан Ботунинг Чўлпонга, А.Қодирийга қарата ёзган шеърларини эслатиб ўтиш мумкин. мана биргина мисол: Ботунинг 1925 йилда Чўлпонга қарши “Жавобим” сарлавҳаси остида ёзган шеърдан:

Мен ўйлаганни сен ўйламайсан,  
Сен куйлаганни мен куйламайман.  
Мен сўзлаганни сен сўзламайсан,  
Сен кўзлаганни мен кўзламайман.  
Сен ўзга банда, ўзга бир куч,  
Фикринг, хаёлинг йўқликда кезмак,  
Нурларга қарши режанг, ишинг пуч,-  
Ғоямнинг амри ғоянгни эзмак.  
Мен “ўз” эмасман... мендан узоксен,  
Меҳнат йўлида жиндак тузоксен.

(1925, Москва)

Кўриниб турибдики, Боту инқилобга нисбатан заррача

шубха билан қаровчига дарров зарба беради, бундай ғоявий курашлар руҳида ёзган шеърлар анчагина бор. аммо шуни айтиш керакки, А.Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам инқилоб томонига тазйиқ бўлса ҳам ўтишга мажбур бўлган эдилар. Бирок 20-йиллардаги зиддиятларнинг улар ижодида акс этиши воқеликни бадиий идрок эта билиш натижалари сифатида юзага келганлиги у давр тадқиқотчилари назаридан четда қолган эди. Бундай қараш то бизнинг кунларимизгача - 90-йилларгача ҳам бор эди, хали ҳам топилади... шоир Боту эса, ўша даврларда инқилоб ғалабасини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашларнинг биринчи сафларида турди. Бу фикр-мулоҳазаларни кенгрок тасаввур этсак, 20 - 30 йиллардаги кўплаб ёзувчиларимиз меросини чуқур ҳалол ва холис ўрганиладиган бўлса, уларнинг бутун фаолиятлари-ю, ижодлари ҳозирги кунлардаги муаммолар билан ҳамон боғлиқ эканлигини тушиниб оламиз. Буюк ажлодларимиздан қолган бой хазина халқимиз маънавий дунёсини поклаш учун олиб борилаётган жуда қийин, мураккаб кечаётган бугунги курашларимизда иштирок этмоқда. Боту мана шу курашлар 20-йилларда бошланган деб ҳисоблар ва унда ижоди-ю, ижтимоий фаолияти билан фаол қатнашишни ҳаётнинг мазмуни деб биларди. Комсомол, партия, шўро ишларига фаол аралашади. Маориф, маданият, мафкура, матбуот соҳаларида раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда социалистик маданият яратишга бел боғлаган ва бунга росмана ишонди. Бутун кучи, қудрати, билими, қобилиятини шунга бағишлади. Унинг адабий, сиёсий, ижтимоий фаолиятидаги тажрибалари, илмий-назарий, адабий-танқидий мақолалари, нутқлари, насрий асарлари ҳаммаси ўша даврдаги ҳукмрон кўрсатмаларга боғлиқ ҳолда эскилик билан янгилик ўртасидаги юқоридан аниқ буюриб турилган тарзда курашиш руҳида рўй беради. Ботунинг деярлик ҳамма фаолиятида даврнинг типик зиддиятлари акс этади. Жумладан, классик меросга муносабат, замонавий-адабий жараён ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларида биз ана шу ҳолни аниқ кўрамиз, Ўша йиллари сўзда хўжақўрсинга меросга ҳурмат билан қараш бор, бирок амалда эса, бутун меросга қарши сира иккиланмай ўт очиларди. Ботунинг адабий-танқидий мақо-

лаларида, жумладан, маданий меросга муносабатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида 20-йиллар ўзбек адабиётидаги ана шу хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Аммо Боту ўзбек классик адабиёти хазинасига, асос эътибори билан доимо ижобий муносабатлар нуқтаи назаридан турган. Бусиз тараққиёт бўлмаслигини англаган. Лекин замон талабларидан келиб чиқиб, эскиликка қарши умумий кураш руҳини бадиий ифодалаш Боту шеърятининг етакчи ғояси сифатда яққол кўриниб туради. Зотан Боту ва унинг сафдошлари ўз ижодий ва ижтимоий фаолиятлари билан инсонни келажакка, маълум маънода ҳозирги кунларимизга руҳан тайёрлаб боришга ёрдам беради, дейиш мумкин. Ҳозирги кунларимизгача қанчадан-қанча фожиалардан иборат бўлишини Боту ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ўйлаб кўрилса, мамлакатда барча соҳаларда қайта қуриш тadbирлари нақадар мураккаб вазиятларда, қанчалик зиддиятлар жараёнида амалга оширилмоқда. Булар ҳаммасининг жабрини тортмоқдамиз ва ҳаммаси кўз ўнгимизда рўй бермоқда. Бирок бусиз турмушни яхшилаш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини ҳам энди тушуниб ту-рибмиз. Шоир Боту ҳам 20-йилларда худди шундай фикр-мулоҳаза билан яшаган, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, уларда шахсан иштирок этган ва ниҳоят турмушни қайта қуриш зарур деб билган. Мана бу сатрларни кўринг, худди бугун айтилаётгандай:

Эски турмуш, эски уй,  
Ёш кўнгилни кийнагай.  
Эски чолну, эски куй,  
Ёш юракни тирнагай.

Бу шеърни Боту 1921 йил сентябрда эълон қилади ва уни барча ўқув юртида ўқишлар бошланиши муносабати билан ёшларга атаб ёзган. Демак, улар ўқишга киришар эканлар фақат янги турмуш ҳақида ўйлашлари, эски турмуш тарзининг уйдан, ҳатто куйларидан ҳам тезроқ воз кечишлари лозим, янги ҳаётга интилишлари, ўзларини бутунлай сафарбар этишлари зарурлиги уқтирилади. Бирок, янги турмуш қуриш йўллари жуда оғир ва қатта тўсиқларга дуч келиши муқаррар, ундан чўчимаслик кераклигига алоҳида урғу берилади.

Янги турмуш излаган  
Кўп тўсукка учрагай.  
Юксалишни истаган  
Қаршилиқдан қўркмағай.

(Ўша шеърдан).

Шоир эскича яшаш деганда инкилобдан олдинги ҳаёт тарзини кўзда тутлади. Биз бўлсак, эскича турмуш деганда инкилобдан кейинги ҳамма йилларни кўзда тутамиз. Шундай қилиб, Боту эскича яшаш энди мумкин эмаслиги, унинг ўрнига нималар қилиш зарурлиги, ҳаётнинг эскича қонунлар гирдобиди қолиб кетиши учун бундан кейин ҳеч қандай асос йўқлигини қуйиб-пишиб уқтиради. Бинобарин, яшашнинг янгича қонуниятларини ишлаб чиқиш ғоят оғир, мураккаб, катта тўсиқларини енгиб ўтадиган қучқувватни талаб қиладиган вазифа деб билади. Ёшларни ана шу мураккаб, оғир, аммо шарафли, истикболи порлоқ йўлдан ҳеч тап тортмай дадил боришга қорлайди.

Эски қонун, эски йўл  
Ёшни олға элтмайди...  
Ёш билак, қучли билак  
Ҳормасин ҳам толмасин.  
Ёш тиклак нурли тилак,  
Порласин, ҳеч сўнмасин.  
Ёш юрак - ўтли юрак  
Ҳеч умидсиз бўлмасин.

(Ўша шеърдан).

Мазкур шеърни ёзганда Боту эндигина етилиб келаётган, қалби нуқул орзу-ҳаваслар билан тўла талабалик чоғларини кечирмоқда эди. Бундай ҳолатда ёш йигитнинг орзулари чексиз, ишонувчан, журъатли, ҳар нарсага қизиқувчан, кийинчиликлардан қўркмайдиган бир даври бўлади. Биз Боту қалбидаги ана шу ҳиссиётларнинг шеърӣ ифодасини “Ёшлар учун” сарлавҳаси остида аниқ қўрамыз. Зотан Ботунинг кейинги ҳаёт ва фаолияти ҳам худди шундай орзу ва умидлар билан ўтди, бироқ, афсуски унинг барча ўйлаганлари, ниятлари сароб бўлиб чикди, минг афсус...

Шоирнинг мақсадлари, олий тилақлари мазкур шеърнинг ҳар бир сатирига қуйилиб боради. Яъни, ўз олдиға

янги турмуш куришни ният қилиб қўйган, ўсиш, юксалишни истаган ҳар бир ёш куч қаршиликдан, унга қарши курашлардан асло қўркмаслиги шарт деган ғояни илгари суради ва шу билан 20-йиллардаги эскиликка қарши очилган шиддатли курашлар руҳини ифода этади. Шоир ёшларни баъзи кийинчиликлар қаршисида умидсизликка тушмаслик, уларнинг чиқиб туриши табиий ҳолат сингари аниқ ғояларни сингдиришга интилади. Яъни, инқилобдан илгариги ҳаёт фақат қора ғамгин, укубатли, кейинги ҳаёт эса ҳамма жиҳатдан яхши, бундан кейин янада яхши бўлади тарзидаги мулоҳазалар Боту шеъриятининг моҳиятидан иборат бўлиб қолади.

Қора турмуш чангалидан қутилиб,  
Эрк чечаги така олган кучли киз.  
Эски одат санамларин парчалаб,  
Эрк тангрига сажда қилган руҳли киз.  
Йўлинг тўғри, ортга боқма, кетабер,  
Илгарилаш ашуласин айтабер!

(Кичкина армуғоним, 1922).

Шоир ёшларги катта умид-орзулар бағишлайди, уларнинг қудратли чексиз ва ҳар ишга қодир кучлар деб қарайди. Ниҳоят барча ўйлаганлари, ғояларини амалга оширишда ёшлар унга таянч нуқтаси бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам улар олдиға мутгасил вазифалар қўйиб боради. Шу билан янги ҳаётни ўша замон тили билан айтганда, социалистик ҳаётни жанговар шўро ёшлари қуриши лозимлигига асосий урғу беради. Шунинг учун ҳам ёшларға атаб ёзилган шеърларининг ҳар бир сатри уларни жанговар курашға, эски дунёни, эскича ҳаёт тарзини батамом ўзгартириб, уни янгиҳасига қайтадан қуришға қизгин даъват этади. Зотан октябрь тўнтаришидан кейинги ҳаётимизнинг ҳамма йиллари шу ғояни уктуриш, сингдириш билан ўтди. Аслида бу коммунистик тузумнинг бош мафқураси эди. Унинг туб негизи пуч бўлганлиги учун ҳам емирилди. Эски ҳаётға қарши кураш шиори остида бор-йўғимиздан айирдилар, тарихимиз, маънавий меросларимиз, миллий урф-одатларимиз ажойиб аънаналаримиз оёқ ости қилинди. Боту бундай бўлишини қаёқдан ҳам биларди, билганда октябрь инқилоби йўлини қалбға сингдирмаган, унга бунчалик умид



боғламаган бўларди. Боту тўғри деб тушинган йўл халқимизни оқибат натижада қандай моддий ва маънавий фожиаларга дучор қилди?! Биринчи ўзбек шўро ёзувчиларимиз бўлмиш буюк аждодларимиз учун яшаш ва ижод қилиш нақадар мураккаб, қийин бўлганлиги шундан ҳам маълум. Лоақал шунинг учун ҳам улар шаънига доғ солиб келаётган номардлар қанчалик пасткаш ва ҳақсиз эканликларини эътироф этиш лозим.

Боту ва унинг замондошлари олдида шундай вазифалар қўндаланг бўлиб турарди (тўғрироғи мажбуран қўйилган эди). Эски ҳаётни тағ-томири билан қўпориб ташлаш шарт; ҳўп, янги социалистик ҳаёт деб аталаётган турмуш тарзини қандай қилиб қўриш, давлат тузумини қандай сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш керак? Ва ниҳоят, янги типдаги адабиёт ва умуман “социалистик” маданиятни қандай яратиш йўллари излаб топиш лозим эди. Биринчи шўро ёзувчилари компартия раҳбарлигида унинг доимий равишда юкоридан туриб бераётган буйруқлари асосида ана шу йўллارни қидириш шиори остида қандай қийинчиликларга йўлиққанларини, бу соҳада қандай фожиалар рўй берганини тарих кўрсатди... Янги адабиётнинг темир қолиплари 1905 йилдаёқ, инқилобдан анча илгари Ленин томонидан яратилган, шўро даври адабиёти, санъатнинг бошқа барча турларини шу қолипга тикилди. Унинг “Партия ташкилоти ва партия адабиёти” мақоласи айни мафкура соҳасида большевиклар томонидан амалга ошириладиган ҳамма ишларни ичига олган темир панжара сифатида яратилган қамоқ лагери вазифасини бажарди. Ундан ҳосил қилинган қамоқлар, лагерларда зиёлиларимизнинг гуллари бўлмиш Боту ва унинг қанчадан-қанча сафдошлари, замондошларини хароб қилинди, ёлғончи шиорлар остида қатл этиб, “кафансиз кўмиб” юборилганини тарих ҳеч қачон кечирмайди... Бироқ шуни ҳам айтиб ўтайлик, 20-йилларда бошланган изланиш “порлоқ” келажак йўли ҳамон изланишда давом этади, ҳали ҳам топилгани йўқ ва бундан кейин ҳам топилиши гумон бўлиб турган ҳозирги кунларимиз учун ўша аждодларимиз қолдирган мерос ҳали ҳам ўша мақсадлар йўлида хизмат қилишга қодир эканлиги билан қимматлидир. Шу сабабдан мен 20 30 йиллардаги ёзувчи-

ларимиз ижоди ва ҳаёти ҳақида бутун вужудим қажаб туриб фикр юритадиган бўлиб қолганман. Уларнинг душманлари халқимизга, ватанимизга, миллий маданиятимизга хиёнат қилган хоинлар сифатида виждонан судланиши керак, бўлмаса биз тарих олдида, аждодларимизнинг пок рухлари олдида жавобгар бўламиз... 20-йиллардаги ёзувчиларимизнинг ижодий маҳсулотларида мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз тарихида рўй берган барча воқеа-ҳодисалар, фожиалар ўз бадиий ифодасини топган. чунончи, чор Россиясининг ўлкамизда XIX аср ўрталаридан бошлаб босқинчилик қилгани, унинг руслаштириш ва талон-тарож қилиши туфайли халқимиз бошига қанчадан-қанча қулфатлар солгани маҳаллий миллат зиёлилари тоқатини тугатган ва улар ҳар бир шеър, насрий асар ёки драмаларида “эркинлик”, “ватан”, “миллат” ибораларини кўплаб ишлатишар, миллий тақчилликка эришиш учун чор Россияси ва ҳар қандай босқинчиларга қарши кураш ғояларини тарғиб қилар эдилар. Ўзбек адабиётида ўтган асрнинг охирилари ва XX аср бошларидаёқ кенг тарқалган мазкур йўналиш 20-йилларнинг бошлари ва ўрталарида ҳам Фитрат, Чўлпон, А.Кодирий, Рафиқ Мўминов ва бошқаларнинг асарларида давом этади. Аммо Боту янги давр сиёсатдони сифатрада, эхтимол, ҳатто, олий маълумотни 20-йилладаги Москвада олгани учундир, ўша даврдаги юқоридан берилаётган кўрсатмаларга бошқалардан кўра кўпроқ амал қилади. Жумладан, биз Фитрат, Кодирий, Чўлпон ва бошқаларда бу ҳолатни бошқачароқ тарзда кўрамиз. Ниҳоят Боту ўша биз таъкидлаган хусусиятлари билан улардан бир қадар ажралиб туради. Масалан, “Октябрь арафасида ўзбек адабиёти” сарлавхали каттагина назарий мақоласида жадидлар ва уларнинг адабий фаолияти ҳақида фикр юритиб, уларнинг феодал тартибларига нисбатан илғор ғоялар билан майдонга чиққанларини эътироф этади, шу билан бирга улар фаолиятига берган баҳосини яна салбий қарашлари билан яқунлайди. Тўғри, 20-йилларда Боту ўзбек жадидларини ижобий баҳолай олмасди, унга марказдагилар йўл бермасди. Ахир тараққийпарвар жадидлар ҳаракати 1990-йилларнинг охириларида келиб аранг ижобий баҳога эришиб турибдики, бунинг учун Ботуни эмас, ҳали ҳам

тирик юрган маънавий майиб рақибларни айблаш лозим. Боту асли билимдон, замонасининг илғор зиёлиси сифатида 20-йилларнинг ўрталарида тараққийпарвар жадидчиликнинг яккахокимлик тартибларига нисбатан юқори туришни, унда демократик эркинликлар руҳи, тараққийпарварлик фаолияти етакчи бўлганлигини таъкидлашнинг ўзи катта журъат эди. Аммо начора, бундан нарига ўтолмасди, олдида темир панжара, ўлим дахшати захриқотилига булғаланган тиканли симлардан тўсиқлар қилиб қўйилган эди.

Мана унинг мақоластадаги жумлалардан бир мисол: “Октябрь инқилоби ҳокимиятни пролетариат қўлига ўтказиш билан “жадидлар адабиёти” бирдан йўқолиб пролетариат адабиёти туғилмади. Мазкур жумлада жадидлар адабиёти инқилобдан кейинги давр адабиётининг туғилишига замин бўлди, деган мантиқ ўз-ўзидан келиб чиқади. Бу адабий жараён учун табиий бир қонуният эканини Боту чуқур тушунади. Аммо шундан кейинги жумлаларда жадидлар миллатчиликда айбланади. Уларда синфий кураш тушунчаси йўқлиги, бой-савдогарлар манфаати химоҳ қилинганлиги, “мактаб болаларининг миясига ватан, миллат захарлари қуйила берган”лиги ғоят катта айб деб баҳоланади. Бинобарин, миллатчиликни чор Россиясининг мустамлакачилик ва ундан туғилган шовинистик, босқинчилик сиёсати келтириб чиқара олганлигини Боту ё пайқолмайди ёки айтолмайди, эҳтимол Боту назарида ўзбек жадидларини синфий кураш тушунчасидан четда деб изоҳланганлиги ҳам шундан келиб чиққандир. Боту бу ҳақда ёзади: “Ҳар вақт адабиёт миллат, ватан деди, синфий кураш тўғрисида ёзиш ўрнига синфий курашга қарши нарсалар майдонга чиқди. Бу даврда жадидлар адабиёти яна ҳам тубанлашиб кетди” (“Ёз куни”, Т., 80. 209-б.).

Кўришиб турибдики, Ботунинг шеърлятида ҳам, адабий-назари мақолаларида ҳам 20-йиллар адабиёти жараёндаги руҳ барча ютук, камчилик ва зиддиятлар ифодасини топган.

Адабиётда “синфийлик” деб аталмиш машъум ибора ўзбек шўро адабиётигагина эмас, шу билан бирга инқилобдан кейинги кўпмиллатли бутун шўро адабиётига қанча-

лар зарар келтирганлиги, канчадан-канча фожиаларга сургаб борганлиги эндиликда очик айтилмоқда. “Синфийлик” шиори остида халқларни бир-бирига қарши турлича табақаларга бўлиб ташланди, улар бир-бирига қарама-қарши қўйилдигина эмас, махсус ўзаро қирғинлар уюштирилди... Ҳатто, отани болага, эрни хотинга, акани-укага душман кўрсатилади. 20 30 йилларда ўзбек адабиётида ҳам, рус ва бошқа халқларимиз, миллатларимиз адабиётида ҳам бу соҳада талай асарлар яратилди. Уларда одамдаги инсоний фазилатлар олиб ташланди, инсон фаолияти унинг фақат “синфий душманга” қарши кураши билан баҳоланадиган бўлди. Мазкур “синов”дан аъло баҳода ўтганлар амал, бойлик, унвон сингари харомхўрликдан иборат имтиёзларга эга бўлди. Бу ўзи алоҳида мавзу, бу ҳақда “Гулистон” ойномасининг 1989 йилги 4-сониди, яна ўша йилги 12-сониди босилган (“Мустамлакачиликка ўт очган асар”, “Фитрат ва унинг “Арслон” драмаси сарлавҳали) мақолаларимизда бир қадар тўхтаб ўтган эдик, шу сабабли бу масалани шу ерда қолдириб, асосий мавзуимизни давом эттирамиз.

Хуллас, шоир Боту ўз бадиий асарларида ҳам, адабий-назарий мақолаларида ҳам 20-йилларда шаклланиб, кун сайин ривожланиб бораётган маъмурий-бўйруқбозлик иш услубига мослашмасдан яшай олмас эди, шундай бўлди ҳам. Шунинг учун ҳам унинг баъзи асарлари ва дунёкарашидаги айрим нуқталарига танкидий назар билан ёндашиш, гоҳо мунозара қилиш ҳам мумкин. Бирок, асос эътибори билан унинг ижодий маҳсулоти ҳамон биз учун ўз қимматини йўқотган эмас, йўқотмайди ҳам. Ўзи яшаб ижод қилган давр тарихи сифатида бизга хамиша керак бўлади. Зотан Боту ҳам бошқалар сингари дастлаб ўз даврининг куйчиси сифатида майдонга чиққан ва ўз даврининг самимий шоири, қондош-жондош фарзанди эди. Бу жиҳатдан унинг 1922 йилда ёзган “Бизнинг товуш” сарлавҳали шеъри айниқса характерли туюлади:

Йўқсул элда дард кўпайган, онг камайган хон билан,  
Сўнги майдон қурғоли ҳам унга зўр гўр қозғоли,  
Эзгу байроқ боқ-да, тутдик: жангимизни ёзғоли,  
Эй муаррих, ушла ёзғич, бизни эсла шон билан!

(“Ёз кун” 40-бет).

Ботунинг мазкур сатирларида 20-йиллардаги эски ҳаётга қарши ўт очиш, инкилобдан илгариги ҳаётни таг-томирлари билан қўпориб ташлашга даъват, ўша замонда партия-хукумат томонидан ўртага ташланган шиддат, қонли курашга чақириш ҳарорати акс этиб турарди. Боту ўз элини йўқсулликка солган ва онг-идрокини кемирган ҳокимлар ва замонларга қарши “Эзгу байроқ” остида ҳаммасига “гўр қозғоли” майдонга чиқдик, буни бажариш керак деган ғояни илгари суради. Бироқ, бу йўл, бу усул-идора бора-бора бизни қандай таназулга элтишини, ўзини ҳам ютиб юборишини ҳали шоир идрок этолмасди... Шиорлар, ваъдалар, шоир ва ёзувчиларимизнинг, барча зиёлиларимиз ва халқимизнинг умидлари бир ёқда, ҳаёт иккинчи ёқда қолиб кетди. Боту ҳаётнинг бу қадар чалғиб, чигаллашиб кетишини асло ўйламас, истикболга қаттиқ ишонар, бахтли бўлиш учун фақат шундай қилиш керак, муродимиз, албатта, ҳосил бўлади. деган ақидага чинг қўнгилдан ишонар эди. Шеърнинг кейинги сатрлари бу ғоявий мундарижани яна ҳам аниқроқ ифода этади:

Кўнглимиз тўк, чайқалиш йўқ, бизнинг сон оз бўлса-да,  
Тебранишни тўхтатиш йўқ, йўлга тўскин тўлса-да,  
Зўр денгиздек тўлқин урган ғайратимиз олдида,  
Эски хоннинг тахти титрар, қанча олий бўлса-да.  
Биз умидли эр йигитлар, ёшли кўзга қаршимиз,  
Ҳар томондан тўлқин урган бизнинг ўткир товшимиз,  
“Ёш юраклар бизнинг сафга, қўрқоқ ўртоқ, қоч нари!  
Дунёмизга орқа бер-да, онгни йўлла “йўқ” сари!”

(Ўша китоб, 40-бет.)

Кўриниб турибдики, Ботунинг 20-йиллар бошларидаёқ ёзган шеърларида некбин руҳ, шиддатли кураш, мустаҳкам коммунистик эътиқод ғоялар барқ уриб туради. Мазкур эътиқодга бошловчиларнинг ўзларида эса бу эътиқод йўқ эди. Мазкур йўлда “чайқалиш” (яъни, интилиш) уёқда турсин жуда кучли тўсиқлар бўлса-да, ундан кўрқиб йўқ, кўрқоқлар четга чиқсин, улар йўқликка маҳкум этилган, деган замон шиорларига қаттиқ риоя қилган шоир бутун ҳаётни курашлар билан қайта қуришга бел боғлайди...

20-йилларнинг ўрталари ва ундан кейин ёзган “Севинч қуйлари”, “Шокир Сулаймоннинг альбомига”, “Ўгут”,

“Фаргона ёшларига”, “Қизил Москвага”, “Эрк сўзи”, “Туткин киз”, “Паранжи”, “Қишқлок кизлари”, “Тўлқиним” каби қатор шеър ва дostonларида, Ленин вафоти муносабати билан 1924 йилда ёзган “Марсия”сида, Мирмуҳсин Шермухамедов вафотига атаб ёзган “Қатта йўқотув” сарлавҳали таъзияномаларида кизгин курашчанлик, ҳужумкорлик руҳи барқ уриб туради. шунга қарамай, 20-йиллар ўзбек адабиёти ҳақида ғаразли фикр юритадиганлар баъзан ёзувчининг бирон асаридаги бирон-бир сўзни тутиб олиб, бошқа фазилатларини рад этиб юборадилар, ҳатто бутун ижодини йўққа чиқаришга интиладилар. Бундай даҳшатли ҳоллар адабиётшуносликда 20-йилларда ҳам бор эди. Жумладан, Абдурахмон Саъдий, Сотти Хусайн, Бойбулатов, қисман Олим Шарафуддинов ва бошқалар худди шу йўлдан бориб Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби буюк санъаткорларимизнинг бошини еган эдилар. Бундай қарашларга Фитрат билан Абдулла Қодирий, Ойбек бир неча бор матбуотларда чиқиб норозилик билдирганлар. Боту бир мақоласида шундай ҳолатларни алоҳида таъкидлаб ўтгани ҳам маълум: “Ҳар бир шоир, ҳар бир адибнинг озми-кўпми ўзига яраша хусусиятлари бўлади. Бирок бу хусусиятларни бир-икки шеър, бир-икки адабий парчага қараб кескин белгилаш тўғри бўлмайди. Негаки, бу хусусиятлар эгасининг ўсиш даврилари ҳар вақт ўз илдишларини унинг асарларида қолдирмасдан қўймайдилар. Шунинг учун ҳар бир шоир, ҳар бир адибга баҳо берганда кенг ва чуқур таҳлил қилиш баҳонинг тўғрилигини таъмин этади”

Боту мазкур фикрларини 1928-29 йилларда ёзган, у ҳамон эскирганми? Асло эскирган эмас. Чунки, Боту, Фитрат, А.Қодирий, Ойбеклар бундан қарийб олтмиш йиллардан ортик илгари қарши курашган нуқсонлар адабиётшунослигимизда ҳали ҳам учрайди ва биз ҳамон уларга қарши курашиш билан оворамиз... Бу тўғрида юқоридаги саҳифаларда Фитрат, Қодирийлар ижоди муносабати билан бир қатор мисоллар келтирганмиз, ҳозирча шу билан қаноатланиб турамиз. Шу нуқтаи назардан ҳам Ботунинг мазкур мавзудаги мулоҳазалари ҳозирги адабий ҳаётимизни кўзда тутиб айтилганга ўхшаб кетади...

20 - 30 йилларда яшаб ижод қилган авлодларимиз фао-

лятининг қайси томонига қараманг, худди бизни ўйлаб иш кўргандай бўлаверади. Адабий жараёнимизда мавжуд бўлган муаммоларнинг қайси бирини олиб қараманг сиз, уларнинг илдиэларини ўша ажодларимиз ижодидан, фаолиятидан топасиз.

Зотан улар озодлик йўлида, эркин ҳаёт йўлида, миллий мустақиллик йўлида ғоят катта умидлар билан яшаб, келажакнинг порлоқ бўлишига ишонар эдилар, шунинг учун ҳам бутун вужудларини жамият манфаати учун курашга бахшида қиладилар... Эътиқодларига содиқ қолиб ғоят серқирра, оғир, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтдилар, тинмай ижод қилиб, бизга бой маънавий мерос қолдирдилар. Минг шукурки, бу битмас-туганмас хазинага эндигина-покланиш, қайта қуриш, янгиланиш шарофати туфайли бемалол кириб бораётирмиз. Унда ҳали очилмаган кўриклар тўлиб-тошиб ётибди. Софдил ҳамкасбларимизнинг аҳиллик билан, яхши ният билан бирлашиб ишлашлари орқасидагина мазкур соҳада катта ютуқларга, йирик натижаларга эришамиз деган умиддамиз. Аждодларимиз 20 30 йилларда яшаб ижод этган ва сталинча жаллодлар томонидан қатл этилган буюқларимизнинг жойлари жаннатда бўлсин, руҳлари шод бўлсин, уларга абадий шон-шарафлар бўлсин! Имон-эътиқоди бор ҳар бир кимса уларнинг шаънига яхши гап айтиши, номларини ҳурмат-иззат билан тилга олиши, ҳамиша хотираларини қалбида эъзозлаб сақлашни ўзининг виждоний иши, бурчи деб билади.

# Инсон хотираси - муқаддас туйғу

## Улуғ сиймо эди

Халкимиз юз йиллардан ортиқ қарамлик жафолари остида эзилган турли-туман тазйиклар жараёнида ҳам ўзлигини, миллий ўзига хослиги-ю анъаналарини, кадриятларини сақлаб қолишга интилди. Бунинг учун не-не жабр-зулмларга гирифтор қилинмади?! Жазоланди, камок, сургун, ҳатто отиб ташлаш сингари энг оғир таҳдидлар ҳам халкимизни ўз кадриятларини бутунлай йўқ этишга мажбур қилолмади... Бундай халкнинг бошига фожиалар солган қора кучлар вақти келиб чок-чокидан сўкилди, емирилди, ич-ичидан чириб, озодлик, эркинлик, миллий мустақилликнинг денгиз тўлкинлари каби қудратли пўртанасига дош беролмай, қирғоқларга суриб ташланган чўп-хасларга қоришиб адои-тамом бўлди...

Ҳаётда зиддиятлар, тўлқинлар, хилма-хил курашлар ҳамиша бўлган. ҳозир ҳам бундай курашлар давом этаётир, бундан кейин ҳам бўлиши муқаррар. Бирок, гап бунда эмас. Бошқа бир мулоҳазада. Яъни, курашлар гирдобида давом этаётган энг мураккаб воқеалар ёки зиддиятларда кимнинг қайси томонда бўлиши ва ёхуд нимани ёклаши-ю нимага қарши туришида. Ҳар бир фуқаро, айниқса шахс даражасига кўтарилган сиймонинг тутган ўрни - унинг ўз даврида ҳам, тарихда ҳам, келажакда ҳам шаънини белгиловчи бош омил бўлиб қолади. Бу аслида тарих ҳукми бўлиб, уни ҳеч ким, ҳеч қачон буйрук, зўрлик, тазйиклар билан ҳам ўзгартира олмайди. Такиқлар, таҳдидлар бу жараёнга вақтинча салбий таъсир кўрсатиши, гоҳо унинг туб йўналишини бузиб туриши мумкин. Аммо вақти келиб, яна улар ўз тўғри йўлини топади, изига тушади ва шундай қилиб ўз халқи, миллати, балки умуминсоний кадриятлар хазинасини тўлдирди... тарихнинг энг буюк ва қудратли ҳакамлиги ҳам шу бўлса керак!

Мавзуни биз бир қадар узоқроқдан бошладик. Бунинг боиси бор. Сўхбат давомида унинг илдиэларини очишга ҳаркат қиламиз.

Бугун биз ўзимизга замондош атоқли олим, жаҳон



адабиёти, ўзбек адабиёти тарихининг зўр билимдонларидан бири домла Ҳамид Сулаймон ҳақида хотираларимиздан айримларини баён қилмоқчимиз. Зеро, бот-бот марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш, аҳволларини йўқлаб, руҳи покларини шод этиш, уларнинг ҳаёт чоғларида адо этган эзгулик амалларини эслаб ўтиш бизнинг энг қадимий, энг инсоний анъаналаримиздан бири эмасми?! Бу анъанага риоя қилиш, уни ёшларимиз қалбларига сингдириш, ана шу энг бебаҳо қадриятлар заминида улар дунё-қарашини шакллантириш бугунги мустақиллик мафқура-расининг долзарб масалаларидан бирига айланиб қолди. Чунки, қарамлик даврининг миллий қадриятларимизга қарши кураш йиллари асоратини тезроқ йўқотиш. Ўзбекистоннинг эндиликда жаҳон миқёсида ўзига хос мавқеига эга бўлаётганини чуқур англаб етишга эришиш буюк Истиклолимизни ҳар қандай ёвузликлардан асрашнинг қудратли омилларидан биридир...

Домла Ҳамид Сулаймон - эрк, озодлик, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг инсоният тарихида, унинг маънавий оламида тутган ўрни борасида гап кетганда, гурур ва ифтихор ҳиссиётлари билан тўлиб-тошиб сўзлашлари у ҳурматли зотни билганлар қалбини ҳамиша жунбушга келтирарди. Домла аввало билимдон, Шарқ ва Ғарб адабиёти, айниқса, мумтоз ёзувчилар ҳаёти, ижодини яхши билар, асарларида олға сурилган муаммолар, адолат учун олиб борилган курашлар тасвирига бағишланган лавҳаларни изоҳлашда худди ўша воқеа-ҳодисалар гирдобининг иштирокчиларидан бирига ўхшаб кетардилар.

Бундай ҳолларда домланинг фавқулудда журъатлиликлари ҳам ёрқин намоён бўлар, тингловчиларни бутунлай ром этиб қўярди... Домлани қўрган-билганлар у кишидаги фикрларини жуда гўзал иборалар, аниқ жумталарда ифода этиш қобилиятини ҳамон катта ҳурмат ва ҳавас билан эслашиб юрамиз.

Бизнинг домла билан танишганимизга энди ярим асрдан ошди десак бўлади. 30-йилларнинг ўрталари ва иккинчи ярмида биз Тошкент Давлат педагогика институтида ўқирдик. Домла бизга дастлаб рус мумтоз адабиётидан, кейинроқ Ғарб адабиёти таорихидан дарс берганлар.

Домланинг дарслари жуда кизикарли ўтарди. Каттадан-кичик талабалар бора-бора шундай кизиқиб кетдики, кўпларимиз шу домлага кўнгил кўйиб, рус ёки Ғарб адабиётидан мутахассис бўлишга интилиб қолдик. Асли ўзимиз ўзбек тили адабиёти факультетидамиз. Кўп ўтмай домланинг дарслари бўладиган куни ён-веримиздаги бошқа факультетнинг талабалари ҳам бизнинг аудиториямизга келиб, Хамид Сулаймон лекцияларини эшитадиган бўлиб қолди. Гоҳо жой етишмай қоладиган вақтлар ҳам бўлган. Шунинг учун ҳамма барвақтроқ келиб, жойни эгаллашга ҳаракат қиларди. Бунинг сабаблари кўп эди. Аввало, домланинг ўз фанларини яхши билишлари-ю уни қойил қилиб ўқишларида бўлса, яна у зотнинг бир кўришда одамни мафтун этадиган ажойиб ташки қиёфалари ҳам бор эди: қалдиқоматлари келишган, баланд бўйли, хиёл чўзинчоқ юзларига ярашган қоп-қора қуюқ жингалак сочлари, каттакатта ва жуда титик, хамиша хушёр, ним табассум ила ёниб қараб турган кўзлари, қоп-қора қалин киприқларию қошлари салобатли чехрага ҳам ёқимли бир гўзаллик, ҳам янада жозибалироқ файз бахш этиб турарди. Кийимлари ҳам жуда ярашган кўпинча қўлранг чиройли костюмда келиб, институт йўлақларидан савлат тўкиб ўтаётганларида ҳаммамиз ҳавас билан кузатиб турардик.

Кейинчалик билсак, домланинг насл-насаблари асли тоза - етук зиёлилар табақасига мансуб экан. Оталари ўзбек кино санъатининг асосчиларидан бири сифатида шу соҳада 20-йиллардаёқ кўзга кўринган арбоб эканликларини буюк адибимиз Абдулла Қодирий ўша йиллари қўйилган театр ва кинолар ҳақидаги чиқишларида алоҳида таъкидлайди... Сулаймон Хўжаев иштирокидаги кинофильм ва театр асарларидан “рози” бўлганлигини ёзган эди...

Энди домла Хамид Сулаймоннинг миллатпарвар, ватанпарварлик фазилатларига оид айрим кўрган-билганларимиз ҳақида: 50-йилларнинг ўрталарида Академиямиз ҳузуридаги тил ва адабиёт илмий-текшириш институти ҳузурида “Адабиёт музейи бор” деб эшитган эдик-ку, аммо кўрмагандик. Шу вақтда институт, ҳозирги Мустақиллик майдонининг ўртасида жойлашган дастлабки ҳукумат уйи биносининг нариги биқинига яқинроқ эски бир бинога

жойлашган эди.

Шу бинонинг бир хонаси эшигида “Адабиёт музейи”ми ёки “Музей”ми деган ёзувни кўриб, ичкари кирдим. Эшикни очишим билан хонада бурқираб тўлган сигарета тугунлари гуппа димокка урди. Ўртада кичик бир стол, атрофида уч-тўрт киши ўтириб суҳбатлашишарди. Чой, нон, пиёла, ейилган овкат идишлари бор. Унда раҳматли Ходи Зариф, Холид Расул ва яна бир армани аёл, музейнинг котибаси ўтиришарди. Бир талай расмлар деворларга тескари қилиб тахлаб қўйилган. Ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Агар кўришни истасангиз, расмни қўлингизга олиб, ўзингизга қаратиб кўриб оласиз...

Менинг ҳайрон бўлганимни пайқашиб, “Бино йўқ-да, шунинг учун шу аҳволда ўтирибмиз”, дейишди. Хуллас, 1960 йилларнинг охирига келиб, домла Ҳамид Сулаймон Алишер Навоий номидаги адабиёт музейини ташкил этишга киришди. Янги ҳозирги биносини қўлга олишга муваффақ бўлди. Обод қилди; Навоий асарларигина эмас, Бобур ва унинг замондошлари асарларидан талай янгидан-янги топилмаларни Туркия, Ҳиндистон, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлардан шахсан ўзи олиб келди. Қўлёзмалар илмий-текшириш институти ва унга махсус босмахона ташкил этди. 60 70 йиллардаги тазйиқларга қарамай, миллий тарихимизга оид талай ҳужжатларни қўлга киритди. Биргина мисол: гарчи Навоий шахсига унча ҳужум бўлмаса-да, Бобурга қандай қарашлар бўлганини бизнинг ёшимиздагилар яхши билишади. Худди шундай қалтис вазиятларда домла Ҳамид Сулаймон Ҳиндистондан Бобур асарларига оид кўплаб ҳужжатларни тўплаб олиб келди. Булар орасида қадимий Шарқ санъати намуналари сифатида дунёга танилган - миниатюра намуналари, Бобурийлар авлоди ҳаётини акс эттирган жуда гўзал санъатни улуғловчи талай расмлар, рассомлар ҳақида бой меросни олиб келиб, шу ерда нашр эттиришни ҳам уддалагани ўзи бир дунё иззат-ҳурматга лойиқ эди...

Илгари адабиёт музейини оғизга олишга уялиб турилган музей 60 70 ва 80-йилларга келиб, кўпинча хориждан келган сайёҳлар, зиёлилар, давлат ва жамоат арбобларига ифтихор билан кўрсатиладиган даржасига етди. Бунда

домла Ҳамид Сулаймоннинг шахсий ғайрат-шижоати, ташаббуси, миллий ифтихор туйғулари, ҳуллас, имон-эътиқоди ҳал қилувчи аҳамият касб этган эди...

Бу кезларда домла рус ва Ғарб адабиёти соҳасида ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса, Алишер Навоий ҳаёти, ижодини чуқур ўрганишга киришган ва бу ҳазинага тобора шўнғиб борарди. Навоий асарларининг текстологик жадвалини тузганларида, докторлик химоясидаги оппонентлардан бири - Боровиков - “Ҳамид Сулаймонга икки марта докторлик унвонини берса арзийди”, деганда, камина шахсан қандай қувониб кетганимни ҳамон эслаб юраман...

Яна ўша имон-эътиқоддаги қатъиятлик фазилатлари ҳақида: музейда Бобур ҳаёти ва ижодига оид талай янгиликлар бор, аммо шу вақтларда Бобурга ҳужум авжга чиққанди. Ҳатто Пиримқулнинг йиллаб нашр этилмай ётганини билардик. Домла Бобурнинг жуда гўзал шоҳона салобати-ю шоир, олим, донишмандлик фазилатларини акс эттирган бир қиёфасини - ҳайкални одам бўйича ясатиб - устидан жуда чиройли - ялтироқ зарбоф мато қоплатиб қўйганлар ва бу гўзал сиймони музей биносининг иккинчи қаватига шундайгина зина олдига ўрнатган эдилар. Шунга ҳам ҳужум қилганлар бўлди. Шоҳ Бобурни кўз-кўз қилаётганликда айблашди. Бирок, домла уни сақлашнинг йўлини топиб, ундан ҳеч қачон воз кечганлари йўқ. Фақат хориждан келган сайёҳлар музейга қирадиган бўлса Бобур ҳайкалчаси халиги жойга олиб чикиб қўйилади... Бу ҳам етмаганидек бир ғалмис ўз ота-боболари, авлод-аждоди ҳурматини доим оёқоси қилиб келаётган кимса, “Ҳамид Сулаймон нуқул классик ёзувчиларни кўтаради, совет адабиётини, совет ёзувчиларини назари илмайди”, деган ўта хавфли пасткашлик фитнасини бошлаб берди. Бу кимса ҳамон бор. Бундай иғвони домла энди кўргани йўқ. 50-йилларда худди шундайлар биргалашиб домлани “халқ душмани” деб қаматганлари маълум... Сталинчи жаллодларга ўша палидлар қўл келар, Ҳамид Сулаймон сингари буюк зотларни қириб туриш компартиянинг яшаш учун танлаб олган сиёсий йўли эди. Домланинг оталари-ку 37-йиллардаги қатағонда отиб ташланган. Ўша вақтларда домла бизга дарс берардилар. Биз билан бирга ўқийдиган бир иғвогар бир куни домла

дарсга кирганларида, отангиз ким эди, бизга айтиб беринг деб, домлага пўписа қилгани эсимда. У “лаббайчи” файласуф домламиз Мансур Бобоевга ҳам “Сизнинг раҳбарингиз фалончи халқ душмани эди. Сизнинг у билан муносабатингиз қандай эди?” деб сўрагани эсимда. Яна орадан кўп ўтмай ўша вақтда бир газетада “Бобоев ким” деган сарлавха остида домлага жуда қалтис бир тухматнома ҳам ёзгани эсимда. Қизиғи шундаки, юкоридаги Ҳамид Сулаймонга “Нукул классик адабиётга, тарихга зўр беради” деган кимса ҳам, Ҳамид Сулаймонга, Мансур Бобоевга фитна қилган ҳар икки “лаббайчи” ҳамон яшаб юришибди. Аммо домланинг буюк сиймолари, эзгу ишларига энди улар раҳна сололмайди. Зеро, буюк Истиклолимиз эришган ва эришаётган ютуқларимиз ва қудратимиз шу вақтгача озмунча тарихимизни тикладими?! Озмунча миллий анъаналаримиз тикландими?! Домла Ҳамид Сулаймон айни шу маънавий тараққиётимиз учун бутун борлигини бахшида этган улў сиймо эди. Унинг ишлари, фаолияти, хотираси қалбларимизда мангу сакланади.

## Яхшининг шарофати

Кексалар дуога қўл очиб бор ниятларини яратгандан сўраганларида, ўғил-қизларига умр, бахт-саодат тилаб, “Яхшига ёндаштирайсин, ёмондан адаштирайсин” деган иборани ҳам катта умид ва эътиқод билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас. Унинг туб заминида чинакам имон, жуда буюк умуминсоний бир олий мақсад бор. Негаки, яхшига яқинлашсанг етасан муродга, ёмонга яқинлашсанг қоласан уятга сингари ғоят теран фалсафий мушоҳада, кенг қўламли тафаккурни туямиз унда. Асли дунё ва инсон пайдо бўлгандан буён буюк даҳолар ҳаёти-фаолияти худди шу дунёқараш заминида шаклланган десак хато бўлмаса керак...

Гап буюк геолог олим, ўзбек халқининг “мана бизнинг вақилимиз” деб, жаҳонга ибрат қилиб кўрсатадиган даҳоси - Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ҳақида боради. Баъзиларда Ҳабиб Абдуллаев, геолог, камина филолог, булар ўртасида

қандай умумийлик бор экан, кабилида савол туғилар. Ҳамма гап шунда-да. Серқирра шахсларни комусий олим деб аташ одат бўлган. Ибн Сино, Беруний, Навоий сингари даҳолар шундай сиймолар бўлиб инсоният тарихига кирганлар. Бунинг сири нимада? Агар таъбир жоиз бўлса сири шундаки, улар бутун дунё такдири, келажаги, тараққиёти ва инсоният бахт-саодати учун хизмат қилишни ўз ҳаётларининг энг олий мақсади қилиб қўйганлар. Инсоният минг йиллардан буён уларни худди шу буюк инсоний фазилатлари учун ҳурмат қилиб келади, қалби тўрида ардоқлайди... Ҳабиб Абдуллаев ҳам худди ўша буюк сиймоларнинг муносиб вориси сифатида майдонга чиқди ва ўз имон-этикодига сўнгги нафасигача содиқ колди...

Бундан бир қанча вақт илгари радиода Ҳабиб Абдуллаев ҳақида бир қатор олимларнинг хотираларини эшитиб колдим. Шулар орасида таникли геолог, атокли адабиётшунос-академик Тўрабек Долимов, атокли адабиётшунос-академик Азиз Қаюмовларнинг хотиралар диққатимни кўпроқ жалб қилди. Уларни тинглаётганда Ҳабиб Абдуллаев билан бўлган шахсан мулоқотларим, учрашувларимиз кўз олдимдан бирма-бир, телеэкрандаги кўрсатувлардай ўтаверди...

Тўрабек Долимов Ҳабуб Абдуллаевнинг фақат ўзбек геология мактабини яратишигина эмас, дунё геология фанида очган кашфиёти ҳақида, бу борада жаҳонда олимни қайси бир жаҳоний геологлар қаторига қўйиш мумкинлиги ҳақида шундай бир илмий, назарий, чуқур фикр-мулоҳазаларни баён қилдики, камина бу соҳадан олис одам сифатида ҳаммасини хайрат билан эшитдим. Мушоҳадаларда Долимов Ҳабиб Абдуллаевнинг дунё геология фанига қўшган янгилиги ҳақида, конлар ернинг энг чуқур негизида эмас, балки юза қатламига яқин, асосан муҳитнинг табиий шароити таъсирида шаклланиши ҳақидаги биринчи кашфиётчи, бу кашфиётни жаҳонда кимлар эътироф этгани, дунёда бу борада бўлган анжуманларда Ҳабиб Абдуллаевнинг чиқишлари ва унинг тан олиниши каби талай фикр-мулоҳазаларни баён қилди...

Академик Азиз Қаюмов эса, Ҳабиб Абдуллаевнинг ижтимоий фанлар, ўзбек адабиётининг бой маънавий

меросини тиклаш, нашр этиш, кенг қўламда тарғиб этишдаги фаолияти ҳақида мазмунли гапирди... Биз айна шу мулохазаларни тўлдиришга интиламиз.

Камина 1956 - 60 йилларда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқот олиб борган эдик. Ўша даврда миллий кадриятларни тиклаш ҳақида фикр юритишнинг ўзи бир олам ташвиш ва хатарли эди. Гарчи Сталин вафотидан кейин бу соҳага бир қадар йўл очилган бўлса-да, тўсиқлар ғоят кўп, хатарли эди. Қодирий романлари таҳлилига оид ишимиз тайёр бўлганидан кейин ҳамма галва бошланиб кетди...

Халқимиз, миллатимизнинг асл фарзандлари бўлмиш

Ҳабиб Абдуллаев, Иззат Султон, Яхё Ғулом, Ҳамид Сулаймон, Ҳадича Сулаймонова, Отабой Эшонов, қардошимиз-қозоқ халқи даҳоси Мухтор Авезов сингари бир қатор буюк сиймолар бу ишни қўллаб-қувватладиларгина эмас. амалга ошириш учун бутун бир хавф-хатарли ғояга қарши кураш олиб бордилар... Ишимиз юзга яқин жамоатчилик ҳузурида (адабиётчи, тарихчи, ҳуқуқшунос, шарқшунос, файласуфлар) муҳокама қилинди... Охири ҳимояга тавсия этилди. Аммо ҳимоя бир йилгача амалга оширилмади.

Орадан бир йиллар ўтгач, бу ишдан Ҳабиб Абдуллаев, Отабой Эшонов орқали хабардор бўлиб, жуда қаттиқ топширик бергандан кейин ҳимоя ташкил этилди... юз фоиз овоз билан ўтди. Москва бир ойда тасдиқ қилди. Аммо гап бунда эмас. Буюк геолог олим ижтимоий фанлар, миллий кадриятларни тиклаш борасида нақадар ғамхўрлик қилгани устида... Бу ҳаммаси буюк адиб, пок инсон, буюк сиймо - Абдулла Қодирий шарофати эди... Яхшининг шарофати деб шунга айтсалар керак. Бўлмаса, камина ким, Ҳабиб Абдуллаевдек буюк сиймо ким?!

Шунча гапдан кейин, бизнинг Ҳабиб Абдуллаевдек улуғ бир зот билан шахсан учрашувимиз, мулоқотимиз қай йўсинда рўй берди-ю, бунда қандай маъно бор эди? Натижа нима бўлди?, деган саволлар туғилиши ҳам табиий. Саволларнинг жавоблари аниқ, жуда қизик, бинобарин улар жуда жиддий натижалар билан яқунланди. Академик Азиз Қаюмовдан олдинги тил-адабиёт институтига узоқ муддат

директор бўлиб ишлаб келаётган кимса катта бир илмий тадшвикот ишларини анча оркага суриб келаётгани, шахсан ўзи ўн-ўн саккиз йиллар давомида бирор илмий махсулот беролмай, курук “рахбарлик”ни касб қилиб юрганини Хабиб Мухамедович яхши билар ва ўрнига 50-йилларнинг ўртасида ўзбеклардан филология фанлари соҳасида биринчи бўлиб докторлик диссертациясини Москвада, шаркшунос олим Евгений Эдуардович Бертельс рахбарлигида ёқлаб келган Иззат Султонни қўйишга ҳаракат қилиб юрган экан. Ўша вақтдаги Марказқўм катталари бунга розилик беришмаган.

Шу орада бояги директор ёш илмий ходимларни миллий кадрлар ҳисобига қўпайтириш борасида жиддий хатоларга йўл қўйиб, Академия президиумига нотўғри маълумот бергани Хабиб Абдуллаевнинг ғазабини келтиради. Яъни, тухмат билан аспирантурадан бировни хайдаб, ўрнига бошқасини олгани очилиб қолади. Бу иш ҳужжатлар ва аниқ далиллар билан исботланиши директорнинг шу кунгек ишдан олиниси билан якунланди. Худди ўша йиллар, яъни урушдан кейинги ўта иқтисодий кийинчиликлар туфайли илмий ходимлар ҳам камайиб кетганди. Бунини пайкаган Хабиб Мухамедович ўзбеклардан кадрлар тайёрлашга бутун борлиғи билан ҳаракат қиларди. Бу соҳада “дўппилилардан қўпроқ топинглар” дегани иборасини қўпчилик биларди. Ўзи илмий ишга қобиляти бўла туриб, аспирантурага кириш учун ёши ўтиброк қолган ўзбек йигитлари учун у Москвадан Ўзбекистон Фанлар Академиясига - ойига 150 сўм маошли, 150 одам ўрин-штат олиб келади. Шу шароитдан фойдаланган талай ўзбек йигитқизларининг фан номзодлари фан докторликкача эришганлари бўлди. Ана шу вазиятларда биз ҳам иштирок этиб, домла билан бевосита гаплашишга тўғри келди. Сухбатда ўша вақтда академия президиуми кадрлар бўлими бошлиғи Мириной Файзиев (юримдик фанлари доктори, Фалсафа ва ҳуқуқ илмий текшириш институтида ҳозир ҳам ишлайди), яна бирида - ўша вақтда тил ва адабиёт институтига директорлик лавозимига тайинланган академик Азиз Қаюмов, аспирантура бўлими бошлиғи Аброров ва бошқа бир қатор олимлар қатнашади. Шунда ўзбеклардан илмий



ходимларни кўпроқ тайёрлаш масаласини жуда кескин қилиб қўяди домла. Миллий маънавий меросни тиклаш соҳасида кўплаб тадбирлар амалга оширилади, Алишер Навоий асарларининг 15 томлиги, Беруний, Ибн Сино асарларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттириш каби ғоят муҳим маънавий меросга эътиборни жалб қилишда ҳам Ҳабиб Абдуллаев катта қатъият билан гапиради...

Бизнинг яқинлашувимиз эса, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тадқиқотига бағишланган ишимизнинг ҳимоясидан кейин ҳам бир йилгача чўзилгани ҳақида хабар Ҳабиб Абдуллаевга етиб борганда, у улуғ зот каминани чақириб, бўлган гапларни аниқлаб олди. Шундан кейин Қодирийнинг ўрни-ю меросини тиклаш борасидаги ишларимизга жуда дадил йўл очиб берилди, шунга тўскинлик қилувчиларнинг бошида турган собиқ директор ишдан олинди... Шу муносабат билан бўлган бир жиддий суҳбатда иштирок этганлардан бири хикоя қилишича, домла ўз ходимларига қараб, “Мен не ҳасратда миллий кадрларни кўпайтиришга ҳаракат қилсаму, бошқалар бунга халакит берса!” деб қаттиқ ранжиган, бу масалада бундан кейинги вазифаларни қаттиқ уқтирган...

Ҳабиб Абдуллаевнинг миллий кадрларга аҳамият беришини ўша вақтдаги юқори идора катталари “миллатчиликка” йўйганлар, унинг шаънига ёмон тамғалар босиб, деярли 30-йиллардагидай айблаганлар... аммо камашга баҳона тополмасдан, унинг асабларига ҳар хил йўллар билан тегиб туришади. Ниҳоят, хорижий мамлакатларда чоп этилган асарлари учун олган маблағи ҳисобига қурган дала ҳовлисига ёпишиб, “хусусий мулкчиликка интилиш”да айблаб ишдан олишади. Ноҳақ ҳужумлар, ифлос тамғалар, тухматларга асосланган даъволар домланинг иззат-нафсларини кемирди, асабларини издан чиқарди, ниҳоят ўлим тўшагига ётқизди... Хасталик кундан-кун ортиб бораётган, у зотни ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ ишдан олинаётган кезларда асарлари чет элларда кетма-кет чоп этилаётган, собиқ иттифоқ академиясига муҳбир аъзоликка сайланаётган, яна бир қатор хорижий мамлакатларнинг олимлари, академияларига аъзоликка сайланаётган бир жараён

эди...

Мустамлакачилар сиёсати - миллий зиёлиларни нақадар кўпроқ кириб ташлашга даъват этаётганда, ўз ичимиздан чикқан “лаббайчилар” иш бергани, бизнинг тарихимизга нақадар ёмон саҳифа бўлиб кирганини бир тасаввур этилса, миллий кадрлар тайёрлаш борасида бугун-мустикалликда амалга оширилаётган ишлар моҳияти нақадар буюк кўринади!..

Энди бир савол бериб кўрамиз: бугун шу гапларнинг нима аҳамияти бор экан?.. Ҳамма гап шунда-да! Жуда катта аҳамияти бор! Истиклол саккиз йилда бизга саноат, кишлоқ хўжалиги, автозаводдан газ қурилишигача, миллий мамлакатларда ўқиб таълим олишгача, шахсий хўжаликлардан барча талбиркорликкача ҳамма ҳаммаси ана шу буюк истиклол шарофати эканини ҳозирги ёшлар чуқур идрок этсалар, шунга муносиб ворислар бўлиб етишишни ўзларига олий мақсад қилиб олсалар эди, ҳаётларининг энг юксак мазмуни деб, шунга интилсалар эди, айни муддао бўлар эди...

Ахир турли жиноятчиларга эргашиб кетаётганларнинг жасадлари топилганда ёнларидан гоҳо қалбаки доллар, эндигина 18 ёшга тўлгани ҳақидаги гувоҳномалар чиқаётганини нима деб баҳолаш керак?!

Ҳабиб Абдуллаев бугун ҳаёти ва фаолиятида ўзбек ёшларининг энг етук зиёлилар сифатида шаклланишини орзу қилган, ўз фаолиятида муттасил бу борада аниқ талбирларни, ҳатто ўз шахсий тақдирига хавф-хатар туғилаётган вазиятларда ҳам довюрраклик билан амалга оширган эди... Зеро, Ватанин севиш, миллатни севиш, бугун дунё микёсида унинг мавқеини юксакларга кўтариш учун ўзига тенг бўлмаган қора кучлар билан дангал олишган қаҳрамонлардан бири деб шунга айтилади. Ёв қочмасдан унга қарши чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди... Ҳабиб Абдуллаев - чинакам Истиклолни очик орзу қилган, унинг учун ботирларча курашган буюк сиймо сифатида қалбларимизда абадий эҳтиром билан сақланади...

## Зар кадрини заргар биледи

Ёдингизда бўлса, биз мазкур рукндаги суҳбатимизда буюк олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида қисқача хотирамизни шарҳлаб берган эдик. Бугун эса ана шу буюк олим билан бир даврда яшаб, ўзбек халқининг тарихи, энг қадимий даврларга оид археологик ёдгорликларини топиш, аниқлаш, уларнинг миллатимиз маданияти, маънавияти шаклланишидаги ўрни, мавқеи, ахамиятини белгилашга катта хисса қўшган улуғ сиймо Яҳё Ғулом ҳақида билганларимиздан бир қадар айтиб беришга жазм қилдик...

Хурматли домла республикамиздагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Россиянинг Петербург ва Москва олимлари томонидан ҳам тан олинган, тарих ва археология соҳасининг машҳур билимдони даражасига кўтарилган сиймоларимиздан бири эдилар. Биргина мисол: таниқли рус олими академик Толстов қадимги Хоразм тарихига оид бир неча йил мобайнида давом этган археологик қазилма ишларида ҳамиша домла Яҳё Ғулом билан бирга фаолият кўрсатган ва унинг шу борадаги ҳамкорлиги, ёрдамларига юксак баҳо берган, бир неча бор миннатдорчилик изҳор этганини китобларида ёзиб кетган...

Аммо биз бугун домланинг тарих, археология соҳасидаги фаолиятларини ўша фаннинг мутахассисларига қолдириб, бу атоқли олимнинг яна бошқа инсоний фазилатлари, серкирра, етук зиёли шахсларга хос ўта ибратли, бугун ва ҳамиша ҳаммамизга намуна бўлиб қоладиган кўплаб хислатларидан айримлари устида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Халқимизда “Зар кадрини заргар биледи” деган машҳур бир мақол бор. Сиртдан қараганда, бу жуда оддий, ҳаммага тушунарли гап бўлиб кўринади. Аслида, бир қарашда бу тўғри ҳам. Аммо ана шу “оддий” ва “тушунарли” иборалар замирида шундай теран, шундай кенг кўламли мантик, ўткир фалсафий маънолар борлигини ҳамма ҳам ҳамиша идрок эта олармикан? Ва ҳаётда, ўз фаолиятида, оиласида, жа-миятада, расмий ва норасмий хатти-ҳаракатларида ана шу мақол негиздаги бебаҳо маъноларга амал қилармикан?

Бинобарин, бутун инсониятни тараққиёт сари бошлаш вазифаси ҳам шундай шахслар ва уларга эргашиб яшашга қодир табақалар зиммасида десак хато бўлмаса керак. Негаки, агар атрофимизга бир назар ташласангиз, гоҳо яхшидан кўра ёмон кўпга ўхшаб кўринади, аммо ўша озрок бўлиб кўринган яхшилар тоифасидаги имон, инсоф, эътиқодлар ҳаминша ёмонлардан кўра қудратлидир. Тараққиёт ва тақдир ҳам аксари шулар елкасида бўлади. Бизнинг бутун хотираларини эслаётган ҳурматли зот - домла Яҳё Ғулом - миллатимизнинг гули сифатида, миллий фанимиз, маданиятимиз, ниҳоят шулар мажмуасидан келиб чиқадиган бутун миллий маънавиятимизнинг буюк намояндаларидан бири эди. Домла фақат тарихчи, археолог олимгина эмас, адабиёт, шарқшунослик, фалсафа сингари ижтимоий фанларнинг ҳам чуқур билимдони эдилар. Араб, форс, турк ва туркий халқлар тилларидан кўпини, рус тилини мукамал билардилар, ўзаро суҳбатларда аксари, шарқ мумтоз адабиётидан, мақол ва маталларидан ёд айтиб туриб, ўз фикрларини тасдиқлар, исботлар эдилар.

1950 йилларнинг ўрталарида тарих ва адабиётдан, фалсафадан бизда фан докторлари жуда санокли бўлиб, тарихдан Иззат Султон ўзбек ёшларидан номзодлик, докторлик диссертациялари ёқловчилар орасида илмий раҳбарлик ва оппонентлик учун доим талаш эдилар.

Хуллас, ана шундай бир вазиятда, раҳматли шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов номзодлик диссертациясини ёзиб битирган, ёқлашга тавсия этилган, аммо шарқшунослик соҳасида ўзимизда битта ҳам фан доктори йўқ, биринчи оппонентликка эса соҳа бўйича фан доктори талаб қилинади. Юриб-юриб охири Абдусодиқ домла Яҳё Ғуломга хасрат қилади. Биринчи оппонент бўлишларини сўрайди. Домла, аввало менда ишлар кўпайиб кетди, иккинчидан мен шарқшунос эмасман-ку, деб қутулмоқчи бўлганларида, Абдусодиқ “Ўзларингиз номзод, доктор бўлиб олганларингиздан кейин бошқаларга қарамайсизларми?” деб домладан гинахонлик қилади; домла кулимсираб туриб, “Ҳа майли, олиб келинг ишингизни” деб розилик берганлар. Бу ерда биз домладаги инсон меҳнатига ачиниш, меҳр-шафқат билан бирга у кишининг ёш олим-

нинг шарқшунослик соҳасидаги тадқиқотларини бемалол таҳлил қилишга қодир эканликларини ҳам яққол кўрамыз.

Яна бир лавхага гувоҳ бўлгандим. Маҳкам Абдураимов деган тарихчи олим бор эди. У докторлик диссертациясини ёқлаганда уч оппонентнинг бири домла Яҳё Фулом бўлдилар. Илмий кенгашда диссертацияни ёқлаш жараёнида домла Яҳё Фулом Ленинграддан келган биринчи оппонент билан бир масала устида баҳслашиб қолдилар. Унинг фикрларини аниқ далиллар билан рад этиб, диссертантни химоя қилдилар ва бу борада ўз шахсий фикрларини чуқур далил ва исботлар билан баён этдилар. Залда анча танглик бир ҳолат пайдо бўлди. Негаки, катта марказдан келганларнинг бирорта гапини икки қиладиган мард жуда кам, ҳатто йўқ даражада эди. Ленинградлик олим қайта-қайта чиқиб домлага, диссертантга ташланди, ҳар сафар домла Яҳё Фулом унинг фикрларини рад этиб, охирида “Бу масалага оид бор манбаларнинг ҳаммаси мана шу мен айтган фикрни тасдиқлайди” дейдилар-да, минбарда турган олимга тесқари қараб ўтираверадилар. Бошқа яна сўзлашнинг ҳожати йўқ, деган маънода индамай қўяқоладилар. Ниҳоят домла Яҳё Фуломнинг фикрлари устун бўлиб чиқди. Залдагилар ҳаммаси домланинг мулоҳазаларидан қониқиш ҳосил қилганини билдириб турди.

1961 йилга келиб камина Абдулла Қодирий ижодиётдан номзодлик ишини ёқлайдиган бўлди. Ўша кезлари домла мени чақириб, “Бир жиддий гап бор, айтиб қўяй, ўзингиз билиб қўйинг, гап шу ерда қолсин”, дедилар. “Менга Ҳадича Сулаймонова айтиб бердилар, Қодирийни қаматганлардан бири “Кўраман, уни оклайдиганларни” деб дўқ урибди. Қўяверинг биз сизни химоя қиламыз. Мен ўзим албатта “советда” бўламан. Қерак бўлса, сўзга ҳам чиқаман, қўркманг, энди қўлидан ҳеч нарса келмайди” деб менга далда бериб қўйдилар, Худо раҳмат қилгур домла... Химоя тинч ўтди. Залда одам жуда кўп эди. Халиги дўқ урган чиқиб бирор гап айтишга журъат қилолмади. Агар менга ҳужум қилса, залда уни талаб ташлайдиганлар, дадил, журъатли ва билимдон олимлардан Иброҳим Мўминов, Яҳё Фулом, Ҳадича Сулаймонова, Ҳамид Сулаймон, Отабой Эшонов, Иззат Султон, Ойбек сингари хал-

кимизнинг энг обрўли, нуфузли гуллари, академия президенти Ҳабиб Абдуллаевлар бор эди. Ҳатто қозоқ халқининг буюдк олим ва ёзувчиси, ҳурматли зот Мухтор Аvezовнинг ишимизга ёзган жуда теран илмий-назарий мулоҳазаларини ифодалаган телеграмма-хати ҳам бор эди. Ойбек билан Аvezовнинг мулоҳазалари ёзилган мактубни академик Азиз Қажумов ўқиб берганда залда ғоят кўтаринки бир рух пайдо бўлдики, булар ҳаммаси буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг оқланиши, асарларининг қайта-қайта нашр этилиши, у буюк сиймонинг ўзбеклар қалби тўридаги армони маънавият оламида янгидан жонланишидан иборат эди.

Домла Яҳё Ғулумнинг яна бир фазилатлари ҳақида айтиш жоиз. Домла аслида жуда пок ниятли, имон-этикодлари мустаҳкам, тўла маънодаги зиёли бир шахс бўлганлари туфайли - ҳар ишда ҳалолликни ёқтирар эдилар, жиндек ғирромдек катта-катта бир қатор олимлар ишлайдиган жойга - академиянинг тарих институтига ҳеч қандай илмий ёки раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаган бир ёш жувон директор қилиб қўйилди. Унга бирор гап айтадиган одам республикада кун кўролмасди... Шу орада бир тўйда домла Яҳё Ғулум ҳам бор эканлар, у ерга у кишининг ортиқча алоқалари йўқ экан. Бир яқин одам, “Ҳа, домла, бу ерда нима қилиб юрибсиз?” деб сўраса, “Директоримизга хушомад қилиб келдик” деб жавоб берганларида директор ҳам ўтирган экан.

Яна бир гап. Яҳё Ғулум домла академикликка сайландилар. Ҳаммага бу борада бир аниқ тушунча мавжуд муқофотлар, унвонлар, академияларга сайланишлар нақадар завқли бўлмасин, одамлар шу нарсаларда муносиб ва номуносибларни жуда яхши ажратишади. Шунга қараб энг яқинлари билан фикрларини ўртоқлашадилар. Биз дўстим - Ҳибзиддин билан бирга табриклагани домланинг уйларига бордик. Ҳовли лик тўла одам. Катта қозон, катта самоварлар қайнаб турибди. Бизни катта айвон орқасидаги чоғроқ уйга таклиф этишди. Кирдик. У ерда домла билан қўшинлари - тиббиёт олими, профессор Абдулла Каримов ўтирган эканлар. Хурсанд кутиб олишди. Қадаҳларга қўйилди. “Сиз гапиринг” деб менга айтдилар. Мен уялдим. Йўқ, дедим.

Хибзиддин ҳам менга “Бир оғиз гап айтақол” деди. Хуллас, қадаҳ сўзи айтдик: “Домла аввало сизни академикликка сайланганингиз билан чин кўнгилдан табриқлаймиз. Бундан ҳамма софдил одамлар хурсанд. Чунки, илмга ҳар хил айланма йўллар билан кириб келганлар бошқа, сиз билан Иззат Султонга ўхшаганларнинг қани энди сони кўпайса. Мана, сизларнинг сайланганингизга ҳамма хурсанд бўлди. Танжонингиз соғ бўлсин, бахтимизга узок умр кўринлар” дедим. Домла: “Ёпирай-я, шуни биласизларми сизлар ҳам” деб суюниб кетдилар-да, мана бўлмасам, деб ичиб юбордилар. Шунда Хибзиддин: “Яхё акамларни ичириш учун сени гапиртириш керак экан-да”, - деб ҳаммамизни кулдирди. Чунки бу вақтларда домла қанд касали, қон босими каби бир қатор дардларга учраган эканлар, шу туфайли ҳамма нарсадан парҳез тутар эканлар. Мана бу сизга ҳалол йўл билан фан оламига кирган фидойилар ва уларнинг қабиларини тўлкинлантириб келадиган имон-этиқод билан яшайдиган буюқларнинг энг ибратли фазилатларидан бир лавҳа ҳолос. Бу ҳаммаси “Зар қадрини заргар билади” қабилда ўз маънавий меросига бўлган этиқоднинг бир кўринишидир.

## Устоз Саъди Ҳасанович

Ҳурматли домла Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг кўзойнак тақиб кулиб тушган суратларини кўрдим-у, кўнглим ёришиб кетди, айни бир нафасда қалбимда аламли бир изтироб пайдо бўлди...

Мен Саъди Ҳасановични салқам ўттиз йилдан буён билардим. Шу муддатнинг яримларида унинг бевосита раҳбарлигида ишлаш бахтига ҳам муяссар бўлганман. Аммо шахсан жуда кам сўзлашардим, иш юзасидан нарига ўтмасди гапларимиз. Ҳар учрашганда кўнгил тўлиб, қайфиятлар кўтарилиб, ниҳоятда мамнуният билан хайрлашардим. Саъди Ҳасанович бизлар билан учрашганларида адабиётдан шундай эркин фикрлашар эдиларки, кўплаб чалачулпа адабиётшуносларгина эмас, етук мутахассислар суҳбатда ўйланиб қолишарди. Хуллас, Саъди Ҳасанович,

буюк математик олим бўлиш билан бирга адабиёт, санъат, мусиқа, яхши ашулани ғоят севар эдилар.

Бизда олимлар, ёзувчилар, буюк даҳоларни хотирлаб илмий кенгашлар, йиғишлар ўтказиш анъанаси қадимдан бор ва бу маданиятимиз тараққиётига, ёшлар тарбия-сигагина эмас, ҳаммамизнинг онгимизга зиё бериши, муттасил ижобий таъсир кўрсатиш керак. Шу билан бирга бундай тадбирлар ўзининг амалий самарасини ҳам бериши, ундан ўзимизга зарур хулосалар чиқариб олишимиз шарт. Бирор йиғилиш “хўжакўрсинга” бир-бирини ўпишиб табриклаш, гулдурас қарсақлар чалиш, кетидан маишат килиб “ака, ҳаммаси жойида бўлади” деб тарқалиб кетишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Афсуски, бизда кўпинча шундай бўлиб келаётир. Мен бунга ўнлаб далиллар келтиришим мумкин, эндиликда зиёлилар орасида бу ҳолни билмайдиган бирорта кимса йўқ. Лекин ҳеч ким айтмайди.

Саъди Ҳасанович ўз соҳалари бўйича мактаб яратган ва бу борада оламга танилган буюк бир шахс, кашфиётчи олим эдилар 10та фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаган, минг-минглаб ёшларга таълим берган, 5та монография, иккита дарслик, юздан ортиқ илмий мақола-лар ёзган олимнинг шон-шухрати “Сирожиддинов теоремаси”, “Сирожиддинов шартлари” атамалари билан математика оламига сингиб кетди. Мутахассиснинг тасдиқлашларига қараганда, Саъди Ҳасанович ўз устозлари академик А.Н.Колмогоровнинг мазкур йўналишдаги ишларини умумлаштириб ва давом эттириб унга қараганда аниқроқ натижаларга эришди. Бунинг учун эса Саъди Ҳасанович янги услуб топди ва бу услуб эҳтимоллар назариясида фавқуллодда ходиса бўлди. Саъди Ҳасановичнинг бу услуби Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск ҳамда бир қатор хорижий мамлакатлардаги олимлар томонидан тан олинди, илмий ишларда мазкур кашфиётга тез-тез муружаат қилиб туришади. Фанда мактаб очиш деб мана шундай кашфиётларга айтилади. Гоҳо филологлар орасида тўғри келган бир ёзувчини “мактаб яратган” деган буюк ном билан ўйламай-нетмай улуғлаш ҳоллари учрайди. Мен ўзбек шўро адабиётида фақат Абдулла Қодирий романчилик мактабини яратган деб атардим, ҳозирча ўзбек шўро



адабиётида мактаб яратган бошқа ёзувчини билмайман. Бу гапдан асл мақсад шулки, мактаб яратган ўзбек олимлари ва зиёлиларининг қисмати нега нуқул фожиалардан иборат бўлиб келаётир? Бу савол неча йиллардан буён вужудимни қакшатади.

Зиёлиларимизнинг, кўпроқ ўзбек зиёлилари ва ёзувчиларининг буюк намояндалари тақдири нега аксари фожиалар билан тугаётгани ҳақидаги фикрини ҳозирча шу ерда тўхтатиб, Саъди Ҳасанович тўғрисидаги гапни давом эттирамиз.

У киши ректор сифатида энг мураккаб ва нозик масалаларни шундай оқилона ва адолат билан ҳал қилдиларки, бундай кезларда ҳар сафар қойил қолиб тарқалишардик. Саъди Ҳасановичнинг ёшларга, шогирдларига меҳрибонлиги ҳақида кўп гап айтилган. Бу жиҳатдан Сирожидинов ректор бўлиб ишлаган йиллар Тошкент дорилфунуни тарихига олтин давр бўлиб қиради. десак муболаға бўлмайди. Талабларга ҳам, домлаларга ҳам, аспирантларга ҳам ундай ғамхўр, меҳрибон раҳбар ва олим дорилфунунда ҳали бўлмаган дейиш мумкин, айниқса, маҳаллий миллат болалари, ўзбек қизларининг ўқиши, маълумотли бўлиб етишишига алоҳида ғамхўрлик қилишни ҳамма декан, кафедра мудирларига доим тайинлар эдилар.

Бир кун мени тўсатдан чақириб қолдилар. Шу вақтда мен ўзбек филологияси кечки ва сиртки бўлими бўйича декан муовини ва шу соҳа бўйича вақтинча проректор лавозимини бажарувчи ҳам эдим. Хоналарига кирдим. Бир ёшгина қиз ўтирибди, кўзлари жикка ёш. Менга шу қизни ўзбек филологиясига ўтқазиб олишни айтдилар. “Хўп” дедим-у, қизнинг қайси қуллиётданлигини сўрадим. Роман-герман қуллиётининг учинчими ё тўртинчи курсидан бизга иккинчи курсга ўтмоқчи экан. Бундай ходисалар кўпайиб бораётгани менга анчадан буён маълум эди-ю, ректорга қандай қилиб айтишни билмай келардим. Жуда вақти келди, дедим-да кўнглимдагини ректорга тўкиб солдим. Ўзбек қизлари, болалари роман-герман чет тили бўлимига кириб олгандан кейин ўзбек филологиясига паст курсларга ўтиб, яна икки-уч йил йўқотишади. Бундай аҳвол муттасил давом этадиган бўлиб қолди, буни ҳеч ким, “нима бўляп-

ти?” деб сўрамайди. Мен Саъди Ҳасанович ҳузурларидаги кизнинг имтиҳон дафтарчасини сўраб олиб, кўриб чиқдим. Учинчи, тўртинчи курсгача ҳамма фанлардан фақат 4 - 5 баҳо билан ўқиган, энди мутахассислиги - француз тилидан “3”га ҳам топширолмас эмиш. Кизга уқдиришганки, “сен бу ерда ўқий олмайсан, яхшиси ўзбек филологиясига бор, бўлмаса ҳайдаласан. Аммо ўз хоҳишинг билан ўтаётганингни деканга, ректорга ёзиб кирасан”, дейишган. Воқеани билганимдан кейин мен Сирожиддиновга очик айтдим: “Домла, шу факультетингиздаги бундай ҳоллар кўпдан давом этади ва йил сайин авжга чиқаяпти. Бу киз Қашқадарёнинг узоқ тоғли қишлоқларидан келган экан. Ҳамма фанлардан юқори баҳо билан ўқиган талаба бир фандан лоақал “3”га топширолмаслиги мумкин эмас, топширади. Фақат уларнинг топширмаётган бўлса керак, дедим. Саъди Ҳасанович дарҳол бу гапга аҳамият бериб, кизга француз тилида бир гап айтдилар-да, тушундингизми, деб сўрадилар, киз “ха” деб жавоб қайтарди. Шунда мен Саъди Ҳасановичнинг француз тилини ҳам билишларини биринчи марта кўриб хайрон қолдим.

Хўб, бўлмаса кизим, сизга муддат олиб берсак француз тилини топширасизми?

Топшираман, деди бир оз жонланиб киз.

Қанча муддат керак?

Бир ҳафта бўлса, бўлади.

Мен гапга аралашиб, йўқ, бир ҳафта камлик қилади, энди улар комиссия билан олишади, унга жиддийроқ тайёрланишига камида уч ҳафта берайлик, дедим. Киз яна севиниб “Э, унда, албатта, топшираман” деб юборди. Маълум бўлаяптики, кизча ўзи танлаган соҳада ўқимокчи.

Шундан кейин кизни чиқариб юбориб, мени олиб қолдиларда, “ана кўрдингизми яхши қилдик-а”, деб қарорларидан ўзлари ҳам хурсанд бўлдилар. Кейин техник котиба Нелла Ивановани чақириб, роман-герман қуллиётининг декани Вагановни ҳузурларига таклиф қилдирдилар. У тезда етиб келди. Менга бояги гапингизни русча қилиб гапириб беринг, дедилар. Мен ҳамма фикрларни яна бир марта, бу гал анча батафсилроқ қилиб, бир қатор мисоллар билан айтиб бердим. Ваганов фикримизга қўшилди, қайта имти-

хон ташкил қиладиган бўлди, Саъди Ҳасанович унга иложи бўлса шу имтиҳонга мени ҳам таклиф қилинг, ўриб катнашаман” дедилар. Декан бир оз хижолат чекиб, “Йўғ-е, керак бўлса, имтиҳонни сизнинг кабинетингизга кўчирамиз”, деб қўйди. Шу билан бу ишга нуқта қўйилдигина эмас, роман-гермат қуллиётидан бизга оқиб келишлар анча чекланди. Бу биргина воқеа холос. Бундай ишлар Сирожидинов ректорлигида муттасил бўлиб турарди. Ўттиз йиллар мобайнида мен кўрган ректорлардан бирортаси ёшларга, айниқса, ночор оилаларнинг болаларига Саъди Ҳасанович даражасида аниқ, тўғри, меҳр-шафқат билан муомала қилган эмас. Ғалва чиқиб қолса, боринглар, деканлар билан гаплашинглар, дейиш кўп раҳбарларга хос хусусият бўлиб, тангликдан бош тортиб қолишарди.

И.Усмонхўжаев, Р.Абдуллаев, Б.Сатин, В.Анишчев “тахт”га чиқишлари билан ўз “фаолиятларини” ўзбек зиёлиларига қарши тухмат ва ҳужумдан бошладилар. 1987

1988 йиллар жумҳуриятимизнинг энг кўзга кўринган зиёлилари, раҳбар ходимларига худди 20 - 30 йиллардаги сингари суиқасд қилиш авжга минган йиллар бўлди. Саъди Ҳасанович, Мурод Шарифхўжаев, академик Садриддин Ёўлдошев, академик Мавлонов, атокли матбуотчи, йирик ташкилотчи раҳбарлардан саналиб келган Зиёд Есенбоев, ўз ташкилотчилик қобилияти билан матбаачилар ўртасида катта обрў ва ишончга сазовор бўлган Шоислом Шоғуломов, жумҳуриятимиздагина эмас, иттифокда танилган академик Восил Қобулов, бутун онгли ҳаётини билим ва маданиятимиз тараққиётига сарфлаб келаётган, кўзга кўринган зиёли, раҳбар ходимларимиздан бири Убайдулла Абдураззоков, атокли журналист ва ёзувчи Саъдулла Кароматов (бу рўйхатни хали жуда давом эттирса бўлади) тақдирлари кўз олдимизда нима бўлди? Ҳар бири юрагига бигиз тикилаётганда ўзбек халқи бу мўътабар фарзандларига қай аҳволда эришганлари на Усмонхўжаевга, на Абдуллаевга ва Сатин ёки Анишчевга керак эмасди. Улар дастлаб зиёлиларимизнинг гуллари бошларини сапчадек узиб ташлашлари, ундан кейин хаммани ўзларига икки букилиб сажда қилдириб “ўзлари хон, қўланкалари майдон” каби-лида яшашни истардилар. Биз бу ҳолни энди кўраётганимиз

йўқ, 1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошларида бутун жаҳонга таърифи кетган асримизнинг Берунийси, Фаробийси, геология фани соҳасида мактаб яратган Хабиб Абдуллаевга қилинган суикасднинг тепасида ўша даврда биринчи-иккинчи шахсларимиз Титов турганини, уларнинг машъум топшириқларини кимлар ўта “муваффақият” билан бажарганини ҳам ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бу ҳам алоҳида мавзу... Яқин ўтмишда халқимиз, зиёлиларимиз устига ёғдирилган таъна тошлари ҳақида бадиий асарлар ёзилишига шубҳа йўқ. Аммо бунинг учун Шекспирлар, Қодирийлар, Чўлпон ва Фитратлар етишмай турибди.

Тошкент шахрига фирка раҳбари бўлиб келган Б.Сатин қандай топшириқ олиб келганини аниқ билмайман, аммо ишга тушгандан бошлаб шахар аҳволида бироз тузалиш бўлгани йўқ. Аммо шахар корхоналари, олий ўқув юргларида неча ўзбек директор, раҳбар, ректор, кафедра мудири бўлиб ишлаётганини ҳар йиғинда санаб чиқиб, уларни ўрнига албатта бошқа миллатдан қўйишни очик айтиверди, сира тап тортмай зиёлиларимизга дангал хужум бошлади. Бу ҳақда кимки аниқ маълумотга эга бўлишни истаса, Сатиннинг ўша йиллардаги ҳар йиғилишида, шахар фирка кўмитасининг ҳар бюроси ва пленумидаги маърузаси-ю, нутқларини олиб кўраверсин, мен ундан кўчирмалар келтириб, яна юракларни зиркиратиб ўтирмайман.

“Хўш, шунча дардингиз бор экан, ўзингиз нима қилиб ўтирган эдингиз?” деган ҳақли сўроқ тушади. Аввало, бизда ҳақиқат йўлида курашиш учун қаламдан бошқа бирор восита йўқ. Фикрларимизни баён қиладиган матбуотлар шу қадар муте эдики, 4 - 5 йиллар орасида бирор мақоламизни бостирилмасдик. Рўзномалар истаган бозорбоп мақолани эса, биз ёзмасдик. Рўзнома ва ойнома бошида ўтирганлар эса, ўша пайтдаги ортиғи билан бажариш билан чекланмасдан, хатто уларга энг машъум маслаҳатлар бериб туришарди.

Бундай воқеалар ўзбек халқи орасидаги виждонли зиёлиларнинг қалбини ўртади, ларзага келтирди. Етар шунча ҳақоратлар, чеклашлар, таҳқирлашлар. Мен ўзбек зиёлилари орасида яқиндагина жафо чекиб, дунёдан ўтган

С.Х.Сирожиддинов, академик Мавлонов, Саъдулла Кароматов ва ўша зулм-ноҳаклик туфайли бутун соғлиқларидан айрилган юқорида номлари санаб ўтилган ва тилга олинмаган зиёлиларимиз ҳақидаги фирка қарорларини ҳам қайтадан кўриб чиқишни, ундаги ноҳакликларни очиб ташлашни ҳаммага ошқор этишни сўрадим. Токи қўлларига ҳокимият тегиб қолган нопок, тарафқаш, пастқаш, амалпарастлар ўз қилмишларига вақти келиб жавоб беришларини доим ўйлаб иш қилсинлар.

## “Романска” қоровули Уста Кулол ва Ҳамроқул

Истиклол дарди билан яшаб, Россиянинг босқинчилик сиёсатини 30-йиллардаёқ дадил фош этиб ташлаш - осон эмас, бошни гаровга қўйиб ёзиш деган сўз эди. Зеро, сталинчи котилларнинг ёвузлиги айни 30-йилларда авжга чиқиб, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва уларнинг қатор сафдошларини худди шу кезларда қатлиомга дучор этилгани тарихимизнинг энг қирлик даври бўлиб қолган-ку?! Бирок Абдулла Қаххор майда хикоялар устаси, буюк адиб сифатида ўз ўтмишдошларининг энг улуғ ғояларини айни 30-йилларда ғоят қатта жасорат билан давом эттирганига бир назар ташласак, унга ҳамиша хос бўлган довюраклик, имон-этикодга собитлик нимадан иборатлигига яна қойил қоламиз...

Бу буюк ёзувчигина эмас, буюк шахснинг чинакам ижодкорига хос маънавий оламига, эл-юрт манфаати учун бугун борлигини фидо қилиб яшаганига минг марта гувоҳ бўлганмиз. Ҳар бир асари, йиғинларда чиқиши худди байрам тантаналаридай кутиб олинганини ҳамон ҳаяжонланмай эслай олмаймиз... Негаки, унинг ўз ибораси билан айтадиган бўлсак, “ёзувчи халқнинг тили учидан турган, айтолмаган гапини” топиб айтиши керак... Агар биз “Инсон манфаатлари йили” деган муқаддас иборани тилга олганимизда Абдулла Қаххор, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон сингари буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни кўз олдимизга келтирсак, уларнинг ҳали очилмай қолган ёрқин, муҳим, энг қимматли, ажойиб қирралари

янгидан-янги саҳифалари билан намоён бўлади.

Модомики, маънавиятимиз тарихига жиддийроқ ёндошганмиз сари нималарни кўрамиз деб савол қўяр эканмиз, манави нуктага бир эътибор берайликчи: 1933 йиллар. Қизил империя Марказий Осиёда қирғинини кун сайин авжига чиқараётган кезлар. Ҳаммининг ер-суви, дўкон-дастгоҳи тортиб олинаётибди, қишлоқда “қулок”, шаҳарда “шўрога ҳақсиз” тамғалари билан “халқ душмани”, “миллатчи” қабилидаги айбномалар бутун ахборот воситаларида ҳар куни тўлиб-тошиб ётади... Одамлар камалади, сурган қилинади, отилади ва ҳоказо... Ҳа, деса, “душманни қуритиб, социализм курамиз” деб жар солади шўро етакчилари... Нима қилиш керак? Бу хил жабр-зулм, эл бошига солинадиган фожиалар - Абдулла Қаҳҳордек етук ёзувчи ва чуқур билимдон сиймонинг қалбларини ларзага солмай қўймас, вужудини муттасил ўртарди.

Ана шу нуктаи-назардан ёзувчининг 1933 йилда ёзган “Томошабоғ” сарлавҳали бир кичик ҳикоясининг эмас, бир неча йирик жанрдаги бадиий, бутун бир асарга тенг келадиган мавзунинг атиги бир шингил ҳикояси китобнинг икки ярим бетидан нақадар маҳорат билан ифода этилганини эслаш бизни бутун бир асар қаърига сургашига ҳайрон қоламиз. Ҳикояча “Томошабоғ” деб аталади. Тагига “ўтмишдан” деб ёзилган. Эпиграфида-чи? Бундай дейилган: “Эй бус-бутун аёллати вайрон ўлон ватан, ҳар гўшаси замонада зиндон ўлан ватан” Кўриб турибсиз: сарлавҳа жудда оддий туюлади. Бирор томоша жойи ҳақида деб ўйлашингиз мумкин. Аммо ҳикоячани ўқиб, даҳшатга тушасиз - мустамлакачилар бошимизга солган не-не кулфатлардан бири кўз олдимизга бутун даҳшатлари билан намоён бўлади-қўяди...

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги энг марказ жойга Чор Россияси босқинчилари учун солинган дабдабали турар жой. Бундай гўзал қурилиш бошқа ерда бўлмагани учун содда маҳаллий аҳоли уни “томошабоғ” деб билган бўлса керак. Ёнидан ўтганлар унга ҳавас билан қараб кетишади. Оддий халқ уни “Романска” деб атаган, яъни Романовларга тегишли уй-жой. Октябрь тўнтаришидан кейин гўё мустамлакачиликка “барҳам берган” қизиллар даврида “Романска” пионерлар саройи деб аталадиган бўлди. Ана

шу сарой бўлмасдан илгари ўша иморат бутун шаҳарга дахшат-қўрқув солиб келган. Мустамлакачилар ерли аҳоли бошига ҳар хил арзимаган баҳоналар билан азоб бераверишни одат қилиб олганлар.

Абулла Қаҳҳор худди шу мавзуни “Томошабоғ” да усталик билан ёритишда ғоят катта жасорат кўрсатади. Оддий қадокчи Ҳамрокул синиқ идиш-товокларни чегаллаб тузатиш туфайли “Романска”нинг қоровули Стоктулов билан танишиб, ошно бўлиб қолади. Қоровулнинг русча фамилиясини айтишга тили келмайдиган даражадаги содда Ҳамрокул бу янги танишини Уста Кулол деб атайти, ўзича унга шундай от қўйиб олган. Бу ерда икки хил халқ ўртасидаги, энг оддий кишилар ўртасидаги яқинлик иккисининг бошига бало солганини ҳам кўрамиз.

Уста Кулол Ҳамроқулнинг бетоблигини кўриб, андак нафасини ростлаб олишга чақиради. Бирга озгина ўтириб суҳбатлашаётганда бир миршаб офицер келиб, ҳар иккаласининг ҳам кўкракларига тепиб-тепиб, қаматишга буйрук бериб юборади... Шу баҳона билан шаҳардаги айрим “тартибсизлик”ларга барҳам берилаётгани хақида газеталарда ахборотлар чиқиб туради.

“ Ўтган 23 сентябрда мазкур шаҳарда Русия даҳасидаги Романовский боғида ҳам шу қабила беадаблик содир бўлган. Чунончи, сартиялардан бири ўзларига соҳиблик қилиб турган Русия тўраларининг истироҳатгоҳларига кирган, яъни ниҳоятда беадаблик қилган...” ва ҳоказо.

Энди ўйлаб кўрайлик, 30-йиллардек хунрезлик босқичида Россия Марказий Осиёга, жумладан Туркменистонга нималар келтирганини ёзиш билан чекланиб қолмаган Абдулла Қаҳҳор ундан кейинги барча мураккаб хавфхатарли вазиятларда ҳам ўз жасоратидан қайтгани йўқ. Эл-юрт бошига фажиалар солаётганларни ўта билимдонлик, жураёт билан фош этиб ташлайвериш бу буюк сиймонинг яшаш тарзига айланиб қолади. Бусиз ўзини тасаввур этолмасди у. Асли ёзувчи ва ҳар қандай онгли зиёлининг маънавий қиёфаси шу эмасми?

Абулла Қаҳҳор ҳеч қачон ўз виждони-имонига қарши бормаган. “Пахта яккахокимлиги” авжга чиққанда, Ўзбекистонда бу дўзах азобига айланиб кетгани, пахта сепила-

диган захарли дорилар инсонларни ёппасига хароб қилаётгани ҳақида “Литературная газета”да чиққан ҳам Абдулла Қаҳҳор эди-да! Биргина шу мақола тафайли унинг соғлиғи яна ёмонлашди. Унга қарши “исён”лар кўтарган мақолалар ташкил этилди. Ёзувчилар уюшмасида энг йирик сиймоларимиз бошига не-не кунларни солган Милчак исмли бир ўткунчи ва унинг ҳамтовоқларини ғоят қаттиқ фош этиб, ўз ихтиёри билан Тошкентни тарк этишга мажбур қилган ҳам Абдулла Қаҳҳор эди-да! Бугина эмас, ёзувчи 60 ёшга кирганда унга бағишланган йиғида - “Мен солдат эмасман. Мен партиянинг онгли аъзосиман” деб, ўзининг манқурт эмаслигини дангал айтгани учун унга неча кишилашиб ҳужум қилишган, шу баҳона катталардан бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиб гиж-гижлатишганини биз ҳамон эслаймиз.

Яна бугина эмас, “Тобутдан товуш” асари сахнага чиқиши билан унга тухматлар ёғдирилганини нима деб аташ керак. Гўё асардаги Суксуров ҳам, Нетайхон ҳам ўзбекларда йўқ, бу бизга социализм берган хурлик. таълим-тарбияга зид деб жар солганларга нима дейиш керак?!

Мана шу икки асар ва юбилейда айтилган гап ҳақида икки оғиз изох: “Тобудан товуш”да 50-60 йиллардаги авжга чиққан порахўрлик ва ниҳоят, “текин пул тешиб чиқади” қабалидаги носоғлом-порахўр оилалардаги аёлларнинг юлғич ва маиший бузуклиги жамиятда озмунча фожиаларга олиб келганми?! Суксуров - амалдор. Бирон одамга умрида бирор марта холис яхшилик қилган эмас, қилмайди ҳам. Хотини ҳам шунга ўрганган. Дабдабали ховли-жойлар қуриб олишган. Суриштириб қолинса - бунча ҳаракатни қаердан топганлари очилиб қолади. Шундан чўчиб ховлини бировлар номига ўтказиш, бунинг учун эса энг беъмани найранглар ўйлаб чиқариш, Нетайхон бу орада ўйнаш топиб, эрига хўжайинлик қилиши, турли-туман пасткашликлар Суксуров оиласини алақачон чиритиб юбораган.

“Партиянинг онгли аъзоси” ибораси эса, айни кунларда ҳам ғоят катта аҳамиятли, маънавий қиёфани белгилайдиган фазилатлардан бири. Яъни кўр-кўрона яшаш, юкоридан берилган буйруқнигина бажаришдан бошқага ярамайдиганлар ҳеч қачон фойда келтирмаган. Зеро, хар



қандай вазиятда ҳам инсон бошқа махлуқотдан фақат онги билан ажралиб туришини ҳисобга олсак, Абдулла Қаҳорнинг бу фикрига қарши чиққанларни ким деб аташни ҳар ким ўзи ҳал қилсин!

...1964 йил баҳори, апрель ойининг 10-санаси. 1956 йилги зиёлилар қурултойида оқланган Абдулла Қодирий ва унинг бир қатор сафдошлари ижодига янгидан қараш, асарларни нашр этиш масалалари ўртага ташланди. Ҳамма ёқда аллақандай жонланиш, чайқалиш ва қандайдир - сўз билан айтиб бўлмайдиган иккиланиш, хавфсираш сингари зиддиятли тушунчалар айқаш-уйқаш бир давр. Абдулла Қодирийнинг икки романи 1958-59 йилларда янгича сўз боши билан нашр этилган.

...Қодирийнинг туғилганига етмиш йил тўлиши нишонланадиган бўлди. Домла Иззат Султон Қодирий ижодини оқлашда янгидан сўзбоши ёзганлар, мажбурият орқасида ёзувчига изоҳ этганига қарамай домлага қаттиқ ҳужм бошланган. 1964 йилдаги йиғинда маъруза қилишни домлага топширишганда у киши рад қиладилар ва каминани оғохлантириб, “Набодо сизга топширишса сиз ҳам рад қилинг, чунки нима десангиз шундан чатоқ топишади” деб қўйдилар. Ниҳоят, ўша йили 10 апрель куни Академия тил ва адабиёт институти биноси мажлислар залида йиғин бўлди. Мен йиғинга бир оз олдинроқ борган эдим, залда ҳеч ким йўқ, битта Ойбек домла (жойлари жаннат бўлгур), ҳурматли зот бир ўзлари қўлларини орқага қилиб у ёқдан бу ёққа юриб турибдилар.

Бир оздан кейин Ёзувчилар уюшмаси котибларидан битталари аранг келдилар, ортларидан бошқалар тил адабиёт институти ходимларидан 3-4 киши, ундан кейин ёзувчи Пиримқул Қодиров, ва бир оздан кейин Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё опа кириб келишди... Залда ҳаммаси бўлиб, 10-15 дан ошмайдиган одам. У вақтларда Қодирий юбилейига келишга ҳам қўрқадиганлар кўп эканлигини биз кейинроқ тушуниб етдик.

Мажлис бошланди. Юбилей маърузасида Қодирий шундай ерга урилгандики, агар унинг сўзлари тасдиқланадиган бўлса, Қодирийни яна тирилтириб суд қилиш ва янгидан отиб ташлаш лозим бўларди. Биз Пиримқул, Ойбек

ва шу кабилар ҳаммамиз ғижиниб ўтирибмиз, лом-мим демаймиз. Маърузачи “Қодирийни адойи-тамом қилиб” тугатгандан кейин музокарага ҳеч ким чиқмади. Залда жимлик. Ким ни-а китишини ҳам, нима дейишини ҳам билмади. Маърузага биров қўшилмайди ҳам, ёмонламайди ҳам. Ғалати ҳижолат зални босди.

Мажлисни бошқараётган зўрлаб Ғофур Ғуломни сўзлатди. “Сиз Қодирий билан ишлагансиз, кўргансиз, сиз, гапиринг”, деб гуриб олди. Ғофур Ғулом жуда малол келиб сўз бошлади. Гапи-гапига ковушмай қолди, чунки сўзламокчи эмаслиги билиниб турарди. Ниҳоят, залдагилар ҳам сўраганидан кейин сўз бошлади. Нималардир деди ва Абдулла Қодирий роман ёзди, аммо бизнинг бугунги тушунчамиздаги Оврўпоча романни беролмади. “Муштум” да бирга ишлаганмиз, кўришганмиз” кабилидаги иборалар билан сўзни тугатди.

Кутилмаганда А.Қахҳор қўлини кўтариб сўз олди. Залда бирдан жонланиш пайдо бўлди, чунки А.Қахҳор сўзга чиққан йиғинда ҳар сафар ҳамманинг қалбида узоқ ёки абадий сақланиб қоладиган бирон гап бўларди. Кўпчилик доим уни “қани энди А.Қахҳор сўзга чиқса” деб кутарди. Агар А.Қахҳор келармиш деган йиғинни эшитса, ўз-ўзидан кўпчилик оқиб келаварарди.

Хуллас, Абдулла ака сўзга чиқдилар. Гапни айти Қодирий романларидан бошлаб “А.Қодирий бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги, Европача романларнинг ўзбек адабиётидаги энг яхши намуналарини берди. Оврўпо гази билан ўлчаганда ҳам бу романлар ҳамма талабларга бемалол жавоб беради” деб гап қайнаб кетди... Ёзувчининг “Биринчи романи чиққандаёқ, ҳаммамиз унга мафтун бўлганмиз. Номини эшитганмиз. Иккинчи романи учун материал тўплашга Кўконга борганда, биз ҳам эшитиб қолиб, талай одам унга эргашиб юрганмиз. Бир оғиз гапиришга журъат этмаймиз. Унга бир пиёла чой таклиф этиш қаёқда, осмонда учиб юрган фариштани ерга таклиф этишдек туюларди... деб Қодирий шаънига энг мақтов гапларини тўқиб солди.

Ҳаммамиз маза қилиб эшитдик. Енгил тортдик. Маърузадаги ва ундан кейинги гаплар адойи тамом бўлди. Ундан кейин А.Қахҳор шоир Боту ижоди устида тўхтади. Ўша

кезлари “�збек совет адабиёти тарихи очерклари” (2 томлик) нашрдан чиқиб, талай гап сўзлар, аралаш-қуралаш фикрлар, зиддиятлар яна авжга чиққан. Абдулла Қодирийга ёпиша-ёпиша ҳали чарчамаган кизилчилардан бирлари “Ҳа, Чўлпон “Кеча ва кундуз” шеърисида ҳам бизга қарши чиқади, совет давлатини ёруғликда кўролмади” деб юрган бир шўрлик: “Боту ҳеч қачон биз томонга ўтган эмас”, деб жар солиб юрган эди. (Икки оғиз изох: у шўрлик биз деганда, ўзини совет ҳукумати маъносида, биз томонга деганда, советлар томонига деб биларди). Абдулла Қаҳҳор Боту маънавиятига муносабат ҳақидаги фикрларини шундай баён қилди: “Булар бўлар иш бўлди деган экан. Майли. Боту ҳақида. Мен унинг ҳамма асарларини яқинда бошқатдан ўқиб чиқдим. Боту жуда ёш, комсомол шоир. Шеърларда, бошқа асарларида советларга зид бирор нарса кўрмадим. Ёшларга хос, комсомолларга хос хусусиятлар бор. Аммо бирон ёт мафқурага оид жойини кўрмадим. Асарларини босиб чиқариш керак”

У сўзини тугатди. Бошқа ҳеч ким сўзга чиқмади. Ҳаммамиз Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё опа орқаларидан кузатиб чиқдик. Эшикда “Волга”си турган экан. Кўчага чиққандан кейин Абдулла Қаҳҳор Пиримқул Қодировни ўзи билан машинага ўтказиб олиб кетди. Ғофур Ғулом югуриб келиб, “Абдулла кўришиб турайлик! Бизникиги келинг!” деб хайрлашди. Ўша куни ҳаммамиз Абдулла Қаҳҳор сўзлари, унинг Қодирий, Боту ва бошқа ёзувчилар меросини ўрганиш, ўзбек адабиётининг ҳозирги аҳволи, унга одамларнинг турли-туман зиддиятли қарашлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари таъсирида тарқалишдик.

Кейинчалик Пиримқулни учратиб сўрасам, Абдулла ака уни тўғри боғларига Дўрмонга олиб кетибдилар. Йўл-йўлакай Абдулла Қаҳҳор ўша кунги сўзларидан ўзи ҳам рози бўлгани, пайтдан фойдаланиб юрагида қайнаб турган дардларидан бир қисмини айтиб олганидан мамнун бўлиб гапирибди. Ана шу воқеадан кейин Абдулла Қодирий ва Боту ижодиётига муносабатларда бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлди. Асарлари бирин-кетин босилиб чиқа бошлади. Сўзбоши ёзганлар ҳам оз-моз хушёр торта бошладилар. Ойбек домла Москвада чиқиб турган “Дружба народов”

журналида ўзбек адабиёти, унинг бой мероси, маънавияти жумладан, Абдулла Қодирий ижодига қарашлар, унга тегишли баҳо бериш ҳақида ғоят эътиборли мақолалар билан чиқдилар.

Ана шу қарашларга Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасини ҳам қўшиб тасаввур этсак, маънавий меросга ҳурмат билан қарашга интилиш энг илғор зиёлиларимизга қанчалик қимматга тушганини озгина тасаввур эта олар эдик. Негаки, ёв қочган, ботир қўпайган даврлар билан, ёв қочмаган, ботир қўпаймаган даврлардаги шахсларнинг қиёфалари аниқ кўриниб туради.

Негаки, бизда гоҳо “фалончи энг мураккаб даврда яшади, унга оғир бўлди” деган гаплар учраб туради. Аввало, гап шундаки, “энг мураккаб бўлмаган” давр бўлганми?! Ҳаёт бор экан, ҳамиша у мураккаблигича қолади. Фақат имон-этикод бутунларга яшаш доимо ҳам осон бўлавермайди. Абдулла Қаҳҳор умр бўйи эл-юрт қайғусида, унинг манфаати учун адолатсизликка қарши очик курашиб яшади. Айнан у билан бирга яшаб умрида бирор марта эл-юрт манфаати йўлида адолатсизликка қарши бир оғиз сўз айтмаганлар ҳозир ҳам индамай яшаб юрибдилар-ку! Ана шуларни ўйлаганда, шахсдан-шахс, ёзувчидан-ёзувчи тафовути намоён бўлаверади...

Биз мазкур ишда ҳар қайси ёзувчининг бирор муносабат билан санаси ўтказиладиган бўлса, ёзувчининг туғилган йили, жойи, ёзган асарлари рўйхатини санаб чиқишдек сийқаси чиққан йўлдан бормай, Абдулла Қаҳҳорнинг 90-йиллиги муносабати билан унинг маънавиятимизни тиклаш боби-даги энг қалтис даврларда кўрсатган жасорати, билим-донлиги, эл-юртим деб ёниб яшаганлиги устида қисман фикр юритишга ҳаракат қилдик. Бу мавзу ҳали кўп йиллар давом этади.

## Тўрт учрашув

Иброҳим Мўминовдек буюк бир сиймо ҳақида бир неча сўз айтишга менда маънавий ҳуқуқ борми-йўқми билмайман-у, аммо домла оламдан ўтганларидан буён у киши

ҳақларида калбимда умрбод сақланиб келаётган миннатдорчилик хис-туйғуларини бирор йўсинда изҳор этиш эҳтиёжи мени ҳеч қачон тарк этмаган. Негаки, домла ҳаётлигида неча марта у киши билан дуч келган бўлсам ҳамisha салобатлари босиб, бирор гап айтишга журъат этолмасдим. Оламдан ўтганларини мен газеталарда Қашқадарё вилоятида ТошДУ ўзбек филологияси талабалари билан юрган кезларимда ўқиб қолдим. Ўқидим-у, бутун вужудим қашаб кетди...

Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиждинов, Отабой Эшонов, ниҳоят, ана шу буюк сиймоларнинг ҳозирда ҳаёт юрган вакили Иззат Султон - халқимизнинг асл ва атоқли фарзандлари сифатида туркий халқлар маданияти тарихидан юксак ўрин олган аждодларимиздир. Бу номлари санаб ўтилган аждодларимиз билан учрашувим, айримлари билан яқиндан алоқа боғлашимга сабаб, яхшининг шарофати деганларидек, туркий халқлар романчилигининг отаси буюк ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) бўлди.

1956 йилда ЎзФА тил ва адабиёт институти аспирантурасига кириб, академик Иззат Султон тавсиялари ва ўз хоҳишим билан “Абдулла Қодирийнинг тарихий романи” мавзуида номзодлик ишени ёзишга киришдим. 1960 йилда ишни тугатиб, бўлим муҳокамасига қўйдим. Шу вақтда тил ва адабиёт институтида Азим Қаюмов директор, Иззат Султон менга илмий раҳбар, Иброҳим Мўминов Академиямизнинг вице-президенти, Ҳабиб Абдуллаев президент эдилар. Иш муҳокамага берилгач, илмий ходимлар бирин-кетин ўқишаверди, жуда кўпчилик ўқиди, шу орада ҳар хил шов-шувлар эшитила бошлади. Ҳар ким ўзича муҳокама қилди, бироқ йўл-йўлакай қулоққа чалинган гаплар фақат салбий гаплар. “Қодирий идеаллаштирилаяпти. Бунга йўл қўймаслик керак, буни Иззат Султон қилаяпти ва ҳоказо...” Иззат Султон домла ўзбек олимлари ичида биринчи бўлиб Москвада филология фанидан докторликни химоя қилиб келган, Академия йиғилишларида муҳбир аъзоликка бир неча бор номзодлари қўйилар, ҳар сафар “юқоридан” ўтмай қолаверарди. Ниҳоят, академиклар бу ишни мустақил ижобий ҳал этиб, домлани сайлаб ҳам

юбориши. Бу ўзи алоҳида бир мавзу. Худди шу кезларда Иззат Султонга қарши, унинг академияга сайланиб қолиш йўлини тўсиб қолиш муайян доирадагилар учун зарур эди, уларнинг номларини ҳозир айтиб ўтириш шарт эмас, айримлари оламдан ўтди, айримлари ҳали ҳам ҳаёт.

Иззат Султон ҳақидаги гап ҳозирги мақола учун нега керак, деган савол туғилиши мумкин. Унга жавоб шулки, Ўзбекистон зиёлиларининг ўша йилда Нуриддин Акрамович Мухиддинов ташаббуси билан ўтказилган курултойи, унда Ўзкомпартиянинг ўша вақтдаги биринчи котиби (Н.А.Мухиддинов) маърузаси, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва уларнинг қатор сафдошлари окланиши ҳақидаги маълумотлар бизга қанот бағишлаган. Халқимизнинг кўнглида неча йиллардан буён армон бўлиб ётган дардлари рўёбга чиқарилган эди. А.Қодирий номини ҳамон одамлар тилга олишга кўркиб юрар, матбуотларда у ҳақида (1955 йилда “Қизил Ўзбекистон”да Иззат Султон мақоласидан кейин) бирор мақола эълон қилинмасди. А.Қодирий ҳақида ёзиладиган бўлса, унинг тепасида қатта обрў-эътиборли шахс туриши талаб этиларди. Иззат Султон шундай шахс эди... Хуллас, домла раҳбарлигида ёзилган иш муҳокама қилинди. Ишнинг муҳокамаси жараёни ўзи бир олам хикоя бўлади. Эрталаб соат 9ларда бошланиб, кеч соат 7- 8 ларда тугади. Иш химояга тавсия этилди. Ишнинг муҳокама ҳақида Отабой Эшонов, Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Мўминовларга батафсил хикоя қилиб берибдилар (чунки, О.Эшонов муҳокаманинг бошидан охиригача қатнашган эдилар). Биринчи оппонентликка Иброҳим Мўминов, иккинчисига Озод Шарафуддинов таклиф этилди. Ана шу кундан кейин мен Иброҳим Мўминов билан учраша бошладим... Иброҳим Мўминовдан оппонент бўлишни Иззат Султон шахсан илтимос қилган эдилар. Домла рози бўлибдилар.

Биринчи учрашувим ишни домланинг раёсатдаги хоналарига элтиб беришдан бошланди. Бордим. Юқори қаватга чиқдим. Олдиларида одам бор экан. Кутиб ўтирдим. Чиқиб кетишгач, котиба кириб мени айтди. Домла руҳсатлари билан кирдим. Унча қатта бўлмаган файзлиқкина хонада баланд бўйли, кенг елкали, кўзойнақларини қўлларига олиб ярим табассум билан домла Иброҳим Мўминов

мени қабул қилдилар. Домла камгап, аммо жуда салобатли, оғир вазнли табиатли, жиддий қиёғали шахс бўлиб кўриндилар менинг кўзимга. Обрў-эътиборлари катта эди, ишимни қабул қилиб олганлари учун анча хотиржам бўлдим, раҳмат айтиб, севиниб чиқиб кетдим.

Иккинчи учрашув. Мен аспирантурани битириб, ишни химоя қилмасдан илгари “Ўзбекистон коммунисти” журна-лига бўлим мудирини бўлиб кетдим. Домла журнал тахририят хайъати аъзоси эканлар. Ўша вақтдаги бош муҳарриримиз Лутфилла Муродов, мафкура бўлими мудирини Р.Соҳибоевлар таклифи билан Иброҳим Мўминовга бир мақола ёздириб келишим лозим бўлиб қолди. Улар домланинг олдиларига мени юборишди. Шу баҳонада яна учрашдим, гаплашдим, мақолани илтимос қилдим, айтилган муддатда ёзиб бердилар, олиб келдим, мақола босилди. Орадан ўн бир ой ўтди. Домла мени йўқламайдилар. Қачонки домладан дарак бўлса, ишимни химоя қилишим мумкин бўларди.

Учинчи марта орадан ўн бир ой ўтказиб, бир куни ўзимча домланинг олдиларига борадиган бўлдим. Минг хаёлга чўмдим. Чунки домла ўзлари чакираман деган эдилар. Чакирмасларидан бориш беодоблик бўларди-да. Юрак ютиб бордим. Не хаёлда раёсат биноси зинасидан чиқиб кетаётганимда йўлда домла Ҳасан Расуловни учратдим, у киши ҳам Иброҳим Мўминов олдиларига кетаётган эканлар. Иккаламиз чиқиб бордик. Зинадан тушаётган алабиётшунос олим Абдурахмон Алимухамедов Иброҳим Мўминов хузуридан чиқиб келаётган экан, кўришдик. Абдурахмон ака қизиқчилик қилиб: “Ҳа, Аҳмаджон, сиз ҳам президентлар олдига борадиган бўлиб қолдингизми?” - деб ҳаҳолаб кулдилар. Ишларимдан хабарлари бўлгани учун, қандай кетаётганини сўраб, “бўш келманг”, деб хайрлашиб кетдилар. Қабулхонага бордим. Ҳасан ака кириб кетдилар. Улардан кейин мен кирдим. Бу сафар домла анча нохуш қабул қилдилар. “Хўш”, - дедилар-у, - “ўзим чакирмасдан нега келдингиз?” деган маъно юзларидан англашилиб турарди. Иложи борича ўзимни босиб, “домла, узр, бизни унутиб юбордингиз деб ўйлайман, шу вақтгача чакирмаганингиздан кейин ўзим бир хабар олай деб келган эдим”, дедим қисиниб-қимтиниб. Ўзимни худди бир айб билан қўлга

тушгандай хис этдим. Домла кўзойнақларини қўлларига олиб, бир оз ташвишли ва асабийроқ бир ҳолатда файзли юзларига жиддий бир киёфа бериб: “Аҳмаджон, билиб қўйинг, агар мен рад этсам, кейин ишингизни ҳеч ким олмайди”, - дедилар. Гап оппонентлик ҳақида борарди. Шу топда мен ҳам асабийлашдим. Хар куни хар кимдан қулоқларимга чалиниб турган ғаламисликлар тоқатимни ток қилиб қўйган эди. Домлага курум-курум гапириб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим: “Домла, мен худди шу ташвишдан сизни ҳам, ўзимни ҳам қутқаргани келдим. Мен ўша редакцияда ишлаб, бир катта илмий ходимдан кўпроқ маош оламан. Яна мақола ёзиб, таржималар қилиб тураман. Мен илмий соҳага пул учун келган эмасман. Аспирантурага кирмасдан илгари ҳам шундай топардим. Ҳозир ишни қўлингиздан оламан-да, манави очик ойнангиздан пастга улоқтираман. Вассалом, оркамга қарамасдан кетаман. Домла, узр, мен сизга зарда қилаётганим йўқ, шу ишни ҳимоя қилмасам тинчийманми, бўлди?!”- дедим.

Худо раҳмат қилғур домла шу топда: “Ўтиринг”, - дедилар-да, ўзлари ҳам боядан бери тик турган эдилар, ўтирдилар. Кўзойнақларини столга қўйдилар. “Аҳмаджон, сиз хафа бўлманг. Менга ишонасизми?”- деб қараб турдилар.

- Домла, албатта ишонаман-да, сизга ишонмасам кимга ишонаман!

Ундай бўлса, хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойига тушади. Ҳимоя бўлади. Мен сизни ўзим чакираман.

Олдиларидан бироз тинчланиб чикдим. Кўнгли ларё, бағри кенг буюқларимизнинг ўша вақтдаги ташвишларини биз унча билмаймиз. Олимлар-у, марказқўм ходимлари ораларида қанчадан-қанча иғволар кезиб юрганлигига қарамасдан, ёшларни ўстириш ҳақида изчил ғамхўрлик қилиб келаётган Иброҳим Мўминовни мен анча кейин тушуниб етдим, афсус тушунчаларимни у кишига бир оғиз изҳор этолмай доғда қолдим.

Тўртинчи учрашув. 1961 йил апрел ойи охирларида мени Иброҳим Мўминов чакириб қолдилар. 4 майга ҳимоянгизни қўйдик. Энди манави саҳифаларга қаранг! Домла ишдаги жадидчилик окимига оид жойларни кўрсатиб, тагига чизиб қўйган эканлар. Биз ўша вақтдаги ёзувлар ва тушунчамиз



даражасида жадидчиликни роса қоралаб юрган эканмиз. Домла: “Бу тўғри эмас, ҳозирча олиб қўяқолинг”, - дедилар. Кейин С.Айнийнинг “Эски мактаб” асари муносабати билан инкилобдан илгариги мактаб-мадрасалар ҳақида салбий гаплар айтилган жойларни чизиб чиқиб, “Аҳмаджон, эски мактаблар ҳаммаси ёмон бўлган эмас. Ўша Навоий, Бобур, Улуғбеклар ҳам эски мактабдан чиқишган”, деб қўйдилар секин, салмокли овоз билан жиддий қараш қилиб... шу кезларда домла Темур ва унинг даври, тарихини тиклаш устида ўйлаб юрган эканликларини биз кейин билдик. Ғаламислар домлага чигирткадай ёпишган эди...

Мен орзиқиб кутган кун - тўртинчи май ҳам келди. Соат 14.00да илмий кенгаш ва химоя бўлиши “Қизил Ўзбекистон”, “Правда востока” газеталарида эълон қилинганига анча бўлган. Ўша вақтдаги авжга чиққан одат бўйича бизнинг уйимизда зиёфатга тайёргарлик қизғин нарсалар пиширишган, ака-ука, қариндош-уруғлар йигилишган. Ошналар химоядан кейин келиши керак... Соат 12.00ларда телефон бўлиб қолди. Олсам, домла Иброҳим Мўминов. Шошиб қолдим. Чунки бу қадар ҳурматли зот ҳеч қачон уйимга телефон қилиб мени йўқлаган эмас эдилар. Ўша-ўша босиқ овозда гап бошладилар:

Аҳмаджон!

- Лаббай, ассалому алайкум домла.

Яхшимисиз, ука, менинг олдимга бир келинг!

Тинчликми, домла?

Ҳа, тинчлик, келинг айтаман, хафа бўлмайсиз бугун химоя бўлмайди.

Уйдагиларга бу гапни айтдим, ҳаммаларининг қўлтиғидан тарвузи тушди. Мен не хаёллар билан домла олдиларига бордим. Мени очик чехра билан кутиб олган домлада жиддий бир ташвиш борлиги сезилиб турарди.

- Ўтиринг. Бугун химоя қолдирилди. Аммо кейин бўлади. менга ишонаверинг. Бу иш қолиб кетмайди...

Бугун бўлмаса, қачон бўлади, домла?

- Ҳозир айтолмайман, аммо албатта ўтказамиз. Хотиржам бўлинг.

Газеталарда эълон берилган, ҳамма хайрон қолади бу ишга. Бирор сабаб кўрсатиб, эртага газеталарда “бошқа

кунга кўчирилди” деб эълон берилса бўлмасмикан?

Домла жуда хаёлга ботдилар. Гарчи аниқ билмасам-да, жиддий бир ташвиш борлиги кўриниб турарди. Мен сўролмаيمان, домла айтмайдилар. Котибани чакириб, илмий кенгаш котиби Самишкинни сўрадилар. У кирди. Календарни олиб, ўйлаб туриб, 17 майга химоя кўчирилгани хақида юқоридаги икки газетага эълон берилди. Матнга қўл кўйдириб редакцияга ўзим олиб кетдим. У ердан тўғри химоялар залига бордим, зал атрофида жуда кўп хилма-хил одамлар ғувиллашиб юрибди, ҳаммаси деярли нота-нишлар. Битта Ҳабибулла Қодирийни таниб қолдим, унинг қариндошлари ҳаммаси келган, бошқалар ҳам кўп. Мен эълонни кўчириб тушлаб, бутун химоя бўлмаслигин айтдим, Ҳабибулла котиб қолди, қариндошлари не куйга тушганини айтиш кийин, чунки мен ўзим ҳам Ҳабибулла кўйидаман. Бутун шаҳарга бу гап тарқалди. Кейин билсам, Ҳафиз Абдусаматов билан Ғани Жаҳонгиров (булар ўша вақтда Марказқўмда мафкура бўлими мудири Ғ.Нажимов қўлида йўриқчи эдилар) мен ва ишим устидан котириб айбнома ёзиб беришган экан. Шу асосда химоя қолдирилган. Ишим ва авторефератимнинг барча нусхаси марказқўмга олиб кетилган экан. Иззат Султон домла шу куни кечқурун Шароф Рашидовнинг уйига бориб, воқеадан хабардор қилганлари, Рашидов у кишига “сиз билан Иброҳим Мўминов ўртасида бўлаётган бу ишни ўтказиш керак, мен айтаман” деганларини Иззат ака кейин менга айтдилар. Азиз Қаюмовнинг гувоҳлик беришича, Ҳабиб Абдуллаев ҳам мазкур иш химоясини тезда ўтказиш лозимлигини шахсан Иброҳим Мўминовга жиддий топширган эканлар.

Хуллас, бу сафар айtilган кунда химоя ўтди, химоя залига назаримда шаҳар кўчиб келгандай эди. Ҳаммаси буюк аждодларимиз ҳурмати, Абдулла Қодирий туфайли эди. Иброҳим Мўминов, Мухтор Авезов, Ҳабиб Абдуллаев, Хадича Сулаймонова, Яхё Ғулом, Иззат Султоновлар шарофати деб ўйлайман. Ҳаммалари ишимни ижобий баҳолашган.

Орадан бир неча кун ўтгач бизнинг қариндошларникида тўй бўлди. Тўй катта олимлар даврасига мансуб бўлгани учун унда Қори Ниёзий, Иброҳим Мўминов, Обид Содиков, Султон Умаров каби сиймолар бор эди. Мен ўртада

меҳмон кутардим. Булар ичида ўзимга энг яқин бўлган Иброҳим Мўминовга ҳар нафас назар ташлаб тураман. Бир қараганимда домла имлаб чақирдилар. Бордим. Қулоғимга “ху, анави болалар ичида турган ўғлимга қараб турарсиз, бу ерда ҳеч кимни танимайди” дедилар. Мен дарров ўша томонга қараб болалар олдига бордим: “Аҳмаджон ким?” деб топиб олдим. Йигитча назаримда Иброҳим Мўминов домланинг қуйиб қўйгандай ўзгинаси, кичикроғи. Бошлаб келдим, домланинг олдиларига бир стул қўйиб, “мана, дадангизнинг ёнларида ўтираверинг” дедим. Домла мамнун кулиб қўйдилар.

Худо раҳмат қилсин у кишини; ўзларига айтолмаган гапларимни рухларига айтиб, умр бўйи дуо қилиб яшайман.

## Иқтидорли олима

Бу сафарги хотирамиз ўзбек халқининг фарзандларидан бири ҳуқуқшунослик соҳасида миллатимиз хотин-қизларидан биринчи фан доктори, профессор, биринчи академик, республика адлия вазири, олий суд раиси, хуллас, фан ва жамоат арбоби Хадича Сулаймонова ҳақида...

Биз санаб ўтган сифатлар Хадича Сулаймоновадек зотни улуғловчи фазилатларнинг ҳаммаси эмас. Бошқалари тўғрисида кейинроқ, суҳбатимиз давомида имконият бори-ча айтиб ўтамиз. Аммо гап ҳозир шунчалик фазилатларга эга бўлган ҳурматли зот билан каминанинг қандай муносабати бўлиши мумкин, деган табиий бир савол туғилишида ҳамдир. Айни шу ерда - яхшининг шарофати ўртага тушади. Яна ўшга буюк адиб Абдулла Қодирий руҳи каминадек бир оддий абадиётшуносни Хадича Сулаймоновадек етук зиёли, катта обрў-эътибордаги буюк бир сиймо билан таништирди, яқинлаштирди, суҳбатлашиш, балки жуда нозик ёки айтиш мумкинки, XX асрнинг 60-йилларидек қалтис бир тарихий вазиятда - кизил империянинг халқимиз бошига солаётган фожиалари ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан сирлашиб олиш даражасига олиб келди.

Шундай лавозимдаги одам мени биринчи кўришдаёқ ишониб “Гап шу ерда қолсин”, деб айтган дардлари ҳамон қулоғимда жаранглаб туради. Гарчи у вақтларда унча ақлим етмаган бўлса-да, “гапни-ку ютиб кетдим”, аммо бу гап остида домланинг ҳаёт-мамоти ётганини кейинроқ чуқур англаб етдим. Бу сир Хадича Сулаймонова шахсининг бутун имон-эътиқоди, демакки, бой ва буюк маънавий олами негизини ташкил қиларди. Хадича Сулаймонованинг ёшлигидаёқ кўнглига тутиб қўйган катта мақсади-ю йирик фан, давлат, жамоат арбоби даражасига етгандан кейинги ҳаёт йўлига бир назар ташласак - бу ҳурматли зотнинг нақадар буюк маънавий шахслар билан, миллий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш борасидаги амалиёти, айниқса, қизил империянинг энг дахшатли босқинчилиги давом этиб турган кезлардаги фаолиятлари жуда катта жасорат бўлганига қойил қоламиз. Негаки, ҳали у вақтларда “ёв қочмаган ботир кўпаймаган” давр эди. Тўғри, 1956 йилдаги зиёлиларнинг биринчи қурултойи қарорлари билан мазкур масалада анча йўл очилган, аммо қаршилиқлар, хавф-хатарли тўсиқлар бисёр эди. Ана шу қурултой қарорлари заминида махсус комиссия тузилди. Унга жуда обрў-эътиборли шахслар жалб этилди. Комиссия аъзолари олдида

30-йилларда жумхуриятимиздан ўша вақтдаги ҳисобда қамалган 40 мингдан ортиқ қатағон қурбонлари ишларини кўриб чиқиш лозим бўлди. Хадича Сулаймонова эса, ана шу комиссиянинг доимий маслаҳатчиси этиб тайинланади. Ишларни кўришда ҳуқуқшуносликка оид иборалар, қонунларнинг қўлланиши ва бошқаларда Хадича Сулаймонова жуда билимдонлик, ҳалоллик билан кўмаклашади... Энди эътибор беринг: Хадича Сулаймонова ҳақидаги шу ергача айтганларимизни ҳозир вақтинча тўхтатиб, ўз мавзумизни давом эттирамиз-да, кейинроқ яна юқоридаги фикрларни изоҳлашга тўғри келади.

1960 йил баҳор ойлари. Каминанинг Кодирий ҳақидаги ишига доир автореферат чоп этилди. Академиянинг илмий кенгаш аъзоларига ўзимиз олиб бориб беришимиз керак экан. Шу боис мен ҳам ҳозирги Мустақиллик майдонидаги ўша вақтда ҳуқумат уйи биносига жойлашган домланинг қабулхоналарига бориб, тортинибгина кирдим. Бахтимга

қабулхонада ўзимизнинг кўшнимиз ҳуқуқшунослик фанлари доктори-профессор Ғулом Аҳмедовнинг аёллари

Муқаррамхон ўтирган экан, у киши шу ерда ишлар эканлар. Кўришдик, сўрашдик. Гапимни айтиб, кўлимдаги авторефератимни бердим. Муқаррамхон раҳматлик (у киши ҳам оламдан ўтганлар): “Ҳозир, тўхтаб тулинг, Аҳмад ака, мен кириб чиқаман”, - дедилар-да, бир зумда чиқдилар ҳам.

Кулиб туриб: “Кирар экансиз”, - дедилар. Хайрон қолдим. Кирдим. Қимтиниб турибман. Хадича Сулаймнова эса, худди илгаридан танишлардек, кулиб менга кўл бердилар. Яхши сўрашдилар. Мен ҳам анча хотиржам бўлдим. “Йигит, - дедилар автореферат муқовасига қараб туриб, - жуда савоб иш килибсиз-ку! Биз Абдулла Қодирий романларини ўқиб шу даражага етганмиз. Бу роман бизнинг қанчадан-қанча кўз ёшларимизни тўккан. Раҳбарингиз ким? Қани”, - деб туриб, раҳбар исми-шарифи ёзилган саҳифага қарадилар-да, - “ҳа, жуда соз. Иззат Отахонович эканлар. Мен бу кишини жуда ҳурмат қиламан. Жуда кўп савоб ишлар қиладилар. Лекин нима учун шу вақтгача у киши академияга сайланма-дилар? Тушунолмайман. Сира тушунолмайман... Айтгандай, оппонентларингиз ким? - деб туриб, уларни ҳам ўқидилар. “Ҳа, Иброҳим Мўминов эканлар. У киши Кенгаш раиси, мен ва Яҳё Ғулом муовинлармиз. Ҳойнаҳой ё мен, ё Яҳё ака раислик қилсалар керак. Иброҳим Мўминов оппонент бўлсалар шундай бўлади... Мен рефератингизни албатта ўқийман. Керак бўлса, фикр айтаман. Энди ҳеч қандай ифвога йўл қўймаймиз. Кўркманг, ҳаммаси жойида бўлади. Лекин бир гапни айтиб қўяй, “Қизил Ўзбекистон”да “СССР прокуратурасида” сарлавҳа остида эълон берилганини биларсиз. Бир одам келиб: “Қодирийни мен каматганман, у халқ душмани, миллатчи. Кўраман уни оқлаган одамни. Агар сиз адлия вазири бўлсангиз, кўзингизни очинг, сизга ҳам кўрсатиб қўяман!” - деди. Мен бўпти, деб қўя қолдим. Лекин сиз бундан ҳеч хавотир олманг, энди ҳеч нарса қилолмайди. Йўл қўймаймиз. Ҳозирча бу гапни бировга айтманг”, - деб қўйдилар. Хайрон қолдим. Раҳмат деб олдиларидан чиқдим...

Енгил тортиб чиқдим-да, тўғри домла Яҳё Ғуломов ҳузурларига афторефератни олиб бордим. У киши ҳам: “Гап шу ерда қолсин”, - деб, бояги Хадича опа гапларини менга айт-

дилар-да, буни менга Халича опа айтиб бердилар деб изохлаб қўйдилар... Мен бу гапни худди биринчи марта эшитаётгандай тутдим ўзимни. Раҳмат айтиб у ердан уйимга келдим.

Йўл-йўлакай бояги гаплар миямда шундай чалкаш-чулкаш фикрлар туғдириб юбордики, борди-ю шу мавзудан гап очилгудай бўлса, мен ўзим қандай йўл тутишим кераклиги ҳақидаги ўйлар вужудимни камраб олган эди.. Бояги югуриб бориб дўк урган одамга нафратим шундай ошганки, у ва унинг атрофида айланиб, Абдулла Қодирийнинг руҳи покига янгидан болта қўтариб, айна 30-йиллардаги хужумларни тиклаётган газандалар ҳақида ўйлайман... Уларнинг жуда оз қисми оламдан ўтиб кетди, лекин кўплари ҳозир ҳам бор, бир юмалаб “истиклолчи” бўлиб олишган... Биз уларга умр тилаймиз, Худога соламмиз... Бирортасининг кетидан қувмасдан ўз ишимизни давом эттиришдан, минг шукрки, ҳали ҳам тўхтаганимиз йўқ... Ўз аждодлари қабрига тош отиб, косаси оқарган одамни ҳали ҳеч ким кўрган эмас... Агар шу нуқтаи назардан бугунги Истиклол йилларида буюк зотларимиз хотираларини абадийлаштириш, қадриятларини тиклаш, ётган ерларини обод қилиб зиёратгоҳларга айлантириш, бизга қолдирган бой маънавий меросларини чоп этиб, дунёга таркатиш-у ёшларимизни айна шу буюк маънавиятимиз заминида тарбиялаш ҳақидаги ишларимизни изоҳлашга сўз тополмайсиз. Айниқса, шу борада ўзининг бутун онгли ҳаёти-ю фаолиятини бахшида этганлар бу ишларнинг қадрини алоҳида баҳолай оладилар.

Ана энди шунча гапимизнинг хулосалари сифатида фақат Қодирий эмас, кейинги саккиз-тўққиз йилда миллий қадриятимизни тиклаш борасида амалга оширилган талбир-чораларни, Қодирийлар замондошларигина эмас, ундан олдинги-ю кейинги аждодларимизнинг маънавий меросларини ўрганишда озмунча ишлар қилиндими? Бу борада ҳамон қизгин иш давом этмоқда. 1956 - 59 йилларга келиб, шунча ҳаракатлар натижасида фақат Абдулла Қодирийнинг икки тарихий романи чоп этилди, бошқа замондошларининг, жумладан, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ғози Юнус, Беҳбудий ва уларнинг сафдошлари асарларини босиш у ёқда турсин, бирортасининг номини тилга олиб бўлмасди,

аммо Қодирийга қарши ҳужум бир он ҳам тўхтамади, бу иш 1991 йилларгача очиқ давом этди, уни давом эттиришга энди илож қолмаган, тўғрироғи, қолдирилмади. Аммо турли террорчиликка оғиб кетаётган кимсалар қайси тоифадан чиқади деб сўралса, камина “худди бояги манфаат-парастрлардан” деб жавоб берардим. Чунки уларда Ватан, миллат, маънавият, жамият, жаҳон тақдирини ўйлаш сингари муқаддас тушунчалар бўлмайди... бундайлар илгариги замонларда ҳам, қадимда ҳам, яқинда бор эди, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Имон-этикодли шахслар умр бўйи шуларга қарши курашиб яшайди. Бу ҳаётини қонун шекилли!.. Энди икки оғиз сўз биринчи саҳифадаги фикрларнинг давоми устида. Тошкентдаги “Ўзбекистон” нашриёти 1993 йилда бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимларнинг “Ҳадича Сулаймонова - ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби” номи билан хотиралар тўпламини чоп этди. Муаллифлар - йирик ҳуқуқшунос олимлар фан докторлари Бердиёр Аҳмедов, Малик Ҳакимов, Ғулом Аҳмедов, Акмал Саидов китоб чиқаришга бош-қош бўлиб, катта савоб иш қилдилар. Ҳадича Сулаймонова ҳаётлигида уни кўрган-билган, бево-сита ишлашган, мулоқотда бўлган йигирмага яқин ҳуқуқ-шунос ва бошқа соҳа одамларининг олима ва давлат ар-бобига нисбатан самимий ҳурмат баён этилган бу китобда кўплаб аниқ воқеалар, ҳужжатлар келтирилганки, худди бадиий асардек қизиқиб ўқийсиз.

Афсуски, у киши ҳаётлигида биз бунчалик тасаввур этмаган эканмиз. Китобда Ҳадича опанинг ҳаёт йўллари, илмий фаолиятлари, жаҳон миқёсидаги анжуманларда ўзбек номи билан иштирок этганлари, қатағон қилинган вакилларимизни оқлашда жонбозлик қилганлари, бағри кенглик билан етиштирган шогирдалари-ю атрофларидаги соғлом кучларга, миллий кадриятларимизга кўрсатган ғам-хўрликларининг қайси бирини санайсиз?! Агар сиз Ҳадича Сулаймонова ҳақидаги “Ёднома”ни ўқиб чиқсангиз, бу тўғрида анча маълумотга эга бўласиз.

Биз бекорга “анча” иборасини ишлатмадик. Зеро, буюк даҳоларнинг барча фаолиятларини тўла-тўқис ёритиш осон эмас. Китобнинг дастлабки саҳифаларида Ҳадича Сулаймо-нованинг олимлик йўлига кириб келиш, бу соҳада катта

ютукларга эришиб, йирик давлат арбоби, халқаро микёсдаги анжуманларда иштирокчиси даражасига кўтарилганликлари билан танишсиз. Кейин эса, хотираларни ўқийсиз. Хотиралар орасида Малик Ҳақимов, Мамлакат Восикова, Ғулом Аҳмедов, Раҳима Аминова ва бошқаларнинг ёдномалари анча эътиборни жалб этади. Бу изоҳ бошқаларни камситиш деганимиз эмас. Ҳаммалари ҳам катта ҳурмат ва эҳтиром билан ёзишгани ёрқин кўриниб турибди. Лекин ҳаммасини изоҳлашга имкон йўқ... Аммо бир қизиқ учрашув нуқтага қаранг: буюқ ҳуқуқшунос олимамиз ҳақидаги камина хотираси қоғозга тушаётганда Вазирлар Маҳкамасининг буюқ ватандошимиз улуғ ҳуқуқшунос олим Бурҳониддин Ал-Марғиноний таваллуд санасини нишонлаш ва маънавий меросини ўрганиш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Унинг асарларини чоп этиш, ҳаёти ва илмий фаолияти, жаҳон фанига қўшган хиссалари тўғрисида тадқиқотлар олиб бориш, номини адабийлаштириш ва ҳоказо тадбирлар белгиланади. Ўша даҳоларнинг бизга замондош авлоди бўлмиш Ҳадича Сулаймонова фаолиятида - сталинчи қотиллар томонидан қатағон қилинган буюқ зотларимизни оқлаш, руҳларини шод этиш номларини абадийлаштириш бўйича алоҳида ўрин тутди. Бу Ҳадича Сулаймонованинг имон-эътиқодли, ҳақиқат учун курашчи эканлигини яна бир бор эслатади. Бу ўша биз кўриб турган миллий мустақилликнинг 50 60 йиллардаги мафтуноклари - Ҳадича Сулаймонова, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Абдулла Қаххор, Шайхзода, Ҳамид Сулаймонлар фаолиятини, уларнинг Қодирий ва унга замондош бўлган буюқ ватандошларимиз тақдири ҳақидаги ғамхўрликларини доимо эслатиб туради... Булар ҳаёти ва фаолияти ёшларгагина эмас, катталарга ҳам абадий тарбиявий манба сифатида бебаҳо меросдир...



## Сўнги сўз. Шахс, Ватан ва жамият

Сарлавҳадаги ҳар бир сўз ёки ибора остида олам-олам маъно бор. Унинг ҳаммасини бир мулоҳазада тўла очиб бериш қийин. Аммо бу ҳақдаги тушунчалар шу қадар кўп ва хилма-хилки, айти шу тафовутлар аксар одамлар ўртасидаги фаркларни ҳам кўрсатб қолади. Асли мавзуни катта кўпчилик етук зиёлиларнинг биргалашиб, жуда жиддий-хамфикр бўлиб чуқур ўйлаб ишлашлари, янада муҳимроғи, ҳалол, беғараз фикр-мулоҳаза юритишлари билангина чинакам илмий назарий жиҳатдан тўла ҳал қилиш мумкин бўлади...

Негаки, агар бутун онгли ҳаётингизда ўз ватанингиз, халқингиз, иложи бўлса, қўшни-қардош халқлар ва жаҳон миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни зийраклик билан кузатиб яшаган бўлсангиз ёшингиз олтмиш, етмишлардан ошганда ҳам шу тафаккур сизни тарқ этмайди. Бугина эмас, ҳар бир воқеа, ходиса, шахс, ватан, жамият ҳаётида рўй бериб келаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатингизни билдирмай, улардан муайян хулосалар чиқармай, яна, ўз фикр-мулоҳазаларингизни ахборот воситаларида изҳор этмай туролмайсиз... Агар бу ҳақда яна ўйлаб қаралса, фикрлаш, муносабатлар билдириш, хулосалар чиқариш ва буларни эълон қилиш қизил империя даврида онгли, софдил инсонларни, айтганда шахс даражаси савиясига эга бўлган етук зиёлиларни кабул қилишга дучор қилди, қалбини ўртади, муттасил дилгирлик дўзахда ёндириб келди; нечача мингларини қуйдириб қулини қўқак совурди... Кузатиб юрганлар билишар - камина қарийб қирқ йиллардан ортик ўтган даврда фақат қизил империя даврида сталинчи қотиллар томонидан қатл этилган зиёлилар, ўзбек ёзувчилари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тадқиқот олиб бориб, қандай шахс, қандай жамият, қандай раҳбарларга дуч келганларимизни бир зум кўз олдимизга келтирсак олдимиздан нималар ўтаётгани - ўзи бир яхлит тарих бўлиб қолибди. Ишларимиз XX аср ўзбек адабиёти тарихига материаллар бўлиб қолар, аммо гап фақат бунда ҳам эмас.

Бизга рухий мадад - маънавий озуқадан бошқа бирор амал, мукофот, бойлик, мошина дача, бирор дам олиш ёки даволанишга текин йўлланма бермайдиган кимсалар тарихини ёзишга умрини бахшида этиш, қанчадан-қанча тўсиклар, таҳқирларга учраш жараёнлари нега керак эди? Бунинг ўрнига “бозорбоп” мавзулар катта амалларга чиқиб олиб нукул ёзувчиликни даъво қилганлар ҳақида “нарсалар” мадхиялар ёзиб юрганлар барча имтиёзларга эга бўлдилар-ку?! Ҳаммаси кўз олдимизда рўй берган кечаги ҳаётимиз тарихи эди-ку?! Бирок, шунга ўрганиб кун кўрганлар билан унга кўникмасдан ўзини қийнаб яшайдиганлар ҳаётда бўлган, бор, бундан кейин ҳам бўлади. Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитратлар ва уларнинг ҳамфикрлари шундай шахслар эди - биз айти шундай киёфали инсонларни шахслар, буюклар, йўлбошчилар деб атаймиз, негаки, улар имон билан эътиқод ўз ҳузур-халоватидан кечиб халқ, жамият, давлат манфаатини кўзлаб ишлайдилар, яшайдилар, буюк шахс даражасига кўтарилдилар. Улар ҳаётлигида - юртим-элим деб барча тўсикларга дош бердилар... шу эл, шу юрт, шу давлат, шу жамият тақдирини ўйлаб ғамхўрлик қилдилар. то сўнгги нафасларигача ўз виждонлари, имонларига қарши иш қилмай, олиё мақсадларига содиқ қолдилар, орзуларига етолмай оламдан армон билан кўз юмдилар, афсус!.. Улар ҳаётлигида ҳеч ким уларга мадхия ўқимади, аксинча, айрим нодонлар фақат уларни турткилади, таҳқирлади, ҳақорат қилди ниҳоят қатл этдилар. Аммо эл-юрт, жамиятда яшаётган ҳар бир онгли инсон, имон-эътиқоди бор кимса уларни ҳурматлади, иззат-икром билан муносабатда бўлди, улар ғоят катта обрў-эътиборга эга сиймолар даражасига кўтарилдилар ва XX аср ўзбек адабиёти тарихига, ўзбек маданияти ва маънавияти тарихига энг мўътабарли сиймолар сифатида кирдилар... Демак, шахсни мадхиялар, ёлғондакам мақтовлар, бирор манфаатни кўзлаб қилинадиган ялтоқлар эмас, эл-юртига келтирган манфаати борасидаги фаолияти юксакликка кўтаради, ўзи обрў қозонмай туриб бировлар берган ясама мадхиялар вақт соати билан ўз-ўзидан йўқолиб кетади, халқ, бутун бир жамият ёки давлат фуқароларининг кўпчилик қисми томонидан тан олинган обрў-эътибор

абადий қолади, ҳатто шахснинг ўзидан кейин асрлар оша авлодлардан авлодларга ўтиб яшайверади, тиллардан тилларга, диллардан дилларга ўтади, чунки бу обрў-чинакам, табиий, самимий, ҳаётнинг ўзи ато этган-илохий мавқе дейилса ҳам хато бўлмаса керак... Ана шу айтилганлардан келиб чиқиб шахснинг жамиятдаги ўрни ҳақида ўйласак, кизиллар ҳукмронлиги даврида бу мавзуга муносабатларнинг тескарисига дуч келамиз. Негаки, ҳамма соҳадаги сингари бу борада ҳам ҳақиқат бузиб талқин этилган, ҳаммани шунга мажбур этилган. Натижада тарих, адабиёт, фалсафа - худди ўша давр ҳаётининг ўзидай нотўғри йўлга солинган эди...

Коммунистлар асли истаган шахсни истаган вақтда қатл этиш учун шахснинг ролини пастга уриб кўрсатишар. Халқни гўё ҳурматлаётган бўлишарди, ҳаётда эса бунинг акси қилинар. Ҳамма нарсани бир киши ҳал қилади, уни халқ истаги деб кўрсатилади ва хоказо... Фақат истиклолимиз бу борада ҳам бизга ҳақиқатни айтиш имкониятини бердики, биз буюк аждодларимиз, бой тарихимиз, битмас-туганмас маънавий хазиналаримиз эшиқларини эндигина очиб кира бошладик. Агар жамиятда шахснинг роли ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлмаса, бундай имконият қаяқда эди? Биз бу билан жамият, халқнинг тарихдаги ролини заррача камситмаймиз, бироқ ҳар бирининг роли тарихда қандайлигини ўзи кўрсатиб келади. Биргина мисол: буюк бобомиз амир Темур эл-юртни, турли табақадаги бутун халқ оммасини қанчалик ҳурмат қилмасинлар, ҳаётда шахснинг роли нақадар қатталигини чуқур идрок этганлар, унга муттасил аҳамият берганлар. Давлатни уч нарса саклайди, агар биз Амир Темурнинг давлатга ҳаётбахш этадиган уч манба Мулк, Ҳазина, Лашкар деган кўрсатмасини эсласак, у буюк зотнинг жамиятни бошқаришдаги туб заминини қискагина бир жумлада нақадар чуқур асослаб берганини тушуниб оламиз. Демак, яна айланиб келиб шахс, яъни раҳбар бошлиқ, жамият, давлат ва уларнинг инсоният тарихида тутган ўрни масаласига келиб тақаламиз. Зеро, ер юзида бундан мустасно ҳаётнинг ўзи йўқ... Агар шу нуқтаи назардан бутунги дунё воқеаларига бир назар ташласак, шу жумладан МДХ ҳаётига қарасак,

кўз олдимизга қандай манзаралар келади? Барчасида етакчи шахслар қандай роль ўйнаётгани намоён бўлади? Бир мамлакатда бир йўлбошчининг биргина ўринсиз ёки ўринли хатти-ҳаракати ўша юрт халқи, иқтисоди, сиёсати ҳаётида қандай акс этади? Бу саволларга бир неча мисоллар билан назар ташлайлик-чи. Айтайлик, Ироқ қандай даввога асосланиб иш кўрганидан қатъи назар бундан бир неча йил илгари ёнгинасидаги - кўшниси Қувайтни босиб олди. АҚШ, Буюк Британиядан тортиб дунёнинг 30га яқин давлатлари бирлашиб бир зумда Ироқни босқинчиликдан четлатди. Қувайтни қутқариб олди. Саддам Ҳусайн раҳбарлигида рўй берган бу воқеа баҳонаси билан неча йилдирик бутун Ироқ халқи иқтисодий танглик, камал остида жабр кўрмоқда - у ерда очлик, хилма-хил касаллик, мамлакатни илма тешик қилиб текшириш, агар унга қўнмаса, АҚШ билан Англия Ироқ устига қўшин тортиш хақида баралла таҳдид солмоқдалар. Германияда кўп йиллар раҳбарлик қилган Эрик Хонеккер, Чилида ҳукмронлик қилган Пиночет, жанубий Осиё мамлакатларида бир вақтлар ҳукмронлик қилган шахсларнинг ўша даврдаги қилмишлари учун жавобгарликка тортиш ҳаракатлари. Югославия, Албания, Болгария каби собиқ социалистик мамлакатларининг раҳбарлари устида жаҳон бўйлаб тарқалаётган шовшувларнинг ҳаммаси тарихда шахснинг роли нимадан иборатлигини қайта кўриб чиқиш муаммосини олдимизга қўймадими? Бугина эмас, масала кўриб чиқишдангина иборат бўлиб қолмайди, бундан кўзда тутилган мақсад миллий кадрлар тайёрлашдан бошлаб, юртга етакчиларни танлашгача бориб тақалади ва бу масаланинг туб негизини тайин этади. Мамлакатдаги иқтисод, сиёсат, илм-фан, техника, маданият сиёсатидан бошлаб бутун ҳамма муаммонинг ечими оқибат натижада бориб йўлбошчи фаолиятига тақалаверади...

Болтикбўйидаги уч мамлакат, Украина, Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашлар таҳсинга лойиқ дейиш мумкин. Негаки, қафасдан қутилган қуш яна қафасга ўз ихтиёри билан қирмайди, гарчи у олтиндан ясалган бўлса ҳам... Ана шу жиҳатдан пайдо бўлаётган “гоҳ иккилик” гоҳ “тўртлик” деб аталаётган

тузилмаларга хайрон қоласан. Собик СССР инкирозга юз тутиши натижасида юзага келган МДХ ўртасида тенг ҳуқуқли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ўрнига, улар ичида яна гуруҳлар тузиш ва буларни божхона, ягона мудофаа “ёки” ягона пул-у, иқтисодий ҳудуд” деб аташ кимга ва нимага керак бўлиб қолди? Очиғини айтганда булар ўз эли-юрти, халқи ҳаётини тузата олмай, бировларни босиб олиб кун кўришга ўрганиб қолган - империячи кучларнинг талвасасидан бошқа нарса эмас... Хуллас, гап кўп, кўмир оз, деганларидек, агар шу нуктаи назардан ўз республикамизга назар ташласак, биздаги барқарорлик, ўсиш, ўзгариш, ривожланишни энди бутун дунёдаги энг илғор мамлакатларнинг раҳбарлари очик тан олмоқдаларки, бундан қалбида заррача имон-инсофи бор шахс фахрланмаслиги мумкин эмас... Шу ўринда... тарихда шахснинг роли ҳақида гап кетганда ўз эл-юртимиз ўтмишидан ҳам, жаҳон халқлари тарихидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бирок, биз ўзимизга энг яқин айрим далиллар билан чекланамиз, бу бизга бошқалардан кўра тезроқ тушуниб олиш имконини беради. Улуғ соҳибкирон бобомиз - Амир Темур Буюк Турон давлатини барпо этишда нақадар куч-ғайрат, фаолият кўрсатганини темуршунослар узлуксиз исботлаб, шарҳлаб келмоқдалар. Биз бу тарихдан ўз мақоламиз доираси талабларидан келиб чиқиб биргина нуқтасига эътиборни жалб этамиз. Зеро, Темурийлар тарихида энг муҳим аҳамият касб этган нуқта ҳам шу бўлса ажаб эмас: Амир Темур бобомиз вафотларидан олдин - ўз қазолари етганини идрок этиб, ўғиллари, набиралари, вазирларига қилган васиятларида Турон давлатининг бундан кейинги тақдири ҳақида, тайинланган валиаҳд теварагига жипслашиб ўзаро ахиллик, тотувлик билан иш юритиш ҳақида куйиб-пишиб изҳор этган фикр-мулоҳазаларини ахборот воситаларимизда ҳамон эълон қилиниб келинмоқда. Аммо биз айтмоқчи бўлган мулоҳаза - айни ўша буюк шахс васиятларини индамай эшитиб туриб, Соҳибкирон вафот этганларидан кейин унинг васиятларига хиёнат қилмай, ҳатто буюк марҳумнинг орзуларига хиёнат қилиш туфайли балоларга грифтор бўлганлар устидадир. Темурдан кейин авлодлари орасида тож-тахт талаши бошланиб кетган

хунрезликлар оқибатида бир бутун қудратли давлат парчаланиб кетди... Марказий Осиёда уч хонлик пайдо бўлди, булар ўртасида ҳам доимо зиддият, ер талаш, обрў талаш, бойлик талаш, амал талаш каби қарама-қаршиликлар Темур давридаги тараққиётни барбод қилишга, хонликларнинг кучини заифлаштиришга, ҳуллас ўрта асрлардаги буюк Турон мавқеини жаҳон миқёсида орқага тортишга олиб келдики, бунинг энг катта фожиали оқибатида чор Россиясининг Марказий Осиёни бутунлай забт этишга олиб келди... Модомики, Амир Темур даврида бу ўлкага дунёнинг бирон давлати ҳужум қилишга журъат этолмаган, уриш бошлаганлари фақат енгилган... Яна бир мисол. Ҳиндистонда Тожимаҳалдек буюк иншоотларни барпо қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шохлик қилган даврда мамлакат жаҳон миқёсида катта мавқега эга бўлганини Ҳинд халқининг буюк дохийси - Жавоҳарлал Неру “Ҳиндистоннинг очилиши” асарида алоҳида таъкидлаб ўтди. Совет даврида тарих ва адабиётларимизда мамлакатимизда Бобурни “боскинчи” деб жар солинаётганда ўша Бобур босиб олган Ҳиндистоннинг дохийлари Бобур Ҳиндистонга маданият, маърифат, маънавият киритганини шавк билан эътироф этмоқда эдилар. Бобур вафотидан кейин нима бўлди? Худди Темурийларнинг бошқа авлодлари сингари бу ерда ҳам тож-тахт, амал талаш авжга чикди. Ноахиллик бу сафар ҳам мамлакатни боскинчиларга, яъни инглизларга ем бўлишига олиб келди. Натижада, инглизлар Бобур авлодларининг энг сўнггиси Дехлида ҳоким бўлиб турган ерида асрга олинди, қамалди, сургун қилинди, хатто унинг ўлим олдидаги энг сўнгги - илтижоси

Дехли тупроғида дафт этишни сўраб қилган тилагини ҳам боскинчилар рад қилганини бир эсга олиб кўрсак, буюк шахсларнинг тарихдаги ролини англамаслик нақадар катта фожиаларга замин бўлажagini чуқурроқ англаб етардик...

Юртбошимизнинг олтмишга тўлиши муносабати билан АҚШдан Россиягача, бутун Оврўпо, Араб мамлакатлари, Туркия, МДХ мамлакатлари раҳбарларидан келган табрикномалар эълон қилинди. Шулар орасида Грузия президенти Эдуард Шеварнадзенинг интервьюси бизга алоҳида

мазмуни билан ажралиб турадигандай сезилди. Грузия рахбари Юртбошимиз ҳақида жуда ўзига хос, ҳеч кимнинг фикрига ўхшамаган бир гапни айтди: “Афғонистондан совет аскарларини олиб чиқиш ҳақида маслаҳатлашиш учун Горбачев мени, Ислом Каримовни, Нажибулло ва бошқаларни маслаҳатга чақирди. Сухбат жуда мураккаб, ярим тунгача давом этди. Кейин - сухбат тутагач, Ислом Каримов иккаламиз ҳолис айланиб, уч соатча гаплашиб юрдик. Шунда мен унинг фикр доираси кенглигига, ғоят дадиллигига, келажакни аниқ кўра билишига қойил қолдим. СССРнинг барбод бўлиши ҳақида гап йўқ эди, аммо Ислом Каримов менга энди Иттифок адо бўлди... Мустақил давлатлар пайдо бўлади қобилида қаромат қилди ва у шу онларда - мустақилликка тайёр бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам сиз биринчилардан бўлиб ўзингизни мустақил деб эълон қилдингиз. Халқингиз ҳам шунга тайёр бўлиб қолишига Ислом Каримов сабаб бўлди...” Бу кичкина гап эмас эди... Яна Шеварнадзе таъкидлайди: “Мен ислом Каримовнинг хотирасига хайрон қоламан. Ўзбекистон Республикасигина эмас, дунёнинг қайси мамлақати ҳақида гап очилса, ундаги рақамлар, исмлар, давлат арбоблари, тизилмалари ҳақидаги маълумотларни ёд айтиб бераверади... Бу жуда ноёб қобилият... Истеъдод... Ислом Каримовдек президентга эга бўлиш - ўзбек халқининг бахти-ку...” Бу гаплар тарих эмас, бугунги гаплар, ўйлаб кўрилса, айтилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси тарихда, жамиятда, давлатни идора этиш жараёнида шахснинг роли нақадар буюк ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги ёрқин намоён бўлади...

Яна бир муҳим жаҳоншумул нукта:

Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт Академияси ректори Юртбошимизга Академия Илмий Кенгаши қарори билан фахрий докторлик унвони берилгани ҳақидаги қарори, нишони, либосини топширгани ахборот воситаларида эълон қилинди. Телекўрсатувда ҳамма кўрди, шу муносабат билан ректор нутқида бир фикр алоҳида эътиборни жалб этади, яъни, жаҳон миқёсида шундай унвонга муносиб кўрилганлар сони 36 кишидан иборат экан, энди 37 кишига етибди. Ректор изоҳича, бу унвонни беришда амали, лавозими ёки яна бошқа сифатларига

эмас, фақат яратган иши асарининг моҳиятига эътибор берилар экан. Ислон Каримовнинг барча илмий-назарий ишлари, шу жумладан, “XXI аср бўсағасида...” китоби катта таъсурот қолдиргани, жаҳон миқёсида унинг катта аҳамият касб этаётгани илмий кенгаш аъзолари томонидан тан олингани - бу унвоннинг берилишига сабаб бўлганини алоҳида таъкидлади.

Кўз тегмасин, истиқлолимизни сақлаш ва мустақамлашга хисса қўшиш Ўзбекистондаги хар бир софдил фуқаронинг имон-эътиқоди, муқаддас бурчидир...



## Мундарижа

Сўз боши.....	3
Кириш.....	5

### I Боб. Фидойилик

Маънавиятнинг туб негизи маърифатдир.....	14
Миллатларни, халкларни ким ёки нима бирлаштиради.....	21
Миллат ва маънавият кўзгуси.....	29
Истикболнинг муҳим омиллари.....	36
Охиратни ўйлаш имон-этикод белгиси.....	44
Онг нима-ю, англаш нима? Идрок нима-ю, амал нима?.....	50
Маънавият оламининг туб негизи.....	57
Маънавий ҳуқуқ нима ўзи?.....	65
Фидойилик нима ўзи?.....	74
Олий максалларга интилиш имон, этикод даъватидир.....	82
Ватанпарварлик қандай тушунча?.....	89
Бугуннинг кадри.....	95
Миллий-маданий марказлар - истиклол маҳсули, миллий тотувлик эса тинчлик қафолати.....	103
Жамиятнинг абадий муаммоси.....	108
Хотира ва кадрлаш муқаддас туйғу.....	117
Зиёратгоҳ имон-этикодга даъватгоҳдир.....	121
Шахидлар руҳи шод бўлди.....	124
Соғлом авлод у қандай тушунча?.....	127
“Халқ душманлари” кимлар ва улар халққа қандай “душманлик” килдилар.....	132
Динни рўқач қилиб қон тўкиш, бойликка интилиш - қабоҳат эмасми?! .....	141
Тарихнинг тарбиячилиги нимада?.....	147

### II Боб. Истиклол ва миллий кадриятларимиз бугун

Абдулла Қодирий (Жулқунбой).....	270
Маҳмудхўжа Бехбудий.....	320
Абдурауф Фитрат.....	362
Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон.....	476
Машрик Юнус ўгли - Элбек.....	518
Ғози Юнус.....	538
Маҳмуд Ходиев - Боту.....	560
Инсон хотираси муқаддас туйғу. Улуғ сиймо эди.....	582
Яхшининг шарофати.....	587
Зар кадрини заргар биледи.....	593
Устоз Саъди Ҳасанович.....	597
“Романска” қоровули Уста Қуллол ва Ҳамроқул.....	603
Тўрт учрашув.....	610
Иқтидорли олима.....	617
Сўнги сўз. Шахс, Ватан ва жамият.....	623

Муаллиф китобининг чоп этилишини қўллаб-қувватлаган-  
лиги учун Республика Фан ва техника Давлат қўмитасига миннат-  
дорлик билдиради.

Аҳмад Алиев  
Маънавият, қадрият ва бадиият

“Академия” нашриёти  
Тошкент - 2000

Мухаррир:	Шерматилла Юсупов
Рассом:	Рустам Султонов
Техник муҳаррир:	Ирина Розикова
Мусаххих:	Дилбар Қобулова
Компьютерчилар:	Гулнора Абдуллаева, Нилуфар Дадажонова, Дилафруз Карабаева.

Теришга берилди 20.06.2000. Босишга рухсат этилди 30.08.2000. Бичими  
84X108 1/32. Нашр босма табағи 40.0. Шартли босма табағи 39.5. Адади  
2000. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 1216.

«Шарк» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.